

TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYA

2022
6-son

ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-uslubiy jurnal

ISSN 2181-8274





*Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-uslubiy jurnal.
1996-yilda tashkil etilgan.*

Tahrir hay'ati raisi:

Sh.U.Yakubov

Oliy ta'limni rivojlantirish tadqiqotlari va ilg'or
texnologiyalarni tatbiq etish markazi direktori

Tahrir hay'ati raisi o'rinbosari:

M.X.Esanov

Bosh muharrir:

A.T.Eshmurodov

Bosh muharrir o'rinbosari:

A.A.Sabriyev

Tahrir hay'ati a'zolari:

L.R.Zaripov

A.A.Dadasheva

Sh.A.Rasulov

M.M.Inagamova

S.Q.Maxsumova

S.S.Samandarova

S.S.G'oziyev

O.N.Toshpulatov

Jamoatchilik kengashi a'zolari:

Q.X.Abduraxmanov

Sh.T.Qudratxo'ja

G.Sh.Rixsiyeva

Sh.S.Sirojiddinov

R.I.Xolmurodov

A.I.Toshpulatov

N.M.Jabborov

M.A.Raxmatullaev

T.Z.Teshabayev

M.Q.Sultonov

Dizaynerlar:

M.Yo'ldashev

Sh.B.Sobirov

TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYA

Javdat Po'latov

“Oliy ta'lim muassasalarida ma'naviy-ma'rifiy ishlarning o'ziga xos xususiyatlari” 6

Feruza Maxamatova

“Bo'lajak o'qituvchilarni intellektual faoliyatga tayyorlashning hozirgi ahvoli va uni takomillashtirish yo'llari” 9

Зокир Рахимов

“Олий таълимда талабалар креативлигини оширишга қаратилган фаоллаштирувчи усуллардан фойдаланишнинг зарурияти” 12

Меҳринигор Яхшиева

“Научно-педагогические основы повышения двигательной подготовленности студенток средствами аэробики” 16

Jasurbek Azamov

“O'zbekistonda oliy ta'lim muassasalari boshqaruviga akademik va moliyaviy avtonomiyani joriy etishning samaradorligi” 20

Laylo Xusinova

“Talabalarda kompetentlikni rivojlantirishda axborot kommunikatsiyalarning roli” 23

Jamshid Qarshiyev

“Ta'lim jarayoniga sun'iy intellektni qo'llashning afzalliklari” 26

Гулнора Норматова

“Бошланғич синфларда интеграциялашган дарсларни ташкил этишнинг улубий асослари” 29

Журъат Саидов

“Шарқона қадриятлар асосида фарзанд тарбияси (Шарқ мутафаккирларининг илмий меъросида)” 35

Gavhar Abdullayeva

“Boshlang'ich sinf tabiatshunoslik darslarida mavzularni modellashtirishning ahamiyati” 38

Фахриддин Тошболтаев

“Олий педагогик таълимда педагогик ва ахборот технологиялари интеграциясини таъминлаш мазмуни” 41

Gulnora Xolboyeva

“Boshlang'ich sinf o'quvchilarida matnni tushunish va adabiy tushunchalarni shakllantirish yo'llari” 45

Muassislar:

O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi,

Oliy ta'limni rivojlantirish tadqiqotlari va ilg'or texnologiyalarni tatbiq etish markazi

Manzil: 100095, Toshkent shahri, Olmazor tumani, Shifo nur ko'chasi, 75-uy

Telefon: (71) 207-03-41

e-mail: rmxat@edu.uz

Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot agentligidan 2014 yil 26 dekabrda 0506 raqami bilan ro'yxatdan o'tgan.

Jurnal har oyda o'zbek, rus va ingliz tillarida elektron shaklda chop etiladi.

“Ta'lim, fan va innovatsiya” jurnali O'zbekiston Respublikasi Oliy attestatsiya komissiyasi Rayosatining 2015 yil 18 noyabrda 218/5-sonli qarori bilan 13.00.00 – PEDAGOGIKA FANLARI bo'yicha, 2018 yil 28 noyabrda 247/6-sonli qarori bilan 23.00.00 – SIYOSIY FANLAR bo'yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

“Ta'lim, fan va innovatsiya” jurnalidan ko'chirib bosish faqat tahririyatning roziligi bilan amalga oshiriladi. Maqolada keltirilgan faktlarning to'g'riligi uchun muallif mas'uldir. Tahririyat fikri mualliflar fikriga mos kelmasligi mumkin.

Jurnalning to'liq matnini esijournal.uz rasmiy saytidan yuklab olishingiz mumkin.

Maqola va murojaatlaringizni [@esijournalbot](https://t.me/esijournalbot) telegram bot'iga yuboring.

Баҳром Ханимулов

“Применение статистики на уроках информатики” 48

Surayo Sharipova

“Oilaviy munosabatlarda umummadaniy dunyoqarashni shakllantirishning bola tarbiyasiga ta'siri” 53

Мухриддин Узоқов

“Кичик МТТ ёшидаги болалар учун ўйиннинг асосий мазмун ва моҳияти” 56

Muhabbat Tayirova

“Bo'lajak informatika fani o'qituvchilarini o'qitishda multimedia texnologiyalarini qo'llanishning nazariy va amaliy ahamiyati” 59

Dostonjon To'rayev

“Nanoparticles from artichoke extract obtaining and their properties” 63

Sojida Ashirova

“Bolalar nutqida pozitiv-komunikativ sifatlarni shakllantirishning fiziologik va psixologik mazmuni” 67

Тождидин Зайниддинов

“Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларнинг жисмоний тарбияга бўлган қизиқишларини аниқлаш методикаси” 69

Nazira Abduqodirova

“Bolalarni maktab ta'limiga tayyorlash shakllari va metodlari” 72

Nabijon Temirov

“Кооператив та'лим асосида talabalarda kreativ qobiliyatni rivojlantirishning hamqorlikni ahamiyati” 76

Лайло Дониёрова

“Проблемы интеграции технологий в процессе обучения” 80

Максуд Аббасханов, Нодир Абдушахидов, Нажмиддин Зайниддинов

“Ўзбекистоннинг сув ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги сиёсати: муаммо ва ечимлар” 83

Muxtarali Sultanov, Lazzat Saydaliyeva

“O'qituvchi mehnatini ilmiy asosda tashkil etishda pedagogik mahoratning roli” 88

Turdali Sultanov

“Maktab ta'lim pedagogikasida o'qituvchi va o'quvchilar bilan ishlashni tashkil etish” 91

Галина Шадыбаева

“Интеграция мультимедийных технологий в самообразование” 94

Анвар Ахаткулов, Савронбек Турсунмуратов

“Компетентли ёндашув мактаб таълимини янгилаш омили сифатида” 97

Bahora Narzullayeva	
“Mahallalarda millatlararo do‘stlik aloqalarini rivojlantirishning dolzarbligi”	101
Дониёр Гадаев, Жамшид Есиргапов	
“Умумтаълим мактаблари ўқувчиларида шаклландиган таянч компетенциялар тавсифи”	105
Charos Berkinova	
“Maktabgacha ta’lim tashkilotlari tarbiyalanuvchilarida valeologik tarbiya jarayonining pedagogik ahamiyati”	110
Eldor Tangirov	
“Talabalarda etnomadaniy bag‘rikenglikni shakllantirishning ahamiyati”	113
Шахноза Кобилова	
“Инклюзив таълим маконини барқарорлаштириш ҳамда унинг педагогик шарт-шароитларини мувофиқлаштиришнинг муаммо ва ечимлари”	116
Iqbol Boltayeva, Maxmatmurot Shomirzayev	
“Surxon kashtachilik san’atiga moziydan nazar”	119
Нурислам Чориев	
“Халқ хунармандчилиги машғулотларини замонавий педагогик технологиялар асосида ўқитиш”	123
Muhabbat Po‘latova	
“Pedagoglarning innovatsion kompetensiyasini shakllantirish strategiyasining samaradorligi mezonlari”	127
Мавлон Бекмирзаев, Раъно Болтаева	
“Биология таълимида ўқувчилар мустақил ишини ташкил этиш усуллари”	132
Baxtigul Mavlonova	
“Oliy talim muassasalari talabalariga boshqaruv kompetensiyalarni takomillashtirishning ahamiyati”	136
Shaxriddin Mizomov, Farida Ochilova	
“Jismoniy rivojlanishda gimnastika vositalaridan foydalanishning ahamiyati”	139
Dilafuz Qurbonova	
“Temuriy malikalar ma’naviy merosi asosida talaba qizlarda ma’naviy-axloqiy qadriyatlarni takomillashtirishda pedagogika va axborot texnologiyalaridan foydalanish”	144
Шерзод Зармасов	
“Касбий рефлексия асосида бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик таёргарлигини ривожлантириш”	148
Sevinch Sattarova	
“O‘rta maktab o‘quvchilarini kasbga yo‘naltirishda sinf rahbari va o‘qituvchilarinig o‘rni”	151
Jasurbek Qurbonov	
“Bo‘lajak o‘qituvchilarda intellektual madaniyatini rivojlantirishda falsafa fanini o‘qitishning pedagogik jihatlari”	155
Mamura Kushakova	
“New methods for the development of the digital economy”	158
Лочин Зарипов	
“Технология ўқитувчилари касбий тайёргарлиги асослари”	162

Азамат Усмонов

“Замонавий олий таълим муассасаларининг наъмунавий устави: белгиланган талаблар, халқаро тажриба ва миллий хусусиятлар” 166

Gulistan Musayeva

“Rus tilini o‘rganish ahamiyati va o‘qitishda interfaol usullardan foydalanish ko‘nikmalari” 171

Талғат Нишанбеков

“Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг инновацион технологиялари асосида касбий компетентлигини ривожлантириш” 175

Нодима Орипова, Зулайхо Тиркашева

“Бўлажак педагогларда компетентликни шакллантириш юзасидан олиб борилаётган илмий тадқиқотлар шарҳи” 178

Равшанбек Мавлонов

“Фанлараро интеграцион ўқитиш асосида касбий компетентликни ривожлантиришнинг педагогик технологияларини лойиҳалаш” 181

Шахноза Позилова

“Малака ошириш курсларида профессионал таълим ўқитувчиларини касбий креативлигини ривожлантиришда инновацион-методик лойиҳаларнинг ўрни ва роли” 185

Сардор Сатторов

“Умумтаълим мактаблари ўқувчилари интизомсизлигининг асосий омиллари” 188

Севара Сулейманова

“Художественный концепт учителя в современной литературоведении” 193

Тўйчи Ахмедов

“Давлат бошқарувини кенгаш институти асосида юриштишнинг назарий асослари” 197

Озода Толипова

“Олий таълим ташкилоти талабаларида креатив фикрлашни шакллантирувчи ижтимоий омиллар” 201

Тўлқин Маматалиев

“Масофавий таълим сифатини мониторинг қилишда сўровномалар ўтказиш ва ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари” 206

Махсума Ходжиматова

“Ўзбекистонда инклюзив таълимнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари” 210

Дониёр Тураев

“Технологик таълим йўналиши талабаларининг график компетентлигини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари” 212

Зухра Чориева

“Олий таълимда талабаларнинг касбий компетенцияларини шакллантириш хусусиятлари” 216

Анвар Турабов

“Инновацион таълим муҳитида бўлажак мутахассисларнинг касбий мобиллигини умумривожлантириш ва ихтисослаштириш тамойили асосида шакллантириш” 220

Фотима Исламова

“Ўғил болаларни мустақил оилавий ҳаётга тайёрлаш: педагогик омиллар, методологик асослар, тарбиялаш ва самарадорлик” 224

Олимжон Тухтаев

“Намунали оила моделини яратишнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари” 228

Шерзод Расулов, Муталиб Қосимов

“Олий таълим муассасалари иқтисодий фаолиятининг самарадорлигини белгиловчи омиллар” 230

Жамшид Худойкулов

“Она тили ва ўқиш саводхонлиги фанини ўқитиш узвийлигини таъминлашнинг педагогик асослари” 234

Рустам Худайкулов

“Талабаларни инновацион ёндашув асосида муҳандислик касбий фаолиятига тайёрлашнинг баъзи жиҳатлари” 237

Шокиржон Холматов

“Кредит-модуль тизимида шахснинг ўз-ўзини ривожлантиришига таъсир кўрсатувчи функционал ва субъектлик-мақсадли ёндашувлар” 241

Ғайрат Қодиров

“Эвристик метод ёрдамида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетенцияларини ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари” 245

Sevinch Sattarova

“O'rta maktab o'quvchilarini kasbga yo'naltirishda oila va xalq pedagogikasining ahamiyati” 249

Erkin Bozorov, Asliddin Jo'liyev

“Neytronlar fizikasi” fanini o'qitishda interfaol usullardan foydalanish” 252

Nodira Kushieva

“Clusterization of educational system: the principle of continuity in education as a pedagogical issue” 255

Гулноз Мардиева

“Олий таълим муассасаларида кредит-модуль жараёнининг ташкил этилиши” 259

Барно Хуснидинова

“Развитие профессиональной компетентности будущих логопедов на основе деонтологического подхода” ... 262

Malika Po'latxo'jayeva

“Oiladagi bemor farzand uchun tibbiy-pedagogik va psixologik maslahatlar, yondashuvlar” 265

Sayfulla Dottoyev

“Zamonaviy axborot-metodik ta'minotni yaratish va rivojlantirish tamoyillari” 269

OLIV TA'LIM MUASSASALARIDA MA'NAVIV-MA'RIFIV ISHLARNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

Javdat Po'latov,

O'zbekiston davlat Jahon tillari universiteti
dotsent vazifasini bajaruvchi (Phd)

Annotatsiya

Ushbu maqolada oliy ta'lim muassasalarida ma'naviy-ma'rifiy ishlarning ahamiyati va o'ziga xos xususiyatlari muhokama qilingan. Bundan tashqari, oliy ta'lim muassasalarida ma'naviy-ma'rifiy ishlarni tashkillashtirishda foydalanish mumkin bo'lgan zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining imkoniyatlari haqida so'z yuritiladi.

Kalit so'zlar: ma'naviy-ma'rifiy ishlar, ta'lim-tarbiya, jamiyat, yoshlar, barkamol avlod, mafkura, axloqiy bilim.

Аннотация

В данной статье рассматриваются важность и особенности духовно-просветительской работы в высших учебных заведениях. Кроме того, обсуждаются возможности современных информационных и коммуникационных технологий, которые можно использовать при организации духовно-просветительской работы в высших учебных заведениях.

Ключевые слова: Духовно-просветительская работа, образование, общество, молодежь, зрелое поколение, мировоззрение, нравственные знания.

Annotation

This article discusses the importance and specific features of spiritual educational work in higher education institutions. In addition, the possibilities of modern information and communication technologies, which can be used in organizing spiritual educational work in higher educational institutions, are discussed.

Keywords: Spiritual and educational work, education, society, youth, mature generation, ideology, moral knowledge.

Ma'lumki, istiqloq yillarida mamlakatimizda ta'lim-tarbiya sohasini isloh qilish va rivojlantirish masalasi davlat siyosatining eng muhim va ustuvor yo'nalishlaridan biri sifatida belgilangan. Mamlakatimizning istiqloq yo'lidagi birinchi qadamlaridanoq buyuk ma'naviyatimizni tiklash va yanada yuksaltirish, ta'lim-tarbiya tizimini takomillashtirish, uning milliy zaminini mustahkamlash, zamon talablari bilan uyg'unlashtirish asosida jahon andozalari darajasiga chiqarishga katta e'tibor berilmoqda. Mamlakatimizda ma'naviy-ma'rifiy ishlarni tizimli tashkil etish, bu borada amalga oshirilayotgan chora-tadbirlarning samaradorligini oshirish, aholi, ayniqsa, yoshlarning intellektual salohiyati, ongu tafakkuri va dunyoqarashini yuksaltirish, mafkuraviy immunitetini mustahkamlash, vatanparvarlik, xalqqa muhabbat va sadoqat tuyg'usi bilan yashaydigan barkamol avlodni tarbiyalashga alohida e'tibor qaratilmoqda.

Jamiyatimizning bugungi ijtimoiy-iqtisodiy hamda madaniy rivoji uning a'zolari orasida, ayniqsa, ularning ongida, ma'naviyatida jiddiy o'zgarish va yangilanishlar bo'layotganligini ko'rsatib turibdi. Ayni paytda bu o'zgarish va yangilanishlarning barchasi ham birdek ijobiy baholanishi qiyin. Ayniqsa, yoshlar orasida bu jarayonning ancha o'ziga xos tarzda kechayotganligi ham sir emas. Ma'naviyati yuksak shaxslar yurti tanitadi. Shaxsni esa uning ma'naviy qiyofoasi tanitadi. Ma'naviyat – tarbiyadan boshlanadi. Ta'lim-tarbiyasiz ma'naviyatning bo'lmasligi barchaga ayon haqiqatdir [2, 49].

Ta'lim – jamiyat taraqqiyotining muhim strategik manbai sanaladi. O'zbekiston Respublikasi mustaqillikka erishgach, barkamol avlod tarbiyasi davlat siyosatining ustuvor yo'nalishi sifatida qaralmoqda. Ta'lim tizimida tarbiyaviy masalalarning ustuvorligi Respublikamizdagi milliy istiqloq g'oyasi, O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'g'risida"gi Qonuni va "Kadrlar tayyorlash Milliy dasturi" [6]da aniq ko'rsatib berilgan. Ma'naviy-ma'rifiy ishlar samaradorligining asosiy mezonlaridan biri – o'sib kelayotgan yosh avlod oldiga jamiyat tomonidan qo'yilgan ma'naviy talablar, olib borilayotgan ma'naviy-ma'rifiy, tarbiyaviy ishlarning mazmuni, shakl, uslub va texnologiyalari bilan qay darajada mutanosib ekanligi bilan belgilanadi. Tarbiya – ma'naviy manbalar va hozirgi zamon talablari va ehtiyojlarini nazarda tutgan holda, o'qituvchining o'quvchi bilan aniq bir maqsadga qaratilgan o'zaro amaliy va nazariy muloqotidir. Tarbiya jarayonining jamiyat taraqqiyotidagi roli nihoyatda beqiyosdir. Insonni tarbiyalash, uni bilim olishga, mehnat qilishga undash va bu xattiharakatini sekin-asta ko'nikmaga aylantirib borish lozim. Bu esa insonni mushohada qilish qobiliyatini tarbiyalaydi va mushohada qilish aqlni peshlaydi. Aql ongni saqlaydi, ong esa moddiy va ma'naviy manbaga aylanadi. Shu tarzda inson asta-sekin komillikka erishib boradi. Ammo buning uchun tarbiyachi va tarbiyalanuvchidan uzoq davom etadigan mas'uliyat, sharaffi mehnat va qunt, irodani talab etadi.

Mamlakatda ma'naviy-ma'rifiy ishlarni amalga oshiradigan davlat va nodavlat tashkilotlari, mahalliy hokimiyat va boshqaruv organlari, korxonalar, tashkilot va muassasalar, huquq-tartibot organlari, faxriylar kengashlari, O'zbekiston Yoshlar agentligi tuzilmalari va boshqa tashkilotlar va tuzilmalarni qamrab oladi. Ma'naviy-ma'rifiy ishlar muntazam, tizimli va ilmiy asosda olib borilib, uning samaradorligi uchun davlat va nodavlat tashkilotlari, ushbu faoliyatning barcha subyektlari sifatida mas'ul hisoblanadi [5].

Kasb ta'limi muassasalarida olib borilayotgan ishlarining mohiyati – uning milliy istiqlol mafkurasiga asoslangan, ma'naviy-axloqiy, huquqiy, vatanparvarlik, fuqaroviy, mehnat, madaniy-maishiy, ekologik va shu singari yo'nalishlar bilan erishiladigan g'oyaviy a'mol va ideal-larga mos holda olib borilishi maqsadga molik masaladir. Bu muammolarni amalga oshirish barcha pedagoglarning oldida turgan yuksak vazifadir. Ma'naviy-ma'rifiy ish-larning asosiy texnologik tamoyillari ilmiylik, tizimlilik, tarixiylik, aniqlik va tezkorlik, uzviylik, uzluksizlik, hayotiy misollarga tayanish, ta'lim-tarbiya ishlarining uyg'unligi, targ'ibot jarayonining izchilligi, ma'naviy-ma'rifiy ishlarda erishilgan ijobiy natija va yutuqlarga tayanish hisoblanadi. Ma'naviy-ma'rifiy ishlarning texnologik komponentlari – aholi, yoshlarda zarur ijtimoiy-siyosiy, g'oyaviy-mafkuraviy, axloqiy bilim, ko'nikma, malaka, kompetensiyalar va mustahkam mafkuraviy immunitetni, yuksak ma'naviy-axloqiy fazilatlarini shakllantirishga qaratilgan, ularning ongi, ruhiyati va faoliyatiga ta'sir ko'rsatuvchi usul va uslublarni anglatadi [3, 22].

Axloqiy tarbiya mazmunining shakllanishida o'zbek mutafakkirlarining alohida xizmatlari bor. Abu Nasr Forobiy, Abu Rayhon Beruniy, Abu Ali ibn Sino kabi buyuk mutafakkirlar tarbiya jarayoniga jiddiy qaraganlar va bu boradagi qimmatli fikrlarini dunyoga tanilgan asarlarida bayon etganlar. Ushbu asarlar nafaqat O'zbek xalqining, balki butun insoniyatning rivojlanish jarayonida muhim ahamiyat kasb etgan. Ularning ilmiy qarashlari bugungi kunda ham insoniyat uchun dasturi amal bo'lib xizmat qilib kelmoqda [4].

Yetuk jamoani vujudga keltirish, komil insonni yaratish muammosini hal etish bilan bog'liq ekanligini birinchi bor o'rta asr sharoitida Forobiy olg'a surdi. Uning "Ideal jamoa haqida", "Baxt-saodatga erishuv to'g'risida" kabi mashhur asarlari shu masalalarga bag'ishlangan. Forobiy ta'lim-tarbiyaga bag'ishlangan asarlarida ta'lim-tarbiya-ning muhimligi, unda nimalarga e'tibor berish zarurligi, ta'lim-tarbiya usullari va uslubiyatlari haqida fikr yuritadi. Uning "Fozil odamlar shahri", "Ilmlarning kelib chiqishi", "Aql ma'nolari to'g'risida" kabi asarlarida ijtimoiy tarbiyaviy qarashlari o'z ifodasini topgan.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev tomonidan "Ma'naviy yo'nalishlarimiz iqtisodiy yo'nalishlardan o'n qadam oldinda yurishi kerak. Ana shunda biz hozirda qilayotgan katta-katta rejalarimiz, dasturlarimiz

amalga oshadi", tarzida ifodalangan metodologik prinsiplar ma'naviy-ma'rifiy faoliyat funksiyalari rolini, o'rni, va ahamiyatini asoslab beradi. Mazkur g'oyalar O'zbekistonni yangilash va rivojlantirishning asosiy negizlaridan biri sifatida xalqimizning ma'naviy merosini mustahkamlash va rivojlantirish yo'nalishiga zamin yaratadi.

Ma'naviy-axloqiy tarbiyaning asosiy vazifalaridan biri shaxsni milliy-ma'naviy hamda umuminsoniy qadriyatlar bilan tanishtirish va yaqinlashtirish orqali yuksak ma'naviyatli shaxsni kamol toptirishdan iboratdir. Ma'naviy-axloqiy tarbiya masalasi bugun har qachongidan ko'ra ham muhimroq va amaliy hayotiy ahamiyatga ega bo'lib turibdi. Xuddi shuning uchun ham tarbiyani ta'limning hamma bosqichlari uchun: maktabgacha tarbiyadan boshlab oliy ta'limgacha bo'lgan bosqichlari uchun joriy etiladigan mazmuni va shakllari borasidagi tavsiyalarga zarurat va ehtiyoj mavjud. Ma'naviy-ma'rifiy ishlarga ijtimoiy texnologik yondashishdan kutilayotgan natija jamiyatda ma'naviy-ma'rifiy ishlar samaradorligining oshishida, aholining yuksak ma'naviy-axloqiy fazilatlarida, fuqarolik pozitsiyasida, Harakatlar strategiyasini amalga oshirishdagi faolligida, Vatanga muhabbati va uni yot g'oyalarga qarshi immunitetining oshishida namoyon bo'ladi.

Oliy ta'lim tizimida shaxsni tarbiyalash uzluksiz tarbiyaning muhim bosqichidir. Bu bosqich shaxsning o'zini hayotiy dunyoqarashi shakllanishi yakunlanayotgan va ongli ravishda o'z-o'zini tarbiyalash davri hisoblanadi. Shu sababdan oliy ta'lim muassasalarida tarbiya jarayonini yo'lga qo'yish tizimli yondashuvni talab qiladi, ya'ni tarbiya jarayoni ta'lim jarayoni va talabalarning ilmiy tadqiqot tayyorgarligi bilan yagona shaklda namoyon bo'ladi. Tarbiyaviy, o'quv va ilmiy ishlarning o'zaro bog'liqligi va aloqadorligi mutaxassisning ijtimoiy va kasbiy omilkorligini belgilovchi fazilat, qadriyatli mo'l-jallarning bir butun yaxlitligi bilan belgilanadi.

Oliy ta'lim muassasalarida ma'naviy-axloqiy tarbiya jarayonlarning tegishli samara berishi, tarbiyaviy ishlar oldiga qo'yiladigan asosiy maqsadlarning to'la amalga oshishi uchun quyidagi vazifalarni hal etilishi talab etiladi:

- talabalarning umuminsoniy axloqiy me'yor va mezonlar, milliy qadriyatlar hamda akademik an'analar bilan yaqindan tanishgan bo'lishi, shu asosda talabalar-ning oliy ta'limdagi hamkorlik va hamjihatlik, kasbiy burch va ma'naviy-axloqiy me'yorlarni puxta egallashi;
- shaxsning tegishli dunyoqarashi va asosiy milliy qadriyatlar tizimini shakllantirish;
- talabalarda Vatan ravnaqi, xalq farovonligi uchun jon kuydirish, ularga nisbatan befarq bo'lmaslik tuyg'ularini shakllantirish va rivojlantirish;
- milliy mafkura, milliy g'oya asosida yoshlarda fuqarolik, vatanparvarlik va milliy o'z-o'zini anglash tuyg'ularini shakllantirish va rivojlantirish;
- yoshlarda ma'naviy-axloqiy, badiiy-estetik, ekologik madaniyatni shakllantirish;

- ularni mustaqil kasbiy, hayotiy hamda mehnat faoliyatiga tayyorlash;

- shaxsning rivojini hamda uning ijtimoiy-psixologik qo'lab-quvvatlanishini ta'minlash, samarali kasbiy faoliyat uchun zarur bo'lgan shaxsiyatga oid fazilatlarni shakllantirish.

Oliy ta'limning ma'naviy-axloqiy tarbiya sohasidagi siyosati uning milliy-ma'naviy hamda umuminsoniy g'oyalarning, yuksak insoniy fazilatlarning uyg'unligini ta'minlash va ularni ijodiy rivojlantirish vazifasi bilan belgilanadi. Bunda tayyorgarlikning fundamentalligi, umumiy va kasbiy mahoratning asosiy qadriyatlariga tayinishi, tabiiy va gumanitar fanlar sohasidagi bilimlarning o'zaro aloqadorligi, o'quv va ilmiy faoliyat integratsiyasi, ta'limning akademik erkinligi va ilgari lab boruvchi xarakteri asosiy o'rin tutadi.

Kadrlar tayyorlash milliy dasturida talabalar va o'quvchi yoshlarni ma'naviy-axloqiy tarbiyalash jarayoniga ilg'or pedagogik, axborot texnologiyalarini joriy qilishga alohida e'tibor qaratilib, "Ta'lim muassasalarining

resurs, axborot bazalarini yanada mustahkamlash, o'quv tarbiya jarayonini yangi o'quv-uslubiy majmualar, ilg'or pedagogik texnologiyalar bilan to'liq ta'minlash, ta'lim jarayonini axborotlashtirish, uzluksiz ta'lim tizimi jahon axborot tarmog'iga ulanadigan kompyuter va axborot tarmog'i bilan to'liq qamrab olish" vazifalari alohida ta'kidlangan. Ma'naviy-ma'rifiy ishlarning izchil amalga oshirilishi O'zbekiston Respublikasi fuqarolari ma'naviyatini yuksaltirish, yoshlarimizni zamonaviy bilim va yuksak kompetensiyalar, mustahkam iroda, faol grajdanlik pozitsiyasini ta'minlash imkonini beradi. Har bir faoliyatda bo'lgani kabi ma'naviy-ma'rifiy ishlarni tizimli asosga quyishda ham zamonaviy axborot vositalaridan unumli foydalanish – hozirgi davr talabi. Shunday ekan, oliy ta'lim muassasalarida olib borilayotgan ma'naviy-ma'rifiy ishlarni muayyan tizim asosida olib borish va bunda axborot texnologiyalaridan unumli foydalanish ta'lim-tarbiya jarayonlarining samarali bo'lishiga zamin yaratadi deyishga asos bor.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Ma'naviy-ma'rifiy ishlar samaradorligini oshirish va sohani rivojlantirishni yangi bosqichga ko'tarish to'g'risida"gi 2017-yil 28-iyul qarori.
2. M.Quronov, F.Esonbobev, U.Begimqulov. Oliy ta'lim muassasalarida ma'naviy-ma'rifiy ishlarni tashkillashtirishda zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari imkoniyatlaridan foydalanish. Metodik qo'llanma. – T., 2011. – 300 b.
3. M. Hakimova. "Kasbiy pedagogika". O'quv qo'llanma. – T., 2007. –194 b.
4. <https://yuz.uz/uz/news/manaviy-marifiy-ishlar-tizimini-tubdan-takomillashtirish--chora-tadbirlari-togrisida>
5. <https://qalampir.uz/uz/news/ma-naviy-ma-rifiy-ishlar-samaradorligini-oshirish-buyicha-prezident-k-arori-k-abul-k-ilindi-3127>
6. <https://lex.uz/docs/-4320700>

BO'LAJAK O'QITUVCHILARNI INTELEKTUAL FAOLIYATGA TAYYORLASHNING HOZIRGI AHVOLI VA UNI TAKOMILLASHTIRISH YO'LLARI

Feruza Maxamatova,

Jizzax davlat pedagogika universiteti
Pedagogika ta'limi nazariyasi kafedrasida o'qituvchisi

Annotatsiya

Maqolada bo'lajak o'qituvchilarni intellektual faoliyatga tayyorlashning hozirgi ahvoli va uni bo'lajak o'qituvchilarni intellektual faoliyatga tayyorlash tizimini takomillashtirish yo'llari haqida fikr yuritilgan.

Kalit so'zlar: intellektual faoliyat, aqliy salohiyat, intellektual faoliyatga tayyorlash masalalari, intellektual faoliyatga tayyorlash yo'llari.

Аннотация

В статье предусмотрено текущее состояние подготовки учителей к интеллектуальной деятельности и будущей подготовки будущих учителей к интеллектуальной деятельности.

Ключевые слова: интеллектуальная деятельность, интеллектуальный потенциал, вопросы подготовки к интеллектуальной деятельности, способы подготовки к интеллектуальной деятельности.

Annotation

The article envisages the current state of preparing teachers for intellectual activities and the future preparation of future teachers for intellectual activities.

Keywords: intellectual activity, intellectual potential, questions of preparation for intellectual activity, ways of preparation for intellectual activity.

Ma'lumki, "XXI asr – axborotlashtirilgan jamiyat sari asri", deb atalmoqda. Jamiyat taraqqiyotining barcha davrlarida ta'lim tizimini intellektuallashtirish davr talabi hisoblangan. Zamonaviy ta'lim – tarbiya jarayoni o'qituvchilardan intellektual bilim, salohiyat va uni o'quvchilarga yetkazib tushuntirish yo'llarini ham mukammal bilishni talab qilmoqda. Ammo eski uslub va vositalar yordamida buni amalga oshirishning imkoni yo'q.

Respublikamiz Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev ta'kidlaganlaridek, "Bugungi kunda mamlakatimizni yangilash va modernizatsiya qilish, uni innovatsion asosda rivojlantirish, o'z oldimizga qo'ygan ko'p qirrali va murakkab vazifalarni amalga oshirish maqsadida biz zamonaviy va kreativ fikrlaydigan, har qanday vaziyatda ham mas'uliyatni o'z zimmasiga olishga qodir bo'lgan, g'ayrat-shijoatli, intellektual salohiyati yuksak, vatanparvar yosh kadrlarga davlat va jamiyat boshqaruvida muhim vazifalarni ishonib topshirmoqdamiz" [1]. Globallashtirish va iqtisodiy rivojlanishning bir maromda kechmayotganligi sharoitida nafaqat alohida inson, balki butun jamiyatning intellektual salohiyati ham muhim ahamiyat kasb etmoqda. Bu holat fantalab mahsulotlar hajmining oshib borishida, tovarlar va xizmatlar qiymati tarkibida bilimlar kapitallashuvining o'sishida namoyon bo'ladi.

Bugungi zamon talabi bo'lajak o'qituvchilardan zamon bilan hamnafas qadam bosishni va har doim ilmiy salohiyatini, ijodkorlikni, o'z ustida tinmay mehnat qilishni talab qilmoqda. Shu sababli ham hozirda ta'lim-tarbiya jarayonini intellektuallashtirish zamonaviy pedagogikada dolzarb muammolardan biridir.

Ta'lim sohasida yurtimizda keng islohotlar amalga oshirilmoqda. Jumladan, O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi, "Ilm-fan va ilmiy faoliyat to'g'risida"gi O'RQ-576-sonli Qonuni, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 6-noyabrdagi "O'zbekistonning yangi taraqqiyot davrida ta'lim-tarbiya va ilm-fan sohalarini rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-6108-son Farmoni, "Oliy ta'lim tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-2909 qarori, "Oliy ma'lumotli mutaxasssilar tayyorlash sifatini oshirishda iqtisodiyot sohalarini va tarmoqlarining ishtirokini yanada kengaytirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-3151 qarori, 2017–2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi" va "O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasi" kabilar yurtimizda ta'lim sohasiga berilayotgan yuksak e'tibordan dalolatdir.

Oliy ta'lim muassasalarida bo'lajak o'qituvchilarni ta'lim-tarbiya faoliyatiga tayyorlash murakkab jarayon bo'lib, uni oqilona amalga oshirish bo'lajak o'qituvchilarning kasbiy yetukligini ta'minlashga xizmat qiladi. Bilamizki, ma'lum mutaxassislik bo'yicha kadrlar tayyorlash ta'lim standartlari, me'yoriy hujjatlar, o'quv-metodik adabiyotlar tizimi asosida amalga oshiriladi.

Intellektual salohiyat tushunchasi inson faoliyatiga tegishli bo'lib, uning tashuvchisi bo'lib subyekt hisoblanadi. Salohiyat subyekt holatini ma'lum turdagi va sifat-dagi faoliyatni amalga oshirish imkoniyati nuqtai nazardan tavsiflaydi. Bunday imkoniyatlar jamiyat tomonidan

uning tarixiy rivojlanish davomida yaratilib, turli omillar birligi va o'zaro aloqadorligining majmui bilan belgilanadi. Inson faoliyati salohiyatni ishga solish jarayonidir. Inson qachonki zaruriy bilim va malakaga, ya'ni unga o'z ishini sifatli bajarish imkonini beruvchi salohiyatga ega bo'lsa, shundagina u mutaxassis va o'z kasbining ustasi bo'lib hisoblanadi. Bu o'ta muhim holat. Chunki intellektual salohiyat doim sodir bo'lishi mumkin bo'lgan jarayonlarni kutishi bilan bog'liq. Eng oddiy holatda, agar odam unga bo'lgan ishonchni oqlamasa, bu shuni anglatadiki, yoki unga halaqit berishgan, yoki uning salohiyati noto'g'ri baholangan.

Ta'kidlash lozimki, intellektual salohiyat o'ta mazmunli va yetarlicha murakkab tushunchadir. Oldinlari undan ijtimoiy bilim kategoriyasi sifatida emas, balki ko'p hollarda boshqa ma'noda, ya'ni metafora sifatida foydalanishgan. Hozirda vaziyat o'zgardi. Postindustrial dunyoda aynan integrativ butunlik sifatida tan olinayotgan yuqori intellektual salohiyatga ega bo'lgan mamlakatlar yetakchilik qilmoqda. Hozirgi zamondagi jamiyat hayotida intellektual salohiyatga aloqador bo'lgan fan, ta'lim, yangi axborot texnologiyalarining roli oshib bormoqda. Iqtisodiyotlari bilimga asoslangan (intellektual iqtisodiyot) rivojlangan mamlakatlarning industrialdan yangi industrial, axborotlashgan jamiyatga o'tishlari, birinchi qatorga inson faoliyatining intellektual jihatlari olib chiqmoqda [3, 273].

Bunda bo'lajak o'qituvchilarni intellektual faoliyatga tayyorlash masalasi muhim ahamiyat kasb etadi. Intellektual salohiyatga ega bo'lgan bo'lajak o'qituvchilar "Intellektuallashtirilgan asr"ning faol ishtirokchisi bo'la oladi, ma'naviy jihatdan yetuk bo'ladi, inovatsion jihatdan rivojlangan bo'ladi va bunday o'qituvchilar ta'lim-tarbiya jarayonini rivojlantira oladi. Shuning uchun bo'lajak o'qituvchilarni intellektuallashtirilgan ta'lim asosida intellektual faoliyatga tayyorlash hozirgi ta'lim sohasidagi va bo'lajak o'qituvchilarni tayyorlash sohasidagi eng asosiy muammolardan biri hisoblanadi.

Intellektuallashtirilgan o'qitish tizimlari va vositalari negizida bo'lajak mutaxassislarni tayyorlash borasida bir qator olimlar tadqiqot ishlari olib borgan. Jumladan, B.S.Axmadaliev, U.Sh.Begimqulov, O.J.Bobomurodov, I.Boynazarov, M.M.Vaxobov, A.V.Volosova, Z. Jamoliddinov, L.R.Zaripov, V.I.Zagvyazinskiy, A.N.Mexaylov, N.A.Muslimov, A.T.Nurmanov, Q.T.Olimov, Z.T.Raximov, N.I.Tayloqov, Sh.R.Turdiyev, X.A.To'raqulov, O.X.To'raqulov, U.X.To'raqulov, D.Yunusova, J.A.Xamidov va boshqalarning tadqiqot ishlari bo'lajak mutaxassislarni intellektuallashtirilgan kasbiy faoliyatga tayyorlash masalalari qaralgan va ulardan zamonaviy intellektual salohiyatli, innovatsion rivojlangan kadrlar tayyorlashda didaktik asos sifatida foydalanish mumkin.

Xususan, bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilari-

ni intellektuallashtirilgan kasbiy faoliyatga tayyorlash muammosi bo'yicha ham tadqiqot ishlari bilan shug'ullangan mutaxassis – olimlarimiz bor. Quyida ulardan ba'zilarining nomlarini keltiramiz: B.S.Abdullayeva, A.R.Meliboyev, O'R.Nurjanova, N.X.Aripova, B.X.Raximov, N.U.Usmonov, S.Usmonov, X.A.To'raqulov, O'N.Farmonov va boshqalar ishlarida boshlang'ich ta'limga oid muammolar yechimini topishga innovatsion yondashuvlar qilish masalalari qaralgan. O'rganib chiqilgan ishlarda bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarini kasbiy faoliyatga tayyorlashning u yoki bu qismini, ya'ni ayrim yo'nalishlarini intellektuallashtirishga erishilgan.

Endi "intellektual faoliyat" tushunchasini ochishga harakat qilaylik. Ko'pgina mualliflar odatda ishlab chiqarish, xizmat ko'rsatish va intellektual deb ataladigan uchta faoliyat turini ajratib ko'rsatishadi. Ularning orasidagi farqlarni tahlil qilib, ular intellektual faoliyat o'ziga xos xususiyatlarga ega (ma'lumot bilan ishlashga e'tibor berish, insonning intellektual qobiliyatlaridan foydalanish, malakalar) va quyidagi ta'riflarga javob berishini ta'kidlaydilar: intellektual faoliyat – bu iqtisodiy faoliyatning har qanday sohasida, shaxsning intellektual qobiliyatlari yordamida amalga oshiriladigan va axborot bilan ishlashga qaratilgan mehnat faoliyati turi.

Hayot davomida ruhiy holat va intellektual qobiliyat bevosita ikkita omilga bog'liq: ta'lim va kasbiy malaka darajasi. Yoshlikda inson olgan bilim darajasi qanchalik yuqori bo'lsa, qarilikda shunchalik yaxshi aql saqlanib qoladi. Yosh yillarda olingan yuqori kasbiy tayyorgarlikka ega bo'lgan odamlar o'zlarining bilimlarini doimiy ravishda balog'at yoshiga yetmoqdalar, ya'ni butun umri davomida intellektual mashg'ulotlar bilan shug'ullanadi [4, 103]. Bundan kelib chiqadiki, agar inson intellektual ish bilan shug'ullanadigan bo'lsa, u butun umri davomida o'qiydi, o'zini takomillashtirishga intiladi. Intellektual faoliyat natijalari insoniyatning eng qimmatli mahsulotlaridir, ular mamlakatlar va ularda yashaydigan xalqlarning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishining asosi hisoblanadi.

O'quvchi dunyoqarashini shakllantirishning bir necha maqbul shakl, metod va vositalari bo'lib, ular sirasida ma'naviy-ahloqiy, ijtimoiy-g'oyaviy, iqtisodiy, huquqiy, estetik va ekologik mavzularda tashkil etiluvchi suhbatlar, bahs-munozaralar, ma'ruzalar, muammoli vaziyatlarni yaratish asosida o'quvchilarni fikrlashga undovchi amaliy treninglar, debatlar, mustaqil ishlar, shuningdek, ishchanlik o'yinlari yanada samarali sanaladi [4, 168].

Intellektual salohiyat quyidagi ikki tarkibiy qismga ega: amalga oshirilgan va amalga oshirilmagan. Amalga oshirilgan intellektual salohiyat to'g'risida gapirilganida biz hozirgi vaqtda xodimning mehnat faoliyati jarayonida foydalaniladigan imkoniyatlarining bir qismini nazarda tutamiz, masalan, uning ma'lumoti, bilimi, kasbiy malakasi va hokazo. Amalga oshirilmagan salohiyat (rivojlanish salohiyati) optimal sharoitlarni hisobga olgan holda,

qator omillar ta'sirida yuzaga chiqadi. Misol uchun, intellektual salohiyatni rivojlantirish xodimni ish beruvchining bevosita manfaatdorligi yoki barqaror rivojlana-yotgan iqtisodiyot tomonidan uning kasbiy-malakaviy darajasiga yangi talablarning qo'yilishi munosabati bilan o'qitish orqali amalga oshiriladi.

Intellektual salohiyatning mazmunini to'ldirish bo'yi-cha turli yondashuvlarni o'rgangan holda, bu salohiyatni tavsiflovchi qo'shimcha tushunchalar sifatida quyidagilarni taklif etamiz: mehnat, ta'lim va ilmiy-tadqiqot salohiyati. Intellektual mehnat tavsifi intellektual salohiyatdan bevosita mehnat faoliyatida foydalanish darajasini aks ettiradi. Miqdor jihatidan mazkur tavsif intellektual salohiyatni amalga oshirish qobiliyatiga ega bo'lgan aholining ulushida ifodalanadi. Intellektual salohiyatning keyingi tavsifi ta'lim bilan bog'liq [2, 328]. Xodim ma'lumotining darajasi va sifati mehnat faoliyatini amalga oshirish imkoniyatlarini belgilaydi. Masalan, oddiy texnik savodxonlik ko'pgina mexanizmlar bilan to'ldirilgan sotsiomadaniy sohada ishlovchi xodimlar uchun ham zarur. Intellektual salohiyatning ilmiy-tadqiqot tavsifi bevosita mehnat unumdorligining oshishiga ta'sir ko'rsatadigan kashfiyotlar, patentlar, ratsionalizatorlik tak-

liflarda namoyon bo'ladi [5, 12]. Ilmiy salohiyatni ilmiy-tadqiqot salohiyati sifatida talqin qilishni taklif etamiz, chunki mazkur indikatorni kiritishdan maqsad tadqiqotchilik layoqatining mehnat faoliyati pirovard natijalariga ta'sirini ko'rsatib berishdan iborat.

Bo'lajak o'qituvchilarni intellektuallashtirilgan ta'lim negizida pedagogik faoliyatga tayyorlash quyidagi natijalarni beradi.

Birinchiidan, intellektuallashtirilgan ta'lim negizida o'qitish vositalari va tizimlari bo'lajak o'qituvchilarni intellektual kasbiy faoliyatga talablariga javob beradigan, zamon bilan hamnafas yura oladigan kadrlarni tayyorlashga xizmat qilishga asos bo'ladi.

Ikkinchiidan, bo'lajak o'qituvchilarni intellektual faoliyatga tayyorlash uchun ishlab chiqilgan pedagogik ta'lim bosqichlaridan amaliy faoliyatda foydalanish negizida ta'limda yangicha sifat ko'rsatkichiga erishib, yuqori samaradorlikni qo'lga kiritish mumkin va ta'lim oluvchilarni zamonaviy innovatsion yondashuvlar qilishga ham tayyorlash mumkin bo'ladi.

Uchinchiidan, bo'lajak o'qituvchilarni intellektual salohiyatini, ijodkorligini, bilimdonligini, turdosh fanlar yuzasidan salohiyatlilikni va inovatsion jarayonning faol a'zosi bo'lish sifatlarini shakllanishiga yordam beradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy majlisga Murojaatnomasi // Xalq so'zi, 2018-yil 29-dekabr.
2. To'raqulov X.A., O'razboyev S.E. Bo'lajak o'qituvchilarni intellektual faoliyatga tayyorlashning ilmiy-metodik ta'minoti va ta'lim mazmuniga qo'yilgan zamonaviy talablar, inovatsion yondashuvlar ilm-fan taraqqiyoti kaliti sifatida: yechimlar va istiqbollari: Respublika miqyosidagi ilmiy-texnik anjumani materiallar to'plami. – Jizzax, 2020. – 328-333 b.
3. Ochilov M. Yangi pedagogik texnologiyalar – Qarshi.: Nasaf, 2000. –120 b.
4. Tolipov O', Usmonboyeva M. Pedagogik texnologiyalarning tatbiqiy asoslari. – T.: 2005 – 320 b.
5. Shayxova X. Intellektual salohiyat-taraqqiyot mezon. – T.: "O'zbekiston", 2011.

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ТАЛАБАЛАР КРЕАТИВЛИГИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ФАОЛЛАШТИРУВЧИ УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЗАРУРИЯТИ

Зокир Рахимов,

Шахрисабз давлат педагогика институти
Педагогика кафедраси мудири, п.ф.д., проф.,
Турон ФА академиги

Аннотация

Мақолада олий таълим талабаларининг креатив компетенцияларини ривожлантиришга хизмат қиладиган таълимнинг инновацион фаол ва самарали усулларидан фойдаланиш орқали уларда ижодий тафаккурни ривожлантириш, ўқув топшириқларига ҳамда фанларни ўзлаштиришда ижодий ёндашиш кўникмасини шакллантириш зарурияти очиб берилган.

Калит сўзлар: талаба, интилиш, ижодкорлик, таълим, муносабат, самарадорлик, фикрлаш, тафаккур, зарурият, фаоллик, креативлик, ёндашув, ривожлантириш.

Аннотация

В статье раскрывается необходимость развития у них творческого мышления посредством использования инновационных активных и эффективных методов обучения, которые служат развитию творческих компетенций студентов высших учебных заведений, формированию навыка творческого подхода к выполнению учебных заданий и освоению дисциплин.

Ключевые слова: студент, стремление, креативность, образование, отношение, эффективность, мышление, мышление, необходимость, активность, креативность, подход, развитие.

Annotation

The article reveals the need to develop their creative thinking through the use of innovative active and effective teaching methods that serve to develop the creative competencies of students of higher educational institutions, to form the skill of a creative approach to completing educational tasks and mastering disciplines.

Keywords: student, aspiration, creativity, education, attitude, efficiency, thinking, thinking, necessity, activity, creativity, approach, development.

Ўзбекистонда таълим тизими ислохотларни амалга ошириш жараёнида шахснинг ҳар томонлама камол топиши, ёшларнинг самарали таълим олиши учун кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Олий таълим талабаларида касбий-маданий муносабатларини шакллантиришга хос ижтимоий-психологик муносабатлар билан ижтимоий-педагогик муносабатлар уйғунлиги уларни шахсий-илмий ҳаётга, касбий фаолиятга тўғри ва онгли муносабат руҳида тарбиялашга асос бўлиб хизмат қилади. Сир эмаски, айрим олий таълим муассасаларини битирувчилари ўз ихтисослигига оид махсус ўқув фанларидан бир-бирига боғланмаган лавҳалар шаклида билимга эга бўлиб, ўз илмий фаолиятида учрайдиган мажмуавий (комплекс) вазифаларнинг оптимал ечимларини топишда қийналмоқдалар. Шунингдек, улар мустақил тарзда илмий фаолиятга кириб кетишга ҳам тайёр эмас. Таълимнинг фаол усулларидан етарлича фойдаланмаслик мазкур муаммони келиб чиқишининг асосий сабабларидан биридир.

Ўқув машғулотларининг тизимли режалаштирилиши, талабаларда танқидий, креатив тафаккурни шакллантириш ва ривожлантириш, уларни ижодий фикрлаш, янги ғояларни ўйлаб топишга мажбур қилиш таълим олишга бўлган муносабатни ўзгартириш, уларни ютуқларга эришишга рағбатлантиришда асо-

сий омил бўлар. Ўқув машғулотларида етишмаётган омил – креативлик саналади [1, 4].

Америкалик педагог Патти Драпеау нуқтаи назарига кўра креатив фикрлаш, энг аввало, муайян масала юзасидан ҳар томонлама фикрлаш саналади. Ҳар томонлама фикрлаш талабалардан ўқув топшириги, масаласи ва вазифаларини бажаришда кўплаб ғояларга таянишни талаб этади. Бундан фарқли равишда бир томонлама фикрлаш эса биргина тўғри ғояга асосланишни ифодалайди. Мушоҳада юритишда масала юзасидан бир ва кўп томонлама фикрлашдан бирини инкор этиб бўлмайди. Бинобарин, бир ва ҳар томонлама фикрлаш креативликни шакллантиришда бирдек аҳамият касб этади. Яъни, топширикни бажариш, масалани ечишда талаба ечимнинг бир неча вариантини излайди (кўп томонлама фикрлаш), кейин эса энг мақбул натижани кафолатловчи биргина тўғри ечимда тўхталади (бир томонлама фикрлаш). Юқорида билдирилган фикрларга таянган ҳолда “креативлик” тушунчасини қуйидагича шарҳлаш мумкин: Креативлик (лот., инг. “create” – яратиш, “creative” – яратувчи, ижодкор) – индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрликни тавсифловчи ва мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирувчи ижодий қобилияти ҳисобланади.

Шахснинг креативлиги унинг тафаккурида, мулоқотида, ҳис-туйғуларида, муайян фаолият турларида намоён бўлади. Креативлик шахсни яхлит ҳолда ёки унинг муайян хусусиятларини тавсифлайди. Креативлик иқтидорнинг муҳим омили сифатида ҳам акс этади. Қолаверса, креативлик зеҳни ўткирликни белгилаб беради, “талабалар эътиборини таълим жараёнига фаол жалб этишни таъминлайди”. Бу таълим тизимининг татбиқий ва техникавий йўналиши ҳамда унинг турли фанлар билан алоқадорлигини амалга оширилишини; компьютерлардан фойдаланиш ва компьютер саводхонлигини таъминлашни; тафаккур ва фаолиятнинг шаклланишини ҳам ўз ичига олади.

Фаол таълим шароитида ўзлаштирилган билим ва иш-ҳаракат усуллари мазмунан мукамал тизимли, мантиқан тугал ва турли ишлаб чиқариш вазиятларида қўлланишга яроқли бўлади. Бунда, асосан баҳс-мунозара, фикрлашга жалб қилиш, билганларини мустақамлаш, ишбилармонлик, ақлий ҳужум ўйини, китоб (манбалар) билан ишлаш, касбий компьютерли ўйинлар каби таълим методларидан фойдаланилади.

Демак, ҳар қандай ижодкор ўқитувчининг илмий-педагогик ходим даражасига кўтарилишида таълим технологияларини яратиш, таълим мазмунини замон талаблари асосида такомиллаштира билиш, таълим жараёнини бошқаришнинг оптимал варианты топа билиш лозим экан. Таълим технологиялари таълим олувчининг ўрганаётган муаммоларига қараб, турли кўринишларда яратилиши мумкин.

Фаол таълим услубларини таълим-тарбия жараёнида қўллаш орқали талабаларни мустақил ишлашга, фикрлай олишга, дарсадаги фаоллигини оширишга, яъни топқирлиги, ташаббускорлигини ривожлантиришга ва энг асосийси, дарсада фанлараро алоқадорликни таъминлашга катта имкониятлар яратади.

Демак, таълим жараёнини технологиялаштиришдан асосий мақсад – бу таълимда ўқитувчи ва талаба ўртасида юзага келувчи таълимий мулоқот жараёнининг самарали бўлиши, мазкур жараённинг янгича мазмун касб этишга эришишдан иборат. Бу мақсадни амалга ошириш йўлида таълим жараёнини технологиялаштириш, бу борада аҳамият берилиши лозим бўлган шартлар хусусида ўқитувчиларни хабардор этиш тадбирлари ишлаб чиқилади. Уларни амалиётга жорий этилиши куйидаги педагогик вазифаларни ҳал қилиш имкониятларини яратади: ўқитувчиларнинг таълим жараёнини технологиялаштиришдаги назарий ва амалий билимларни ўзлаштириши учун муайян шарт-шароит яратиш; ўқитувчиларга таълим жараёнини технологиялаштиришнинг алоҳида хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ахборотлар бериш; ўқитувчиларда таълим технологиялари асосида таълим жараёнини ташкил этиш борасидаги назарий билимларни амалий фаолиятдаги кўникма ва мала-

каларга айланишига эришиш; ўқитувчиларда таълим жараёнини ташкил этишга нисбатан ижодий ёндашувни қарор топтириш ва касбий маҳоратларини юксалтиришга эришиш; таълим-тарбия жараёнини технологиялаштириш борасида Республика миқёсида, шунингдек, хорижий мамлакатларда бу борадаги ахборотларни талабаларга мунтазам етказиб боришга эришиш. Бу ғоялар даврий илмий-услубий журналлар ва уларнинг иловалари илмий-услубий семинарлар ҳамда малака ошириш, қайта тайёрлаш курслари орқали амалга оширилади.

Маълумки, таълим жараёнининг фаол субъектлари ўқитувчи, талабалар бўлиб, уларнинг ҳамкорликдаги фаолиятлари муайян мавзу ёки фанлар асослари бўйича кам куч ва вақт сарфланган ҳолда назарий ва амалий билимларни чуқур ўзлаштириш имконини берувчи жараённинг умумий моҳиятини тавсифлайди.

Ўқитувчининг фаол ва самарали фаолият кўрсатишга йўналтирилган фаол таълим жараёнининг методик ишланмасидан фарқли равишда, таълимнинг фаол технологияси таълим берувчи талабаларга қаратилади, уларнинг шахсий ва ўқитувчи билан биргаликдаги фаолиятини ҳисобга олган ҳолда ўқув материалларини ўзлаштиришга шароит яратади. Фаол таълим технологиясининг етакчи муаммоси талаба шахсини ривожлантириш орқали таълим мақсадига эришишни таъминлашдан иборатдир.

Таълим-тарбия жараёни бутун машғулот давомида талабаларнинг фаоллиги ва қизиқувчанлигини мунтазам равишда ривожлантириб бориш мақсадини кўзда тутаяди, ўқув омилларини яратувчи фаол таълим технологияси талаблари ўқув фаолиятига тезкор жалб этиш имконини беради.

Фаол таълим технологиясини ўқув жараёнига татбиқ этиш ҳисобига таълим жараёни рағбати (мотивацияси) кучайтирилиши мумкин. Маълумки, тайёр ҳолда олинган билимларни амалиётда қўллаш қийин. Бу, айниқса, табиий фанлар бўйича топшириқларни бажаришда намоён бўлади. Шунинг учун, билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришда талабаларнинг бевосита фаолият кўрсатишлари ҳамда ўқитувчи томонидан бошқарувга асосланган фаол таълим технологиясини қўллаш талаб этилади.

Таълим технологияси тамойили куйидагиларни қамраб олади:

- талабаларнинг фаол таълим олишининг чинакам моҳияти ақлий фаолият натижасида билимнинг янги-янги сир-синоатларини мустақил равишда англаб олишдир;
- талабалар ўз ҳаракати билан фанларни яхши ўрганади ва ўзлаштиради;
- ўқув жараёнини шундай ташкил қилиш керакки, уларнинг ўзлари фанга қизиқсин, уни билишга ҳаракат қилиб, интилсин;
- талабалар дарсга фаол қатнашишлари лозим.

Таълим технологияларининг турларини танлаш шаклланаётган билим, кўникма ва малакалар, ташкил этилаётган дарсларнинг шакли, қўлланилаётган услуб ва методлар хусусиятига боғлиқ. Масалан, талабаларда ижодий тафаккурни ривожлантириш, ўқув материалларига танқидий ёндашиш кўникмасини шакллантириш ҳамда маҳсулдор фаолият турларини ташкил этиш билан бир қаторда анъанавий дарс шакллари билан бирга конференция дарси, ишчанлик ўйинлари, интеграл (икки компонентли) дарслардан фойдаланиш лозим. Мазкур вазиятда таълим методлари таълим мақсади (билимларни турли вазиятларда қўллашга йўналтирилган топшириқлар, янги шароитда фаолият кўрсатишга ундовчи топшириқларни бажариш, ўзлаштирилган билимлар асосида схемалар тузиш, уларни таснифлаш, қиёслаш, изчил тизимга солиш, умумлаштириш ва бошқалар) билан мутаносиб бўлиши керак.

Етарли даражадаги рағбат ва талабалар фаолиятини самарали ташкил этиш билан ҳам кўзланган натижаларга эришилмайди. Педагогик жараённинг самараси таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш йўллари тўғри танлаш билан таъминланади.

Педагогик жараёни бошқариш ўзида қуйидаги икки йўналишни мужассамлаштиради:

- фаолиятни бошқариш;
- талабалар жамоасини бошқариш [3, 93].

Ривожлантирувчи таълим технологиясининг асосий тамойиллари қуйидагилар:

- инкорпорация (тизимли фаолият кўрсатиш) – турли фанларга оид билимларни умумлаштириш;
- мослашувчанлик – таълим шакли, методи ва усулларининг турли таълим муассасаларида қўлланивчанлиги;
- уйғунлик – муайян ўқув предметига оид ўқув материали мазмунининг шахсни ривожлантириш шакл, методи ва усуллари билан уйғунлиги;
- яратувчанлик – турли таълим муассасалари педагогларининг педагогик технологияларни яратиш имкониятлари;
- табиийликка асосланиш – генетик ва ижтимоий жиҳатларга мувофиқ ўқувчиларнинг ўзига хос, шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш.

Ривожлантирувчи таълимда талаба шахсига фаолиятли ёндашув бу тизимнинг концепциясини ташкил этиб, бунда шахс “субъекти” катеорияси эркинликка интилиш, ўз-ўзини ривожлантириш, яхлитлик, мустақил ўқиш, ўзлигини намоён этиш ва фаоллаштириш хусусиятлари асосида англашилади, ўқув жараёни ҳамда унинг таркибий қисмлари – мақсад, мазмун, метод, шакл, услуб, воситалар талабалар учун шахсан аҳамиятга эга бўлган, унинг шахсий тажрибаси маҳсули сифатида татбиқ этилади.

Таълим-тарбия асосида шахснинг интенсив риво-

жланиши, моддий-маънавий кадриятларни ўзлаштириши фақат унинг шахсий фаолияти натижасида амалга ошади.

Агар талабалар ўқув фаолияти моҳиятини англай олмаса, ўқув мақсадини тан олмайди, ўқитувчи қўйган вазифаларни тушунмайди ва қабул қилмайди, у томонидан содир этиладиган барча ҳатти-ҳаракатлар мажбурият ва тазйиқ остида содир бўлади, унинг билимлари расмий характерга, педагогнинг фаолияти эса расмийчилик мазмунига эга бўлади. Билим амалиётга татбиқ этишга қаратилган фаолият натижасидагина шаклланади. Бу дарслик мазмунидан баъзи илмий маълумотларни шунчаки, кўр-кўрона ёдлаб олиш бўлмай, балки талабанинг шахсий, субъектив тажрибасига асосланган ҳақиқий билимлар бўлади.

Инсон онги ҳамиша субъектив моҳиятга эгадир. Талаба муайян билимларга нисбатан бефарқ бўлмай, билимлар унинг учун шахсий мазмунга эга бўлсагина пухта ўзлаштирилади. Ўқитувчи бунга талабада ўқув предметига нисбатан кадриятли, ижобий субъектив муносабатни таркиб топтириш натижасида эришади.

Талабанинг руҳий хусусиятларини ўрганиш ўзлаштирилаётган билимларнинг ўқувчига шахсан қизиқарли ва керакли бўлиши зарурлиги, акс ҳолда улар рад этилишини кўрсатади. Бу ҳолат образли ифодаланса, индивидуал тафаккурда билимлар субъективлашади, ўзига хос жиҳатларга эга бўлади. Тескари жараёнда индивидуал тасаввур ва шахсий фикрлар объектив аҳамият касб этар экан, билимлар турли нуқтаи назарларнинг тўқнашуви, баҳс-мунозара, ўзаро ҳамкорликдаги фаолият натижасида ўзлаштирилади, бу эса ўқув жараёнини ноанъанавий усулда ташкил этишнинг муҳим шакллари (баҳс-мунозара, ўзаро ҳамкорлик)ни талаб этади.

Шундай қилиб, ривожлантирувчи таълим технологияси шахс ривожланишининг асосий субстанцияси ҳисобланади. Шахс фаолияти унинг ички ҳиссиётлари билан боғлиқ. Шахс мотив, ҳиссиёт ва шахсий фикр воситасида намоён бўлади. Ўқитувчи ўз дарсида талабалар тафаккурини ривожлантиришга хизмат қилувчи фаол ва ривожлантирувчи педагогик технологиялардан фойдаланиб, шундай шарт-шароитларни таркиб топтириши лозимки, натижада талаба учун дастлаб холис бўлган объект кутилмаганда субъектив хусусият касб этсин [3, 90-100].

Талабаларда мустақил билим олишга эҳтиёж уйғотиш, уларни ахборотларнинг катта оқимидан кераклисини тўғри танлай билишга ўргатиш жуда муҳим. Буларнинг барчаси таълим олишга, талабаларда билимларни айна бир вақт оралиғида самарали ўзлаштириш кўникмасини шакллантириш масаласига ноанъанавий ёндашишни талаб этади. Асосий дидактик ва психологик назарияларга таяниш, илғор педагогик тажрибани умумлаштириш, эксперимент

натижалари ривожлантирувчи таълим педагогикаси тўғрисида сўз юритишга имкон беради. “Ривожлантирувчи таълим деб, – таъкидлайди академик М.И.Махмутов, – умумий ва махсус ривожланишга олиб келадиган шундай таълимга айтиш мумкинки, унда ўқитувчи фикр юритишнинг қонуний ривожланишини билишга таянган ҳолда, махсус педагогик воситалар ёрдамида ўз талабаларини фан асосларини ўрганиш жараёнида фикрлаш қобилияти ва билиш эҳтиёжини шакллантиришга оид мақсадга йўналтирилган иш олиб боради” [2, 82].

Ривожлантирувчи таълимда зиддиятларни ҳал этиш йўли билан талабанинг турли ўқув фаолиятида миқдорий ва сифат ўзгаришлар амалга оширилади. Ривожлантирувчи таълим моделини лойиҳалаш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Ўқитувчилар дарснинг нафақат “умумий сценарийси”ни, балки унинг алоҳида элементлари моделларини ҳам ишлаб чиқади. Моделнинг вазифаси жуда хилма-хил. Улардан асосийси эвристик вазифадир. Уни амалга оширишда ва талабаларнинг фикрий фаолиятини ривожлантиришда модел эталонлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Улардан фойдаланиб, ўқитувчи турли педагогик вазиятларни олдиндан башорат қилиши мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, талабаларнинг креативлигини ривожлантиришда: талабанинг таълим жараёни, ўқув фани ва ўқув материаллига

муносабати; таълим мақсадининг аниқ белгиланиши; таълим мазмунининг пухта асосланиши; ўқув жараёнининг самарали, қизиқарли ташкил этилиши; ўқитувчининг таълим жараёнини ташкил этишга ижодий ёндашуви; ўқув материалининг талабалар билими, тайёргарлик даражасига мувофиқ тўғри шакллантирилганлиги; таълим жараёнида дидактик, замонавий техник ва ахборот-коммуникацион воситалардан ўринли, мақсадли ва самарали фойдаланиш; профессор-ўқитувчи томонидан ўқув материалли моҳиятини тўла очиб берилиши учун мақбул методларнинг тўғри танланганлиги; ўқув машғулотининг талабаларнинг эҳтиёж, хоҳиш-истак, қизиқишларига таянилган ҳолда, самарали шаклда ташкил этилиши; профессор-ўқитувчининг талабаларга самимий, ишонч билан ёндашиши, уларни ҳурмат қилиши, уларда таълим олишга бўлган мотивацияни шакллантира олиши; машғулотлар жараёнида ҳар бир талабанинг индивидуал, шахсий хусусиятлари, шунингдек, руҳий (психик) фаоллигининг инобатга олинishi; профессор-ўқитувчи, талабалар ва алоҳида талаба ўртасидаги муносабатнинг ўзаро ҳамкорлик, ҳамжиҳатлилиқка асосланиши; таълим мақсадига мувофиқ кутилаётган натижанинг аниқ белгиланганлиги ниҳоятда муҳим ҳисобланади. Шу боис таълим жараёнини ташкил этишда масаланинг бу жиҳатига эътибор қаратишни унутмаслигимиз керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Drapeau Patti. *Sparkling student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving)*. – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014. – p. 290.
2. Махмутов.М.И. *Мактабда проблемали таълимни ташкил этиши*. – Т.: “Ўқитувчи”, 1981. – 182 б.
3. Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. *Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари*. – Т.: Фан, 2006. – 190 б.

НАУЧНО-ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ПОВЫШЕНИЯ ДВИГАТЕЛЬНОЙ ПОДГОТОВЛЕННОСТИ СТУДЕНТОК СРЕДСТВАМИ АЭРОБИКИ

Меҳринигор Яхшиева,

Преподаватель Джизакского государственного педагогического университета

Аннотация

В статье приводится теоретический анализ проблем физического воспитания студентов сетевого поколения. Рассматриваются вопросы проектирования и реализации педагогической технологии с использованием комплекса средств оздоровительной аэробики. Приведены иерархия содержательных компонентов обучения; наиболее востребованные в вузах виды аэробики, их место в системе физического воспитания; модель педагогической деятельности по проектированию, организации и проведению учебного процесса в вузе.

Ключевые слова: физическое воспитание студенток, поколение Y, аэробика, педагогическая технология, проектирование.

Annotatsiya

Maqolada tarmoq avlodi talabalarining jismoniy tarbiyasi muammolarining nazariy tahlili berilgan. Rekreatsion aerobika vositalari majmuasidan foydalangan holda pedagogik texnologiyani loyihalash va amalga oshirish masalalari ko'rib chiqiladi. Treningning mazmun komponentlari ierarxiyasi berilgan; oliy o'quv yurtlarida eng mashhur aerobika turlari, ularning jismoniy tarbiya tizimidagi o'rni; universitetda o'quv jarayonini loyihalash, tashkil etish va o'tkazish bo'yicha pedagogik faoliyat modeli izohlangan.

Kalit so'zlar: o'quvchi qizlarning jismoniy tarbiyasi, Y avlodi, aerobika, pedagogik texnologiya, dizayn.

Annotation

The article provides a theoretical analysis of the problems of physical education of students of the network generation. The issues of designing and implementing pedagogical technology using a complex of recreational aerobics tools are considered. The hierarchy of content components of training is given; the most popular types of aerobics in universities, their place in the system of physical education; a model of pedagogical activity for the design, organization and conduct of the educational process at the university.

Keywords: physical education of female students, generation Y, aerobics, pedagogical technology, design.

Обеспечение оптимальной физической активности остается наиболее актуальной проблемой в современной студенческой среде, которая обусловлена проблемой сохранения здоровья, разностороннего физического развития, высокой функциональной и двигательной подготовленности [3]. Особое значение имеет психофизическая готовность молодых людей к будущей профессиональной деятельности, овладение прикладными знаниями и умениями. Безусловно, повышение мотивации к различным физическим упражнениям является основной задачей физического воспитания в вузе, что требует не только учета состояния здоровья, но и использования современных видов двигательной активности, достаточно популярных и доступных. Такой подход повысит эффективность физического воспитания, сформирует ценностное отношение молодежи к средствам физической культуры, преобразует личность в ее психофизическом потенциале [1, 68]. Современные направления оздоровительной аэробики включают в себя различные тренировочные программы. Наиболее часто на занятиях используются классическая аэробика, степ-аэробика и их танцевальные направления.

Научно-технический прогресс, стремительные изменения во всех сферах жизни требуют от человека

большей гибкости, креативности, высокого уровня образования и крепкого здоровья. Поэтому выпускники вузов должны быть готовы к современным требованиям общества.

Однако возникает закономерный вопрос: на какой период времени выпускнику, пусть даже овладевшему хорошим арсеналом знаний, умений и навыков, имеющему удовлетворительный уровень здоровья, хватит этих кондиций? В условиях быстрой смены требований к человеку в обществе образование становится непрерывным и зависит уже от желания самоактуализироваться. Наиболее ценным качеством является не количественный показатель приобретения знаний, умений и навыков, а способность их применять в реальных условиях.

Безусловно, и проблема укрепления здоровья встает остро при отсутствии должного к нему внимания. Значительное ухудшение здоровья молодых специалистов, связанное во многом с ограничением двигательной активности, является на сегодняшний день неоспоримым фактом.

Всем известно, что традиционное образование чаще всего снабжает нас данными и информацией, меньше знаниями, эпизодически пониманием и очень редко мудростью. Первые четыре класса помогают

нам эффективнее добиваться цели, а мудрость позволяет определить ценность этой цели [2, 89]. Действительно, можно успешно двигаться к бесполезной или малозначимой цели.

К примеру у большинства студентов часто главной целью посещения урока является благополучное прохождение итогового контроля освоения дисциплины «Физическая культура». Но при этом не уделяется должного внимания возможности укрепления здоровья, формирования необходимых в профессиональной деятельности двигательных качеств и т. п.

Поэтому необходимо либо осознать незначительность цели и изменить ее (на более значимую), что потребует проявления мудрости, либо переместить мотив на сам процесс достижения цели или какой-либо результат процесса.

Поколение, которое сейчас получает образование в вузах, называют поколением Y (миллениума, сетевым). Это поколение выросло в период резкого скачка в развитии электроники, Интернета, медиаресурсов. Бурное развитие высоких технологий повлекло значительные изменения в стиле работы и жизни в целом, что, в свою очередь, негативно повлияло на физическое и духовное благополучие многих молодых людей. Так, с одной стороны, использование Интернета расширяет образовательное пространство, с другой – не дает необходимых возможностей размышлять по поводу нового знания, оценивать различные точки зрения, анализировать и формировать собственное отношение к увиденным фрагментам информации [3, 92], что по иерархии содержательных компонентов обучения можно отнести только к данным, а значит, оказаться на низшей ступени обучения человека.

Таким образом, с одной стороны, существует общественная потребность в творческих людях, умеющих применять собственные знания на практике, имеющих достаточный резерв здоровья, с другой – недостаточный уровень знаний, умений и навыков в области теории и методики физического воспитания усугубляет проблему мотивации физкультурной деятельности, как следствие, ограничение двигательной активности и ослабленное здоровье.

Физическое воспитание позволяет решать на одном занятии ряд задач, направленных на укрепление здоровья, развитие творческих способностей, самовыражение. Такая синтетическая возможность дисциплины, дополненная атрибутами продуктов творчества, может способствовать формированию мотивации внутренней направленности студентов.

Аэробика – интенсивно развивающееся направление в системе вузовского физического воспитания, располагающее специфическими средствами, методами, направленное на гармоничное развитие человека.

Так, аэробика входит во все три группы видов

гимнастики. Аэробика включена в оздоровительные виды гимнастики, так как является одной из составных частей фитнеса (если представлять его как раздел знаний, рассматривающий вопросы сохранения и укрепления здоровья).

Не секрет, что аэробика способствует [4, 56] обеспечению оптимальной физической подготовленности, культуры движений, улучшению осанки и коррекции фигуры, повышению физической и интеллектуальной работоспособности, положительному влиянию на качество и эффективность труда, активному отдыху, формированию положительного психоэмоционального настроя и в целом укреплению здоровья.

В роли образовательно-развивающего вида аэробика способствует физической релаксации и умственной концентрации, когда ее применяют в качестве производственной гимнастики. Помимо этого аэробика используется в системе подготовки спортсменов других специализаций (футболистов, волейболистов, пловцов и др.), а также с целью решения задач профессионально-прикладной физической подготовки в учебных заведениях разного уровня.

Спортивная аэробика и фитнес-аэробика – спортивные дисциплины, которые преподаются на спортивных отделениях вузов различных профилей.

Конструирование программ занятий чаще всего осуществляется двумя методами: свободным и структурным.

Свободный метод не предполагает предварительной подготовки инструктора к занятию, конструирование происходит по ходу самого занятия. Такой метод предъявляет высокие требования к уровню подготовленности преподавателя, к его творческим, импровизационным способностям. Этот метод интересен занимающимся с высоким уровнем подготовленности, с хорошей координацией. Однако при таком методе трудно планомерно решать поставленные задачи.

Структурный метод характеризуется детальной проработкой программы занятий, подготовкой музыкальной фонограммы, предварительным разучиванием преподавателем всех комбинаций, серий упражнений, запоминанием содержания занятия. Безусловно, эффективность подготовленного заранее занятия может быть выше импровизационного. Помимо этого, занимающимся с низким уровнем развития координационных способностей такой метод нравится больше, поскольку обучение новым двигательным действиям происходит планомерно, от занятия к занятию, поэтому такие студентки более уверенно выполняют знакомые комбинации, что позволяет повышать не только тренировочный эффект, но и сохранять положительный эмоциональный настрой. Поэтому, учитывая необходимость решения определенных задач в вузовском физическом воспитании, оптимальнее

придерживаться структурного метода.

Целесообразно проектирование процесса обучения осуществлять совместно со студентками. Совместная реализация первого пункта проектирования с учетом индивидуальных потребностей способствует принятию выработанных целей и задач, что уже является важным фактором формирования мотивации внутренней направленности.

Коллегиальный выбор видов аэробики для решения поставленных задач также создаст положительный мотивационный фон, поскольку использование предпочитаемого вида двигательной активности всегда вызывает подлинный интерес к занятию.

Остальные пункты проектирования учебного процесса в большей степени осуществляет преподаватель, но с ознакомлением студенток на методико-практических занятиях. Таким образом частично снимаются вопросы методики самостоятельного использования упражнений физической культуры.

Рассматривая направления воздействия системы занятий, следует отметить, что на схеме указаны только основные. Так, формирование культуры движений с помощью средств танцевальной аэробики предполагает формирование как оптимальности двигательных действий (а значит, формирование двигательных умений и навыков), так и их эстетичности. Обучение студенток выразительным средствам (жестам, пантомиме, рисунку танца) в ходе формирования культуры движений позволяет сделать движения одухотворенными, оказать влияние на их внутренний мир, на основе чего можно расширить представление студенток об их двигательных возможностях, закономерностях движений с музыкой, сформировать понимание танца как способа передачи информации, чувств, эмоций. Это имеет большое значение, поскольку воздействует на духовное развитие, чувственную сферу студенток и в целом содействует повышению как образовательного, так и воспитательного векторов воздействия в физическом воспитании, приобщению к искусству (классической музыке, балету, театру, при использовании *body ballet*), гуманитаризации педагогического процесса [5, 195].

Результат воспитания физических качеств не ограничивается повышением уровня физической подготовленности, поскольку их комплексное развитие отражается непосредственно на работе функциональных систем организма и способствует укреплению здоровья. Необходимо отметить, что в ходе улучшения развития физических качеств осуществляется профессионально-прикладная физическая подготовка.

Технический прогресс освободил человека от тяжелого физического труда, но повысил требования к лабильности и устойчивости ряда психомоторных функций [6, 72]. Механизация и автоматизация производственного процесса привели к росту удельного

веса быстрых и точных двигательных действий, часто со сложной координацией движений, быстрым восприятием обстановки, срочной переработкой информации и реагированием при уменьшении числа макродвижений и росте количества микродвижений; причем мышечное напряжение в микродвижениях (при мелкой моторике) дифференцируется на нижнем пороге усилия.

Важным направлением воздействия системы занятий является приобретение упорядоченной совокупности теоретических и методико-практических знаний, умений и навыков. Часто специалисты не уделяют должного внимания формированию системы знаний в области физической культуры, отдавая предпочтение в большей степени моторной плотности занятия. Вместе с тем знание основ теории и методики физического воспитания, физиологии, эффектов воздействия на функциональные системы физических упражнений, понимание важности оптимальных объемов двигательной активности могут помочь сформировать устойчивую мотивацию к занятиям и вооружит занимающихся необходимым арсеналом средств самостоятельных занятий.

В ходе проведения занятий по данной технологии предусмотрено использование проблемных ситуаций и проектной деятельности с целью стимулирования мыслительной активности, познавательной потребности студенток.

В результате такой работы студентки учатся:

- 1) определять проблему;
- 2) определять цель и задачи;
- 3) проводить исследовательскую деятельность в области теории и методики физического воспитания;
- 4) самостоятельно применять средства физической культуры и спорта для решения проблемы и добиваться необходимых результатов.

Педагогическая технология физического воспитания студенток на основе использования средств аэробики не может применяться без проверки ее эффективности на протяжении учебного года. Поэтому для определения достижения реальных результатов планомерно проводятся тестирование, анкетирование, опросы. И с учетом полученных данных осуществляется коррекция проекта учебного процесса студенток.

Таким образом, можно сделать выводы:

1. Физическое воспитание обладает большими возможностями синтезирования, позволяющими в одном процессе получать удовлетворение от продуктов творчества, укреплять здоровье, осуществлять подготовку к профессиональной деятельности, учитывать желание нынешнего поколения самовыражаться и самоутверждаться.

2. Проектирование и реализация педагогической технологии с использованием комплекса средств

оздоровительной аэробики совместно со студентками на основе соблюдения современных принципов дидактики могут способствовать оптимальному решению ряда оздоровительных, образовательных, воспитательных задач.

3. При использовании такой технологии физиче-

ского воспитания принципиально важным фактором является личность преподавателя, который должен отличаться не только профессиональной компетентностью, но и уметь предвидеть старение технологии, своевременно адаптировать и перестраивать ее под новые условия, требования.

ИСПОЛЬЗОВАННЫЕ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Аюф Р., Гринберг Д. Преобразование образования / пер. с англ. Ф. П. Тарасенко. – Томск: Изд-во Том. ун-та, 2009. – 196 с.
2. Гатилова З. Н., Ревякина В. И. Межпредметный образовательный проект как многофункциональная форма интеллектуального воспитания школьников // Вестн. Томского гос. пед. ун-та (Tomsk State Pedagogical University Bulletin). 2009. Вып. 6 (84). С. 23–26.
3. Дьяченко И. П. Особенности психологического развития поколения «Игрек» // V Международная студенческая электронная научная конференция «Студенческий научный форум» 15 февраля – 31 марта 2013 года.
4. Бондаренко Е. В., Ревякин Ю. Т. Модернизация физического воспитания студенток технического вуза средствами оздоровительной аэробики (с использованием системы упражнений body ballet) // Вестн. Томского гос. пед. ун-та (Tomsk State Pedagogical University Bulletin). 2007. Вып. 5 (68). С. 50–56.
5. Бондаренко Е. В. Физическое воспитание студенток на основе использования системы упражнений body ballet: дис. ... канд. пед. наук. – Томск, 2006. – 204 с.
6. Теория и методика физического воспитания: учебник для институтов физ. культуры: в 2 т. / под общ. ред. Л. П. Матвеева, А. Д. Новикова. – М.: Физкультура и спорт, 1976. – 256 с.

O'ZBEKISTONDA OLIY TA'LIM MUASSASALARI BOSHQARUVIGA AKADEMIK VA MOLIVAVIY AVTONOMIYANI JORIY ETISHNING SAMARADORLIGI

Jasurbek Azamov,

Qo'qon davlat pedagogika instituti dotsenti, y.f.d (PhD)

Annotatsiya

Maqolada O'zbekiston oliy ta'lim boshqaruvini isloh qilish. Avvalo, bu mamlakatdagi islohotlarning asosiy farqi shundaki, ular nafaqat oliy ta'limning davlat boshqaruvi tizimini o'zgartirishga, balki oliy o'quv yurtlarining ichki boshqaruv tuzilmasini isloh qilishga qaratilgan. Bu esa mamlakatimizda bir qarashda oliy ta'lim uchun davlat moliyalashtirish sxemalarini isloh qilish, OTMlarni bir qator moliyaviy imkoniyatlar bilan ta'minlash bilan birga, OTM daromadlarini diversifikatsiya qilish darajasiga ijobiy ta'sir ko'rsatish haqida so'z yuritiladi.

Kalit so'zlar: OTM, Konsepsiya, akademik va moliyaviy erkinlik, moliyaviy, iqtisodiy va boshqaruv muammolarini aniqlash, tashqi va ichki omillar, iqtisodiy, tashkiliy, axborot, huquqiy ta'minot, rektor, prorektorlar, bo'lim boshlig'i va fakultet dekanlar.

Аннотация

Реформа управления высшим образованием в Узбекистане в статье. Прежде всего, основное отличие реформ в этой стране состоит в том, что они направлены не только на изменение системы государственного управления высшим образованием, но и на реформирование внутренней структуры управления высшими учебными заведениями. На первый взгляд, это означает реформирование схем государственного финансирования высшего образования в нашей стране, предоставление вузам ряда финансовых возможностей и положительное влияние на уровень диверсификации доходов вузов.

Ключевые слова: ВУЗ, концепция, академическая и финансовая свобода, выявление финансово-экономических и управленческих проблем, внешние и внутренние факторы, экономическое, организационное, информационное, правовое обеспечение, ректор, проректоры, заведующие кафедрами и деканы факультетов.

Annotation

Reform of higher education management in Uzbekistan in the article. First of all, the main difference between the reforms in this country is that they are aimed not only at changing the state management system of higher education, but also at reforming the internal management structure of higher education institutions. At first glance, this means reforming state funding schemes for higher education in our country, providing HEIs with a number of financial opportunities, and having a positive effect on the level of income diversification of HEIs.

Keywords: HEI, concept, academic and financial freedom, identification of financial, economic and management problems, external and internal factors, economic, organizational, information, legal support, rector, vice-rectors, head of department and faculty deans.

Bugungi kunda oliy ta'lim sifatini iqtisodiy jihatdan tahlil etish, moliyaviy, iqtisodiy va boshqaruv muammolarini aniqlash, tashqi va ichki omillarning doimiy o'zgarishi sharoitida belgilangan maqsadlarga erisha olish qobiliyatini baholash zaruriyati namoyon bo'ldi. O'zbekiston oliy ta'lim tizimi boshqaruviga akademik va moliyaviy avtonomiya tamoyillarini joriy qilish zaruratini asoslaydi va samarador imkoniyatlaridan oqilona foydalanish kerakligini ko'rsatib beradi.

O'zbekiston oliy ta'lim tizimi boshqaruvini isloh qilish, unga yangicha standartlarni joriy etish, oliy ta'lim muassasalari boshqaruviga avtonomiya tamoyillarini qo'llash zarurati va samaradorligi, istiqbollari tahlil etilgan. Buning uchun, avvalo, mamlakatimiz oliy ta'lim tizimi boshqaruvidagi mavjud holat va muammolarning bartaraf etishning samarali yo'llarini tadqiq etish maqsadga muvofiq sanaladi.

O'zbekiston OTMlarida boshqaruvning an'anaviy unitar tizimi foydalaniladi va ularda boshqaruvning akademik va moliyaviy avtonomiyasi juda past darajada

namoyon bo'ladi. Shu bois OTMlar turli manbalardan moliyalashtirishda va xodimlarni yollashda erkinlikka ega emas. Umuman olganda, aksar davlat tomonidan moliyalashtiriladigan OTMlarda boshqaruv avtonomiyasining quyi darajasi kuzatiladi. Shu bois davlatimiz rahbari boshchiligida oliy ta'lim sohasidagi islohotlarni jadallashtirish va mavjud muammolarni tizimli bartaraf etishga doir ustuvor vazifalar amalga oshirilmoqda. Zero, "...ta'lim-tarbiya bo'yicha qabul qilingan umummilliy dasturlarimizni mantiqiy yakuniga yetkazishimiz zarur. Shu maqsadda Hukumatning, tegishli vazirlik va idoralar hamda butun ta'lim tizimining, hurmatli domlalarimiz va professor-o'qituvchilarning eng muhim vazifasi – yosh avlodga puxta ta'lim berish, ularni jismoniy va mahnaviy yetuk insonlar etib tarbiyalashdan iboratdir. Farzandlarimiz uchun zamonaviy ish joylari yaratish, ularning hayotda munosib o'rin egallashini ta'minlashga qaratilgan ishlarimizni yangi bosqichga ko'tarishni davrning o'zi taqozo etmoqda" [1, 13-14]. Umuman olganda, boshqa sohalar kabi oliy ta'limda ham sifat ko'rsatkichi raqobat-

bardoshlikni tahminlovchi va xarajatlarni tejovchi asosiy omillardan biridir. Bunda oliy ta'limning ijtimoiy-iqtisodiy samaradorligini barqaror darajada ta'minlash va uni rivojlantirishning yangi sifat darajasiga ko'tarish imkonini beradigan iqtisodiy, tashkiliy, axborot, huquqiy ta'minot zarur bo'ladi. Shu jihatdan, oliy ta'lim boshqaruviga yangicha tamoyillar va modellarni joriy etish bo'yicha ilmiy taklif va amaliy tavsiyalar ishlab chiqish tanlangan mazkur paragrifning dolzarbligini belgilab beradi.

O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish Konsepsiyasiga ko'ra, oliy ta'lim tizimini rivojlantirishning strategik maqsadlari quyidagilardan iborat:

- mamlakatni modernizatsiya qilish, ijtimoiy-iqtisodiy jihatdan barqaror rivojlantirish uchun yuqori malakali kadrlar tayyorlash sifatini oshirish, inson kapitalini mehnat bozori talablari asosida rivojlantirish;

- oliy ta'lim bilan qamrov darajasini oshirish, xalqaro standartlar asosida yuqori malakali, kreativ va tizimli fikrlaydigan, mustaqil qaror qabul qila oladigan kadrlar tayyorlash, ularning intellektual qobiliyatlarini namoyon etishi va mahnaviy barkamol shaxs sifatida shakllanishi uchun zarur shart-sharoit yaratish;

- sohada sog'lom raqobat muhitini shakllantirish, uning jozibadorligini oshirish, jahon miqyosidagi raqobatbardoshligini ta'minlash.

Uzoq istiqboldagi maqsadli vazifalardan kelib chiqib, oliy ta'lim tizimini rivojlantirish quyidagi ustuvor yo'nalishlar asosida amalga oshiriladi:

- ta'lim jarayoniga raqamli texnologiyalar va zamonaviy usullarni joriy etish;

- yuqori malakali mutaxassislar tayyorlash jarayoniga kadrlar buyurtmachilarini faol jalb etish;

- oliy ta'lim muassasalarining moliyaviy mustaqilligi va barqarorligini ta'minlash, moddiy-texnik ta'minotini mustahkamlash;

- oliy ta'lim muassasalarini tizimli rivojlantirish va boshqaruv faoliyatini takomillashtirish;


- korrupsiyaga qarshi kurashish, shaffoflikni ta'minlashning ta'sirchan mexanizmlarini joriy etish;

- oliy ta'lim tizimining investitsiyaviy jozibadorligini oshirish, xalqaro miqyosda tanilishi va raqobatbardoshligini ta'minlash [2].

O'zbekistonda ta'lim to'g'risidagi qonunchilikning yangi tahririga asosan akademik va moliyaviy erkinlik tamoyillarini olib kirish jarayonini boshlab berdi. Yevropa mamlakatlarida ta'lim sohasidagi qonunchilik asoslari akademik erkinlik qoidalarini kafolatlaydi. Ko'plab mamlakatlarning oliy ta'lim muassasalari faoliyatini tartibga soluvchi normativ-huquqiy hujjatlarida OTM-larning akademik avtonomiyasi belgilab qo'yilgan. O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish Konsepsiyasiga ko'ra, oliy ta'lim tizimini ijtimoiy soha va iqtisodiyot tarmoqlari ehtiyojlaridan

kelib chiqqan holda, fan, ta'lim va ishlab chiqarishning mustahkam integratsiyasini ta'minlash asosida ta'lim sifatini yaxshilash, raqobatbardosh kadrlar tayyorlash, ilmiy va innovatsion faoliyatni samarali tashkil etish, xalqaro hamkorlikni rivojlantirish maqsadida [2], shuningdek, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 11-iyuldagi PQ-4391-son "Oliy va o'rta maxsus ta'lim tizimiga boshqaruvning yangi tamoyillarini joriy etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi [3] qarorida ham ko'rsatib o'tilgan.

Umuman olganda, O'zbekistonda hukumat oliy ta'lim muassasalari boshqaruvidagi akademik erkinlikni hurmat qilishi, himoya qilishi va rivojlantirishga ko'maklashish majburiyatini olishi zarur. Shunday bo'lsa-da, rivojlangan davlatlarda ham akademik avtonomiyaga so'z erkinligi kabi, hali mutlaq hisoblanmaydi, va shuning uchun davlat organlari javobgarlik tamoyillariga amal qilish uchun oliy o'quv yurtlari avtonomiyasi asoslarini aniqlash, samaradorligi va jamiyat manfaatlariga xizmat qilish doirasini belgilaydi.



1-shakl. Yevropa va O'zbekistonda oliy ta'lim muassasasi rektorining saylanishi yoki tayinlanishiga doir qiyosiy jadval

Shuningdek, O'zbekiston oliy ta'lim tizimida oliygohlarga ijro etuvchi boshqaruv vakillarini mustaqil tayinlash huquqini ham berilishi muhim ahamiyat kasb etadi. Oliy ta'lim muassasalarining ijro etuvchi boshqaruv vakillarini mustaqil tayinlash huquqi boshqaruv avtonomiyasining asosiy ko'rsatkichi hisoblanadi. Oliyog'ning ijroiya boshqaruviga rektor, prorektorlar, bo'lim boshlig'i va fakultet dekanlari kiradi. Ammo

bunday lavozim egalarini adolatli tayinlash va vazifasidan ozod etish uchun turli toifa va qatlam vakillaridan iborat Muvofiqlashtiruvchi Kengash faoliyatini yo'lga qo'yish kerak bo'ladi. O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish Konsepsiyasiga ko'ra, "oliy ta'lim muassasalarida ishga qabul qilish va yuqori lavozimlarga tayinlashda oliy ta'lim tizimi rivoji uchun o'zining munosib hissasini qo'shuvchi kadrlarni tanlash, ularning faoliyati, professional xususiyatlari, soha oldidagi alohida xizmatlarini adolatli va xolisona baholashni nazarda tutuvchi meritokratiya tamoyillarini qo'llash, rahbarlik lavozimlariga tayinlashda gender

tengligi tamoyillariga qat'iy rioya qilish" [2]ga qaratilgan adolatli va shaffof tizimni yaratish ham bu boradagi ishlarning tarkibiy qismi hisoblanadi.

Xulosa qilganda, O'zbekiston oliy ta'lim tizimida boshqaruvda bir shaxsning avtoritar boshqaruviga asoslangan an'anaviy tizimdan voz kechib, ikki bosqichli boshqaruv modeliga o'tish zarurati ortib bormoqda. Bu ikki bosqichli model orqali qaror qabul qilishda adolat va shaffoflikni ta'minlashda bir birini tiyib turadigan va nazorat o'rnatadigan tizimni yaratish samarali bo'ladi. Bu esa oliy ta'lim boshqaruviga akademik va moliyaviy avtonomiyani joriy etishni talab etadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Mirziyoyev Sh.M. *Erkin va farovon, demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti lavozimiga kirishish tantanali marosimiga bag'ishlangan Oliy Majlis palatalarining qo'shma majlisidagi nutq.* –T.: "O'zbekiston" NMIU, 2016. – B. 13-14.

2. "O'zbekiston respublikasi oliy ta'lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish Konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining PF-5847-son Farmoni. 2019-yil 8-oktabr, (Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 09.11.2021-y., 06/21/3/1037-son)

3. "Oliy va o'rta maxsus ta'lim tizimiga boshqaruvning yangi tamoyillarini joriy etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining PQ-4391-son qarori. 2019-yil 11-iyul.

TALABALARDA KOMPETENTLIKNI RIVOJLANTIRISHDA AXBOROT KOMMUNIKATSIYALARNING ROLI

Laylo Xusinova,

O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti
Nemis tili amaliy fanlar kafedrasida o'qituvchisi

Annotatsiya

Ushbu maqolada biz o'quv faoliyatida pedagogning o'z-o'zini rivojlantirishi va talabalarda til kompetensiyasini oshirish to'g'risida so'z yuritamiz. Bunda biz til ko'nikmalarini oshirish tizimida pedagogning yondoshuvlarini ham ko'rib chiqamiz.

Kalit so'zlar: Kompetensiyalar, o'z-o'zini rivojlantirish, pedagogik jarayon, o'quv materiali, amaliyot, talaba.

Аннотация

В данной статье речь пойдет о саморазвитии педагога в учебной деятельности и совершенствовании языковой компетенции учащихся. При этом мы также рассмотрим подходы педагога в системе совершенствования языковых навыков.

Ключевые слова: компетенции, саморазвитие, педагогический процесс, учебный материал, практика, студент.

Annotation

In this article, we will talk about the self-development of the pedagogue in educational activities and the improvement of students' language competence. In doing so, we will also consider the approaches of the pedagogue in the system of improving language skills. The role of information and communication in the development of students' competence.

Keywords: Competencies, self-development, pedagogical process, educational material, practice, student.

Talabalarda kompetentlikni rivojlantirishda axborot-kommunikatsiyalarning roli. Bugun har bir jarayonda axborot texnologiyalari kirib bormagan soha qolmadi. Qaysi bir jabhani olmaylik qulaylik, oshkoralik, shaffoflik va tezkorlik bobida zamonaviy axborot texnologiyalari yangilanishlarning muhim omiliga aylanib borayotir. Shu bois yurtimizda iqtisodiy-barqarorlik, ijtimoiy farovonlikni ta'minlash, aholi turmush darajasini yanada oshirish uchun barcha sohalarda axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini keng joriy etishga alohida ahamiyat berilmoqda [1, 54]. Bu borada, eng avvalo, sohaning huquqiy asoslarini shakllantirishga e'tibor qaratilayapti. Xususan, o'tgan davrda "Axborotlashtirish to'g'risida"gi "Telekommunikatsiyalar to'g'risida"gi, "Elektron hujjat aylanishi to'g'risida"gi, "Elektron raqamli imzo to'g'risida"gi, "Elektron hukumat to'g'risida"gi bir qator qonunlar qabul qilinganligi fikrimizning tasdig'idir. Axborot texnologiyalarini rivojlantirish va keng qo'llash davlatimizning yaqin hamda uzoq muddatga mo'ljallangan muhim strategik vazifalari qatorida turganini alohida qayd etish joiz. Bunday tadbirlarni amalga oshirishi davr taqozosidir. Ma'lumki, axborot texnologiyalari islohotlar jarayonining ochiqligini ta'minlash, davlat va jamiyat o'rtasida samarali axborot almashish mexanizmini o'rnatishda muhim vosita sanaladi. Bunday o'zgarishlar esa, o'z navbatida, o'qitish samaradorligini tushunishning o'zgarishiga, uni amalga oshirishning yangi mazmuni, texnologiyalari va usullarini ishlab chiqishga olib keladi.

Axborot hajmining ortishi, axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining rivojlanishi va axborot tarmoqlarining kengayishi sharoitida bilimlarni uzatish ta'lim jara-

yonining asosiy maqsadi bo'lib qolmoqda. Muvaffaqiyatli o'zini o'zi bilish va o'zini o'zi anglash uchun inson tashqi dunyo bilan intensiv ma'lumot almashishga tayyor bo'lishi kerak. Demak, bitiruvchini mustaqil tanlash, kerakli ma'lumotlarni ishlab chiqish va amaliy foydalanish asosida uning oldida turgan vazifalarni samarali hal etishga tayyorlashi kerak. Shu sababli, ushbu sohada kompetensiyani shakllantirish muayyan hayotiy muammolarni hal qilish uchun olingan nazariy bilimlarni talabalar tomonidan amaliyotda qo'llashda qiyinchiliklar bilan bog'liq muammolarni oldini olishga imkon beradi. Kompetensiyaga asoslangan yondashuvni amalga oshirish zarurligi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish kontseptsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi Farmonida ta'kidlanganidek: "O'quv jarayonida kompetensiyalarni kuchaytirishga qaratilgan metodika va texnologiyalarni joriy etish, o'quv jarayonini amaliy ko'nikmalarni shakllantirishga yo'naltirish, bu borada o'quv jarayoniga xalqaro ta'lim standartlariga asoslangan ilg'or pedagogik texnologiyalar, o'quv dasturlari va o'quv-uslubiy materiallarni keng joriy etish".

G.K.Selevko kompetensiyaga asoslangan yondashuvning mohiyatini quyidagicha ta'riflaydi: "Kompetensiyaga asoslangan yondashuv – bu bilimlarni ustun uzatish bilan dominant ta'lim paradigmasini bosqichma-bosqich qayta yo'naltirish, kompetensiyalar majmuini, ma'nosini o'zlashtirish uchun shart-sharoit yaratish, potentsial, bitiruvchining omon qolish qobiliyati, zamonaviy ko'p omilli ijtimoiy-siyosiy, bozor-iqtisodiy, axborot va kommunikatsion makon sharoitida barqaror hayot kechirish qobiliyati va

ko'nikmalarini shakllantirishni anglatadi" [2, 68]. Ushbu ta'rifda ikkita ustun yo'nalishni ajratib ko'rsatish mumkin: ta'limiy qobiliyatlarni rivojlantirishga yo'naltirilgan hayotiy faoliyatning yangi modelini shakllantirish va uning markazida axborot-kommunikatsiya makonida insonga intensiv ta'sir qiladigan faol harakat qila oladigan shaxs. Dastlab, kompetensiyaga asoslangan yondashuv kasbiy-ta'lim nazariyasi va amaliyotida qo'llanilgan. Masalan, oliy ma'lumotli mutaxassisning kompetensiyasi o'z salohiyatini (bilim, ko'nikma, tajriba, shaxsiy fazilatlar va boshqalar) muvaffaqiyatli ijodiy (mahsulli) faoliyat uchun amalga oshirish istagi va qobiliyati, kasbiy soha va ijtimoiy soha, ushbu faoliyat natijalari uchun ijtimoiy ahamiyat va shaxsiy mas'uliyatni anglab, uni doimiy ravishda takomillashtirish zaruriyatini (tayyorligini) nazarda tutishi belgilab qo'yilgan. Pedagogik tadqiqotlar shuni ta'kidlaydiki, kasbiy sohada kompetensiyaga erishishning asosi mutaxassisning tegishli darajadagi va profildagi muammolarni muvaffaqiyatli hal qilish imkonini beradigan ma'lumotlarni topish, tanqidiy baholash, o'zlashtirish va ulardan foydalanish qobiliyatidir. Shu bilan birga, bunday muammolarni hal qilishga tayyorligi, birinchi navbatda, faoliyatda yaratilgan mahsulotning tezligi va sifatida namoyon bo'ladigan hosildorlikning tashqi belgilari bilan baholanishi mumkin.

Inson hayotining muhim sohalorida muvaffaqiyatli faoliyat ko'rsatishini ta'minlaydigan qobiliyatlar, bilimlar va amaliy faoliyat usullari majmuasi sifatida kompetensiya asoslari davrida qo'yilganligini hisobga olib, kompetensiyaga asoslangan yondashuv talab qilinadi [1, 76].

Kompetensiyaga asoslangan yondashuv terminologiyasi ikkita asosiy atamaga asoslanadi: "kompetensiya" va "kompetentlik". Keling, ularning har birini batafsil ko'rib chiqaylik. G.K.Selevkoning fikriga ko'ra, "kompetensiya" atamasi nafaqat bilim va ko'nikmalarni o'zlashtirishning eng yuqori darajasini belgilaydi, balki muvaffaqiyat bilan kurashishga imkon beradigan bunday "faoliyat usullari va vositalariga haqiqiy egalik"ni ham anglatuvchi belgilangan vazifalar bilan ta'lim natijasiga ishora qilish uchun ishlatilishi mumkin. Shu bilan birga, pedagogikada kompetensiyalar an'anaviy bilimlarni emas, balki turli xil umumlashtirilgan intellektual, kommunikativ, uslubiy, dunyoqarash va boshqa ko'nikmalarni o'zida mujassamlashtirgan o'zaro faoliyat, qo'shimcha va meta-sub'ekt shakllari sifatida ko'rib chiqiladi va kompetensiyani talabaning ta'lim-tarbiyaviy tayyorgarligining ijtimoiy talabi deb hisoblab, u o'zaro bog'liq bo'lgan semantik yo'nalishlar, bilimlar, ko'nikmalar yig'indisi sifatida ifodalanadi va ma'lum bir sohada samarali ishlab chiqarish harakatlarini amalga oshirish orqali faoliyatda namoyon bo'lishi mahsulidir. Samarali faoliyatni amalga oshirish imkoniyatini nafaqat bilim va ko'nikmalar mavjudligi, balki uning shaxsiy ma'nosini tushunish bilan bog'laydigan bunday yondashuv kompetensiyaning qadriyat xususiyatiga e'tiborni qaratadi.

Har bir inson uchun faoliyatning ma'nosi uning atrof-muhitdan o'rganadigan ideallar va qadriyatlar tizimi bilan belgilanadi va uning motivlari tizimida namoyon bo'ladi. Shuningdek, ta'lim olishda asosiy ta'lim yo'nalishlari va fanlari mazmunini o'zlashtirish bilan bog'liq shaxsiy va ijtimoiy ahamiyatga ega bo'lgan faoliyatni amalga oshirish uchun zarur bo'lgan ta'lim kompetensiyalari haqida gapirish yanada qonuniy ekanligini ta'kidlash joizdir. Shunday qilib, kompetensiyani muayyan muammolarni hal qilish jarayonida samarali faoliyatni amalga oshirish uchun zarur bo'lgan qobiliyatlar, motivatsion va semantik tayyorgarlik, shuningdek, bilim, ko'nikma va tajribani o'zida mujassam etgan talabaning ta'limga tayyorlashning berilgan standarti sifatida ko'rib chiqish mumkin.

"Kompetentlik" atamasi "kompetensiya"dan ikkinchi darajali hosila sifatida qaraladi, chunki "lik" qo'shimchasi sifatini o'zlashtirish darajasini bildiradi. Kompetensiya va kompetentlik o'rtasidagi farq shundan iboratki, kompetensiya talabaning ta'limga tayyorgarligining normasi, talabi sifatida, kompetentlik esa bu sohada ma'lum tajriba bilan birgalikda allaqachon mavjud bo'lgan shaxsiy sifatiga aytiladi. Kompetentlik tushunchasi an'anaviy bilim, ko'nikma, tajribadan ajratib turadigan xususiyatlardan quyidagilarni o'z ichiga oladi:

- kompetentlikning integrativ xususiyati;
- uning shaxsning qiymat-semantik xususiyatlari bilan bog'liqligi;
- amaliyotga yo'naltirilganligi.

Kompetentlik muayyan sohada muvaffaqiyatli faoliyat uchun "o'z potentsialini (salohiyat-bilim, malaka, tajriba, shaxsiy fazilatlar va boshqalar) tatbiq etish" qobiliyatini tavsiflaydi. Kompetensiyaning mohiyatini aniqlashga yuqoridagi barcha yondashuvlar uning faoliyat asosiga ega ekanligini ko'rsatadi, ya'ni faqat faoliyatda shakllanadi va namoyon bo'ladi. Shu bilan birga, mahalliy ta'lim tadqiqotchilarining ishlarida ta'kidlanganidek, kompetensiyani shakllantirish uchun talabalarning o'quv jarayonida faol pozitsiyasini ta'minlash yo'llarini izlash, muammo va vazifalarni hal qilishda ularning faolligini kengaytirish muhim ahamiyatga ega. Shunday qilib, kompetensiyani qobiliyatlar, qiymat-semantik yo'nalishlar, bilim, ko'nikma, tajribaga asoslangan, muammo va vazifalarni hal qilish jarayonida shakllanadigan va muayyan sohalarda o'zini o'zi amalga oshirishga tayyorligini belgilaydigan integral (integrativ) shaxs sifati sifatida ko'rib chiqish mumkin [1, 92].

Pedagogik tadqiqotlarda asosiy kompetensiyalarni hisobga olishga alohida e'tibor beriladi, ya'ni har bir inson ega bo'lishi muhim bo'lgan turli vaziyatlarda qo'llaniladigan universal kompetensiyalardir. Ular kelajakdagi har qanday kasbiy faoliyatni rivojlantirish uchun zarurdir va bugungi globollashuv jarayonlari kechayotgan bir sharoitda, shaxsning muvaffaqiyatli moslashishiga asoslanadi. Asosiy

kompetensiyalar "shaxsning xususiyatlariga asoslanadi va uning psixologik fazilatlariga asoslangan xatti-harakatlarining muayyan usullarida namoyon bo'ladi, yuqori darajadagi universallikka ega bo'lgan keng amaliy kontekstni o'z ichiga olishi bilan xarakterlidir. Axborot kompetensiyasi talabaning barcha turdagi ma'lumotlar bilan ishlash qobiliyati bilan bog'liq; mustaqil ravishda qidirish, tahlil qilish, tanlash, qayta ishlash, uzatish va saqlash, shuningdek, kognitiv faoliyat natijasida shaxsiy ahamiyatga ega mahsulotlarni yaratish manbai hisoblanadi.

Kommunikativ kompetensiya quyidagi qobiliyatlarni o'z ichiga oladi:

- og'zaki va yozma muloqotni samarali amalga oshirish, bu degani zarur ma'lumotlarni olish va taqdim etish;
- zarur xorijiy tillarni va o'zaro ta'sir qilish usullarini bilish, turli ijtimoiy rollarga ega bo'lish asosida jamoada ishlash – o'zaro odamlarni tushunish, insonlar bilan o'zaro munosabatlarni samarali o'rnatish.

Talabalarda axborot-kommunikativ kompetensiyalarni shakllantirish zaruriyatini, birinchi navbatda, jamiyatning ijtimoiy tartibi bilan bog'lash joizdir. Ishlab chiqarilgan va uzatiladigan axborot hajmining eksponentsial o'sishi korxonalar va hududlarning raqobatbardoshligi ko'p jihatdan ularning axborotni yaratish, qayta ishlash va undan samarali foydalanish qobiliyati bilan belgilanishiga olib keladi. Shu munosabat bilan iqtisodning istalgan tarmog'ida band bo'lgan mutaxassislarga, jumladan,

uzluksiz ta'lim olishga tayyorligi va qobiliyati, katta hajmdagi axborotni to'plash, qayta ishlash va saqlash, undan yozma va og'zaki muloqotda samarali foydalanish ko'nikmasiga yangi talablar qo'yilmoqda. Binobarin, axborot-kommunikatsiya kompetensiyalarini har tomonlama egallash bitiruvchiga ushbu talablarga javob berishi, yuzaga kelayotgan hayotiy muammolarni muvaffaqiyatli hal etish imkonini beradi. Axborot va kommunikativ kompetensiyani samarali muloqot qilish, o'quv, kognitiv va boshqa shaxsiy muammolar va vazifalarni hal qilish uchun talabaning ma'lumotni o'zlashtirish qobiliyatida ifodalangan shaxsning integral sifati sifatida aniqlashga imkon beradi [2, 88].

Ko'pgina psixologik-pedagogik tadqiqotlarda asosiy e'tibor inson faoliyatining axborot-kommunikatsiya komponenti va intellektual faoliyat mexanizmini amalga oshirish o'rtasidagi munosabatlarga qaratiladi. Intellektni axborotni qabul qilish, uni kodlash va dekodlash, o'zlashtirish va hayotga moslashish uchun ishlatish qobiliyati deb hisoblanadi. Shunday qilib, samarali muloqot qilish va axborot bilan ishlash usullarini o'zlashtirish uchun shaxsning integrativ xususiyatini inobatga olgan holda axborot va kommunikatsiya kompetensiyasi sifatida hisobga olish mumkin. Bu murakkab ko'p komponentli tuzilma bo'lib, uning shakllanishi talaba tomonidan o'quv ma'lumotlarini o'zlashtirish vazifalarini hal qilish jarayonida yuzaga keladi va uning intellektual qobiliyatlarini rivojlantirishga asoslanadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Mannanov. J.A. *Inovatsion yondashuv asosida bo'lajak kasb ta'limi o'qituvchilarining metodik kompetentligini rivjlantirish texnologiyalari*. Dis. p.f.f.d. (PhD) – T., 2020. – 143 b.
2. Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М.Х. *Педагогик технология: назария ва амалиёт*. – Т.: Фан, 2005. – 206 б.
3. Эбрайими Тагизадеҳ Хосро Морадали. *Психолого-педагогические основы формирования социально-ответственного поведения личности подростков (на материале школ исламской республики Иран)* Сп:13.00.01-автореферат дисс к.п.н. Душанбе-2014 -5 сг
4. Haydarova O.Q. *Bo'lajak kasb ta'lim o'qituvchilarini ta'lim jarayoniga Texnologik yondashuvga tayyorlash: Diss.ped. fan.Nomz.* – T.: 2005. – 143 b.
5. Hoshimov K., Nishonova S. *Pedagogika tarihi. (Darslik)*. – T.: Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti, 2005. – 304 b.
6. Tursunov Shaxzod Ramozonovich. (2021). *THE IMPORTANCE OF IDEAS OF HUMANITY IN EDUCATING THE VIRTUE OF PATRIOTISM IN YOUNG PEOPLE*. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(6), 86–88. Retrieved from

TA'LIM JARAYONIGA SUN'IY INTELLEKTNI QO'LLASHNING AFZALLIKLARI

Jamshid Qarshiyev,

Surxondaryo viloyati pedagoglarni yangi metodikalarga o'rgatish milliy markazi katta o'qituvchisi

Annotatsiya

Maqolada bugungi kunning eng dolzarb texnologiyalaridan biri bo'lgan sun'iy intellektni ta'lim jarayoniga qo'llashning dunyo tajribasi hamda u orqali ta'lim sifatini oshirishning bir nechta afzalliklari keltirilib o'tilgan. Shuningdek, malakatimizda sun'iy intellektni rivojlantirishga oid shart-sharoitlar ko'rsatib berilgan.

Kalit so'zlar: sun'iy intellekt, raqamli texnologiyalar, chatbotlar, kontent, masofaviy ta'lim, LMS va MOOC tizimlar.

Аннотация

В статье представлен мировой опыт применения искусственного интеллекта, одной из самых актуальных на сегодняшний день технологий, в образовательном процессе, а также ряд преимуществ повышения качества образования с его помощью. Также в нашей квалификации показаны условия для развития искусственного интеллекта.

Ключевые слова: Искусственный интеллект, цифровые технологии, чат-боты, контент, дистанционное обучение, системы LMS и MOOC.

Annotation

The article presents the world experience of using artificial intelligence, one of the most relevant technologies today, in the educational process, as well as a number of advantages of improving the quality of education with its help. Also, our qualification shows the conditions for the development of artificial intelligence.

Keywords: Artificial intelligence, digital technologies, chatbots, content, distance learning, LMS and MOOC systems.

Bugungi kunda texnologiyalarning jadal rivojlanishi ko'plab sohalarda jiddiy o'zgarishlarga sabab bo'lmoqda. Aqlli deya ta'riflanayotgan texnologiyalarning kundalik hayot tarzimizga ta'siri ortmoqda. Bunday texnologiyalar qatoriga sun'iy intellektni ham kiritishimiz mumkin. Sun'iy intellektdan sog'liqni saqlash, energetika, tog'kon sanoati, qishloq xo'jaligi, ta'lim, mashinasozlikni takomillashtirish, ovozi yordamchilar, onlayn suhbat va aloqa hamda dasturiy ta'minotni rivojlantirishda samarali foydalanilmoqda. Sun'iy intellekt kabi texnologiyalardan foydalanish orqali ta'lim sohasining qiyofasini tubdan o'zgartirish mumkin.

Global ta'lim bozorida 2021-yilda sun'iy intellekt 1,82 milliard dollarga baholandi va 2022-yildan 2030-yilgacha yillik o'sish sur'ati 36,0 foizga ortishi kutilmoqda [1].

Bundan ko'rinib turibdiki, sun'iy intellekt bugunning muhim texnologiyalaridan biriga aylanib ulgurgan. Kanada, Singapur, Birlashgan Arab Amirliklari, Finlyandiya, Yaponiya, Xitoy, Italiya, Tunis, Buyuk Britaniya, AQSh, Shvetsiya, Meksika, Yevropa Ittifoqi, Keniya, Daniya, Fransiya, Avstraliya, Koreya Respublikasi, Hindiston va Germaniya kabi davlatlar [2] sun'iy intellektni rivojlantirish strategiyalarini e'lon qilgan.

Shu o'rinda mamlakatimizda "Raqamli O'zbekiston — 2030" Strategiyasiga [3] muvofiq hamda sun'iy intellekt texnologiyalarini jadal joriy etish va ularni mamlakatimizda keng qo'llash, raqamli ma'lumotlardan foydalanish imkoniyatini va ularning yuqori sifatini ta'minlash, ushbu sohada malakali kadrlar tayyorlash uchun qulay shart-sharoitlar yaratish maqsadida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 17-fevraldagi

"Sun'iy intellekt texnologiyalarini jadal joriy etish uchun shart-sharoitlar yaratish chora-tadbirlari to'g'risida"gi [4] PQ-4996-son qarori qabul qilindi. Bu qarorda mamlakatimizdagi iqtisodiyot tarmoqlari va ijtimoiy sohada, davlat boshqaruvi tizimida sun'iy intellekt texnologiyalarini ishlab chiqish va ulardan foydalanishda yagona talablar, javobgarlik, xavfsizlik va shaffoflikni belgilovchi normativ-huquqiy bazani ishlab chiqish maqsad qilib olingan.

Yaxshi ta'lim texnologik taraqqiyotga olib kelishi kabi, yaxshi texnologiya ta'lim taraqqiyotiga olib kelishi mumkin. Shu kabi sun'iy intellektning bugungi raqamli ta'lim tizimi bilan birlashishi o'qitish jarayonini yangi bosqichga olib chiqadi. Odatda eLearning bozori deb nomlanuvchi raqamli ta'lim bozori sun'iy intellekt orqali 2022-yil oxiriga kelib 243 milliard dollardan oshishi kutilmoqda [5]. Bunda mobil raqamli kurslardan tortib onlayn va virtual sinflargacha, ta'lim jarayoniga sun'iy intellektni qo'llash orqali yuqori natijalarga erishish mumkin.

Sun'iy intellektdan ta'lim sohasini rivojlantirishda foydalanilmoqda, jumladan, ta'lim dasturlarini ishlab chiqish, robototexnika, virtual borliq va tabiiy tilda qayta ishlash hamda mashinani o'rganish kabi jarayonlarini misol qilishimiz mumkin.

Sun'iy intellekt orqali ta'lim tizimini yanada yaxshilashning bir qancha usullarini ko'rib chiqamiz.

Moslashtirilgan ta'lim. Har qanday sinfdan o'quvchi yoki tinglovchi bilim olish jarayonida bir xil o'zlashtirilmaydi. An'anaviy ta'limda o'quvchi yoki tinglovchi uchun moslashtirilgan holda ta'lim olishda biroz qiyinchiliklar mavjud. Ba'zi tinglovchilar tezda o'zlashtirsa, ba'zilariga vaqt talab qiladi. Bu jarayonda sun'iy intellekt

o'quvchilar bilimini moslashtirilgan holda tenglashtirishga olib kelishi mumkin.

Sun'iy intellekt orqali ta'lim dasturlarini har bir tinglovchi uchun moslashtirish hamda turli dars mashg'ulotlarni qanday qabul qilayotganini aniqlashimiz mumkin. Natijalarga qarab tizim tinglovchilarning yukni ushbu jarayonga moslashtiradi.

Vazifalarni avtomatlashtirish. Ta'lim dargohlarida hamda onlayn virtual sinflarda o'qituvchilar tomonidan beriladigan vazifalarning ko'p qismini sun'iy intellekt orqali avtomatlashtirish mumkin. Bunda moslashtirilgan o'qitish jarayonini yaratish bilan bir qatorda, sun'iy intellektli dasturiy ta'minotlar orqali uy vazifalarini tekshirish, oraliq testlarni baholash, darsni o'zlashtirish jarayonida diqqatini to'plash, sinf hisobotlarini yuritish va boshqa bir qator eslatmalar qilish bilan shug'ullanish mumkin.

Hozirgi kunda ko'plab xorijiy ta'lim tashkilotlari o'zlarining kundalik ish jarayonida integratsiyalashgan sun'iy intellekt texnologiyasiga tayanib o'quv muhitini bilimli va samaraliroq qilishmoqda. Shu kabi tizimlardan biri – bu Cognii [6]dir. Bu sun'iy intellektga asoslangan yetakchi ta'lim texnologiyasidir. Ilg'or texnologiyalar yordamida vazifalarni avtomatlashtirish hamda u orqali ta'lim sifati va arzonligini ta'minlash mumkin.

Kontentlar yaratish. Sun'iy intellekt o'qituvchi va tadqiqotchilarga qulay sharoitlar asosida innovatsion kontentlar yaratishda yordam berishini bir nechta misollar orqali ko'rib o'tamiz:

Axborotni vizual tasvirlash va sun'iy intellekt, haqiqiy hayotiy tajribalarga yaqin laboratoriya sinovlariga o'xshash vizuallashtirilgan vebga asoslangan o'quv muhitini tasvirlash imkoniyatini taqdim etadi. Bunga misol tariqasida phet.colorado.edu va shunga o'xshash platformalarni misol qilishimiz mumkin. Dars jarayonida bu platformalar orqali laboratoriya mashg'ulotlarini 2D va 3D o'lchamlarda tasvirlash orqali o'quvchilarning amaliy ko'nikmalarini rivojlantirishga yordam berishi mumkin.

Kontentni tez-tez yangilash vazifalarga tayyorgarlik ko'rishga yordam beradi. Ya'ni sun'iy intellekt foydalanuvchilarga darslarni vaqt o'tishi bilan yangilab turish hamda ma'lumotlarni tez-tez yangilash haqida eslatmalar beradi va har safar yangi ma'lumotlar qo'shilganda xabarador qiladi. Bu esa o'quvchilarning dars davomidagi yangiliklardan bexabar qolmasliklarini ta'minlaydi.

Hozirgi kunda sun'iy intellekt tufayli ta'lim bozori-ning kontentlar qamrovi imkoniyatlari global darajada oshmoqda. Dunyo bo'yicha o'tkazilgan so'rovnoma natijalariga ko'ra, ta'lim tashkilotlarining 60 foizdan ortig'i zamonaviy AKT vositalari hamda sun'iy intellektga asoslangan dasturiy mahsulotlardan foydalanishmoqda [7]. Shuningdek, imkoniyati cheklangan, ko'rish va eshitishida nuqsoni bo'lgan, nutqi hamda kognitiv buzilishga ega o'quvchilarning ham ta'lim olish jarayonida katta yordam beradi.

Masofaviy ta'limni rivojlantirish. Dunyo hamjamiyati doim ta'limning turli ko'rinishlarda bo'lishini istashadi. Hozirgi kunda ta'lim oluvchilar Lifelong learning tamoyili asosida o'qish orqali turli usullarda va o'zi xohlagan vaqtda ta'lim olishni istashmoqda. Bu jarayonda esa masofaviy ta'lim imkoniyatlaridan keng foydalanish zaruriyati tug'iladi. Yuqori texnologiyalar va sun'iy intellekt orqali masofaviy ta'limni yanada jozibali qilish imkoniyatlari mavjud. Masofaviy ta'limni rivojlantirish uchun ko'plab MOOC va LMS platformalar hamda sinfni boshqaruvchi turli mobil ilovalar ishlab chiqilgan. Bu platformalar orqali ishdan ajralmagan holda ta'lim olishlari hamda malaka oshirishlari mumkin. Ko'plab ta'lim ekspertlarining fikricha, sun'iy intellektning ta'lim sektorida keng qo'llanishi ortib boradi [8]. Sun'iy intellektning qo'llanishi nafaqat masofaviy ta'limni rivojlantiradi, balki an'anaviy ta'limda ham ko'plab imkoniyatlar taqdim etadi. Bunday tizimlarga Coursera, edX, Khan Academy, Udacity, Udemiy va boshqa tizimlarni misol qilishimiz mumkin.

Malaka oshirish. Xodimlar malakasini oshirish jarayonida masofaviy ta'lim va sun'iy intellekt orqali ishdan ajralmagan holda ta'lim olishlari korxonalar yoki muassasalarga qimmatli yechim bo'lishi mumkin. Sun'iy intellekt asosida ishlaydigan dasturiy ta'minot va ilovalarni ishlab chiqish orqali xodimlar va rahbarlar uchun ko'lamli va arzon imkoniyatlar taqdim etiladi.

Bunda malaka oshirish bilan chegaralanib qolmay, korxonalar tashkilotlarda mavjud muammolar bo'yicha yechimlar ishlab chiqish hamda xodimlarning innovatsion texnologiyalardan foydalanish ko'nikmalarini oshirish imkoniyatlari mavjud. Bunday tizim orqali xodimlarning kasbiy bilimlari doimiy tahlil va nazorat qilib boriladi, o'rganishlar orqali kasbiy bilim va layoqati aniqlanib yuzaga kelgan kamchiliklarni bartaraf etish yuzasidan moslashtirilgan o'qitish usullarini taklif etadi.

Chatbot imkoniyatlari. Raqamli texnologiyalarning tezkorlik bilan jamiyat hayotiga kirib borishi, insonlarning turli tizimlardan onlayn foydalanishda uchrayotgan ko'plab murojaatlariga javob berish mushkul muammoga aylanmoqda. Buning yechimi sifatida sun'iy intellektning imkoniyatlaridan biri bo'lgan chatbotlardan foydalanish katta samara berishi mumkin. Chatbotlar bu suhbatdosh dasturi yoki suhbat botidir, bunda foydalanuvchi bilan avtomatik aloqa matn yoki ovoz yordamida amalga oshiriladi. Hozirgi vaqtda ko'plab banklar va xizmat ko'rsatish sohasida chatbot imkoniyatlaridan kengroq foydalanishga harakatlar qilinmoqda. Mijozlar ham operator javobini kutmasdan tezgina 24/7 tarzida savollariga javob olishlari mumkin, bunda tizim mijozlar tomonidan ko'plab beriladigan savollarni aniqlab, ularga tezlik bilan javob qaytaradi. Chatbot o'z ma'lumotlar hajmini so'rovlar asosida oshirib boraveradi.

Bu kabi tizimdan ta'lim sohasida ham foydalanish juda ko'plab imkoniyatlar taqdim etishi mumkin. Chatbotlar

o'quvchilar tomonidan beriladigan murojaatlarga javob beribgina qolmay ularni ro'yxatga olish, so'rovlariga javob berish, kerakli o'quv materiallariga kirishni ta'minlashi hamda tizim imkoniyatlaridan 24/7 tarzida foydalanish va boshqa tezkor yechimlarni taqdim etishi mumkin [9].

Ta'lim tizimlarining xavfsizligini ta'minlash. Ta'lim tizimida raqamli texnologiyalarning rivojlanishi hamda foydalanuvchilar tomonidan qiziqishning ortishi bu soha uchun ma'lum darajada axborot xavfsizligini ta'minlash lozimligini ko'rsatmoqda. Tizimlarning barqaror ishlashi hamda xodimlar va o'quvchilarning shaxsiy ma'lumotlari xavfsizligini ta'minlashga asoslangan markazlashtirilgan, tezkor innovatsion yechim topish mumkin. Misol tariqasida Appinventiv tomonidan ishlab chiqilgan Nova tizimini keltirishimiz mumkin. Bu sun'iy intellekt va blokcheyn texnologiyasiga asoslangan ta'limni boshqarish tizimi bo'lib, ta'lim bozorida keng tarqalgan haqiqiylikni va autentifikatsiya muammolarini bartaraf etadi.

Turli imtihonlar olish jarayoni. Sun'iy intellektning ta'lim tizimidagi yana bir katta va keng qo'llanilayotgan imkoniyatlaridan biri – bu imtihon olish jarayonidir. Hozirgi vaqtda jahon mamlakatlari orasida turli xil imtihon olish jarayonlarida sun'iy intellekt ishtirok etmoqda. Mamlakatimizda ham oliy ta'lim muassasala-

riga kirish jarayonida va boshqa turli darajadagi imtihon sinovlarida keng foydalanilmoqda. Sun'iy intellektli dasturiy tizimlar, kuzatuv kameralari, mikrofonlar orqali shubhali xatti-harakatlarni aniqlash, boshqa shaxsning imtihonga kirishiga urinishi, jarayon vaqtidagi shaffoflikni ta'minlashda yordam berishi mumkin. Sun'iy intellektli dasturiy kuzatuv kameralari imtihon vaqtida har bir shaxsni kuzatib boradi va har qanday noqonuniy harakat haqida mas'ullarni ogohlantiradi.

Xulosa, dunyo ta'lim tizimiga zamonaviy raqamli texnologiyalar va sun'iy intellektni qo'llash juda ko'p muammolarni yechishga yordam berishi kundan kunga o'z isbotini topmoqda. Yuqori texnologiyalar yordamida ta'lim olish jarayoni onlayn bo'ladimi yoki oflayn tarzda, dars jarayonini amaliy va hayotiy tarzda tashkil qilishga juda katta yordam beradi. Ta'lim jarayoniga yuqori texnologiyalar va sun'iy intellektni qo'llashning bir nechta afzalliklari haqida sanab o'tdik. Bundan ko'rinib turibdiki, ta'limda qo'llayotgan eskicha usullarimizni tezgina va moslashuvchan tarzda yangi usullarga almashtirish ham o'qituvchi, ham o'quvchilarga katta yordam beradi. Birinchi navbatda, turli toifa va yoshdagi o'quvchilarning teng va moslashtirilgan holda ta'lim olishlarini ta'minlashimiz mumkin.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. *O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 5-oktabrdagi PF 6079-son "Raqamli O'zbekiston – 2030 strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Farmoni.*
2. *O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 17-fevraldagi "Sun'iy intellekt texnologiyalarini jadal joriy etish uchun shartsharoitlar yaratish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-4996-son qarori.*
3. <https://www.grandviewresearch.com/industry-analysis/artificial-intelligence-ai-education-market-report>
4. <https://regulation.gov.uz/ru/document/19838>
5. T. A. Xo'jaqulov., N.T. Malikova. "Sun'iy intellekt". *O'quv qo'llanma, "Aloqachi", 2019. – 192 b.*
6. <https://cognii.com>
7. Гаврилова Т.А., Хорошевский В.Ф. *Базы знаний интеллектуальных систем. – СПб.: Питер, 2002.*
8. U.D.Qodirov., J.M.Qarshiyev. *Ta'lim jarayonida sun'iy intellektdan foydalanishning o'ziga xos jihatlari. "Zamonaviy ta'lim jurnali" 2021-yil №4-son.*
9. Якубов, С. X., Хушвоков, И. У. (2022). *Вычислительный эксперимент по расчету оптимизации арок по весу. Universum: технические науки, (6-1 (99)), 33-37.*

БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ИНТЕГРАЦИЯЛАШГАН ДАРСЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ УЛУБИЙ АСОСЛАРИ

Гулнора Норматова,

Сурхондарё вилояти педагоглари янги методикаларга
ўргатиш миллий маркази катта ўқитувчиси,
Термиз давлат педагогика институти мустақил тадқиқотчиси

Аннотация

Мазкур мақолада бошланғич таълимда интеграциялашган дарсларни ташкил этишнинг айрим услубий жиҳатлари кўриб чиқилган. Шунингдек, компетенциявий ва шахсга йўналтирилган таълим шароитида ўқув жараёнида ички ва предметлараро алоқаларни таъминлаш, интеграциялашган дарсларнинг ўқув жараёнидаги ҳамкорлик, ўқув машғулотларда ўқитувчи ва ўқувчи ҳаракатларининг алгоритми қаламга олинган.

Калит сўзлар: бошланғич таълим, интеграция, дарс, компетенциявий ёндашув, шахсга йўналтирилган таълим, ички ва предметлараро алоқа, ҳамкорлик муҳити, ўқув фаолият.

Аннотация

В данной статье рассматриваются некоторые методические аспекты организации интегрированных занятий в начальных классах. Поэтому в условиях грамотного и личностно-ориентированного обучения, обеспечения внутренней и межпредметной связи в образовательном процессе, взаимодействия в образовательном процессе интегрированных уроков, был составлен алгоритм действий учителя и ученика в учебной деятельности.

Ключевые слова: начальное образование, интеграция, урок, компетентностный подход, личностно-ориентированное обучение, внутри и межпредметная коммуникация, кооперативная среда, учебная деятельность.

Annotation

This article examines some methodological aspects of organizing integrated classes in primary education. Therefore, in the conditions of competent and person-oriented education, ensuring internal and intersubject communication in the educational process, cooperation in the educational process of integrated lessons, and the algorithm of teacher and student actions in educational activities were drawn up.

Keywords: primary education, integration, lesson, competence approach, person-oriented education, intra- and intersubject communication, cooperative environment, educational activity.

Замонавий таълимнинг устувор йўналишларидан бири – ўқитувчининг бошланғич мактаб таълим соҳалари ва ўқув фанлари интеграцияси методологияси ва назариясини эгаллашидир. Педагогик амалиёт шуни исботладики, ҳатто ижодкор ўқитувчи ҳам бошланғич таълимда интеграция турлари ва уларни амалга ошириш имкониятлари ҳақида илмий-назарий билимга эга эмас.

Биламизки, интеграция аллақачон ўтган асрнинг 20-йилларида яратилган мураккаб дастурларнинг асоси бўлган. Афсуски, кенг фанлараро интеграция асосида қурилган бу дастурлар ўқувчиларга тизимли, пухта билим ва кўникмаларни бермагани учун уларнинг билим олиши ва камол топиши учун унумли бўлмади. Бошланғич таълимни ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичида таклиф этилаётган ўзгаришларга жуда эҳтиёткорлик билан ёндашиш, фойда ва хавфларни тортиш, ўқитувчиларни тайёрлаш ва шундан кейингина амалга ошириш учун таклиф қилиш керак.

“Интеграция” тушунчаси педагогикада янги ҳодиса эмас. Масалан, Я.Каменский барча “билимлар бир илдиздан – теварак-атрофдаги воқеликдан ўсади, бир-бири билан боғланади, шунинг учун ҳам билимлар боғланишда ўрганиш керак”, деб ҳисоблаган

[1, 12]. И.Песталоци “дунёда мавжуд бўлган барча ҳодиса ва нарсаларни тизимлаштиришни мақсадга мувофиқ” [2, 33] деб билди, К.Ушинский эса “турли фанлар бир-биридан мустақил равишда ўқитилса, таълим боланинг маънавий камолотига жиддий таъсир кўрсатмайди” [3, 29-бет], деб таъкидлаган эди. Айнан К.Ушинский ёзиш ва ўқишни уйғунлаштириш орқали савод ўргатишнинг синтетик усулини яратишга муваффақ бўлди. Шунинг учун “бошланғич таълимда интеграция” тушунчасининг ягона келишилган таърифи мавжуд эмас.

Дарслараро фаолиятни интеграциялаш – дарсдаги турли хил фаолият турларини бирлаштириш: ҳаракат фаолияти, арт терапия (расм чизиш, мусиқа тинглаш, кўшиқ айтиш, рақс элементлари), театр фаолиятининг элементлари (ўқувчи берилган ролни бажаради), эвритмия (бадий ҳаракат, нутқ ва мусиқа турларининг комбинацияси), кўшиқ қодаларини ўрганиш, кинестетик фаолият (тана билан “тирик” ҳарфни кўрсатиш, сўзларни тузиш), тактил фаоллик (кўрсаткич бармоғи билан ҳарфлар) ва бошқалар.

Интеграция” атамаси фанлар ва фанларнинг яқинлашуви ва боғланиш жараёнини тавсифлаш учун қўлланилади ва “дифференциация” атамасига маъно

жиҳатдан қарама-қаршидир.

“Интеграция”га қуйидаги тушунчалар маъно жиҳатдан яқин:

- интегратив – интеграциянинг ташқи ва ички, мазмуний ва процессуал компонентлари амалга ошириладиган жараёни билдиради;

- интегратив – интегратив воситалар ёрдамида амалга ошириладиган жараённинг ўзига хос хусусияти;

- интеграция – элементлар бўйича яхлитликни топиш жараёни;

- интеграция – берилган тизимни элементлар билан босқичма-босқич тўлдириш.

Интеграциянинг услубий жиҳатлари О.Данилюк [4], И.Козловская [5], М.Прокофьева [6], Ю.Цёмин [7] ва бошқаларнинг нашрларида ёритилган. Ушбу тадқиқотчилар интеграцияни таълим тизимини ташкил этишни умумий белгилаб берувчи этакчи дидактик тамойил деб билишади. Улардан баъзилари бугунги таълим субъектга асосланган ва интеграция ҳар қандай таълим тизимининг асоси ҳисобланади, шунинг учун таълимнинг сифат жиҳатидан янги босқичга ўтиши моҳиятан ички таълимдан ҳаракатдир, деб ҳисоблашади. Субъектлараро интеграцияга боғлиқ. Бошқалар эса интеграцияни элементларнинг берилган хоссаларга эга бўлган ўзаро таъсири жараёни сифатида изоҳлайдилар, бу жараён элементлар ўртасидаги муҳим боғланишларни етарли асосда ўрнатиш, мураккаблаштириш ва мустақамлаш билан бирга келади, бунинг натижасида интеграл яхлит тизим ҳосил бўлади. Сифат жиҳатидан янги хусусиятлар шаклланади, уларнинг тузилишида асл элементларнинг индивидуал хусусиятлари сақланиб қолади.

Энциклопедик луғатда “интеграция” жараён сифатида талқин қилинади, унинг натижаси алоҳида ихтисослашган элементларнинг ўзаро боғлиқлигига асосланган тизим доирасида бирлик ва яхлитликка, изчилликка эришишдир. Фалсафий энциклопедик луғатда “интеграция” тушунчаси янада тўғрироқ жамланган – бу жараён ёки ҳаракат бўлиб, натижада яхлитлик, бирлашиш, боғланиш, бирликни тиклаш. Демак, бошланғич таълимда интеграция ўқув жараёнини ташкил этишнинг дидактик-методик воситаси бўлиб, унинг асосида дунёни идрок этмаслик ва ўрганмаслик мақсади ётади.

Бошланғич мактабнинг замонавий педагогик амалиётида “контент интеграцияси”, интеграция жараёнларининг самарали амалга оширилишининг илмий изоҳи ва тасдиғини топиш биз учун муҳим.

Интегратив ёндашув бутуннинг фалсафий талқинига мос келади, лекин қисмлар йиғиндиси сифатида эмас, балки ушбу тузилиш элементларини боғлаш усуллари ни ўзгартириш туфайли янги сифат сифатида. У турли қисмлардан тизимни ўзаро боғланган ва органик бир бутун сифатида ҳаракат қиладиган элементларнинг бу-

тун мажмуаси сифатида яратиш имкониятини беради.

М.Иванчук таълимдаги интеграцияни таҳлил қилиб, педагогик интеграция шахснинг ўз-ўзини ривожлантиришга хизмат қилувчи таълим тизими доирасида таълим мазмуни, шакллари ва усуллари-нинг ўхшаш қисмлари ва элементларининг мақсадга мувофиқ ташкил этилган боғланиши эканлигини исботлайди [8]. Бошланғич таълимда компетенция ёндашувига кўра, интеграция икки ёки ундан ортиқ тизимларнинг янгисини яратиш учун ўзаро таъсири-нинг тизимли жараёни бўлиб, зарур амалий билим ва ҳаётий вазиятларни танқидий баҳолаш кўникмаларини ўрганиш учун янги хусусиятларни олади.

Янги бошланғич мактабга интеграциялашган дарсларни яратишга асосланган таркибни интеграциялаш жараёни таклиф қилинди ва ўзига хос, аллақачон янги ўрганиш мавзусига эга бўлган юқори даражадаги интеграцияни ифодалайди. Бундай интеграциялашган дарслар таълим соҳаларини юқори даражадаги мазмун яхлитлиги, дунё ва инсоннинг тушунчалар, ғоялар, тамойиллар, ҳодисалар, моҳиятлар, тушунчалар, тасвирларни умумлаштириш билан бирлаштиради. Улар белгиланган ҳафталик мавзу ёки асосий тушунчалар атрофида бирлаштирилган. Бошланғич мактабларга жорий этилишидан олдин бир неча таълим йўналишлари мазмунини дидактик модел шаклида бирлаштирган “интеграл ёндашув” янги педагогик категорияси синондан ўтказилиши, натижалар муҳокама қилиниши ва шундан кейингина амалга ошириш механизмлари ишлаб чиқиши керак. Таълим соҳаларининг асосли комбинацияси учун дидактик-методик компонент, дарс тузилишини ўзгартиришни, таълимни ташкил этиш усуллари ва шакллари уйғунлаштиришни ўз ичига олган интеграциялашган дарс техникаси ишлаб чиқиши ва экспериментал синондан ўтказилиши керак. Бироқ интеграциялашган дарснинг ушбу дидактик ва услубий компоненти ҳали ҳам ишлаб чиқилмоқда.

Уларни бошланғич таълимнинг яхлит мазмунига жорий этиш учун ўқув-услубий мажмуа (дастурлар, дарсликлар, ўқувчилар, ўқитувчилар учун қўлланмалар) аллақачон таклиф қилинган. Бироқ ўқитувчиларнинг ушбу дарсни амалга ошириш тажрибаси кенг қўллаб-қувватланмади.

Замонавий педагогик назария ва амалиётда интеграл ёндашув муаммоларини ёритиб берувчи нашрлар таҳлили шуни кўрсатадики, бошланғич мактабнинг таълим тармоқларини муайян дарснинг яхлитлигига бирлаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги ўрганиш босқичида. Бошланғич таълимда интеграция – бу бошланғич элементларнинг ўзгариши (ҳаётий вазиятларда амалий қўллаш). Бундай ҳулосалар бошланғич таълимда интеграл ёндашув компоненти, таълим мазмунини интеграциялашувини

аниқлаш учун концептуал ҳисобланади.

Амалиёт шуни кўрсатадики, интеграллашган дарслар аралаш тузилма билан тавсифланади, бу чизикли, консентрик ва спирал тузилмаларнинг комбинацияси бўлиб, бу алоҳида қисмларни турли усулларда маневр қилиш ва ўргатиш имконини беради.

“Интеграция” атамасининг ноаниқлиги, интеграция натижаларининг турлича талқин қилинишини келтириб чиқаради, унинг самарадорлигини баҳолашни қийинлаштиради, бироқ интеграцияни амалга ошириш йўлида жуда кўп қийинчиликлар мавжуд. Бизнинг олдимизда замонавий бошланғич таълимда интеграцияни амалга оширишнинг умумлаштирилган тажрибасининг этишмаслиги, бошланғич синф мутахассисларини тайёрлаш, уларнинг юқори таълим ва касбий тайёргарлигини кўп тармоқли билимлар воситасида шакллантиришнинг самарали йўллари излаш зарур. Бинобарин, бошланғич таълимни замонавий ислохотининг асосини комплекс ёндашувга асосланган яхлит таълим дарси ташкил этади. Бу шуни англатадики, бошланғич таълим дунёнинг умумий манзарасини идрок этиш призмаси орқали кўриб чиқилиши ва алоҳида ўқув предметларига бўлинмаслиги керак. Агар ўқитувчилар ўқувчиларни фанлараро алоқаларни очишга ва бир нечта фан соҳалари бўйича билим ва кўникмаларга таянишга ундасалар, мавзу чегаралари йўқолади.

Психологлар бошланғич мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ақлий фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, интеграцияни жуда эҳтиёткорлик билан амалга ошириш кераклигини огоҳлантиради. Улар турли ёшдаги ўқувчиларнинг ассоциатив тафаккурига оид тадқиқот натижаларига мурожаат қиладилар, уларнинг асосийси ҳар қандай билим ассоциациялар тизими деган хулосадир. Психологияда уларнинг тўрт тури ажратилади: маҳаллий, алоҳида тизим; тизим ичидаги ва тизимлараро. Энг оддий нерв алоқаси, бунинг натижасида бирор нарса ёки ҳодиса тўғрисида элементар билимлар шаклланади, маҳаллий бирлашма – бу боғлиқлик жисмоний жиҳатдан ажратилган, у бошқа билимлар билан боғлиқ эмас, шунинг учун у фақат ўқувчиларнинг элементар ақлий фаолиятини таъминлайди.

Педагогика ва методикадаги бундай жараён анъанавий тарзда таълимда ички ва предметлараро алоқалардан фойдаланиш деб аталади. Бу маълум даражада интеграциялашган таълимнинг зарурий шартидир, лекин у ҳеч қандай интеграция эмас. Шу боис фикримизча, бошланғич мактабга нисбатан “интеграция” эмас, балки “интеграциялашган таълим элементлари” атамасини қўллашни мақсадга мувофиқдир.

Таъкидлаш жоизки, педагогикада горизонтал ва вертикал интеграция бир-бирдан фарқланади, “Горизонтал интеграция” деганда “ўхшаш мазмундаги

бир қатор субъектларни бирлаштиришнинг умумий усули тушунилади, вертикал интеграция эса, ҳар хил мавзу ичида такрорланадиган материални бирлаштириш, турли даражадаги мураккабликларда бирлаштириш, маълум бир ўқув мавзуси бўйича бирлаштириш” [9, 32].

Савод ўргатиш дарсларида интеграциянинг вертикал туридан фойдаланиш тил материални ўрганиш йиллари бўйича бирлаштириш ва уни турли даражадаги мураккабликларда тақдим этиш имконини беради. Бундай интеграцион ёндашув умумий илмий тушунчалар, категориялар ва ёндашувларда ўз ифодасини топадиган сифат жиҳатидан янги турдаги билимларни ривожлантиришга ёрдам беради. Шу билан бирга, тил материалнинг каттароқ блоklarга бирлашиши, пировардида, лингвистик йўналиш тамойилларига органик равишда асосланган бошланғич тил дарси мазмуни структурасининг ўзгаришига олиб келади. Бундай интеграция консентриклик принципига асосланган спирал тузилиш билан тавсифланади.

Интеграциялашган дарс – бу ноанъанавий тузилма ва ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг белгиланган таркибининг мақсадли ўзаро таъсири жараёнини ташкил этишнинг динамик шакли. Бошланғич мактабда ўқувчиларнинг фикрлаш ва ҳис-туйғуларини ахборот ва ҳиссий идрок этишни бойитиш учун (бир нечта фанлардан танланган ўқув материали ва бир мавзу атрофида бирлаштирилган) мазмунли интеграция таклиф этилади, бу эса ҳодиса, тушунчани турли томонлардан ўрганишга, билимларнинг яхлитлигига эришиш имконини беради.

Интеграциялашган дарсларнинг педагогик амалиётга билимларни амалиётда, меҳнат фаолиятида ва ҳаётий вазиятларда комплекс қўллашни ҳал қилиш керак. Ўқув жараёнида ўқитишнинг интеграциялашган техникаси, шакллари ва усулларидан фойдаланиш ўқувчиларнинг кўникма ва малакаларини шакллантиришга, кадриятларни ривожлантиришга, ҳамкорлик муҳитини яратишга, ўқувчиларнинг фаол ўзаро таъсирга ёрдам беради, бунда ўқувчи фаол иштирок этади. жамоавий таълим жараёнида биргалликда таълим, ўзаро таълимни ўз ичига олади.

Интеграциялашган дарснинг афзалликлари ҳар бир мавзунинг мақсадини турли контекстларда аниқроқ тушуниш, ҳар қандай мавзуни чуқурроқ тушуниш (бир неча нуктаи назардан ўрганиш туфайли), комплекс ёндашувга асосланган ёритиш, тизимли фикрлашни такомиллаштириш бўлиши керак. Улар ўқувчилар онгида дунёнинг яхлит манзарасини шакллантириш каби когнитив натижага олиб келадиган интеграл билим тизимлари ҳақида билим беради. Турли фанларнинг мазмун элементлари бир мавзу атрофида бирлаштирилган дарс интеграллашган ҳисобланади.

Интеграциялашган дарс ўрганишнинг ана шу

жиҳатларига, билимларни сифат жиҳатидан юқори даражада шакллантиришга ҳисса қўшиши учун унинг асосий мақсади, кутилаётган натижалари ва ўқувчиларнинг ўқув фаолияти турларини олдиндан аниқ белгилаб олиш зарур. Интеграциялашган дарс турли фанлардан билимлар блокларини бирлаштиришни ўз ичига олганлиги сабабли, интеграл дарснинг ҳар бир мавзулари битта марказий мавзу атрофида бирлаштирилган ўзига хос кичик мавзулар ва мақсадларни белгилаши керак.

Интеграциялашган дарсларга тайёргарлик ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, ўқитувчидан қуйидагиларни талаб қилади:

- вазифаларни белгилаш ва интеграл дарсни ўтказиш методикасини ўзлаштириш;
- бошланғич синф дарсларининг дастур талабларини мукамал билиш;
- календар режалаштиришни амалга ошириш қобилияти;
- мазмуни ёки фойдаланиш мақсади бўйича ўқшаш маълумотларни ажратиб кўрсатиш учун мавзуларни таққослаш ва турли мавзулардаги материалларни солиштириш қобилияти.

Интеграциялашган дарсларнинг ёрқин мисоллари, 6-7 ёшли болаларни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш мақсадида когнитив фаолиятнинг асосий турларини (кузатиш, фикрлаш, нутқ) моҳирона бирлаштириш В.Сухомлинскийнинг табиатдаги фикрлаш сабоқларидир [10]. Бошланғич синфларда дарсларни икки-учтадан кўп бўлмаган, предметлараро интеграцияга асосланган: ўқиш, ёзиш ва табиий фанлар мазмунини бирлаштириш элементлари билан ўтказиш мақсадга мувофиқдир; билим табиати ва она тили (коммуникатив нутқ); математика ва меҳнатга тайёрлаш (лойиҳалаш) ва бошқалар ёки фан ичидаги: ўқиш, ёзиш, нутқни ривожлантириш.

Таълимга бундай ёндашув туфайли ўқувчилар вертикал мавзу мазмунининг изчил расмини шакллантирадilar. Турли хил ўқув предметларининг алоқа нуқталари муҳим ахлоқий аҳамиятга эга бўлиб, улар ўқувчининг дунёқарашини, унинг атрофдаги дунёга, табиатга, жамият ва ўзига ижобий муносабатини шакллантиришга ёрдам беради.

Бошланғич синфларда ўтказиладиган интеграциялашган дарслар ўқувчиларни таклиф этилаётган мавзу бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш ва фикр юритиш учун оқилона ва ҳиссий жиҳатдан англаш заруриятига тайёрлаш имкониятини бериши ҳам муҳимдир. Шу билан бирга, болалар тўпланган билимларини, ҳаётий тажрибасини қўллаш, ўзларининг, ҳатто аҳамиятсиз бўлса ҳам, лекин ҳар бир бола учун жуда зарур бўлган хулосалар ва кидирув кашфиётларини қилиш имкониятига эга.

Интеграция жараёнининг дидактик мазмуни де-

ганда биз таълим мазмуни, усуллари ва шакллари-нинг ўзаро боғлиқлигини, яъни турли ўқув предметларидаги ўқув материални маълум бир объект ёки атроф-муҳит ҳодисаси атрофида ёки таълимнинг долзарб муаммолари атрофида бирлаштиришни тушунамиз. Фанлараро табиат ёки ижодий маҳсулот яратиш ва ҳоказо.

Бошланғич мактабда интеграциянинг оптимал моделларидан бири лингвистик ва адабий соҳа ва ижтимоий-маданий мавзу/муаммо атрофидаги интеграциядир. Дастур мазмунини интеграциялашуви асосий тушунчалар, ҳодисаларни ҳар томонлама таҳлил қилиш, мазмунни кенгроқ қамраб олиш, ўқувчиларда тизимли фикрлашни шакллантириш, ўқув жараёнига ижобий ҳиссий муносабатни шакллантириш учун зарур шарт-шароитлар яратади ва шу билан бирга, ўқув жараёнига ижобий ҳиссий муносабатда бўлиш имкониятини яратади. Иш вақтидан оқилона фойдаланиш.

Интеграциялашган дарсни тузишда уни ташқи хусусиятлар билан расмий равишда бирлаштирилган билимларнинг ранг-баранг мозаикасига айлантirmаслик керак. Мақсад, кутилаётган натижалар, интеграциялашган дарснинг тузилиши турли таълим соҳаларидаги маълумотларни мувозанатли идрок этишни, ҳиссий жиҳатдан қулай муҳитни таъминлайди. Бинобарин, таълим жараёнига интеграл ёндашувни жорий этиш ҳамкорлик педагогикасининг имкониятларини кенгайтиради, таълим жараёнининг яхлитлиги ва тизимлилигини таъминлайди.

Бир мавзу, бир дарс доирасида турли фанлардан олинган билимларнинг интеграциялашувини таъминловчи асосий услубий тамойиллар қуйидагилардан иборат:

- ўрганишнинг фаол характери; янги мавзунинг ўзлаштириш кичик мактаб ўқувчилари фаолиятининг барча турларининг узвий комбинациясини таъминлайдиган фаол жараёнга айланиши керак;
- назарий маълумотлар (билимлар) ва уларни қўллаш ўртасидаги доимий боғлиқлик; таълим тизимидаги билим ўз-ўзидан мақсад эмас, балки фикрни шакллантириш, ифодалаш ва такомиллаштиришнинг муҳим воситасидир;
- билим, кўникма ва кўникмалар, жумладан, ўқиш, ўқилганларни такрорлаш ривожлантирувчи таълимнинг шarti ва таркибий қисми сифатида қаралиши керак.

Интеграциялашган дарсни режалаштиришда ўқув дастурини олдиндан таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Тегишли мавзуларни аниқлаш, агар керак бўлса, тақвим ва тематик режалаштириш бўйича интеграллашган дарснинг дарслар тизимидаги ўрнини башорат қилиб, уларни тақдим этиш кетма-кетлигини ўзгартириш, ўрганиш объектлари ўртасидаги алоқаларни ўрнатиш, интеграциялашган дарсда

ўқувчиларда шакллантириладиган асосий ва фан компетенцияларини аниқлаш, бу синфларда интеграциялашган барча фанларнинг дидактик вазифалари ҳал этилишини ҳисобга олган ҳолда, интеграллашган дарснинг мақсадларини аниқлаш.

Интеграциялашган дарснинг тузилиши қуйидагича бўлиши мумкин:

- интеграллашган дарсга киритилган ҳар бир таълим соҳасининг умумий мавзуси, мақсад ва вазифаларини баён қилиш;

- ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини рағбатлантириш;

- асосий билимларни янгилаш ва тузатиш;

- асосий фактлар, ҳодисалар, ҳодисаларни такрорлаш ва таҳлил қилиш;

- ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини янги вазиятларга ижодий ўтказиш орқали танқидий фикрлашни шакллантириш;

- ўқувчиларнинг таълим ютуқларини акс эттириш (умумлаштириш ва тизимлаштириш).

Интеграциялашган дарснинг ўзига хос хусусияти шундаки, ўқитувчи ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил қилади, уларнинг эътиборини этакчи ғояларга қаратади, ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини, ўқув фанларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ижодий изланиш ва когнитив фаолликни фаоллаштиради.

Интеграциялашган дарсларнинг асосий хусусиятлари:

- бир нечта ўқув фанлари ўқув материалининг мантикий ўзаро боғлиқлиги;

- равшанлиги, ихчамлиги (материали бирлаштирилган икки ёки уч хил ўқув предметларига мос келадиган блоклар бўйича), шунингдек, мотивацион ва рефлексив жиҳатларнинг ўзига хослиги билан ажралиб турадиган ноанъанавий тузилма;

- дарснинг ахборий салоҳияти;

- турли ўқув фанлари бўйича ўқув материалларини тақдим этишни дарснинг ягона мақсадига бўйсундириш (мавзулар мазмунидан фақат уни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотлар танлаб олинади);

- ўтказиладиган жойни танлаш ва унинг дизайни;

- ўқувчилар фаолиятининг ҳар хил турларини ўзаро таъсирнинг турли усуллари (жамоавий, жуфтлик, гуруҳ, индивидуал) билан оқилона комбинацияси;

- ўқитиш воситаларини диверсификация қилиш (видео, аудиоёзувлар, мултимедиа тақдимотлари ва бошқалар ёрдамида), улар бир вақтнинг ўзида моде-

рацияда қўлланилади;

- ўқувчиларга ҳиссий таъсирнинг кучайиши;

- ўқувчиларнинг юқори фаоллиги ва уларнинг ўқув юкмасини аниқ белгилаш.

Интеграциянинг ҳар хил турлари учун дарсда турли фаолият турларини танлаш мақсадга мувофиқдир. Дидактик мақсадига кўра, интеграллашган дарсларнинг тўртта асосий тури ажратилади:

1. Янги билимларни ўзлаштиришнинг интеграциялашган дарслари.

2. Амалий қобилият ва малакаларни шакллантиришнинг комплекс дарслари.

3. Билимларни такрорлаш, умумлаштириш ва тизимлаштиришнинг яхлитлашган дарслари.

4. Билимларни амалиётда қўллашнинг интеграциялашган дарслари.

Интеграциялашган дарсларни режалаштиришда ўқитувчи учун энг яхши ёрдамчи – бу тегишли ўқув ва услубий ёрдамга эга бўлган маълум бир дарснинг интеграциялашган дастури.

Педагогик амалиёт шуни кўрсатадики, барча ўқитувчилар бундай режалаштиришга тайёр эмаслар. Бундан ташқари, улар олдида бошқа вазифалар ҳам турибди:

- ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўқитишнинг мазмуни, усуллари, усуллари, технологияларини пухта танлашни амалга ошириш;

- дарсни “конструкция қилиш”, ўқувчилар фаолиятининг турини, шаклини, тузилишини, вақт меъёрини ва турларини танлаш;

- дарснинг асосий вазифалари ва ҳар бир интеграллашган фанларнинг мақсадларини аниқлаш;

- дарс давомида ўқувчиларнинг турли хил фаолият турлари билан оптимал юкланиши учун ўқув ва дидактик интеграция материални диққат билан танлаш.

Хулоса, интеграциялашган ёндашув нафақат, таълим муҳити, чуқурлашган билимлар уйғунлашуви таъминлайди, балки, дунёнинг яхлит манзарасини тасаввур қилиш, уни билиши ва тушуниш учун ҳам имкон қолдиради. Интеграциялашган дарсларни ташкил этишда ўқитувчи барча фанлар мазмунининг алоҳида мавзуларини, ўқувчининг психологик тайёргарлиги, дастурларни, дарслар тузилишига қўйиладиган дидактик ва услубий талабларни яхши билиши, интерфаол технологиялар ва замонавий ўқитиш усулларини яхши билиши шарт билан эриши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Турдиқулов Э.О. *Ҳозирги замон табиий фанлари мазмуни ва уларни интеграциялаб ўқитиш муаммолари*// Фанларни интеграциялаб ўқитишнинг педагогик шарт-шароитлари: Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: ЎзПФТИИ, 2007.

2. Гурьев А.И. *Межпредметная интеграция: статус межпредметных связей в системе современного образования* / А.И. Гурьев // Наука и школа. 2002. – № 2.

3. Сухаревская Е.Ю. *Технология интегрированного урока*. Ростов-на-Дону: Изд-во «Учитель», 2006. 201 с.

4. Данилюк А. Я. *Учебный предмет как интегрированная система*. Педагогика. 1997. № 4. С. 204.

5. Козловська І. *Філософсько-методологічні аспекти інтеграції знань в содержанию сучасного освіти. "Педагогіка і психологія професійного освіти". 1999. № 3. С. 21–23*
6. Прокоф'єва М. *Інтерактивні методики і системи освіти. К., 2007. 112 с.*
7. Лысакова Ж.А. *Формирование теоретических понятий в процессе интегрированного урока литературы и истории в старших классах / Изв. Волгогр. гос. пед. ун-та. – 2007. – № 5. – 111-114 с.*
8. Иванчук М. *Інтеграція уроків як специфічна форма організації навчання. Жизнь и школа. 2004. № 5. С. 10–15.*
9. Сеченикова Л. *Как организовать интегрированный урок? // Народное образование. – М., 1996. – 223 с.*
10. Сухомлинський В. О. *Избранные произведения: 5 том. – М., 1977. – 121 с.*

ШАРҚОНА ҚАДРИЯТЛАР АСОСИДА ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ (Шарқ мутафаккирларининг илмий меросида)

Журъат Саидов,

Жиззах давлат педагогика университети ўқитувчиси

Аннотация

Мазкур мақолада шарқона қадриятлар асосида болаларни тарбиялашнинг педагогик асослари ва бу борада ўқитувчи роли ҳақида сўз боради. Болалар тарбиясида Шарқ мутафаккирларнинг ўз асарларидаги қимматбаҳо фикрлари ва уларнинг ҳозирги кундаги ота-оналар фарзанд тарбиясида айнан қайси жиҳатларга эътибор қаратиши кераклиги каби масалаларга оид жиҳатлари тавсифланади.

Калим сўзлар: оила, қадрият, урф-одатлар, бола шахси, муносабат, миллий стереотип, қарашлар, бола ҳуққи.

Аннотация

В данной статье рассматриваются педагогические основы воспитания детей на основе восточных ценностей и роль учителя в этом вопросе. В воспитании детей описываются такие вопросы, как ценные мысли восточных мыслителей в их трудах и на какие именно аспекты следует обратить внимание в воспитании детей их нынешним родителям.

Ключевые слова: семья, ценности, традиции, личность ребенка, установки, национальный стереотип, взгляды, поведение ребенка.

Annotation

This article will talk about the pedagogical foundations of raising children on the basis of Oriental values and the role of a teacher in this regard. In the upbringing of children, such issues as the valuable thoughts of Oriental thinkers in their works and what exactly aspects should be paid attention to in the upbringing of children by their parents of the present day are described.

Keywords: family, value, traditions, child personality, attitude, national stereotype, views, child behavior.

Фарзанд комиллиги, унинг тарбияси, соғломлиги, миллий қадриятларга, Ватанига бўлган муҳаббати каби масалалар кўтарилганда, мутафаккир Абдулла Авлонийнинг: “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидур”, – деган маъноли фикрлари нақадар ҳақиқат эканлигини англаймиз. Тарбиянинг ўчоғи бўлган оила – ҳар бир халқнинг, миллатнинг давомийлигини сақловчи, шарқона қадриятларнинг ривожини таъминловчи, маънан ва жисмонан баркамол авлодни дунёга келтириб, тарбиялаб, ватанпарвар юрт ҳимоячиларини вояга етказувчи муқаддас макондир. Инсон илк тарбияни оиладан, меҳр кўридан, онанинг сути ва ўзига хос алласидан олади. Унинг таъсири одам табиатига, қалбига мустаҳкам жойлашади. Фарзанднинг комиллиги, руҳияти, меҳрибонлиги, одоби ҳар бир оилада белгиланган ички, ўзига хос қонун-қоидалари асосида шаклланиб боради. Президентимиз таъкидлаганидек: “Барчамизга аёнки, юртимиздаги ҳар қайси инсон ҳар қайси оиланинг энг эзгу орзу-мақсадлари, ҳаётий манфаатлари, авваламбор, унинг фарзандлари тимсолида намоён бўлади, рўёбга чиқади” [1].

Шарқ мутафаккирларининг маънавий меросида фарзанд тарбияси, билим олиши, донолиги, бағрикенглиги, одоблиги, озода ва покизалиги, қалбининг беғуборлиги, хушмуомалалиги ва шу сингари ёқимли урф-одатлар тушунилади деган фикрни ил-

гари суради [2, 86]. Абдуқаҳҳор Иброҳимов ўзининг “Бизким, ўзбеклар” китобида: “Одам маърифат сўзини кўп тилга олавермай маърифатли, маънавият иборасини ҳадеб ишлатмай маънавиятли бўлиши мумкин. Чунки булар тилда эмас, маърифат – онгда, маънавият – қалбда макон топади”, – дейди [5, 15].

“Тарбиянинг тури ва уни болаларга сингдириш усули хилма-хил, бири-бирдан зарур. Бироқ меҳр-шафқат, ҳалоллик, ростгўйлик тарбияси шу қунимизнинг энг долзарб мавзудир [3, 18]. Мутафаккир Мавлоно Содик Қошғарий (XV аср) “Одобия” асарида устоз бўлишнинг 400 дан ортиқ қоидаларини баён қилган [2, 86]. Булардан энг муҳимларини таъкидлаб ўтамиз.

1. Устозликка даъвогарнинг аввало бўғзи тоза бўлсин. Устоз ҳалол еб, ҳалол ичиши керак. Акс ҳолда унинг сўзлари ёлғон бўлади.

2. Устоз покдомон бўлсин. Устоз камтар ва мағрур бўлиши керакки, оддий одамлар унга мурожаат қила олиши ва нопоклар уни бўйсундира олмаслиги керак.

3. Устоз зинда дил бўлсин. Тириккўнгил одам руҳиятшунос бўлиб, инсон шахсини яхши тушунади, ҳаётга оптимал қарайди, ўз касбини севади. Бу ўринда шахс психологиясини яхши тушуниш ҳақида сўз бормоқдаки, унинг замирида кўнгил кўзи юмук одамнинг тарбиячи бўла олмаслигига ишора бор.

4. Устоз назарқарда бўлсин. Яъни Устоз шогирдининг иссиқ-совуғидан, юриш-туришидан ва фикру

зикридан хабардор бўлиши лозим. Устоз шогирдини турли усулларда тарбиялайди. Кимдир 20 йил, яна кимдир 7 йил тарбия олиши мумкин. Жумладан, машхур Баҳоуддин Нақшбанд устозлари қўлида бор-йўғи 7 йил тарбия кўрган, холос.

Бундан кўринадики, фарзанд тарбиясида, энг аввало, устоз тарбиячиларимизнинг ўзлари тарбиянинг талабларига тўла жавоб берадиган, бахтли-саодатли, ўз оиласи ва мавқеига эга, маънавий баркамол, хушхулқли, гўзал муомалали, бугунги замонавий талабларга жавоб бера оладиган, фарзандлар кўнглига йўл топа оладиган бўлишлари ҳам муҳим экан.

Фарзанд тарбияси, келажаги ва манфаатлари ҳақида сўз борганда, бундан уч ярим минг йил илгари яшаб ўтган фиръавнлардан бирининг қабртоши устига “Ёшларимиз ўжар ва қайсар, кексаларнинг айтганини назар-писандга олмайди, ажодлар қадриятларини инкор этади” деган сўзларнинг битиб қўйилгани ёшлар тарбияси башарият тараққиётининг барча даврларида ҳозиргидек асосий муаммолардан бири бўлиб келганини тасдиқлайди [4, 16].

Амир Темур (1336-1405) – ўзбек давлатчилигини энг юксак поғонага олиб чиққан буюк шахс. У ўз ҳаёт фаолияти давомида доимо ўзининг “Куч – адолатда” деган шиорига амал қилган ҳолда иш юритган. Амир Темур фарзандлари, набиралари, яқинларининг тарбиясига алоҳида эътибор қаратган. Набираларини тарбиялашда Амир Темурнинг рафиқаси Сароймулкхоним бош-қош бўлган. Сароймулкхоним шахзода ва маликаларни ҳалол, меҳнатсевар, ақлли, доно, одоб-ахлоқли, мўмин ва мўминалар қилиб тарбиялаган. Амир Темур ва Сароймулкхонимнинг тарбиясини олган Мирзо Улуғбек дунёга машхур қомусий олим бўлиб етишди ва ақлу заковати билан илм аҳлини лол қолдирди. Амир Темурнинг марказлашган давлатини, меҳнаткаш халқини кўролмайдиган давлат атрофидаги душманлар кўп бўлгани учун ҳам соҳибқирон ҳарбий юришлар олиб боришга мажбур бўлган. Унинг ёзишича, ўз юмушларининг ўндан тўққизини мурса-ю мадора асосида ҳал қилган. Танҳо ўндан бир ҳисса ишларда илож топмагач, куч ишлатишга мажбур бўлган. Энг муҳими, Амир Темур қонун устуворлигига катта эътибор қаратган. Бунга Амир Темур тартиб берган “Темур тузуклари” ёрқин мисол бўла олади. Соҳибқирон даврида қонунлар барча учун баробар бўлган. Ҳатто унинг баъзи бир ўғиллари ва набиралари қонундан ташқари нолойиқ иш қилганларида улар қаттиқ жазоланганлар. Амир Темур қаттиққўл ва шу билан бирга адолатпарвар давлат арбоби бўлган. Амир Темурнинг “Темур тузуклари” номли китобида унинг адолатпарварлиги ва ҳар бир ишга масъулият билан ёндашганлигини кўриш мумкин. Ушбу тузуклардан барчамиз турмуш тарзимизда, фарзанд тарбиясида, оилада ички қонун-қои-

далар ўрнатишда ва тарбияда маънавий мерос, миллий қадрият сифатида фойдаланишимиз мақсадга мувофиқдир. Баркамол инсон, унинг тарбияси ҳақидаги юксак гоёлар баён қилинган зардуштийларнинг муқаддас китоби “Авесто”нинг туб маъно-моҳиятини белгилаб берадиган “Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” деган тамойилни оладиган бўлсак, унда ҳозирги замон учун ҳам беҳад ибратли сабоқлар борлигини кўриш мумкин[5,9].

Қадимий Туронзамин ва Эронзаминдаги ахлоқий тафаккур тараққиёти зардуштийлик динининг вужудга келиши билан боғлиқ. Зардуштийлик илоҳи Ахурамазда – эзгулик, Ахриман эса ёвузлик тимсоли сифатида намоён бўлади. Зардуштийлик динини маълум маънода ахлоқий эътиқод, унинг муқаддас китоби “Авесто”ни қадимги ажодларимиз амал қилган ахлоқий тушунчалар ва кўрсатмалар мажмуи, дейиш мумкин. Қадимги Юнон алломалари Сукрот, Афлотун, Арасту таълим-тарбия, ахлоқшунослик борасида бир қатор қарашларни илгари сурган. Арасту антик дунё фуқаросининг анъанавий фазилатлари бўлмиш донишмандлик, мардлик, одиллик, дўстликни юксак қадрлайди. Конфуций таълимотида асосий ахлоқий қонун, асосий ахлоқий тушунча – “жэнь” (инсонийлик)дир. Масалан, “Лунь юй” (Ҳикматлар) китобида шундай дейилади: “Кимки чин дилдан инсонни севишга интилса, у ёвузлик қилмайди.”[10,20] Абу Наср Форобий Арасту изидан бориб, фалсафани иккига: назарий ва амалий жиҳатларга ажратади ва ахлоқий тарбияни амалий фалсафа таркибига киритади. Ахлоқий муаммолар унинг “Бахтга эришув йўлини кўрсатувчи китоб “Фозил одамлар шаҳри” [7, 159] каби асарларида ёритилган. Мутафаккирлар ўз асарларида инсонни ёшлигидан ақлий ва жисмоний жиҳатдан тарбиялаб, сабот-матонатли, ажодлар анъанасига бўйсунадиган, ахлоқан пок, эзгу ниятли, баркамол бўлишига алоҳида эътибор берган. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида кишидаги ижобий фазилатлар уни доимо камолот сари етаклаши, инсон доимо ўз тарбиясига эътиборли бўлиб юриши зарурлиги уқтирилади. Шунингдек, унда уят-андиша, ор-номус, ватанпарварлик, хушмуомалалик, ширинсўз, каттага ҳурмат, кичикка иззат, ўз-ўзини ҳурмат қилиш, очик юзлилик, ақлли ва доно, билимли, хулқи хуш каби – жами 17 та фазилатлар ёритилган. Жумладан, унинг: Бириси шошилмоқ, бири-кўзи оч, Бири жаҳолатдир, яқинлашма, қоч. Тўртинчи – ёвузлик, бузуқ феъллилик, Охиргиси – ёлғон, қўпол тиллилик. Булардан тубани ёмон феъл эрур, Ёмон феъл кишига аламлар берур. Очик юз, ширин сўз, майинлик керак, Феъл-атворда мослик, тайинлик керак, деган мисраларида халқни ғийбатдан, ёлғондан, тубанликдан, қўполликдан йироқ бўлиб, ширинсўз ва чиройли, майин муомалада бўлишликка чорлайди.

Сомонийлар даврининг улкан шоири, мутафаккири Абу Абдулло бинни Жаъфар Рўдакий шарқона қадриятлар сингдирилган комил инсон тўғрисида қуйидаги мисраларни ёзиб қолдирган: Тўрт нарсани берди менга оқилларча ўйламоқ:

1. Тансиҳатлик.
2. Яхши одат.
3. Яхши ном.
4. Яхши фикр.

Ушбу тўртликда шоир инсонларни ҳаёти давомида амалга ошираётган барча ишларида ёмон иллатлардан узоқ бўлиб яхши ҳаёт кечиршига, оқилона ва яхши фикр юритиш орқали эса ўзидан яхши ном қолдириш мумкинлигини ва бу йўл инсонни барча дардлардан фориг бўлишига ёрдам беради, деган фикрларни илгари сурган.

Биз инсонни теран, оқилона фикрлашга чорлар эканмиз, ғазал мулкининг султони, улуғ мутафаккир Алишер Навоий ижодида инсон номи мағрур жаранглар экан, у “Одамлар ҳам борлиққа инсон манфаатлари нуқтаи назаридан қараши, инсонийликни яратишлари, унга хилоф бўлган ҳодисалар учрагудек бўлса, уни бартараф этиш учун курашмоқлари керак”, – дейди. Бу фикрда инсон, инсон манфаатлари, кадр-қиммати юқори экани, шу ўринда у тарбия жараёни бўладими, жамиятда тутган ўрни бўладими, оилада тутган ўрни бўладими, фарзанди, аёли олдидаги тутган ўрни ёки бурчи бўладими, ҳар қандай вазиятда ҳам адолат билан оқилона ёндашиш ва учраши мумкин бўлган муаммоларни бартараф этиш назарда тутилмоқда.

Инсонпарварлик билан самимий муҳаббатни, вафони, саховатни тараннум этади. Агар Шарқ адабиёти тарихига назар ташласак, исломий ғоялар

негизидаги ахлоққа оид дастлабки асарлар панднома, ҳикматлар кўринишида яратилганининг гувоҳи бўламиз. Бу, албатта, исломий адабиёт оламида инсон тарбияси масаласи қадимдан катта аҳамиятга эга бўлганини кўрсатади. Чунки панднома ва ҳикматларда кўтариладиган асосий ғоялар шахснинг маънавий ва жисмоний камолоти масалаларидир. Буюк аждодларимиздан Имом Бухорий, Имом Мотурудий, Ҳаким ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд каби мутафаккирлар ўзларининг беқиёс маърифатлари билан умуминсоний маданиятнинг ривожланишига улкан ҳисса қўшишган. Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий маърифатни илм, амал, одоб билан ўзаро боғлиқ хислатлар деб ҳисоблаганлар. Уларнинг фикрига кўра, кишининг одоби, хулқи унинг маърифати, билимдонлиги билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, инсон қанчалик маърифатли бўлса, унинг хулқи шунчалик яхши ва мукамал бўлади. Туркистонда маърифатчилик ғояларининг тарқалиши Гулханий, Аҳмад Дониш, Огаҳий, Нодира, Увайсий, Анбар отин, Муқимий, Фурқат, Завқий каби ижодкорлар номи билан боғлиқ. XX аср бошидаги жадидчилик ҳаракатининг илғор вакиллари – Бехбудий, Авлоний, Тавалло, Сўфизода, Фитрат, Ҳамза, Абдулла Қодирий, Чўлпон сингари ёзувчи ва шоирлар халқнинг ижтимоий онгини маърифат асосида тарбиялаш учун фидойилик кўрсатдилар.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, шарқона қадриятлар асосида фарзанд тарбиясини илмий таҳлил қилишда Шарқ мутафаккирларининг илмий меъроси бебаҳо манбадир. Уларнинг ҳар бири бизга фарзандларимизни мактабда ва оилада тарбиялашимиз учун ўзига хос панднома ва назарий манбалардан бири бўла олади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. 2017. 24 июнь. “Халқ сўзи” газетаси.
2. Иброҳимов А. Бизким, ўзбеклар. –Т.: “Шарқ”, 2011. – 250 б.
3. Сафо Очил. Мустақиллик ва тарбия масалалари. –Т.: “Ўзбекистон”, 1995. – 385 б.
4. П.Таранов. Энциклопедия високого ума. – М., 1999. – Ст. 158.
5. Фармонова М. Қадриятлар – маънавий камолот асоси/ Илмий-услубий қўлланма. – Т.: “Tasvir nashriyot uyi”, 2019. – 60 б.
6. Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. Маърузалар матни. –Т., 2000. – 210 б.
7. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. – Т., 1993. – 200 б.

BOSHLANG'ICH SINIF TABIATSHUNOSLIK DARSLARIDA MAVZULARNI MODELLASHTIRISHNING AHAMIYATI

Gavhar Abdullayeva,

Shahrisabz davlat pedagogika instituti o'qituvchisi

Annotatsiya

Maqola mazmunida model va modellashtirish tushunchalarining mazmuni, tarmoqlari, modellashtirishning klasfikatsiyasi va ularning mohiyati hamda boshlang'ich sinf tabiiy va tabiatshunoslik darslarida model va modellashtirishdan foydalanishning ahamiyati nazariy, ilmiy va amaliy izohlab berilgan.

Kalit so'zlar: model, modellashtirish, klasfikatsiya, abstrakt model, fizik model, biologik model, matematik model, matematik-mantiqiy model, kichiklashtirilgan maketlar, turli asbob va qurilmalar, trenajyorlar.

Аннотация

В содержании статьи теоретически, научно и практически разъясняются содержание, разделы, классификация моделирования и их сущность, а также значение использования моделей и моделирования на уроках естествознания в начальной школе.

Ключевые слова: модель, моделирование, классификация, абстрактная модель, физическая модель, биологическая модель, математическая модель, математико-логическая модель, миниатюрные модели, различные инструменты и устройства, тренажеры.

Annotation

In the content of the article, the content, branches, classification of modeling and their essence, as well as the importance of using models and modeling in elementary school natural science lessons, are theoretically, scientifically and practically explained.

Keywords: model, modeling, classification, abstract model, physical model, biological model, mathematical model, mathematical-logical model, miniature models, various tools and devices, simulators.

Modellashtirish pedagogikasi yo'nalishi mutaxassisidan ko'nikma yoki jarayonni modellashtirishni va ushbu ko'nikma yoki jarayon asosida tizimli fikrlashni talab qiladi. Ta'lim-tarbiyaga tenglik va xilma-xillikni singdirish uchun inkluziyani targ'ib qiluvchi til va xatti-harakatlarni doimiy ravishda modellashtirish jarayonidir. Ijobiy namunalarni targ'ib qilish uchun o'qituvchi pedagogika orqali o'quvchilar bilan suhbatlar yoki namoyishlarga turli xil qatlamlarni jalb qilishga intiladi [5, 133-136].

Mavzuga oid ko'plab adabiyotlarni o'rganish jarayonida quyidagi ma'lumotlar to'plandi. Model-lotincha "modulus" so'zidan olingan bo'lib, o'lchov, me'yor ma'nolarini anglatadi. Ya'ni biror obyekt yoki obyektlar tizimining obrazi yoki namunasidir. Masalan, yerning modeli – globus, osmon va undagi yulduzlar modeli – planetariy ekrani, pasportdagi suratni shu pasport egasining modeli deyish mumkin. Insoniyatni qadimdan farovon hayot shart-sharoitlarini yaratish, tabiiy ofatlarni oldindan aniqlash muammolari qiziqtirib kelgan. Shuning uchun ham insoniyat tashqi dunyoning turli hodisalarini o'rganishga istak bildirishi tabiiy holatdir.

Aniq fan sohasi mutaxassislari u yoki bu jarayonning faqat ularni qiziqtirgan xossalari gina o'rganadi. Masalan, geologlar yerning rivojlanish tarixini, ya'ni qachon, qayerda va qanday hayvonlar yashaganligi, o'simliklar o'sganligi, iqlim qanday o'zgaraganligini o'rganadi. Bu ularga foydali qazilma konlarini topishlarida yordam beradi. Lekin ular yerda kishilik jamiyatining rivojlanish tarixini o'rganishmaydi, bu bilan tarixchilar shug'ullanadi.

Atrofimizdagi dunyoni o'rganish natijasida noaniq va to'liq bo'lmagan ma'lumotlar olinishi mumkin. Lekin bu koinotga uchish, atom yadrosining sirini aniqlash, jamiyatning rivojlanish qonunlarini egallash va boshqalarga xalaqit bermaydi. Ular asosida o'rganilayotgan hodisa va jarayonning modeli yaratiladi. Model o'rganilayotgan predmetning xususiyatlarini imkon qadar to'laroq aks etirishi kerak. Modelning tabiiylik xarakteri turli ko'rinishda namoyon bo'lishi mumkin. Masalan, tajriba o'tkazish mobaynida foydalaniladigan asboblarning aniqligi olinayotgan natijaning aniqligiga ta'sir etadi.

Modellashtirish – bilish obyektlari (fizik hodisa va jarayonlar)ni ularning modellari yordamida tadqiq qilish, mavjud predmet va hodisalarning modellarini yasash va o'rganishdir. Modellash uslubidan hozirgi zamon fanida keng foydalanilmoqda. U ilmiy tadqiqot jarayonini yengillashtiradi, ba'zi hollarda esa murakkab obyektlarni o'rganishning yagona vositasiga bo'la oladi. Mavhum obyekt, olisda joylashgan obyektlar, juda kichik hajmdagi obyektlarni o'rganishda modellashtirishning ahamiyati muhim hisoblanadi.

Modellashtirish uslubidan fizika, astronomiya, biologiya, iqtisod fanlarida obyektning faqat ma'lum xususiyat va munosabatlarini aniqlashda ham foydalaniladi. Modellarini tanlash vositalariga qarab uni uch guruhga ajratish mumkin. Ular quydagilar:

- 1) abstrakt model;
- 2) fizik model;

3) biologik model.

Abstrakt modellar quyidagi guruhlarga bo'linadi.

- matematik model;
- matematik-mantiqiy model.

Fizik modellar qatori esa quydagicha tarkiblanadi:

- kichiklashtirilgan maketlar;
- turli asbob va qurilmalar;
- trenajyorlar.

1. Fizik model-tekshirilayotgan jarayonning tabiati va geometrik tuzilishi asl nusxadagidek, ammo undan miqdor (o'lchami, tezligi, ko'lami) jihatidan farq qiladigan modellar, masalan, samolyot, kema, avtomobil, poyezd, GES va boshqalarning modellari fizik modelga misol bo'ladi.

2. Matematik modellar-tirik organizmlarning tuzilishi, o'zaro aloqasi, vazifasiga oid qonuniyatlarning matematik va mantiqiy-matematik tavsifidan iborat bo'lib, ma'lumotlariga ko'ra yoki mantiqiy asosda tuziladi, so'ngra tajriba yo'li bilan tekshirib ko'riladi.

Biologik hodisalarning matematik modellarini kompyuterda o'rganish tekshirilayotgan biologik jarayonning o'zgarish xarakterini oldindan bilish imkonini beradi. Shuni ta'kidlash kerakki, bunday jarayonlarni tajriba yo'li bilan tashkil qilish va o'tkazish ba'zan juda qiyin kechadi. Matematik va matematik-mantiqiy modelning yaratilishi, takomillashishi va ulardan foydalanish matematik hamda nazariy biologiyaning rivojlanishiga qulay sharoit tug'diradi.

3. Biologik model turli tirik obyektlar va ularning qismlari – molekula, hujayra, organizm va shu kabilarga xos biologik tuzilish, funksiya va jarayonlarni modellashtirishda qo'llaniladi. Biologiyada, asosan, uch xil modeldan foydalaniladi. Ular biologik, fizik va matematik modellardir.

Biologik model – odam va hayvonlarda uchraydigan ma'lum bir holat yoki kasallikni laboratoriyada hayvonlarda sinab ko'rish imkonini beradi. Bunda shu holat yoki kasallikning kelib chiqish mexanizmi, jarayonning kechishi, oqibati kabilar tajriba asosida o'rganiladi. Biologik modelda har xil usullar: genetik apparatga ta'sir qilish, mikroblar yuqtirish, ba'zi organlarni olib tashlash yoki ular faoliyati mahsuli bo'lgan garmonlarni kiritish va boshqa usullar qo'llaniladi. Bunday modellarda genetika, fiziologiya, farmokologiya sohasidagi bilimlar tadqiq qilinadi.

4. Fizik-kimyoviy modellar biologik tuzilish, funksiya yoki jarayonlarni fizik yoki kimyoviy vositalar bilan qaytadan hosil qilishdir.

5. Iqtisodiy modellar taxminan XVIII asrdan qo'llanila boshlandi.

F.Kenening "Iqtisodiy jadvallar"ida birinchi marta butun ijtimoiy model ishlab chiqarish jarayonining shakllanishini ko'rsatishga harakat qilingan. Iqtisodiy tizimlarning turli faoliyat yo'nalishlarini o'rganish uchun har xil modellardan foydalaniladi. Iqtisodiy taraqqiyotning eng umumiy qonuniyatlari xalq xo'jaligi modellari yordamida tekshiriladi. Turli murakkab ko'rsatkichlar, jumladan, milliy daromad, ish bilan bandlik, iste'mol, jamg'armalar,

investitsiya ko'rsatkichlarining dinamikasi va nisbatini tahlil qilish, uni oldindan aytib berish uchun katta iqtisodiy modellar qo'llaniladi. Aniq xo'jalik vaziyatlarini tekshirishda kichik iqtisodiy tizimlardan, murakkab iqtisodiy tizimlarni tekshirishda, asosan, matematik modellardan foydalaniladi [2, 3-18].

Jarayonlarni tahlil qilish sohasi XVIII-XIX asrlarda paydo bo'lib, ishni tashkil qilish va ishlab chiqarishda qo'llanila boshlanib, sanoat korxonalarida ko'pgina aniq masalalarning yechimini topishda A.Smit, Charlz Bebbirt, F.Tyeylor, G.Gentlar ijobiy natijalarga erishganlar. 1840-yilda buyuk Britaniyada Bebbirt usuli yordamida pochadan yuboriladigan ma'lumotlarni qayta ishlab, uni ajratib tezgina istemolchiga yuborish yo'llari yaratilgan. XX asr boshlarida antoganik mo'jorolarni modellashtirish artilleriyalar uchun F.Fanchestr usulidan boshqarish nazariyasi bo'yicha F. Xarris usuli maishiy xizmat sohasida A.Erling usullaridan foydalanilgan [4, 49-60].

Yuqorida biz modellashtirishning ahamiyati, ko'lami, turlari hamda mohiyati haqida so'z yuritdik. Endi asl muammomiz – tabiatshunoslik darslarida modellashtirishning imkoniyatlari haqida fikr yuritamiz. Demak, tabiatshunoslik darslarida modellashtirish biologik, fizik va matematik modellashtirishdan mavzular kesimida foydalanishni nazarda tutadi.

1-mavzu. Tabiatni qanday o'rganamiz? – bu mavzu uchun biz yer shari modelidan foydalanamiz.

2-mavzu. Tirik organizmning xilma-xilligi va hayvonlar xilma-xilligi. Hashoratlar – bu mavzu uchun hayvonlarning mulyajlar hamda atrebutlaridan foydalanib modellashtiramiz.

3-mavzu. Organ va organlar sistemasi mavzusi, amaliy mashg'ulot uchun tavsiya etilgan, odam organlari qanday ishlaydi? – mavzusi uchun odam skeletidan va organlarning atrebutlaridan foydalanib modellashtiramiz.

4-mavzu. O'simliklarning hayotiy jarayonlari, ularning ko'payishi va rivojlanishi haqidagi mavzu uchun biz oddiy tajribalardan foydalanishimiz mumkin. Yirik o'simliklar yoki dala o'simliklarini o'rganish uchun sinfda tabiat burchagidan va qisqa tabiiy vedioroliklardan model sifatida foydalana olamiz.

5-mavzu. Yashash joyining turlari, yashash joyiga ta'sir etuvchi omillar va Okean nima? – deb ataluvchi mavzuda shular o'rganiladi: Tabiatda tirik organizmlar, shu jumladan, o'simliklar va hayvonlar tabiiy va sun'iy muhitlarda yashaydi. Yashash joylari tabiiy va sun'iy omillar ta'sirida vujudga keladi. Okeanni modellashtirish uchun yelim idish, suv, chizg'ich, turli o'lchamdagi toshlar va yelpig'ich kerak bo'ladi. O'quvchilar bu tajriba natijasida okeanni tasavvur qilishlari mumkin.

6-mavzu. Yerning ichki qismlari, yer yuzasidagi notekisliklar (relyef), yer yuzi relyefi qanday o'zgaradi? Bu mavzularni modellashtirish uchun oddiy tuxumdan foydalanamiz. Relyef maketini yasash amaliy mashg'ulot,

buning uchun bizga po'kak, qalam, rangli qog'oz, oq qog'oz, qaychi, yelim, paxta, yog'och bo'laklari, gazeta bo'laklar, bo'yoqlar kerak bo'ladi.

7-mavzu. Tabiiy boyliklar – tuproq va suv, tog' jinslari va minerallar hamda foydali qazilmalar mavzularini modellashtirish uchun oddiy tajriba qo'llaniladi. Buning uchun un, tuz, shakar, lupa kerak bo'ladi.

8-mavzu. Ob-havo o'zgarishlarini qanday o'rganamiz? Bu mavzuni o'rganish va modellashtirish uchun maxsus termometr, barometr va flyuger kerak bo'ladi. Bu mavzuni jonlantirish uchun oddiy tajriba o'tkazamiz. Tajriba uchun bir martalik lipochka, rangli qog'ozlar, qaychi, yelim, paxta, sellofan bo'lagi va qizil hamda ko'k rangli flomasterlar kerak bo'ladi.

9-mavzu. Quyosh sistemasi va yer orbitasi bu mavzuni o'rganish uchun quyosh sistemasi modelini yasaymiz. Buning uchun biz po'kak, bo'yoqlar, salftkalar, yelim, ruchka, oq qog'oz, qaychi, yog'och tayoqchalardan foydalanamiz. “

10-mavzu. Yorug'lik va tovush, energiya mavzusini modellashtirish uchun amaliy mashg'ulotda stetos-

kop qurilmasini yasaymiz. Buning uchun pufak, kichik tirqishli voronkalar, skotch, ingichka egiluvchan plastik yoki rezina nay va qaychi kerak bo'ladi.

11-mavzu. Kuch. Massa va uning birliklari, jismlarning o'zaro ta'siri va jismlarning massasini o'lchash uchun modellashtirish jarayoni o'tkaziladi. Buning uchun bizga elektron tarozi, massasi aniq bo'lgan toshlar, qalam, kitob, chizg'ich, o'chirg'ich kerak bo'ladi.

12-mavzu. Amaliy mashg'ulot. Ishqalanish kuchining harakatga ta'sirini aniqlash uchun modellashtirish tajribasi o'tkaziladi. Gilamcha, to'g'ri to'rtburchak shakldagi silliq taxta, arqon, yog'och g'ochlalar bilan o'tkaziladi [1, 3-136].

Boshlang'ich sinfning tabiiy fanlar darsligidan foydalanilgan holatda bu maqola tayyorlandi va shunday xulosa kelindiki, tabiiy fanlar va tabiatshunoslik darslarida modellashtirishdan foydalanish bu yoshdagi bolalarning tafakkurining kengayishiga hamda tasavvur olamining taraqqiy topishiga, zehning o'tkirlashishiga, dunyoqarashining shakllanishiga, dars jarayonlarining adekvatligini ta'minlashga yordam beradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Z.B.Sangirova, K.T. Suyarova, Z.Y. Tillayeva, M.M.Avezov, S.G'.Xasanovalar. “Tabiiy fanlar” 3-sinf uchun darslik – T.: “Respublika ta'lim markazi”, 2022. – 136 b.
2. M.I.Isroilov “Hisoblash metodlar” darslik. –T.: “Iqtisod-moliya”, 2008-yil. – 320 b.
3. M. I. Nuriddinov “Tabiatshunoslikni o'qitish metodikasi” o'quv qo'llanma. – T.: “Cho'lpon nomidagi nashriyot matba-ijodiy uyi”, 2005. – 238 b.
4. A.To'xtayev, E. Turdiqulov, M.Rasulov, A. Nig'matova, G.Solihova, M.Yillaboyeva “Inson va tabiat” O'quv va metodik qo'llanma. – T.: G'ofur G'ulom nomidagi nashriyot matba-ijodiy uyi”, 2016. – 111 b.
5. B.Xodjayev, A. Choriyev, J. Saliyev “Pedagogik tadqiqotlar metodologiyasi” darslik. – T.: “Iqtisodiyot dunyosi”, 2018. – 189 b.

ОЛИЙ ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМДА ПЕДАГОГИК ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНТЕГРАЦИЯСИНИ ТАЪМИНЛАШ МАЗМУНИ

Фахриддин Тошболтаев,

Фарғона давлат университети таянч докторанти

Аннотация

Мазкур мақолада бўлажак ўқитувчиларни методик тайёргарлигини оширишда педагогик ва ахборот технологиялари интеграциясини таъминлаш ва бу орқали салоҳиятли педагогик тарбиялашнинг мазмуни, қонунчилик асослари ва мавжуд ҳолати тадқиқ этилади.

Калим сўзлар: методик тайёргарлик, таълим-тарбия, шакл, метод, восита, интеграция, педагогика.

Аннотация

В данной статье исследуются содержание, законодательная база и современное состояние обеспечения интеграции педагогических и информационных технологий в совершенствовании методической подготовки будущих учителей и тем самым в развитии потенциала педагога.

Ключевые слова: методическая подготовка, обучение, форма, метод, инструмент, интеграция, педагогика.

Annotation

In this article, the content, legislative basis and current situation of ensuring the integration of pedagogical and information technologies in improving the methodological training of future teachers and thereby developing a potential pedagogue are researched.

Keywords: methodical training, education, form, method, tool, integration, pedagogy.

Замонавий таълимда педагогик имкониятлар ва ахборот технологиялари интеграциясини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда ва бу таълим сифатини оширишга хизмат қилувчи энг самралли ёндашув сифатида баҳоланмоқда. Бунинг учун олий педагогик таълим битирувчиларини педагогик билим ва кўникмаларини ошириш билан бирга ахборот технологиялари имкониятларидан ҳам самарали фойдаланиш компетентлигини шакллантириш устуворлик касб этмоқда. Бугун кун “янги давлат таълим стандартларининг жорий этилиши яна бир бор ўқитувчига касбий фаолиятни сезиларли ўзгартирувчи ва янги мазмун билан тўлдирувчи талабларни қўймоқда. Чунки мазкур стандартлар компетентли-фаолиятли ёндашувга асосланган бўлиб, улар ажодларидан билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш эмас, балки узлуксиз таълим олиш, эҳтиёжлари ва қобилиятларини ривожлантиришга лаёқатли шахсни таркиб топтиришга йўналтирилганлиги билан фарқ қилади. Шундай экан, ўқитувчи касбий масъулиятининг ошиши ва жамиятдаги ролининг ўзгариши уларни таълим жараёнидаги жадал ўзгаришларга тез мослашиш, ўта фаоллик, доимий ўзини ривожлантириш ва мустақил билим олишга тайёр бўлиш, ўқитишнинг замонавий ёндашувлари ва технологияларидан бохабар бўлиш ҳамда уларни самарали қўллаш олиш сифатларига эга бўлишларини тақозо қилади [1, 17]. Шундай экан, бўлажак ўқитувчиларни методик тайёргарлигини оширишда уларнинг педагогик ва ахборот технологияларига асосланган компетентлиги интеграциясини таъминлаш долзарб вазифалардан биридир.

Педагог олим М.Тиллашахова фикрича, “таълим жараёнида ахборот технологияларини қўллашда талабаларни фақатгина экрандаги ахборотларни кўришига ва уларни қабул қилишгагина эмас, балки уларнинг ўзлари ҳам бу жараёнда ижодий иштирок этишларига ўргатишимиз лозим. Таълимнинг дидактик хоссалари билан боғланган яширин имкониятлар оламини бевосита компьютер телекоммуникациялари билан боғлаш бу таълим соҳасида замонавий ва истиқболли мақсадларга эга. Дидактик функция сифатида биз ўқув-тарбиявий жараёнда маълум бир мақсадларда қўлланилаётган таълим воситаларининг ташқи хоссалари намоёнлиги тушунамиз” [2, 586]. Бу уларнинг ўқув жараёнидаги фойдаланиш вазифалари, тутган ўрни ва аҳамиятидан иборат.

Бўлажак ўқитувчиларни методик тайёргарлигини ривожлантиришда интегратив ёндашувни қўллаш ва унда ахборотларни қайта ишлаш технологиясидан фойдаланиш педагогик соҳа бўйича ўзига хос инновацион ёндашув бўлиб, унинг ёрдамида тадқиқот жараёнида ижобий сифат ўзгариши ва юқори самардорликка эришилади.

Педагогик ва ахборот технологиялари интеграциясини таъминлашнинг мазмунини ўрганишдан аввал интеграция ва интеграцион методик таъмиот тушунчаларини мазмун-моҳиятини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Интеграция (лот. *integratio* – тиклаш, тўлдириш):

1) система ёки организмнинг айрим қисмлари ва функцияларининг ўзаро боғлиқлик ҳолатини ҳамда шундай ҳолатга олиб боровчи жараёни ифодаладиган тушунча;

2) фанларнинг яқинлашиши ва ўзаро алоқа жараёни, дифференциация билан бирга кечади;

3) 2 ва ундан ортиқ давлатларнинг иқтисодиётини ўзаро мувофиқлаштириш ва бирлаштириш [3, 214]. Демак, интеграция фанларнинг яқинлашиши ва ўзаро алоқа жараёнини англатади ва уларнинг ўзаро уйғунликка эришиши ҳисобланади.

Шунингдек, интегротив ёндашув – ахборотларни ташкил қилувчи чексиз кўп кичик қисмларнинг ўзаро ажралмас боғлиқлиги, уларнинг яхлитлиги, бир бутунлиги асосида ягона тўғри хулосани аниқлаш жараёнидир. Бу ёндашув ўрганилаётган билимларнинг дидактик тизими чуқур мазмунга эга бўлиши, билимларга тизимли ёндашиш, ўқувчилар билимларини эгаллашнинг энг мақсадга мувофиқ йўллари ўргатишдан иборат. Бундан келиб чиқадики, интегротив ёндашув таълим-тарбия жараёнларига комплекс ва тизимли ёндашув, тизимий таҳлил тадқиқот методларини жорий этишда ва билишнинг индукция ҳамда дедукция методларидан фойдаланишда қўл келади. Шу билан бирга, интегротив ёндашув таълим ва тарбияни иерархик тизим сифатида қараб, улар устида олиб бориладиган тадқиқотлар олиб боришда ижобий самараларни кафолатлайди. Ўқув жараёни ўқитувчининг ўқитиш воситалари ёрдамида таълим олувчиларга маълум бир шароитда, муайян кетма-кетликда кўрсатган таъсирини ва таълим натижасини назорат жараёнида баҳолаб берувчи, технологиялашган таълимий тадбирлар олиб боришда ривожланиб боради. Шундай экан, бўлажак ўқитувчиларни педагогик ва ахборот технологиялари асосида ривожлантириш орқали таълим сифатига эришиш имконияти юзага келади. Педагогик ва ахборот технологияларини интеграция қилиш билимларни ўзлаштиришнинг ҳамма жиҳатларини қамраб олувчи муаммони таҳлил қилиш ва режалаштириш, муаммонинг ечимини баҳолаш фаолиятни ташкил қилиш методларини ўз таркибига оладиган комплекс интегротив жараёндан иборат.

Интеграциялаш – лотинча “integer” – умумийлик, “integerara” – умумийликни тўлдириш, яратиш, тиклаш демакдир. Таълим мазмунидаги уйғунликларни таъминлаш муаммолари ҳам интеграциялашнинг шуғулланадиган соҳаси ҳисобланади. Таълим ва тарбияда эса билимлар, тушунчалар, кўникмалар ва малакаларни шакллантиришларни умумлаштириб, қонун ёки қоида кўринишига келтиришни амалга оширади.

Интеграциялаш тушунчаси муҳим илмий термин бўлиб, у умумлаштириш, хулосалашларда методологик восита бўлиб ҳисобланади, чунки унинг ёрдамида жараён ва ҳодисалар мазмунлари орасидаги умумий уйғунлик алгоритмлари яратилади. Шундай экан, турли фанлардаги таълим мазмунларини умумлаштириш ва тўлдиришда интеграциялаш жараёни

доимо қўл келади ва кўзланган мақсадга эришишни кафолатлашга ёрдам беради.

Педагогик технологиялар ва ахборот коммуникация технологиялари интеграцияси асосида ташкил этилган таълим мақсадларини қўйишда қуйидаги талабларни ҳисобга олиш тавсия қилинади:

1. Мавжуд эҳтиёж ва муаммоларнинг таҳлили мақсадни қўйишнинг бош асоси бўлиб хизмат қилиши, биринчидан, дастлабки имкониятлар, воситалар, иккинчидан, ўқувчининг шахсий билим захиралари кабилар;

2. Мақсадлар муҳим муаммоларни ҳал қиладиган даражада долзарб бўлиши;

3. Мақсадлар мураккаб, бироқ реал бўлиши;

4. Мақсадларнинг аниқ (исталган натижанинг аниқ даражаси ва унга эришиш муддати кўрсатилган ҳолда) шакллантирилган бўлиши (уларга эришганликни аниқлаш шунча осон бўлади).

5. Мақсадлар диагностик, рағбатлантирувчи, ундовчи характерга эга бўлиши.

6. Мақсадлар ўқувчининг олдида турган вази-фаларига мос келиши. яқин келажакдаги ривожланиш доирасида бўлиши

7. Ҳамкорликдаги фаолият мақсадлари унинг барча қатнашчиларига маълум, улар томонидан тушунилган ва англанди ҳолда қабул қилинган бўлиши (Бу жамоавий фаолият ва мақсадлар бирлигини талаб қилади).

8. Кичикроқ аниқ мақсадлар йирикроқ ва узок муддатли мақсад ва интилишларга бўйсунган бўлиши. Бу талаблар таълим мақсадларининг ҳаётийлигини таъминлашда муҳим масала сифатида намоён бўлади [4, 29].

Бугунги кунда ўқув адабиётларининг янги авлоди – электрон ўқув-методик адабиётларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Булар ўз навбатида узлуксиз таълим битирувчиларига қўйилаётган талабларни қайта кўриб чиқишга, уларда нафақат фанлар бўйича билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш ва ривожлантириш, балки бозор иқтисодиётига асосланган, рақобат кучли бўлган меҳнат бозорида ўз қизиқиши, лаёқати, иқтидори, салоҳияти, қобилияти ва эҳтиёжларига мос соҳани топа олиш, яратилган замонавий техник шарт-шароитлардан тўла фойдалана олиш кўникмаларини шакллантиришни талаб этмоқда [5, 29]. Бунинг учун эса бўлажак педагогларда замонавий билим ва кўникмалар, хусусан, педагогик ва ахборот технологияларига асосланган интеграциялашган билим ва кўникмалар шаклланиши лозим.

Ахборот коммуникация технологияларининг ривожига ягона жаҳон таълим фазосини шакллантиришга имконият яратиб берди. Ахборот технологиялари имкониятларининг кенгайиши таълим саамарадорлигига эришишда, таълим сифатини оширишда ундан фойдаланиш заруратини ортириб юбормоқда. Бу эса

бутун ҳаёт давомида ўрганиш, таълим олиш имкониятларини ярағувчи, таълим муассасаси, ўқитувчи, ўқув манзилига боғлиқ бўлмаган очик таълим тамойилини амалга ошириш имкониятини яратади. Натижада ахборот билан ишлай олиш кўникмасига эга бўлган мутахассисларни шакллантириш зарурати ва имконияти яратилади.

Замонавий ахборот технологиялари – ахборот устида бажариш мумкин бўлган замонавий технологиялар бўлиб, уларга компьютер технологиялари, интернет, мултимедиаларни киритиш мумкин. Мултимедиалар воситалари асосида ўқувчиларга таълим бериш ва кадрларни қайта тайёрлашни йўлга қўйиш бугунги куннинг долзарб масалаларидандир. Бундай ахборот технологиялари востасида таълим беришнинг бир қатор афзалликлари мавжуд: берилаётган материалларни чуқурроқ ва мукамалроқ ўзлаштириш имконияти мавжуд; таълим олишнинг янги соҳалари билан яқиндан алоқа қилиш иштиёқи янада ортади; таълим олиш вақтининг қисқариши натижасида, вақтни тежаш имкониятига эга бўлиш, олинган билимлар бўлажак кадр хотирасида узок муддат сақланиб, керак бўлганда амалиётда қўллаш имкониятига эришилади.

Таълим муассасаларида педагогик фаолият олиб боришга тайёр бўлиши, “турли даражадаги ўқув дастурлари ва дарсликлардан фойдаланиб информатика ва ахборот технологиялари фанидан ўқитишни ташкил қилиши, методик тизим, уни ташкил этувчи элементларни билиши керак. Педагогик ва ахборот технологиялари интеграциясида ўқитувчининг методик тизимини ишлаб чиқиш учун мутахассисликнинг ҳар бир дarsi давомида ўқитувчи томонидан талабалар онгида методик тизим, уни ташкил этувчи элементлари шакллантирилиб борилса, талабада методик тизимни яратишга рефлексив ёндашув ҳосил бўлади” [7, 36]. Бундай рефлексив ёндашув бўлажак ўқитувчиларнинг методик тайёргарлигини оширишнинг базиси бўлиб хизмат қилади.

Бўлажак ўқитувчиларни педагогик ва ахборот технологиялари интеграцияси асосида методик тайёргарлигини оширишда ҳукуматнинг ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини ҳисобга олиш ҳам мақсадга мувофиқ. Унга кўра:

- ҳар кимнинг ахборотни эркин олиш ва тарқатишга доир конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш, ахборот ресурсларидан эркин фойдаланишини таъминлаш;

- давлат органларининг ахборот тизимлари, тармоқ ва ҳудудий ахборот тизимлари, шунингдек юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг ахборот тизимлари асосида Ўзбекистон Республикасининг ягона ахборот маконини яратиш;

- халқаро ахборот тармоқлари ва интернет жаҳон ахборот тармоғидан эркин фойдаланиш учун шароит яратиш;

- давлат ахборот ресурсларини шакллантириш, ахборот тизимларини яратиш ҳамда ривожлантириш, уларнинг бир-бирига мослигини ва ўзаро алоқада ишлашини таъминлаш;

- ахборот технологияларининг замонавий воситалари ишлаб чиқарилишини ташкил этиш;

- ахборот ресурслари, хизматлари ва ахборот технологиялари бозорини шакллантиришга қўмаклашиш;

- дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ривожлантирилишини рағбатлантириш;

- тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, инвестицияларни жалб этиш учун қулай шароит яратиш;

- кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, илмий тадқиқотларни рағбатлантиришдан иборат. Мазкур устувор йўналишлар асосида бўлажак ўқитувчи ўзининг ахборот технологияларига оид билимларини ўстириши ва мутахассислик бўйича билим ва кўникмалари билан интеграция қила олиши керак бўлади. Мазкур интеграцион вазифани удалай олган педагог ўзининг педагогик фаолиятида юқори натижаларни кўрсата олади.

Таълим тизимида оид ҳужжатларда акс этирилган таълимни модернизациялашнинг стратегик йўналишлари битирувчиларнинг умуммаданий компетенциялари ва касбий компетенциялари шаклланиши кўринишида уларнинг тайёргарлиги натижаларини аниқлаш билан замонавий таълим сифатини таъминлашга таълим тизимларини йўналтириш заруратини белгилаб беради. Олий таълим муассасаси битирувчисини тайёрлаш модели асосига компетентлилик ёндашуви қўйилган бўлиб, у битирувчининг таълим натижаларига умум ўқув фанлари талаблари билан бирга касбий малакасини ҳам бирлаштиради ва бунин натижасида бўлажак информатика ўқитувчисини тайёрлаш компетентлилик ёндашуви мантиғида амалга оширилиши ҳамда касбий компетентликиннинг шаклланишига олиб келиниши керак.

Мамлакатимизда ҳам жамиятни ахборотлаштириш қонун билан белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонуни 4-моддасида ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати аниқ белгилаб қўйилган. Унга кўра, ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва ахборот тизимларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришнинг замонавий жаҳон тамойилларини ҳисобга олган ҳолда миллий ахборот тизимини яратишга қаратилган.

Шунингдек, олий педагогик таълимда талабаларнинг ахборот технологиялари ва ахборот-ресурс имкониятларидан тўлиқ фойдаланишлари учун керакли чоралар қўриб келинмоқда. Бу борада “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасига

биноан, фойдаланувчиларнинг интеллектуал, маънавий-ахлоқий, маданий ва таълим олиш эҳтиёжларини қаноатлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, миллий маданиятни тиклашга ва янада ривожлантиришга кўмаклашиш, Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини сақлаш ахборот-кутубхона фаолиятининг асосий вазифалари этиб белгиланди. Олий педагогик таълим муассасаларида ҳам бугунги кунда замонавий интерфаол методларни ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланган ҳолда ўқитишга алоҳида урғу берилётганлиги ҳам мазкур фикрларнинг исботи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ахборот ресурсларини тайёрлаш ва уларни маълумотларни узатиш тармоқларида, шу жумладан, Интернетда тарқатиш тартиби тўғрисидаги Низомда ҳар қандай маълумотлар Интернетда тарқатилишига йўл қўйилмаслигига доир бир қанча қоидалар ўрнатилган бўлиб, ахборот айирбошлаш воситалари таркибига ахборот ресурсларидан фойдаланишнинг алоҳида қоидалари белгиланган давлат ахборот тизимлари, тармоқларини улаш ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқ аттестациядан ўтказилгандан кейин Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг рuxсати билан амалга оширилади деган қоида ўрнатилган. Бундан кўринадики, Интернет тармоқларига уланаётган ахборот тизимлари ахборот хавфсизлиги-

га қанчалик жавоб берилиши текширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралда “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5349-сон қарори қабул қилинди. Қарорда ахборот технологиялари ва коммуникацияларини бошқариш ва жорий этиш соҳасидаги бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар ушбу соҳанинг жадал ривожланишига, сифатли ахборот хизматларини кўрсатишга тўсқинлик қилмоқда. Хусусан, давлат ахборот тизимлари ва ресурсларида ахборот хавфсизлигини ва ахборотни муҳофаза қилишни таъминлаш ишларининг заиф ташкил этилганлиги ахборотдан рuxсатсиз фойдалана олиш, маълумотлар базаларининг бутунлиги ва махфийлигини бузиш имкониятини ошириб юбораётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Шундай экан, бугунги ахборотлашган жамиятда бўлажак ўқитувчиларни ахборот технологияси имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга ўргатиш билан бирга, уларни ахборий таҳдидлардан ҳимоялаш, турли ахборот хуружларига дуч келиб қолмасликлари учун ахборот истеъмоли маданиятини ҳам шакллантириш вазифалари долзарблик касб этмоқда. Бўлажак ўқитувчиларни педагогик ва ахборот технологияси асосида методик тайёргарлигини оширишда уларнинг ахборот маданиятини ривожлантиришларига ҳам эътибор қаратиш, иммунитетни шакллантириш керак бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. *Ибрагимова Ш.О. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида методик компетентликни ривожлантиришга инновацион ёндашув. “Таълим ва инновацион тадқиқотлар” журнали 2021 йил №3. –Б. 178.*
2. *Тиллашайхова М.А. Таълим тизимида ахборот технологияларини қўллашнинг илмий-педагогик масалалари. «Science and Education» Scientific Journal. 2020. № 2. – Б.586.*
3. *Янюк И.А. Формирование исследовательской компетентности студентов технических вузов: дис. ... канд. пед. наук. – Шуя, 2010. – С. 250.*
4. *Абдуллаева Б.С. Фанлараро алоқадорликнинг методологик-дидактик асослари (Ижтимоий-гуманитар йўналишидаги академик лицейларда математика ўқитиш мисолида)/Пед.фан.док... Дисс. – Т.: ТДПУ, 2006. – Б. 200.*
5. *Юсупова Д.И. Рахмонов И.Я. Бўлажак математика ўқитувчиси методик тайёргарлигини ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари. –Т.: Tafakkur qanoti, 2018. – Б. 350.*
6. *Каюмова Н. Педагогик ва ахборот технологиялари интеграциясида информатика ўқитувчисини тайёрлашнинг методик тизимини ишлаб чиқиш. Замонавий таълим журнали. 2018. №4. –Б. 35-39.*

BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARIDA MATNNI TUSHUNISH VA ADABIY TUSHUNCHALARNI SHAKLLANTIRISH YO'LLARI

Gulnora Xolboyeva,

Jizzax davlat pedagogika universiteti dotsenti, p.f.n.,
Boshlang'ich ta'lim metodikasi kafedrasini mudiri

Annotatsiya

Ushbu maqolada boshlang'ich sinf o'quvchilarini ijodiy tafakkurni rivojlantirishga yo'naltirilgan texnologiyalardan foydalanib, boshlang'ich sinf o'quvchilarida kitobxonlik malakalarini rivojlantirish imkoniyatini kengaytirishga e'tibor qaratilgan.

Kalit so'zlar: anglash, idrok, moddiy-texnik, metod, vosita, ko'nikma, malaka, ilmiy-metodik, shaxs, ijodkorlik, qobiliyat, yetuklik.

Аннотация

В данной статье основное внимание уделяется расширению возможностей младших школьников по развитию навыков чтения с использованием технологий, направленных на развитие творческого мышления у учащихся начальных классов.

Ключевые слова: понимание, восприятие, материально-технический, метод, инструмент, навык, навык, научно-методический, личность, творчество, способность, зрелость.

Annotation

This article focuses on empowering younger students to develop reading skills using technologies aimed at developing creative thinking in primary school students.

Keywords: understanding, perception, material and technical, method, tool, skill, skill, scientific and methodological, personality, creativity, ability, maturity.

Boshlang'ich sinflarda ona tili va adabiy ta'limni o'qitish metodikasi fan sifatida o'zining o'rganish obyektiga ega bo'lib, u o'quvchilarga bilim berishda, ko'nikma va malakalarni shakllantirishda samarali metod va vositalarni tanlash, ularni ta'lim jarayoniga tadbiq etish, o'qitishning samaradorligini oshirish kabi masalalar bilan shug'ullanadi.

Ma'lumki, 2020-yil 2-fevralda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev jahon miqyosida "O'qish va uni tushunish sifati" bo'yicha olib borilayotgan tadqiqot dasturini o'rganish bo'yicha ta'lim muassasalariga ko'rsatma berdi. 2021-yildan Pisa va Pirls nazorat dasturida ishtirok etish rejalashtirildi. Ta'lim sifatini jahon standartlariga javob bera oladigan darajaga ko'tarish o'qitish shakllari, metodlari va usullarini takomillashtirishni taqozo etadi.

Boshlang'ich sinflarda ona tili o'qitish metodikasi fanining obyekti va predmeti. Ma'lumki, har bir fanning o'zining obyekti va o'rganish predmeti bo'ladi. Obyekt – ma'lum fan tomonidan o'rganilayotgan haqiqat sohasi. Predmet esa tadqiqot davomida aniqlanadigan aloqalar, munosabatlar, qonuniyatlar, shuning uchun bir fan doirasida ko'plab tadqiqot obyektlari bo'ladi. Boshlang'ich sinfda ona tilini o'qitish metodikasining predmeti – o'quvchilarga o'zbek tilini o'rgatish yo'llari va vositalari yordamida ona tilini egallash, ya'ni nutqni, o'qish va yozishni, grammatika va imloni o'zlashtirib olish to'g'risidagi ilm [3, 27]. Boshlang'ich sinfda bolalar adabiyoti namunalarini asosida bolalarni badiiy tarbiyalashning maqsadi, mazmuni va usullari, ta'lim resurslari adabiy ta'limning predmetidir.

Boshlang'ich sinflarda ona tili o'qitish metodikasi yuqori sinflarda ona tili o'qitish metodikasining dastlabki bosqichi bo'lib, u tekshiradigan masalalarni boshlang'ich sinf o'quvchilariga tadbiqan (muvofoiq ravishda) o'rgatadi. Shu bilan birga, boshlang'ich sinflarda ona tili o'qitish metodikasining o'ziga xos xususiyatlari mavjud. Boshlang'ich sinflarda ona tilini o'qitish grammatika, imlo va unga bog'liq holda nutq o'stirish metodikasining emas, balki xat-savod o'rgatish, sinfda va sinfdan tashqari o'qish metodikalarini ham o'z ichiga oladi.

Shulardan kelib chiqib, boshlang'ich sinflarda ona tili o'qitish metodikasi fani quyidagi vazifalarni bajaradi:

a) boshlang'ich sinflarda ona tili kursining mazmuni, hajmi va mavjud tizimini, ya'ni kursning (xat-savod o'rgatish, o'qish, grammatika, imlo, nutq o'stirish va h.k.) dasturini belgilash va asoslash;

b) o'qish va yozuvdan bilim va ko'nikmalarning shakllanishi jarayonini hamda bu jarayonda o'quvchilar duch keladigan qiyinchiliklarni o'rganish, xatolarning sababini tahlil qilish, ularning oldini olish va to'g'rilashga yordam beradigan ish turlarini ishlab chiqish;

v) ona tilidan beriladigan o'quv materialini o'quvchilar aniq tushunishi va puxta o'zlashtirishiga, ularda olgan bilimlarini amaliyotda tatbiq eta olishga va o'quvchilarning umumiy taraqqiyotiga, ya'ni ularning zehni, xotirasini, kuzatuvchanligini, yodda saqlashini, mantiqiy tafakkurini, ijodiy o'ylashini, nutqini o'stirishga yordam beradigan metod va vositalarni ishlab chiqish;

g) ona tilini o'rgatish bilan bog'liq holda maktablar

oldiga qo'yilgan tarbiyaviy vazifalarni amalga oshirish, o'quvchilarda axloqiy va estetik sifatlarni shakllantirish.

Ona tili o'qitish metodikasi ta'limning turli bosqichlarida o'quvchilarning bilim, ko'nikma va malakalarini aniqlaydi, o'qishning muvaffaqiyati va kamchiliklarini belgilaydi, sababini izlaydi, xato va kamchiliklarni bartaraf etish usullarini topadi.

Jahonda boshlang'ich sinf o'qish darslarida o'quvchilarda adabiy tushunchalarni shakllantirishning takomillashtirilgan adabiy tahlil metodikalari tatbiq etilgan. Jumladan, Rossiya, Singapur, Gonkong, Yaponiya, Finlandiya, AQSh, Germaniya, Angliya, Fransiya kabi rivojlangan mamlakatlarda savodxonlik, mantiqiy tafakkur va intellektual salohiyatni oshirish bo'yicha amaliy ishlar ijodiy tafakkurni rivojlantirishga yo'naltirilgan texnologiyalardan foydalanib, boshlang'ich sinf o'quvchilarida kitobxonlik malakalarini rivojlantirish imkoniyatini kengaytirmoqda [5, 31].

Jahon ta'lim amaliyotida boshlang'ich sinflardan boshlab o'quvchilarni badiiy matnni tushunish, uning mazmunini anglash va idrok etishning nazariy asoslari ilmiy, ilmiy-metodik jihatdan tadqiq etilmoqda. Finlandiyada kitobxonlik darajasini oshirishda ota-onaning mas'uliyatini kuchaytirish, AQShda badiiy-estetik tafakkur tarbiyasi, Germaniyada bolalar adabiyotida dramaga oid tushunchalarni shakllantirish yuzasidan ilmiy - tadqiqot ishlari olib borilmoqda. Boshlang'ich sinf o'quvchilarida adabiy tahlil ko'nikmalarini tarkib toptirish va ularni innovatsion yondashuv asosida takomillashtirish bo'yicha ilmiy-metodik ishlar amalga oshirilmoqda.

Boshlang'ich ta'lim tizimida boshlang'ich sinf o'quvchilarida matnni tushunish va anglash ko'nikmasini shakllantirish hamda rivojlantirish masalalari bugungi kunning dolzarb masalalaridan biri hisoblanadi [4, 15]. Dunyo ta'lim tizimida boshlang'ich sinf o'quvchilariga, ularning fanlardan yaxshi o'zlashtirishlariga alohida e'tibor beriladi. Xususan, mamlakatimizda ham bu borada yaxshi o'zgarishlar amalga oshirilmoqda. Maktab o'quvchilarining bilimni baholash, ta'lim sifatini oshirish maqsadida hukumatimiz tomonidan xalqaro tadqiqotlarda ishtirok etish belgilab qo'yildi.

Respublikamiz ta'lim muassasalarida intellektual rivojlangan shaxsni kamol toptirishning moddiy-texnik bazasi yaratildi, huquqiy-me'yoriy hujjatlar ishlab chiqildi. O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasida "mustaqil fikrlaydigan, qat'iy hayotiy nuqtayi nazarga ega, Vatanga sodiq yoshlarni tarbiyalash, demokratik islohotlarni chuqurlashtirish va fuqarolik jamiyatini rivojlantirish jarayonida ularning ijtimoiy faolligini oshirish" [1] ustuvor vazifalar sifatida belgilab berildi. Bu esa boshlang'ich sinflar adabiy ta'limida

yuksak samaradorlikka erishishga zamin yaratadi.

O'qish darslari boshlang'ich sinf o'quvchilarida o'rganiladigan badiiy asarlarni bir-biridan farqlash, yozuvchining hayotiy voqealarni qanday vositalar yordamida aks ettirgani, qanday adabiy qahramonlar yaratganini tushunish, asar qahramonlarining xatti-harakatiga o'z munosabatini bildirish, ularni baholay olish va tegishli xulosa chiqarish ko'nikmalarini shakllantiradi [3].

Nutq madaniyatini shakllantirish bilan bog'liq adabiy tushunchalar yuzasidan hosil qilinadigan elementar bilimlar orqali o'quvchilar kishilarning fikrlari, his-tuyg'ulari va ichki dunyosini ifodalashda badiiy nutqning ahamiyatini anglab boradilar. O'quvchilarning badiiy adabiyot san'atning bir turi ekanini anglashlariga erishish lozim. Buning uchun badiiy asarda tasvirlangan voqea-hodisalarning rasmda ranglar orqali ifodalanishini namoyish qilish orqali badiiy adabiyot tasviriy san'at kabi san'at turi deb tushuntirish mumkin. Har ikkisida hayotiy voqealar aks etishi, tasviriy san'atda ranglar orqali, badiiy adabiyotda so'zlar orqali tasvirlanishi haqida ma'lumot berish foydadan xoli bo'lmaydi. Asar yaratish uchun yozuvchi so'zga boy bo'lishi lozim ekanligi, bunga o'qish-o'rganish orqali erishish mumkinligini o'quvchilar ongiga yetkazish zarur. Boshlang'ich sinflarda adabiy tushunchalarni o'quvchilar yaxshi o'zlashtirishlari uchun o'qituvchi adabiyot nazariyasidan ilmiy tushunchalarga ega bo'lishi, asar tahlilida nimalarga e'tibor berilishini ajratib olishi, o'qitish usullarini yaxshi bilishi, tahlilga ijodiy yondashishi, o'quvchilarning qiziqishlarini hisobga olishi o'qish darslarida badiiy asarni o'qitish sifatini belgilovchi omillardandir [5, 68].

Boshlang'ich sinf o'quvchilarida matnni tushunish va anglash ko'nikmalarini shakllantirishdan iborat bo'lib, quyidagi vazifalarni o'z ichiga oladi [6]:

- PIRLS xalqaro baholash dasturi haqida ma'lumot to'plash;
- boshlang'ich sinf o'quvchilarining o'qish savodxonligini oshirish yo'llarini ifodalash;
- zamonaviy axborot texnologiyalari sharoitida yosh pedagoglarning rivojlanish istiqbollari o'rganish;
- boshlang'ich sinf o'quvchilarida adabiy tushunchalarni shakllantirishning ilmiy-nazariy asoslarini nazariy bayon etish;
- o'quvchilarda adabiy tushunchalarni shakllantirishga doir o'quv topshiriqlaridan foydalanish tizimi ishlab chiqish.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, amaliyotga tatbiqi ketyotgan PIRLS xalqaro baholash dasturi ta'lim tizimida sifat va samaradorlikni oshirishga, boshlang'ich sinf o'quvchilarining o'qish savodxonligini oshirishga xizmat qiladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi PF-4947-son Farmoni.

2. *O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 6-apreldagi "Umumiy o'rta ta'limning Davlat ta'lim standartlarini tasdiqlash to'g'risida"gi 187-sonli qarori.*
3. *Boshlang'ich ta'lim bo'yicha yangi tahrirdagi Davlat o'quv dasturi // 2017. – B. 21-33 b.*
4. *Uzluksiz adabiy ta'lim kontsepsiyasi. – T.: O'zPFITI, 1998.*
5. *Kuznetsova M.I "PIRLS 2021 solishtirma tadqiqot doirasida o'qish savodxonligini shakllantirishning o'ziga xos xususiyatlari". – T., 2021. – 108 b.*
6. *Koralyova G. "PIRLS xalqaro tadqiqotiga tayyorgarlik ko'rish bo'yicha Rossiya tajribasi, o'qituvchilar malaksini oshirishning muhim jihatlari, baholash vositalari va uslubiy qo'llanmalarni ishlab chiqish" mavzusidagi taqdimoti.*

ПРИМЕНЕНИЕ СТАТИСТИКИ НА УРОКАХ ИНФОРМАТИКИ

Бахром Ханимкулов,

Старший преподаватель кафедры «Методы обучения математики и геометрия»
Чирчикского государственного педагогического университета**Аннотация**

Математическая статистика — это наука, изучающая количественные показатели развития общества и общественного производства. Задача математической статистики состоит в создании методов сбора и обработки статистических данных для получения научных и практических выводов. Статистическая информация — это числовые данные о массовых явлениях.

Ключевые слова: *Размахом ряда чисел, среднее арифметическое значение, медиана числового набора, мода числового набора, Excel.*

Annotatsiya

Matematik statistika jamiyat va ijtimoiy ishlab chiqarish rivojlanishining miqdoriy ko'rsatkichlarini o'rganuvchi fandir. Matematik statistikaning vazifasi ilmiy va amaliy xulosalar olish uchun statistik ma'lumotlarni yig'ish va qayta ishlash usullarini yaratishdir. Statistik ma'lumotlar ommaviy hodisalar haqidagi sonli ma'lumotlardir.

Kalit so'zlar: *Sonlar diapazoni, o'rtaacha arifmetik, sonlar to'plamining medianasi, sonlar to'plamining rejimi, Excel.*

Annotation

Mathematical statistics are a science that studies quantitative indicators of the development of society and social production. The task of mathematical statistics is to create methods for collecting and processing statistical data to obtain scientific and practical conclusions. Statistical information is numerical data on mass phenomena.

Keywords: *Scope of a number of numbers, arithmetic mean, median numerical set, numerical set, Excel.*

Предметом статистики являются размеры и количественные соотношения между массовыми общественными явлениями, закономерности их формирования, развития, взаимосвязи. Одной из основных задач статистики является обработка информации. Конечно, у статистики есть много и других задач: получение и хранение информации, выработка различных прогнозов, оценка их достоверности. Статистические данные применяются постоянно во всех сферах жизни, так же как и статистические методы, которые обеспечивают сбор необходимых данных. Основу статистики должны знать все люди, так как эта наука обучает, как собирать и систематизировать их, а также анализировать и делать выводы. В жизни подобные знания могут пригодиться и не раз, причем на любой работе. Статистика помогает формировать наблюдательность, которая нужна при сборе информации. Информация должна быть качественной и достоверной, так как на основе нее придется принимать решения. Очень заметна польза статистики в экономике [1, 155].

В результате работы со статистическими данными у учащихся формулируются представления о простейших статистических характеристиках; повторяются полученные знания по математике — вычислять моду, медиану, среднее арифметическое, размах числового ряда; показать прикладной характер математики к изучению окружающего мира; использовать возможностями электронных таблиц Excel, осуществлять поиск информации в Интернете [2, 55].

Вначале урока необходимо повторить понятия ма-

тематической статистики:

– Что такое размах числового ряда? (Размахом ряда чисел называется разность между наибольшим и наименьшим из этих чисел.)

– Что характеризует размах?

– Что такое среднее арифметическое значение набора? (Частное от деления суммы этих чисел на число слагаемых.)

– Что такое медиана числового набора? (Число, стоящее посередине в упорядоченном по возрастанию ряду этих чисел, если их количество нечетно; полусумма чисел, стоящих на средних местах в упорядоченном наборе этих чисел, если их количество четно.)

– Мода числового набора? (Модой числового ряда называется число, которое встречается в ряду чаще других.)

– Сколько мод может иметь числовой ряд?

– Как упорядочить ряд чисел? (Записать числа так, чтобы каждое последующее число было не меньше предыдущего.)

Статистические исследования можно применять при изучении погоды и климата. Например, можно использовать дневник погоды на сайте: <https://www.gismeteo.ru/diary/5331>. Таблица, скопированная с сайта, легко вставляется в электронную таблицу Excel. Эту таблицу легко обработать, ненужные столбцы можно удалить. Используя математические определения и формулы, легко рассчитать статистические данные: среднее арифметическое, размах, моду и медиану [3, 28].

В результате некоторых преобразований получаем

Дневник погоды в Ташкенте за Октябрь 2022 г. печатная версия:

Число	День					Вечер				
	Температура	Давление	Облачность	Явления	Ветер	Температура	Давление	Облачность	Явления	Ветер
1	+21	726	—		ЮЗ 3м/с	+17	726	—		ЮЗ 3м/с
2	+23	725	—		З 2м/с	+18	725	—		З 2м/с
3	+21	725	☁		З 3м/с	+17	726	☁		З 3м/с
4	+25	728	☁		З 3м/с	+20	729	☁		З 3м/с
5	+21	729	☁		ЮЗ 4м/с	+16	729	☁		ЮЗ 4м/с
6	+23	728	☁		СЗ 3м/с	+17	728	—		СЗ 3м/с
7	+24	729	☁		З 3м/с	+19	728	☁		З 3м/с
8	+25	730	☁		ЮЗ 3м/с	+19	730	—		ЮЗ 3м/с
9	+25	730	☁		СЗ 3м/с	+18	729	☁		СЗ 3м/с
10	+23	729	☁		З 2м/с	+17	728	☁		З 2м/с
11	+24	726	—		СЗ 4м/с	+18	725	—		СЗ 4м/с
12	+24	727	—		З 4м/с	+18	727	—		З 4м/с
13	+27	728	—		Ю 2м/с	+19	728	—		Ю 2м/с
14	+27	728	☁		СЗ 3м/с	+21	728	☁		СЗ 3м/с
15	+26	728	—		СЗ 3м/с	+18	728	—		СЗ 3м/с
16	+27	728	—		СЗ 3м/с	+22	729	—		СЗ 3м/с
17	+21	730	☁		2м/с	+18	730	☁		2м/с
18	+14	729	☁		В 4м/с	+14	729	☁		В 4м/с
19	+10	731	☁		З 4м/с	+8	734	☁		З 4м/с
20	+18	731	☁		З 2м/с	+13	729	—		З 2м/с
21	+22	727	—		З 2м/с	+15	727	—		З 2м/с
22	+27	726	☁		З 4м/с	+17	727	—		З 4м/с
23	+12	732	☁		СЗ 3м/с	+12	731	☁		СЗ 3м/с
24	+11	726	☁		Ш	+11	726	☁		Ш
25	+18	724	—		СЗ 3м/с	+14	725	☁		СЗ 3м/с
26	+16	731	☁		Ю 3м/с	+11	731	☁		Ю 3м/с
27	+16	733	☁		СВ 2м/с	+12	732	☁		СВ 2м/с
28	+18	729	☁		СЗ 3м/с	+14	728	—		СЗ 3м/с
29	+19	728	☁		В 3м/с	+16	726	☁		В 3м/с
30	+11	729	☁	☄	З 3м/с	+11	730	☁		З 3м/с
31	+16	729	☁		В 2м/с	+12	728	☁		В 2м/с

Условные обозначения:

☁ Ясно ☁ Малооблачно ☁ Облачно ☁ Пасмурно

☄ Дождь ❄ Снег ⚡ гроза

-5 Температура +25

↙ СВ 2 м/с Направление и скорость ветра

следующую таблицу, в которой можно производить математические операции. Для нахождения Моды и Медианы дневной температуры используем соответствующие функции: =МОДА (С4: С34); =МЕДИАНА (С4: С34). Чтобы определить Размах нужно найти разность между максимальным и минимальным значением в числовом ряду: =МАКС (С4: С34) — МИН (С4: С34). Для нахождения Среднего значения применяем известную функцию: =СРЗНАЧ (С4: С34). В 3-ем столбце должно быть 3 значения Моды, функция

находит 1 значение. Чтобы эти значения определить, можно воспользоваться вспомогательной таблицей, которая показывает сколько раз встречается число в данном ряду, т. е. применим формулу: =СЧЁТЕСЛИ (С\$4: С\$34; С4). Выделенные ячейки жёлтым цветом показывают сколько раз они повторяются. В 3 столбце мы наблюдаем 12 повторений, следовательно получаем $12/4=3$ Моды. По готовой таблице дополнительно построить графики зависимости температуры, давления от времени [4, 55].

Число	День		Вечер	
	Температура	Давление	Температура	Давление
1	+21	726	+17	726
2	+23	725	+18	725
3	+21	725	+17	726
4	+25	728	+20	729
5	+21	729	+16	729
6	+23	728	+17	728
7	+24	729	+19	728
8	+25	730	+19	730
9	+25	730	+18	729
10	+23	729	+17	728
11	+24	726	+18	725
12	+24	727	+18	727
13	+27	728	+19	728
14	+27	728	+21	728
15	+26	728	+18	728
16	+27	728	+22	729
17	+21	730	+18	730
18	+14	729	+14	729
19	+10	731	+8	734
20	+18	731	+13	729
21	+22	727	+15	727
22	+27	726	+17	727
23	+12	732	+12	731
24	+11	726	+11	726
25	+18	724	+14	725
26	+16	731	+11	731
27	+16	733	+12	732
28	+18	729	+14	728
29	+19	728	+16	726
30	+11	729	+11	730
31	+16	729	+12	728

Мода	+21	728	+17	728
Медиана	+16	727	+15	727
Размах	15	7	13	7
Среднее арифметическое	+20.4	728.4	+15.9	728.3

Число	День		Вечер	
	Температура	Давление	Температура	Давление
1	1	2	1	3
2	1	4	1	2
3	1	2	1	2
4	1	1	2	1
5	3	1	2	3
6	1	4	3	2
7	1	4	2	3
8	1	4	1	5
9	2	3	1	1
10	2	4	1	5
11	2	4	2	1
12	1	4	2	5
13	3	1	1	2
14	3	1	2	2
15	1	4	1	2
16	1	4	1	2
17	3	1	1	1
18	1	3	1	3
19	1	1	2	3
20	1	4	2	3
21	3	3	3	5
22	1	1	3	1
23	2	1	2	1
24	1	1	1	1
25	3	1	2	1
26	4	2	2	3



Подводя итоги, хотелось бы сказать, что статистика — интересная и занимательная область математики. Статистические наблюдения используются практически везде, где только можно обусловить их применение. Вместе с тем, несмотря на обширную область применения, статистические наблюдения являются довольно сложным предметом и ошибки нередки. Однако, в целом наблюдения как предмет для рассмотрения представля-

ют собой большой интерес. Необходимо организовать учебный процесс так, чтобы уроки информатики шли за уроками математики, т.е. те задачи, которые обучающиеся решали на математике, сразу решали и на уроках информатики с использованием современных технологий. Из материалов Википедии [https:// ru.wikipedia.org/wiki/Югорск](https://ru.wikipedia.org/wiki/Югорск) можно найти информацию о среднемесячных температурах города [5, 255].

Климат Югорска													
Показатель	Янв.	Фев.	Март	Апр.	Май	Июнь	Июль	Авг.	Сен.	Окт.	Нояб.	Дек.	Год
Средняя температура, °C	-16,5	-15,1	-8,1	-2	6,7	14,5	17,5	13,4	7,0	-0,4	-10,9	-15,1	-0,7

Мы видим, что температура в январе оказалась ниже среднемесячной. Статистические характеристики помогают выявить типичные показатели и особенности погоды. Если планировать путешествие — важно учесть информацию о погоде, в этом случае логично воспользоваться статистическими данными о погоде в районе предполагаемого маршрута. Погодная статистика существует во всём мире.

Например:
<http://philippine.ru/climate.html>
http://www.holiday-weather.com/sharm_el_sheikh/averages/
http://www.windguru.cz/ru/historie_statsw.php.

ИСПОЛЬЗОВАННЫЕ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Чуб В.Е.Агальцева., Н.А., Мягков С.В. (САНИГМИ), «Методы прогноза режима природных вод», «Экологическая устойчивость и передовые подходы к управлению водными ресурсами в бассейне Аральского моря» сборник статей Центрально-Азиатской международной научно-практической конференции, 5-8 мая, Алматы 2003 г. стр. 274-281.
2. Шерматов Е. и др. Один из подходов к вопросу прогноза объема стока реки Амударья в зависимости от изменчивости солнечной активности //Материалы республиканской научно-практической конференции, посвященной «Проблемы улучшения обеспеченности, качества водных ресурсов и мелиорации орошаемых земель республики Узбекистан» - Ташкент, 2013 –стр. 217-224.
3. A Zh Seitov, BR Khanimkulov. *Mathematical models and criteria for water distribution quality in large main irrigation canals. Academic research in educational sciences. Uzbekistan. Ares.uz. Vol. 1. №2, 2020. ISSN 2181-1385. Pp.405-415. (№5, web of science IF=5.723) 666 pp.*
4. А. Ж. Сейтов, Б. Р. Ханимкулов, М. Гаипов, О. Хамидуллаева, Н. К. Мурадов. Численные алгоритмы решения задач оптимального управления объектами каршинского магистрального канала. 755 сс.
5. Ханимкулов, Б. Р. (2021). Теоретический анализ изменчивости климатических показателей от солнечной активности. Экономика и социум, 5 (84). 650 сс.

OILAVIY MUNOSABATLARDA UMUMMADANIY DUNYOQARASHNI SHAKLLANTIRISHNING BOLA TARBIYASIGA TA'SIRI

Surayyo Sharipova,

O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti dotsenti (Phd)

Annotatsiya

Ushbu maqolada oilaviy munosabatlarda umummadaniy dunyoqarashni shakllantirish hamda sog'lom oila muhitining farzand tarbiyasiga ta'siri, oilada bola tarbiyasining psixologik xususiyatlari muhokama qilingan.

Kalit so'zlar: oilaviy munosabatlar, oilada bola tarbiyasi, ota, ona, axloqiy munosabatlar, pedagogik-psixologik tarbiya.

Аннотация

В данной статье рассматривается формирование универсального мировоззрения в семейных отношениях и влияние здоровой семейной среды на воспитание ребенка, психологические особенности воспитания ребенка в семье.

Ключевые слова: семейные отношения, воспитание ребенка в семье, отец, мать, нравственные отношения, педагогико-психологическое воспитание.

Annotation

This article discusses the formation of a universal worldview in family relations and the influence of a healthy family environment on child upbringing, psychological features of child upbringing in the family.

Keywords: family relations, child upbringing in the family, father, mother, moral relations, pedagogical-psychological education.

Milliy tarbiyaga yangicha, tizimli yondashuv, bolada tayanch fazilatlarini kafolatli shakllantirishda uning psixologik mexanizmlarini o'rganish, mazkur masalada oila, maktabgacha ta'lim, umumiy o'rta, o'rta maxsus kasb-hunar, oliy ta'lim muassasalari, mahallalarning ijtimoiy-pedagogik imkoniyatlarini to'liq yuzaga chiqarishni va ular orasida ilmiy-metodik uzviylikni yangi darajaga ko'tarishni taqozo etadi.

Jamiyatning yangilanishi ta'lim-tarbiya sohasida islohotlarni, o'zgarishlarni, yangi o'qitish uslublarini, yangicha yondashuvlarni taqozo etadi. Komil inson to'rta sifatga ega bo'ladi: go'zal nutq, yaxshi xulq, go'zal axloq, ta'lim va madaniyat. Oila qadriyatlarini oila poydevorining asosiy ohangini belgilaydi. Ular missiya tanlashda, shuningdek, vaqf siyosati va amaliyotini ilhomlantiradi. Odatda, oilaning boyligini yaratgan shaxslarning qadriyatlarini ustunlik qiladi. Bir fikrli va boylik orttirishga intiladigan tadbirkorlar ko'pincha mos keladigan kuchli va jozibali shaxslarga ega. Ajablanarli emaski, ular o'zlarining qiyofasi va qadriyatlarini, falsafasi va boshqaruvning afzal ko'rgan uslubiga ko'ra poydevor yaratadilar – xuddi o'z ishlarini qilganidek [1].

Davlatning oila siyosatini olib borish, uning negizini mustahkamlashga qodir emasligi ushbu noyob ijtimoiy institutning boshqa ijtimoiy institutlar qatoridan munosib o'rin egallay olmasligiga olib keladi, buning natijasida oila-nikoh munosabatlari, insonlar o'rtasidagi munosabatlar buziladi. Yosh avlod tarbiyasi o'chog'ida ma'naviy inqirozlarni kuzatish mumkin. O'zbekistonda oila, onalik va bolalikni ijtimoiy himoya qilish, ularning har tomonlama kamol topishi va farovon yashashi uchun shart-sharoit yaratish davlat tomonidan kafolatlanadi.

Oilada farzand tarbiyasining psixologik xususiyatlari-

ni tahlil qilganda, axloqiy tarbiyani izchil va tizimli amalga oshirishda oila muhim o'rin tutadi. Oilada insonning axloqiy-ma'naviy qiyofasining poydevori qo'yiladi.

Farzandi bilan oqilona, do'stona va samimiy munosabatlar o'rnatishga qodir ota-ona o'z farzandi uchun mehribon va ishonchli shaxs sifatida qabul qilinadi. Shuning uchun ota-ona va bola o'rtasidagi hissiy munosabatlarni to'g'ri o'rganish ular o'rtasidagi munosabatlarga sezilarli ta'sir ko'rsatishi va obro'li mavqega ega bo'lishiga imkon beradi. Shu maqsad amalga oshgandagina ota-onalar farzandlarining har tomonlama sog'lom bo'lib voyaga yetishida yetakchi bo'la oladilar, deyishimiz mumkin. Oilada bolalar axloqining shakllanishi bola tug'ilishidan boshlanadi.

Bugungi globallashuvning shiddatli va axborot texnologiyalari davrida milliy tarbiyaning ijtimoiy-psixologik mexanizmlarini tadqiq qilish orqali oilada farzand tarbiyasi uchun tayanch fazilatlarini shakllantirish, mazkur fazilatlariga ularni odatlantirish, tarbiyada tushuntirish, ko'rsatish, o'rgatish, namuna bo'lish kabi ta'sirchan usullarni isloh qilish va shu orqali ma'naviy tarbiya tizimini yanada rivojlantirish alohida ahamiyat kasb etadi.

Qadim zamondan mutafakkir va oilashunos olimlar tomonidan ushbu muammolar muayyan darajada o'rganilgan. Jumladan, oila muammolari, shaxslararo munosabatlarning insoniyat jamiyati kabi qadimiy va dolzarbligi bois o'tmish mutafakkirlaridan tortib to hozirgi zamon tadqiqotchilari ham oila va oilaviy muammolarni hal etish masalalariga o'z e'tiborlarini qaratganlar. Sharqning buyuk allomalaridan Abu Nasr Forobiy, Abu Rayhon Beruniy, Abu Ali ibn Sino, Yusuf Xos Hojib, Mahmud Qoshg'ariy, Kaykovus, Xotam ibn Toy, Alisher Navoiy, Zahiriddin Muhammad Bobur, Rizouddin ibn Faxriddin

va boshqalar oilaviy munosabatlarning shaxsiga ta'sirini uqtirib o'tganlar [2, 11].

B.G.Ananyev insonning shaxs sifatida tizimli rivojlanishini to'rt xil – individ, individual, subyekt va obyekt tavsifnomalariga taqsimlagan. Bunda insonning shaxs sifatida shakllanishi individuatsiya, individualizatsiya, subyektivatsiya va obyektivatsiyadan iborat, ularning mahsuli va shartlari esa shaxsdagi temperament, xarakter, motivatsiya va qobiliyatlarda namoyon bo'ladi. Bu tuzilmalarning birgalikda mavjud bo'lishi shaxs shakllanishi jarayonining xususiyatlarini, ulardan birontasining ustunlik qilishi esa – shaxsning yo'nalganlik xususiyatlarini belgilab beradi [2, 56].

Tariximizga nazar soladigan bo'lsak, Ibn Sino bola tarbiyasi bilan uning tug'ilishidan avvalroq, ona qornidan boshlaboq shug'ullanish lozim, deb javob bergan. Yana shu so'zga qo'shimcha qilib taniqli pedagog A.S.Makarenko besh yoshgacha bo'lgan tarbiya bolaning shaxsiyati shakllanishida o'ta muhim ahamiyatga ega ekanini qayd etib o'tgan. Bu haqda u shunday deb yozgan: "...tarbiyaning bosh asosi besh yoshda nihoyasiga yetadi, demak, siz besh yoshgacha nima qilgan bo'lsangiz, bu tarbiyaviy jarayonning 90 foizini tashkil etadi, keyingi tarbiya esa qayta tarbiyalash negizida davom etadi" [3, 51].

O'zbek oilasining kam uchraydigan etnopsixologik xususiyatlaridan biri oila a'zolarining bir-biriga va o'ziga nisbatan talabchanligi, soddalik, halollik, mehnatsevarlik, g'urur va qat'iyatlilikdan voz kechishidir. Ota-onalar farzandlarining kelajagi uchun javobgardirlar. Ularning o'sib-ulg'ayishida, har tomonlama barkamol bo'lishida muhim rol o'ynaydi. Bu jarayonda ota-onalarning bilim darajasi muhim omil hisoblanadi.

Farzandning dunyoga kelishi otalik burchining bir jihati, xolos. Farzandini sog'lom, yetuk inson qilib tarbiyalash, jamiyatda munosib o'rin egallashini ta'minlash uning asosiy vazifasidir. Oila jamiyatning o'zagida shakllanadi va u rivojlanib borar ekan, bu jamiyatning kichik bir qismi sifatida namoyon bo'ladi. Oila rivojlanishini uchta yo'nalishda tanlash tavsiya etiladi:

1. Oilaning demografik rivojlanishi
2. Oilaning ijtimoiy rivojlanishi.
3. Oilaning iqtisodiy rivojlanishi.

Har bir jamiyatning dastlabki ilk ijtimoiy bo'g'ini hisoblangan oila shaxs shakllanishida eng asosiy mas-kandir. Shaxs kamoloti o'z navbatida oilaviy munosabatlar bilan bevosita bog'liqdir. Jamiyat oiladan boshlanadi. Oilaning sog'lomligi va oilaviy muhitning qanday darajada bo'lishi jamiyat rivojiga, undagi mavjud muammolarni hal etishga ijobiy yoki salbiy ta'sir ko'rsatishi mumkin. Shuning uchun ham oilani mustahkamlash, uni sog'lomlashtirish muammolari jamoatchilikning e'tiboridagi muhim muammolardandir [4, 19].

Pedagogik-psixologik tadqiqotlar natijasiga ko'ra, zamonaviy oilaviy tarbiya kamchiliklarini keltirib chiqa-

ruvchi sabablar quyidagicha:

bolalarga kattalar tomonidan diqqat-e'tiborning yetishmasligi, ular bilan muloqotda bo'lish istagining yo'qligi; oila muhitida doimiy janjallarning qaror topganligi va ularni kamaytirish uchun harakat va intilish yo'qligi;

oila a'zolarini birlashtiruvchi an'analar, urf-odatlarga amal qilinmasligi;

farzandlar davrasida ota-onalarning salbiy xulq-atvorlari, ularda ichkilik, giyohvandlik va kashandalik kabi illatlarning namoyon bo'lishi;

ota-onalarning beqaror his-tuyg'ulari, mas'uliyatsizligi, ularning tartibsiz, tasodifiy xarakterga ega ekanligi, ularning shaxsiy qiziqishlari va ehtiyojlarining o'zaro mos kelmasligi va tubdan bir-biriga qaramaqarshiligi;

ota-ona va farzandlar o'z vazifa hamda burchlarini bilmasligi, ularga rioya qilmasligi;

ota-onalar bilan farzandlar o'rtasida o'zaro tushunish, hamjihatlik yo'qligi va unga har ikki tomonlama intilishning yetishmasligi;

oila muhitida adolatsizlik, ikkiyuzlamachilik, o'g'rilik, poraxo'rlik, ta'magirlik illatlarining namoyon bo'lishi;

ota-onalarning bilim saviyalari va madaniy-ma'naviy darajalarining pastligi yoki qarama-qarshiligi;

ota va ona o'rtasidagi yoki ota-ona va farzandlar o'rtasidagi o'zaro tushunmovchiliklarning, ziddiyatlarning surunkali ko'rinishga ega bo'lishi.

O'zbek xalqining o'ziga xos ruhiy qiyofasi, milliy xususiyatlari, milliy xarakteri, milliy tuyg'usi, mijoz, xulq-atvori, urf-odatlar, didi, xohish-istaklari bor. Bolaning axloqi, odob-axloqini yuksaltirish, avvalo, oilada namoyon bo'ladi. Oila tarbiyasi ijtimoiy tarbiyaning bir qismidir. Oila a'zolari o'rtasidagi muloqot va o'zaro tushunish ularning birligi va totuvligini ta'minlaydi [5, 63].

Me'yorlar – bu madaniyatlarining og'zaki va so'zsiz qoidalari. Vaqt o'tishi bilan mustahkamlanib, ular oila a'zolarining xatti-harakatlarida ko'rinmas cheklovlar sifatida ishlaydi. Normlar oila a'zolarining qanday kiyinishi, gaplashishi va harakat qilishi uchun standartlarni belgilaydi. Ular, shuningdek, turli holatlar va sharoitlarda ruxsat etilgan yoki ruxsat etilmagan xatti-harakatlarga cheklovlar qo'yadilar. Oddiy odob-axloq qoidalaridan tashqari, me'yorlar oila a'zolariga ham uyda, ham ko'chada o'zini tutish yo'l-yo'riq ko'rsatadi. Barcha oilalarda avlod-dan-avlodga o'tadigan an'analar mavjud. Ilgari, katta oila bir joyda yashaganida, an'analar kundalik turmush tarziga kiritilgan va oila oqsoqollari tomonidan saqlanib qolgan. Oila shoxlari ajralib ketgani va oqsoqollar vafot etganligi sababli, urf-odatlar ko'pincha ular bilan birga vafot etgan.

Bugungi kunda oilalarda barqaror ijtimoiy-ma'naviy muhitni qaror toptirish uchun oilalarga nazar solib ko'rdik. Bugungi kunda ayrim oilalarda ma'naviy muhitni buzilishi, mehr-oqibat, hamjihatlikni yo'qolib borishi, o'zaro munosabatlarda salbiy tendensiyalarning kuchayib borishi farzand tarbiyasida nimalarda oqsoqlanib qolayot-

ganligimiz sabablarini o'rganishimiz jarayonida quyidagi holatlar aniqlanganliginia ko'rishimiz mumkin.

Umuman olganda, hamma oilalar tarbiyasi uchun yaroqli umumiy formula topish mumkin emas, lekin bolalar tarbiyasi bo'yicha to'plangan ilg'or tajribalar asosida oilaning umumiy xususiyatlaridan kelib chiqib, kelajakda kutilishi mumkin bo'lgan tarbiya natijalarini hisobga olib, maslahat berish mumkin. Masalan, bolalar tarbiyasida oilaviy muhit maxsus ta'sir kuchiga ega. Muhit deyilganda, oila a'zolarining o'zaro munosabatlari, bolalarga ta'sir ko'rsatish usullari, oilada mavjud bo'lgan boshqa shakl va uslublar yig'indisiga aytiladi. Oila muhitining mazmuni ota-onalarning, katta yoshdagi a'zolarining g'oyaviy-siyosiy ongliliklarida namoyon bo'ladi.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, farzand tarbiyasida mahalla va oilalarda barqaror ijtimoiy, ma'naviy muhitni qaror toptirish uchun quyidagilarni inobatga olsak maqsadga muvofiq bo'lar edi. Bular: ayrim oilalarda bolalarning

tarbiyasi faqat onalar zimmasida, ota esa bu ishdan o'zini chetga oladi. Go'yo farzandini bog'cha, maktab tarbiyalab berishi shart. Tarixiy tajriba shundan dalolat beradi-ki, qadimdan o'g'il bolalar tarbiyasi bilan otalar, qiz bola tarbiyasi bilan onalar shug'ullanganlar, ammo ular asosan erkaklar nazoratida bo'lgan; ota-onalar bolalarga birdek munosabatda, bir xil mehribon va g'amxo'r, talabchan va qattiqqo'l bo'lsalar, bolalar hayoti butun va mukammal bo'ladi. Biri talab qilganda, ikkinchisi yonini olsa, tarbiya buziladi. Bolalariga haddan tashqari mehribonchilik qilyotgan ota-onalar ularni hurmat qilishdan oldin o'zlarini ham hurmat qilishni o'rgatishlari zarur. Shundagina oilada sog'lom farzand shakllanadi, voyaga yetadi. Yetakchi omillar sifatida psixologik-pedagogik bilimlari, dunyoqarashi va ota-onalarning madaniyati hisoblanadi. Bolaga munosabat, ya'ni uni tinglash, uning ehtiyojlarini o'rganish, nima mumkin va nima mumkin emas – psixologik talablar darajasida bo'lishi kerak.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Ma'naviy-ma'rifiy ishlar samaradorligini oshirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida" 2019-yil 3-maydagi PQ-4307-son qarori.
2. Zunnunov A. Markaziy Osiyoda pedagogik fikr taraqqiyotidan lavhalar. – T.: "O'qituvchi", 1996. – 200 b.
3. Komilov T., Abidova S. Milliy axloqiy qadriyatlar va ularning tarbiyaviy ahamiyati. – T.: "Fan", 2000. – 250 b.
4. Najmiddinova K. Oila tarbiyasida milliy va umuminsoniy axloqiy madaniyatning o'rni. – T.: "Adolat", 2016. – 300 b.
5. Quronov M. "Har bir ota-ona pedagog bo'lish kerak" maqola. <http://www.adolatnashr.uz/uploads>

КИЧИК МТТ ЁШИДАГИ БОЛАЛАР УЧУН ЎЙИННИНГ АСОСИЙ МАЗМУН ВА МОҲИЯТИ

Мухриддин Узоқов,

Қарши давлат университети таянч докторанти

Аннотация

Кичик боғча ёшидаги болалар учун ўйиннинг асосий мазмуни ўйинчоқлар ва ўрнини босадиган нарсалар билан ҳаракатлардир. Ўйин давомийлиги қисқа. Кичик боғча ёшидаги болалар бир ёки иккита роль ва оддий, кенгайтирилмаган сюжетлар билан ўйнаш ушбу ёшдаги қоидалар билан ўйинларнинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинади.

Таянч сўзлар: *кичик боғча ёшидаги болалар ўйиннинг мазмуни ўйинчоқлар ва уларнинг ўрнини босадиган нарсалар ўз-ўзини намоён қилиш ва уни ўзига хос жиҳатлари.*

Аннотация

Для детей младшего дошкольного возраста основное содержание игры составляют занятия с игрушками и заместителями. Продолжительность игры короткая. Дети младшего дошкольного возраста играют с одной-двумя ролями и простыми, нерастянутыми сюжетами, анализируются особенности игр с правилами этого возраста.

Ключевые слова: *содержание игры для детей дошкольного возраста – игрушки и их заместители, самовыражение, его своеобразие.*

Annotation

For children of younger kindergarten age, the main content of the game is classes with toys and substitutes. The duration of the game is short. Children of younger kindergarten age play with one or two roles and simple, unstretched plots, the features of games with the rules of this age are analyzed.

Key words: *the content of the game for children of kindergarten age - toys and their substitutes, self-expression, its originality.*

Кичик боғча ёшидаги болалар учун ўйиннинг асосий мазмуни ўйинчоқлар ва ўрнини босадиган нарсалар билан ҳаракатлардир. Ўйин давомийлиги қисқа. Кичик боғча ёшидаги болалар бир ёки иккита рол ва оддий, кенгайтирилмаган сюжетлар билан ўйнаш билан чекланган. Ушбу ёшдаги қоидалар билан ўйинлар энди шакллана бошлайди. Ушбу ёшда нозик восита маҳорати ривожланади, шунинг учун ритмик равишда ташкил этилган ҳаракатларнинг устунлиги муҳимдир. Яъни ритмик, ўйноқи тарзда ритмик машқлар логоритмикада ҳам, мусиқа дарсларида ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Кичик боғча ёшида перцептуал фаолият ривожланади. Болалар преталонлардан идрокнинг алоҳида бирликлари – сезги меъёрларига, маданий ривожланган идрок воситаларидан фойдаланишга ўтадилар [1, 45]. Кичик боғча ёшининг охирига келиб, болалар беш ёки ундан ортиқ шаклдаги нарсаларни ва етти ёки ундан ортиқ рангларни идрок этишлари мумкин. Улар объектларни катталиги бўйича фарқлай оладилар, ўзларини гуруҳ бинолари майдонини ва ўқув жараёни мобайнида мактабгача таълим муассасаси биноларини топа олиш кўникмаларини шакллантирадилар. Хотира ва диққат ривожланади. Катталарнинг илтимосига биноан, болалар 3-4 сўз ва 5-6 объект номларини ёдлашлари мумкин. Кичик боғча ёшининг охирига келиб, улар ўзларининг севишли асарларидан муҳим парчаларни эслаб қолишлари мумкин. Визуал ва самарали фикрлаш ривожла-

нишда давом этади. Шу билан бирга, баъзи ҳолларда вазиятларни ўзгартириш керакли натижани ҳисобга олган ҳолда, йўналтирилган намуналарнинг мақсади асосида амалга оширилади.

Боғча ёшидаги болалар нарсалар ўртасида баъзи яширин алоқалар ва муносабатларни ўрнатишга қодир. Кичик боғча ёшида тасаввур ривожлана бошлайди, бу, айниқса, ўйинда баъзи объектлар бошқаларнинг ўрнини босувчи сифатида ҳаракат қилганда яққол намоён бўлади. Болалар муносабатлари нормалар ва қоидалар билан шартланган ва ўйин фаолиятида ўзини намоён қилади. Бироқ, улар фаол мулоқот қилишдан кўра ёнма-ён ўйнашади. Онгли хатти-ҳаракатларни бошқариш эндигина шакллана бошлайди, кўп жиҳатдан боланинг хатти-ҳаракати ҳали ҳам вазиятли. Ўз-ўзини ҳурмат қилиш ривожлана бошлайди, шу билан бирга, улар асосан тарбиячининг баҳосига асосланади. Бу даврда мусиқий ва оғзаки нутқнинг ривожланиши ривожланаётган муҳитга боғлиқ бўлади. Болалар таниш катталар ва тенгдошлари билан топшириқлар орқали мулоқот қилишади (сўра, билиб ол, ёрдам таклиф қил, миннатдорчилик билдир ва ҳоказо). Қундалик ҳаётда, мустақил ўйинларда болалар нутқ орқали мусиқа ва катталар қўшиқларини тинглайдилар, эшитган қўшиқларини куйлайдилар. Болалар расмларни, китобларни (ўйинчоқлар, машиналар, кийим-кечаклар, идиш-товоқлар ва ҳоказо) объектлар тўпламлари (тошлар, чиғаноқлар, турли хил рангдаги иплар билан ғалтаклар,

мато парчалари)ни мустақил ўргана бошлайдилар. Бу уларнинг ташаббускор нутқини ривожлантиришга, яқин атроф-муҳитдаги нарсалар ҳақидаги ғояларни бойитиш ва такомиллаштиришга таъсир қилади.

Болалар турли хил шовқинларни, товушларни, муסיқаларни тинглашади, ёқимли товуш маълумотлари эшитилганда жим бўлишади ва баланд ва ўткир товушларга фаол муносабатда бўлишади. Улар ўқитувчининг кичик боғча ёшиёшдаги болалар учун тушунарли бўлган кулгили ҳолатлар ва кундалик ҳолатлар ҳақидаги ҳикояларини тинглашади. Айнан шу ёшда ўз-ўзидан табиий, ижтимоий жиҳатдан уюшмаган ўзини намоён қилади. Яқин атроф-муҳит ҳақидаги ғояларни бойитишга асосланган луғатни шакллантириш кенгайиб боради ва фаоллашади. Болалар нарсаларнинг муҳим деталлари ва қисмларини (кўйлақларнинг энглари, ёқаси, чўнтақлари, тугмачаларини), сифатларини (ранги, шакли, катталиги), сирт хусусиятларини (силлик, пахмоқ, кўпол), баъзи материаллар ва уларнинг хусусиятларини (қоғоз осонгина йиртилиб, намланади, шиша буюмлар бузилади), жойлашуви (деразадан ташқарида, баланд, узоқ, шкаф остида) ажратиб олишни ва номлашни ўрганадилар. Болаларнинг диққати мақсадга ўхшаш баъзи нарсаларга (пластинка – лycopчa, стул – курси – ўриндик) қаратилади. Ўрта боғча ёшидаги болалар (тўртдан беш ёшгача) ўйин фаолиятида ролли ўзаро муносабатларга эга. Улар боғча ёшидаги болалар ўзларини қабул қилинган ролдан фарқлашни бошлайдилар. Ўйин давомида роллар ўзгариши мумкин. Ўйин ҳаракатлари ўзига яраша эмас, балки ўйиннинг мазмуни учун бажарила бошлайди. Болаларнинг ўйин ва ҳақиқий ўзаро муносабатларини ажратиш мавжуд [2, 50].

Боланинг моторика соҳаси нозик ва катта восита маҳоратидаги ижобий ўзгаришлар билан тавсифланади. Чаққонлик ва ҳаракатларни мувофиқлаштириш ривожланади. Бу ёшдаги болалар ёш боғча ёшидаги болаларга қараганда яхшироқ, мувозанатни сақлайдилар, кичик тўсиқлардан ўтадилар. Болалар у ёки бу нарсанинг кўринадиган шаклини номлай оладилар. Улар мураккаб объектларда оддий шаклларни ажратиб олишлари, мураккаб объектларни оддий шакллардан қайта яратишлари мумкин. Болалар ҳиссий хусусиятларга кўра, объектлар гуруҳларини ташкил қилишлари мумкин – ҳажми, ранги; баландлик, узунлик ва кенглик каби параметрларни ажратиб кўрсатиш. Маконда йўналишни аниқлаш яхшиланиб боради. Болалар 7-8 тагача нарсаларнинг номларини ёдлайдилар. Ўзбошимчалик билан ёдлаш шакллана бошлайди: болалар ёдлаш вазифасини қабул қила оладилар, катталарнинг кўрсатмаларини эслайдилар, кичик шеърни ўргана оладилар ва ҳоказо. Ўрта мактабгача ёшда товушлар талаффузи яхшиланади, дикция тиниқлашади. Нутқ болалар фаолиятининг

мавзусига айланади. Улар ҳайвонларнинг овозларига самарали тақлид қилишади, баъзи белгилар нутқини интонацион равишда таъкидлашади. Қофиялар, нутқнинг ритмик тузилиши, ҳаракатлар қизиқиш уйғота бошлайди. Нутқнинг грамматик томони ривожланмоқда. Болалар грамматик коидалар асосида сўз ясаш билан шуғулланадилар. Болаларнинг бир-бири билан мулоқот қилишда нутқи вазиятли, катталар билан мулоқот қилишда еса вазиятдан ташқарида бўлади. Ёшнинг асосий ютуқлари қуйидагилар билан боғлиқ:

- ўйин фаолиятини ривожлантириш;
- рол ўйнаш ва ҳақиқий ўзаро тасаввурнинг пайдо бўлиши;
- дизайн бўйича лойиҳалаш, режалаштириш;
- идрокни такомиллаштириш, образли тафаккур ва тасаввурни ривожлантириш;
- хотира, диққат, когнитив мотивацияни ривожлантириш;
- катталардан ҳурматга бўлган еҳтиёжни шакллантириш;
- хафагарчиликнинг пайдо бўлиши, тенгдошлари билан рақобатдошлик;
- боланинг “мен” қиёфасини янада ривожлантириш, уни батафсил баён қилиш [3, 26].

Бу даврда нутқнинг ривожланиши ривожланаётган нутқ муҳитига боғлиқ. Болалар одатдаги яқин муҳитдан ташқарига чиқадиган нарсалар, воқеалар, ҳодисалар ҳақида маълумот олиш ва муҳокама қилишдан манфаатдор. Улар таниш объектни батафсил ўрганишга ва объектларнинг баъзи хусусиятларини (магнит) ўрганишга имкон берадиган предметларни ўрганишни яхши кўрадилар. Болалар тенгдошлари билан мазмунли ва хушмуомалалик билан мулоқот қилишади, ўз режаларини бошқаларга, ҳам катталарга, ҳам тенгдошларига аниқ тушунтиришга ҳаракат қилишади. Болаларнинг сўз бойлиги бевосита атроф-муҳит ҳақидаги билимларни чуқурлаштириш, одатий муҳитдан ташқарига чиқадиган нарсалар, ҳодисалар, ҳодисалар ҳақидаги ғояларни кенгайтириш асосида тўлдирилади ва фаоллашади. Буюмларнинг номлари, уларнинг қисмлари, деталлари, улардан ясалган материаллар, кўринадиган ва материалларнинг айрим яширин хусусиятлари (ғижимланган, синган, титилган)дан фойдаланиш нутқда активлашади. Болалар нутқда энг кўп учрайдиган сифатлар, феъллар, равишлар, предлоглардан фойдаланадилар. Болалар луғатига касбларни билдирувчи отлар; меҳнат ҳаракатларини характерловчи феъллар, ҳаракат феъллари (югуриш, шошилиш) қиради. Болалар объектнинг жойлашган жойини (чап, ўнг, яқин, яқин, ўртасида), куннинг вақтини аниқлашлари ва номлашлари, одамларнинг ҳолати ва кайфиятини тавсифлашлари мумкин [4, 30].

Буларнинг барчаси болалар мустақиллигининг намоён бўлишини ва ўзини намоён қилиш истагини тав-

сифлайди. Бу даврда болалар вазиятга хос тақлидий ўз-ўзини намоён қиладилар ва бу билимлар, маълумотлар миқдорига, шунингдек, бола тушадиган шароитга боғлиқ. Болалар беш ёшдан олти ёшгача (катта мактабгача ёш) улар аллақачон ўйин бошланишидан олдин ролларни тайинлашлари ва ролга риоя қилиш орқали ўзларининг хатти-ҳаракатларини куришлари мумкин. Ўйиннинг ўзаро таъсири танланган ролга мазмун ва интонацияга мос келадиган нутқ билан

бирга келади. Болаларнинг ҳақиқий муносабатларига ҳамроҳ бўлган нутқ роль нутқидан фарқ қилади. Болалар ижтимоий муносабатларни ўзлаштира бошлайдилар ва катталар фаолиятининг ҳар хил турларида позицияларнинг бўйсунлигини тушунадилар.

Хулоса қилиб айтганда, баъзи роллар улар учун бошқаларга қараганда жозибали бўлиб қолади. Ўйин майдонини ташкил қилиш кузатилади Болаларнинг ўйинлардаги ҳаракатлари хилма-хил бўлиб боради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Зеньковский В.В. *Психология детства*. – Екатеринбург: Деловая книга, 1995. – 348 с.
2. Лангефелд М., Лангефельд М.Я. *Секретное место в жизни ребенка // Академический вестник*. № 2. 2014. С. 45—50.
3. Больнов О.Ф. *Философия экзистенциализма*. – СПб.: Лань, 1999. – 224 с.
4. Брецинка В. *Метатеория воспитания введение в основы науки о воспитании, философию воспитания и практическую педагогику*. – Киев.: Издательство Коло. 2006. – 367 с.
5. Узоқов М.Ф. *Аттрактив муносабатларда шахсни ривожланиши босқичлари*. – Т., 2022. – 545 б.
6. Орипова Н.Х., Муҳаммадиева М.М. *Проведение детских игр в качестве стратегического процесса*. “Science and world international scientific journal” (№ 3 2019, Волгоград) илмий журнал 41-43 б.

BO'LAJAK INFORMATIKA FANI O'QITUVCHILARINI O'QITISHDA MULTIMEDIA TEKNOLOGIYALARINI QO'LLANISHNING NAZARIY VA AMALIY AHAMIYATI

Muhabbat Tayirova,

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti huzuridagi
Toshkent iqtisodiyot va sanoat texnikumi

Annotatsiya

Maqolada oliy ta'lim tizimi bo'lajak informatika fani o'qituvchilarini o'qitishda multimedia texnologiyalaridan foydalanishning nazariy jihatlari ko'rib chiqiladi. Multimedia o'quv qurollarining tasniflarini va ulardan foydalanishning pedagogik shartlarini yetarlicha batafsil ochib beriladi. Multimedia vositalaridan yetarli darajada foydalanilmayotganining sabablari qatorida mediata'lim mazmuni va vazifalarini belgilashda nomuvofiqlik, dasturiy va uslubiy ta'minotning yetarli emasligi, o'qituvchilarning multimedia resurslaridan foydalanishga tayyor emasligi kiradi.

Kalit so'zlar: multimedia, multimedia ta'limi, multimedia resurslari, elektron ta'lim tizimlari, vizual materiallar, avtomatlashtirilgan ta'lim tizimlari, ekspert ta'lim tizimlari, multimedia ta'lim vositalari.

Аннотация

В статье рассматриваются теоретические аспекты использования мультимедийных технологий в обучении будущих учителей информатики системы высшего образования. Достаточно подробно раскрыты классификации мультимедийных средств обучения и педагогические условия их использования. Среди причин недостаточного использования мультимедийных средств выделяют непоследовательность в определении содержания и задач медиаобразования, недостаточное программно-методическое обеспечение, нежелание педагогов использовать мультимедийные ресурсы.

Ключевые слова: мультимедиа, мультимедийное образование, мультимедийные ресурсы, электронные образовательные системы, наглядные материалы, автоматизированные образовательные системы, экспертные образовательные системы, мультимедийные образовательные средства.

Annotation

The article examines the theoretical aspects of the use of multimedia technologies in the education of future informatics teachers of the higher education system. The classifications of multimedia educational tools and the pedagogical conditions of their use have been revealed in sufficient detail. Among the reasons for the insufficient use of multimedia tools are inconsistency in defining the content and tasks of media education, insufficient software and methodological support, teachers' unwillingness to use multimedia resources.

Keywords: multimedia, multimedia education, multimedia resources, electronic educational systems, visual materials, automated educational systems, expert educational systems, multimedia educational tools.

Respublikamizdagi media-ta'lim holatini o'rganar ekanmiz, biz axborot jamiyati davrida yosh avlodni hayotga tayyorlash muammosi umumiy va kasbiy ta'lim kontekstida kam yangilangan degan xulosaga keldik.

Mavjud vaziyatni quyidagi sabablar tushuntiradi:

- media-ta'lim mazmuni va vazifalarini belgilash bo'yicha kelishmovchiliklar, muammoni hal qilishda texnik yondashuvning keng tarqalganligi;

- muammoni hal etishda uslubiy yordamning etishmasligi;

- ko'plab o'qituvchilarning yangi axborot voqeliklari va media ta'lim g'oyalarini idrok etishga tayyor emasligi;

- bo'lajak o'qituvchilarni media ta'lim vazifalarini amalga oshirishga tayyorlash tizimining yo'qligi.

O'qituvchilarning media madaniyati va uning rivojlanishining o'ziga xos xususiyatlariga bag'ishlangan nazariy ishlanmalar etarli emas. Ilmiy adabiyotlarda media-madaniyat elementlarini rivojlantirishning alohida yo'llari ko'rib chiqiladi, ammo tadqiqot shuni ko'rsatdiki, yaxlit yondashuv ko'rsatilmagan [1, 100].

Oliy ta'lim tizimi ta'lim jarayonida media madani-

yatni rivojlantirish muammosini R.X.Ayupov, S.Beknarova, Y.Mamatova, S.Sulaymanova, S.S.Babadjonov, N.A.Muslimov, A.X.Maxmudov, A.M.Atayan, E.A.Medvedev, V.D.Minkina, L.A.Nagornaya, A.V.Fedorov, L.K.Shiyan va boshqalar o'z qo'lanmalarida keltirib o'tishgan.

Bir qator mualliflar oliy o'quv yurtlarida media madaniyatini rivojlantirish uchun maxsus akademik fanlardan foydalanishni taklif qilmoqdalar (R.X.Ayupov, S.Sulaymanova, A.X.Maxmudov, E.A.Medvedeva, L.A.Nagornaya, L.K.Shiyan va boshqalar). Ammo taklif etilayotgan fanlar talabalarni media ta'limga tayyorlash muammosini hal eta olmaydi. Buning sababi shundaki, mazkur fanlar bo'yicha o'quv dasturlari bibliografik yo'nalish bilan cheklanib media-ta'lim muammolariga ta'sir qilmasdan foydalanuvchilarning axborot madaniyatini rivojlantirishga yo'naltirilganligi, mediamatnlarni izohlashga qaratilgan.

Ta'limda axborot-kommunikatsiya texnologiyalari vositalarining bir necha asosiy turlari qo'llaniladi. Ular orasida:

- avtomatlashtirilgan ta'lim tizimlari (ATT);

- ekspert ta'lim tizimlari (ETT);
- o'quv ma'lumotlar bazalari;
- ta'lim bilimlari bazalari;
- multimedia tizimlari;
- virtual reallik tizimlari;
- o'quv kompyuter telekommunikatsiya tarmoqlari.

Avtomatlashtirilgan ta'lim tizimlari (ATT) – talaba bilan faol muloqotni ta'minlovchi dasturiy, texnik va ta'lim vositalari majmuasi (muloqotni tashkil etishning didaktik va psixologik jihatlari hisobga olinadi). ATT va foydalanuvchi o'rtasidagi o'zaro ta'sirning asosiy vositasi dialogdir [2, 15].

Ekspert ta'lim tizimlari (ETT) ma'lum bir mavzu bo'yicha bilimlarni o'z ichiga oladi. O'quv jarayoniga multimedia vositalarini ommaviy ishlab chiqish va joriy etish ETTning asosiy quyi tizimlarini loyihalashni avtomatlashtiradigan vositalarning keng tanlovi yo'qligi sababli murakkablashadi, masalan:

- o'quv jarayonini boshqarishning quyi tizimi;
- o'quv vazifalarini shakllantirish quyi tizimi;
- ta'lim muammolarini hal qiluvchi;
- talabalarining xatolarini diagnostika qilish vositalari [2].

Multimedia ekspert o'quv tizimlarini (ETT) loyihalash va ishlab chiqish maxsus vositalardan foydalanish asosida mumkin. Bunday vositalarning amaliy ahamiyati shundaki, ular quyidagilarni ta'minlaydi:

- qamrovga qo'yilgan cheklovlarga javob beradigan ta'limning turli fan yo'nalishlarida ETTni ishlab chiqish vaqtini va xarajatlarini qisqartirish;
- dasturlash sohasida professional tayyorgarlikka ega bo'lmagan foydalanuvchi tomonidan ETTda o'quv jarayonini boshqarish quyi tizimini loyihalash imkoniyati;
- foydalanuvchi tomonidan ko'rsatilgan turli sharoitlardan ko'p faktorli va yomon rasmiylashtirilgan o'quv jarayoni samaradorligini tahlil qilish qobiliyati;
- tarmoq tuzilmasi bilan ETT oilasini yaratishda ishlab chiqish vaqti va narxini qisqartirish, shuningdek, kompyuter xotirasidan samarali foydalanish [1].

Yangi axborot texnologiyalarining kompyuter tizimlari – qarorlarni qo'llab-quvvatlash tizimlari, zaif tuzilgan mavzularda foydalanuvchilarga yordam berish uchun mo'ljallangan. Bunday tizimlar insonning qobiliyatlarini kengaytirishga imkon beradigan yordamchi vazifasini bajaradi, lekin uning fikri yoki imtiyozlar tizimini almash-tirmaydi va subyektiv xususiyatlarni hisobga olish zarurati tufayli qaror qabul qilish jarayonida foydalanish uchun mo'ljallangan, fikrini to'liq rasmiylashtirish va kompyuter yordamida amalga oshirish mumkin emas [3,55].

O'quv ma'lumotlar bazalari va bilim bazalari o'quv vazifalarining ma'lum sinfi uchun multimedia ma'lumotlar to'plamini shakllantirish va ushbu to'plamlarda mavjud bo'lgan har xil turdagi ma'lumotlarni tanlash, saralash, tahlil qilish va qayta ishlash imkonini beradi. Bilimlar bazalarida fan sohasining asosiy tushunchalari tavsifi, muammolarni hal qilish strategiyasi va taktika-

si, mashqlar va misollar to'plami, talabalarining mumkin bo'lgan xatolari ro'yxati va ularni bartaraf etish uchun ma'lumotlar mavjud.

Bugun biz talabalarimizni – bo'lajak o'qituvchilarni nima kutayotgani haqida o'ylashimiz kerak. Ma'lumki, kasbiy faoliyat ulardan zamonaviy texnologiyalar sohasida juda katta bilimlarni talab qiladi. Bugungi kunda ish takliflarining 60% minimal kompyuter bilimini talab qiladi. Zamonaviy axborot texnologiyalari hayotimizga tobora kirib borayotganligi sababli talabalar yangi hayotiy ko'nikmalarni o'zlashtirishlari kerak. Internet global kompyuter tarmog'ining axborot oqimi shunchalik kattaki, bunday katta hajmdagi axborotdan kerakli bo'limlarni ajratib olish imkoniyati birinchi o'ringa chiqadi.

Pedagogik shart-sharoitlar deganda, berilgan fazilat-larga ega shaxsni shakllantirishni ta'minlaydigan zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalangan holda maqsadli ta'lim jarayonini yaratish uchun zarur bo'lgan o'zaro bog'liq shartlar tushuniladi. Ushbu shartlarga quyidagilar kiradi:

- Bo'lajak o'qituvchilarning o'z-o'zini tarbiyalash uchun, AKT vositalaridan foydalanishga motivatsion tayyorligi.
- Bo'lajak o'qituvchilarning o'z-o'zini tarbiyalash uchun axborotlashtirish vositalaridan foydalanishga motivatsion tayyorligi.
- O'z-o'zini tarbiyalash va pedagogik tadqiqotlar uchun axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanishga refleksli tayyorlik.
- Talabalarining kompyuterlashtirilgan muhitda ishlashga tayyorligi.
- Kompyuterlashtirish va axborotlashtirish sohasida bo'lajak o'qituvchilarning kasbiy saviyasini oshirish uchun shart-sharoitlar yaratish.
- Ta'limni axborotlashtirish jarayonini ushbu masala bo'yicha ilmiy, o'quv va uslubiy adabiyotlar bilan ta'minlash [4, 71-77].

Multimedia o'quv vositalarida ma'lumotlarni bog'lashning chiziqli bo'lmagan usullarini tashkil etish va multimedia resurslari o'rtasida tuzilgan navigatsiya tizimidan foydalanish metodologik nuqtai nazardan yanada progressiv va boy bo'lgan gipermatn va gipermedia texnologiyasining paydo bo'lishiga olib keladi.

Ko'pgina multimedia resurslari talabalarga ma'lumotlar tuzilmalarini aniq qurishning oddiy va intuitiv vositalarni taqdim etadi. Bu talabalarga o'rganilayotgan materialning tuzilishi haqidagi bilimlarni amaliyotda qo'llash, tasniflash uchun asos tanlashda mustaqillikni ko'rsatish imkonini beradi. Bunday yondashuv bilan chiziqli multimedia resurslari bilan ishlaydigan talaba tomonidan o'ynaydigan kuzatuvchining odatiy roli uning tuzilmalarini tuzish va ularni tavsiflash bo'yicha faol ishiga aylanadi. Shunday qilib, multimediyaga ma'lumotlarini chiziqli bo'lmagan taqdim etish texnologiyalari o'qitishda faollik yondashuvlarini rivojlantirish uchun mustahkam asosdir.

Murakkab jarayonlar va hodisalarni o'rganishda multimedia modellaridan foydalanishda virtual obyektlardan foydalaniladi. Virtual obyektlar yoki jarayonlar ham real, ham xayoliy obyektlar yoki jarayonlarning elektron modellarini o'z ichiga oladi. "Virtual" sifatdoshi qog'oz va boshqa moddiy vositalarda taqdim etilgan o'quv va boshqa obyektlarning elektron analoglarining xususiyatlarini ta'kidlash uchun ishlatiladi. Bundan tashqari, bu sifat elektron analog modellar bilan ishlashda real makonning metaforasini davom ettiruvchi multimedia texnologiyalariga asoslangan interfeys mavjudligini bildiradi.

"Virtual borliq" dasturlari sifatida tasniflangan multimedia vositalari nafaqat ovozi va fazoviy vizual ma'lumotni, balki taktil ma'lumotni ham beradi va stereoskopik tarzda taqdim etilgan "ekran dunyosiga"ga real vaqt rejimida talabalarining kirishi va mavjudligi xayolotini yaratadi, bu dunyo obyektlariga nisbatan foydalanuvchining harakat qilish illyuziyasi [5, 120].

Multimedia modellari, qoida tariqasida, universal emas. Ularning har biri juda tor doiradagi hodisalarni taqlid qilish uchun mo'ljallangan. Matematik modellashtirish texnologiyasiga asoslanib, multimedia modellari nafaqat o'quv sharoitida takrorlash qiyin bo'lgan hodisalarni namoyish qilish uchun, balki imitatsiya qilingan vaziyatga ma'lum parametrlarning ta'sir darajasini interaktiv tarzda aniqlash uchun ham qo'llanilishi mumkin. Bu xususiyat multimedia modellaridan laboratoriya jihozlarning simulyatorlari sifatida foydalanish, shuningdek, simulyatsiya qilingan jarayonlarni boshqarish ko'nikmalarini rivojlantirish imkonini beradi. Zamonaviy multimedia vositalari nafaqat obyektlarning tayyor multimedia modellari bilan ishlash, balki ularni alohida elementlardan qurish imkonini beradi.

Ochiq ta'lim tizimi uchun multimediali o'quv qo'llanmalarini ishlab chiqish va yaratish kasbiy xarakterdagi o'quv ishlarini avtomatlashtirish fanlarini o'qitish bo'yicha o'rganilayotgan obyektlar va jarayonlarning xususiyatlarini yoki simulyatsiya modellari va haqiqiy jismoniy stendlar, parametrik tadqiqot va optimallashtirish uchun chuqur bilish uchun zarur shart-sharoitlar yaratishini hisobga olgan holda amalga oshiriladi. Shu bilan birga, avtomatlashtirish tizimlaridan mazmunli foydalanish talabalar hali ega bo'lmagan etarlicha yuqori kasbiy malakani talab qiladi. Ko'pincha ular faqat avtomatlashtirilgan tizimlarning apparat va dasturiy komponentlarini va multimedia o'rganish vositasini muvaffaqiyatli o'zlashtiradilar [6, 155].

Talabalarining axborotni multimediali taqdim etish vositalarini o'zlashtirishning eng samarali faol usullaridan biri masofaviy ta'lim jarayonida talabalarining o'zlar tomonidan multimedia resurslarini qurishga asoslangan loyihalardir. Ochiq ta'lim tizimida multimedia resurslarini yaratish va ulardan foydalanishning ko'plab maqsadlari orasida ikkita asosiy guruhni ajratib ko'rsatish mumkin:

- talabalarda zamonaviy telekommunikatsiya

muhitlari bilan ishlashning texnologik ko'nikmalarini shakllantirish;

- intellektual axborot ko'nikmalarini shakllantirish.

Internet uchun multimediyali gipermatn resurslari va multimedia sahifalarini yaratishda ko'pincha quyidagi tillar va vositalar qo'llaniladi:

- Hypertext Markup Language (HTML) — Internetda axborot sahifalarini yaratish, formatlash va ko'rsatish uchun ishlatiladigan standart til;

- Java — bu C++ ga o'xshash maxsus obyektga yo'naltirilgan dasturlash tili. Bu til internet resurslarida interaktiv grafika va animatsiyadan foydalanish uchun maxsus ishlab chiqilgan. Ko'pgina tayyor ilovalar (Java appletlari) Internet tarmog'ida mavjud bo'lib, ular o'zlarining axborot tarmog'i va tarmoqdan tashqari resurslarini yaratishda keyingi foydalanish uchun foydalanuvchi kompyuteriga yuklab olinishi mumkin;

- Language VRML (Virtual Reality Modeling Language) sizga oddiy animatsiyadan ko'ra haqiqiy obyekt illyuziyasini yaratuvchi uch o'lchovli obyektlarni yaratish va tarmoqda joylashtirish imkonini beradi. Bunday uch o'lchamli obyektlar, ularning "hajmi"ga qarab, odatda "virtual xonalar", "virtual galereyalar" va "dunyolar" deb ataladi;

- CGI (Common Gateway Interface) – aslida bu dasturlash tili emas, balki ma'lumotlarni yig'ish va ma'lumotlar bazalarini yaratish qoidalarini tavsiflovchi spetsifikatsiyadir.

Multimedia mahsulotini yaratish uchun ko'plab texnik vositalar mavjud. Yaratuvchi-ishlab chiquvchi gipermatnli sahifalarni yaratishda foydalaniladigan muharrir dasturini tanlashi kerak. Boy multimedia ilovalarini yaratish imkonini beruvchi bir qancha kuchli multimedia ishlab chiqish muhitlari mavjud. Macromedia Director yoki Authorware Professional kabi paketlar yuqori professional va qimmat ishlab chiqish vositalaridir, FrontPage, mPower 4.0, HyperStudio 4.0 va Web Workshop Pro esa ularning sodd va arzon vositalaridir. Chiziqli va chiziqli bo'lmagan multimedia resurslarini yaratish uchun PowerPoint va matn muharrirlari (masalan, Word) kabi vositalardan ham foydalanish mumkin.

Shunday qilib, o'quv jarayoniga multimediani joriy etishning dolzarbligi texnologiyalar bir qator afzalliklarga bog'liq: talabalarining kognitiv qiziqishni rag'batlantirish, o'quv jarayonini individuallashtirish darajasini oshirish, o'quv jarayonida audio va vizual effektlardan foydalanish.

Multimedia vositalaridan foydalangan holda ochiq ta'lim jarayonida ma'lum samarali innovatsiyalarga "Loyiha usuli" deb ataladigan yangi ta'lim dasturlarini qo'llash orqali erishish mumkin – integral ta'lim texnologiyasining alohida holati. Ochiq ta'limda uni amalga oshirish jarayonida o'quv faoliyatini tashkil etishning yangi shakllari amalga oshiriladi:

- tinglovchilarning tarmoq hamkorlari bilan guruhlarda ishlashi;

- telekommunikatsiya kanallari orqali olingan multimedia ma'lumotlari asosida umumiy madaniy bilimlarni o'zlashtirish, talabalarning dunyoqarashini shakllantirish;
- eng yangi axborot texnologiyalaridan foydalanish;
- talabalarning kommunikativ yozma nutqini rivojlantirish.

Xulosa sifatida ayta olamizki, qo'shimcha ta'limni tashkil etishda o'quv jarayonini asosiysidan sezilarli darajada ajratib turadigan xususiyatlari deyarli barcha soha-

larda multimedia texnologiyalariga bo'lgan talabni belgilaydi. Qo'shimcha ta'lim muassasasida o'quv jarayoniga multimedia texnologiyalarini faol joriy etish pedagogik faoliyatning sifat jihatidan yangi bosqichiga o'tishni ta'minlash, uning didaktik, axborot, uslubiy va texnologik imkoniyatlarini sezilarli darajada oshirish, umuman olganda, mutaxassislar tayyorlash sifatini oshirish, pedagoglarning kasbiy mahoratini oshirishga hissa qo'shish imkonini beradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. *Axborot texnologiyalari*/M.Aripov, B.Begalov, Sh.Begimqulov, A.M. Mamarajabov. – T.: Noshir, 2009. – 368 b.
2. *Ta'linda axborot texnologiyalari: O'quv qo'llanma* / R.X.Ayupov. Nizomiy nomidagi Toshkent Davlat pedagogika universiteti. – T.: TPDU, 2020. – 580 b.
3. *Xodjayev B., Choriyev A., Saliyeva Z. Pedagogik tadqiqotlar metodologiyasdi. Darslik.* – T.: IQTISODIYOT DUNYOSI nashriyoti, 2018. – 290 b.
4. *Браун, Ю.С. Модульное обучение мультимедийным технологиям* / Ю.С. Браун // *Информатика и образование.* 2000. № 2. С. 71–77.
5. *Осин, А.В. Мультимедиа в образовании: контекст информатизации* / А.В. Осин. – М., 2004. – 180 с.
6. *Бухарова, Г.Д. Общая и профессиональная педагогика* / Г.Д. Бухарова, Л.Д. Стариков. – М., 2009. – 250 с.

NANOPARTICLES FROM ARTICHOKE EXTRACT OBTAINING AND THEIR PROPERTIES

Dostonjon To'rayev,

Physics teacher at Karshi International University

Annotation

In order to find a reliable and cost-effective way to synthesize nanoparticles from the specific properties of nanoparticles that are currently relevant, the practical application of modified materials in the study of prickly artichoke – Cynara Scolymus L., size and stability depend on the concentration of metal salts; structural properties of microparticles and nanoparticles extracts from dried leaves of Synara ssolumus L., extraction of nanoparticles from dried leaves of Cynara Scolymus L. Using metal salts Nanoparticles obtained from the leaves with the help of metal salts have a long shelf life. Conclusions and recommendations are made on the results of the study of the separation of nanoparticles from the alcohol extract and the study of its properties.

Keywords: Prickly artichoke, nanoparticle extract, Polymer nanoparticles, Polyelectrolytes, Nanoparticle extraction, Test ssolumus, IR spectroscopy

Annotatsiya

Tadqiqot hozirgi kunda dolzarb bo'lgan nanozarralarning o'ziga xos xususiyatlaridan, o'zgartirgan materiallardan foydalanishda amaliy qo'llash nanozarralarning sintezini ishonchli hamda iqtisodiy jihatdan qulay yo'lini topish maqsadida tadqiqotda tikanli artishok – Cynara Scolymus L. dorivor o'simligi ekstraktidan nanozarrachalar olish va ularning xossalari o'rganish, Cynara Scolymus L. dorivor o'simligi ekstraktidan nanozarrachalar hosil bolish tezligi, o'lchamlari va ularni turg'unligini metall tuzlarining konsentratsiyasiga bog'liqligini, Cynara Scolymus L.ning quritilgan barglaridan olingan mikrozarra va nanozarrachali ekstraktlarini strukturaviy xossalari, Cynara Scolymus L.ning quritilgan barglaridan metall tuzlari yordamida nanozarracha olish va polisaxarid natriykarboksimeylsellyuloza bilan turg'un holatga, Cynara Scolymus L.ning quritilgan barglaridan metall tuzlari yordamida olingan nanozarrachalarni saqlanish muddatini aniqlangan tikanli artishok – Cynara Scolymus L» dorivor o'simligidan suvli-spirтли ekstrakti tarkibidan nanozarrachani ajratib olish va uning xossalari tadqiq qilish o'rganilib olingan natijalar yuzasidan xulosa va takliflar keltirilgan.

Kalit so'zlar: Tikanli artishok, nanozarralar ekstrakt, Polimer nanozarralar, Polielektrolitlarning, Nanozarralar olish, Cynara Scolymus, IQ spektroskopiyasi.

Аннотация

С целью поиска надежного и экономичного способа синтеза наночастиц из конкретных свойств наночастиц, актуальных в настоящее время, целесообразно практическое применение модифицированных материалов при изучении артишока колючего – Cynara Scolymus L, размер и стабильность которого зависят от концентрации наночастиц. Соли металлов; структурные свойства экстрактов микрочастиц и наночастиц из высушенных листьев Synara ssolumus L., экстракция наночастиц из высушенных листьев Cynara Scolymus L. Использование солей металлов Наночастицы, полученные из листьев с помощью солей металлов, имеют длительный срок хранения. Сделаны выводы и рекомендации по результатам исследования выделения наночастиц из спиртового экстракта и изучения его свойств.

Ключевые слова: артишок колючий, экстракт наночастиц, полимерные наночастицы, полиэлектролиты, экстракция наночастиц, Test ssolumus, ИК-спектроскопия.

Topic relevance: It is known that metal nanoparticles can enter the human body in different ways: through the mucous membranes of the respiratory tract and digestive tract, transdermally (for example, when using cosmetics), blood stream contained in the vaccine, etc. The risk of the spread of nanopathologies, although not yet fully understood, is undoubtedly high today and will likely increase in the future. Determining the causes of the pathological effects of nanoparticles and developing methods of combating diseases caused by the penetration of nanoparticles into the body are currently becoming the subject of a new trend in experimental medicine. Thus, it is very important to determine the ways in which nanoparticles affect living organisms and their detection.

Research object and subject A medicinal plant "Cynara Scolymus L" and an aqueous-alcohol extract were taken

as a test. Studying the physical properties of nanoparticles based on various metal salts is a subject of research.

The purpose of the study. The purpose of this work is to obtain nanoparticles from the extract of the medicinal plant Cynara Scolymus L.

In connection with this, the main goal of this work is physico-chemical, structural study

Natural polymers such as chitosan, gelatin, sodium alginate and albumin are often used to obtain nanoparticles [4, 7]. The range of synthetic polymers used for the same purposes is very wide and includes various polyheists - primarily polymers and copolymers of glycolic, lactic, hydroxybutyric, hydroxycaproic acids, as well as polyanhydrides, polytereoesters, polycyanoacrylates, polyglutamic acid, polymalic acid, polymethyl methacrylate. In some cases, cross-linked derivatives of water-soluble

polymers - poly-N-vinylpyrrolidone, polyvinyl alcohol, acrylic acids, polyacrylamide, polyethylene glycol - were used for these purposes [5, 7].

Properties and properties of polymer nanoparticles must be optimized, and their structure and properties depend on the method of nanoparticle preparation. Thus, it is important to choose a suitable method that allows obtaining nanoparticles with predetermined properties [1].

Among the methods of obtaining polymer nanoparticles, the following can be distinguished:

- Methods of obtaining nanoparticles from ready-made macromolecules, including nanoparticles formed from amphiphilic polymers based on covalent or ionic bonding with each other and interaction of macromolecules.

Due to covalent or ionic interactions, as well as intermolecular forces;

- A method of obtaining nanoparticles based on the simultaneous polymerization of monomer [2].

Synthesis of nanoparticles from prickly artichoke extract - during the research process, the turbidity of the extract solution was observed, and then the particles were observed to settle for a certain period of time. This shows the formation of magnesium metal nanoparticles through spectrophotometry. Symptoms appear in artichoke extracts over time. Nanoparticles, stabilizers are used in all cases to ensure the stability of the system. These stabilizers are usually polymers of natural origin - polysaccharides, gelatin, starch, agar-agar, etc., or polymers of synthetic origin and surfactants (surfactants). To increase the aggregative stability, we used sodium carboxymethylcellulose polysaccharide (Na-TSMS). For this, solutions were prepared in different proportions of Na-TSMS: "Cynara" extract *Scolymus L.*, the introduction of Na-TSMS significantly prevents and reduces aggregation. When mixing the resulting artichoke extract solution with Na-TSMS solutions ($C=0.1$ base-mol/L), nanoparticles of different sizes are stabilized by Na-TSMS polysaccharide.[3] To explain the interaction of Na-TSMS with nanoparticles - "Cynara *Scolymus L.*" can be used. The infrared spectroscopic analysis method was used. "Cynara *Scolymus L.*" IR spectra of the extract. Edi is obtained with solutions of nanoparticles and metal salt nanoparticles in the presence of Na-TSMS. It should be noted that

Methods. IR spectroscopy, potentiometric titration and electrolyte solutions, X-ray diffractometric analysis, electron microscopic studies, thermogravimetric analysis were used in the research.

The products used were established using IR spectroscopy techniques and based on published data [2]. Thus, the above results of preliminary study of Na-TSMS show that it is multifunctional. The presence of SOO-, SOOH groups in their macromolecules gives these polymers a characteristic feature.

In this work, we used the polysaccharide sodium car-

boxymethyl cellulose (Na-KMS) to increase the stability of the aggregate. For this, solutions were prepared in different proportions of Na-KMS: 80: 20; 60: 40; 40:60; 20:80. The introduction of Na-KMS largely prevents aggregation and reduces the average size of nanoparticles. It is shown when mixing nanoparticles with Na-KMS solutions in different volume ratios of Na-KMS ($C = 0.1$ basic * mol / l) solutions of prickly artichoke extract.

To determine the interaction of Na-KMS nanoparticles - "Cynara *Scolymus L.*" used the IR spectroscopic analysis method. "Cynara *Scolymus L.*" The IR spectra of the extract were shown with nanoparticles and solutions of nanoparticles of metal salts in the presence of various proportions of polysaccharide Na-KMS. It should be noted that the IR spectra of all ratios of Na-KMS and the extract with different ratios had almost the same absorption bands and differed greatly in intensity and shift to some absorption bands. The structure of the used Na-KMS products was created using IR-spectroscopy methods and on the basis of literature data

We now turn to some structural features that explain the properties of Na-KMS. It is known that Na-KMS, in addition to polydispersity typical for high molecular compounds, has significant chemical heterogeneity; has a different quantitative ratio of functional groups in the chain and a different distribution pattern of these groups in the chain. Therefore, it can be considered a copolymer consisting of two types of units: D - glucopyranose with glycopyranose glycolic acid. In a neutral environment with a pH value of about 7, a mixture of both unsubstituted hydroxyl groups and ionized carboxyl groups is present in the Na-KMS macromolecule.

Quantitative analysis of Na-KMS spectra using information on the characteristic frequencies of individual functional groups made it possible to define all absorption bands and establish structural laws.

Thus, the above results of preliminary Na-KMS studies show that multifunctional; presence of SOO, SOOH groups in their macromolecules gives these polymers specific properties of polyelectrolytes.

In the obtained IR spectra of Na-KMS: "Cynara *Scolymus L.*" showed the presence of -OH groups located in the region of 3240 cm^{-1} in different proportions, as well as 1585 cm^{-1} and 1410 cm^{-1} belonging to Na-KMS carbonyl groups. With an increase in the content of "Cynara *Scolymus L.*" extract, it shows a shift of these absorption bands to a higher frequency region with nanoparticles in the mixture, i.e. according to the ratio: Na-KMS:"Cynara *Scolymus L.*" extract. = 20:80 -1593 cm^{-1} ; in the ratio of 40: 60 - 1597 cm^{-1} ; and in the ratio of 60: 40 - 1600 cm^{-1} . Apparently, it causes the absorption bands located in the region to shift.

1585 cm^{-1} shows that the carbonyl group associated with Na-KMS is strongly adsorbed on the magnesium metal nanoparticles, which leads to the stabilization

of the prickly artichoke extract - "Cynara Scolymus L". The above experimental data were confirmed by optical microscopic images of a mixture of Na-KMS solutions: "Cynara Scolymus L" extract. different proportions, it is shown. The size of the nanoparticles was determined from the image between 120 nm and 280 nm. It should be noted that the introduction of Na-KMS largely prevents aggregation and reduces the average size of nanoparticles. A nanocomposite is obtained by replacing the solution of thorny artichoke extract nanoparticles with Na-KMS solutions in different proportions, in which Na-KMS is stabilized with polysaccharide. As the concentration of magnesium sulfate salt increases, the size of the nanoparticles is observed. Thus, "Cynara Scolymus L." Synthesis

Table 1

Physicochemical properties of carboxymethylcellulose sodium encapsulated particles from artichoke extract Structure and properties "Cynara scolymus L"

Structure and properties	NA-KMS	8:20	60:40	40:60	20:80	Extract "Cynara scolymus L"
Appearance	A white yellowish liquid with a specific smell	White green liquid with a specific smell	Light green liquid with a specific smell	Light green liquid with a specific smell	Light brown liquid with a specific smell	Light brown liquid with a specific smell
pH indicator	7,2	7,0	6,48	6,30	6,52	6,70,
viscosity of the solution	0,075	55,4*106	27,7*106	3,5*106	3,2*106	15,10*106

As mentioned above, the synthesis of nanoparticles was carried out at room temperature with constant stirring until the color changed. Thus, in the course of research, it was observed that the color of the resulting solutions changed from light green to light brown with the formation of turbidity, which indicates the formation of nanoparticles. The formation of magnesium sulfate nanoparticles was recorded spectrophotometrically in the frequency range of 400 - 800 cm⁻¹. To obtain spectrophotometric data, a certain amount of solution was applied to the substrate and spectroscopic data were recorded. The main, detailed picture is shown by the microscopic method - atomic force microscope (Fig. 1)

The working principle of the atomic force microscope is based on the registration of the force effect between the surface of the studied sample and the probe. A nanotin tip located at the end of an elastic consul is used as a probe. A force acting on the probe from the surface causes the arm to bend. The appearance of ridges or depressions under the tip leads to a change in the force acting on the probe and, therefore, to a change in the magnitude of the deflection of the consul. Thus, by recording the amount of tilt, it is possible to infer the topography of the surface.

The forces acting between the probe and the sample are primarily long-range van der Waals forces, which are initially attractive and become repulsive as they approach.

of nanoparticles from medicinal plant extract by changing the concentration of polysaccharide Na-KMS with the introduction of metal salt, an aggregative stable nanocomposite was obtained, in which nanoparticles were stabilized by polysaccharide Na-KMS.

In order to confirm the above data, a study was conducted to study the size of nanoparticles obtained from medicinal plant artichoke extract - Cynara Scolymus L. using metal sulfate by atomic force microscope. Atomic force microscopy studies were performed on an Agilent 5500 scanning probe microscope at room temperature. In this work, we used silicone containers with a stiffness of 9.5 N/m and a frequency of 145 kHz. The maximum scanning area for AFM in X, Y is 2.5 - 2.5 μm, in Z - 1 μm.




Figure 1. Microscopic images of Na-KMS (a), "Cynara Scolymus L." Extract nanoparticles. (b) and encapsulated nanoparticle extract «Cynara scolymus L.» Sodium carboxymethyl cellulose (c)

According to the microscopic experimental data, the size of magnesium sulfate nanoparticles obtained using the extract of medicinal plant artichoke - *Cynara Scolymus L.* is from 30 nm to 200 nm. And the initial product is almost micrometric in size (1000 nm).

Thus, on the basis of experimental data, a nanocomposite of medicinal plant artichoke extract - *Cynara Scolymus L.* and an extract with nanoparticles stabilized by polysaccharide sodium carboxymethylcellulose, which can be used as a choleric drug for the first time, was synthesized.

According to the obtained results, it can be said that deviations from the additivity value of the connection were observed in terms of pH value, internal friction coefficient values of different quantities of PK solutions.

The process of potentiometric titration of the prepared PK solutions was measured in a state where the solutions were constantly mixed and the temperature was constant at 22-24 °C. The spectrum of Na-KMS and carbopol polycomplex was observed to change in intensity and maximum states in comparison with the spectrum of carbopol or Na-KMS.

PKs are fundamentally different in terms of the properties of the components that make it up, that is, it was found that the obtained substance is an individual

substance with new properties and structure.

- for the first time, nanoparticles were obtained from the extract of medicinal plant artichoke «*Cynara Scolymus L.*».

- it was determined that the rate of formation, size and stability of nanoparticles obtained on the basis of dried leaves of medicinal plant thorny artichoke *Cynara Scolymus L.* depend on the concentration and composition of metal salts;

- it was shown that the rate of formation of nanoparticles, their size and their stability increase depending on the concentration of metal salts.

- Structural properties of microparticle and nanoparticle extracts obtained from dried leaves of *Cynara Scolymus L.* were studied;

- Nanoparticles were obtained from the dried leaves of *Cynara Scolymus L.* using metal salts, and the aggregate was stabilized with polysaccharide sodium carboxymethylcellulose;

- The shelf life of the extract obtained on the basis of dried leaves of *Cynara Scolymus L.* was studied and it was found that it meets the requirements of regulatory and technical documents;

- nanoparticles were isolated from the water-alcohol extract obtained from the artichoke plant *Cynara Scolymus L.* and its properties were studied.

REFERENCES:

1. Patterson JP, Kelley EG, Murphy RP, Moughton AO, Robin MP, Lu A., Epps TH Structural characterization of amphiphilic homopolymer micelles using light scattering, SANS, and Cryo-TEM // *Macromol.* 2013. Vol. 46. R. 6319-6325.
2. Crassous JJ, Rochette CN, Wittemann A., Schrinner M., Ballauff M., Drechsler M. Quantitative analysis of polymer colloids by cryo-transmission electron microscopy // *Langmuir.* 2009. Vol. 25. R. 7862-7871.
3. Crassous JJ, Ballauff M., Drechsler M., Schmidt J., Talmon, Y. Imaging the volume transition in thermosensitive core-shell particles by cryo-transmission electron microscopy // *Langmuir.* 2006. Vol. 22. R. 2403-2406.
4. Murthy SK Nanoparticles in modern medicine: State of the art and future challenges // *Int. J. Nanomed.* 2007. Vol. 2. Iss. 2. P. 129-141.
5. Nakache E., Poulain N., Candau F., Orecchioni AM, Irache JM Biopolymer and polymer nanoparticles and their biomedical applications. // In: *Handbook of nanostructured materials and nanotechnology.* New York: Academic Press, 2000. R. 577-635.
6. Khalatur P.G. Self-organization of polymers // *Sorosovsky obrazovatelnyy zurnal.* 2001. T. 7. No. 4. C. 36-43.
7. Tomalia DA, Baker H., Dewald J., Hall M., Kallos G., Martin S., Roeck J., Ryder J., Smith P., A new class of polymers: starburst-dendritic macromolecules // *Pol. J.* 1985. Vol. 17. R. 117-132.
8. Lenz RW *Organic chemistry of synthetic high polymers.* New York: Wiley, 1967. 348 p.
9. McGrath JE *Block and graft copolymers* // *J. Chem. Educ.* 1981. Vol. 58. R. 914-921.
10. Odian G. *Principles of polymerization.* Hoboken: Wiley, 2004. 832 p.

BOLALAR NUTQIDA POZITIV-KOMUNIKATIV SIFATLARNI SHAKLLANTIRISHNING FIZIOLOGIK VA PSIXOLOGIK MAZMUNI

Sojida Ashirova,

Shahrisabz davlat pedagogika institutining katta o'qituvchisi

Annotatsiya

Maqola mazmunida bolalar nutqining pozitiv-komunikativ sifatlarini shakllantirishning asosi hisoblangan bolalar nutqining fiziologik xususiyatlari haqida fikr yuritiladi. Bolalar nutqida komunikativlik va pozitivlik sifatlarini shakllantirishning fiziologik va psixologik yechimlari yoritiladi.

Kalit so'zlar: nutq, fiziologiya, psixologiya, pozitivlik, komunikatsiya, nerv tizimi, aloqa, gramatika, Vernik markazi, stereotip.

Аннотация

В содержании статьи рассматриваются физиологические особенности детской речи, которые считаются основой формирования положительно-коммуникативных качеств детской речи. Обсуждаются физиологические и психологические решения формирования коммуникативно-положительных качеств в детской речи.

Ключевые слова: речь, физиология, психология, позитивность, общение, нервная система, грамматика, центр Вернике, стереотип.

Annotation

The content of the article discusses the physiological characteristics of children's speech, which are considered the basis for the formation of positive-communicative qualities of children's speech. Physiological and psychological solutions for the formation of communicative and positive qualities in children's speech are covered.

Keywords: speech, physiology, psychology, positivity, communication, nervous system, communication, grammar, Wernicke center, stereotype.

Inson hayotida nutq asosiy aloqa vositasi sifatida undagi faoliyatining barcha sohalarida: kundalik hayotda, ilmiy faoliyatda, estetik taraqqiyotda, ishlab chiqarishda, siyosatda, diniy tafakkurda va hokazolarda qo'llaniladi.

Ushbu sohalarning har birida aloqa qilishning yagona shart-sharoitlari va qoidalari o'ziga xos xilma-xil bo'ladi, bu nutqning mazmuni, sifati, uslubida alohida sezilib turadi. Insonning faoliyat sohasi yoki yashash sharoitlari o'zgarishi bilan uning nutqi ham o'zgaradi:

- so'z boyligi ortadi yoki kamayadi;
- grammatik tuzilishi sayqalanadi yoki buziladi;
- mavzulari kengayadi yoki torayadi;
- uslubi yangilanadi yoki aksincha ham bo'lishi mumkin [7, 280-288].

Bolalardagi ko'p holatlardagi nutq buzilishlarining sababi ularning markaziy va periferik nerv organlarining notekisliklardandir. Ularni aniqlash va bartaraf etish ishlarining strategiyasini aniqlash uchun ularning tuzilishi, funksiyalari va o'zaro ta'sir mexanizmlarini bilish juda muhim hisoblanadi. Bularning barchasi nutqning fiziologik asoslarini tashkil etishi tegishli adabiyotlarda qayd etiladi. Bolalar nutqning fiziologik asoslari uning ikkita bo'limi – markaziy va periferik nerv tizimlari o'rtasidagi o'zaro ta'sirning nozik natejasidir. Bolalar nutq apparatining markaziy qismi miyaning bir nechta tuzilmalarida joylashgan [1, 106-109].

Bolalarda chap yarim sharning vaqtinchalik qismida Vernik markazi joylashgan bo'lib, unda tovushlarni tahlil qilish va farqlash, ularning soni va so'zlardagi tovush tartibi

hosil bo'ladi. Boladagi brokaning markazi-asab impulslari orqali nutq mushaklari ishini boshqaradi, shu tufayli ularning harakatlari silliq va izchil tabiati pozitiv, shuningdek, ularning holatini boshqarish amalga oshiriladi.

Bolalardagi subkortikal yadrolar tug'ma vokal reflekslarini shakllantirish uchun asos yaratadi, buning asosida ularda ixtiyoriy nutq shakllanadi. Nerv tizimning subkortikal yadrolari nutq mushaklari ishini tartibga soladi. Nutqning ravonligi, uning tempi va hissiyligi, ovoz balandligi hamda pozitivligi subkortikal-serebellar yadrolari tomonidan amalga oshadi [1, 110-118]:

- Vokal, nafas olish va artikulyatsiya bo'limlarining harakatlari va mushaklarning ohangini muvofiqlashtirish va kayfiyatli nutq serebellumning ishi bilan amalga oshadi

- Periferik tizim uchta bo'limni o'z ichiga oladi:

1) nafas olish (fiziologik va o'ziga xos nutq nafasini ta'minlaydi);

2) vokal yoki fonatsiya – ovozni hosil qiladi;

3) artikulyatsion – nutq tovushlarining talaffuzini amalga oshiradi.

Bolalar nutqni rivojlantirish metodologiyasining fiziologik asoschilari nutq nuqsonlarining ko'pgina sabablarini nutq apparati markaziy va periferik qismlarining tuzilishi va o'zaro ta'siridagi buzilishlar natijasi sodir bo'ladi deb hisoblaydi. Nutqning anatomik va fiziologik asoslarini bilish uning buzilish sabablarini tushunishga yordam beradi. Har bir nutq harakati ma'lum bir miya hujayralari guruhi tomonidan emas, balki asab tizimining murakkab, o'zaro bog'liq va ko'p darajali harakatlari bilan ta'min-

lanadi. Uning mexanizmlari eng nozik jihatlariga qarab tuzilishida, tabiatida, chuqurligi va pozitivligi farqlanadi. Ya'ni nutq kabi miyaning bunday murakkab funksiyasi uning turli qismlarining murakkab o'zaro ta'siri bilan ta'minlanadi. Bundan tashqari, ularning ro'yxati juda o'xshash nutq muammolarini hal qilishda ham sezilarli darajada o'zgaradi. Psixologiyada nutqning fiziologik asoslarini tushunish, bir xil so'zning talaffuz mexanizmi, agar u pozitivlik bilan yoki xafalik bilan, oldindan muhokama qilish yoki o'z-o'zidan paydo bo'lsa, sezilarli darajada farqlanishini tushuntiradi [2, 89-95].

Bolalar nutqining asosiy mexanizmlari:

- motivatsiya va bashorat qilish;
- aytishni dasturlash;
- bayonot rejasidan uni amalga oshirishga o'tish;
- kerakli pozitiv kayfiyatni qidirish;
- nutqning motor qobiliyatlarini rejalashtirish;
- kerakli nutq tovushlarini tanlash;
- nutqni amalga oshirish.

Bolalar nutq faoliyatining zamonaviy tadqiqotlari shuni ko'rsatadiki, nutq va fikrlashning fiziologik va psixologik asoslari bir-biri bilan chambarchas bog'liq va ularning ko'plab mexanizmlarining nozik o'zaro ta'siri bilan ta'minlanadi. Ularning ba'zilar hali o'rganilmagan [2, 229-257].

Bolalar nutqini sinchkovlik bilan tinglash va tahlil qilish uning quyidagi turlarini aniqlashga yordam beradi:

- tashqi-muloqot qilish, ma'lumotlarni uzatish;
- og'zaki-tovushlar yordamida amalga oshiriladi;
- ichki -o'ylash, fikrlash;
- yozuv-savodxonlik bilan tovushlarni belgilash qobiliyati;
- imo-ishora;

Bolalarning og'zaki nutq, yozma bilan taqqoslaganda, unchalik to'liq emas, chunki suhbatdoshga juda ko'p ma'lumotlar, pauzalar, hissiy undovlar, nutqning kayfiyati va og'zaki bo'lmagan vositalar imo-ishoralari, mimika, tana harakatlari, duru'ş yordamida uzatiladi. Yozma nutqning jumalari tuzilishi jihatidan ancha murakkab, ular tarkibiga murakkab iboralar kiradi, chunki og'zaki nutqqa qaraganda matn mazmuni ustida fikr yuritish va nutq vositalarini tanlashga ko'proq vaqt sarflanadi [1, 118-119].

Bolalar nutqining asosiy funksiyasi – bu aloqasi bo'lib, uning davomida boshqa bir qator umumiy nutq funksiyalari bajariladi:

- tartibga solish – to'g'ridan to'g'ri yoki bilvosita

so'rovlar, buyruqlar, ko'rsatmalar orqali o'z va boshqalarning individual yoki jamoaviy xatti-harakatlarini nazoratga olish;

- rejalashtirish – og'zaki yoki yozma reja shaklida vaqt va makonda o'z xatti-harakatlarini oldindan o'ylash va mantiqiy muvofiqlashtirish;

- intellektual yoki kognitiv funksiya inson miyasiga sezgi orqali kiradigan tashqi ma'lumotni umumlashtirish asosida amalga oshiriladi;

- tarixiy ijtimoiy tajriba va milliy madaniyatni saqlash funksiyasi;

- emotsional, ekspressiv funksiya og'zaki nutq uchun xarakterlidir, bolalar o'z his-tuyg'ulari va his-tuyg'ularini turli xil, nutqsiz aloqa vositalaridan foydalangan holda ifodalaydi.

- kommunikativ funksiya odam biron narsani chaqiradi nominativ va emotsional hissiyotlarini ifodalaydi;

- kognitiv funksiyasi, o'z xohish-istaklarini yoki talablarini bildirish va tartibga solishdir.

Bolalarning gapirish fazilatlarini sifatiga qo'yiladigan yuqori talablar, avvalo, kommunikativ funksiya buzilmasligi kerakligi bilan belgilanadi. Aks holda, noto'g'ri tushunilgan ma'lumotni noto'g'ri tushunish yoki noto'g'ri talqin qilish noto'g'ri xulosa chiqarishga olib keladi.

Bolalar orasida kamdan-kam holatlarda bo'lsa ham tushunish uchun tinglovchiga qiziq bo'lmagan, aloqa uchun yoqimsiz bo'lgan salbiy fazilatlar ham ko'p holatlarda ko'zga tashlanadi:

- haddan tashqari qisqalik yoki haddan tashqari kenglik;

- qarama-qarshi iboralar ishlatilishi, og'zaki yoki yozma matnning noto'g'ri tuzilganligi;

- vulgarizmlar, parazit so'zlar, tinglovchining nutqni ilmiy va qat'iy qilish uchun keraksiz yoki tushunarsiz atamallari;

- ifodasiz intonatsiya, bir xillik, noto'g'ri tanlangan nutq tempi [2, 85-89].

Bolalarning suhbatdoshiga ijobiy munosabati, uning pozitsiyasiga va muhokama qilinayotgan muammolarga nisbatan hurmati, nutqning kayfiyati va sabr-toqatli munosabatni namoyish etish kabi pozitiv-kommunikativ fazilatlar bolalardagi umumiy madaniy darajani ko'rsatadi, u bilan muloqot qilish istagini keltirib chiqaradi. Bolalar nutqining kommunikativ-pozitiv shakllanishi yuqorida keltirilgan fikirlarga bog'liq asnodan rivojlanadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Z.T.Rajamurodov, B.M.Bozorov, A.I.Rajabov, D.G'.Hayitov, G.M.Ro'zmatova "Yosh fiziologiyasi va gigiyenasi", darslik. – T.: "Tafakkur bo'stoni", 2013. – 399 b.
2. Q.Sodiqov, S.X.Aripov, G.A.Shaxmurova "Yosh fiziologiyasi va gigiyenasi", darslik. – T.: "Yangi asr avlodi", 2009. – 310 b.
5. B.M. Umarov "Psixologiya", darslik. – T.: "Voriz-nahriyoti", 2012. – 271 b.
6. P.I.Ivanov, M.E.Zufarova. "Umumiy psixologiya", darslik. – T.: "O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati", 2008. – 479 b.
7. J.Hasanboyeva, X.A.To'raqulov, I.Sh.Alqarov, N.O'.Usmanov "Pedagogika", darslik. – T.: "Noshir", 2020. – 399 b.
8. R.Mavlonova, N.Raxmonqulova, K.Matnazarova, M.Shirinova, S.Hafizov "Umumiy pedagogika", darslik. – T.: "Fan va texnologiya", 2018. – 526 b.

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯГА БЎЛГАН ҚИЗИҚИШЛАРИНИ АНИҚЛАШ МЕТОДИКАСИ

Тождин Зайниддинов,
Низомий номидаги ТДПУнинг
Жисмоний тарбия ва спорт кафедраси доценти

Аннотация

Ушбу мақолада умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг жисмоний тарбия ва спортга бўлган қизиқишларни аниқлаш методикасига оид тавсиялар тажрибалар баён этилган.

Калим сўзлар: Жисмоний маданият, таълим, ўқитувчи, ўқувчи, мактаб, спорт, жисмоний тарбия, соғлом турмуш, қизиқиш, методика

Аннотация

Вданной статье описываются эксперименты по методике определения интересов учащихся общеобразовательных школ к физическому воспитанию и спорту.

Ключевые слова: Физическая культура, образование, учитель, ученик, школа, спорт, физическое воспитание, здоровый образ жизни, интерес, методика.

Abstract

This article describes experiments on the methodology of determining the interests of secondary school students in physical education and sports.

Keywords: Physical culture, education, teacher, student, school, sport, physical education, healthy lifestyle, interest, methodology.

Республикада охириги йилларда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, имкониятлари чекланган шахсларнинг жисмоний реабилитацияси учун зарур шарт-шароитлар яратиш ҳамда мамлакатнинг халқаро спорт майдонларида муносиб иштирок этишини таъминлаш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида аҳоли соғлиғини мустаҳкамлашга кўмаклашадиган аниқ дастурларни амалиётга жорий этиш, ёшларни спортга кенг жалб қилиш ва улар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш, спорт турлари бўйича юқори натижаларни таъминлайдиган маҳоратли спортчилар билан миллий терма жамоаларни шакллантириш ва тренерлар учун кўшимча шарт-шароитлар яратиш заруратидан келиб чиқиб, спортни янада оммалаштириш бўйича Президент фармони қабул қилинди [1, 8].

Ушбу фармонда, қуйидаги вазирликларга маъсулиятли вазифалар бажарига розилик бериш вазифаси қўйилган, яъни Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлигининг 2020 йил 1 февралдан бошлаб спорт соҳасидаги ютуқларни муносиб равишда рағбатлантириш:

“Болалар спорт ўйинлари”нинг жамоавий ўйин турлари бўйича республика босқичи:

Ғолибларига (1-ўрин) олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида соҳа бўйича мутахассислик фанидан максимал балл олиш ҳуқуқини берувчи, уч йил муддат давомида амал қилувчи сертификат тақдим қилиш;

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган жисмоний тарбия фан олимпиадасининг ғолиб ва совриндорларини (1-3 ўрин) тайёрлаган жисмоний тарбия фани ўқитувчилари ва спорт таълим муассасаларининг тренерлари малака аттестациясига жалб этилмасдан, уларга:

Туман (шаҳар) босқичи ғолиб ва совриндорларини (1-3 ўрин) тайёрлагани учун – иккинчи малака тоифасини;

Вилоят босқичи ғолиб ва совриндорларини (1-3 ўрин) тайёрлагани учун – биринчи малака тоифасини;

Республика ва халқаро мусобақалар ғолиб ва совриндорларини (1-3 ўрин) тайёрлагани учун – олий малака тоифасини тўғридан-тўғри бериш;

Ушбу фармонда кўрсатилган вазифалар халқ таълими тизимдаги умумий ўрта таълим мактабларига ҳам маъсулиятли вазифани юклайди. Ҳозирги даврда спортчи шахсига нисбатан эътибор ва талаблар мажмуида болалар спортидаги иқтидор ва малакаларни саралаш назариясининг юзага чиқаришга алоҳида урғу берилмоқда. Болаларни спортга саралаш назариясининг бошланиш даври 60-йиллар ўрталарида Россия ва чет мамлакатларда бошланганлигига қарама-масдан бугунги кунда энг долзарб муаммолар каторида ўрин олган [2, 326].

Иқтидорли болаларни спортга саралаш муаммолари доимий изланиши орқали мукамаллаштириш ва давомий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади Спорт мактабларига болаларни саралаш, бўлажак натижаларни прогнозлаштириш методларининг илмий асосланганлиги, болалар спортидан бошлаб юқори натижалар спорти-

га қадар муҳим ва ажралмас босқич саналади [3, 215].

Болаларнинг спортдаги бошланғич натижаларидан қониқиш ҳисси – спорт турини тўғри танланганлиги билан тўғри пропорционалдир. Шунинг учун спорт турини тўғри танлаш қайта-қайта синаш орқали эмас, балки ўқитувчи, спорт мураббийлари каби мутахассислар ва кенг жамоатчилик томонидан бошқариладиган жараёндир. Болаларни саралаш ва спорт ориентация масаларида “спортграмма” орқали амалга оширилади (алоҳидаспорт турининг организмга кўрсатадиган таълаблари, иқтидор ва қобилият).

Қобилият-белгиланган фаолиятга нисбатан шартли эҳтиёж, фаолият билан боғлиқ вазифалар учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларни тез эгаллаш натижасидаги самарадорликдир.

Спорт иқтидори-организмнинг анатомио-физиологик хусусиятлари бўйича жисмоний ҳаракатни осон бажара олиш орқали самарадорликка эришиш йўлида фаолиятга йўналтирилган қобилиятлар бирикмасидир. Спорт ариентацияси-инсоннинг маълум бир спорт тури билан шуғулланишига йўналтирилган, унинг қизиқиши, бўлажак спорт машғулотларидан қониқишини прогнозлаштириш каби тадбирлар тизимидир.

Аксарият спорт мактабларида, айнан бошланғич спорт тайёргарлиги гуруҳларида 10-20 фоизгача ўқувчилар кўнимсизлиги аниқланди. Паст самарадорлик сабаблари сифатида ўқув-машғулот жараёнининг ташкилланишидаги баъзи йўл қўйилган хатолар ва умуман тарбиявий, тарғибот ишларнинг сустлиги кузатилди.

Спорт мураббийларнинг фикрларича айрим сабабларга кўра спорт фаолиятларини тўхтатган ўқувчиларнинг аксарият қисми ўзининг башланғич спорт ихтисислигида юқори натижаларга эришиши мумкинлиги эътироф этилди. Сподан нерационал кетиб қолишлар сабабини ўқув-машғулот жараёни ва тарбиявий ишларда қўлланиладиган восита ва методлардан қидириш лозим. Бундан ташқари спорт мактабларидан эрта кетиб қолишга сабаб мураббий-ўқувчиларнинг касбий маҳоратидаги нуқсонлар ҳам эҳтимолликдан холи эмас.

Спорт мактабларнинг боланғич спорт тайёргарлиги гуруҳида (кураш мисолида) маълум муддат шуғулланган ва кейинчалик кетиб қолган ўқувчилар орасида ($n = 20$) ўтказилган сўров натижасига кўра 100% яқдиллик билан шуғулланиш истаги, мураббий томонидан эътибор ва гуруҳда жамоавий ишлашга бўлган ижобий муносабатлари аниқланиши билан бир қаторда асосий сабаб сифатида мусобақаларда қатнашиш истаги йўқлиги 25% ни (9-10 ёш) ташкил этди.

Умумтаълиммактабларнинг бошланғич (1-4 синф) мактаб ёшдаги болалар ўзларининг хош-истакларини имкониятларини объектив баҳолашга қодир эмасликлари ҳам аниқланди, яъни уларнинг асосий қизиқиш сабаблари чемпион бўлишликни ($n=78\%$) ташкил эта-

ди. Бундан ташқари, ўқувчиларспорт таълимининг боланғич этапларида жамоавий ишлар, мусобақа, баҳслашувларнинг айрим элементлари, яъни жамоавий фаолиятни баҳолашга қаратилганлиги уларга кўпроқ маъқул келади. Айнан 9-10 ёшдаги ўқувчилар билан ишлашда индивидуалликка хос иш юритиш маълуммаънода ўзини оқламайди, чунки бу ёшда асосий мотив сифатида ўз тенгдошлари ва ўқитувчи билан биргаликда жамоавий муносабатлар хусусияти устунлиги жиҳатидан ажралиб туради [4, 262].

Ўқувчиларнинг томонидан бошланғич спорт ихтисислигини танлаш, спорт машғулотларида кўникмаларни аста-секинликда мустақамланиши вазифалари самарадорлигини таъминлашда ота-оналарнинг муносабатлари ҳам муҳим омил саналади. Бошланғич спорт тайёргарлиги босқичида салбий узилиш ҳолатлари кузатилган ўқувчиларнинг ота-оналари, спортнинг шахс ривожига, организмга ва кундалик ҳаёт тарзига таъсири, аҳамияти тўғрисида тизимли маълумотга эга эмаслар. Энг ноҳуш вазиятлардан бири оилавий қудалик турмуш вазифаларнинг фарзандларимиз истикболидан кўра аҳамиятлироқ деб билишимиз. Таълим муассасаларда, кенг жамоатчилик орасида спорт фаолиятига доир махсус билимларни оммалаштириш, болалар қизиқишларини шакллантиришга йўналтирилган ишлар асосини тарғибот ташвиқот тадбирлар ташкил топади. Амалиётда асосан жисмоний тарбиядарслари жараёнида қисқа назарий билимлар бериш орқали, синфдан ташқари ишлашда, мусобақаларда амалга оширилади (якка тартибда маслаҳат ва кўрсатмалар).

Педагогик кузатишлар натижасида муҳим жараённинг тизимсизлиги узлуксизлиги ва энг асосий илмийасосланмаган шакл ва методлар қўлланилишидаги самарасизлик оқибатида аксарият бошланғич синф ўқувчиларида спортга бўлган қизиқиш, интилишларини тушунтира олмадилар. Яъни сўров натижаларида 77 нафар бошланғич синф ўқувчиларидан фақат 22% спортга бўлган муносабатларни мустақил изоҳлаб берадилар. Умумтаълим мактабларининг биринчи синфдан бошлаб жисмоний тарбия дарс жараёнида болаларни спортга саралаш йўлланма бериш учун қуйидаги тартибдаги такомиллаштирилган механизмитавсия этилади.

1. Умумтаълим мактаб, турар жой, маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган турли спорт турларига хос тестлар мажмуасида 1-4 синф ўқувчилари қобилиятларини индивидуал равишда аниқлаш.

2. Яқин атрофдаги спорт тўғарақлари ҳақида батафсил маълумотларни ота-оналарга етказиши.

3. Жисмоний тарбия таълим мазмунида ўқувчиларни олимпиада спорт турлари билан таништириш.

4. 6-10 ёш хусусиятларида жисмоний қобилиятларнинг табиий динамикасида намоён бўладиган

сензетив даврлага хос жисмоний сифатларнинг ривожланиш хусусиятларини ўрганиш.

5. Спорт турларига хос ҳаракатларнинг техникавий элементларини ҳаракатли ўйинлар воситасида ўзлаштириш.

6. Табиатдан координацион қобилиятлар риожланган иқтидорларни, жисмоний ҳаракат фаоллигига нисбатан индивидуал мойилликни аниқлаш.

7. Ўқувчилар ўртасида турли спорт мусобақаларини ташкил қилиш ҳамда унинг натижаларини мактаб миқёсида таҳлил қилиш.

8. Ҳар бир ўқувчининг психик хусусиятларидан келиб чиқиб, уларни спорт ўйинларига жалб қилишни йўлга қўйиш.

Мактаб амалиётида мавжуд бўлган муаммоларни ўрганиш жараёнида социологик тадқиқот ўтказилди. Тадқиқот мақсадига асосан етук спортчиларнинг (2020 йил) йиллар Осиё ўйинлари, олимпиада, совриндорлари, унверсиада қатнашчилари) спортга кириб келиши сабаблари ўрганилди. Респондентлар сони $n = 47$ спортчиларнинг берган жавоблари таҳлилида:

- жисмоний тарбия ўқитувчилари 60%; ота-оналарлари 18%; ўртоқлари 12%; яқин кишилари 7%; мустақил 3% етук спортчиларнинг спорт турини танлашдаги сабаб, оқибатлар ўрганилади.

Демак, жисмоний тарбия ўқитувчилари бу вазифаларни ечишга қодир бўлган етакчи таълим субъекти сифатида намоён бўляпти. Масалага ўзгача ёндашадиган бўлсак, ўқитувчи фаолияти билан боғлиқ жисмо-

ний маданият таълим тизими самарадорлиги ва ўқувчиларнинг ота-оналари, ўртоқлари, яқин кишилари, мустақил имкониятлари орасида ижобий боғлиқлик

Ўсиб келаётган ёш авлод жисмоний тарбияси ва спортда инновацион технологиялар (тўғри пропорционал) мавжудлиги спортга саралаш фаолиятининг теологик жараёнига методологик ёндашув масалалари вужудга келиши кузатилади. Педагогик кузатишлар давомида бошланғич синф ўқувчиларининг спорт билан шуғулланиши истикболлари (мотивация) ўрганилди (спортга бўлган муносабатлари). Олинган жавоблар моҳиятига кўра, икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Спорт фаолияти мотивациясига бевосита алоқадор:

- чиройли, эстетик ҳаракатлардан қониқиш ҳисси;
- ўзгарувчан вазиятларда ўзини бошқара олиши;
- имкониятини кўрсата олиш орқали атрофдагилар эътиборини қозониш;
- номдор спортчиларга тақлид қилиш.

2. Спорт фаолияти мотивациясига билвосита алоқадор:

- чиройли кучли соғлом бўлиш;
- ота-оналар хошишига кўра.

Хулоса шуки, жисмоний маданият таълим мазмунида ДТС талаблари қаторида ўқувчи истакларини, қизиқишларини шакллантириш вазифаларини ҳал қилишда тизимли методикаларни ишлаб чиқиш соғлом турмуш гарови эканлигини даврнинг ўзи кўрсатиб бермоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони 2020 йил 24 январь. <https://minsport.uz/post/view/2793>.
2. Гаппаров З.Г. Спорт психологияси. – Т.: “Меҳригиё” МЧЖ, 2011. – 326 б.
3. Быков Б.А. Прогнозирование двигательных способностей и основа ранней ориентаций в спорте: Учебно-метод. пособие. – М., 2007. – 215 с.
4. Орипова Н.М. Спорт талантини эрта аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари. Ўсиб келаётган ёш авлод жисмоний тарбияси ва спортда инновацион технологиялар: Халқаро иштрокчилар ҳамкорлигида республика илмий-амалий анжумани. – Бухоро, 2019. – 262 б.

BOLALARNI MAKTAB TA'LIMIGA TAYYORLASH SHAKLLARI VA METODLARI

Nazira Abduqodirova,

Jizzax davlat pedagogika universiteti katta o'qituvchisi

Annotatsiya

O'zbekiston Respublikasining maktabgacha ta'lim konsepsiyasida ham belgilangan bosh maqsad va vazifalar maktabgacha ta'lim tashkilotlari uchun yozilgan yangi dasturlar mazmunini amalga oshirishga qadar aniqlana boradi. Ushbu maqolada bolalarni maktab ta'limiga tayyorlash shakllari va metodlari haqida so'z yuritilgan. Maqoladan olingan xulosalarni oliy ta'lim muassasalarida bo'lajak musiqa o'qituvchilarini o'qitishda foydalanish mumkin.

Kalit so'zlar: musiqiy-badiiy tarbiya, jismoniy tarbiya, psixologik xususiyatlar, etnopsixologik xususiyatlar.

Аннотация

Главные цели и задачи, обозначенные в концепции дошкольного образования Республики Узбекистан, будут определяться вплоть до реализации содержания новых программ, написанных для дошкольных образовательных организаций. В данной статье рассматриваются формы и методы подготовки детей к школьному обучению. Выводы из статьи могут быть использованы при обучении будущих учителей музыки в высших учебных заведениях.

Ключевые слова: музыкально-художественное воспитание, физкультура, психологические особенности, этнопсихологические особенности.

Annotation

The main goals and objectives set in the concept of preschool education of the Republic of Uzbekistan will be determined until the implementation of the content of new programs written for preschool educational organizations. This article discusses the forms and methods of preparing children for school taste. The conclusions drawn from the article can be used to teach future music teachers in higher educational institutions.

Keywords: musical-artistic education, physical education, psychological characteristics, ethnopsychological characteristics.

Maktabgacha ta'lim tashkilotidagi bolaning o'sishida psixologik va etnopsixologik xususiyatlarga asoslanib, ta'lim-tarbiya tizimida odob estetik, musiqiy-badiiy, jismoniy tarbiyani birinchi uringa chiqarish, gramatikani bu qadar majburiy o'rgatmaslik lozim bo'ladi. Shunday yo'l bilan maqsad asosida vazifa va usullar belgilanadi va rivojlantiriladi. Shuni ta'kidlash zarurki, davlatimiz mustaqillikka erishgandan so'ng barcha sohalarda tub islohotlarni olib bordi. Xususan, ta'lim sohasida tub islohotlar amalga oshirildi. "Ta'lim to'g'risida"gi Qonun va ta'lim sohasidagi boshqa qonunlar buning yaqqol dalilidir. Bulardan kuzlangan maqsad yoki davlatimizga kerakli bo'lgan yetuk, har tomonlama kamol topgan barkamol shaxsni tarbiyalash va ularni jamiyatda o'z o'rnini topishga imkoniyatlar yaratib berishdan iborat qilib qo'yilgan. Albatta, bu xayrli ishlar ta'lim-tarbiyani birinchi bugini bo'lgan oila, maktabgacha ta'lim tashkilotidan olib borish maqsadga muvofiqdir, deb ko'rsatib o'tilgan. Shunday ekan, biz, birinchi navbatda, maktabgacha ta'lim tizimiga e'tibor berishimiz, ularni yetuk malakali mutaxassislar bilan boyitishimiz zarurdir. Tarbiyalanayotgan bolalarni har tomonlama bilimli odobaxloqli qilib tarbiyalash bizning oliy maqsadimizdir. Maktabgacha yoshdagi bolalarga ta'lim-tarbiya berishning asosiy maqsad va vazifalari bolalarni jismoniy va aqliy jihatdan rivojlantirish, ularning ruhiyat, shaxsiy qobiliyatlari, intilish va ehtiyojlarini qondirish, milliy va umuminsoniy qadriyatlarga, mustaqillik g'oyalari sodiq holda voyaga etib borishni ta'minlash, ularni maktabgacha yoshdagi bola-

lar ta'lim-tarbiyasiga qo'yilgan davlat talablariga muvofiq maktab ta'limiga tayyorlashdan iborat. Maktabgacha yoshdagi bolalarni rivojlantirish jarayoni oldiga qo'yilgan maqsad va vazifalarning bajarilishiga erishish "Ilk qadam" davlat o'quv dasturi asosida amalga oshiriladi.

Har bir oila barkamol avlodni tarbiyalash uchun qayg'u-rishi lozim. Shu bois "Ta'lim to'g'risida"gi Qonunda mamlakatning ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotini ta'minlashning asosiy omili bo'lgan kadrlarni tayyorlash borasidagi eng zarur tadbirlar tizimi belgilab berildi. Sog'lom avlodni tarbiyalash davlat va jamiyatning ustuvor yo'nalishidir.

Inson, uning har tomonlama uyg'un kamol topishi va farovonligi, shaxs manfaatlarini ro'yobga chiqarishning sharoitlarini va ta'sirchan mexanizmlarini yaratish, eskirgan tafakkur va ijtimoiy xulq-atvorning andozalarini o'zgartirish respublikada amalga oshirilayotgan islohotlarning asosiy maqsadi va harakatlantiruvchi kuchidir. Xalqning boy intellektual merosi va umumbashariy qadriyatlar asosida, zamonaviy madaniyat, iqtisodiyot, fan-texnika va texnologiyalarning yutuqlari asosida kadrlar tayyorlashning mukammal tizimini shakllantirish O'zbekiston taraqqiyotining muhim shartidir.

Maktabgacha ta'lim bola sog'lom, har tomonlama kamol topib shakllanishni ta'minlaydi, unda o'qishga intilish hissini uyg'otadi, uni muntazam ta'lim olishga tayyorladi. Maktabgacha ta'lim, bola 6-7 yoshga yetguncha oilada, hamda davlat va nodavlat (davlatga qarashli bo'lmagan) maktabgacha ta'lim tashkilotlarida amalga oshiriladi.

Maktabgacha ta'limning asosiy vazifalari quyidagilar deb belgilanadi:

- bolalarni xalqning boy milliy, madaniy tarixiy merosi va umumbashariy qadriyatlar asosida aqliy va ma'naviy-axloqiy jihatdan tarbiyalash;

- bolalarda milliy g'urur, vatanparvarlik hislarini shakllantirish;

- maktabgacha yoshdagi bolalarda bilim olish ehtiyojini, o'qishga intilish mayllarini shakllantirib, ularni muntazam ravishdagi ta'lim jarayoniga tayyorlash;

- bolalarning tafakkurini rivojlantirish, o'zining fikrini mustaqil va erkin ifodalash malakalarini shakllantirish.

- bolalarning jismoniy va ruhiy sog'ligini ta'minlash kabilarni o'z oldiga maqsad qilib belgilaydi.

Maktabgacha ta'lim tashkilotlarining yasli va maktabgacha ta'lim yoshdagi bolalar guruhlariga bir xil yoshdagi, shuningdek turli yoshdagi bolalar qabul qilinishi mumkin.

Guruhlardagi bolalar soni quyidagicha belgilanadi:

- 3 yoshdan 4-5 yoshgacha – 20-25 ta.

- 5-6 yoshdan 6-7 yoshgacha – 25-30 ta.

Maktabgacha ta'lim tashkilotlari lari hududlarining demografik, ijtimoiy-iqtisodiy va boshqa xususiyatlarini hisobga olgan holda tashkil etiladi, MTTlarini tashkil etish va tugatish Qonunga muvofiq ravishda amalga oshiriladi.

Maktabgacha ta'lim tashkilotlari lari ularning yo'nalishlariga ko'ra quyidagi turlarga bo'linadi:

- davlat maktabgacha ta'lim tashkilotlari;

- nodavlat maktabgacha ta'lim tashkilotlari;

- qo'shma tipdagi maktabgacha ta'lim tashkilotlari;

- ko'p tarmoqli ixtisoslashtirilgan maktabgacha ta'lim tashkilotlari.

Maktabgacha ta'lim tashkilotlari turlari ota-onalar tomonidan tanlanadi. Maktabgacha ta'lim tashkilotlariga bolalarni qabul qilish tartibi, ularni bir muassasadan ikkinchisiga ko'chirish, muassasadan chiqarish davlat muassasalarida Maktabgacha ta'lim vazirligi tomonidan belgilangan tartibda, davlatga qarashli bo'lmagan Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida esa tashkilotning Ustavi bilan belgilanadi.

Aqliy va jismoniy rivojlanishda kamchiliklari mavjud bo'lgan bolalar uchun maxsus Maktabgacha ta'lim tashkilotlari yoki guruhlar tashkil etish ham "Maktabgacha ta'lim tashkilotlari to'grisida"gi Nizomda ko'rsatib o'tilgan.

Har bir sohada bo'lganidek, Maktabgacha ta'lim tashkilotlari tizimida ham Maktabgacha ta'lim tashkilotlariga tegishli ma'lumotga, kasb tayyorgarligiga hamda yuksak axloqiy fazilatlariga ega bo'lgan shaxslar pedagogik faoliyat bilan shug'ullanish huquqiga egadirlar. Ta'limni boshqarish bo'yicha vaqolati davlat organlari tomonidan pedagogik kadrlarni tayyorlash, qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish, kasb sifatini raqobatbardoshlik darajada saqlab turish ta'minlanadi.

Maktabgacha ta'lim tashkilotlari pedagogik kadrlarning o'quv pedagogik vazifasi maktabgacha ta'lim tas-

hkiotlari turiga davlat talablaridan kelib chiqqan holda, Maktabgacha ta'lim vazirligi tomonidan belgilanadi. Ilg'or pedagogik va axborot texnologiyalarni, mutaxassislar tomonidan tavsiya etilgan yangi dasturlar, metodik qo'llanmalar, didaktik materiallarni joriy etish uchun shart-sharoitlarni ta'minlaydi.

Pedagogik kadrlarning o'zaro munosabatlari hamkorlik, demokratiya, hurmat, shaxsning o'z qadr-qimmatini bilishni e'tirof pedagogikasi asosida ko'riladi.

Maktabgacha yoshdagi bolalar ta'lim-tarbiyasiga qo'yiladigan davlat talablariga tayangan holda maktabgacha yoshdagi bolalarga integral tarzda ta'lim-tarbiya berish maqsadida tayanch dasturlari takdim etilmoqda. Bu tayanch dasturlari bugungi kunda maktabgacha ta'lim-tarbiya muassasalariga jalb etilmagan 3 milliondan ortiq bolani ham rivojlantirish va yagona davlat talablari asosida maktabga tayyorlash imkonini beradi. Ta'lim-tarbiya jarayoni yakunida mustaqil fikrlaydigan, erkin, bilimli, bir suz bilan aytganda barkamol shaxsni voyaga etkazish asosiy maqsad qilib belgilandi. Bu uzluksiz ta'lim tizimining ilk turi – maktabgacha ta'limga o'ziga xos yondashuvni talab etar edi [2, 72].

Bola dunyoga kelgan kundan boshlab, davlat va jamiyat hamda ota-ona zimmasiga uni sog'lom, aqlli, xush xulqli qilib tarbiyalash vazifasi quyildi.

Bolalarda aqliy faoliyatni dastlab muomala orqali, so'ng ta'limiy faoliyatlar, o'yinlar va boshqa faoliyatlar orqali amalga oshirildi. Bola har doim buyumlar, hodisalar orasida bo'ladi. Doimo biror narsa bilan tanishadi, nimanidir bilib oladi, ushlab kuradi, nimagadir quloq soladi, shu tarzda bola dunyoni anglaydi. Tevarak-atrof buyum va narsalar bolalarining sezgi organlariga, analizatorlarga ta'sir etadi va sezgi hosil bo'ladi. Sezgi bolalarda ayrim xossalarni bilib olishga yordam beradi. Bolada aqliy malaka va ko'nikmalarni rivojlantirish, eng oddiy faoliyat usullari predmetlarini tekshirish, ulardagi muhim va muhim bo'lmagan belgilarni ajratib ko'rsatish boshqa predmetlar bilan taqqoslash maktabgacha ta'lim yoshidagi bolalarda aqliy tarbiya berish vazifalaridan biridir [2, 70].

Bu ko'nikma, malakalar bilish faoliyatining tarkibiy qismlarga bo'lib, bola bilimlarni chuqur egallab olishga yordam beradi.

Pedagogika, psixologiya fani aqliy tarbiya vazifalarini samarali hal etish, birinchi navbatda, bolaning imkoniyatlarini to'g'ri foydalanishni, ikkinchi tomondan bola organizmining charchashiga sabab bo'ladigan ortiqcha zo'riqish bo'lmasligi kerak, degan fikrni ilgari suradi. To'g'ri tashkil etilgan faoliyat jarayonidagina to'laqonli aqliy rivojlanish ro'y beradi. Shu sababli pedagoglarning vazifasi muayyan maqsadni ko'zlab, tarbiyaviy ta'sir ko'rsatish uchun kerakli sharoitni yaratish bolalarda aqliy faoliyatni dastlab muomala orqali so'ng ta'limiy faoliyatlari va boshqa faoliyatlar orqali amalga oshiriladi. Bolalarni maktab ta'limiga tayyorlashda aqliy tarbiyaning roli kattadir. Bolani bilim-

larini egallab olishlari, ularni aqliy faolligini rivojlantirish, aqliy malaka va ko'nikmalarini egallab olishlari, ularning maktabda muvaffaqiyatli o'qishlari uchun, bo'lajak mehnat faoliyatiga tayyorlanishda manba bo'lib xizmat qiladi. Maktabgacha ta'lim yoshidagi bolalarni aqliy tarbiyalashning asosiy vazifalari quyidagilar [3, 18]:

1. Bolalarda tabiat va jamiyat to'g'risidagi bilimlar tizimini ilmiy dunoqarashini shakllantirish. Bola tevarak-atrofdagi narsalar, ularning vazifasi, sifati, xossalari haqida, qaysi materiallardan foydalanganligi, tayyorlanganligi to'g'risida aniq tasavvurga ega bo'lishi kerak.

2. Bilishga doir ruhiy jarayonlarni rivojlantirish: sezgi, idrok, xotira, xayol, tafakkur, nutq va boshqalar. Bilimga doir nutqni rivojlantirish aqliy tarbiyaning erkin vazifasidir.

3. Bilishga qiziqish va aqliy qobiliyatlarni, aqliy mehnat madaniyatini rivojlantirish. Aqliy tarbiyaning vazifasi bolalar qiziquvchanligini ular aqlning sinchkovligini rivojlantirish va shu asosida bilishga qiziqish hosil qilishdan iborat.

4. Aqliy malaka va ko'nikmalarni rivojlantirish, ya'ni oddiy faoliyat usullari, predmetlarni tekshirish, ulardagi muhim va muhim bo'lmagan belgilarni ajratib ko'rsatish boshqa predmetlar bilan taqqoslash maktabgacha yoshdagi bolalarga aqliy tarbiya berish vazifalaridan biridir.

O'simlik va hayvonlar bilan tanishish bo'yicha tizimli mashg'ulotlar olib borilgandan keyin bolalar o'simlik, yosh hayvonlar to'g'risidagi ma'lum bir tasavvurga ega bo'ladilar. So'ngra bolalardagi aqliy ko'nikma, malakalarni rivojlantirish maqsadida tarbiyachi bolalar bilan o'yinli ta'lim faoliyatini o'tkazishni rejalashtirish mumkin. Bular quyidagilar:

“Sen ta'rifla, men topaman”

Didaktik vazifa: Kattalarning savollariga narsaning xarakterli belgisini ajratib va nomini aytib javob berish.

O'yin harakati: Kattalarga topishmoqni aytish.

O'yin qoidasi: Ta'riflanayotgan narsaning nomini aytish mumkin emas.

Tarbiyachining savollariga aniq va to'g'ri javob berish.

Jihozlash: Sabzavot va mevalarni stol ustiga qo'yiladi. Tarbiyachi stulini o'simliklar ko'rinmaydigan qilib qo'yiladi.

O'yinning borishi: Tarbiyachi bolalarga stol ustidagi sabzavotlardan bittasini tanlang. Men sizdan uning qandayligini surayman. Siz javob berasiz. Faqat uning nomini aytmang. Sizlarning javoblaringizdan men uni topishga harakat qilaman. Keyin tartib bilan tarbiyachi savol beradi: “Shakli qanday?”, “Hamma tomoni shardek dumaloqmi?”, “Chuqurchasi bormi?”, “Rangi qanday?” va boshqalar.

Bolalar savollarga to'la javob berishadi. Bolalar narsaning xarakterli belgilari haqida gapirib berganlaridan keyin tarbiyachi topishmoqni topadi.

Ta'limiy faoliyatda, o'yinda, tabiat burchagida va maydonchadagi mehnatda, ekskursiya va sayr vaqtida

tarbiyachi bolalarga atrofdagi olamning turli-tumanligini, chiroyini ko'rsatadi, o'simlikning turli xususiyatlari, sifatlari bilan tanishtiradi, o'simlik va hayvonot olami haqida elementar tushunchani shakllantiradi. Tarbiyachining hikoyasidan faolroq o'zlashtirib olishga bolalarning jozibali munosabati imkon beradi. Ta'limiy faoliyatlarda, didaktik o'yinlarda qo'yilgan vazifani hal etishda bola buyum va hodisalarning ayrim xususiyatlarini ajratishga, solishtirishga, umumiy xususiyatlarga, belgilariga qarab guruhlarga ajratishga, klassifikatsiya etishga o'rganadilar. Bolalar fikr yuritishga, xulosalar chiqarishga o'rganadi, bolalar diqqati, xotirasi va ixtiyoriy idroki rivojlanadi. Ta'limiy faoliyatni, o'yin vazifasini hal etishda bola o'zining xatti-harakatini tushuntiradi. Bu esa nutqining o'sishiga yordam beradi. Ta'limiy faoliyatlar, didaktik o'yinlar davomida turli maktabgacha yoshdagi bolalar ko'p marotaba takrorlash orqali bolalar bog'chasining ta'lim-tarbiya dasturiga xos bilimlar majmuini uzlashtiradilar. Tabiiy materiallar bilan uynaladigan o'yinlarni tanlash-tirishda tarbiyachi o'yinning mazmuni atrof muhitdagi tabiatdagi o'zgarishlarga mosligini unutmazligi lozim [1].

Masalan: “Urug' sotib olish” o'yini bahorda, “Hosil yigishtirish” esa yoz yoki kuzda o'tkazilishi kerak. Tarbiyachining o'zi ham ta'limiy faoliyat, o'yinning turlicha variantlarini o'ylashi mumkin: o'yinga, ta'limiy faoliyatlarga qo'shimcha vazifa, yangi rol, bolalarning atrofdagi tabiat haqidagi bilimlarini boyitishga va boshqalar. Ba'zi bir xil didaktik o'yinni turli variantda, turli yoshdagi bolalar uchun tavsiya etiladi. O'yinlar o'simliklar, hayvonlar yoki boshqa predmetlarning soni oshishi, turlicha qoida va o'yin harakatlarining oshishi hisobiga murakkablashadi. Masalan: paypaslab bilish uchun sabzi, bodring, olma va boshqalar olish mumkin, keyinchalik shakli o'xshash bo'lgan meva va sabzavotlarni kiritish mumkin [5, 70].

Xulosa shuki, Maktabgacha ta'lim yoshidagi bolalarga barg, gullar bilan o'ynash ko'pincha guruh xonasini, ovqat stolini bezash, guldasta, barglarni kattalarga, kichik bolalarga sovg'a qilishga xohishlari bilan bog'lanadi. Bunday o'yinlarni, ta'limiy faoliyatni o'tkazishda bolalarni o'simliklarga nisbatan ehtiyotkorlikka, gullarni bekordan-bekorga uzmaslikka o'rgatish lozim. Agar bola olma yoki boshqa predmetlarning shakliga diqqatini qaratgan bo'lsa, unga olmani dumalatib ko'rish, koptokdek silab kurish, uning silliqligini aniqlashni taklif etish lozim. Bolalarda rang, shakl, kattalik tushunchalarini ishlatishga o'rgatish lozim. Xilma-xil tabiat hodisasi olamida bolalarning bevosita kuzatishlari uchun eng tushunarligi o'simlik va uy hayvonlaridir. Maktabgacha ta'lim yoshidagi bolalarni o'simlik va hayvonlar bilan tanishtirish jarayonida bolalarda tabiatga nisbatan muhabbat tarbiyalanadi, hayvonlarni parvarishlashga, o'simliklarni o'stirishga nisbatan istaklari tarbiyalanadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. *O'zbekiston Respublikasining ilk va maktabgacha yoshdagi bolalar rivojlanishiga qo'yiladigan davlat talablari. O'zbekiston Respublikasi Maktabgacha ta'lim vazirining 2018 yil 18 iyundagi 1-mh-son buyrug'iga ilova.* <https://nrm.uz>.
2. *"Ilk qadam" davlat o'quv dasturi. Tuzuvchilar: Grosheva I.V., Yevstafeva L.G., Mahmudova D.T., va boshqalar.* – T., 2018 yil. – 350 b.
3. *Hasanboyeva.O.U. va boshqalar. Maktabgacha ta'lim pedagogikasi.* – T.: Ilm ziyo, 2006. – 300 b.
4. *Mavrulov A. Ma'anaviy barkamol inson tarbiyasi.* – T.: O'zbekiston, 2008. – 250 b.
5. *Khaliqnazarovna, A. N. (2019). FORMATION OF A HEALTHY LIFESTYLE IN THE FAMILY OF PRESCHOOL CHILDREN. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol, 7(12).*

KOOPERATIV TA'LIM ASOSIDA TALABALARDA KREATIV QOBILIYATNI RIVOJLANTIRISHNING HAMQORLIKNI AHAMIYATI

Nabijon Temirov,

Farg'ona davlat universiteti "Pedagogika" kafedrasida professori v.b.,
pedagogika fanlari doktori

Annotatsiya

Yoshlarning uzluksiz ta'limini ta'minlashda kollej-litseylar va oliy o'quv yurtlari o'rtasidagi hamkorlik (kooperativ ta'lim) katta ahamiyatga ega. Ular bir o'quv muhitidan ikkinchisiga o'tishda iloji boricha kamroq stress vaziyatlariga tushishlari lozim. Shundaygina ularda bilimga bo'lgan ishtiyoq so'nmaydi, ta'lim olish darajasi pasaymaydi va samaradorligi oshadi. Shulardan kelib chiqqan holda kooperativ ta'lim asosida talabalarda kreativ qobiliyatni shakllantirish haqida so'z boradi.

Kalit so'zlar: hamkorlik, oliy ta'lim muassasalari, uzluksiz ta'lim tizimi, pedagog, yo'nalish, seminar, ma'ruza, kreativ qobiliyatni rivojlantirish va shakllantirish.

Аннотация

Сотрудничество между колледжами и университетами (совместное обучение) важно для обеспечения непрерывного образования молодых людей. Они должны испытывать как можно меньше стресса при переходе из одной учебной среды в другую. Только тогда их страсть к знаниям не уменьшится, уровень их образования не снизится, а эффективность повысится. Исходя из этого, речь идет о формировании творческих способностей у студентов на основе кооперативного обучения.

Ключевые слова: сотрудничество, высшие учебные заведения, система непрерывного образования, преподаватель, направление, семинар, лекция, развитие и формирование творческих способностей.

Annotation

Cooperation between colleges and universities (cooperative education) is important in ensuring the continuing education of young people. They need to be as less stressed as possible when moving from one learning environment to another. Only then will their passion for knowledge not diminish, their level of education will not decrease, and their efficiency will increase. Based on this, we are talking about the formation of creative abilities in students on the basis of cooperative education.

Keywords: collaboration, higher education institutions, continuing education system, teacher, direction, seminar, lecture, development and formation of creative abilities.

Hamkorlik doirasida ta'lim muassasalari uzluksiz ta'lim tizimini shakllantirish borasida pedagogik-psixologiya, pedagogikaning turli yo'nalishlarini tadqiq etishga qaratilgan hamkorlik loyihalarini yaratish va ularning natijalarini amalga tadqiq etish; tegishli soha, jumladan, pedagogika va psixologiya, ijtimoiy pedagogika sohasidagi muammolar yuzasidan axborot va tahliliy ma'lumotlar bilan almashish; oliy o'quv yurtlaridan kollej-litseylarga amaliyot uchun yuboriladigan talabalarni tanlov asosida saralab olish; hamkorlik asosida tashkil etiladigan seminar, anjuman va davra suhbatlariga professor-o'qituvchilar, aspirantlar va magistr talabalar orqali qo'llab-quvvatlash; amaliyot o'tayotgan talabalarga ilmiy-amaliy tadqiqot ishlari uchun ilmiy va elektron kutubxona manbalaridan foydalanish imkoniyatini yaratish; kollej-litsey o'quvchilarini bo'lg'usi sohasi bo'yicha oliy o'quv yurtida o'qish uchun tayyorlash, ya'ni ta'lim sharoitlari va muhiti bilan tanishtirish va hokazo. Uzluksiz ta'limning barcha bosqichlarida ta'limning o'ziga xos tashkiliy shakllari majud. Jumladan, ikki bosqichli oliy ta'lim tizimida o'ziga xos ta'lim shakllari mavjud, bularga ma'ruzalar, seminar va amaliy mashg'ulotlar, kafedra o'qituvchilarining ochiq ma'ruzalarida qatnashish, ma'ruza matnini tayyorlash va muhokama qilish, o'quv kurslari bo'yicha dasturlar tay-

yorlash ishlari kabilar oliy ta'limning ko'p qirrali yo'nalishlari va shakllaridir. Oliy ta'lim tizimda ma'ruza o'quv jarayonning ham usuli, ham shakli hisoblanib, u talabalariga fan asoslarini og'zaki, uzviy va muntazam singdirishga xizmat qiladi. Ma'ruza tufayli talaba shu fanning mohiyatini tushunib boradi hamda ularni erkin fikrlashga, fan ustida o'ylashga majbur etadi. Shu sababli ma'ruza ilmiy tafakkurni rivojlantirishning o'ziga xos maktabiga aylanaadi. Ma'ruzani shunday o'qish lozimki, uning ta'sirida talabalarda shu fanga uning vazifa va kelajagiga nisbatan turli qarashlar, ilmiy e'tiqod, g'oya va milliy mafkura asoslari shakllansin. Buning uchun o'qituvchi har bir ma'ruzaning mazmuninni fandagi yangiliklar bilan boyitishi va tanlay bilishi lozim. Ma'ruza ijobiy hamkorlikka tayanib tashkil qilingandagina samarali natija beradi. Buning uchun ma'ruza jarayonida ham ta'limiy, ham tarbiyaviy vazifalarni samarali amalga oshirish yo'llaridan biri – o'qituvchi bilan talabalar o'rtasida do'stona, faol munosabatlarni tiklab olishdan iborat. Bundan tashqari, dars va ma'ruzaning samarali natijasi o'quvchi va talabalar o'quv jarayonidagi ruxiy holatlarini qay darajada hisobga olinishiga ham bog'liq. Shunday ekan, ta'limni samarali tashkil etish, uning dars, ma'ruza va boshqa shakllaridan o'qitish jarayonida o'rinni foydalanishlari uchun shubhasiz o'qi-

tuvchining pedagogik mahorati, pedagogik madaniyati, o'z predmetini puxta bilishligi va o'quvchi talabalar bilan umumiy til topa olishligi g'oyat katta ahamiyatga egadir.

Kreativlik so'zi (inglizcha "create" – yaratuvchanlik, ijodkorlik so'zidan olingan) inson shaxsining ijodkorlikka bo'lgan qobiliyati, ijodkorlik iste'dod darajasi, individning an'anaviylik yoki odat tusiga kirgan fikrlash sxemasidan uzoq bo'lgan, prinsipial yangi g'oyalarni yaratishga tayyorlikni xarakterlovchi, shuningdek, muammolarni o'zgacha tarzda bartaraf etish, iqtidorning mustaqil faktori sifatida qabul qilingan ijodiy qobiliyatlaridir.

Amerikalik olim D.Veksler: "Kreativlik fikrning shunday turiki, u shaxsga bir muammo yoki masala yuzasidan birdaniga bir nechta yechimlar paydo bo'lishini taqozo etadi va shablonli, zerikarli fikrlashdan farq qilib, narsa va hodisalar mohiyatidagi o'ziga xoslik, noyoblik sifatlarini anglashga yordam beradi", – deb ta'rif beradi.

Kreativ shaxs bo'lish, bizning misolimizda esa kreativ o'quvchi bo'lish – bugungi dunyoda afzalliklarga ega bo'lish, masalan, boshqa o'quvchilar ichida ajralib turish, boshqalarga qaraganda qiziq suhbatdosh bo'lish, hayotda uchraydigan qiyinchiliklardan noodatiy tarzda chiqib ketish demakdir [1, 58].

Har bir o'quvchidagi kreativlikning rivojlanishi individual hisoblanadi. Kreativlik rivojlanishining sistemalik faktori ta'limning ijtimoiylashuvi bo'lib hisoblanadi. Kreativlikning dastlabki ko'rinishlari har bir insonga xos. Biroq, u o'sayotgan, tarbiyalanayotgan, ta'lim olayotgan muhitdagi turli xil ta'qiqqlar, sotsial shablonlar ijodiy faoliyatning blokirovkasi (yopilishi)ga olib keladi. O'quvchida kreativlikning rivojlanishi uchun psixologik bosimlardan ozod qilib, ijobiy turtki berish lozim.

"Kooperativ" so'zi ikkita lotincha "co", "birgalikda" va "opus" – "ish" so'zlaridan kelib chiqqan. Shu sababli, kooperativlar nima degan savolga javob berar ekan, xalqaro miqyosda soddalashtirilgan variantida umum e'tirof etilgan ta'rif qo'shma harakat, hamkorlik deb tarjima qilinadi. Kooperativ ta'lim – bu kichik guruh talabalariga umumiy topshiriq bo'yicha birgalikda ishlashga imkon beradigan o'quv strategiyasidir. Parametrlar tez-tez o'zgarib turadi, chunki o'quvchilar matematikadan oddiy muammolarga qadar, masalan, milliy miqyosda ekologik yechimlarni taklif qilish kabi turli xil muammolar bo'yicha birgalikda ishlashlari mumkin. Talabalar ba'zan topshiriqdagi qismi yoki roli uchun shaxsan javobgardirlar, ba'zan esa ular butun guruh sifatida javobgar bo'ladilar. Kasb ta'limi fanlarini o'qitishda muvaffaqiyatli ravishda qo'llanilayotgan metodlardan biri talabalar guruhlarini juftlik yoki kichik guruhlariga bo'lib dars o'tishdir. Bu uslubda asosiy mas'uliyat talabalar zimmasiga yuklanadi, ular faolligini oshirishga qaratiladi. Ilg'or mamlakatlar, shuningdek, mamlakatimiz pedogoglarining tajribasi kichik guruhlar tufayli ta'lim oluvchilar o'rtasida ancha mustahkam munosabat o'rnatilishini ko'rsatadi.

Kichik guruhlariga bo'lib dars o'tish:

- o'quvchi-talabalarni hamkorlikda ishlashga, bilish jarayonini faollashtirishga, ularda kommunikabellik, kirishimlilik, boshqalarni fikrini eshitishni o'rgatadi;
- berilgan topshiriqni birgalikda bajarish jarayonida o'rtoqlari tomonidan bildirilgan fikrlarni muhokama qilishga moyillik paydo bo'ladi;
- savollarni aniq shakllantirishni, beradigan javoblarni asoslab berishni o'rganadilar;
- ta'lim oluvchining potensial imkoniyatlarini ro'yobga chiqarishga yordam beradi. Bilmaganlarini so'rab o'rganish imkoniyati yaratiladi. Ta'lim oluvchilar bilimini o'zaro hamkorlikda boyishini ta'minlaydi;
- tortinchoq talabalar o'z bilimlari, mahoratlarini namoyon qilish imkoniyatiga ega bo'ladilar;
- qobiliyatli, iqtidorli o'quvchi-talabalar o'z qobiliyatlarini namoyish qilish, boshqalarga yordam berish, ularga o'rgatishlari va ulardan ham nimanidir o'rganishlari mumkin;
- kichik guruhlarda ishlash har bir o'quvchi-talabaga o'zini guruhning bir bo'laki sifatida his qilish, bir-birlarining muvaffaqiyatlarini ko'rsatishga o'rganadilar.

Kichik guruhlariga bo'lib dars o'tish samarali bo'lishi uchun quyidagi qoidalarga amal qilish zarur:

1. Dars materialani o'zlashtirish jarayonida talabalar jamoa bo'lib ishlashi kerak.
2. Har bir guruhda albatta a'lochilar bo'lishi, kichik guruh tarkibi aralash bo'lgani (qizlar, yigitlar) ma'qul.
3. Butun guruh va alohida talabani taqdirlash tizimi ko'zda tutilgan bo'lishi lozim.

Tadqiqotlar yana shuni ko'rsatadiki, o'quvchi, talabalarni kichik guruhlariga bo'lib dars o'tishni tashkil etishning o'zi yetarli emas ekan. Kutilgan natijaga erishish uchun yana ikki komponent: guruhni rag'batlantirish va shaxsan mas'uliyatni his qilish mexanizmi va uni rag'batlantirish tizimini ishlab chiqish kerak ekan. Agarda guruh miqyosida rag'batlantirish yetarli bo'lmasa, guruh a'zolari o'z o'rtoqlari o'tilayotgan darsni o'zlashtirishiga uncha ahamiyat bermay qo'yadi. Guruhlarni kichik guruhlariga bo'lishni qanday qoidalar yoki tamoyillar asosida amalga oshirish lozim, guruhlar qanday tuzilganda yuqori samara beradi degan savolga aniq javob, universal qoida yo'q [2, 61]. Guruhlarni kichik guruhlariga bo'lishda:

- a) qo'yilgan ta'lim maqsadlari, shakli, natijasi;
- b) beriladigan topshiriq, texnologik xarita bo'yicha qo'llashni mo'ljallagan ta'lim metodi va usullarini hisobga olishimiz kerak.

O'quvchi-talabalarni kichik guruhlariga bo'lishda tasodifiy belgidan foydalanishimiz mumkin:

auditoriyada joylashganliklariga qarab bo'lib chiqish mumkin. O'qishdagi natijalariga ko'ra:

- baravarlashtirish guruhi sifatida tashkil qilinganda, kichik guruhlariga turla darajada o'qiydigan talabalar birlashtiriladi;

– qo'llab-quvvatlash va rivojlantirish guruhi tarzida tashkil qilinganda, iqtidorli talabalar, o'qish darajasi nisbatan pastroq guruhlariga ajratiladi.

Bajariladigan topshiriqqa ko'ra juftlikni, 4-5 kishidan iborat yoki undan ko'p o'quvchi-talabalardan tashkil topgan guruhlariga bo'lish mumkin. Kichik guruhlarini faoliyat ko'rsatishi vaqti, bir topshiriqni bajarguncha amal qiladigan guruhlar, bir necha mashg'ulot mobaynida birgalikda ishlaydigan guruhlar, tarkibi o'zgarib turuvchi guruhlar tarzida tashkil etish mumkin. Ularni passiv, o'z fikrini aytmaydigan yoki yaxshi o'zlashtiradigan, faol talabalardan tanlash mumkin. Yetakchi turli funksiyarni bajarishi mumkin, kichik guruh a'zolarining topshiriqni bajarishini nazorat qilishi lozim. Yetakchilar guruhning har bir a'zosini individual hissasini, rolini ko'rsatib berishlari kerak. Iloji boricha barcha o'quvchi – talabalarni yetakchi rolda sinab ko'rgan ma'qul. Kichik guruhlariga bo'linib dars o'tish uslubining bir necha modellari – variantlari mavjud. Ular komandalarning o'quv materialini o'zlashtirish natijasini yaxshilashga qaratiladi. Bunda o'qituvchi biron-bir material yokiki o'tilgan darsni qisqacha tushuntirib, talabalarga topshiriq beradi. Topshiriq masala, mashq, savolga javob va boshqa shakllardagi nazorat ishi bo'lishi mumkin. Topshiriq jamoa ichida muhokama qilinadi. Keyin o'rganilgan mavzu bo'yicha har bir jamoa a'zosi individual tarzda nazorat ishi yozadi. Har bir talabaning ballari jamlanib, umumiy komandaning bali chiqariladi. U shaxsiy va komanda to'plagan ball bilan taqqoslanadi. Komandalarning olgan o'rinlari aniqlanib, to'plangan balga ko'ra rag'batlantiriladi. Ikkinchi modelda musobaqa (tanlov) o'tkaziladi. Bunda komanda a'zolar boshqa komanda a'zolari bilan musobaqalashib ochkolar to'plashadi. Uchinchi model, mozaika modeli deb ham ataladi. Bu model ko'proq katta guruh, aytaylik, 25-30 tadan talaba bor guruhlarda qo'llangani ma'qul. Guruhdagi talabalar soni bo'yicha o'qituvchi har bir komandaga 5 yoki 6 tadan talabani jalb qiladi. Har bir komanda tarkibidagi talaba soniga qarab, 5-6 savol yoki qismdan iborat materialni o'rganish uchun topshiriq beriladi. Har bir komandadan bir kishi bitta qismni yoki savolni o'rganadi. Turli komandalardan shu qism yoki savolni olgan talabalar birga yig'ilib, o'quv topshiriqni muhokama qiladilar. Bu guruhlarini ekspert guruhlarini deb ataladi. Asosiy guruhlarini alfavitdagi harflar bilan talabalarni raqamlar bilan belgilaymiz. Aytaylik, guruh 30 nafar talabadan iborat. O'qituvchi ularni 6 tadan 5 ta guruhga (A, B, V, G, D) bo'ladi. Birinchi guruh A, undagi talabalar A1, A2, A3, A4, A5, A6, ikkinchi guruh B, undagi talabalar B1, B2, B3, B4, B5, B6 va hokazo tarzida bo'linadi. Har bir talaba o'zining raqami bo'yicha asosiy komandasidan, ya'ni harf bo'yicha o'quv materialining ma'lum qismini yoki savolni o'rganish bo'yicha topshiriq oladi. So'ngra mutaxassislar guruhida (raqamlar bo'yicha) barcha 1 yoki 2 va hokazo raqamlar asosida yangi guruh tashkil bo'la-

di. Ya'ni mutaxassislar komandasi A1, B1, V1, G1, D1, ikkinchi komanda A2, B2, V2, G2, D2 va hokazo tarzida yangi komanda hosil bo'ladi. Har bir asosiy komandadan bir xil raqamdagi, lekin har xil komanda a'zolari to'planib, o'zlariga berilgan savol, topshiriqni muhokama qiladilar. So'ngra har kim ekspertlar guruhidan o'zining asosiy guruhiga qaytadi. Guruhning har bir qatnashchisi ekspertlar guruhida o'zi o'rgangan masalani gapirib beradi. Guruhning har bir qatnashchisi diqqat bilan o'rtoqlarining fikrini eshitishga harakat qiladi. Chunki berilgan topshiriqni bajarishning yagona yo'li o'rtoqlarining fikrini diqqat bilan tinglab, tahlil qilib, so'ngra gapirib berishdir. Undan tashqari, har bir talabada o'z topshiriqini mufassal bajarish uchun stimuly mavjud. Sababi, u berilgan savol, topshiriqni o'rtoqlari qay darajada o'zlashtirishlariga mas'ul. Kichik guruhlariga bo'lib dars o'tishdagi to'rtinchi model avvalgi modellardan bir muncha farqlanadi. Bu modelda kichik guruhdagi har bir talaba berilgan topshiriqni avval alohida o'zi bajarib, fikrini seminar daftariga yozadi. So'ngra guruh birgalikda hammaning fikrini o'rganib chiqadi. Kichik guruh nomidan yagona javob tayyorlanadi, darsda barcha guruhlarining javoblari eshutiladi va guruhni erishgan natijasi baholanadi.

Hozirda O'zbekiston ta'lim tizimi dunyo ta'lim tizimi makoniga kirib bormoqda. Bu esa, o'z navbatida, juda muhim va mas'uliyatli vazifani yuqori malakali, raqobatbardosh, yuksak ma'naviyatga ega kadrlarni yetishtirishda davlat va jamiyat bir tan, bir jon bo'lib amalga oshirishni talab etadi, shundagina ko'zlangan ulug' maqsadga erishish mumkin bo'ladi.

Ta'limning davlat nazoratida bo'lishi tabiiy holdir. O'zbekiston Konstitusiyasida har bir fuqaro ta'lim olish huquqiga ega deb belgilangan. Qabul qilingan davlat qonunlari oldingilaridan farqli ravishda xalq ta'limining yangi qoidalari, tamoyillari, ular asosida ta'lim-tarbiyaning mazmuni, shakl va usullari bu sohada erishilgan ilg'or tajribalar asosida ishlab chiqildi, davlat ta'lim standartlari yaratildi va ular asosida ta'lim jarayoni amalga oshirilmoqda.

Hozirgi globallashuv va tezkor axborot tizimi davrida o'quvchi yoshlarni, kreativlik fazilatlarini shakllantirish, ularni yangi-yangi tashabbuslar bilan chiqishi hamda tevarak-atrofdagi bo'ladigan voqea-hodisalarga befarq bo'lmasligi, ularga nisbatan odilona munosabatda bo'lib, to'g'ri xulosa chiqarishi orqali mustaqil fikrga ega bo'lishga tayyorlash bugungi kunning muammosi bo'lib kelmoqda [3, 93].

“XXI asr – intellektual asr” ya'ni “Aql-zakovat asri” yoki “Axborotlashgan jamiyat sari asri” ning yuzaga kelishlarining barchasi, kishilik jamiyati taraqqiyotiga mos, unda yashovchi ilg'or kreativ insonlar, ya'ni kreativ shaxs faoliyati natijasida yuzaga kelishining guvohi bo'lamiz. Axborotlashtirilgan asrda axborotlar oqimi muntazam ravishda ortib boradi va tabiiy ularga mos muammo hamda ularning yechimlari ham tez o'zgarib boradi. Demak, ushbu jamiyatga mos va unda faol qatnashuvchi

bo'laman degan, xodim a'zo, shaxs ya'ni mutaxassis ham ilmiy axborotlarni izlash, to'plash va undan foydalanish uchun olingan axborotlarni tizimlarga ajratish, muammo-ga xos fikr va texnikaviy (texnologik) yechimlarning optimal variantlarini tanlash usullarini bilishlari zarur.

Inson o'zini qobiliyatlari orqali namoyon qiladi. Bu qobiliyatlar uning shaxsiy xususiyatlari bo'lib, unga muayyan turdagi faoliyat bilan samarali shug'ullanishga imkon beradi. Qobiliyatlar muayyan tabiiy iste'dodlar negizida vujudga keladi. Iste'dod – bu asab tizimining tug'ma, anatomik-fiziologik xususiyatlari bo'lib, qobiliyatlar rivojlanishining individual-tabiiy asosini tashkil etadi.

Odatda, qobiliyatning quyidagi turlari farqlanadi: intellektual (aqliy, fikrlashga oid), badiiy, tashkilotchilik, kommunikativ (muloqotga oid) va hokazo. Yuqori darajada rivojlangan turli qobiliyatlarning yig'indisi iste'dodlik deyiladi. Qobiliyat rivojlanishining muayyan darajalari bo'lgan talant va geniallik haqida ham fikr yuritish mumkin. Talant – yetuk qobiliyatlar bo'lib, bunda inson faoliyati mukammalligi, originalligi bilan ajralib turadi.

Geniallik – qobiliyat va talant rivojining oliy darajasidir. Geniallik sifat jihatidan yangi, takrorlanmas ijod namunalari yaratish, ijodning avval ma'lum bo'lmagan yo'llarini topish bilan bog'liqdir.

Bugungi kunda ijodkorlik, yaratuvchanlik, yangilik yaratishga qaratilgan faoliyat kreativ faoliyat deb tushuniladi.

Xulosa qilib aytganda, kasb ta'limining zamonaviy tashkiliy shakllarida, ta'limni tashkil etish, dars va unga qo'yiladigan asosiy talablar, juftlik va kichik guruhlariga bo'lingan holda darslarni tashkil etish, kasb ta'limining zamonaviy tashkiliy shakllari hamda noan'anaviy ta'lim texnologiyasi an'anaviy ta'lim texnologiyasidan farq qilib, talabalarning bilish imkoniyatlarini rivojlanishiga sharoit yaratadi, mustaqil ishlashlariga alohida e'tibor beriladi, bilish faoliyatlari izlanuvchan va ijodiy xarakterga ega bo'ladi. Dars tuzilmasi o'zgaruvchan bo'ladi va an'anaviy pedagogikada metodik ishlanmalar o'qituvchi dars o'tishi uchun tuzilsa, noan'anaviy ta'lim esa o'quvchini o'quv-bilish faoliyatining shakllari va mazmunini tasvirlaydigan ta'lim jarayoni loyihasini ishlab chiqishni taklif etadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Mavlonova R. *To'rayeva O, Holiqberdiyev K. Pedagogika. – T.: O'qituvchi, 2001. – 200 b.*
2. Musurmonova O. *Yuqori sinf o'quvchilari ma'naviy madaniyatini shakllantirishning pedagogik asoslari. Dokt.diss. Nizomiy nomidagi TDPI, – T., 1994. – 300 b.*
3. Qosimova Z.H. *Ta'lim texnologiyalari. – T.: Tafakkur qanoti, 2014. – 208 b.*
4. Sharipov Sh.S. *O'quvchilar kasbiy ijodkorligi uzviyligini ta'minlashning nazariyasi va amaliyoti: Dis. avtoref. ... ped. fan. dok. – T.: O'zDJTU, 2011. – 186 b.*

ПРОБЛЕМЫ ИНТЕГРАЦИИ ТЕХНОЛОГИЙ В ПРОЦЕССЕ ОБУЧЕНИЯ

Лайло Дониёрова,

Преподаватель кафедры «Теория начального образования»
Чирчикского государственного педагогического университета**Аннотация**

В данной статье рассматриваются вопросы и проблемы интеграции технологий в процессе обучения, а также признается взаимосвязь между педагогикой и технологиями в образовании, сделан анализ повышения качества образования и повышения результативности в учебном процессе.

Ключевые слова: технология, дошкольное обучение, коммуникация, методы, интеграция, потребность, творческое воображение, методика обучения, основа формирования, реализация способностей, закономерность.

Annotatsiya

Ushbu maqolada o'quv jarayoniga texnologiyalarni integratsiyalash masalalari va muammolari muhokama qilinadi, shuningdek, ta'limda pedagogika va texnologiya o'rtasidagi bog'liqlik e'tirof etiladi, ta'lim sifatini oshirish va o'quv jarayoni samaradorligini oshirish tahlil qilinadi.

Kalit so'zlar: texnologiya, maktabgacha ta'lim, aloqa, usullar, integratsiya, ehtiyoj, ijodiy tasavvur, o'qitish usullari, shakllanish asoslari, qobiliyatlarni amalga oshirish, muntazamlik.

Annotation

This article discusses the issues and problems of integrating technologies in the learning process, and also recognizes the relationship between pedagogy and technology in education, an analysis is made of improving the quality of education and improving the effectiveness of the educational process.

Keywords: technology, preschool education, communication, method, integration technology, need, creative imagination, teaching methodology, basis of formation, realization of abilities, regularity.

Проблема интеграции технологий в процесс преподавания и обучения стала извечной. Общие оправдания ограниченного использования технологий для поддержки обучения включают нехватку компьютеров, отсутствие навыков работы с компьютером и запугивание компьютерами. Хотя это может повлиять на успех интеграции технологий, следует признать, что степень успеха учителей в использовании технологий для обучения может частично зависеть от их способности исследовать взаимосвязь между педагогикой и технологиями.

В статье показано, что интеграция технологий воспринимается узко и что такое восприятие может препятствовать пониманию учителями сферы применения технологий в образовании. Интеграцию технологий следует рассматривать наряду с вопросами, связанными с преподаванием и обучением. К таким вопросам относятся разработка целей обучения, выбор методов обучения, обратная связь, оценка и стратегии оценки, включая последующие действия. Технология, используемая для преподавания и обучения, должна рассматриваться как неотъемлемая часть обучения, а не как самостоятельный объект [1, 13].

Взгляд на интеграцию технологий с широкой точки зрения предоставит учителям необходимую основу для более успешного внедрения технологий в класс. В этой статье обсуждается узкое восприятие термина «технологическая интеграция» и считается, что такое восприятие может привести к неправильному использованию технологий в учебных целях. Сфера интегра-

ции технологий рассматривается с целью показать ее связь с педагогикой. Следует отметить, что технология, которая используется для облегчения обучения, является частью учебного процесса, а не приложением, который можно прикрепить на любом удобном этапе в ходе обучения. Интеграция технологий включает в себя не только включение технических артефактов как таковых, но также включает теории об интеграции технологий и применении результатов исследований для продвижения преподавания/обучения. Он не ограничивается механическим применением различных новых компьютерных аппаратных и программных устройств в процессе обучения.

Решение о выборе и использовании техники обучения должно приниматься в начале - при подготовке обучения, а не в середине или в конце обучения. Цель и метод обучения, включая технологию и результаты обучения, должны быть определены на этапе планирования.

Использование технологий для улучшения образовательного процесса включает в себя больше, чем просто изучение того, как использовать определенное оборудование и программное обеспечение. Это требует понимания педагогических принципов, характерных для использования технологий в учебной среде ... Обучение на основе педагогики начинается с помощи учителям в понимании роли теории обучения в разработке и функционировании занятий в классе, а также в выборе и использовании педагогических технологий.

Отношения между учебными технологиями и педагогическими концепциями рассматриваются с целью помочь учителям распознать влияние таких отношений в образовательном исследовании. Технологическая интеграция сложна и состоит из процессов взаимосвязанных действий. Суть этой статьи состоит в том, чтобы изучить эти процессы и побудить учителей и тех, кто связан с интеграцией технологий, быть рефлексивными практиками [2, 12].

Это определение не принимает во внимание педагогические принципы, на которых основано применение различных технологий в образовательном исследовании. Такое определение является узким, поскольку оно изолирует технологию от педагогических процессов, которые она призвана поддерживать. Она не связывает учебную технологию с целями обучения, методами обучения, стилем обучения и темпом обучения, оценкой и стратегиями оценки, включая последующие процедуры. В частности, интеграция технологий должна включать технологические навыки и способность использовать педагогические знания в качестве основы для интеграции технологий в преподавание и обучение. Это означает, что учителя должны разработать стратегии, чтобы мотивировать учащихся, чтобы они оставались сосредоточенными по ходу обучения, и учитывать, что разные учащиеся предпочитают разные стили обучения и что они учатся с разной скоростью.

Важно, чтобы преподаватели использовали разнообразные методы обучения, а учащиеся необходимо учить использовать вновь приобретенные знания и навыки, а также критически оценивать и модифицировать такие знания. Другими словами, учителя должны иметь возможность вовлекать учащихся в исследовательский опыт обучения, который призван стимулировать мышление. Главная суть преподавания и обучения состоит в том, чтобы помочь учащимся приобрести знания и использовать полученные знания для создания других знаний.

В широком смысле технологическую интеграцию можно охарактеризовать как процесс использования существующих инструментов, оборудования и материалов, включая использование электронных средств, с целью улучшения обучения. Это включает в себя управление и координацию доступных учебных пособий и ресурсов для облегчения обучения, а также включает в себя выбор подходящей технологии, основанной на учебных потребностях учащихся, а также способность учителей адаптировать такую технологию к конкретным видам учебной деятельности.

Это требует от учителей способности выбирать подходящие технологии при планировании обучения. Это также требует, чтобы учителя использовали соответствующие технологии для представления

и оценки обучения, а также использовали соответствующие технологии для последующей учебной деятельности. Такое широкое определение технологии в образовании поможет учителям разработать рациональный подход к интеграции технологий [3, 11].

В преподавании и обучении технология должна применяться как процесс, а не как отдельная, изолированная и дискретная деятельность. Словарь педагогического наследия определяет процесс как «ряд действий, изменений, функций, приводящих к результату». Технологии в образовании – это не просто объект, который можно по желанию внедрить в преподавательскую и учебную деятельность без учета основных принципов обучения и надежной методологии обучения.

Поэтому считать, что образовательная технология — это объект, который можно использовать и отсоединять в любое время, является ложным предположением, поскольку образовательная технология не применяется в вакууме. Она руководствуется принципами обучения о том, как люди учатся и как они сохраняют знания и навыки, которые они приобрели. Он также основан на ожиданиях учащихся в отношении результатов обучения и того, как эти результаты могут быть применены для обогащения практического жизненного опыта. Следовательно, технологическое применение должно быть основано на надежных принципах преподавания и обучения, чтобы избежать изолированного обучения аппаратным и программным технологиям.

Основная часть проблемы, связанной с интеграцией технологий, заключается в том, что большинство педагогов не учитывают педагогические принципы, которыми они будут руководствоваться при использовании технологий для преподавания и обучения.

Сложная взаимосвязь между технологией и педагогикой изучена недостаточно. По мере того, как учителя исследуют процесс интеграции технологий и ищут способы его эффективного выполнения, они будут разрабатывать обоснование для изучения уместности используемых ими технологий и совместности таких технологий с их планом урока и результатами обучения [4, 45].

Процесс изучения взаимосвязи между технологиями в образовании и педагогикой будет способствовать критическому мышлению со стороны учителей, поскольку они практикуют интеграцию технологий. Представление обучения с использованием технологии как части учебного процесса требует от учителей выбора методов, соответствующих целям, выбранной технологии, стилям обучения, режимам и темпу обучения. Определение целей обучения в обучении на основе технологий требует от учителей выбора и/или адаптации технологий обучения в соответствии с целями, основанными на потребностях учащихся [5, 15].

Суть этой статьи заключается в том, чтобы дать представление о том, как учителя могут улучшить использование технологий для поддержки обучения. В нем рассматриваются актуальные педагогические вопросы, которые необходимо учитывать для успешного применения технологий в преподавании и обучении. Важно, чтобы воспитатели воспринимали технологии в образовании как часть педагогического процесса.

Необходимо, чтобы учителя понимали педагогические принципы, регулирующие применение технологий в преподавании и обучении.

Вносятся предложения по улучшению интеграции технологий. Педагогам рекомендуется смотреть на

интеграцию технологий с более широкой точки зрения и размышлять в своем обучении, поскольку они используют технологии для поддержки и облегчения обучения. Интеграцию технологий следует рассматривать как часть процесса подготовки к обучению.

Последующие действия также должны быть определены на этапе планирования. Плохая реализация интеграции технологий, вероятно, повлияет на желаемый результат.

Учебная технология должна быть определена на этапе планирования, когда оценивается готовность учащихся, определяются цели урока, устанавливаются методы презентации и определяются стратегии оценки.

ИСПОЛЬЗОВАННЫЕ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. *Образовательная система «Школа 2100». Педагогика здравого смысла / под науч. ред. А. А. Леонтьева. – М.: Баласс, 2003. – 368 с.*
2. *Морковкин В. В. Идеографические словари. – М.: МГУ, 1970. – 164 с.*
3. *Баранов О. С. Идеографический словарь русского языка. – М.: ЭТС, 1995. – 688 с.*
4. *Петроченко Л. А. О формировании словарного запаса учащихся (на материале английского языка) // Научно-педагогическое обозрение, 2013. No 2. – 555 с.*
5. *Курьянович А. В. О роли эпистолярных текстов в развитии коммуний язык в Германии: его жизнь, приключения и особенности изучения». Вестник Российской академии наук, 2020. – 90 с.*

ЎЗБЕКИСТОННИНГ СУВ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ СОҲАСИДАГИ СИЁСАТИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Максуд Аббасханов,

“Тошкент шаҳар сув таъминоти” МЧЖ директори, техника фанлари номзоди

Нодир Абдушахидов,

ЎЗМУ “Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқ таълими” кафедраси тадқиқотчиси,

“Тошкент шаҳар сув таъминоти” МЧЖ бош мутахассиси

Нажмиддин Зайниддинов,

“Тошкент шаҳар сув таъминоти” МЧЖ бош муҳандиси ўринбосари

Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистоннинг сув ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланиш соҳасида ўтган, бугунги кундаги ҳамда яқин келажакда келиб чиқиши мумкин бўлган муаммолар таҳлил қилинган. Шунингдек, мазкур мақолада сув сиёсати мазмун-моҳиятини очиқ берилган. Шу билан биргаликда, ушбу мақолада Ўзбекистонда сув сиёсатининг шаклланиши ва амалга оширилишига таъсир ўтказувчи омилларни тадқиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Ўзбекистонда сув сиёсатини ривожлантиришга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: сув ресурси, сув сиёсати, бошқариш, трансчегаравий, ҳамкорлик, сув тежаш, ичимлик суви, сув таъиноти, канализация, томчилатиб сугориши, ирригация.

Аннотация

Текущая проблема нехватки воды в мире требует поиска оптимальных решений в политике управления и использования водных ресурсов, а также ориентации этих решений на развитие стран. К 2025 году 6 из 10 человек в мире, или 5,5 млрд человек, смогут жить в районе с нехваткой чистой питьевой воды. Сегодня положительное решение проблемы управления и использования водных ресурсов в мире рассматривается как решение различных конфликтов между странами и народами.

Ключевые слова: политика, водная политика, водные ресурсы, управление, распределение, глобальное, водопользование, норма, правило, сотрудничество.

Annotation

The current problem of water shortage in the world requires the search for optimal solutions in the policy of management and use of water resources, as well as the orientation of these solutions to the development of countries. By 2025, 6 out of 10 people in the world, or 5.5 billion people, will be able to live in an area lacking clean drinking water. Today, a positive solution to the problem of managing and using water resources in the world is seen as a solution to various conflicts between countries and peoples.

Keywords: politics, water policy, water resources, management, distribution, global, water use, norm, rule, cooperation.

Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожланиши кўп жиҳатдан, бошқа минтакаларда бўлгани каби табиий ресурсларга, хусусан, сув ресурсларига боғлиқ. Бугунги кунда сувдан оқилона фойдаланиш мамлакатимизнинг барқарор тараққиётида ҳал қилувчи масалалардан бирига айланди. Ҳозирги кунда дунё аҳолисининг қарийб 40 фоизи тоза ичимлик суви етишмайдиган жойларда яшайди. 2025 йилга бориб, ҳар 10 кишидан 6 нафари ёки 5,5 миллиард аҳоли тоза ичимлик суви танқис ҳудудда яшаши мумкин. Ушбу муаммо бизнинг минтакамиз учун ҳам долзарбдир. Бугунги кунда сув масаласининг ижобий ечими мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги турли зиддиятларнинг ечими сифатида ҳисоблаб келинмоқда.

Тадқиқотни ўтказишда тизимли таҳлил ва таққослаш усуллари қўлланилган. Бу тадқиқ қилинаётган муаммонинг ривожланиш қонуниятларини аниқлаш ҳамда муаммога таъсир кўрсатувчи асосий омилларни аниқлашга имкон яратди.

Мазкур мақолада Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланиш соҳасида сув ҳўжалиги, сув таъминоти ва канализация йўналишларида ҳозирги кунда учраётган муаммолар ва бу муаммоларни олдини олишга қаратилган ечимлар ишлаб чиқилган.

Инсоният тарихи шундан гувоҳлик берадики, ҳар қандай жамиятдаги кечаётган жараёнларда унинг ривожланиши ва таназзулга юз тутишига сабаб бўладиган турли ҳолатлар доимо бўлган ва бўлаверади. Ҳар икки ҳолат ривожланиши ва таназзулида ҳам табиий ресурслар муҳим ўрин эгаллайди. Яъни жамиятдаги воқеа-ҳодисаларнинг тизимлилиги билан ривожланиб боришида ёки унинг емирилиб парокандаликка юз тутишида сув ресурслари ва уларни бошқариш ҳамда улардан фойдаланиш сиёсатини роли катта. Хўш, мавзунинг асосини ташкил этган “сиёсат”нинг ўзинима? Унинг “сув ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланиш” жараёни билан қандай алоқаси бор?

“Сиёсат” тушунчаси қадимий тушунчалардан бири бўлиб, ҳозирги тилларга ва маданиятга “сиёсат” атамаси қадимги юнон тилидан ўзлаштирилган сўз (politikа) сифатида кирган. У давлат билан ҳукмронлик муносабатларини, одамлар ва жамият устидан раҳбарлик қилиш илми билан боғлиқ, қадимги юнон тушунчаларига асосланади. Бу тушунчалардан “полис” (шаҳар-давлат), “политикос” (давлат арбоби), “политейя”, (конституция) маъноларини билдиради [1].

Ўзбек олимларидан Х.Т.Одилқориев, Д.Х.Раззоқовлар таъкидлаганидек, “Сиёсатнинг бош мақсади – жамиятнинг барча соҳаларини тараққий эттириш ва мустақкам бир бутунлигини, хавфсизлигини, барқарорлигини, тинч-тотувлигини, осойишталигини таъминлашдан иборат. Бу улкан мақсадни рўёбга чиқариш учун назарий ва амалий вазифаларини бажаради. Сиёсатни дастлабки ва биринчи даражали вазифаси ижтимоий муаммоларни бартараф этиш ва жамиятнинг хавфсизлиги, барқарорлигини таъминлаш ва мустақкамлаш йўлларини кўрсатиб берадиган, илмий асосланган, оқилона дастурларни, қонунларни, қарорларни ишлаб чиқишдир” [2].

Шу нуқтаи назардан жамиятда ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда сув ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланиш сиёсати муҳим аҳамиятни касб этади. Ҳозирги кунда дунёда сув ресурсларини бошқариш ва ундан фойдаланиш сиёсатини тақазо қиладиган тўртта сабаб мадвжуд. Булар куйидагилар:

- илмий техник прогресс ва халқ хўжалиги тармоқларининг ривожланиши;
- озиқ-овқат муаммоси;
- табиатдаги мавжуд сувларнинг сифатини табиий ва сунъий омиллар кутилмаган натижаларга олиб келиши мумкинлиги;
- яқин келажакда дунёда сув танқислиги кузатилиши, бунинг натижасида минтақавий ва халқаро можароларни келиб чиқиши хавфи мавжудлиги.

Мавзумиздан келиб чиқиб, сув ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланиш тушунчаси ҳақида тўхталсак. Кўпинча сув ресурсларини бошқариш деганда, ўта содда фикр, яъни сувни керакли нуқтага иложи борича керакли вақтда ва керакли миқдорда етказиш тушинилади. Шунингдек, сув хўжалиги ташкилотларининг асосий вазифаларига юқоридаги ташкилотлардан ёки ҳамкорлардан кўпроқ сув ҳамда ходимлар ва иншоотларни сақлаш учун маблағ ундириб олиш, фондларни ушлашга қайғуриш, иншоот ва каналларни ўз сув истемолчиларга сувни етказиш учун ишини ташкил этиш тушунилади.

Олим J.R.Lund сув ресурсларини бошқариш нафақат техник-муҳандислик масаласи, балки бу сиёсий жараён эканлигини таъкидлаб ўтган [3].

Сув ресурсларини бошқариш сиёсий жараён экан-

лиги ҳақидаги фикр, сувни бошқариш сув ресурсларини бошқаришнинг марказида эканлиги ва сиёсий мунозарали ресурслардан фойдаланиш жараёни сифатида қабул қилиниши керак, деган фикрга асосланади. Ушбу ҳолатда сув назорати сув ресурсларини бошқаришнинг предмети ҳисобланади [4].

Шундан келб чиққан ҳолда, биз сув ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланиш сиёсатига маълум бир давлат томонидан ўша давлатда яшаётган фуқаролар, жамият, ва табиатнинг сувга бўлган талабини керакли сифатда ва миқдорда турли давр кесимларида йиллик ва келажак учун таъминлаш ва бу йўналишда илмий, ташкилий, техникавий, ҳуқуқий, экологик, иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи ва назорат қилувчи жараён деб таъриф беришимиз мумкин.

Бугунги кунда Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланиш сиёсатини ривожлантириш жуда муҳим масалалардан ҳисобланади. Бу жараёнда сув муаммоларини етилиш сабабларини тўғри аниқлаб шунга қарши ечимлар ишлаб чиқиш лозим

Ўзбекистонда сув хўжалиги сиёсатини ўтиш даври муаммолари тўғрисида Л.Перейра, В.Духовнийлар таъкидлаганидек “Ўзбекистон мустақилликка эришгач, йирикиншоотлар, ноёб насос станциялари, тўғонлар, каналлар ва бошқа иншоотларни ўз ичига олган катта сув инфратузилмаси, шунингдек, ушбу инфратузилманинг эскириши, ундан фойдаланишнинг ёмонлашиши, сув узатиш ва тақсимлаш тизимининг тартибсизлиги билан боғлиқ қатор ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларни ҳам мерос қилиб олди” [5].

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор И.Жўрабеков Ўзбекистонда сув хўжалиги соҳасида парчаланишни асосий сабаби сифатида 1996 йилда сув хўжалиги вазирлигини тугатилиши бўлган, деб айтиб ўтган эди [6]. Ҳақиқатдан ҳам, айнан ушбу қарордан кейин Ўзбекистон сув хўжалиги тизимида парчаланиш бошланди. Бунинг натижасида Вазирлик катта иш ҳажмларини йўқотди, уни молиялаштириш ва ходимлар сони қискарди. Кўплаб мелиораторлар ишсиз бўлиб қолди. Мамалакатда сув масаласи оғир бўлиб турган пайтда бундай қарор қабул қилинишининг сабабини тушунтириш қийин: ахир идоранинг вазифаси камайгани йўқ эди, аксинча, дарёлар трансегаравий бўлиб қолиши натижасида улар яна ҳам мураккаблашиб бормоқда эди. Бир пайтнинг ўзида, бошқарувнинг Ғарб усулига мослашиш заруриятини ҳисобга олиш ҳаракати бошланди. Шу мақсадда сув захираларини давлат даражасида бошқаришнинг гидрогеографик тамойилига асос солган “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди.

Мутахассисларнинг баҳолашларига кўра, ҳозирги вақтда Республикада сувдан фойдаланишнинг умумий йиллик ҳажми 55,1 куб.км.ни [7], шу жумладан, суғориладиган ерлар учун 49,7 куб.км.ни, шаҳар ва

қишлоқ аҳолисини хўжалик ва ичимлик сувлари билан таъминлаш учун – 3,4 куб.км.ни ташкил этмоқда. Шу аснода қишлоқ хўжалик (ирригация) эҳтиёжлари учун 84,2-91,8%, саноат эҳтиёжлари учун – 1,8-3%, коммунал – хўжалик эҳтиёжларига – 3-6%, энергетикага – 2-6%, балиқчилик учун – 0,5-2% сув сарфланмоқда. Сув захираларида вужудга келган аҳвол, умуман, баҳоланадиган бўлса, сув етарлидек кўринади, аммо айни вақтда сув тақчиллиги ортмоқда.

Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш бўйича асосий таҳдидлар ва муаммоларни қуйидагиларга бўлишимиз мумкин:

1. Иқлим ўзгариши ва трансчегаравий муносабатлар туфайли сув хўжалиги олдида турган таҳдидлар;
2. Сув хўжалигининг институционал муаммолари;
3. Сув хўжалигининг технологик муаммолари;
4. Сув хўжалигининг кадрлар ва илмий тадқиқотларга оид муаммолари.

Ўзбекистонда иқлим ўзгариши натижасидаги муаммолар. Ҳисоб-китобларга кўра, 2050 йилгача Сирдарё ҳавзасида оқимнинг 5 фоизга, Амударё ҳавзасида 15 фоизгача камайиши кутилмоқда. Ўзбекистонда 2015 йилгача бўлган даврда сувнинг умумий тақчиллиги 3 км³ дан ортиқни ташкил қилган, 2030 йилгача 7 км³, 2050 йилгача эса 15 км³ гача ошиши мумкин. Бу эса сув масаласига жиддий ёндашишни талаб этади. Республикада йилдан-йилга аҳоли сони ўсиб бориши натижасида сувдан бўлган талаб ортиб боради. Бугунги кунда бу кўрсаткич республика аҳолисига ўртача йилига 2600 м³ сув сарфланаётган бўлса, 2025 йилга бориб бу кўрсаткич киши бошига 1200 м³ бўлиши кутилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, сувга бўлган муносабатимизни тубдан ўзгаришимизни тақозо этади.

Ўзбекистон сув хўжалигининг асосий институционал муаммолари. Сув истеъмолчилар (аввало, агро ишлаб чиқарувчилар ва аҳоли томонидан), сув инфратузилмаси учун масъул бўлган шахслар ва ташкилотлар томонидан сувдан самарали фойдаланиш бўйича таъсирчан рағбатларнинг йўқлиги, шунингдек, секторнинг етарли даражада молиялаштирилмаслигидир. Сувдан фойдаланувчилар, сув истеъмочилари ва жамоатчилик амалда сув ресурсларини бошқаришда иштирок этмайди, сувдан фойдаланиш бўйича маълумотлардан эркин фойдаланиш имкониятига эга эмас. Сув хўжалиги вазирлиги сув ресурсларини бошқариш соҳасида ягона сиёсатни амалга оширувчи ваколатли давлат бошқарув органи ҳисоблансада, ҳозирда сув ресурслари учун жавобгарлик бир нечта давлат вазирликлари ва идоралари ўртасида тақсимланган ва бу ҳолат сув ресурслардан самарасиз фойдаланишга сабаб бўлмоқда. Ўзбекистоннинг сувга оид муносабатларини тартибга солувчи асосий қонунчилик ҳужжати 1993 йилда қабул қилинган ҳамда 2009 йилда унга жиддий ўзгаришлар киритилган “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонун

ҳисобланади. Аммо соҳага доир кўп сонли ҳуқуқий механизмларнинг ишлаб чиқилиши кечикмоқда, амалдаги ҳужжатларга номувофиқликлар учрайди, Қонунни эса ҳозирги давр муаммоларини ҳал қилишга қаратилган нормалар билан такомиллаштириш талаб этилади.

Сув хўжалигининг технологик муаммолари. Сув ресурсларидан фойдаланишга оид технологик муаммолар энг аввало, эскирган инфратузилма, шунингдек сувни бошқариш ва ундан фойдаланишга оид замонавий бошқарув тизимларининг суст жорий қилиниши билан боғлиқ. Бир неча ўн йиллар давомида фойдаланиб келинаётган суғориш тизимлари ва гидротехник иншоотларнинг эскирганлиги, энергия сарфининг юқорилиги, технологик ускуналар ва конструкцияларнинг кам самарадорлиги кўп сув йўқотилишига ва уни фойдаланувчиларга етказиб бериш харажатларининг қимматлигига сабаб бўлади. Мамлакатнинг барча суғориш тизимларининг ўртача фойдали иш коэффициенти (ФИК) 0,63 га тенг, шу жумладан, хўжаликлараро тармоқда – 0,83, хўжалик ва хўжаликлараро суғориш тармоғида – 0,79 ни ташкил этади. Айни пайтда мамлакатнинг айрим ҳудудларида, хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Бухоро вилоятида суғориш тизимларининг ФИК тегишли равишда 0,53 ва 0,55 дан ошмайди.

Сув хўжалигининг кадрлар ва илмий тадқиқотларга оид муаммолари. Бугунги кунда мамлакатнинг сув хўжалиги ташкилотлари малакали кадрлар тақчиллигидан қийналмоқда. “Олий таълим-фан-ишлаб чиқариш” тизимида интеграция даражаси етарли эмас. Аксарият таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория базалари маънан ва жисмонан янгилашиш ва модернизация қилишига муҳтож. Иш ҳақининг паст даражаси сув хўжалиги ходимларининг ижтимоий мақомини ва касбининг жозибадорлигини пасайтиради, юқори малакали кадрларни сақлаб қолишга имкон бермайди. Яхши салоҳиятга эга ёшлар бошқа обрўли мутахассисликларни танлайди, яхши мутахассислар эса бошқа соҳаларга кетиб қолади. Ҳозирги пайтда сув хўжалиги тизимида мутахассислар ва раҳбар кадрларнинг малакасини ошириш бўйича доимий фаолият юритувчи малака ошириш тизими мавжуд эмас.

Ўзбекистон аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Албатта бундай масала жиддий ёндашишга даврнинг ўзи тақозо этапти. Ўзбекистонда ҳозирги кунда сув таъминоти ва канализация тизимидаги вазиятни эскирган сектор стратегияси, чекланган режалаштириш механизмлари ва эскирган стандартлар мураккаблаштирмоқда.

Статистикага кўра ҳозирги кунда, Ўзбекистонда 6 миллионга яқин аҳоли туманлардаги марказлаштирилган ичимлик суви тизимидан фойдаланиш имкониятига эга эмас [8]. Қишлоқлардаги сув етказиб бе-

рувчи иншоотлар фаолияти бутунлай издан чиккан. Қишлоқ жойларида сув таъминоти режими барқарор эмас. Республиканинг айрим қишлоқ жойларида қишлоқ аҳолиси ичимлик сувини суғориш каналлари ёки суғориш каналларидан тўғридан-тўғри, хонадонларидаги ер ости сув манбаларидан насослар орқали олиб истеъмол қилишмоқда. Мамлакатимизнинг 33% аҳоли хонадонлари ичимлик суви учун булоқлардан, дарёлардан, каналлардан ва ариқлардан зарарсизлантирилмаган сувдан фойдаланмоқдалар. Мазкур жараёнда канал ичидаги ёки ер остидаги зарарсизлантирилмаган сув одатда санитария ва гигиена талабларига жавоб бермайди ва бу эса ўз навбатида инсон саломатлигига хавф туғдирадиган касалликларни келтириб чиқаради. Қишлоқ аҳолисини 9,9 фоизи ичимлик суви мавжуд бўлмаган ёки ичимлик сифати талабга жавоб бермайдиган жойларда ичимлик суви одатда сув ташувчи автомобиллар орқали ташиш энг кенг тарқалган бўлиб, бунда 1 м³ ичимлик сувни нархи 25 минг сўмдан 50 минг сўмгача бўлган нархни ташкил қилмоқда.

Сўнгги 40-50 йил ичида саноатни ва қишлоқ хўжалигининг ривожланиши ер ости чуқук сувларининг ҳолатига салбий таъсир кўрсатди, бу сув ресурсларининг 35 фоизга қисқаришига руҳсатсиз сув йиғиш иншоотларини қуриш ҳамда назоратсиз сув олиш оқибатида айрим сув манбаларининг камайишига олиб келди. Б.Б.Алиханов, С.В.Самойловлар таъкидлаганларидек “узок вақт (30-40 йил) фойдаланганлиги ҳамда ишдан чиққанлиги боис, Бойназар тозалаш иншоотлари (Самарқанд вилояти), Бувайда, Бешарик, Қува туман марказлари (Фарғона вилояти), Чуст (Наманган вилояти) ва бошқалардаги технологик объектлар ўз вазифасини бажармаяпти ҳамда уларнинг тозалаш даражаси бор йўғи 20-60 фоизни ташкил этмоқда” [9].

Республика бўйича ичимлик сув тармоғига уланган 12 061,8 минг аҳолининг 4 797,8 мингтаси ёки 39,8 фоизи, 61,9 мингта улгуржи сув истеъмол қилувчи юридик шахсларнинг 34,9 мингтаси ёки 56,3 фоизи канализация тармоқларига уланган. Республикада майший-коммунал оқова сувларининг 20-30 фоизини ер усти ташламалари, 70-80 фоизини ишлаб чиқариш ташламалари ташкил этмоқда.

Мамлакатимизда оқова сувларни талаб даражасигача тозалаш билан боғлиқ муаммолар мавжуд бўлиб, шаҳар тозалаш иншоотлари асосан хўжалик майший оқоваларни тозалашга ихтисослашган. Сув таъминоти ва канализация тизимида мавжуд бир қатор техник, ташкилий ва молиявий муаммолар туфайли, тозалаш иншоотлар самарадорлиги ҳудудларда 26-78 фоизни ташкил этади. Бунга нафақат иншоотлар техник эскирганлиги, балки янги ташкил этилаётган корхоналар маҳаллий тозалаш иншооти билан жиҳозланмагани натижасида “Сувоқава” тозалаш иншоотига келиб тушаётган оқова сувлар сифатига

ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланиш масалаларида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 21 июндаги “Томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш ва молиялаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида суғоришнинг сувни тежайдиган технологияларини жорий этиш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш амалий ҳаракатлари белгиланди.

2017 йил 20 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “2017–2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури тўғрисида»ги [10] қарори қабул қилинди Мазкур қарорда кўрсатилган йиллар мобайнида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимини янада ривожлантириш ҳамда модернизациялашни йўлга қўйиш, сув таъминоти соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш белгиланди. Айнан шу йил 4 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017–2021 йилларда ер ости сувлари захираларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобга олишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [11] қарори қабул қилинди. Унда асосий эътибор сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, олинаётган сув ҳажмини тегишли тарзда ҳисобга олиш, уларнинг ифлосланиши ва камайишини олдини олишга қаратилди.

Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 24 майдаги “Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида кейинги йилларда республикамизнинг олий таълим муассасаларида “қишлоқ хўжалигини механизациялаш”, “гидромелиорация ишларини механизациялаш”, “мелиорация ва сув хўжалиги”, “гидротехника иншоотларидан фойдаланиш” ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқларининг бошқа йўналишлари бўйича саккиз минг нафардан ортиқ муҳандис-техник кадрлар тайёрлангани [12] қайд этилди.

Республикада сув захираларидан унумли фойдаланишни йўлга қўйиш ва сув хўжалиги идораларининг фаолиятини мунтазам назорат қилиш бевосита Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги зиммасига берилган. Жорий йил 4 августда “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5134-сон Президент фармони имзоланди [13]. Унга асосан тармоқни комплекс модернизация

ция қилиш, кишлоқ ва сув хўжалигитармоқларида фан ва техника ютуқларини, замонавий ресурслар ва сувни тежайдиган агротехнологияларни, илғор маҳаллий ва хорижий тажрибани жорий қилишга йўналтирилган ягона агротехника ва сув хўжалиги сиёсатини амалга ошириш асосий мақсад этиб қўйилди.

Хулоса шуки, Марказий Осиё давлатлари аҳолисининг сувга бўлган талаби асосан трансчегаравий дарёлар – Амударё ва Сирдарё ҳисобига қондирилади. Кузатишларга қараганда, 2020 йилга бориб иқлим ўзгариши, глобал ҳароратнинг ошиши туфайли мазкур дарёларни сув билан таъминлаётган музликлар захирасининг 15–20 фоизга камайиши кутилмоқда.

Ўзбекистонда сув масаласида бундай муаммоларни олдини олмаслик мамлакатда сув танқислигини келтириб чиқариши мумкин. Шу жиҳатдан Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланиш соҳасида сиёсатни ривожлантиришда қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

- трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш масалалари бўйича давлатлараро муносабатларни ривожлантириш;

- марказий Осиё минтақасидаги давлатлар келажакдаги сув танқислигини олдини олиш мақсадида давлатлараро сувни тежаб сарфлаш дастурини қабул қилиш;

- сув сиёсатини ва сув ресурсларини бошқариш механизмларини такомиллаштириш;

- аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминлаш сиёсатини ривожлантириш;

- бозор тамойилларини жорий этиш, сув хўжалигини тартибга солиш ва молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш;

- сув хўжалигини давлат томонидан бошқариш тизимини такомиллаштириш;

- сув ресурсларини интеграциялашган ҳолда бошқариш тамойилларини ишлаб чиқиш вататбиқ этиш;

- сув хўжалигининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

- иқтисодиёт тармоқлари ўртасида ва суғориладиган деҳқончиликда сувни тақсимлашнинг мослашувчан механизмларини яратиш;

- инфратузилмани модернизация қилиш ва сув хўжалигига хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш;

- суғорма деҳқончиликда сув тежаш тадбирларини амалга ошириш;

- сув ўлчаш ва уни ҳисоб-китобини юритиш тизимини такомиллаштириш;

- суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш

- лойиҳа ташкилотларининг салоҳиятини ошириш ва лойиҳалар сифатини яхшилаш;

- мамлакатдаги сув омборлар қурилиши ва уларнинг хавфсизлиги бўйича халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда экспертиза ўтказиш;

- сув хўжалигининг кадрлар, илмий ва инновацион салоҳиятини ривожлантириш;

- сув хўжалиги соҳасида илмий тадқиқот ишларини кучайтириш ва илмий ютуқларни кенг жорий этиш;

- сув хўжалиги соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини (АКТ) кенг жорий этиш;

Юқорида келтирилган тадбирларни амалга ошириш мамлакатда келажакдаги тобора яқинлашиб келатган сув танқислигини олдини олишда муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5134-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил 14 август. –№32 (792), 793-модда. – Т.: Адолат, 2017. – Б. 5-9.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017–2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури тўғрисида”ги қарори // Халқ сўзи, 2017 йил 22 апрель.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017–2021 йилларда ер ости сувлари захираларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобга олишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // Халқ сўзи, 2017 йил 6 май.

4. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – №22. – Т.: Адолат, 2017. –Б. 69.

5. Желтов В.В. Политология. – Ростов-на-Дону, 2004. – С. 6.

6. Х.Т.Одилқориев, Д.Х.Раззоқов. Сиёсатшунослик: Дарслик. – Т., 2012. –Б.108.

7. Lund J. R. & Israel, M. S. (1995). Water transfers in water resources systems *Journal of Water Resources Planning and Management*, 121(2), 193-204.

8. Scarborough, V.L. 2003. *The flow of power. Ancient water systems and landscapes*. Santa Fe, New Mexico: SAR Press

9. Перейра Л., Духовний В., Хорст М. Орол денгизи ҳавзасида чўлланиш жараёнига қарши курашда суғоришни бошқариш. Баҳолаш ва воситалар. – Т., 2005.

10. И.Жўрабеков, В.Духовний. Обиҳаёт –бугунимиз ўтмишимиз, бугунимиз ва келажакимиз// Халқ сўзи, 2018 йил 1 июнь.

11. Управление водными ресурсами. Проф. Салохитдинов А.Т., проф. Икрамов Р.К., – Т.: ТИМИ, 2013.

12. <https://regulation.gov.uz/oz/document/4162>

13. Б.Б.Алиханов, С.В.Самойлов. Водные ресурсы: фактор благополучия и устойчивого развития// “Орол фожиаси оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликдаги ҳаракатлар: янгича ёндашувлар, инновацион ечимлар ва инвестициялар” мавзусидаги халқаро конференцияси Т.: 2018 й.

O'QITUVCHI MEHNATINI ILMIY ASOSDA TASHKIL ETISHDA PEDAGOGIK MAHORATNING ROLI

Muxtarali Sultanov,

Toshkent davlat pedagogika universiteti o'qituvchisi;

Lazzat Saydaliyeva,

Toshkent davlat pedagogika universiteti o'qituvchisi

Annotatsiya

Mazkur maqola o'qituvchi mehnatini ilmiy asosda tashkil etib kompetensiyaviy rolini takomillashtirish usullari ko'rib chiqilgan, dars samaradorligini oshirishda pedagogik mahorat rolini rivojlantirish tamoyillari to'g'risida gap borgan va o'qituvchi-pedagog ijodiy mahoratini oshirish usullari tahlil qilingan.

Kalit so'zlar: pedagogik texnika, aktyorlik mahorati, empatiya, perseptiv, didaktik, konstruktiv, kommunikativ, anglash.

Аннотация

В данной статье рассматриваются методы повышения компетентностной роли учителя путем организации его работы на научной основе, рассматриваются принципы развития роли педагогических умений в повышении эффективности урока, анализируются методы совершенствования творческих способностей учащихся. учитель-педагог.

Ключевые слова: педагогическая техника, актерское мастерство, эмпатия, перцептивная, дидактическая, конструктивная, коммуникативная, понимающая.

Annotation

This article examines the methods of improving the competence role of the teacher by organizing his work on a scientific basis, discusses the principles of developing the role of pedagogical skills in increasing the effectiveness of the lesson, and analyzes the methods of improving the creative skills of the teacher-pedagogue.

Keywords: pedagogical technique, acting skills, empathy, perceptive, didactic, constructive, communicative, understanding.

Davlat va jamiyat hayotini modernizatsiyalash jarayonlarining harakatga keltiruvchi kuchi, O'zbekistonning bugungi va istiqboldagi izchil taraqqiyotining bosh omili bo'lgan insonning ma'naviyatini va kasbiy salohiyatini yuksaltirishda o'qituvchilarning tajribasi va mahoratini yanada takomillashtirish muhim ahamiyatga ega. O'qituvchi bugungi kunda ta'lim va tarbiya berayotgan shogirdlarining kamoloti bilan mamlakatimiz kelajagiga ulkan poydevor qo'yadi. O'zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti I.A.Karimov "Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch" asarida o'qituvchi mehnatini yuksak baholab shunday deydi: "Ota-onalarimiz qatori biz uchun eng yaqin bo'lgan yana bir buyuk zod – o'qituvchi va murabbiylarning olijanob mehnatini hurmat bilan tilga olamiz. Biz yurtimizda yangi avlod, yangi tafakkur sohiblarini tarbiyalashdek mas'uliyatli vazifani ado etishda birinchi galda ana shu mashaqqatli kasb egalariga suyanamiz va tayanamiz, ertaga o'rnimizga keladigan yoshlarning ma'naviy dunyosini shakllantirishda ularning xizmati naqadar beqiyos ekanini yaxshi tasavvur qilamiz". Demak, bugungi kun o'qituvchisi o'z ustida tinimsiz mehnat qiladigan, har tomonlama keng fikrlaydigan, ilg'or pedagogik va axborot texnologiyalarini samarali qo'llay oladigan ijodkor shaxsga, yoshlarning yuragiga chuqur kirib boradigan yuksak fazilatlar egasiga aylanishini hayotning o'zi taqozo etmoqda. Shu nuqtai nazardan, hozirgi kunda o'qituvchining pedagogik mahoratini yanada oshirish muammosi davr talabidir [1, 29].

Demokratik huquqiy jamiyat qurish jarayonida o'qituvchining o'rni, vazifalari yosh avlodni tarbiyalash ishiga javobgarligi muhim ahamiyatga ega. Olib borilayotgan islohotlarning ijobiy natijalar berishini yetuk va malakali mutaxassislar ta'minlaydi. Ularni voyaga etkazish, ta'lim-tarbiya berish, o'qituvchiga yuklatilgan talablarning kun sayin ortib borishi, ularni hal etish vazifasi o'qituvchi mehnatini ilmiy asosda to'g'ri tashkil etilishiga bog'liq.

Hozirgi zamon o'qituvchisi o'z pedagogik mehnati jarayonida qator ta'lim-tarbiyaviy vazifalarni bajaradi. U avvalo ta'lim muassasalari o'quv jarayonining asosiy tashkilotchisi. O'qituvchi ta'lim-tarbiya jarayonida hamda darsdan tashqari faoliyatda o'quvchilarning porloq kelajagi uchun javobgar shaxsdir. Ushbu ulkan mas'uliyat ijobiy natijalar berishi uchun o'qituvchi, avvalo, o'zining pedagogik mahoratiga tayanadi. Pedagogik mahorat shunday bir malakalar yig'indisidirki, uning natijasi o'qituvchi mehnatida va o'quvchilar xulqi, odobi, tarbiyasida, kelajakda yetuk mutaxassis kadr bo'lib yetishishida o'z aksini topadi. O'qituvchi o'zining qizg'in mehnati jarayonida pedagogik mahoratning quyidagi komponentlarini ma'lum darajada o'zlashtirishi lozim:

- yoshlar psixologiyasiga oid bilimlarga ega bo'lishi;
- nutq madaniyatining barcha turlari va metodlarini bilishi;
- o'qituvchi qobiliyati (empatiya, perseptiv, didaktik, konstruktiv, kommunikativ, anglash)ning mohiyatini anglashi;

- aktyorlik mahoratini (mimika, pantomimika, notiqlik san'ati) egallashi;
- o'z kayfiyatini (hissiy psixik holat) boshqara olishi;
- tarbiyalanuvchilar bilan muloqot va muomala madaniyatini o'zlashtirishi;
- pedagogik texnika uslublarini o'z o'rnida qo'llay olish san'atiga ega bo'lishi.

Ushbu pedagogik mahorat komponentlari mamlakatimizda olib borilayotgan islohotlar, ijtimoiy-iqtisodiy talablar mohiyatidan kelib chiqishi kerak. Milliy mafkura, umummilliy dastur talablari, urf-odat va an'analar pedagogik mahorat asosida tashkil etiladigan o'qituvchi mehnatning asosiy mohiyatida o'z aksini topishi kerak [2, 61].

O'qituvchi mehnatining muvaffaqiyati va samarasi uni ilmiy jihatdan puxta tashkil etishga, mehnatni oqilona uyushtirishga ta'sir etadigan shart-sharoitlarga va mehnatni amalga oshirish yo'llarini to'g'ri belgilashga bog'liq. O'qituvchi mehnati doimo ijodkorlik bilan amalga oshiriladi. Shuning uchun mehnatni amalga oshiruvchi o'qituvchi, avvalo, o'z mehnatini rejalashtirishda, o'zi puxta egallagan pedagogik mahoratiga va o'z ilmiga tayanishi lozim. Hozirgi zamon axborot-kommunikatsion texnologiyalarining taraqqiyoti davrida o'qituvchi mehnatini ilmiy asosda tashkil qilish fan va texnika yutuqlarini o'qituvchi tomonidan qay darajada o'zlashtirilishiga ham bog'liq.

Mahorat – muayyan ish, xatti-harakat yoki kasbiy faoliyatning ustalik, mohirlik bilan, san'atkorona tashkil etilishiga imkon beradigan bilim, ko'nikma, malakalar majmui.

Pedagogik mahorat – bo'lajak pedagog (o'qituvchilar) da pedagogik jarayonni metodik jihatdan to'g'ri, samarali tashkil etish, o'qituvchi va o'quvchi munosabatlarini oqilona yo'lga qo'yish, bo'lajak mutaxassislarni kasbiy faoliyatni tashkil etishga tayyorlash masalalarini o'rganadi.

Pedagogik mahorat – 1) o'qituvchining pedagogik jarayonni tashkiliy, metodik, ruhiy va subyektiv jihatdan o'ta mohirlik, ustalik bilan tashkil eta olish, boshqarish, ta'lim-tarbiya jarayoniga ongli, ijodiy yondashishi, metodik bilimlarni samarali qo'llay olish qobiliyati, bu boradagi amaliy ko'nikma, malakalarga egaligi; 2) pedagog tomonidan kasbiy faoliyatning ustalik, mohirlik bilan, san'atkorona tashkil etilishini ta'minlovchi bilim, ko'nikma va malakalar majmui; yuksak pedagogik tafakkur. [4, 67].

Pedagogik mahoratni o'qitish quyidagi tamoyillarga asoslanadi:

- ta'limga yaxlit jarayon sifatida yondoshuv tamoyili, ya'ni bilimlar amaliyotdagi tajriba sifatida o'zlashtiriladi. Mashg'ulotlar shunday tashkil etiladiki, mavzuning nazariy qismi bahslar, sxemali-konspektlar va boshqa tizimlash shakllarida o'zlashtiriladi; keyin o'zlashtirilgan bilimlar pedagogik qobiliyatni rivojlantiruvchi mashqlar asosida mustahkamlanadi va nihoyat, muammoning ko'lami har bir mashg'ulotning ajralmas qismi hisoblanadigan, modellashtirilgan pedagogik vaziyatni o'z ichiga

olgan pedagogik trening davomida egallangan bilimlar malakaga aylanadi.

- faol muloqot tamoyili guruhdagi talabalar faolligini oshiruvchi topshiriqlar tizimi: rolli o'yinlarini, musobaqalarni o'tkazish, faoliyatning ayrim qismlarini namoyish qilish, talabalarni mashg'ulotning tashkil qilishga jalb etish bilan tasniflanadi;

- pedagogik faoliyatni qismlarga ajratish tamoyili pedagogik treninglar davomida alohida uslublarni uzviylikda egallash maqsadini o'z oldiga qo'yadi. Har bir talaba ta'limning aniq bosqichida ma'lum tushuncha va malakalarni egallashi shart. Masalan, birinchi kursda talaba o'z tashqi ko'rinishi, nutqi, muloqot va tashkilotchilikda namoyon bo'ladi;

- pedagogik texnikani va dars davomidagi masalalarni ilodiy hal qilish ko'nikmalarni mashq va musobaqa davomida rivojlantirish tamoyili, bunda ta'lim jarayonini tashkil qilishdagi qattiqqo'llik va muqobil yechimni topa olishga erishiladi;

- o'ziga xos yondoshuv tamoyili, pedagogik mahorat darslarida mutahassislikni inobatga olinishini ko'zda tutadi;

- OTMda laboratoriya sharoitida olingan bilim va ko'nikmalar bilan talabalar pedagogik amaliyot olib boriladigan maktablarda orttirilgan tajriba orasidagi bog'liqlik tamoyili.

Shu bilan birga, o'qituvchi mehnatini ilmiy asosda tashkil qilish uchun fanlar integratsiyasini, pedagogika va psixologiya fanlarining eng so'nggi yutuqlarini muntazam o'zlashtirib borish shart. Ushbu bilimlar axborot kommunikatsion texnologiyalari, matbuot, ilmiy jurnallar, ilmiy adabiyotlar asosida o'zlashtiriladi.

O'qituvchi mehnatini ilmiy asosda tashkil etishda vaqtdan unumli foydalanish, o'zining keng imkoniyatlarini hamisha hisobga olish, o'quv va tarbiya jarayonida har bir daqiqadan unumli foydalanish, vaqtni bekoraga o'tkazishga yo'l qo'yimaslik muvaffaqiyat garovidir. O'qituvchi mehnatini ilmiy asosda tashkil etishda, avvalo:

- o'z ijodiy imkoniyatlariga ishonishi;
- ta'lim muassasalarida olib boriladigan ta'lim – tarbiya jarayonini to'liq tasavvur eta olishi;
- har bir tarbiyalanuvchining ruhiy holatini puxta bilishi;
- o'z mehnati mexanizmini, qonuniyatlarini, cheklangan imkoniyatlarini yaxshi anglashi;
- ta'lim-tarbiya jarayonida axborot kommunikatsion texnologiyalaridan unumli foydalanishni bilishi shart.

O'qituvchi mehnatini ilmiy jihatdan to'g'ri tashkil etish bir maqsadga yo'naltirilgan ijtimoiy-foydali mehnat bo'lib, u yuqorida ta'kidlab o'tilganlardan tashqari, aql va diqqatni, jismoniy kuchni, shijoat va g'ayratni talab etadi.

O'qituvchi mehnatini ilmiy jihatdan to'g'ri tashkil etilishi ularni mustaqil, erkin faoliyat ko'rsatishiga, o'z fikr-mulohazalarini aniq va mukammal bildirishiga, har tamonlama shakllangan komil insonni tarbiyalashga, o'z kasbini puxta o'zlashtiradigan yetuk mutaxassis tayyor-

lashga zamin yaratadi.

O'qituvchi mehnati ilmiy jihatdan to'g'ri tashkil etilishida o'quvchilar bilan olib borilayotgan faoliyatning quyidagi yo'nalishlariga e'tibor berish lozim:

- o'qituvchi va o'quvchilarning ikki tomonlama bir-biriga ta'siri natijalari;
- o'qituvchining o'quvchilar jamoasi bilan ishlay olish qobiliyati;
- sinf jamoasi faollari bilan olib boriladigan pedagogik faoliyatning ijobiy natijalari.

O'qituvchi mehnatini ilmiy jihatdan to'g'ri tashkil etishning quyidagi vositalarga e'tibor berish lozim.

Pedagogik faoliyatni aniq maqsadlar asosida rejalashtirmasdan turib shaxsni va jamoani tarbiyalash va ularni har tomonlama kamol toptirishning ustuvorligini ta'minlash mumkin emas, bu esa jamiyatga ham ijtimoiy, ham iqtisodiy zarar keltiradi. Pedagogik mehnatni nazorat qilish va hisobga olish o'qituvchi faoliyatini muntazam kuzatib borish yutuq va kamchiliklarini aniqlash, muhimlarini ajratib olishni nazarda tutadi. Hisobga olishning eng maqbul yo'li statistik hisobga olishdir. Pedagogik nazorat-

da obyektivlik, omilkorlik, samaradorlik, muntazamlilik va oshkoralik talab qiladi. [1, 85].

O'qituvchi mehnatini nazorat qilish va hisobga olishning muntazamligi, izchilligi quyidagilardan tashkil topadi:

- o'quv materiallari va tarbiyaviy tadbirlarga tayyorlanishni o'zi tomonidan nazorat qilinishi;
- darsdan tashqari vaqtlarda ta'lim-tarbiyani nazorat qilish va o'zining yutuq va kamchiliklarini kuzatish;
- o'qituvchining darsdan tashqari vaqtini o'zi nazorat qilishi;
- ota-onalar va jamoatchilik bilan bajariladigan ta'lim-tarbiyaviy faoliyatni nazorat qilish;
- o'z ustida muntazam ishlash, ijod qilish.

O'qituvchi mehnatini ilmiy asosda har jihatdan mukammal tashkil qilish mamlakatimizning mustaqillik prinsiplariga sadoqatli hamda jamiyat taraqqiyotiga munosib hissa qo'shishga qodir yosh avlodni shakllantirishda muhim ahamiyatga ega. Bunda o'qituvchi o'zining qizg'in mehnatini pedagogik jamoa, ota-onalar, oila, mahalla qo'mitalari, turli jamoatchilik markazlari bilan o'zaro puxta hamkorlikda olib borgandagina ta'lim-tarbiyaning samaradorligi yanada oshadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'g'risida"gi qonuni. // Barkamol avlod – O'zbekiston taraqqiyotining poydevori. – T.: "Sharq", 1997. – 225 b.
2. O'zbekiston Respublikasining "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi to'g'risida"gi Qonuni. //Barkamol avlod – O'zbekiston taraqqiyotining poydevori. – T.: "Sharq", 1997. – 354 b.
3. Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. –T.: "Ma'naviyat", 2009. – 176 b.
4. Inoyatov U. I., Muslimov N. A., Usmonboyeva M. Pedagogikadan 1000 savolga 1000 javob. – 825 b.

MAKTAB TA'LIM PEDAGOGIKASIDA O'QITUVCHI VA O'QUVCHILAR BILAN ISHLASHNI TASHKIL ETISH

Turdali Sultanov,

Chirchiq davlat pedagogika universiteti o'qituvchisi

Annotatsiya

Boshlang'ich maktabda o'qishni endi boshlayotgan o'quvchilar bilan ishlash, ularga ta'lim berish va xulq-atvorining rivojlanishiga erishish juda katta mas'uliyat talab etadi. Bunda pedagogika muhim ahamiyatga ega, chunki u o'qituvchilarga sinfni tashkil qilish uchun eng yaxshi tajribalar haqida tushuncha beradi. Bu ularga turli xil o'quvchilar qanday o'rganishlarini tushunishga imkon beradi, shuning uchun ular o'z darslarini ushbu ehtiyojlarga moslashtirishlari kerak. Natijada, bu ularning o'qitish sifatini oshiradi, chunki u talabalar tomonidan yaxshi qabul qilinadi.

Kalit so'zlar: boshlang'ich ta'lim o'qituvchilari, pedagogika, sifatli ta'lim, bolalar bilan ishlash, boshlang'ich sinf, sinf muhiti, pedagogik maslahatlar.

Аннотация

Работа с учащимися, которые только начинают ходить в начальную школу, обучение и развитие поведения требует большой ответственности. В то же время педагогика важна, поскольку дает учителям представление о лучших методах организации занятий. Это позволяет им понять, как учатся разные ученики, чтобы они могли адаптировать свои уроки к этим потребностям. В результате повышается качество их преподавания, так как оно хорошо воспринимается учащимися.

Ключевые слова: учителя начальных классов, педагогика, качественное образование, работа с детьми, начальная школа, школьная среда, педагогический совет.

Annotation

Working with students who are just starting to go to primary school, learning and developing behavior requires a lot of responsibility. At the same time, pedagogy is important because it gives teachers an idea of the best methods for organizing classes. This allows them to understand how different students learn so they can tailor their lessons to those needs. As a result, the quality of their teaching is improved, as it is well received by students.

Keywords: primary school teachers, pedagogy, quality education, work with children, primary school, school environment, pedagogical council.

Boshlang'ich sinfda pedagogikaning muhim jihatlari har doim inobatga olinishi lozim. Shunday jihatlardan quyidagilar ushbu maqola orqali yoritib borilgan:

- tashkilot;
- umumiy maqsadlar ravshanligi;
- o'quvchilarga beriladigan uy vazifalari;
- sinfdagi muhit (sharoit);
- xulq-atvorni boshqarish;
- birgalikda o'rganish (jamoaviy);
- shaxsiylashtirilgan ta'lim va o'rganish;
- havolalarni aniq qilish;
- dialogik o'qitish va o'rganish;
- o'rganishni baholash.

Tashkilot (dars va uning tashkiliy jihatlari). Boshlang'ich sinf o'qituvchilari doimo yuqori tashkilotchilik qobiliyatiga ega bo'lishi kerak. Ularning resurslari oldindan tayyorlanishi, dars davomida yaxshi boshqarilishi va ayniqsa, o'quvchilarning individual ehtiyojlariga moslashtirilgan bo'lishi kerak. Ular darsda o'z vaqtidan unumli foydalanishlari va mashg'ulotlarning har bir soniyasi muhimligiga ishonch hosil qilishlari muhim. Ushbu turdagi tashkilot muvaffaqiyatli amalga oshirilsa, o'quvchilarda o'ziga ishonch va mustaqillik paydo bo'lishi mumkin.

Boshlang'ich sinf o'qituvchilarining o'quv jarayonini

tashkil etishdagi kamchiliklari, asosan, tartibsiz tashkil etilganligi va resurslarining nomuvofiqligi (maqsadga muvofiq emasligi), o'qitish vaqtining unumdorligi pastligi, o'quvchi kutayotgan natijaning noaniqligida namoyon bo'ladi. o'qituvchilar, sinf tartib-qoidalarini boshqara olmaslik, ta'lim faoliyatini boshqarishdagi xatolar. Darsni pedagogik tashkil etishda o'qituvchining xatolari tufayli o'quvchilarda erkinlik, o'ziga ishonch kabi sifatlar sust shakllangan.

Umumiy maqsadlar ravshanligi. Sifatli o'qituvchilar uchun darslarda keltirilgan tushunchalar va g'oyalar barcha bolalar uchun tushunarli bo'lishini ta'minlash muhimdir. Pedagoglar bolalarning o'quv jarayoniga aralashib, ular darsning asosiy g'oyalarini tushunganliklarini tekshiradilar, agar tushunish tushunarsiz yoki to'liq bo'lmasa, hatto dars yoki sinf davomida qisman o'zgartirishni talab qilsa ham, ularga yordam beradi. Aksariyat o'qituvchilar dars majlisining maqsadi aniq bo'lishiga ishonch hosil qilishsa-da (masalan, doskaga "o'quv maqsadlari" yozish orqali), o'qituvchilar bolalar bu nimani anglatishini tushunishlariga ishonch hosil qilish uchun ayniqsa sabrli bo'lishlari kerak. Albatta, bunday sinflardagi talabalar nimaga erishishlari va buning uchun qancha vaqt ajratilishi haqida juda aniq va tushunarli tasavvurga ega bo'lishlari mumkin [1, 22].

Aksincha, ayrim malakasiz pedagoglar tushuncha va g'oyalarni o'rgatuvchi umumiy maqsadlarni aniq va tushunarli ko'rsata olmaydilar. Bunday hollarda o'qituvchilar o'quvchilarning asosiy tushuncha va g'oyalarni tushunishlarini tekshirish va to'g'rilashda sustroq bo'ladi, ya'ni ular o'z vaqtida tushuntirishlar bermaydilar yoki bolaning qanchalik yaxshi tushunishiga qiziqmaydilar. Ushbu sinflardagi bolalar o'zlarining ta'lim maqsadlaridan xabardor bo'lishsa-da, ular to'g'risida aniq tushunchaga ega emaslar yoki ularga qanday erishish mumkinligi haqida aniq tasavvurga ega emaslar va ularda bu maqsadlarga erishish uchun ozgina e'tibor va motivatsiya mavjud.

O'quvchilarga beriladigan uy vazifalari. A'lo va yaxshi tashkil etilgan o'quv jarayonlari bo'lgan maktablarda o'qituvchilar uy vazifasini yanada mazmunli va bolalarning o'rganayotgan narsalari bilan aniqroq bog'lashga harakat qilishadi. Ular bolalarning tushunchalarini kengaytirish va chuqurlashtirishga qaratilgan uy vazifalariga nisbatan moslashuvchan yondoshishga moyildirlar.

Biroq sifatsiz maktablarda o'qituvchilar uy vazifasini faqat talab qilinganligi sababli beradilar va topshiriqning o'zi bolalarning sinfda nimani o'rganishi bilan bevosita bog'liq emas. Dars davomida yuzaga kelgan imkoniyatlardan foydalanib, o'qituvchilarning uyuq topshiriq berishiga oid boshqa misollar yo'q.

Sinfidagi muhit (sharoit). Sinfidagi iqlim (sinfning umumiy tuyg'usi, o'qituvchi-talaba va o'quvchi-talaba munosabatlaridan dalolat beradi) kichik yoshdagi o'quvchilarning o'quv jarayonida juda muhimdir. Bunda bolalar birinchi jamoaviy birlikni, tengdoshlarini hurmat qilishni, ularga yordam berishni va doimo qo'llab-quvvatlashni shakllantiradilar. Sog'lom sinf sharoitida bolalar bir-birlari bilan sog'lom raqobat va do'stlikni rivojlantirishlari mumkin.

Aksincha, ta'lim sifati past yoki malakasiz o'qituvchilarga ega bo'lgan maktablarda ko'p hollarda bu kichik yoshdagi o'quvchilarda nosog'lom va noxush qarashlarning shakllanishiga sabab bo'ladi. Talabalar bir-biriga dushmanlik va qarama-qarshilik ko'rsatadilar va bir-biriga yordam berish va jamoa bo'lib birgalikda ishlash juda qiyin bo'ladi. Bunday muhit bolalar uchun katta noqulaylik va salbiy oqibatlariga olib keladi. Bunday nosog'lom muhitni shakllantirishda o'qituvchilar nisbatan salbiy, ya'ni talabaga norozilik bildirish, tanbeh berish, yoqtirmasligini bildirish va h.k. sabablarini keltirish mumkin. Noqulay va nosog'lom muhitda o'qiyotgan bolalar juda past muloqot va hamkorlik ko'nikmalariga ega bo'lishi kerak.

Xulq-atvorni boshqarish. Xulq-atvorni boshqarishni ko'rib chiqishda pedagoglar o'rtasidagi uchta farqlarni keltirish mumkin. Yaxshi o'qituvchilardan dars olgan bolalar kamroq bezovtalanishadi va kamdan-kam hollarda tartib-intizomga muhtoj bo'ladi. O'qituvchilar bolalarning xatti-harakatlarini to'g'rilashlari kerak bo'lgan joyda, ular hazil orqali yoki jim eslatma ishlatishadi [2, 22].

Lekin malakasiz pedagoglardan saboq oluvchi bola-

larda intizomning umumiy darajasi odatda past bo'ladi, bolalar ko'proq tartibsizlikka uchraydi va o'qituvchilar ularni tez-tez jazolaydi. Intizom ko'pincha ommaviy bo'lib qoladi va ba'zida tahdidlar, shaxsiy hujumlar, bolalarni sharmanda qilish yoki kamsitish bilan bog'liq bo'ladi. Bu sinflarda tartibsizliklar darajasi sezilarli darajada yuqori va o'qituvchilar "ortiqcha nazorat qilish" — o'qituvchilarning (bolalar emas) ehtiyojlarini o'qituvchining asosiy nutqi bilan qondirishga qaratilgan qat'iy yondashuvlarni qo'llashadi.

Birgalikda o'rganish. Ko'p hollarda boshlang'ich sinf o'qituvchisi bolalar uchun asosiy namuna bo'lib xizmat qiladi, xuddi shunday bolalarga jamoada ishlashni ham pedagog o'rgatadi va bu bolalarning keyinchalik erkin hamkorlik ostida ishlash va o'qishiga zamin yaratib beradi.

Shaxsiylashtirilgan o'rganish va o'qitish. O'z pedagogik bilim va tajribaga ega o'qituvchilar o'z o'quvchilarining ta'lim tajribasini shaxsiylashtirishga moyil bo'ladi. Ular buni o'z sinflarida bolalarning individual ehtiyojlarini hisobga olgan holda, boy va xilma-xil bo'lgan o'quv materiallarini taqdim etish orqali amalga oshiradilar. Ular o'qituvchilarning ajralmasligi bo'yicha (masalan, o'z o'quvchilaridan o'z stollarida qolish, fikr bildirmaslik, bolalarning xatti-harakatlari yoki ehtiyojlarini sezmaslik) va o'quvchilarning o'qishini ijtimoiy qo'llab-quvvatlash, xususan, savodxonlik bo'yicha juda past baholanadi [3, 18].

Haqiqiy pedagogik bilim va tajribaga ega bo'lgan o'qituvchilar bolalarning ehtiyojlariga juda sezgir bo'ladi va o'z o'quvchilari uchun maxsus tanlangan va moslashtirilgan ajoyib o'quv materiallarini taqdim etadilar. Ushbu sinflarda bolalarning individual ehtiyojlari o'qituvchilarning do'stona yondashuvi, yuqori umidlari va mos ravishda qiyin va tabaqalashtirilgan vazifalari orqali qondiriladi. Umuman olganda, o'qituvchilar qo'shimcha va o'quv dasturlari o'rtasidagi aloqalarni aniq ko'rsatish holatlari ko'p uchramaydi. Haqiqiy pedagog o'qituvchilar aniq darsdan tashqari sohalar bilan aloqa o'rnatishda yaxshiroq va izchil harakat qiladi.

Dialogik o'qitish va o'rganish. Boshlang'ich sinf yoshidagi bolalar uchun dialogik ta'lim darajasi juda muhim ahamiyat kasb etadi. O'quvchilar va o'qituvchilarning dialogik o'qitish va o'rganishdan foydalanishga tahlildan foydalanganliklari va o'quvchilar bilimi va tushunchalarining chuqurligini rivojlantiruvchi munozara, muloqot va fikr almashish kabi metodlar bilan fan yoki mavzu haqida kengroq tushunchaga ega bo'lishni keltirish mumkin.

O'rganishni baholash (AfL). Haqiqiy pedagoglar bolalarni nafaqat o'qitadi, unga o'rgatadi, balki uning o'rganish jarayoni va progressni ham tekshirib boradi. Shuningdek, o'quvchilarning bilimini mustahkamlashga ham yordam beradi. Bunda, bolalarga taqdim etilgan o'qituvchining tavsifi va izohlari ularning o'rganishini baholashning eng asosiy va oddiy usulidir. Ammo bolalarning o'rganishini ularga o'z o'rganagan bilimlarini qayta ko'rib

chiqish, takrorlash uchun ko'proq imkoniyatlar yaratish orqali yordam berish mumkin

Kichik yig'ilishlar. Pedagoglar sinf o'quvchilari bilan tez-tez kichik yig'ilishlar o'tkazish orqali ko'proq muhokama qilish, muammolarni chuqurroq o'rganish va darsda yoritilgan ish va tushunchalarni kengaytirish uchun foydalanishi maqsadga muvofiq bo'ladi [4, 78].

TIMSS tadqiqoti o'quv dasturiga yondashuvi juda aniq va tushunarli. U o'quv dasturini uchta darajada tadqiq qilishni belgilab beradi: mo'ljallangan o'quv rejasi, amalga oshirilgan o'quv dasturi va erishilgan o'quv dasturi.

Ular quyidagilar bilan ta'riflanadi:

a) Maqsadli — jamiyatlar o'quvchilarni nimalarni o'r-ganishini maqsad qilgan va bu talablarga javob beradigan

ta'lim tizimlari qanday tashkil etilgan;

b) Amalga oshirilgan — sinflarda aslida nima o'qitiladi, kim uni o'rgatadi va u qanday o'qitiladi

c) Erishilgan — o'quvchilar nimani o'rgandilar.

Melhuish va uning hamkasblari boshlang'ich sinflarda o'qitish pedagogikasining samaralilik darajasini quyidagicha izohlaydi (2006):

Xulosa qilib aytganda, prognoz qilinganidan ko'ra ko'proq o'sishga erishgan va yuqori natijalarni qayd etgan sinflarda pedagogik yondashuvlarning samaradorligi darajasi ancha baland hisoblanadi. Aksincha, prognoz qilinganidan ko'ra kamroq o'sishga erishgan va uncha yuqori bo'lmagan natijalarga ega bo'lgan sinflarda pedagogik yondashuvning samaradorligi kam hisoblanadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Romaniuk, H., Sammons, P., Sylva, K., Siraj-Blatchford, I. & Taggart, B. (2006a). Samarali Maktabgacha va boshlang'ich ta'lim 3-11 loyihasi (EPPE 3-11): Boshlang'ich ta'limning samaradorligi 2002, 2003 va 2004 yillar uchun asosiy bosqich 2da Angliyadagi maktablar (To'liq hisobot). London universiteti. — 626 b.
2. Karnegi, Deyl. Do'st orttirish va odamlarga ta'sir ko'rsatish. — T.: Yangi asr avlodi, 2010. — 720 b.
3. Bakhtiyorovna I. K. Methodological Conditions for the Organization and Management of Working with Difficult and Idle Students // CENTRAL ASIAN JOURNAL OF LITERATURE, PHILOSOPHY AND CULTURE. — 2021. — T. 2. — №. 10. — 452 b.
4. Bahronovna R. G. Epic Interpretations of the Image of Trees in Uzbek Folk Tales //European Journal of Life Safety and Stability (2660-9630). — 2021. — T. 12. — C. 330 b.

ИНТЕГРАЦИЯ МУЛЬТИМЕДИЙНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В САМООБРАЗОВАНИЕ

Галина Шадыбаева,

Старший преподаватель кафедры методики преподавания точных и естественных наук Национального центра по обучению новым методикам педагогов Самаркандской области

Аннотация

Статья посвящена актуальному вопросу повышения качества самообразования с использованием мультимедийных технологий. Для освещения темы статьи были использованы научно-исследовательские разработки зарубежных и отечественных ученых. Выводы из статьи могут быть использованы в системах высшего и среднего образования.

Ключевые слова: мультимедиа, самообразование, знания, компетенции, саморефлексия.

Annotatsiya

Maqola multimedia texnologiyalaridan foydalanigan holda o'z-o'zini tarbiyalash sifatini oshirishning dolzarb masalasiga bag'ishlangan. Maqola mavzusini yoritish maqsadida xorijlik va mahalliy olimlarning ilmiy tadqiqot ishlanmalaridan foydalanildi. Maqoladan olingan xulosalarni oliy va o'rta ta'lim tizimlarida foydalanish mumkin.

Kalit so'zlar: multimedia, o'z-o'zini tarbiyalash, bilim, kompetensiyalar, o'z-o'zini aks ettirish.

Annotation

The article is devoted to the urgent issue of improving the quality of self-education using multimedia technologies. In order to cover the topic of the article, scientific research developments of foreign and domestic scientists were used. The conclusions drawn from the article can be used in higher and secondary education systems.

Key words: multimedia, self-education, knowledge, competencies, self-reflection.

Современное общество называют информационным не потому, что почти ко всей информации есть открытый доступ. А потому, что эта информация ежедневно увеличивается в объемах. Сфера образования и самообразования здесь не исключение. Эта сфера включает в себя сочетание новых разработок с проверенными технологиями, что дает повышенный коэффициент отдачи.

В «Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах», указаны важные ориентиры по развитию и воспитанию современной молодежи, способной осваивать новые учебные дисциплины, повышающие их профессиональную компетентность и будущий карьерный рост.

За последние годы в нашей стране огромное внимание уделяется вопросам внедрения в образовательный процесс инновационных методов обучения. Согласно постановлению Кабинета Министров Республики Узбекистан от 25 июля 2012 года № 228 «О создании центра внедрения электронного образования в образовательных учреждениях при Министерстве высшего и среднего специального образования республики Узбекистан» на сегодняшний день в Узбекистане интенсивно используются информационно-образовательные ресурсы в высших учебных учреждениях; внедрен E-learning, повышающий информационную и мультимедийную компетентность обучающихся; разрабатываются единые государственные требования к электронным методическим и другим образовательным информационным ресурсам [1]. Проводится анализ и мониторинг управляемых информационных

услуг в образовательных учреждениях.

В современных условиях развития образования и подготовки высококвалифицированных кадров одну из важнейших ролей играет умение преподавателей адаптироваться к меняющимся условиям жизни, самостоятельно приобретать необходимые знания, уметь их анализировать и применять на практике для решения определенных задач, критически мыслить, грамотно работать с информацией, заниматься самообразовательной деятельностью.

Самообразование выступает как обязательный компонент и связующее звено между базовым (общим и профессиональным) образованием и периодическим повышением квалификации, переподготовкой. Высшее образование может быть только самообразованием. Профессиональное самообразование — составная часть профессиональной подготовки, которая должна быть пронизана творчеством, способствовать развитию и саморазвитию каждого учителя и служить основным принципом индивидуально-творческого подхода [3, 35].

Непосредственная работа с различного рода информацией — залог развития оптимального для существования в современных условиях мышления и мировоззрения.

Поскольку «самообразование есть преломление и отражение образовательного процесса в сознании» то как и Безниско Е.Д. можно рассмотреть самообразование как добровольную активную ценностно-смысловую, мотивационную, творческую профессиональную деятельность, направленную на освоение современных технологий обучения

На смену процессам воспитания, образования и обучения приходит период самореализации в форме самовоспитания, самообразования, самосовершенствования, связанного с реализацией творческого замысла и получением искомого результата. Чем выше уровень развития личности, тем больше она испытывает потребность в самореализации и самосовершенствовании. Ушинский К.Д. отмечал, что ученик должен учиться сам, а педагог дает ему материал для учения, руководит учебным процессом. Следовательно, при правильном воспитании ученик не столько объект педагогического воздействия, сколько субъект, активный участник собственного воспитания

Усовершенствование всех методов самообразования требует расширить применение мультимедийных технологий. Этот современный подход позволяет создать совершенно новую систему профессионального развития работников народного образования, при этом значительно увеличить эффективность занятий и индивидуализировать процесс самостоятельного получения знаний.

Применение новых информационных технологий, в нашем случае мультимедиа, позволяет на новом, более качественном уровне решать поставленные перед педагогами задачи. Автоматизация и информатизация включена в состав наиболее приоритетных научно-технических программ всех промышленно развитых стран мира. В соответствии с концепцией информационного общества прогнозируется формирование нового типа общественного устройства - информационного общества, в котором роль информации и знаний принципиально меняется [2, 105].

Современные ученые, рассуждая о концепциях информационного общества, полагают, что основой его новой образовательной системы должны быть современные информационные и коммуникационные технологии хранения, обработки и передачи информации, которые дополняются традиционными информационными технологиями.

Уже давно известно, что люди разделяются на несколько типов по методу восприятия информации – визуально, с помощью слуха или практического применения, но существуют и другие более тонкие грани личностей, которые не учитываются при создании равных условий, а ведь наклонности и скорость обработки поступающей информации у всех разные.

Уникальные возможности использования мультимедийных технологий в образовании характеризуются явными преимуществами:

- тонкая настройка методов для вариативного получения знаний;
- развитие индивидуальных личностных качеств;
- активное участие в процессах обучения;
- повышенный уровень качества изложения материала;

- использование интуитивно понятных методов;
- творческий подход и прямое взаимодействие с учаемыми предметами [5, 100].

Новая образовательная система возникает как система открытого, гибкого, индивидуализированного, созидющего знания непрерывного образования человека в течение всей его жизни, одной из форм которого является самообразование человека посредством новых мультимедийных технологий.

Поэтому появляется необходимость интенсивного внедрения современных мультимедийных технологий в обучение, которая обусловлена следующими требованиями:

- требованием повышения качества подготовки высококвалифицированных кадров для системы народного образования. Это необходимое условие ускорения научно-технического прогресса во всех сферах экономики Узбекистана;
- требованием формирования у преподавателей пользовательских навыков в работе с вычислительной техникой и использованием компьютерных информационных технологий;

Философско-психологический анализ информатизации в аспекте отношений «человек-компьютер» является важной задачей, решение которой позволит обосновать общие мировоззренческие установки в применении ИКТ в образовании. Создание и использование средств вычислительной техники в образовании выдвигает перед философией новые теоретико-методологические проблемы, а именно: проблемы отношений человека и машины в процессе информатизации общества, философские проблемы развития вычислительной техники, социально-философские проблемы информатики и др.

Проведя анализ работ Н.Н. Моисеева, А.И. Ракитова, А.Д. Урсула и др. к числу основных тенденций развития информационных процессов в современном обществе следует отнести:

- постоянное увеличение объема циркулирующей в социуме общезначимой информации, обеспечивающей выживание, адаптацию, развитие и преобразовательную деятельность общественных групп в различных социоприродных условиях;
- все более и более интенсивный процесс «уплотнения знаний», обуславливающий неаддитивный характер накопления общезначимой информации в социосфере;
- рост интенсивности общения (и происходящего в ходе него обмена информацией) в рамках хозяйственной, политической и когнитивной структур жизнедеятельности, находящее свое выражение в развитии различных организационных форм и средств общения; возрастание скорости передачи сообщений; увеличение пропускной способности каналов связи;

неуклонный рост числа актов личного и группового общения;

– увеличение доли «интеллектуальных» ресурсов в общем объеме материальных благ; увеличение объема операций и процедур для управления и контроля над общественным производством и социально значимой деятельностью;

– все более и более широкое применение средств новых информационных технологий в различных областях человеческой деятельности предопределяет неизбежность процесса перевода большей части социальной памяти на электронные носители информации.

Эта нацеленность на совершенствование образования порождает не только объективную необходимость перехода от современной системы обучения к системе непрерывного образования, что отмечается во многих работах, но и «предопределяют неизбежность пересмотра целей общего обязательного образования, главной целью и критерием целесообразности которого становится... способность личности к самообразованию»

В педагогике и психологии определены основные и существенные характеристики самообразования. Педагогическая наука интегрирует выводы других наук и изучает технологическую сторону становления личности в процессе самообразования. Педагогика исследует сам процесс самообразования, условия и средства развития саморазвивающейся личности, основные пути и средства развития психических новообразований, образующихся у личности в процессе самообразования [4, 43].

Телекоммуникационные сети и Интернет, занимают сейчас центральное место в новых методах преподавания и обучения, открывают пути, которые обеспечивают неограниченный доступ к информации и знаниям. Это позволяет учитывать гибкость временных и пространственных барьеров и увеличивают взаимодействие. Всемирная Сеть определенно изменила различные отношения в образовательной сфере и сделала возможным появление новых методов

преподавания и обучения, которые, в свою очередь, требуют радикальных педагогических изменений и переосмысления традиционных педагогических моделей преподавания и обучения. Гибкость пространства-времени, обусловленная интеграцией ИКТ в процессы преподавания и обучения, способствует увеличению взаимодействия и восприятия информации. Такие возможности предполагают изменения в моделях коммуникации и используемых методах преподавания и обучения. учителями, уступая место новым сценариям, которые благоприятствуют как индивидуальному, так и совместному обучению, и самообразованию».

И хотя телекоммуникационные сети представляют собой мощные хранилища информации и компьютеры становятся важными центральными инструментами в процессах преподавания и обучения, их образовательный потенциал может быть минимальным, если он не сопровождается другими педагогическими мерами. Мультимедийные технологии предлагают разнообразные возможности для самообразования, которые требуют от нас, педагогов, переосмысления и переопределения традиционных и незыблемых педагогических моделей.

Интеграция мультимедийных технологий в образование и самообразование порождает ряд преобразований, которые модифицируют все элементы, участвующие в образовательном процессе: организацию, учащихся, учебную программу и главным образом, они влияют на роль, функции и отношение учителя.

Таким образом самообразовательная деятельность преподавателя посредством мультимедиа – это многокомпонентная, личностно и профессионально значимая самостоятельная познавательная деятельность, направленная на трансформацию процесса обучения в процесс самообразования. Эта деятельность способствует формированию ключевых компетентностей преподавателей и обуславливает особенности получения информации образовательного характера посредством мультимедиа технологий.

ИСПОЛЬЗОВАННЫЕ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. *Постановление Президента Республики Узбекистан / <https://lex.uz/>*
2. *Bell D. The Social Framework of Information Society// The Computer Age: A twenty year view. London: 1981. – p. 206*
3. *Управление современным образованием: социальные и экономические аспекты / Под ред. А.Н. Тихонова. – М.: Вита-Пресс, 1998. – 256 с.*
4. *Смолян Г.Л., Шошиников К.Б. Феномен персональной ЭВМ: Философско-методологический аспект // Вопросы философии. – 1986. – №6. – С. 42-55.*
5. *Гергей Т., Машбиц Е.И. Психологические проблемы эффективности применения компьютеров в учебном процессе. // Вопросы психологии. – 1989. – № 3. – С. 105.*

КОМПЕТЕНТЛИ ЁНДАШУВ МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ ЯНГИЛАШ ОМИЛИ СИФАТИДА

Анвар Ахатқулов,

Жиззах давлат педагогика университети ўқитувчиси;

Савронбек Турсунмуратов,

Жиззах давлат педагогика университети ўқитувчиси

Аннотация

Бугунги кунда жамият учун бутунлай янги даражадаги мутахассис талаб қилинмоқда. У фаол ижодий фикрловчи, изланувчан, керакли ахборотланни мустақил равишда излаб топа оладиган ва уларни ўз амалий фаолиятида қўллай оладиган мутахассис бўлиб етишиши лозим. Шунинг учун ҳам мактаб таълимини ислоҳ қилиши, янгилаши, такомиллаштиришида замон талабларига жавоб берадиган битирувчиларни тайёрлашнинг асосий йўлларида бири компетентли ёндашув ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан мактаб таълими давлат таълим стандартлари такомиллаштирилди, яъни бунда ўқувчиларнинг билими, кўникмаси ва малакаларини шакллантиришдан энди асосий эътибор уларда таянч ва фанга оид компетенцияларни шакллантиришга қаратилмоқда. Мақолада айнан шу масалаларга урғу берилди.

Калим сўзлар: компетентлик, компетентли ёндашув, мактаб, таълим, педагогика, педагог.

Аннотация

Сегодня обществу требуется совершенно новый уровень мутахассиса. Он должен стать активным творческим мыслителем, любознательным учеником, способным самостоятельно искать и использовать информацию в своей практической работе. Вот почему необходим более грамотный подход в процессе реформирования, обновления и совершенствования школьного образования, чтобы найти выпускника, отвечающего запросам времени. В связи с этим была усовершенствована государственная программа школьного образования, то есть вместо формирования знаний, умений и навыков учащихся основное внимание теперь уделяется формированию базовой и предметной компетенции. Статья посвящена этим вопросам.

Ключевые слова: компетентность, компетентный подход, школа, образование, педагогика, педагог.

Annotation

Today, a completely new level of mutaxaccic is required for society. He should become an active creative thinker, inquisitive, a student who is able to independently search for and use the information in his practical work. That's why a more competent approach is needed in the process of reforming, updating, and improving school education in order to find a graduate who meets the needs of the times. In this regard, the state curriculum of school education has been improved, that is, instead of forming the knowledge, skills and qualifications of students, the main focus is now on the formation of basic and subject-related competence. The article focuses on these issues.

Keywords: competence, competent approach, school, education, pedagogy, pedagogue.

Таълим жараёнига анъанавий ёндашув амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, мактаб битирувчиларининг кўпчилиги ўзлаштириган билим, эгаллаган кўникма ва малакаларидан ўзларининг келажакдаги ҳаётини ва таълимий фаолиятида самарали фойдалана олмапти. Таълим жараёнига компетентли ёндашув эса қуйидагиларни амалга оширишга имкон беради: ўқитиш мақсадларини таълим олувчиларнинг шахсий мақсадлари билан мувофиқлаштириш; таълим олувчиларнинг мустақиллиги ва масъулиятининг доимий ошиши ҳисобига ўқитувчининг меҳнатини осонлаштириш; ўқувчиларни ўқув материал мазмуни ҳажмини қисқартириш ҳисобига эмас, балки индивидуал мустақил таълим улушини ошириш ҳисобига банд қилиш; ўқув ва тарбия жараён бирлигини назарияда эмас, балки амалиётда таъминлаш; таълим олувчиларни онгли ва маъсулиятли таълим олишга тайёрлашди.

Хорижий муаллифларнинг компетенциявий ёндашувга бағишланган тадқиқотларида таъкидланишича, мактабда ўқитиш тизими эскирди ва таълим истеъмолчилари бўлган олий таълим, ота-оналар ва жамоат-

чиликни қониқтирмай қўйди. Муаммо, ўқувчилар олган билимларини қайта намоён қила олишса-да, лекин уни мустақил равишда кундалик ва келажак фаолиятида яъни кейинчалик ўқишни давом эттиришга ёки ишлашга тайёр эмаслигидадир. Шу асосда, кўпгина Европа мамлакатларидаги таълим тизимида ислохотлар ўтказилмоқда ва ташкил этилмоқда. Бунда ўзгаришлар марказида таълим мазмуни, ўқитиш методикаси ва таълим жараёни технологияси туради.

Шундай қилиб, компетенциявий ёндашув муаммоси бошқача характерга эга бўлади: гап ҳар бир инсоннинг яроқлилигини объектив ва ишончли баҳолашга ҳамда фаолияти сифатининг аниқ мезонларини ишлаб чиқишга имкон берадиган тизимли ёндашув ҳақида боради. Лекин бугунги кунга қадар компетенциявий ёндашувнинг илмий мезонлар базаси турлича қарашлар, ёндашувлар асосида бойитилмоқда. Бу йўналишда турли хусусий, илмий-методик ишланмалар мавжуд.

Замонавий таълим, компетенциявий ёндашувда иккита асосий тушунчани ажратиб кўрсатади: компетенция ва компетентлик. Компетенция “предметлар ва

жараёнларнинг маълум доирасига нисбатан бериладиган шахснинг ўзаро боғланган сифатлари мажмуаси” [3, 63], “компетентлик – инсон томонидан тегишли компетенцияларни эгаллаганлиги ва унга нисбатан ва фаолият предметига нисбатан шахсий муносабатини билдиради” [3, 62]. Эътибор берилса, компетентлик ва компетенция ўзаро бир-бири билан боғланган. Ўз навбатида, ўқув фанига оид компетенциялар дейилганда “ўқув фани доирасида шакллантириш имконияти бўлган ва конкрет таснифга эга бўлган тушунча” лар ҳақида гап кетади. Бизнинг тадқиқот ишимизда умумий ўрта таълимда информатика ва ахборот технологиялари умумтаълим фани доирасида ўқувчиларда ахборот билан ишлаш компетенциясини ривожлантириш масаласи қараб чиқилади.

А.И.Субеттонинг фикрига кўра, компетенциявий ёндашувни интерпретация қилишнинг чегараси ва камчилиги бор. Уни фақат амалдаги билим, кўникма ва малакалар тизимига кўшимча сифатида қараш мумкин. Компетенциявий ёндашувнинг чекланганлиги шундаки, инсон ички дунёсининг барча бойлигини тўлақонли ва кўп тимсолли ҳолда акслантирмайди. Шахсни тарбиялаш ва ижтимоийлаштириш жараёнини бир бутун ҳолда қамраб олмайди [2, 161].

Европа тажрибасига таянган ҳолда бугунги кунда Ўзбекистон таълим тизимида компетенциявий ёндашувдан самарали фойдаланиш шахсни ҳар томонлама гармоник ривожлантиришга имконият туғдиришини қайд этишимиз мумкин. Яъни у бевосита таълим жараёни ва ўқувчилар билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлайдиган компетенциялар билан боғлангандир. Экспертларнинг таҳлили, баҳолаши ва хулосасига кўра, кейинги ўн йилда компетенциявий ёндашув тушунчаси, категория сифатида таълимга, педагогик аппарат тушунчасига кириб келди. Таъкидлаш жоизки, Европа таълим системаси учун кейинги ўн йилликда пайдо бўлган компетенциявий ёндашув тушунчаси табиий бўлса, Ўзбекистон таълим тизими учун янгилик ҳисобланади. “Компетенциявий ёндашув” атамасининг пайдо бўлиши, ўз навбатида, педагогиканинг ўзига хос мавжуд категориялар тизимини қайта кўриб чиқиш масаласига таъсир қилди. Шундай қилиб, ватанимиз педагогикасида компетенциявий ёндашув тушунчаси кўпгина янги талқинларга эга ва унинг тушунчалар нуктаи назаридан ва методологик аппарат жиҳатидан англаб етишни талаб қилади [1, 56].

Нафақат республикамиз, балки бутун дунёда таълим олувчининг объект ва субъект сифатида фаолияти ва уни ўрганиш, уларга бўлган муносабат ва ёндашувлар ўзгарди. Зеро, бугунги кун ўқувчиси олаётган маълумот манбаалари: XIX асрдаги мактаб дарслиги, педагогнинг интерпретацияси, 2-3 та радио узатишлар ва чегараланган вақтли нашрлар билан чегараланиб қолмайди. Ахборот узатиш ва қабул қилишнинг XXI асрдаги имкониятлари

прогрессив тарзда ўсди. Бу эса, айти пайтда, бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Хусусан, ўқувчиларни интернет (том маънодаги ўргимчак тўри)дан ажратиб бўлмайди. Ўқувчи улкан маълумотлар базасидан ўзига ёқадиганини, энгил ҳазм бўладиганини эмас, илмий келажак ва кундалик ҳаётида керакларини ажратиб олиш заруратини келтириб чиқарди. Масаланинг иккинчи томони, улкан ҳажмдаги маълумотлар базасидан зарурий маълумотларни танлаш кўникмаси ҳали ўқувчиларда шаклланмаган ва учинчидан, бундай маълумотларнинг ҳар бирини кўриб, уларни таҳлил қилиш учун ҳам анчагина вақт талаб этади. Компетенциявий ёндашувда ўқувчи субъектининг таълим объекти сифатида қаралиши ва таълим мазмунини, ўқувчилар қизиқишини инobatга олган ҳолда бошқа маълумотлардан унинг устуворлигини оширишга қаратилган. Шунга мувофиқ, республикамиз таълим тизимининг сифатини яхшилашга имкон бериши табиий. Лекин буни таълим тизимига тўғри сингдириш, моҳиятини чуқур англаш ва унинг тўғри талқин қилинишини доимий назоратда тутиш керак бўлади.

Компетенция ва компетентлик тушунчалари ҳақида фикр юритиб И.А.Зимняя “бу атамалар бир-бирига яқин, лекин аҳамияти жиҳатидан мос тушмайди”, деб таъкидлаган. Мактаб таълим тизимида бу тушунчаларнинг пайдо бўлиши таълим мазмунида, методларида, ўқувчиларнинг мактабни битириш пайтида эгаллаши шарт бўлган фаолият турларида қатор ўзгаришлар бўлишига олиб келади. Таъкидлаш жоизки, зарурий компетенцияларни эгаллаш, фаолиятга оид тажрибалар орттириш билан яъни компетенция ва фаолият бир-бири билан мустаҳкам боғлиқ [1, 99].

Бизнингча, компетенция илмий категория бўлиб, ўқувчи эгаллаши керак бўлган билим, малака ва кўникмаларни маълум синфларга бўлиб беради. Компетенция мазкур компетенцияларнинг ўқувчи шахсининг онги ва онг остида шаклланган, илмий асосланган диний ва дунёвий тушунчаларни ўзида сингдириш ва уларга амал қилиши билан изоҳланади. Демак, ўқувчиларда белгиланган компетенцияларнинг шаклланиши, компетентликнинг эса ривожланиши хусусида гапириш мумкин. Мазкур компетенциялар турлича номда ва мазмунда бўлиши мумкин.

А.В.Хуторскийнинг компетенция ва компетентлик тушунчаларига берган таърифлари нуктаи назари алоҳида аҳамият касб этади. Тадқиқотчи мазкур тушунчаларнинг лотин илдизларига диққат қаратади: лотинчадан “competentia” – сўзининг таржимаси, бу инсон томонидан яхши хабардор бўлган, билган ва маълум тажрибага эга бўлган масалалар доирасидир. Демак, унинг илгари сурган ғоясига кўра, маълум бир соҳада фаолият кўрсатишга имкон берадиган зарурий билим ва кўникмаларга эга бўлган шахсни компетентли шахс дейилади.

Бошқа олимларнинг компетентлик муаммоси-

га тегишли бўлган қарашларига назар ташлайлик. В.А.Болотов ва В.В.Сериковлар ўз ишларида компетентлик дейилганда “ўқимишли, билимли, кўникмали бўлиш усули, шахсий ўзлигини намоён қилишга имкон берадиган тушунчалар жамланмасидир”. Демак, компетентлик, ўқиш жараёнининг бўлаги бўла туриб, ўқиётганларнинг шахсий сифатига боғлиқ бўлади. А.Н.Щукин “компетентлик – бу шаклланган компетенция асосида фаолият юритиш қобилиятини белгиловчи шахс хусусияти” деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, компетентлик шахснинг қандайдир фаолият турини эгаллаши билан характерланади.

Шундай қилиб, мазкур ҳолатда компетентлик фақатгина билиш категорияси сифатида эмас, балки шахсият категорияси сифатида ҳам қаралади. Кўпчилик тадқиқотчилар компетентлик тушунчасини фаолиятни амалга ошириш мақсади ва воситасини англаш билан боғлашади. Юқорида айтилганларга кўра, компетентлик тушунчасига нисбатан турли нуқтаи назарлар, мазкур тушунчани худди комплекс структура каби талқин қилиш кераклигини исботлайди. Бу структура таркибига қуйидаги элементлар кириди: зарурий билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш; қандайдир фаолиятни бажариш қобилиятини аниқловчи шахс хусусиятлари; касбий хусусиятлар тўплами; шахснинг тегишли компетенцияларни эгаллаши. Юқорида келтирилган В.А.Болотов, И.А.Зимней, В.В.Краевский, В.В.Сериков, А.И.Субетто, Н.Хомский, А.В.Хуторской ва бошқаларнинг таърифларига таянган ҳолда мазкур тадқиқотимизда компетентлик дейилганда, шаклланган компетенциялар асосида шахснинг қандайдир фаолиятида ўзини самарали равишда рўёбга чиқара олиши деб тушунализ.

С.И.Ожегованинг изоҳли луғатида эса қандайдир соҳада билимдон ва лаёқатли шахсни компетентли шахс деб ҳисоблаган. Бундай вақтда касбий компетентлик у ёки бу соҳадаги фаолият учун назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Компетентлик учун берилган барча ишчи таърифлар талқини бир-бирига жуда ўхшаш ва кўп ҳолларда бир-бирини такрорлайди. Бу бевосита “компетенция” атамаси учун ҳам тааллуқли бўлиб, унинг “маълум бир соҳага оид билим ва тажриба”, “кимдир яхши биладиган масалалар соҳаси” каби талқинлари мавжуд.

И.А.Зимняя эса компетентликни “билимларга асосланган, инсоннинг ижтимоий ва касбий ҳаёти фаолиятининг интеллектуаллик даражаси ифодаси” деб талқин этган.

Д.А.Иванов касбий компетенцияларни жамият учун муҳим муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган барча амалий хатти-ҳаракатларининг самарадорлигини баҳолаш натижасида компетентли деб топилган шахсга нисбатан бериладиган шахсий сифат деб ҳисоблайди [3, 256].

Компетенция инсонда мураккаб ва олдиндан кўра

билиб бўлмайдиган ранг-баранг ишчи вазифаларда йўналиш олиш қобилиятини ривожлантириш, ўз фаолияти натижалари ҳақида тасаввурга эга бўлиш, шунингдек, улар учун масъулият ва жавобгарликни кўзда тутати. Бу каби ёндашувнинг шаклланишида замонавий “билимлар иқтисодиёти” нинг объектив талаблари саналадики, бунда муваффақиятли фаолият учун билимлар эмас, балки ҳаётий ва касбий муаммоларни ҳал қилишда намоён бўладиган умумлашган билим, кўникма ва малакалар, чет тилида мулоқотга қодирлик, ахборот технологиялари соҳасида тайёргарлик тобора аҳамиятли ва самарали тармоқ саналади.

Компетенцияни таърифлаб таълимий компетенция таълимга шахсга йўналтирилган ёндашувнинг тизимли хусусиятлари эканлигини, улар фақат таълим олувчи шахсига тегишли ва фақат муайян ҳаракатлар мажмуасини амалга ошириш жараёнида текширилишини қайд этиш мумкин. Амалий компетенцияларга эга бўлиш эса инсоннинг ижтимоий ва психологик етуқлигини кўрсатади. Ўзлаштирилган билим ва шаклландиган кўникмалар ДТС талабларига мос келадиган даражадаги шахснинг ривожланишига ҳисса қўшади.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, умумлашган ҳолда шахснинг касбий компетенцияси моҳиятини аниқлайдиган компетенция тушунчасининг асосий тавсифини қуйидагича ифодалаймиз: компетенция аниқ бир соҳадаги маҳсулдор фаолият учун зарур бўлган субъектнинг ўзаро бир-бири билан боғланган сифатлари (касбий, умуммаданий) мажмуасини ўз ичига олади. Бу маҳсулдорлик даражаси эса, субъектнинг компетентлик даражасини, яъни унинг мос компетенцияларга эгаллик даражасини баҳолайди.

Мактаб ўқувчиларида компетентликни шакллантиришда уларда муаммоли вазиятларда аниқ қарор қабул қила олиш қобилиятларини ривожлантириш, таълим йўналиши ўқув режасидаги фанлар бўйича ахборотлар олиш имкониятига эга бўлишлари учун фанлараро ўзаро алоқадорликка эришиш асосида муаммоли вазиятли топшириқларни ишлаб чиқиш ва уни тизимлаштириш, таълимнинг янги шаклларида фойдаланиш, фундаментал билимларни ўзлаштиришда фанлараро узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш, умумтаълим фанларининг умумкасбий ва мутахассислик фанлари билан ўзаро алоқаси кўп қиррали муаммо бўлганлиги сабабли назарий ва амалий жиҳатларини илмий асослашни компетентли ёндашувини жорий этишни тақозо этади.

Бугунги кунда мамлакатимиз узлуксиз таълим тизимига жадал суръатлар билан жорий этилаётган компетентли ёндашув ўзида жаҳонда рўй бераётган интеграциялашув ва мобиллашув жараёнларининг глобал тенденцияларини акс эттиради. Унда асосий эътибор таълим муассасалари, шу жумладан, умумий

ўрта таълим мактаблари битирувчиларини бўлажак касбий фаолиятга тайёрлашнинг амалий жиҳатлари-га, ўқувчиларда мустақил таълим олиш компетенцияларини ривожлантиришга қаратилган. Компетентли ёндашув таълимни шахсга йўналтирилган ёндашув асосида ташкил этишга имкон беради, асосий эътибор эса унинг эришган таълимий ютуқларининг сифатига қаратилади. Таълимий ютуқлар бу оддий таълим олувчи томонидан тўпланадиган маълумотлар жамламаси эмас, балки унинг келажақда турли хил ҳаётий ва касбий вазиятларда ишлай олишга қобилиятлигидир.

Мактаб таълимини ривожлантиришда компетентли ёндашувнинг аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади: “компетентлик” мактаб таълимининг умумий мақсадига, яъни фаол ва мослашувчан, ўз-ўзини ривожлантириш ва ўзини такомиллаштиришга қобилиятли битирувчини тайёрлашга имкон беради; мактаб таълимининг мазмуни замонавий бозор талабларига жавоб берадиган самарадорлик мезонлари бўйича шакллантирилиши керак; умумий ўрта таълим стандартида ўз аксини топган битирувчининг компетентлиги таълим мазмунини ўзлаштириш методларни янгилашда ифодаланади; компетентли ёндашув назарий билим, амалий кўникмалар, тажриба, қадриятли йўналганликни бир бутунга бирлаштириб интегративлик хусусиятига эга; компетентли ёндашувни амалга ошириш таълим натижаларини баҳолаш методларини ўзгартиради.

Умумий ўрта таълим мактабларида информатика ва ахборот технологиялари умумтаълим фани бўйича ташкил этиладиган компетентли таълим жараёнидаги янги таълимий мазмун, янги ўқитиш технологияси, ўқитувчилар ва ўқувчилар, шунингдек, ўқувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар орқали шакллантирилади. Бундай ўзора муносабатлар эса ҳам пассив, ҳам фаол мулоқот кўринишда бўлиши мумкин. Пассив мулоқотда ўқувчилар ўқув жараёни объекти, тингловчи, ўқитувчининг баёнини ёзиб олувчи ва дарс жараёнини кузатувчиси сифатида иштирок этади. Фаол мулоқотда эса ўқувчи таълим жараёни субъекти сифатида иштирок этади ва шахслараро мулоқотни (ҳал этилиши кўзда тутилган муаммоларни биргаликда муҳокама қилиш, ўқув ва касбий мазмундаги лойиҳалар яратиш, ҳақиқий ҳамкорлик муҳитида ишлаш, таълим олувчиларда ўзларининг ғоялари тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш) амалга оширади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Агаркова Т.И., Игнатович Е.В. *Управление развитием инновационной образовательной среды: учеб. метод. пособие, перераб. и доп.* – Петрозаводск: Изд-во ПетрГУ, 2010. – 150 с.
2. Александров К.В., Голубева, К.Г., Александрова А.В. *Технология разработки электронного контента для развития умений чтения и аудирования // Трансформация системы обучения иностранному языку в условиях применения электронного контента Иностр. яз. в шк. – 2014. – № 8. – С. 200.*
3. Андреев А.А. *Педагогика в информационном обществе, или электронная педагогика // Высшее образование в России. – 2011.*

Компетентли ёндашув асосида ўқувчиларни таълимий фаолиятга тайёрлашда ўқитувчи ва ўқувчилар, шунингдек ўқувчилар ва ахборот манбаалари (компьютер, интернет, босма китоб) ўзаротаъсирлашувига асосланган интегратив ўқитиш методлари муҳим рол ўйнайди.

Замонавий мактаб таълими мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш тенденциялари, жамиятда интеллектуал ўзгаришларнинг тез суръатлар билан ошиб боришига мос бўлиши керак. Чунки, мактаб ўқувчиларини таълимий фаолиятга тайёрлашда мультимедия муҳитида, дастурий маҳсулот яратиш ва ўрганиш жараёнида иштирок этадиган кўлами ва жиҳозланиши турлича бўлган аудиториялар билан мулоқотда бўлиш талаб қилинади.

Мактаб ўқувчиларини таълимий фаолиятга тайёрлашга компетентли ёндашув ўқитувчилар ва ўқувчиларни инновацион фаолиятга жалб этишга, буюртма билан инновацияларни ишлаб чиқувчи ва истеъмолчи сифатида буюртмачи билан узвий алоқада кам бўлишига қаратилган ёндашув қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширилади: ўқувчиларни таълимий фаолиятга тайёрлашда ўзгаришларни доимий равишда эътиборга олиш тамойили; ўқувчининг ишлаб чиқариш фаолиятини таъминловчи лойиҳавий ёндашувни амалга ошириш тамойили; компетенцияларни шакллантириш асосида ўзини ўзи бошқаришни ташкил этиш тамойили.

Хулоса шуки, умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини таълимий фаолиятга тайёрлашда компетентли ёндашувни амалга ошириш ўқув жараёнини қуйидаги йўналишларда ташкил этишга имкон беради: умумий ўрта таълим давлат таълим стандарти талабларига мос янги мазмундаги мақсадларни белгилаш; жамият, фан, ишлаб чиқаришнинг замонавий йўналишлари акс этган умумтаълим фанлари бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмаларни лойиҳалаштириш; ўқувчиларни ўқув характеридаги муаммоларни ҳал қилишда фаол иштирок этишга имкон берадиган замонавий таълим методларидан; белгиланган таълимий натижаларга эришиш имконини берадиган интеграллашган ўқитиш методлари асосида янги дидактик воситаларни (кейслар, топшириқлар, тестлар, электрон воситалар) лойиҳалаш; мактаб таълимида ўқувчилар фаолиятининг самарадорлиги кўп жиҳатдан уларнинг таянч ва фанга оид компетенцияларни эгаллаш даражасига боғлиқ.

MAHALLALARDA MILLATLARARO DO'STLIK ALOQALARINI RIVOJLANTIRISHNING DOLZARBLIGI

Bahora Narzullayeva,

“Mahalla va oila” ilmiy tadqiqot instituti tayanch doktoranti

Annotatsiya

Maqolada O'zbekistonda millatlararo do'stlik aloqalarini rivojlantirish usullari, mahalla tizimini isloh qilishning dolzarb omillari, millatlar orasidagi hamjihatlik tamoyillarining mustahkam qaror topishi va milliy-madaniy markazlar faoliyatining o'rni haqida batafsil yoritilgan.

Kalit so'zlar: Mahalla, millatlararo totuvlik, qozoq xalqi, o'zbek xalqi, nikoh, siyosat, islohot, milliy-madaniy markazlar, umuminsoniy qadriyatlar.

Аннотация

В статье подробно описаны пути развития межэтнических дружеских отношений в Узбекистане, актуальные факторы реформирования системы соседства, утверждения принципов солидарности узбекско-казахских народов, роль национальных культурных центров.

Ключевые слова: Соседство, межнациональное согласие, казахский народ, узбекский народ, брак, политика, реформа, национально-культурные центры, общечеловеческие ценности.

Annotation

The state describes in detail the development of interethnic friendly relations in Uzbekistan, the current factors in reforming the neighborhood system, the assertion of the principle of solidarity of the Uzbek-Kazakh people, the role of national cultural centers.

Keywords: Neighborhood, interethnic harmony, Kazakh people, Uzbek people, marriage, politics, reform, national cultural centers, universal values.

Mustaqillikning dastlabki yillaridan boshlab bag'rikenglik va insonparvarlik madaniyatini rivojlantirish, millatlararo va konfessiyalararo hamjihatlikni, jamiyatda fuqarolar totuvligini mustahkamlash, barcha fuqarolarga millati va diniy e'tiqodidan qat'i nazar, teng huquq va imkoniyatlar yaratish, yosh avlodni vatanparvarlik, milliy va umuminsoniy qadriyatlarga hurmat, Vatanga muhabbat va sadoqat ruhida tarbiyalash O'zbekistonda davlat siyosatining muhim ustuvor yo'nalishlaridan biri etib belgilangan. Bugungi kunda ustuvor yo'nalishlaridan biri – jamiyatda millatlararo totuvlik va bag'rikenglikni ta'minlash, do'stlik muhitini va ko'p millatli katta yagona oila tuyg'usini mustahkamlash, yoshlarni Vatanga muhabbat va sadoqat ruhida, milliy va umuminsoniy qadriyatlarga hurmat bilan qarash ruhida tarbiyalash, xorijiy mamlakatlar bilan madaniy-ma'rifiy aloqalarni yanada rivojlantirishni taqozo etadi.

Respublikamizda istiqomat qilayotgan 130 dan ortiq millat va elat Prezidentimizning millatlararo munosabatlari sohasida olib borayotgan siyosatini qo'llab-quvvatlab kelishadi va mamlakatimiz ravnaqi yo'lida o'zlarining munosib hissalarini qo'shmoqdalar. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining “2022-2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida” 2022-yil 28-yanvardagi PF-60-son Farmoni hamda ushbu Farmon bilan tasdiqlangan 2022-2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasini “Inson qadriini ulug'lash va faol mahalla yili”da amalga oshirishga oid Davlat dasturining 2022-yil 1-chorakdagi

ijrosi yuzasidan Jamiyatda ko'p millatli katta oila his-tuyg'usini, mamlakatimizda yashayotgan turli millat va elat vakillari o'rtasida do'stlik va totuvlikni yanada mustahkamlash maqsadida Qo'mita zimmasiga qator vazirlik va idoralar bilan hamkorlikda “Yo'l xaritasi”ning 269-, 270-, 271-, 272-, 273-, 315-, 316- va 319-bandlari ijrosi yuklatilgan. Davlat dasturida belgilangan bandlar ijrosini ta'minlash maqsadida Qo'mita boshchiligida vazirlik va idoralar vakillaridan iborat ishchi guruhlar tuzildi [1].

Millatlararo munosabatlarni to'g'ri yo'lga qo'yish borasida O'zbekiston o'ziga xos tajriba orttirdi. Bunda faqat milliy o'zlikni anglash, milliy g'urur va iftixor tuyg'usini tarbiyalash, millatlarning tili, madaniyati, urf-odatlarini asrab-avaylash bilan cheklanmaslik, balki mamlakatdagi barcha millatlarning umumiy birdamligiga erishish tamoyiliga amal qilindi. Shuni unutmash kerakki, qayerda millatlararo totuvlik g'oyasining ahamiyati anglab yetilmas ekan, jamiyat hayotida turli ziddiyatlar, muammolar vujudga keladi, ular tinchlik va barqarorlikka xavf soladi. Bugungi kunda jahonning ayrim mamlakatlarda sodir bo'layotgan milliy nizolar shundan dalolat beradi. Respublika Konstitutsiyasining barcha fuqarolarning teng huquqliligi to'g'risidagi qoidalari hayotga tatbiq etilmoqda, bu qoidalar O'zbekiston fuqarolarining millatidan qat'i nazar O'zbekiston xalqini tashkil etishini, mamlakat hududida yashovchi millat va elatlarning tili, urf-odati va an'alariga hurmat bilan munosabatda bo'lishni, ularni rivojlanishi uchun zarur shart-sharoitlar yaratildi. Tariximizning har qaysi davrida din doimo odamlarda yaxshi

xislatlarni ko'paytirib, yomonlaridan xalos bo'lishga chorlagan, yuksak umuminsoniy qadriyatlarga asoslangan. Bugungi kunda ma'naviy va diniy jabhalarda kecha-yotgan murakkab jarayonda barcha millat va din vakillari bir-birlariga nisbatan hamjihatlik bag'rikenglik va o'zaro hurmat tamoyillariga amal qilishlari doimiy barqarorlikning muhim omillaridan biridir.

Konstitutsiyamizning 18-moddasida O'zbekiston Respublikasida barcha fuqarolar bir xil huquq va erkinliklarga ega bo'lib, jinsi, irqi, millati, tili, dini, ijtimoiy kelib chiqishi, e'tiqodi, shaxsi va ijtimoiy mavqeyidan qat'i nazar, qonun oldida tengdirlar [2]. Shuningdek, turli millat vakillarining turmushi va vakolatlari ham qonun tomondan teng hisoblanadi. Mahallarimizda o'zbek qozoq, rus o'zbek, turk o'zbek, yohud koreys millatiga mansub fuqarolarimizning turmush qurayotganlari ham talaygina. Oiladagi ijtimoiy muhit, an'ana va urf odatlar turfa xilligiga qaramay aksariyat xonadonlar do'stona iliq munosabat bilan namuna bolishmoqda. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 15-noyabrdagi PF-5876 sonli "Millatlararo munosabatlar sohasida O'zbekiston Respublikasi davlat siyosati konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi Farmoni ham millatlararo do'stlikka, jamiyatda diniy bag'rikenglikning mustahkamlanishi garovi bo'lib xizmat qilyapti [1].

II-jahon urushi davrida O'zbekistonga Rossiya, Ukraina va Belorussiyaning urush olovi lovillab yotgan yerlaridan mahalliy aholi O'zbekistonga evakuatsiya qilindi, uning ortidan sho'ro tuzumiga nisbatan salbiy munosabatda bo'lgan Kavkaz va Qrim xalqlari majburan deportatsiya qilindi. Natijada, mamlakatimiz hududida milliy-etnik rangbaranglik, ko'p konfessiyalik muhiti shakllandi. Istiqlol yillari Vatanimizda yashayotgan turli xalqlar o'rtasida o'zaro hurmat, teng huquqlilik va hamjihatlikni mustahkamlashga, uning qonuniy asoslarini yaratishga jiddiy e'tibor qaratildi. Ushbu tamoyillar O'zbekiston Konstitutsiyasi va barcha qonunlarimizda aniq va qat'iy muhrlab qo'yildi.

Mamlakatda millatlararo o'zaro munosabatlarni millatlararo nikohlar prizmasi orqali ko'rib chiqish alohida qiziqish uyg'otadi, chunki bir oilada turli xalqlarning madaniyati, urf-odatlar almashinuvi mavjud. Bunday nikohlar nafaqat kelajakdagi bolalar uchun, balki ota-onalar va qarindoshlar uchun ham katta ahamiyatga ega. Albatta, bunday o'zaro ta'sir boyitadi va ayni paytda ma'lum xususiyatlarga ega. O'zbekistonda millatlararo nikohlar mavzusi ko'pincha sust yoki yetarlicha yoritilmaydi. Turli dinlarga e'tiqod qiluvchilarning bir jamiyatda diniy bag'rikenglik, dinlararo o'zaro hamkorlik tamoyillari asosida, tinch-totuv va teng huquqli tarzda hayot kechirishlari, avvalo, shu jamiyat gultoji bo'lgan insonlarga bevosita bog'liqdir. Olima M.Abduraimovanning fikriga ko'ra, "O'zbek xalqi o'zining butun tarixi davomida, hamma vaqt boshqa xalqlar va konfessiyalar vakillariga nisbatan o'zining xayrihohlik va hurmat bilan yondashis-

hini namoyon etib kelgan. Etnik, madaniy va diniy xayrihohlik, ochiq ko'ngillilik o'zbek xalqining o'ziga xos fazilatlaridan biriga aylangan.

Turli millat vakillari o'rtasidagi munosabatlar muammosiga ko'plab tadqiqotlar bag'ishlangan bo'lib, unda millatlararo oila ijtimoiy munosabatlarning eng muhim etnopsixologik va madaniyatlararo jihati sifatida qaraladi. Psixologiyada nikoh ziddiyatlarining tabiati va ularning ijtimoiy roli haqida turlicha qarashlar mavjud. Globallashuv va madaniyatlararo aloqalarning kuchayishi sharoitida millatlararo keskinlik va millatlararo nizolar muammosi tobora muhim ahamiyat kasb etmoqda. Shuning uchun ham ko'pchilik tadqiqotchilar oila fuqarolar tinchligi va jamiyat barqarorligining muhim sharti ekanligiga qo'shiladilar [3, 128].

M.V. Vdovina, Sizonenko, V.S.Xudaverdyan etnik aralash oilalarni jamiyatdagi millatlararo munosabatlarning ko'rsatkichi sifatida ko'rib chiqishni taklif qiladi. Ular millatlararo oilalar millatlararo munosabatlarni ham barqarorlashtiruvchi, ham beqarorlashtiruvchi rolini o'ynashi mumkinligini ta'kidlaydilar.

Etnik aralash nikohlarning turli jihatlarini o'rganish soni ortib borayotganiga qaramay, bunday oilalarda nizolar yuzaga kelganda munosabatlarni o'rnatish xususiyatlarini ta'kidlash imkonini beradigan ishlar yetarli emas.

Hozirgi vaqtda g'arb sotsiologlari va oila psixologlari nikoh va oilaviy munosabatlar rivojlanishining quyidagi tendensiyalariga e'tibor berishni ta'kidlaydilar:

- har ikkala er-xotinning huquq va majburiyatlarini tenglashtirish yo'nalishida ayolning oiladagi mavqeini o'zgartirish;
- teng huquqli sheriklik mavjud bo'lgan tenglik oilasini rivojlantirish, xususan, birgalikda uy xo'jaligi va bolalarni tarbiyalash;
- nikoh va oila institutini ajratish, nikoh munosabatlariga ota-ona va bola munosabatlaridan ko'ra ko'proq ahamiyat berish;
- oilaviy nizolar natijasida ajralishlar sonining ko'payishi.

Mahalliy tadqiqotchilarning fikricha, etnik aralash nikohlar turli etnik guruhlariga mansub turmush o'rtoqlarning shaxsiy xususiyatlari, ularning etnik identifikatsiyasining mustahkamligi va barqarorligi, tashqi global millatlararo vaziyat bilan belgilanadigan murakkab ichki tuzilishga ega bo'lgan nikohning alohida turidir.

Xususan, V.F.Muxamedjonova qishloqda yashovchi bir va ko'p millatli oilalardagi nikoh munosabatlarining ijtimoiy-psixologik xususiyatlarini o'rgangan. Diniy bag'rikenglik muhitining barqarorligi jamiyatda dunyoviylik va diniylik muvozanatining ta'minlanishi uchun nihoyatda muhimdir.

Mahallarimizda ham qardosh xalqlar o'rtasida nikoh qurganlar va namunali yashab kelayotganlar talaygina. Birgina qozoq va o'zbek xalqlari o'rtasidagi nikohni oladiga bo'lsak udumlar va madaniyat yaqinligi, din va

e'tiqod mushtarakligi bilan ham do'stlik aloqalari mustahkamlangan. Albatta kelishmovchiliklardan hech bir oila holi emas. Kelishmovchiliklarni ikkimilatlik bo'lish bilan oqlash noto'g'ri albatta.

O'zbekiston va Qozog'iston davlatlari o'rtasidagi o'zaro do'stlik va hamkorlik munosabatlari yangi bosqichga ko'tarilgan bugungi kunda ikkiqardosh O'zbek va qozoq xalqlari orasidan yetishib chiqqan ulug' siymolarni qadrlash, ularning xalqlarimizga qoldirib ketgan o'lmas meroslarini o'rganish va targ'ib qilishga juda katta e'tibor qaratilmoqda. Ayni paytda qozoq milliy madaniyat markazlari yurtimizdagi qozoq aholisini mahalliy aholi bilan o'zaro do'stlik, hamjihatlikka aslangan munosabatlarni o'rnatish va rivojlantirish yo'lida samarali ijobiy ishlarni amalga oshirib bormoqda.

Mahallalarda qozoq madaniy markazlari ochilishi ham albatta jamiyatda qardosh millatga hurmat ehtiromni namunasi sifatida qaraladi. Xususan, O'zbekistonda bir yarim milliondan ortiq qozoq millatiga mansub fuqarolar istiqomat qiladi. Madaniyat Markazlari faoliyati fuqarolarning madaniy ehtiyojlarini qondirish, qozoq tilini o'rganishga ko'maklashish, qozoq xalqining an'analari va urfodatlarini asrash, yoshlarning qozoq tilida ta'lim olishlarini ta'minlash maqsadida oliy va O'rta maxsus ta'lim muassasalari bilan hamkorlik qilish, yosh iqtidorlarni qo'llab-quvvatlash kabi turli yo'nalishlarda olib boriladi. Bu tashabbuslar esa millatlararo ahillikni yanada mustahkamlaydi. Ko'pmillatli oilalarda do'stlik aloqalarini yanada mustahkamlashda madaniy markazlar faoliyatini yanada rivojlantirish, ular ishtirokida anjumanlar, milliy bayramlari hamda urf odatlari yo'g'rilgan tadbirlar o'tkazilishi o'zaro hurmat va ishonchni oshiradi. O'zbekiston Respublikasidagi bu madaniyat markazlari o'zbek xalqini hamda boshqa millatlarning milliy o'zligini anglash va ma'naviy qayta tiklanishning o'sishi bilan chambarchas bog'liq holda jamiyatni yangilanishi hamda milliy va umuminsoniy qadriyatlarining uyg'unlashuvi demokratik jarayonlar chuqurlashuvining muhim yo'nalishi bo'lib qoldi.

O'zbekistondagi 10 mingga yaqin mahallalarning turli millat va turli diniy konfessiya vakillaridan iborat juda katta oila bo'lib, mamlakat tarixida hali biron marta bo'lsin o'zga xalqlarni behurmat qilish kabi illatlar uchramaganligini o'zi qanchalik o'zbek xalqi bag'rikeng mamlakat ekanligidan dalolat beradi. Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev tomonlaridan mahallani "demokratiya darsxonasi" deb ta'rif berganlarida ko'p millatli mahallalar faoliyatini yanada takomillashtirishning demokratik, umuminsoniy prinsiplarini nazarda tutganliklarini ta'kidlab o'tgan edilar. "Mahalla boshqaruvini amalga oshirishda, aynan mahallada istiqomat qiluvchi turli millatga mansub va har-xil dinlarga e'tiqod qiluvchilarning ijtimoiy-psixologik dunyo qarashlari diniy bag'rikenglik tamoyili asosida e'tiborga olinishi kerak. Ularning milliy va diniy qadriyatlariga asoslangan tadbirlarini tashkil

qilish va o'tkazishda mahalla bosh-qosh bo'lishi lozim. Bunda "mahalla – barchamizniki" degan tamoyil asosida faoliyat olib borish maqsadga muvofiq bo'ladi. Jamiyatni demokratik rivojlantirishda fuqarolarning manfaati to'liq e'tiborga olinishi lozim. Buning uchun mahalla boshqaruvi vakillari dinga tegishli umumiy ma'lumotlar, rasmiy tushunchalar bilan tanishgan bo'lishi kerak". Shuningdek, tadqiqot davomida olingan ma'lumotlar respondentlarning har ikkitasidan biri (51,6%) deyarli mahalla aholisining o'z mahallasini ko'p millatli deb ta'kidlanganligini ko'rsatdi [4, 100].

Tadqiqotlar davomida so'rovda qatnashgan respondentlarning ko'pchiligi (88,0%) o'zlarining boshqa millatga mansub bo'lgan qo'shnilari bilan munosabatlarni ijobiy baholashgan. Tadqiqot ma'lumotlaridan shunday xulosaga kelish mumkinki, mahallaning tinchlik, millatlararo totuvlik va dinlararo bag'rikenglik tamoyillari fuqarolik kelishuvini mustahkamlashdagi o'rni muhim ekanligidan dalolat beradi.

Mahallalarda ko'pmillatli oilalarning do'stlik aloqalarini mustahkamlash uchun quyidagi takliflar ham o'rinli hisoblanadi:

- ko'p millatli mahallalar faoliyatini yuritishda milliy-madaniy markazlar va do'stlik jamiyati bilan hamkorlikni yanada kuchaytirish;
- "O'zbekiston yagona Vatan" shiori ostida ko'p millatli mahallalar orasida madaniy-ma'rifiy tadbirlarni tashkil etish;
- mahallalar qoshida millatlararo totuvlik aks etgan bannerlar va monumentlar joylash.
- ko'p millatli mahallalar faoliyatini yuritishga oid yaxlit qonun hujjatlarini ishlab chiqish.
- milliy-madaniy markazlar faoliyatiga oid kompleks qo'llanma ishlab chiqish.
- "Mahallabay" ishlash tizimini rivojlantirishning uzoq yillik strategiyasini ishlab chiqish.
- Ko'p konfessiyali mahallalarga bo'lgan e'tiborning yuqoriligiga qarab demokratik tamoyillar va umume'tirof etilgan qadriyatlar qay darajada ekanligiga qarab baho beriladi. Zero, millatlararo totuvlik demokratiya uchun ko'zgudir.
- Millatlararo totuvlikni ta'minlashning asosiy omili mamlakat hududida yashayotgan barcha millat va elat vakillarining ehtiyojlarini hisobga olish, manfaatlarini uyg'unlashtirish va yagona maqsad sari Vatanni taraqqiy ettirishga yo'naltirish hisoblanadi. Shuni ta'kidlash lozimki, milliy o'zlikni anglash jadal sur'atlar bilan o'sib ketishiga qaramasdan, O'zbekistonda millatlararo va fuqarolararo nizolarning bo'lmaganligi, ularning oldi olinganligi o'zbek millati uchun vazminlik, bag'rikenglik va boshqa millat vakillariga nisbatan hurmat va ehtirom ko'rsatish kabi

fazilatli xususiyatlar bilan bog'liqdir. Millatlararo munosabatlardagi shunday bag'rikenglikni bugungi kunda ham ko'rishimiz mumkin.

“Barchangizga ma'lumki, hozirgi vaqtda dunyoning turli mintaqalarida millatlararo va dinlararo keskinlik kuchayib bormoqda, millatchilik, diniy murosasozlik bosh ko'tarmoqda, – deydi Prezident Shavkat Mirziyoyev, – bu illatlar davlatni yemirib, jamiyatni parchalab, radikal guruh va oqimlar uchun mafkura bazasiga aylanmoqda. Ana shunday murakkab vaziyatda mamlakatimizda turli millat va dinga mansub insonlar o'rtasida do'stlik va hamjihatlikni yanada mustahkamlash biz uchun borgan sari muhim ahamiyat kasb etmoqda. Hech shubhasiz, bu bizning zaminimizda tinchlik va osoyishtalikning mustahkam kafolati, xalqimiz bunyodkorlik salohiyatini, uning ertangi kunga bo'lgan ishonchini oshirishning asosi bo'lib xizmat qilmoqda” [5, 165].

Ming afsuski, hozirgi vaqtga kelib, ba'zi davlatlarda milliy-etnik munosabatlarda ziddiyatlarning yuzaga kelishi turli ko'rinishdagi nizo va kelishmovchiliklarga olib kelayotganini barchamiz eshitib, ko'rib turibmiz. Bunday

tahdidlarni bartaraf etish oldimizdagi muhim vazifalardan biridir. Yurt osoyishta bo'lishi, turli millatlar ahil yashashi uchun, eng avvalo, millatlararo munosabatlarda bag'rikenglik, bir millatni boshqasidan ustun qo'ymaslik tamoyillariga amal qilinishi lozim. Shunday ekan, mamlakatimizda azaldan yonma-yon yashab kelayotgan, o'zining milliy, madaniy va diniy an'analari ega xalqlarning xilma-xilligini mushtarak holda saqlash, bag'rikenglik asosida qaror topgan millatlararo totuvlik va dinlararo hamjihatlik munosabatlarini bundan keyin ham asrab-avaylash, turli millat va elatlarning uyg'un ravishda rivojlanishi uchun davlat va jamoat tashkilotlari bilan birgalikda barcha zaruriy choralarni ko'rishimiz lozim deb hisoblaymiz.

Yurtimizda millatlararo va davlatlararo totuvlikni yanada mustahkamlashga qaratilgan yangi g'oya va tashabbuslarning paydo bo'layotganligi do'stlik va hamjihatlik qo'rg'onining yanada mustahkam bo'lishiga xizmat qiladi. Davlatimiz rahbari e'tirof etganidek, “O'zbekistonning boyliklari ko'p, lekin bizning eng katta boyligimiz, eng yuksak qadriyatimiz–jamiyatimizda hukm surayotgan tinchlik, millatlararo do'stlik va hamjihatlikdir”.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. *O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. –T.: O'zbekiston, 2018.*
2. *Mirziyoyev Sh.M. Millatlararo do'stlik va hamjihatlik – xalqimiz tinchligi va farovonligining hayotbaxsh manbai //Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz. 1-jild. – T.: O'zbekiston, 2017-yil.*
3. *Хачатрян Л.А., Чадова А.А. Межнациональная семья в современном российском обществе // Вестник Пермского университета. Философия. Психология. Социология. 2016. Вып. 1(25). С. 127-135.*
4. *“Mahalla boshqaruvi” qo'llanma. – T.: CAE, 2006. – 200 b.*
5. *“Mahalla-fuqarolar o'zini-o'zi boshqaruvi institutining noyob namunasi. Ilmiy to'plam. –T.: Mumtoz so'z, 2016. – 489 b.*

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИДА ШАКЛЛАНДИГАН ТАЯНЧ КОМПЕТЕНЦИЯЛАР ТАВСИФИ

Дониёр Гадаев,

Жиззах давлат педагогика университети;

Жамшид Есиргапов,

Жиззах давлат педагогика университети

Аннотация

Бугунги кунда мактаб таълимини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири бу компетентли ёндашув ҳисобланади. Чунки замонавий мактаб битирувчисидан нафақат у ёки бу кўринишидаги амалий хатти-ҳаракатларни бажаришга оид кўникма ва малакалар, балки касбий ва шахсий сифатларнинг йиғиндисидан иборат бўлган компетентлилик талаб этилади.

Калим сўзлар: таянч компетенциялар, мактаблар, ДТС, компетентли ёндашув.

Аннотация

Сегодня одним из основных направлений развития школьного образования является компетентностный подход. Потому что от выпускника современной школы требуются не только навыки и умения выполнять практические действия в той или иной форме, но и компетентность, которая складывается из суммы профессиональных и личностных качеств.

Ключевые слова: базовые компетенции, школы, ДТС, компетентностный подход

Annotation

Today, one of the main areas of development of school education is a competency approach. Because a Modern School graduate is required not only skills and abilities to perform practical actions in one form or another, but also competence, which consists of the sum of professional and personal qualities.

Keywords: base competencies, schools, DTS, competency approach.

Компетентли ёндашув асосида ташкил этилган машғулотларда таълим олувчиларнинг ўқув ютуғлари шаклланган таянч, фанга оид ва касбий компетенциялар кўринишида ифодаланади. Компетентли ёндашув асосида ишлаб чиқилган мактаб таълими давлат таълим стандартида, умуммаданий компетенциялар ажратилган бўлиб, бу компетенциялар таълим йўналишлари бўйича умумий ўрта таълим мактаблари битирувчилари компетентли моделини, яъни асосида компетенциялар ётадиган мактабидаги таълимнинг якуний натижасининг мажмуавий интегралли образини шакллантиради. Бу эса, ўз навбатида, эришиладиган ўқув мақсади, ўқитувчи томонидан очиб бериладиган мазмун, фойдаланиладиган методлар ва ўқитиш шакллари ҳамда таълим олувчи томонидан йиғиладиган таълим натижаларини белгилайди. Умумий ўрта таълимнинг янги русумдаги давлат таълим стандарти ва компетенциявий ёндашувга асосланган умумтаълим фанлари бўйича ўқув дастурларини мактаб таълими амалиётига жорий этиш педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни кўзда тутди. Компетентли ёндашув замонавий мактаб таълимини ривожлантиришда муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлиб, ўқувчиларнинг дарс ва дарсдан ташқаридаги мустақиллиги ва фаоллигини белгилайди. Бунинг учун эса ўқувчиларда умумий ўрта таълим давлат таълим стандартида акс эттирилган таянч, фанга оид ва бошқа компетенци-

яларни шакллантириш орқали динамик ўзгарувчи муҳитга тезкор мослаша оладиган битирувчини тайёрлашга шарт-шароит яратилиши керак.

Компетентли ёндашув умумий ўрта таълим давлат таълим стандартини конструкциялаш учун методик асос бўлиб ҳисобланади. Мактаб таълими ДТС да белгиланган компетенциялар инсоннинг очик фуқаролик жамиятида яшаш ва ишлаш қобилияти билан боғлиқ бўлиб, улар таълим олувчилар томонидан ўқув, амалий ва бошқа фаолиятларни амалга оширишга имкон беради. Таянч, фанга оид ва бошқа турдаги компетенциялар етарли даражада шаклланган мактаб битирувчиси ахборот кўлами кескин ошаётган бугунги шароитда ўзига келгуси ҳаёти ва касбий фаолиятида керак бўладиган билимларни мустақил ўзлаштиришга интилади.

Компетентли ёндашув умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг билим ва кўникмаларнинг алоҳида-алоҳида эгалланишини эмас, балки уларни мажмуавий ҳолда ўзлаштирилишини назарда тутди. Бу жараёнда информатика ва ахборот технологиялари умумтаълим фани муҳим роль ўйнайди. Чунки ахборот технологияларининг жадал ривожланиши туфайли компьютерлар инсоннинг ҳам касбий, ҳам ҳар бир инсоннинг кундалик турмуш тарзига шиддат билан кириб келмоқда ва шунинг учун ҳам компьютер ва унинг асосий ҳамда қўшимча қурилмалари, тармоқ технологиялари билан ишлаш ком-

петенцияларига эга бўлиш бугунги кунда ҳар бир жамият аъзоси учун ҳаётий заруриятга айланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мактабда барча умумтаълим фанлари каби информатика ва ахборот технологияларини ўқитишнинг улардан фаркли, аммо айнан унинг ўзига хос қуйидаги муҳим хусусиятларини эътиборга олишни тақозо этади:

Бир томонидан, ўқувчиларнинг компьютерларга қизиқиши юқорилиги сабабли ушбу фанни ўқитиш, бошқа умумтаълим фанларига нисбатан осон, шунингдек, дарсликлардаги ўқув материалларини ўқувчилар тез ўзлаштириб олиш имкониятларига эга. Компьютер экранида дарс жараёнида ўқитувчи томонидан намойиш этиладиган турли хил ўқув ўйинлари, мультимедиа технологиясининг имкониятлари ўқувчиларни компьютерли оламга кенгроқ жалб этади, уларда фанни ўрганишга нисбатан мойиллик ва қизиқишни оширади. Бошқа томондан эса анъанавий ёндашувнинг мавжуд дидактик имкониятлари эса информатика ва ахборот технологиялари умумтаълим фани бўйича машғулотларни сифатли тарзда ташкил этишга имкон бермайди.

Информатика ва ахборот технологияси умумтаълим фанининг яна бир ўзига хос хусусияти – бу унинг ўрганиш объекти бўлиб ҳисобланган замонавий компьютерларнинг деярли барча фаолият соҳаларида қўлланилиши ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, информатика ва ахборот технологиялари умумтаълим фани бўйича дарсларида ўқувчиларда таянч, бевосита информатика ва ахборот технологиялари фанига оид компетенцияларни шакллантириш учун қуйидаги муҳим масалаларни ҳал этишни тақозо этади:

1. Мактаб амалиётида информатика ва ахборот технологиялари умумтаълим фани бўйича ўқув жараёнини ўқувчилар ўзларига керакли бўлган, аммо ўқув дастурида ўзлаштириш кўзда тутилмаган ўқув материалларини Интернет ёки бошқа манбалар орқали мустақил қидириб топа оладиган тарзда ташкил этиш. Бундай шароитда ўқувчиларда фаоллик, мустақиллик, электрон ахборот таълим муҳитида эркин ҳаракат қилиш каби бир қатор муҳим шахсий сифатларни шакллантириш эҳтиёжи юзага келади.

2. Шу нарса яққол аёнки, ахборот-коммуникация технологиялари бугунги кунда жуда тез суръатларда ривожланмоқда, унинг дастурий ва техник таъминоти эса ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатдан доимий равишда ўзгариб турибди. Таълим олувчилар, шу жумладан, мактаб битирувчилари бундай ўзгаришларни билиши, янгиланаётган дастурий ва техник таъминотлардан хабардор бўлиши мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, ўқувчиларда ўз-ўзини шакллантириш ва ривожлантиришга, ўз-ўзини такомиллаштириш ва мустақил таълим олишга бўлган ҳаётий эҳтиёжни пайдо қилишни тақозо этади.

3. Ахборот-коммуникация технологияларини ўрганиш жараёнини ҳам амалий, ҳам татбиқий нуқтаи назардан ташкил этиш лозим. Бу эса турли хил ўқув ва касбий масалаларни ҳал этишга имкон берадиган, ўз амалий фаолиятини амалга оширишнинг воситаси сифатида компьютерга нисбатан ўқувчиларнинг нуқтаи назарини шакллантиришни талаб қилади. Ўқувчиларда шаклланадиган бундай нуқтаи назар эса турли хил педагогик дастурий воситалар орқали аниқ бир ўқув ёки касбий вазифани ҳал қилишнинг оптимал воситалари ва усулларини танлашни кўзда тутати. Шунинг учун ҳам мактаб ўқувчиларида масаланинг қўйилишини тўғри шакллантириш кўникмаси ва малакасини, шакллантирилган масалани ҳал қилиш бўйича амалга ошириладиган амалий фаолиятни режалаштириш, натижаларни таҳлил қилиш каби шахсий сифатларни шакллантиришни талаб этилади.

4. Бугунги кунда ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида ҳал этиладиган кўпгина муаммолар (веб-саҳифаларини ишлаб чиқиш, маълумотлар базаларини яратиш, босма нашрлар макетини тайёрлаш ва бошқалар) индивидуал, яъни алоҳида олинган бажарувчи эмас, балки уларнинг бутун бир гуруҳи, шакллантирилган жамоа томонидан самарали ҳал этилмоқда. Бу эса улардан индивидуал тарзда, шунингдек, алоҳида олинган гуруҳда ёки шакллантирилган жамоада ишлаш кўникмасини, малакасини талаб этади.

Информатика ва ахборот технологиялари умумтаълим фани бўйича дарсларда ва дарслардан ташқари машғулотларда шаклланадиган таянч ва фанга оид компетенциялар эса ўқувчи шахсининг ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини такомиллаштиришнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда таълим тизими анчагина қийинчилик туғдираётган, тадқиқотчилар томонидан турлича ҳал этилаётган масала билан тўкнашиб турибди, бу компетенция тушунчасининг мазмуни ва унинг чегаралари, унинг таркибига кирган қисмларининг ҳажми масаласидир.

И.А.Зимняя ўз тадқиқот ишида, биринчидан, таянч компетенцияларни гуруҳлаш асосларини ажратиш ва назарий жиҳатдан асослаб беришга, иккинчидан, уларнинг асосий, зарур атамалари мажмуини аниқлашга ва учинчидан, уларнинг ҳар бирига киритиладиган компетенция турларини белгилашга ҳаракат қилади [1, 57].

Ўқувчининг компетентлигига доир турли компетенцияларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, улар креатив (ижодий) йўналишга эга. Креатив компетенцияларга “тажрибадан бирор фойдали маълумот чиқариб олиш”, “муаммони еча олиш”, “олдинги ва ҳозирги воқеалар орасидаги ўзаро алоқани очиш”, “янги ечимларни топа олиш” кабилар қиради. Компетентлик – компетенцияларни қўллаш олишда эга

бўлиши керак бўлган минимал тажрибаси бўлишни тақозо этади. Бу ҳақда ўқувчининг тайёргарлигига қўйиладиган талабларни шакллантиришда ҳамда ўқув жараёни ва дарсликларни лойиҳалашда эсдан чиқармаслик керак.

Ўқитишда уларнинг роли ва ўрнини таҳлил қилиш асосида ажратиб олинган компетенцияларнинг асосий функцияларини санаб ўтамиз: кундалик ҳаётда яшаш учун тайёр бўладиган ёш фуқароларга қўйиладиган ижтимоий талабнинг акс этиши; билим, кўника ва малакаларини ҳамда фаолият усулларини комплекс ҳолда мақсадли қўллаши учун атроф-муҳитдан реал объектларни кўрсатиши; турли ўқув предметлари ва таълим соҳалари мазмунининг таркибий қисми бўлиши; аниқ масалаларни ечишда назарий билимларни амалиётда фойдаланиш билан боғлаши.

Маълумки, баъзи компетенциялар бошқаларига нисбатан умумий ёки аҳамиятлироқ бўлади. Шунга кўра, уларни учта даражага бўлиш мумкин:

1) таянч компетенциялар – таълим мазмунининг умумий қисмига тегишли;

2) умумфанлар компетенциялари – маълум доирага қирувчи ўқув фанлари ва таълим соҳаларига тегишли;

3) ўқув фанига оид компетенциялар – олдинги иккитага нисбатан хусусий ҳисобланиб ўқув фани доирасида шакллантирилади.

Мамлакатимизда таълим мазмуни ислоҳ қилинаётган бугунги кунда таълим мазмунининг асосини таълим олувчиларда таянч компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантириш ташкил этади. Таянч компетенциялар деганда, таълим олувчи учун долзарб ҳисобланган муаммоларни ечишдаги ноаниқ вазиятларда мустақил ҳаракат қила олиш қобилияти тушунилади [6].

И.А. Зимняя таянч компетенцияларнинг учта асосий гуруҳини ажратиб кўрсатади:

1. Шахснинг ҳаёт-фаолият субъекти сифатида ўз-ўзига тааллуқли компетентлик.

2. Инсоннинг бошқа одамлар билан ўзаро таъсири компетентлиги.

3. Инсон фаолиятига тааллуқли компетентлик [2, 57].

Ўзбекистон Республикасида таълимнинг узлуксизлиги, узвийлиги, ўқувчи шахси ва қизиқишлари устуворлигидан келиб чиқиб, уларнинг ёш хусусиятларига мос равишда қуйидаги таянч компетенциялар шакллантирилади: коммуникатив компетенция; ахборотлар билан ишлаш компетенцияси; ўзини ўзи ривожлантириш компетенцияси; ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси; миллий ва умуммаданий компетенция; математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияси [1, 56].

Ушбу тадқиқот ишининг ғояси учун умумий ўрта таълимнинг ДТСга кўра, ахборот билан ишлаш ком-

петенциясининг таърифи сифатида “ўқувчиларда манбалардан зарур маълумотларни излаб топа олиш, саралаш, қайта ишлаш, сақлаш, улардан самарали фойдалана олиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, медиа маданиятга эга бўлиш лаёқатларини шакллантириш” [2, 59] назарда тутилиши асос қилиб олинди.

Биз ўз тадқиқотимизда мактаб таълимида информатика ва ахборот технологияларини ўқитиш жараёнида ўқувчиларда шакллантириладиган таянч компетенциялар рўйхати ва мазмунини шакллантиришда А.В. Хуторский томонидан шакллантирилган таснифдан фойдаландик [1, 25].

Инсон ўз ҳаётида шахсий, ижтимоий, иқтисодий ва касбий муносабатларга киришиши, жамиятда ўз ўрнини эгаллаши, дуч келадиган муаммоларнинг ечимини ҳал этиши, энг муҳими ўз соҳаси, касби бўйича рақобатбардош бўлиши учун зарур бўлган кадритли-мазмунли; умуммаданий; ўқув-билиш; ахборот билан ишлаш; шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш ва ижтимоий-меҳнат компетенцияси каби бир қатор ахборот билан ишлаш компетенциясига эга бўлиши лозим.

Умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган информатика ва ахборот технологиялари дарсларида ўқувчиларда шаклланидиган таянч компетенциялар бошқа ўқув предметларини ўрганиш жараёнида ўқувчилар билимининг кенг қамровли ахборот таълим муҳитини яратиш учун хизмат қилади. Шунинг учун ҳам мактаб информатика фани ўқитувчилари олдида турган асосий масала дунёдаги тезкор ўзгаришларга нисбатан мослашишда ўқувчилар компетенциялари даражаларини оширишдан иборат.

Энди мактаб ўқувчиларида шакллантириладиган таянч компетенциялар мазмунини қараб чиқамиз.

1. Қадриятли-мазмунли компетенциялар. Қадриятли-мазмунли компетенцияларни шакллантиришда ўқувчилар томонидан эгалланаётган билимлар қай даражада ва уларнинг кейинги ҳаётига тадбиқ этилишининг нечоғлик аҳамиятли эканлигини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам дарсларда янги мавзунини тушунтириш жараёнида ўқувчиларга у ҳақида батафсил маълумотларни тақдим этиш, сўнгра, ўз навбатида, ўқувчилар мавзуга оид саволларни ишлаб чиқиши яъни, “нима учун”, “нега”, “қандай”, “нима ҳақида” ва ҳоказо саволларга дарс жараёнида жавоб излаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Мазкур усул дидактик жиҳатдан ўқувчилар томонидан ушбу мавзунини нафақат тўлиқ эгалланиши, балки машгулотлар тизимида унинг ўрнини англаш имкониятини беради. Шунга ўхшаш масалаларни ечиш нафақат информатика ва ахборот технологиялари умумтаълим фанидан олинган билимларни, балки аниқ бир вазиятда ўзини мослаштириш билан боғлиқ амалий чиниқиш лаёқатларини талаб этади.

2. Умуммаданий компетенция. Умуммаданий ком-

петенцияни шакллантириш қўйидаги йўналишларда амалга оширилади: атамаларни талаффуз қилиш вазифаларини ўз ичига олган оғзаки ёки диктант ёзиш орқали сўзларнинг мантиқий кетма-кетлигини шакллантириш; оғзаки иш жараёнида ўқувчилар томонидан атамаларнинг тўғри талаффуз қилинишига эътибор бериш, йўл қўйилган хатоларни тўғрилаш ишларини бажаришни ўқувчининг ўзига юклаш, агар ушбу хатоларни тузатишда қийинчиликлар юзага келса амалий жиҳатдан ёрдам кўрсатиш; дарсларга тайёргарлик кўришда тарихий манбалардан фойдаланиш; схемалар бўйича матнли масалаларни ишлаб чиқишни уйга вазифа қилиб бериш.

Қўйидаги “ундан фарқли ўларок ...”, “айтайлик”, “эхтимол ...”, “менинг назаримда ...”, “унинг ...га алоқаси бор”, “хулоса қилиб айтишим мумкинки ...”, “мен бу фикрга қўшилмайман, чунки ...ни афзал кўраман”, “менинг вазифам шундан иборатки” ва бошқа шу каби иборали сўзларни ишлатиш орқали дарс жараёнида ишлаб чиқилган масалалар таҳлили кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

3. Ўқув-билиш компетенцияси. Ностандарт масалаларни ечиш жараёнида самарали ривожланади. Айниқса, бу жараён янги мавзу баёнини муаммоли усулда ҳамда материални ўрганиш асосида кичик тадқиқотлар билан боғлиқ ҳолда олиб борилса, самарали бўлади; муаммоли вазиятларни яратиш ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини, шунингдек, уларнинг таълим тизимида фаол ақлий ҳаракатларини ривожлантиради. Бу эса ўқувчида ушбу фаоллик аниқ маълумотларни таҳлил қилиш, қиёслаш, умумлаштириш орқали янги маълумотларни эгаллашда намоён бўлади. Ўқувчиларга янги тушунчаларни таништиришда у ҳақидаги билимлар тайёр шаклда берилмайди. Уларни далилларни таққослашга ундаш натижасида уларда изланиш вазиятлари кўникмалари юзага келади.

4. Ахборот билан ишлаш компетенциясини шакллантиришда ўқувчиларнинг компьютер ва ахборот техникаси кўникмалари билан чегараланиб қолиши керак эмас. Чунки бундай чекланиш фақат ахборот саводхонлигидир. Бироқ ўқувчи ахборот саводхонлигига эга бўлгани билан унда ахборот компетентлиги етарли даражада бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам ўқувчида ахборот саводхонлик тушунчасидан фарқли равишда кенгрок маънони англатадиган, яъни замонавий компьютер техникаси ва технологиялар билан ишлай олиш, ахборотларни таҳлил қила оладиган ва ундан мақсадли фойдаланиш кўзда тутилган ахборот билан ишлаш компетенцияларини ривожлантириш зарур.

Ҳар қандай вазифа нафақат ахборот билан ишлаш иш кўникмаларини қайта ишлаш ёки мустаҳкамлашни тақозо этади, балки қизиқарли далиллар билан ўқувчининг умумий дунёқараши ривожига хизмат қилади. Шунинг учун бундай вазифалар ўқувчилар

томонидан қизиқиш билан қабул қилинади.

5. Коммуникатив компетенцияни шакллантиришда қўйидаги услублардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ: оғзаки (монолог, диалог, савол бера олиш, оғзаки жавоб беришда далил исботни келтириш, мунозара, лойиҳа ҳимояси ва бошқалар) нутқ шакллари билиш; “инсон – техника” сўзлашувини олиб бориши (интерфейс қурилмалари тамойилларини тушуниш, мулоқот ойналари билан ишлаш, муҳит параметрларини сошлаш ва бошқалар); оғзаки ва ёзма ишларни ўзида тасаввур қилишни билиши ва матнни безатиш (электрон ёзишма, тармоқ этикети, мавжуд намуна бўйича ҳужжатлар матнини яратиш, тақдимот жараёнида ахборотларни узатиш ва бошқалар) услубларини эгаллаши; тармоқдан узилган суҳбатдош билан мулоқотни ташкил этиш учун телекоммуникацияларни ўзлаштириш (турли хилдаги коммуникацияларни ўзлаштириш, уларнинг сезилмас фарқларидан фойдаланиш ва бошқалар);

6. Шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияси эса доимий равишда ўз-ўзини жисмоний, маънавий, руҳий ва интеллектуал ривожлантириш, камолотга интилиш, ҳаёт давомида мустақил ўқиб-ўрганиш, билим ва тажрибани мустақил равишда мунтазам ошириб бориш, ўз хатти-ҳаракатини адекват баҳолаш ва мустақил қарор қабул қила олишни билдиради.

7. Ижтимоий-меҳнат компетенцияси ўз фаолияти маҳсулоти учун аниқ талаблар мавжудлигини англаш, ўз маҳсулоти аналогларининг (ўхшашликларининг) афзалликлари ва камчиликларини таҳлил қила олишни билиш [3, 110].

Шундай қилиб, информатика ва ахборот технологиялари фани ўқитувчиси дарсларда ва дарсдан ташқари фаолият турини бойитишни ташкил қилиш билан бир қаторда, ўқувчиларда таянч компетенцияларнинг мақсадга мувофиқ шаклланишига муҳим омиллар яратади, шунингдек, ўқувчилар компьютернинг ахборот билан ишлашдаги янги имкониятлари билан танишади, бунда ўқувчилар қўйидаги имкониятлар билан таъминланади: бутун умр давомида таълимни самарали давом эттириш; танланган таълимий фаолиятга тайёргарлик кўриш; билимга асосланган иқтисодий шароитдаги ахборот жамиятида яшаш ва меҳнат қилиш.

Информатика ва ахборот технологиялари фанини ўрганишнинг асосий мақсади ўқувчилар да ахборот билан ишлаш компетенциясини шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат. Ахборот билан ишлаш компетенциясини эса зарур маълумотларни мустақил равишда қидириш, танлаш, таҳлил қилиш, ташкил этиш, тақдим этиш, етказиш, объектлар ва жараёнларни моделлаштириш ва лойиҳалаш, лойиҳаларни амалга ошириш, шу жумладан, индивидуал ва гуруҳ фаолиятида иштирок этиш кўникмалари мажмуаси

сифатида қараш мумкин.

Ватанимиз ва хорижий тадқиқотчилар томонидан ўқувчиларда таянч ва фанга оид компетенцияларни шакллантириш борасида олиб борган изланишлари асосида биз умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида шаклланадиган таянч компетенцияси деганда уларнинг маълум касбий шароитда ҳаракат қилишга қобилиятлиги ва тайёрлигини тушунамиз.

Келтирилган таянч компетенциялар умумий ҳолда берилган ва ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш босқичлари, ўқув фанлари ва таълим соҳалари бўйича деталлаштиришни талаб этади. Танланган мазкур таянч компетенцияларнинг, умумтаълим мактаблари ўқув режасига киритилган ҳар бир умумтаълим ва чуқурлаштирилган фанларни ўқитиш жараёнида маълум элементлари шакллантирилади.

Таҳлиллар асосида таянч компетенциялар бўйича куйидаги хулосалар чиқарилди: интегратив табиатга эга бўлиб, шахснинг ижтимоий ҳаёт билан интегратив тавсифи сифатида ҳаётининг фаолиятлар давомида зарур бўлган билимларни қўллаш олишни назарда тутди; шахснинг комплекс тавсифи сифатида шахсий сифатларини ҳам ўз ичига олади; компетенциялар ўқув ёки ҳаётининг фаолиятлар давомида анланган ва анланмаган тарзда намоён бўлади; фанга оид компетенциялар, ўз навбатида, маълум бир фанга оид билимларни ўша фан соҳалари бўйича қўллаш олишни кўзда тутди; таълим жараёнининг натижалари ўқувчиларда шакллантирилган ва ривожлантирилган компетенциялар билан белгиланади; компетенциявий ёндашув ўқув жараёнида назария ва амалиёт бирлигини таъминлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Сорокина, Т.М. Развитие: профессиональной компетенции будущего учителя средствами интегрированного учебного содержания // Начальная школа. – 2004. – №2. – 200 с.
2. Маркова, А.К. Психологический анализ профессиональной компетентности учителя Текст./ А.К. Маркова // Советская педагогика. – 1990. – №8. – 150 с.
3. Лукьянова, М.И. Психолого-педагогическая компетентность учителя: диагностика и развитие. Ульяновск: ИПК им. Ульянова. – 1996. – 227 с.

MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTLARI TARBIYALANUVCHILARIDA VALEOLOGIK TARBIYA JARAYONINING PEDAGOGIK AHAMIYATI

Charos Berkinova,

Jizzax davlat pedagogika universiteti o'qituvchisi

Annotatsiya

Maqolada maktabgacha ta'lim muassasalarida tarbiyalanuvchilarga valeologik tarbiya berishning pedagogik ilmiy va nazariy asoslari yoritib o'tilgan. Maqola mavzusini ochib berish maqsadida xorijlik va mahalliy olimlarning ilmiy tadqiqot ishlaridan samarali foydalanildi. Maqola mavzusining ilmiy-nazariy asoslarini ochib berish maqsadida qiyoslov va chog'ishturuv kabi metodlardan foydalanildi. Maqoladan olingan natijalarni pedagogika institutarida bo'lajak maktabgacha ta'lim muassasalarining tarbiyachi-pedagoglarni o'qitishda foydalanish mumkin. Valeologik tarbiya va uning ahamiyati borasidagi izlanish natijalarini maktabgacha ta'lim muassasalarida tarbiyalanuvchilarning jismoniy salomatligini ijobiy ushlab turish maqsadida qo'llash mumkin.

Kalit so'zlar: tarbiyachi, jismoniy tarbiya, valeologik tarbiya, maktabgacha ta'lim muassasasi, sog'lom turmush tarzi, jismoniy salomatlik, badantarbiya mashqlari, gimnastika, sport turlari.

Аннотация

В статье освещены научно-теоретические основы валеологического воспитания воспитанников дошкольных образовательных учреждений. В целях раскрытия темы статьи была эффективно использована научно-исследовательская работа зарубежных и отечественных ученых. Для раскрытия научно-теоретических основ темы статьи использованы такие методы, как сравнительное и сравнительное исследование. Результаты, полученные из статьи педагогический институт, могут быть использованы при обучении воспитателей-педагогов будущих дошкольных образовательных учреждений. Результаты исследований по валеологическому воспитанию и его значение могут быть использованы в дошкольных образовательных учреждениях с целью поддержания положительного физического здоровья воспитанников.

Ключевые слова: воспитатель, физическое воспитание, валеологическое воспитание, дошкольное учреждение, здоровый образ жизни, физическое здоровье, занятия физическими культурами, гимнастика, виды спорта.

Annotation

The article covers the scientific and theoretical bases of valeological education of pre-school educational institutions. In order to reveal the topic of the article, the research work of foreign and local scientists was effectively used. In order to reveal the scientific and theoretical basis of the topic of the article, methods such as comparison and comparison were used. The results obtained from the article can be used in the teaching of educators-teachers of future preschool institutions at the Pedagogical Institute. The results of the research on valeological education and its importance can be used in preschool institutions with the aim of maintaining the physical health of educators positively.

Keywords: educator, physical education, valeological education, preschool, educational institution, healthy lifestyle, physical health, physical culture classes, gymnastics, sports.

Jamiyatda shaxslarning sog'lomligi shu jamiyatning yutuqlaridan biridir. Sog'lom shaxslar esa sog'lom avlodlarning mahsulidir. Har bir xonadonda farzand dunyoga kelgandan keyin ota-ona va uning yaqinlari uchun asosiy vazifasi uning sog'lig'i haqida g'amxo'rlik qilishdir. Bolaning sog'lom bo'lib yetishishida jismoniy hayotning ahamiyati kattadir. Maktabgacha ta'lim muassasasida ham bolalar nafaqat vaqt o'tkazishi, balki har tomonlama tarbiyalanishi kerakdir. Nazariy bilimlar bizning aqllimizni oziqlantirib, aqlan sog'lom bo'lishimizni ta'minlasa, valeologik tarbiya bizni tanamizning sog'lomligini ta'minlaydi. Avvalombor, valeologiya va valeologik tarbiya so'zlarining ma'nosini yoritib o'tamiz.

“Valeologiya” lotincha so'z bo'lib, aloq – “salomatlik”, “sog'lom bo'lish” ma'nosini anglatadi. Bu atamani birinchi bo'lib K.I. Brexman 1987-yilda kiritdi.

Valeologik tarbiya – insonni jismoniy mashg'ulotlar va sport turlariga nisbatan ko'nikma va malakalarni shak-

llantiruvchi amaliy tarbiyaning ko'rinishlaridan biridir.

Mamlakatda bolalar va kattalar aholisining sog'lig'i haqida ma'lumotlar kasallikning o'sishi, sog'liqni saqlash darajasining pasayishi va umr ko'rish davomiyligining pasayishi tendentsiyalari salomatlik faktorlarning darajasini ko'rsatadi. Ayniqsa, bolalarning sog'lig'idagi nuqsanlar mamlakat kelajagiga ta'sir ko'rsatuvchi tashvishli holatlardan biri hisoblanadi. Bizning o'zbek xalqimizda bir naql bor: “Sog'lom tanda – sog'lom aql”. Nega endi aql salomatligi tana salomatligi bilan bog'liq? Sabab, har qanday bolaning fiziologik holati uning miya yarim sharlarining faoliyatini ijobiylikini ta'minlaydi.

Kelajagimiz albatta, yosh avlodning qo'lidadir. Hozirgi kunda mamlakatimizda yurtboshimiz tomonidan maktabgacha ta'lim muassasalariga bo'lgan e'tibor amalga oshirilayotgan islohotlarda namoyon bo'lmoqda. 2017-yil 19-oktabr kuni Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev tomonidan maktabgacha ta'lim tizimini tubdan takomil-

lashtirish masalalariga bag'ishlangan yig'ilish o'tkazildi. Yig'ilishda Prezidentimiz "mamlakatda milliy genofondni mustahkamlash, yosh avlodni yetuk, sog'lom etib tarbiyalash masalalari"ga alohida to'xtalib o'tdi.

Prezidentning joriy yil 30-sentabrdagi "Maktabgacha ta'lim tizimi boshqaruvini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Farmoni hamda "O'zbekiston Respublikasi Maktabgacha ta'lim vazirligi faoliyatini tashkil etish to'g'risida"gi qaroriga muvofiq bu sohada yangi tizim yaratildi [2, 266].

Yangi vazirlik oldiga maktabgacha ta'lim sohasida yagona davlat siyosatini ishlab chiqish va amalga oshirish, maktabgacha ta'lim muassasalari davlat va nodavlat tarmog'ini kengaytirish va moddiy-texnik bazasini mustahkamlash, ularni malakali pedagog kadrlar bilan ta'minlash, maktabgacha ta'lim muassasalariga bolalarni qamrab olishni keskin oshirish, ta'lim-tarbiya jarayonlariga zamonaviy ta'lim dasturlari va texnologiyalarini tatbiq etish orqali bolalarni har tomonlama intellektual, ma'naviy-estetik, jismoniy rivojlantirish hamda ularni maktabga tayyorlash sifatini tubdan yaxshilash vazifalari qo'yildi.

Hozirgi kunda O'zbekiston Respublikasida maktabgacha ta'lim muassasalarida jismoniy chiniqishni shakllantirish maqsadida kerakli shart sharoitlar yaratilmoqda.

Bolalarda valeologik tarbiya va valeologiya mavzusi doirasida ilmiy tadqiqot ishlarini xorijlik va mahalliy olimlardan ko'plarini misol qilib keltirish mumkin. Masalan, I. Betskoy, S.P. Botkin, N.P. Gundobin, G.A. Zaxarin, S.G. Zublin, P.F. Lesgaft, N.M. Maksimovich-Ambodik, M.Y. Mudrov, F.F. Erisman, S.F. Xotovitskiylar sobiq Ittifoq pedagogika fanida valeologik tarbiya tushunchasi doirasida ko'plab ilmiy tadqiqot ishlarini olib borishgan. Yevropalik olimlardan Ayrapetyants L.R, Masharipov F.T, Brehman I.I, Balsevich V.K., Lubisheva, L. I. Belov V.I., Koval V.I., Larina N.N., Rodionova T.A., Koleda V.A va boshqalar valeologiya nazariyasi va uning tarixi haqida olib borgan ilmiy tadqiqot ishalri alohida ahamiyatga egadir.

Sobiq Ittifoqning uzoq yillik tajribaga ega o'zining "mayda qadam" nazariyasi bilan mashhur pedagog L. I. Belov valeologik tarbiyani maktabgacha ta'lim muassasalarida boshlash uchun eng qulay va sodda sport turi sifatida badiiy gimnastika va sport gimnastikasi deya etirof etadi. Uning fikricha, gimnastika bolalarda qo'llash uchun yengil va muhimi tana salomatligi bilan bir qatorda, tana go'zalligini ham ta'minlaydi. Bolalar suyaklarning to'g'ri shakllanishi va mustahkamligi uchun gimnastika sporti alohida ahamiyatlidir [1, 35].

Rus pedagog-psixologi I. Betskoy fikricha, bolalarda maktabgacha ta'lim muassasasida bolalarda valeologik tarbiyaning boshlanishi suzish bilan boshlashni tavsiya qiladi. Pedagogning fikricha, suzish bolada o'pka va nafas olish tizimi faoliyatini to'g'ri shakllanishida asosiy sport turi xisoblanadi.

Yevropalik olimlardan aksariyati (Koval V.I., Larina N.N., Rodionova T.A. Koleda V.A.) ertalabki badantarbiya mashqlarining maktabgacha ta'lim muassasalarida

to'g'ri tashkil etilishi jarayonidagi tarbiyachi-pedagogning quyidagi vazifalari mavjud deya belgilashadi [3, 45]:

- ertalabki badantarbiya mashqlarini to'g'ri vaqtda tashkil etilishi (bolaning ertalabki nonushtadan keyingi holatida tashkil etish maqsadga muvofiq, bolalardagi ertalabki ochlik hissi ularda badantarbiya mashg'ulotlariga nisbatan loqaydlikni keltirib chiqaradi);

- badantarbiya mashqlarini bajarishda to'g'ri ketma-ketligini ta'minlash (yengil mashqlardan bosqichma-bosqich murakkablariga o'tish);

- maktabgacha ta'lim muassasasi tarbiyalanuvchisining har birini fiziologik holatidan kelib chiqqan holda mashqlarni bajarilishini nazorat qilish;

- badantarbiya mashqlari uchun fasl va muhitga qarab to'g'ri joy tanlash (qishda xona ichkarisida, yozda esa maktabgacha ta'lim muassasasi hovlisida ertalabki quyosh ostida);

- bolalarga qaysi badantarbiya mashqi ta'naning qaysi qismi uchun foydali ekanligini qiziqarli tarzda tushuntirib berish;

- badantarbiya mashg'ulotlaridan keyin nonushtani to'g'ri tartibda boshlashlarini nazorat qilish [5, 10];

Umuman olganda, ushbu mavzu doirasida juda ko'p olimlarning ilmiy tadqiqot faoliyatidan misollar keltirish mumkin.

Maktabgacha yosh – bolaning jadal ijtimoiylashuvi, faol bilim va o'yin faoliyati, maktabga tayyorgarlik davri hisoblanadi. Bu yoshda bolalarni aqliy mashqlar bilan band bo'lishdan ko'ra ko'proq jismoniy harakatlarga moyillik kuchli bo'ladi. Shuning uchun ham ularni sport mashg'ulotlariga jalb qilishda tarbiyachi-pedagog katta muammolarga duch kelmaydi. Lekin maktabgacha ta'lim muassasidagi valeologik tarbiya berish jarayonining o'zida ham bir necha yechimi doimiy ravishda o'zgarib turuvchi muammolar mavjud.

Valeologik ta'lim va tarbiya sohasida mavjud muammolar orasida quyidagi 3 guruhlar mavjud:

1-guruh – uslubiy;

2-guruh – tashkiliy-uslubiy;

3-guruh – xodimlar [4, 10].

Yuqoridagi muammolarni hal qilishning eng tatbiqiy yo'li maktabgacha ta'lim muassasai tarbiyachi-pedagoglarni tayyorlash jarayonida zamonaviy nazariy va amaliy bilimlardan foydalanish, sohaga doimiy ravishda innovatsion yangiliklarni joriy qilish, maktabgacha ta'lim muassasalarida kerakli infratuzilma va sharoitlarni yaratish darkordir.

Xulosa sifatida aytish mumkinki, maktabgacha ta'lim muassasalarida pedagoglarning bolalarga valeologik tarbiya berish jarayonida doimiy innovatsion metodlarni qo'llash va rivojlantirib borish uchun eng avvalo, tarbiyachi-pedagogni kerakli nazariy va amaliy bilimlar bilan oliy ta'lim muassasalarida taminlab borilishi zarurdir. Maktabgacha ta'lim muassasalarida valeologik tarbiya masalasini faqat birgina tarbiyachi-pedagogga yuklash joiz emas, imkon qadar muassasada domiy sport to'garaklarini tashkil qilish bolalarda sportga bo'lgan qiziqsh va intilishni kuchayishini ta'minlaydi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. *Александровская Н.Е. Клинико-функциональная характеристика здоровья часто болеющих детей в динамике оздоровления в условиях санаторияпрофилактория местного типа. – Автореферат дисс. к.м.н. – Иваново,1993. – С. 58.*
2. *Ramanova, D.Y. Urazaliyeva, I.R. and Ermatova, A.K. (2019) «VALEOLOGY IN THE EDUCATIONAL PROCESS OF HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS,» Central Asian Problems of Modern Science and Education: Vol. 4 : Iss. 2 , Article 246.*
3. *Khasanov, O. (2019) «VALEOLOGICAL ASPECTS OF HEALTHY LIFESTYLE OF YOUNG GENERATION,» Central Asian Problems of Modern Science and Education: Vol. 4 : Iss. 2 , Article P 58-65.*
4. *Апанасенко Г.Л. Валеология: право на самостоятельность. // Медицинская газета, – 1996, –№81, – С. 10-11.*
5. *Апанасенко Г.Л. Валеология: имеет ли она право на самостоятельное существование. // Валеология. – 1996, – №2, – С. 9-14.*

TALABALARDA ETNOMADANIY BAG'RIKENGLIKNI SHAKLLANTIRISHNING AHAMIYATI

Eldor Tangirov,

Samarqand davlat tibbiyot universiteti

Anotatsiya

Maqolada ijtimoiy-madaniy rivojlanishning hozirgi bosqichida talabalar etnomadaniy ta'limining muammolari va holati, talabalarda etnomadaniy bag'rikenglikni shakllantirishning ahamiyati, bugungi kunda ta'lim tizimining zaruriyati ekanligi yoritilgan.

Kalit so'zlar: etnomadiy jarayonlar; millatlararo munosabatlar; etnik-madaniy tarbiya; tolerantlik.

Аннотация

В статье рассмотрены проблемы и состояние этнокультурного воспитания студенческой молодежи на современном этапе социокультурного развития, важность формирования у студенческой молодежи этнокультурной толерантности, необходимость системы образования на сегодняшний день.

Ключевые слова: этнокультурные процессы, межэтнические отношения, этнокультурное воспитание, толерантность.

Annotation

The article describes the problems and state of ethnocultural education of students at the current stage of socio-cultural development, the importance of forming ethnocultural tolerance in students, and the necessity of the educational system today.

Keywords: ethno-cultural processes, inter-ethnic relations, ethno-cultural education, tolerance.

Millatlararo munosabatlar dunyodagi har bir davlatda o'zining tarixi, xususiyatlariga ega bo'lgan, jamiyatning eng nozik va murakkab ijtimoiy-siyosiy muammolaridan biridir. Jumladan, milliy masala davlatlarda milliy xavfsizlik tushunchasini shakllantiruvchi ta'sirchan omillardan biri bo'lib, bu masalalarning ba'zi davlatlarda o'z yechimini topa olmayotganligi davlatlarning milliy xavfsizligiga putur yetkazuvchi omilga aylanib borayotganligi sir emas. Zero, O'zbekiston birinchi Prezidenti Islom Karimov bu masala xususida to'xtalib, shunday degan edilar: "Millatlararo munosabatlarda uyg'unlik bo'lmasligi nafaqat ayrim davlatlarning, balki butun mintaqalarning ham ichki siyosiy barqarorligi va milliy xavfsizligiga putur yetkazuvchi bosh omilga aylangan.

Etnik-madaniy bilim umumiy ta'limning tarkibiy qismi sifatida milliy o'zlikni anglashni, ijobiy milliy qadriyatlar tizimini, ma'naviy-axloqiy, ijtimoiy, umumiy madaniy va milliy o'zlikni anglashni shakllantirish uchun keng imkoniyatlarga egadir [1, 155].

Ushbu ta'lim sohasining ahamiyatini hisobga olgan holda, O'zbekiston Respublikasining barcha ta'lim muassasalari o'quvchilarini etnik-madaniy tarbiyalashning vazifalari, qadriyatlari, tamoyillari to'g'risida bilimlar bilan boyitib borilmoqda.

XX asrning ikkinchi yarmida tolerantlik muammosi xalqaro tus oldi, chunki bu muammoning ijobiy hal etilishi xalqlar o'rtasidagi va mamlakat ichidagi ko'pgina mojarolar tugunini yechib yuborish imkonini beradi. Chunonchi, bir-biriga sabr-toqat bilan qarash, bir-birining o'zgacha yashash huquqini tan olish, ayrim ijtimoiy subyektlarning mutloq haqiqat tushunchasini tan olish to'g'risidagi fikriga qo'shilish sohasida muayyan hamjihatlik bo'lmasa, o'zaro mojarolashuvchi tomonlar o'rtasidagi

muloqotda murosaga erishib bo'lmaydi.

"Etnomadaniy ta'lim" mazmun komponentining xususiyatlari uni fanlararo integratsiya va faoliyat yondashuvi asosida amalga oshirishdan iborat. Rahbar sifatida talabalar faoliyatining kognitiv, tadqiqot, hissiy va qiymat, o'yin va amaliy kabi sohalari ajralib turadi [2, 516].

Zamonaviy ta'lim atrofidagi dunyoni ongli idrok etishda, o'z mintaqasining madaniy, tarixiy va ma'naviy hayoti shakllarining o'ziga xosligida ifodalangan asosiy milliy qadriyatlarga mos keladigan barkamol va ma'naviy-axloqiy shaxsni tarbiyalashni ta'minlashga qaratilgan. Yosh avlod tomonidan o'z ajdodlarining madaniy merosini, uning an'analari va urf-odatlarining o'ziga xosligi va o'ziga xosligini o'zlashtirish, bolada milliy o'zini o'zi anglash, boshqa xalqlar madaniyatiga hurmat, faol fuqarolik pozitsiyasini shakllantiradi.

Bag'rikenglik o'zbek xalqiga xos bo'lgan chinakam islomiy fazilatdir. U samimiyat, ochiq muloqot hamda vijdon va e'tiqod tufayli vujudga keladi. Shuningdek, u faqat ma'naviy burchgina emas, balki siyosiy va huquqiy ehtiyoj hamdir. 2017–2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasida millatlararo totuvlik va diniy bag'rikenglikni ta'minlash, yon-atrofimizda xavfsizlik, barqarorlik va ahil qo'shnichilik muhitini rivojlantirish, yurtimizning xalqaro nufuzini mustahkamlash masalalariga alohida e'tibor qaratilgan bo'lib, bu bilan millatlararo munosabatlar rivojida yangi bosqich boshlandi. Xalqimizga xos bag'rikenglik ham o'zining qadimiy ildizlariga ega. Mamlakatimizda bag'rikenglik va insonparvarlik madaniyatini yuksaltirish, millatlararo va konfessiyalararo hamjihatlikni, fuqarolar totuvligini ta'minlash, xorijiy mamlakatlar bilan do'stona, teng huquqli munosabatlarni

mustahkamlash davlat siyosatining ustuvor yo'nalishlaridan biri sanaladi. Shu bois siyosiy barqarorlik va millatlararo totuvlikni ta'minlashda, fuqarolarimizda yagona Vatan tuyg'usini shakllantirishda, yurt istiqboliga daxldorlik hissini kamol toptirishda xalqimizning bag'rikenglik xislati asosiy omil bo'lib xizmat qilmoqda [3, 509].

Dunyoda milliy-etnik munosabatlar tobora murakkablashib, hatto eng ilg'or davlatlarda ham oz sonli millat vakillarini kamsitish, xo'rlash va siqib chiqarish holatlari kuzatilayotgan bir davrda diniy bag'rikenglik, totuvlik, o'zaro hamkorlik masalasi mamlakatlarning tinchligi va taraqqiyoti uchun eng muhim tamoyillardan biri bo'lib xizmat qiladi. Markaziy Osiyoda geografik-siyosiy jihatdan markaziy o'rin tutgan O'zbekiston ushbu mintaqada kuchlar nisbati va muvozanatini saqlash, barqarorlikni ta'minlash, ijtimoiy, siyosiy, madaniy hamkorlikni mustahkamlash imkoniyatlariga ega. O'zbekiston bugungi kunda qo'shni davlatlar – Qozog'iston, Qirg'iziston, Tojikiston, Turkmaniston va Afg'oniston o'rtasida bog'lovchi halqa vazifasini o'tamoqda. Mintaqa doirasida har tomonlama manfaatli madaniy munosabatlar o'rnatish imkoniyati O'zbekiston orqali ochiladi. O'zbekiston Markaziy Osiyoning transport, energetika, suv tizimi markazida joylashgan bo'lib, aholi soni, ilmiy-texnikaviy va boshqa imkoniyatlari jihatidan mintaqadagi qo'shnilaridan ma'lum darajada ustun turadi: tabiiy iqlim sharoiti qulay, ulkan mineral, xomashyo zaxiralari va strategik materiallarga ega. Dehqonchilik madaniyati rivojlangan, oziq-ovqat bilan o'zini o'zi ta'minlashga qodir bo'lgan O'zbekistonda sanoatning bazaviy va zamonaviy tarmoqlari ham mavjud. O'zbekiston o'zini neft, gaz, rangli materiallar bilan ta'minlabgina qolmay, ularni eksport qilish imkoniyatiga ham ega. Yurtimizning jahonga mashhur boy ma'naviy merosi ham bor, shu tufayli insoniyat sivilizatsiyasida salmoqli o'rin egallab, dunyoning madaniy, ma'naviy va ijtimoiy-siyosiy jarayonlariga ta'sir o'tkazib keladi. Biroq geografik-siyosiy jihatdan O'zbekistonda qiyinchiliklar tug'diruvchi omillar ham mavjud bo'lib, O'zbekiston o'zining geografik-siyosiy holati jihatidan jamoaviy xavfsizlik tizimi izchil yo'lga qo'yilmagan mintaqada joylashgandir. U Fors ko'rfazi, Kaspiy dengizi havzasi va Tarimi havzasining neft va gazga juda boy konlari joylashgan yarim halqaning strategik markazida joylashgan. Shu boisdan bu hududda butun dunyoda energiya taqchilligi sharoitida ko'pgina davlatlarning bir-biriga mos kelmaydigan manfaatli o'zaro to'qnashmoqda. Bir tomondan, Sharq va G'arb mamlakatlari, shuningdek, Rossiya, Xitoy va Hindiston, mazkur mintaqada o'z manfaatlarini izlamoqda. Ikkinchi tomondan, musulmon dunyosidagi ba'zi kuchli mamlakatlar – Turkiya, Pokiston, Eron va Saudiya Arabistoni ham bizning hududimizdan o'z manfaatlarini qidirmoqda [4, 254].

Biz manfaatlar birikuvining xilma-xil mexanizmlari va shakllari hamda integratsiya turlari mavjudligiga

asoslanamiz. Bunga sherikchilik va hamkorlik qilishga intilayotgan mamlakatlarning boshlang'ich shart-sharoitlari turlichaligi sababdir. O'zbekiston bir vaqtning o'zida turli darajalarda dunyo miqyosida va mintaqa ko'lamida – integratsiya jarayonlarida qatnashsa-da, ammo bir muhim qoidaga, bir davlat bilan yaqinlashish hisobiga boshqasidan uzoqlashmaslikka amal qiladi. Biz mamlakatimiz iqtisodiy jihatdan rivojlangan bozor tizimiga ega bo'lgan, demokratik davlat haqidagi hozirgi zamon tushunchalariga mos keladigan taqdiridagina jahon hamjamiyatiga kirishimiz mumkin. Ayni chog'da, mamlakat jahon hamjamiyati bilan hamkorlik o'rnatishiga, ya'ni xalqaro mehnat taqsimotida o'zining munosib o'rnini topganida, mintaq va butun dunyo xavfsizlik tizimlarini barpo etishda faol ishtirok etgandagina, u hozirgi zamon global muammolarini hal qilishda munosib o'rin egallaydi. Millatlar ham insonlardek xilma-xil va turli-tuman bo'lganligi bois milliy munosabatlarda har bir millatga nisbatan siyosat o'tkazishda nihoyatda ehtiyotkorlik, muomala madaniyati va e'tiborlilik talab qilinadi. Har bir insonning millatparvarligi, avvalambor, uning o'z millatiga, uning tiliga, madaniyatiga, an'analari, urf-odatlar va rasm-rusumlariga bo'lgan munosabatida namoyon bo'ladi. Lekin millatparvar bu doirada cheklanib qolmaydi, boshqa millatlarni o'z millati bilan teng ko'radi. Millatlararo totuvlik g'oyasi sayyoramizda yashayotgan 1600 dan ziyod etnik guruhlarning teng huquqlilik, o'zaro hurmat va hamkorlik asosida tinch-totuv yashash g'oyasidir. Millatlararo totuvlik g'oyasi millatparvarlik g'oyasidir [1, 359]. U barcha millat va elatlarning tili, urf-odati, an'analari, bayramlari rivojlanishini talab etadi. Millatchilik, fashizm, milliy va etnik ko'rinishdagi urushlarga qarshi turadigan yagona ma'rifiy g'oyadir. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 4-moddasida ko'rsatilganidek, O'zbekiston Respublikasi o'z hududida istiqomat qiluvchi barcha millat va elatlarning tillari, urf-odatlar va an'analari hurmat qilinishini ta'minlaydi, ularning rivojlanishi uchun sharoit yaratadi. O'zbekistonda yashovchi turli millat vakillarining madaniy ehtiyojlarini qondirish uchun milliy madaniy markazlari faoliyat yuritadi. Dastlabki milliy madaniy markazlar koreyslar, qozoqlar, yahudiylar, armanlar tomonidan respublika viloyatlarida 1989-yilda tashkil etilgan. Bu markazlarning chinakam rivojlanishi va ravnaq topishi O'zbekiston mustaqillikka erishganidan keyin boshlandi. Bu davrda ularning samarali faoliyat ko'rsatishi uchun keng imkoniyatlar yaratildi. Natijada, ularning soni yil sayin ortib bordi. Agar 1992-yilda 10 ta milliy madaniy markaz ish olib borgan bo'lsa, 1995-yilda ularning soni 72 taga, 2003-yilda 135 taga yetdi. Hozirga kelib esa mamlakatda 138 ta milliy madaniy markazlar faoliyat yuritmoqda. O'zbekiston Respublikasida yashovchi turli millat vakillarini respublika ijtimoiy, ma'naviy-ma'rifiy hayotida faol ishtirok etishini ta'minlash milliy madaniy markazlar faoliyatining muhim yo'nalishlaridan biridir.

Shuningdek, xorijiy mamlakatlardagi turdosh tashkilotlar hamda tarixiy vatanlari bilan do'stlik, hamkorlik, madaniy-ma'rifiy aloqalar o'rnatish va hamdo'stlik aloqalarini rivojlantirish, Respublika baynalmilal madaniyat markazi, turli davlat va jamoat tashkilotlari hamda ijodiy uyushmalar bilan hamkorlikda mamlakatda fuqarolar hamjihatligi va millatlararo totuvlikni mustahkamlashga ko'maklashish markazning asosiy vazifalaridir [1, 218].

Milliy madaniy markazlar etnomadaniy ehtiyojlarni qondirishga, milliy qadriyatlarni saqlash va rivojlantirishga hamda mamlakatda millatlararo totuvlikni mustahkamlashga xizmat qilmoqda. Ular o'z milliy madaniyatlarini rivojlantirish bilan birga, birbirilari bilan yaqin hamkorlik qilib, O'zbekistonda yashayotgan turli millat vakillari orasidagi o'zaro hurmat va ishonchni mustahkamlashga o'zlarining munosib hissalarini qo'shmoqdalar. Milliy

madaniy markazlar va ular ishini muvofiqlashtiruvchi Respublika baynalmilal madaniyat markazi faoliyatining muhim yo'nalishlaridan biri yoshlar haqida g'amxo'rlik, mamlakatimiz kelajagi bo'lgan barkamol avlodni shakllantirishga hissa qo'shishdan iborat.

Xulosa o'rinda shuni ta'kidlash lozimki, mamlakatimizdagi mustaqil rivojlanish sharoitida ro'y berayotgan chuqur ijtimoiy o'zgarishlar o'zbekistonliklarning mentalitetida yangi milliy davlatchilikni qaror toptirish jarayonlarini jadallashtirib yubordi. Nafaqat bu, balki eng asosiy demokratik tamoyillardan biri bo'lmish tolerantlik davlat darajasidagina emas, shaxslar, guruhlar darajasida ham tobora yuzaga chiqib bormoqda, tolerantlik esa turli etnik guruhlarga mansub kishilarning turmush tarziga, fe'l-atvori, his-tuyg'ulari, fikr-o'ylari, g'oyalari va diniy qarashlariga hurmat-ehtirom bilan munosabatda bo'lishni bildiradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Муртазаева Р.Х. *Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик*. – Т.: Университет, 2007. – 450 б.
2. Sayfullayevich T.E., Nafisa T. *Formation of forgiveness thinking of young people in the family-an important direction of educating a perfect person // Web of Scientist: International Scientific Research Journal*. – T., 2022. – №3. – С. 513-517.
3. Sayfullayevich T.E., Nafisa T. *The importance of including the idea of tolerance in students // Web of Scientist: International Scientific Research Journal*. – T., 2022. 3. – №3. – С. 509-512.
4. Тангиров, Э. С. (2022). *Talaba-yoshlarda etnomadaniy bag'rikengligini tarbiyalashning pedagogik va psixologik usullari: Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал*, (4), 250-255.

ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ МАКОНИНИ БАҚҚАРОРЛАШТИРИШ ҲАМДА УНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШНИНГ МУАММО ВА ЕЧИМЛАРИ

Шахноза Кобилова,

Чирчиқ давлат педагогика университети Педагогика факультети
Махсус педагогика кафедраси ўқитувчиси

Аннотация

Ушбу мақолада инклюзив таълимни таъкил этишида таълим маконини баққарорлаштириши, педагогик шарт-шароитлар, унинг истиқболли имкониятлари, инклюзив таълим мактабларда фаолият олиб борадиган ўқитувчилар эга бўлиши керак бўлган касбий компетентлик, “Махсус педагогика” ва “Махсус психология” фанлари негизида “Умумий инклюзив таълим” фан дастурини ишлаб чиқиши ва замонавий дарсликни яратиши, педагог кадрлар тайёрлайдиган ОТМларнинг барча йўналишларида бу фанни ўқитиши хусусида сўз юритилган.

Калит сўзлар: педагогика, инклюзив, имконияти чекланган ўқувчи, таълим сифати ва самарадорлиги, психологик жараён, психологик хусусият ва жараён, таълим, истиқбол, педагогик жараён, “Махсус педагогика” ва “Махсус психология”, “Умумий инклюзив таълим” дарслиги, ОТМ.

Аннотация

В данной статье стабилизация образовательного пространства в организации инклюзивного образования, педагогические условия, его перспективные возможности, профессиональная компетентность, которой должны обладать педагоги, работающие в школах инклюзивного образования, «Общее инклюзивное образование» на основе дисциплин « Специальная педагогика» и «Специальная психология» обсуждалась разработка программы науки и создание современных учебников, преподавание этой науки во всех направлениях вузов, готовящих педагогические кадры.

Ключевые слова: педагогика, инклюзивный, студент-инвалид, качество и эффективность образования, психологический процесс, психологические характеристики и процесс, образование, перспектива, педагогический процесс, «Специальная педагогика» и «Специальная психология», учебник «Общее инклюзивное образование», ВО.

Annotation

In this article, the stabilization of the educational space in the organization of inclusive education, pedagogical conditions, its promising possibilities, the professional competence that teachers working in inclusive education schools should have, «General inclusive education» based on the disciplines of «Special pedagogy» and «Special psychology» development of a science program and creation of a modern textbook, teaching of this science in all areas of HEIs training pedagogic personnel was discussed.

Keywords: pedagogy, inclusive, disabled student, quality and effectiveness of education, psychological process, psychological characteristics and process, education, perspective, pedagogical process, «Special pedagogy» and «Special psychology», «General inclusive education» textbook, HE.

Мамлакатимизнинг дунё ҳамжамияти билан фаол интеграциялашув, инсон-ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ рўёбга чиқариш, бу борада масъул давлат ва нодавлат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар бунинг яққол далили бўлиб, аҳолини барча қатлам ва тоифалари учун ижтимоий фаолликни амалга ошириш, унинг ҳуқуқий, ижтимоий педагогик ва психологик шарт-шароитларини яратиш масалалари диққатга сазовардир.

Жамиятимизда инклюзив таълимни ривжлантириш, алоҳида таълимга муҳтож болалар нормал ривожланаётган тенгдошлари билан биргаликда ўқиши, унинг педагогик-психологик механизмларини босқичма-босқич ҳаётга тадбиқ этиш давлат сиёсати даражасидаги масалага айланди.

Инклюзив таълим имконияти чекланган бола (ўқувчи)лар учун уларнинг алоҳида таълим эҳтиёж-

лари ва индивидуал имкониятларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш мумкин бўлган таълимни таъминлашни назарда тутди. А.С.Баталов таъбири билан айтганда, инклюзивлик алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган имконияти чекланган бола (ўқувчи)лар учун ягона таълим майдони ғояларига асосланиб, турли хил таълим йўналишларига эга [1, 44].

Алоҳида таълимга муҳтож бола қайси таълим дастурида ва қайси таълим муассасасида ўқиши тўғрисида қарор ота-оналар (қонуний вакиллар) томонидан таълим тизимида ўқувчиларни йўналтиришга мувофиқлаштирилган консулим (психологик, тиббиёт ходими, педагогик, дефектолог ва бошқа) хулосаси тавсиялари асосида қабул қилинади.

Инклюзив давлат ва жамият бошқарув ҳаётида бир қанча қулайлик ва омилкорликни келтириб чиқаради. Бироқ инклюзив ўқитишга мослашмаган, ёки энди жорий этилган таълим муассасаларида баъзи педагог ва ота-оналарнинг имконияти чекланган бола

(ўқувчи)ларни таълим олишига бўлган муносабати, ҳамда индивидуал хусусиятларни тақозо этадиган турли хил таълим дастур ва ресурсларини яратиш билан боғлиқ муаммоли вазиятларни юзага келиш эҳтимоллигини ҳам назарда тутишимиз лозим.

Шу нуқтаи назардан, имконияти чекланган бола (ўқувчи)ларни инклюзив таълимга жалб этиш жараёнида улар учун махсус давлат таълим стандарти (ногиронлик аломати ва хусусиятларидан келиб чиқиб) яратилиши тақозо этилади. Бунда умумий таълим доирасида мослаштирилган таълим дастурларини ўзлаштириш талабларини тақдим этади. Ушбу стандарт ҳар бир мослаштирилган дастурни, яъни маълум бир тоифадаги болалар дастур бўйича ўқиш давомида қандай билим ва кўникмаларга эга бўлиши кераклигини хусусидаги тавсифни ўз ичига олаши мақсадга мувофиқдир.

Чунки, махсус таълимга муҳтож болалар турли хил (ақлий ёки жисмоний) ногирон болаларни ўз ичига олганлиги сабабли ностандарт гуруҳ деб эътироф этилади. Бу тоифага мансублик эшитиш, кўриш функциялари, нутқи, таянч-ҳаракат тизими, ақлий заифлиги, хиссий-иродавий соҳанинг оғир бузилишлари, аутизм спектрини бузилиши, шунингдек, ривожланишнинг мураккаб бузилишлари бўлган болалардир.

И.Н.Симаева ва В.В.Хитрюк инклюзив таълим майдони хусусида илмий мулоҳазаларни билдириб, жумладан, шундай дейди: “инклюзив таълим майдони ижтимоий маконнинг интеграцион бирлиги бўлиб, унинг мазмунини, ўзига хос хусусиятларини белгилайдиган таркибий қисмлар, блоклар тизими билан ифодаланади. Бунда таълим ва шахслараро муносабатлар ҳар бир иштирокчи учун қулай форматда амалга оширилади, ҳамда шахсий ва ижтимоий имкониятлар ривожланиш ва ўз-ўзини ўзгартиришни таъминлайди” [4].

Инклюзив маконнинг асосий мақсади ота-оналар, ўқувчилар, ўқитувчи ва мураббийлар, ҳамда бошқа мутахассисларни таълим ва тарбия, ижтимоий мослашиш, соғлиқни сақлаш, коррекцион ривожлантириш билан бевосита боғлиқ бўлган фаолият турли жараёнларига жалб қилишдир.

А.С.Баталов нуқтаи назарича, инклюзив маконнинг иккита модели мавжуд бўлиб, улар эҳтимолий таъсир доираларини қамраб олади. Биринчиси, битта таълим муассасаси ичида, иккинчиси эса унинг ташқарисида. Иккинчи модел махсус коррекцион мактаб бўлиб, мактаб ва интернатларнинг қўшимча таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини ўз ичига олади. Булар алоҳида таълимга муҳтож болалар иштирокидаги турли кўргазмалар, тадбирлар ва театрлаштирилган томошаларни ташкиллаштиради [2, 12].

Давлат мактабларида ўқийдиган имконияти чекланган бола (ўқувчи)ларни муваффақиятли ўрганиш ва ижтимоийлаштириш учун хавфсиз шароитлар ярати-

лиши лозим. Бу таянч-ҳаракат тизими касалликлари бўлган болалар учун махсус жиҳозланган пандусларни яратишни ўз ичига олади (кўпинча мия ярим фалажли болалар); кўриш қобилияти бузилган болалар учун махсус дидактик материаллар ва воситалар; эшитиш қобилияти заиф болалар учун махсус овоз кучайтирувчи қурилмалар. Демак, алоҳида таълимга муҳтож болаларни ўз ичига олган барча мактаблар яхши техник, услубий база билан жиҳозланган бўлиши, шунингдек, ўқитувчилар таркибини тегишли маълумотга эга бўлган мутахассисларга эга бўлиши керак.

Аммо, афсуски, ҳозирги вақтда ўқитувчи имконияти чекланган бола (ўқувчи)лар билан қандай ишлашни билмай, уни тенгдошларидан “ажратиб қўядиган” вазиятни кузатиш мумкин, бу эса синфдаги болаларнинг бундай болага бўлган муносабатини ёмонлаштиради. Профессional компетентлик нуқтаи назаридан баҳолайдиган бўлсак, ўқитувчи таълим жараёнининг энг муҳим иштирокчиси ва мувофиқлаштирувчисидир.

О.В.Солодянкина нуқтаи назарича инклюзив таълим маконини хавфсизлигини ташкил этишнинг муҳим жиҳати – бу мутахассисларни имконияти чекланган бола (ўқувчи)ларнинг ота-оналари, синф ўқувчилари ва улар ўртасидаги муносабатлар интеграцияси, мослашув ва ҳамкорлик омилларини мувофиқлаштириб боришида акс этади. Чунки бола оилада муайян хулқ-атвор кўникмаларини, ўзи ва ўзгалар ҳақида, бутун дунё ҳақидаги ғояларни ўрганади [5, 25].

Шу илмий мулоҳазалардан келиб чиқиб таъкидлашимиз мумкинки, инклюзив таълим маконини хавфсизлигини ташкил этиш ва барқарорлаштиришда ўқитувчи қуйидагиларга эътибор қаратиши лозим:

- имконияти чекланган бола (ўқувчи)ларнинг ота-оналари билан ишлашни педагогик-психологик дастурини шакллантириш ва босқичма-босқич амалга ошириш ҳамда оиласини бирламчи педагогик-психологик портретини яратиш ва диагностикасини амалга ошириш;

- имконияти чекланган бола (ўқувчи)лар билан бевосита таълим-тарбияни ташкил этадиган (инклюзив синфларда дарс машғулотларини олиб борадиган) мутахассисни ота-оналар билан яқиндан таништириш ва алоқа ўрнатишини таъминлаш ҳамда реабилитация карталари, мутахассисларнинг мулоҳазалари ва диагностика маълумотлари асосида инклюзив таълимга жалб этилган имконияти чекланган бола (ўқувчи)ни индивидуал қўллаб-қувватлаш дастурини тузиш;

- инклюзив таълимга жалб этилган имконияти чекланган бола (ўқувчи)нинг ота-оналари билан мактабда фаолият олиб боровчи “консулим” ишчи гуруҳ иш режасини тузиш ҳамда соғол болаларнинг ота-оналари билан суҳбатлар уюштириш, болаларини фикрлари хусусида маълумотларни жамлаш ва контент анализ қилиш;

- инклюзив таълим ташкил этилган мактабларда соғлом болалар ва имконияти чекланган бола (ўқувчи)ларнинг ота-оналари билан кўшма тадбирларлар ўтказиш, ҳамда байрам концертлар ташкиллаштириш негизида, нафақат болалар ўртасида, балки ота-оналар ўртасида мулоқотнинг манфаатли, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган конформиз муҳитини юзага чиқишини таъминлаш масалаларига креатив ёндашув талаб этилади (Инклюзив мактабларда фаолият олиб бораётган ўқитувчиларда, инклюзив таълимни ташкил этиш ва бошқариш компетентлиги биз қуйида тавсия этадиган янги фан, яъни “Инклюзив таълим ва унинг педагогик-психологик асослари” фани асосида қарор топади).

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, инклюзив таълим майдони имконияти чекланган бола (ўқувчи) таҳсил олаётган таълим уларни ўқитиш учун таълим стандартлари ва меъёрий-ҳуқуқий база, ҳамда малакали ўқитувчилар мавжуд бўлган ҳолларда хавфсиз бўлади.

Имконияти чекланган бола (ўқувчи)ни ўқитиш ва тарбиялаш ҳамда инклюзив амалиётни амалга оширишни учун зарур шарт – бу таълим муассасасида психологик-педагогик ёрдам бўйича мутахассисларнинг мавжудлиги. Ўқитувчи ва ёрдамчи мутахассисларнинг ўзаро ҳамкорлиги жамоавий бўлиши керак, аммо бу дарҳол содир бўлмайди, чунки мутахассисларни ҳар бири ўзининг юқори ихтисослашган функционал вазифаларини ҳал қилади. Аммо инклюзив таълимни амалга оширувчи таълим муассасалари тажрибаси шуни кўрсатадики, умумий тил топмасдан, “махсус” болани таълим жараёнига киритиш бўйича умумий мураккаб вазифаларни қўймасдан, мактабнинг бу йўналишдаги фаолиятини муваффақиятли амалга ошириб бўлмайди.

Мутахассислар ўзларининг касбий тайёргарлиги ва мажбуриятларига мувофиқ қуйидаги фаолият турларини амалга оширадilar: маслаҳат, тарбиявий, коррекцион ва ривожлантирувчи, диагностика ва таҳлилий, профилактика, тарбиявий ва бошқа зарурий эҳтиёжлар. Шу билан бирга, таълим муассасасида ишлайдиган барча мутахассисларнинг фаолияти, инклюзив амалиётни амалга оширувчи муассаса хусусиятга мувофиқлашган ва йўналган бўлишини тақозо этади.

Бу вазиятни мувофиқлаштириш учун таълим муассасани ўзида фанлар кесимида репетиторлик фаолиятини йўлга қўйиш ва мувофиқлаштирилган ҳолда ўқитувчининг шахсий мотивациясини ҳам белгилаб қўйиш зарур. Репетитор инклюзив мактабда (синфда – фронтал ва индивидуал дастурлар асосида) танаффус пайтида, дарсдан ташқари ҳолатларда бевосита ишлаши учун зарурий шарт-шароитларга эга бўлиши керак.

Е.В.Самсонова репетитор ўқитувчининг асосий вазифаси хусусида фикр юритиб, қуйидагиларни белгилаб кўрсатади:

- инклюзив мактаб таълим жараёнида боланинг ўзига ўзи ёрдам беришини таъминловчи дастурларни ишлаб чиқиш;

- ўқитувчи ва бошқа мутахассислар билан мунтазам алоқада бўлиш;

- тенгдошлари орасида имконияти чекланган бола (ўқувчи)ларнинг психологик-педагогик мослашуви ва ижтимоийлашуви учун шароит яратиш;

- имконияти чекланган бола (ўқувчи)ларни индивидуал таълим траекториясини ишлаб чиқиш;

- имконияти чекланган бола (ўқувчи)ларни ўқув кўникмалари ва адекват хулқ-атвор кўникмаларини шакллантириш.

- имконияти чекланган бола (ўқувчи)ларнинг ўқиш жойига етиб бориши ва уйига қайтиши учун транспорт воситаларини уларни ногиронлик сифат ва хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда мувофиқлаштириш;

- имконияти чекланган бола (ўқувчи)ни ҳаракатланиш нукталари ва жойлари (мактабга кириш, йўлақларда ҳаракатланиш, махсус кутубхона, ошхоналардан улар учун махсус жойларни ажратилиши ва мослаштирилиши, “табiiй зарурат учун” хожатхоналарни ногиронлик хусусиятидан келиб чиқиб жиҳозлаш, доска ва х.к.) инклюзив таълим стандартларига мослаштириш;

- имконияти чекланган бола (ўқувчи)ларни соғлом болалар томонидан дискриминант ҳолатга тушиб қолиши ва оғир психологик травмаларга чалиниш хавфини бартараф этиш юзасидан психологик профилактик дастурларни таълим жараёнига мунтазам сингдириб бориш [3, 15].

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, бугунги кунда жамиятимизда инклюзив таълимни ташкил этишда, юқорида қайд этилган илмий-назарий қараш ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, педагог кадрлар тайёрлайдиган олий таълимда “Махсус педагогика” ва “Махсус психология” фанлари негизида имконияти чекланган болаларнинг психологик ҳолати, хусусияти ва уларнинг руҳий жараёнлари, ўзлаштириш имкониятлари ҳамда бошқа индивидуал хусусиятларини ўз ичига олган инклюзив таълим талаб ва шартларидан келиб чиққан ҳолда, замонавий инновацион педагогик технологияларни ўзида акс эттирган “Инклюзив таълим ва унинг педагогик-психологик асослари” фан дастурини яратиш ва дарслигини ишлаб чиқиш ҳамда педагогик олий ўқув юртларининг барча йўналишларида алоҳида фан сифатида 10 кредит ёки 2 семестр ўқитилиши мақсадга мувофиқдир (бугунги кунда инклюзив мактабларда фаолият олиб борилаётган фан ўқитувчилари малака ошириш институтларида ёки ОТМлар қошида “Инклюзив таълим ва унинг педагогик-психологик асослари” фан дастурини асосида 10 кредит ёки 2 семестр ўқитилиши ҳамда инклюзив таълим мактабларида фаолият олиб боришлари учун махсус сертификатларга эга бўли-

ши лозим). Чунки “Махсус педагогика” ва “Махсус психология” билимларига эга бўлмаган ўқитувчилар инклюзив таълимга жалб этилган ўқувчиларнинг руҳиятини тушунмасдан, улар билан индивидуал мулоқот ўрната олмайди, ҳамда уларнинг ўзлаштириш ва ўрганиши билан боғлиқ жараёнларда ҳал этишда муаммоларга дуч келади. Таъбир жоиз бўлса, бу билим ва кўникмаларни ўзлаштирмаган ўқитувчилар

инклюзив таълимда фаолият олиб бориш касбий компетентлигига эга бўлмаган педагоглар деб эътироф этилишига етарли асос бўлади. Бу эса инклюзив таълим мақсадига салбий таъсир кўрсатиб, давлат ва жамият миқёсида унинг оммалашув жараёнини секинлаштириб, одамлар онги ва тушунчасида негатив қарашларни уйғотиши ва шакллантириш эҳтимоллигини юзага чиқаради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Баталов А.С. Функционализация логопедических услуг в инклюзивном пространстве образования при переходе от образовательных стандартов нового поколения // Вестник Московского универсального гуманитарного университета. Массачусетс Шолохова. Серия «Педагогика и психология». – 2009. – № 2. – С. 55-59. – 225 б.
2. Баталов А.С. Функционирование логопедической службы в инклюзивном пространстве образовательного учреждения при переходе начальной школы на образовательные стандарты нового поколения // Вестник Московского государственного гуманитарного университета им. М.А. Шолохова. Серия «Педагогика и психология». – 2009. – № 2. – С. 55-59. – 225 б.
3. Самсонова Е.В. Развитие профессиональной компетентности педагога дошкольного образовательного учреждения, реализующего инклюзивную практику / Е.В. Самсонова // Инклюзивное образование: методология, практика, технология: материалы Междунар. науч.-практ. конф. / Моск. гор. психол.-пед. ун-т; редкол.: С.В. Алехина [и др.] – М., 2011. – 240 б.
4. Симаева И.Н., Ситрюк В.В. Инклюзивное образовательное пространство // Вестник Балтийского федерального университета им. Я. Канта. – 2014. – №5. С. 31–39. – 170 б.
5. Солодянкина О.В. Воспитание ребенка с ограниченными возможностями здоровья в семье. – М.: АРКТИ. – 2007. – 180 б.

SURXON KASHTACHILIK SAN'ATIGA MOZIYDAN NAZAR

Iqbol Boltayeva,

Termiz davlat universiteti o'qituvchisi;

Maxmatmurot Shomirzayev,

Termiz davlat universiteti professori, pedagogika fanlari doktori

Annotatsiya

Ushbu maqolada siz kashtachilik san'ati tarixi va tikish jarayoni, mavjud qonun-qoidalari va nusxa ko'chirish jarayoni, bir necha xil usullari bilan tanishib chiqasiz. Tikish jarayoni uchun kerak bo'ladigan asboblarni bilan tanishasiz. Surxondaryo milliy liboslarida turlari va unda mavjud bo'lgan kashtalarni tikilish tarixi bilan tanishasiz.

Kalit so'zlar: kashta, so'zona, zardevor, palak, kirpech, poyavzal, bosh kiyimlar, qo'ng'iroq, yuzlar, minisak, jelak, paranji, zoomorf.

Аннотация

В этой статье вы познакомитесь с историей искусства вышивки и процессом шитья, существующими законами и процессом копирования, несколькими различными способами. Вы познакомитесь с инструментами, необходимыми для процесса шитья. Вы познакомитесь с видами сурхандарьинских национальных костюмов и историей вышивки в них.

Ключевые слова: кашта, соzona, зардевор, палак, кирпеч, баишаки, шапки, колокольчик, лики, минисак, джелак, буранджи, зооморф.

Annotation

In this article, you will get acquainted with the history of the art of embroidery and the process of sewing, the existing laws and the process of copying, in several different ways. You will get acquainted with the tools necessary for the sewing process. You will get acquainted with the types of Surkhondaryo national costumes and the history of embroidery in them.

Keywords: kashta, sozona, zardevor, palak, kirpech, shoes, hats, bell, faces, minisak, jelak, burandzhi, zoomorph.

Kashta – bu bezak san'ati turi. Turli ranglardagi ip, igna, ilmoqli bigiz bilan mato, trikotaj, charmkigiz, kartonga, turli qotirmalarga qo'lda yoki mashinada gul, naqsh tasvirlanadi. Tasvirlangan mato bezaklari kishini hayratga soladi. Nafislik va yuksak estetik did bilan yondashilib tasvirlangan buyumning go'zalligi yanada ortadi, albatta, ranglar to'g'ri tanlangan bo'lsa. Kashta bitta tur ip yoki bir nechta ranglar uyg'unlashuvida tikiladi.

Kashta nafaqat uy-ro'zg'or buyumlarini bezashda, balki kiyimlarni bezashda ham qadimdan qo'llaniladi. Kashtalar nafaqat oddiy bo'yalgan iplar, balki ipak, paxta ip, jundan, zig'ir, sun'iy va kimyoviy tolali iplardan, iplarni tabiiy va sun'iy bo'yash orqali tayyorlanadi. Bundan tashqari, kashta tikishda turli xildagi oltin, kumush suvi yugurtirilgan iplar, mayim sim, xom charmdan ingichkalatilgan ip holatida, zar iplar, turli xil munchoqlar, marjonlar, bisser va mayda munchoqlar, pilakchalar, turli shakldagi zanglamaydigan o'rta qismi teshib ishlangan pilakchalar, turli qimmatbaho toshlar (turli davrlarda xon va sulton saroylarida eng ehtiromli kishilarga hadya uchun), tabiiy va sun'iy toshlar va rangli shishali munchoqlar naqshga terib ishlangan. Nafaqat ko'zni oluvchi, tabiiy shifobaxsh toshlardan ham keng foydalanilgan. Bunday kashta tushirilgan qimmatbaho kiyimlar doimiy kiyib yurilmagan [2, 312].

Bizga ma'lumki har bir xalq kashtachiligi qadim-qadimdan rivojlanib, sayqallanib kelgan. Har bir davrda ham kashtachilik o'zgacha mahorat va sabrni talab etgan. Aslida esa kashtachilikning qay tarzda va qaysi hududda yaratilganligi haqida aniq ma'lumotlar mavjud emas.

Bezak buyumlari turli xalqlarda rivojlanib kelayotgan o'z ana'na va badiiy uslublari turlicha bo'lgan, asosan uyni bezatish uchun tikilgan va keyinchalik xonaning yanada chiroy o'chishi uchun so'zana, zardevor, palak, kirpech, kiyimlar va choyshablarda, dasturxon va turli hamyonlarni bezashda, poyabzal va bosh kiyimlar, shu bilan birga, ust kiyimlar, bolish va turli buyumlar ostiga to'shach uchun tikilgan [4, 31].

O'zbekistonda bir necha xil kashtachilik maktablari mavjud, ular bir-biridan tikilishi, naqshlari, ranglari bilan farqlanadi. Shu maktablar ichida biz Surxondaryo kashtasi haqida qisqacha tanishib chiqsak.

Tasviriy san'at asarlari orqali Surxondaryoning o'tgan asrdagi liboslari O'rta Osiyoning boshqa qabilalari liboslariga o'xshash bo'lganligini kuzatish mumkin. Tasviriy manbalarda keltirilishicha, bu hudud kiyimlarida asosiy bezak turi bu kashta hisoblangan.

Boysun – Surxondaryoning yirik va mashhur tog'li tumani hisoblanib, uning aholisi tarkibining kelib chiqishi Dashti Qipchoqdan bo'lgan yarim ko'chmanchi o'zbek qo'ng'iroqlari, yuzlar (juzlar), tojiklar va turkmanlarni tashkil etgan. Tabiiyki bu jarayon liboslarning o'ziga xos tarzda transformatsiyalashuviga ta'sir ko'rsatgan. Boysunda ushbu xalqlar san'ati va madaniyatining o'ziga xos xususiyatlari birlashgan holda, bejirim liboslarning yaratilishiga asos bo'ldi. Surxondaryo O'zbekistonning boshqa hududlariga nisbatan o'zining qadimiy xususiyatlarini uzoq vaqt saqlab qolgan yorqin hududlardan biri hisoblanadi. Surxondaryoning qadimiy an'anaviy libos-

lari bugungi kunda to'liq o'rganilmagan bo'lsa-da, bu erda yashagan o'zbeklar liboslarning asosiy xususiyatlari haqida so'z yuritish mumkin. Ushbu hududda joylashgan vodiy, tog'li va tog' etagidagi tumanlar aholisining kiyinish madaniyati bir-biridan farq qilgan [1, 87].

Surxondaryoda qadimdan hunarmandchilik bilan kun kechirgan. Shundanmi, xalqida hunarmandlar va ularning shogirdlariga alohida hurmat bilan qaralgan.

Barcha xalqlarda kashtachilikning asosiy ish qurollari – bu igna (turli hajmdagi), ilmoqli va ilmoqsiz bigizlar, to'nog'ich, qaychi, chamberaklar, dastgohlar, angishvonalar va turli xil iplardan iborat bo'lgan. Kashta tikish uchun dastgohlar turli shaklga ega bo'lgan. Jumladan, to'rtburchak, aylana, kvadrat shaklda bo'lgan. Kashta tikish uchun ilmoqli bigiz va to'g'ri igna tanlanadi. Bugungi kunda kashta tikish uchun oddiy igna, bigiz (ostki qismida ip qoldirib tikish uchun mo'ljallangan uchida qo'shimcha teshik hosil qilingan bigizdan ham) keng foydalaniladi. Kashta tikishda bigiz ilmoqli, yog'och dastali bo'lishi lozim. Bazi hollarda tanlangan buyum charmdan bo'lsa u avval boshqa bigiz bilan teshib olinadi, shunda igna qiynalmasdan ip yo'lini hosil qilib oladi. Kichik kashta turlarini tikish uchun doira shaklidagi dastgoh qulay, katta shakldagi kashta turlari uchun kvadrat va to'rt burchak dastgohlar qulay hisoblanadi [2, 91].

O'zbek kashtachilik san'atida bir oilaviy udum mavjud. Unga ko'ra, har bir avlod davomiyligini bilish uchun kashtaning ma'lum bir qismi tikib tugatilmasdan qoldirilari. Bu esa davom etib kelayotgan avlod vakillari shu kashtaning bir qismini tikishi lozim bo'lgan, shu orqali keksalar unitilib ketishini yangi avlodlar esdan chiqarishmagan, natijada, mavjud kashtalar avloddan avlodga meros bo'lib qolgan va uzoq vaqt saqlangan [3, 12].

Kashtado'z kashta tikish jarayonida turli tabiat manzalarari, gullar, daraxtlar, yangi ungan novda, maysa, mevalar, jonivorlar, qushlar va insonlar tasviridan keng foydalanilgan. Kashta naqshlari asosiy uch qismga ajratiladi. Bular: tabiatdagi o'simlik va gullar, hayvonlar va qushlar, insonlar tasviriga bo'linadi.

Bundan tashqari, tanlangan kashta naqshi bir va bir nechta shakllar aralashuvida bo'lishi ham mumkin. Gullar va hayvonlar yoki insonlar va gullar tasvirlangan holda, avvaliga kashta uchun naqsh tanlanadi. Keyin esa naqshning qaysi shaklga moslanishi, gul yoki tasvir kichik bo'lsa, kattalashtiriladi, aksi bo'lsa, kichraytiriladi. Shundan so'ng bezash oldidan naqsh turini kartonga, turli xil matoga tushirish lozim. Naqsh tasvirini aniq ko'rish uchun, avvaliga, yupqa qog'ozga naqsh ustiga qo'yib undan naqsh tasviri ko'ringunga qadar joylashtiriladi va naqsh bosma nusxasi tayyorlanadi. Har bir naqsh juda ehtiyotkorlik bilan qog'ozga tushiriladi.

Andoza tayyorlashda zamonaviy usullar ham mavjud bo'lib: turli qotirma matolar (frazilin, dublirin, yupqa matolar shular jumlasidan. Tasvirda mavjud naqsh tasviri

chizib nusxalangandan so'ng mato yuzasiga tikib chiqiladi, har bir qism ranglari tanlanadi. Ba'zi bir kashta turlarida kashta naqshlari tasvirlangan chizmasi ustidan igna bilan bir xil mayin teshib chiqiladi. Bo'z yoki shunga o'xshash matolarga tasvir nusxa qilib chiziladi [5, 31].

Yana bir usuli bu naqsh tasviri shisha oyna ustiga qo'yilib, uning ustidan mato qo'yiladi, keyin shisha ostidan yoritgich qo'yilib tasvir aniq ko'rigach qoralama eskiz naqshi tushiriladi. Yana naqshni boshqacha ko'chirish usullari ham mavjud. Bunga misol qilib naqsh andozasining mato ustiga qo'yilib, igna bilan naqsh istidan teshib chiqilishi, keyin esa mato ustiga qo'yib (albatta, mato rangiga qaraladi), turli kukun sepilashi va shu kukundan qolgan tasvir izlari chizib chiqilishini keltirish mumkin.

Naqshning joylashuv qismi belgilangan kashta ipi yordamida asosiy qismlari tikib boshlanadi. Undan avvalroq esa naqsh ko'klanadi. Shu o'rinda kashtalar asosan geometrikva zoomorf usulida tikilgan. Naqshlar tikilganda, uning ritmi va rang mutanosibliigi eng ahamiyatlisidir.

Surxondaryo liboslari asosan erkaklar va ayollar liboslaridagi bezak naqshlar orqali o'rganilgan. Naqshlar asosan geometrik shakllar va zoomorfdan iborat bo'lgan. Har bir naqsh ichiga o'simlik va gullar zoomorf elementlari joylashtirib chiqilgan. Tanlangan naqsh katta hajmda bo'lsa kichraytirilgan, aksincha hollarda esa kattalashtirilgan. Odatda ayollarining yorqin rangli ustki ko'ylaklarida kashtadan keng foydalanilgan. Kashtalar ko'ylakning old tomonidan etak qismigacha uzunasiga hamda eng va etak qismlariga ham tikilgan. Ko'ylak bilan birga lozimlar ham shunday bezatilgan. Ko'ylaklar rangi yorqin tashlanib, ularga tikiladigan kashtalar esa undan-da yorqin iplar bilan tikilgan. Jumladan, qizil to'q sariq yoki och sariq rangli matoga och yashil, ko'k, qizil rangli kashtalarni tikilgani ayolni yanada ko'rkam va bashang qilib ko'rsatgan.

Ushbu voaha ko'ylaklari o'zining turli ranglarga boyligi hamda beqiyos bezaklari bilan tojik ayollarining ko'ylagiga o'xshash tomonlari mavjud. Ammo boysunlik ayollar ko'ylagiga tikilgan kashtalar oddiy bo'lgan. Kashtalarda asosan o'simlik gullaridan ko'p foydalanilgan. Bunday ko'ylaklardan bayram libosi sifatida foydalanishgan.

Shu o'rinda qo'ng'iroq ayollarining liboslari Boysun ayollarining liboslaridan o'z bezagi bilan farq qilgan. Qo'ng'iroq ayollari ko'ylashlarida kashta o'rniga bezak sifatida jiyak tikilgan. O'troq ayollarning bayramlarda yoki marosimlarda kiyiladigan maxsus ustki liboslari mavjud bo'lgan. Bunday liboslar qimmatbaho liboslardan tikilib, minisak deb atalgan. Ammo tog'li hududlarda yashaydigan ayollar ustki kiyimi sifatida jelakdan foydalanishgan.

Qish mavsumlarida ayollar ko'chaga qavilgan chopon, vodiylarda esa paranji yoki kurta, jelak kabi liboslardan foydalanishni ma'qul ko'rishgan.

Ayollar kurtasi va jelagi odatda astarsiz tikilib, chachvonsiz boshga tashlab yurilgan. Ularning englari uzun bo'lib, orqasiga bog'lab qo'yilgan.

Bunday ustki kiyim turlarining old etagi va yoqa qismida tangalar, rangli kashtalar, hamda rang-barang popuklar bilan bezalgan.

Bosh asosini old qismi jiyak bilan bezatilgan kiygich tashlik qilgan. Kiygich xilma-xil rangli bezaklar bilan bezatilgan bo'lib, ushbu bezaklar ipak yoki paxta ip bilan tanga naqshida tikilgan. Ushbu tamg'a ko'rinishidagi kashtalar orqali esa ayolning qaysi qabila vakili ekanligini bilish mumkin edi. Uchburchak va romb shaklidagi geometrik naqshlar unumdorlik ramzi bilan bog'liq bo'lgan [1, 43].

Surxon vohasining geografik mintaqasi qo'shni xalqlar bilan o'zaro chambarchas va qardoshlik munosabatini o'rnatganligi sababli ularda o'tmishda madaniyatlar konvengentsiyasi sharoitida turli millat va elatlar amaliy san'at namunalari o'zaro aralashib ketganki buni bugungi kunda saqlanib kelayotgan muzeylardagi milliy liboslari-miz misolida yaqqol ko'rishimiz mumkin.

Surxon ayollari ichki ko'ylagi, odatda oq rangli mato-dan tikilib, uning englari uzun hamda etak qismiga kashta bilan bezak berilgan.

Surxon ayollari juda chevar bo'lishgan. Ular kashtani o'z liboslarida mohirona qo'llashgan. Liboslarida ishlatilgan kashtalari xilma-xil bo'lgan. Har bir ishlatilgan kashtalarini tikish texnikasi bir-biridan farq qilgan. Keng tarqalgan o'simliksimon naqsh – islamiy naqshlardan ko'p qo'llanilgan. Har bir naqshning o'z qonun-qoidalari bor: taqsim va bo'laklar aniq o'lchamda, uyg'un bo'lishi, rang-

lar did bilan tanlangan, o'zaro mutanosib bo'lishi lozim. Kashta turlaridan ko'proq bostirma chok, yorma chok, laqay kashtalar ishlatilgan. Ko'ylaklarining oldiga tikilgan kashtalari keng ma'noga ega bo'lib masalan: ko'ylakning old qismida dutor gul naqshi tikilgan atrofida esa oygul va yaproq gullar tikilgan. Bundan tashqari chorgul ham ularning sevimli naqshlaridan bo'lib, bunda o'rtasida bitta gul, atrofida to'rtta gul joylashtirilgan. Yeng qismi va etak qismida islamiy naqshlardan keng foydalanilgan. Har bir kiyim alohida bir kompozitsiya asosida shakllantirilgan va bezak uchun turli xil rangli iplardan kashta holatida tikib chiqilgan. Kashtaning nafisligi tikuvchisining mahoratiga bog'liq bo'lgan [5, 31].

Xulosa qilib aytganda, kashtachilik nafaqat eng qadimiy amaliy san'at turi balki kishining estetik didini baholash va go'zallikni e'tirof etish uchun yaratilgan ekanligi, shakl va naqshlarning takrorlanishi esa avlodlarning davomiyligini, hayotning yorqinligini va shu bilan birga, tabiatda mavjud go'zallikning matodagi tasvirini anglatadi.

Kashta tikish nafaqat uzoq muddat va katta sabr talab qiladi va uning tikish texnikasi murakkab hisoblanadi. Kashta tikish jarayonida amal qilish zarur bo'lgan shartlar bilan tanishiladi. Surxon vohasi uning joylashuvi, qardosh xalqlar bilan san'atining bog'liqligi o'rganilgan. Kashta tikish sirlari ularning asosiy kiyimning qaysi qismlarida joylashgani har bir naqshning takrorlanmasligini o'rgangan.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. H.H.Komilova, Z.I.Rahimova, U.S.Raxmatullayeva. *O'zbek milliy libosi va an'anaviy qadriyatlar (Monografiya)*. – T.: G'afur G'ulom nomidagi nashriyat-matbaa ijodiy uyi, 2018. – 236 b.
2. *Қисқача уй-рўзгор энциклопедияси 2-нашри*. – T.: Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош Редакцияси, 1986. – 560 б.
3. N.Sodiqova. *O'zbek milliy kiyimlari. XIX-XX asrlar*. – T.: "Sharq", 2003. – 150 b.
4. З.Ш.Сотиболдиев. "Дизайн асослари". – T.: "Иқтисод-молия", 2008. – 130 б.
5. С.Ҳабибулло. *Рамзий безаклар маъноси*. –T.: "Ўзбекистон", 2003. № 3. – Б. 32.

ХАЛҚ ХУНАРМАНДЧИЛИГИ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ЎҚИТИШ

Нурислам Чориев,

Термиз давлат университети ўқитувчиси

Аннотация

Мазкур мақолада Ўзбекистондаги каштачилик санъати мактаблари билан таништиришнинг таълимий ва тарбиявий аҳамияти, шунингдек олий ўқув юртрларида халқ хунармандчилиги машғулотларини замонавий педагогик технологиялар асосида амалга оширилиши ёритилган.

Калит сўзлар: кашта, каштачилик мактаби, принцип, жараён, тамойил, метод, ранг, колорит, қонуният, гирих.

Аннотация

В данной статье рассмотрено воспитательное и образовательное значение внедрения школ искусства вышивки в Узбекистане, а также осуществления обучения народным ремеслам в высших учебных заведениях на основе современных педагогических технологий.

Ключевые слова: вышивка, школа вышивки, принцип, процесс, принцип, метод, цвет, цвет, регулярность, гири.

Annotation

This article discusses the educational and educational value of the introduction of schools of the art of embroidery in Uzbekistan, as well as the implementation of training in folk crafts in higher educational institutions based on modern pedagogical technologies.

Key words: embroidery, school of embroidery, principle, process, principle, method, color, color, regularity, weights.

Хонликлар даврида халқ амалий санъати усталари Хива, Кўкон, Бухоро, Самарқанд каби шаҳарларга йиғила бошладилар. Кўпинча Фарғона ва Бухоро наққошлари Самарқандга, Кўкон, Марғилон усталари Тошкентга келиб биноларни безар эдилар. Бу эса каштачилик мактабларининг янада ривожланишига ўзига хос композицияларнинг яратилишига, ранглар мажмуасини бойитишда катта роль ўйнайди [4, 32]. Лекин бу кашталар бир-бирига ўхшаса-да, ҳар бир каштачилик мактаби ўзининг алоҳида композиция ҳосил қилиш қонуниятлари, принциплари, иш методи, ранг колорити билан ажралиб туради.

Тошкент каштачилик мактаби. Тошкент кашталари ўзларининг нафислиги ва рангларнинг бир-бирига аста-секин ўтиши, аниқ бир колоритга қатъий риоя қилиниши, геометрик ва ўсимликсимон кашталарнинг кўп ишлатилиши билан ажралиб туради. Кашталар кўпинча яшил гаммада ишланади. Исломий кашталарда ойгул, пахта, бофта, уч барг, шукуфта, баргли гул ва бошқа элементлар аниқ стиллаштирилган мураккаб гирих кашталари ҳам кенг қўлланилган.

Хива каштачилик мактаби. Хива каштаси Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Бухоро усулидан тубдан фарқ қилади. Хива каштасида асосан зангори ва яшил ранглар жуда кўп ишлатилган. Ислимий кашта композицияси новда, марғула, шукуфта, барг, нўхат, гул, оддий ойгулдан ташкил топади. Кўпгина юлдуз ҳосил

қилувчи гирихлар ишлатилиб, ораси спиралсимон ислимий кашта билан бойитилган. Хива кашталари умуман мадохилли композициялар асосида тузилади.

Бухоро ва Самарқанд каштачилик мактаблари. Бухоро каштаси композицияларининг мураккаблиги ва жозибadorлиги билан ажралиб туради. Бухоро кашталарида мураккаб гирихлар аниқ ва пухта ўлчамда ишлатилиши, ўсимликсимон кашталарнинг япроқ, мева, гул барглар ритмига алоҳида эътибор берилиши билан фарқланади. Самарқанд кашталари Тошкент, Фарғона усулларига ўхшаб кетади. Самарқанд кашталари ўта гулдорлиги, барг ва гуллариининг ўта ҳаракатчанлиги, жонлилиги билан фарқ қилади. Кашталар аввал зангори, кейин эса яшил ранг гаммасида ишланган. Юқоридаги маълумотларни талабалар онгида янада мустаҳкамлаш учун қуйидаги ўқув топшириғини бажариш муҳим ўрин тутди.

Инсерт усулидан фойдаланиб ишлаш қоидаси

1. Маъруза матнини ўқиб, матннинг четига қуйидаги белгиларни қўйиб чиқинг:

В – биламан;

+ мен учун янги маълумот;

- - мен билган маълумотни инкор қилади;

? – ноаниқ (аниқлаштириш талаб қиладиган) қўшимча маълумот.

2. Олинган натижаларни жадвал шаклида рисмийлаштиринг.

Мавзу саволлари				
1. Халқ амалий санъати турлари				
2. Каштачилик санъати мактаблари				
3. Амалий санъатда каштачиликнинг тутган ўрни				
4. Каштачилик санъати тарихи				

Жонлантириш учун саволлар:

- Ўзбек халқ амалий санъати турларини санаб беринг.
- Нақш нима?
- Амалий санъат қандай фан ва унинг моҳияти нимага қаратилган?
- Каштачи усталардан кимларни биласиз?

Ўқув жараёнида талабаларга шахс сифатида қаралиши, турли педагогик технологиялар ҳамда замонавий методларнинг қўлланилиши, уларни мустақил, эркин фикрлашга, изланишга, ҳар бир масалага ижодий ёндашиш, масъулиятни ҳис қилиш, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, таҳлил қилиш, илмий адабиётлардан унумли фойдаланишга, энг асосийси, ўқишга, фанга ва ўзи танлаган касбига бўлган қизиқишларини кучайтиради [2, 15].

Бундай натижага эришиш ўқув жараёнида ахборот технологияларини қўллашни тақозо этади. Технологиялар жуда хилма-хил. Биз улардан баъзиларини ташкил этиш ва уларни ўтказиш тартиби ҳақида тўхталамиз.

“Блиц-сўров” методи ўқувчиларнинг ҳаракатлари кетма-кетилигини тўғри ташкил этишга, мантиқий фикрлашга, ўрганаётган фани асосида хилма-хил фикрлар, маълумотлар ичидан кераклигини танлаб олишни, шу билан бир қаторда ўзгалар фикрини ҳурмат қилиш ва уларга ўз фикрини ўткази олиш ҳамда ўз фаолияти, кунини режалаштира олишни ўрганишга қаратилган. ушбу метод орқали талабаларга тарқатилган қоғозларда кўрсатилган ҳаракатлар кетма-кетилигини аввал якка тартибда мустақил равишда белгилаш, кичик гуруҳларда ўз фикрини бошқаларга ўткази олиш ёки ўз фикрида қолиш, бошқалар билан ҳамфикр бўла олиш каби кўникма ва малакалар шакллантирилади.

“Чархапалак” технологияси талабаларда ўтилган мавзуларни ёдга олиш, мантиқан фикрлаш, берилган саволларга мустақил равишда тўғри жавоб беришга ва ўз-ўзини баҳолашга ўргатишга ҳамда қисқа вақт ичида ўқитувчи томонидан барча талабаларнинг эгаллаган билими, кўникма ва малакаларини баҳолашга ёрдам беради. Ушбу технологияни машғулот жараёнида якка, кичик гуруҳ ва жамоа шаклида ташкил этиш мумкин.

Ўқувчиларни дастурда белгиланган мавзулар бўйича якка ва кичик жамоа бўлиб фикрлаш ҳамда хотиралаш, ўзлаштирилган билимларни ёдга тушириб, тўпланган фикрларни умумлаштира олиш ва уларни ёзма, расм, чизма кўринишда ифодалай олишга ўргатишда “Зинама-зина” технологияси самарали натижа беради [3, 92]. Бу технология талабалар билан якка ҳолда ёки гуруҳчаларга ажратилган ҳолда, ёзма равишда ўтказилади ва тақдимот қилинади.

Талабаларга замон талабларига мос равишда таълим-тарбия бериш, турли педагогик технологиялар ҳамда замонавий методларни қўллаш, уларни мустақил ва эркин фикрлашга, изланишга, ҳар бир масалага ижодий ёндашишга ундайди.

Ҳар бир соҳага ахборот технологиялари шиддат билан кириб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги Фармонида бунинг тасдиғини кўришимиз мумкин. Дарҳақиқат, ҳозирги кунда таълим соҳасида компьютер имкониятларидан фойдаланмайдиган ўқув фанларини топиш мушкул. Ўқув жараёнидаги барча фанларга татбиқ этилган ахборот технологияларининг турли дастурлари ишлаб чиқилиб, улар амалиётда кенг қўлланилмоқда.

Хусусан, каштачилик санъатида кашта композицияларини тузиш ва ранглашда Corel Draw график дастури қулайликлар яратади. Бу дастур график дизайн саҳифаларини ишлаб чиқиш, фотосуратларни таҳлил қилиш ва вектор анимацияси борасида кўплаб имкониятлар беради. Шунингдек, дастур композиция яратиш ва уни бажаришда керак бўлган ҳаракатларни бир неча бор қисқартиради. Масалан, янги элементлар: эллипс, тўғри бурчак ва эгри чизиклар орқали “сичқонча” тугмасининг икки марта босилиши натижасида керакли ўлчам ва бурилиш бурчагига эга бўлинади.

Кашта композицияларини тузиш ва ранглашда Corel Draw профессионал график дастури катта имкониятларга эга бўлиб, ушбу дастур орқали қисқа вақт ичида кашта композициясини турли тусда ранглаб, мос колоритни танлаб олиш мумкин [1, 51]. Бу жараёни гирих кашта композициясини ҳосил қилиш ва ранглаш орқали кўриб чиқамиз.

Corel Draw дастурини ишга тушириш учун унинг ёрлиғи расмини иш столдан топиб, устига сичқонча кўрсаткичи олиб келинади ва сичқончанинг чап тушгмасини икки марта босилади. Бу расмча экрандан топа олинмаган тақдирда, куйида жойлашган масалалар панелидаги “Пушк” менюси устига сичқонча кўрсаткичинини олиб келиб, чап тугмаси бир марта босилади. Намоён бўлган рўйхатдан “программи” қисми танланади. Ўнг томондаги рўйхатдан Corel Draw қатори топилади ва устига сичқончанинг чап тугмаси бир марта босилади. Бу амалларни бажар-


гандан сўнг Corel Draw дастури ишга тушади. “Набор инструментов” (ускуналар) менюсидан “прямоугольник” буйруғи танланади ва “ctrl” тугмаси ёрдамида квадрат шакли чизилади.

Сўнгра “Набор инструментов” менюсидан “свободная форма” буйруғи танланади, “ctrl” тугмаси ёрдамида вертикал ва горизонтал чизиқлар чизилади. Кейин “эллипс” буйруғини танлаб, “ctrl” тугмаси ёрдамида квадратнинг ўнг қуйи нуқтаси марказ қилиб, айлана чизилади. Айлананинг радиуси квадратнинг томонига тенг. Менюнинг “дуга” (ёй) буйруғи ёрдамида ўлчамларнинг бири 900, бири 1800 га тенг бўлган ёй ҳосил қилинади ва ҳосил бўлган нуқтадан горизонтал чизиқ чизилади. Шу чизиқ билан квадрат чап томони туташиб, b нуқта ҳосил бўлади. Кейин “эллипс” буйруғи “ctrl” тугмаси менюсининг “дуга” буйруғи ёрдамида квадратнинг B нуқтасини марказ қилиб ёй ҳосил қилинади. Ҳосил бўлган c нуқтадан вертикал чизиқ ўтказилади ва d нуқтани ҳосил бўлади. Кейин “эллипс” буйруғи “ctrl” тугмаси, менюнинг “дуга” буйруғи ёрдамида квадратнинг A нуқтаси марказ қилиб ёй чизилади. Ҳосил бўлган e нуқтадан горизонтал чизиқ ўтказилиб, j нуқта топиб олинади. Сўнг “эллипс” буйруғи, “ctrl” тугмаси, менюнинг “дуга” буйруғи ёрдамида квадратнинг D нуқтаси марказ қилиб ёй чизилади. Ҳосил бўлган z нуқтадан вертикал чизиқ ўтказиб, i нуқтани ҳосил қиламиз. Горизонтал ва вертикал чизиқлар кесишидан ҳосил бўлган I нуқтадан D нуқта марказ қилиб, юқорида кўрсатилган тартибда ёй чизилади. Ёй билан квадрат кесишиб p ва r нуқталар ҳосил бўлади.

P нуқтадан j нуқтани марказ қилиб, юқорида кўрсатилган тартибда ёй чизилади, s ва t нуқталар ҳосил бўлади, g дан r нуқтага, ундан эса ярим айлана билан вертикал чизиқ кесишишидан ҳосил бўлган t нуқтага тўғри чизиқ ўтказилади ва u нуқта ҳосил бўлади. Шу чизиққа параллел равишда r нуқтадан ҳам чизиқ чизилади ва f нуқта ҳосил қилинади, u ва f нуқталар туташтирилади, натижада тўғри тўртбурчак ҳосил бўлади. Худди шу тўғри тўртбурчакни қарама-қарши диагональ йўналишида ҳам ҳосил қилинади. Навбатдаги босқичда j нуқтадан o ва n нуқталарга, E нуқтадан m ва l нуқталарга, Z нуқтадан o ва l нуқталарга ҳамда I нуқтадан m ва n нуқталарга чизиқлар ўтказилади. Энди керакли нуқталарни туташтириб, квадратнинг барча томонларида геометрик шакл ҳосил қиламиз. Ниҳоят, бу геометрик шаклларнинг йиғиндисидан биз кутган гирих кашта композицияси ҳосил бўлади (1-расм).

Бундай машғулотлар келажакда илмий-ижодий ишларни ташкил этишда ва тадқиқот ишларини олиб боришда, энг асосийси, таълим олишга, фанга ва ўзи танлаган касбга бўлган қизиқишларини оширади.

Бугунги кунда ахборот технологиялари ва уларнинг тушунчалари бир-мунча оммабоп ҳисобланиб,



1-расм. Corel Draw график дастури ёрдамида ҳосил қилинган гирих кашта композицияси.

улар амалиётга кириб улгурганлигини кўпчилигимизга маълум. Айтиш мумкинки, улар замирида ноанъанавий ўқитиш тизими ётади.

Машғулотлар давомида ноанъанавий методларни қўллаш, унинг имкониятларидан фойдаланиш ҳар бир ўқитувчи учун масъулиятли вазифадир. Бу вазифаларни амалга оширишда қуйидаги жиҳатларга жиддий эътибор қаратиш лозим бўлади [4, 15]:

- энг аввало, каштачилик санъати ўқув жараёнини ижодкорлик, изланувчанлик руҳида ташкил этиш учун ўқитувчиларнинг мантикий тафаккури, касбий маҳоратини такомиллаштириш;

- ўқитувчиларга каштачилик санъатини ўргатишда ахборот технологияларини қўллаш, маънавий-ахлоқий ва маърифий тарбияларнинг таъсирчан метод ва усулларини излаб топиш ҳамда улардан самарали фойдаланиш;

- ўқитувчининг каштачилик санъати бўйича замонавий ижодкор сифатида фаолият кўрсата олиши орқали ўқувчилар ижобий, иқтисодий ташаббускорлиги, лаёқат ва иқтидорини тарбиялаш, уларнинг миллий ғурури, маънавий-ахлоқий ҳамда эстетик дунёқарашини юксалтириш;

- инсонпарвар фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида миллатимизнинг маънавий-ахлоқий ва маданий ютуқларини тиклаш, сақлаб қолиш, мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга нисбатан талаблар ихлосини ошириш.

Бу каби масалаларни муваффақиятли ҳал этиш талабаларнинг ушбу соҳага доир билим савияси, саводхонлиги юқори бўлишига ҳамда улар танлаган касбларини эгаллашга йўналтирилган фаолиятининг самарали яқунланишига оид келади.

Олий ўқув юртларида халқ хунармандчилиги машғулотларини замонавий педагогик технологиялар асосида амалга оширилиши, амалий санъат таълимининг янги мазмунини шакллантиришда замонавий ўқув-методик мажмуалар ва ўқув-тарбия жараёнининг дидактик жиҳатларини таъминлаш ва мазкур соҳа ўқитилишининг илмий-амалий масалаларини тўғри ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади [5, 18]. Шунингдек, олий ўқув юртлари талабалари амалий ва бадий безак санъатидан муаммоли масалаларнинг моҳиятини англаб етиши, маълум топшириқлар ечимини топиш йўлида уларнинг шахсий эҳтиёжи, қизиқиши, қобилияти, истеъдоди, салоҳияти билан боғлиқ равишда олиб борилиши, бу ўз ўрнида му-

стақил ижтимоий фойдали фаолиятнинг йўлга қўйилиши, мустақил фикрлайдиган, маънавиятли, маърифатли инсонларни тарбиялаш имконини беради.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизда ёшлар тарбиясига, уларнинг келажакда етук мутахассис бўлиб етишишларига катта эътибор берилмоқда. Шу муносабат билан таълим жараёнига ахборот технология-ларининг кенг кўламда татбиқ қилиниши, таълим мазмунини бойитишга, уни такомиллаштиришга ва ўқувчилар билиминини ўзлаштиришда жадаллаш-тириш, жамоавий ҳамда якка тартибда машғулотлар олиб бориш орқали, таълимни мажмуали лойиҳалаштириш муаммоларини ечишни тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Сотиболдиев З.Ш. "Дизайн асослари". -Т.: "Иқтисод-молия". 2008. 130 б.
2. Стефановская Т.А. Педагогика: наука и искусство. –М.: Издательство "Совершенство". -1998. С.17
3. Толипов Ў.Қ., Шарипов Ш.С., Исламов И.Н. Ўқувчилар дизайнерлик ижодкорлиги. –Тошкент: "Фан", 2006. 204 б.
4. Ҳабибулло С. Рамзий безаклар маъноси. –Тошкент: "Ўзбекистон", 2003. №3. Б.32
5. Ходжабоев А.Р. Научно-педагогические основы учебно-методического комплекса подготовки учителя труда. Автореф. дисс...д-ра пед. наук. –Т.: 1992. С.26
6. Нишаналиев У.Н. Формирование личности учителя трудового обучения: проблемы и перспективы. –Ташкент: Ўқитувчи, 2000. С.32

PEDAGOGLARNING INNOVATSION KOMPETENSIYASINI SHAKLLANTIRISH STRATEGIYASINING SAMARADORLIGI MEZONLARI

Muhabbat Po'latova,

Samarqand davlat universiteti mustaqil izlanuvchisi

Annotatsiya:

Ushbu maqolada boshlang'ich sinf o'qituvchilarining innovatsion faoliyatga tayyorlik kompetentligini rivojlantirishning pedagogik mexanizmlarini takomillashtirish bo'yicha ilmiy asoslangan tavsiyalar ishlab chiqilgan.

Kalit so'zlar: innovatsiya, g'oya, modul, yangilik, insonparvarlik, ijod, ta'lim, keys, mahorat, nazariya, amaliyot, stajirovka, eksperiment, test.

Аннотация

В данной статье разработаны научно обоснованные рекомендации по совершенствованию педагогических механизмов развития компетентности учителей начальных классов в готовности к инновационной деятельности.

Ключевые слова: инновация, идея, модуль, инновация, гуманизм, творчество, образование, кейсы, навыки, теория, практика, стажировка, эксперимент, тестирование.

Annotation

In this article, scientifically based recommendations on improving the pedagogical mechanisms for the development of the competence of readiness for innovative activities of elementary school teachers have been developed.

Keywords: innovation, idea, module, innovation, humanism, creativity, education, case, skill, theory, practice, internship, experiment, test.

Ma'lumki, so'nggi yillarda mamlakatimizda ta'lim tizimini rivojlantirish, kadrlarni malakasini oshirish hamda ularni qayta tayyorlash sohasi tubdan isloh qilinmoqda. Uni o'tmishdan qolgan mafkuraviy qarashlar va sarqitlardan to'la xalos etish, rivojlangan demokratik davlatlar darajasida, yuksak ma'naviy va ahloqiy talablarga javob beruvchi etuk mutaxassislar tayyorlash tizimini yaratishga alohida e'tibor qaratilyapti.

Bunda innovatsiyalar, ilg'or pedagogik texnologiyalarni joriy etish, shu bo'yicha zarur huquqiy mexanizmlarni yaratishga ustuvor yo'nalish sifatida qaralayotgani muhimdir.

Shular asosida, oliy malakali ilmiy va ilmiy pedagog kadrlar tayyorlash hamda attestatsiyadan o'tkazish tizimi yana-da takomillashtirilmoqda, oliy o'quv yurtidan keyingi ta'lim bosqichiga qator yangiliklar tatbiq etilayotir. Shuningdek, dissertatsiya tadqiqotlarining sifati, ilmiy va amaliy ahamiyatini oshirish bo'yicha zamon talablari asosida muayyan ishlar olib borilyapti.

Yurtimizda yuridik kadrlar tayyorlash sohasiga ham aynan mana shunday progressiv nuqtayi nazar bilan yondashilayotgani yaqin kelajakda o'zining yorqin samaralarini berishi shubhasiz. Zero, shu bo'yicha qabul qilina-yotgan Farmon va qarorlar, boshqa huquqiy hujjatlarda mamlakatimizda amalga oshirilayotgan tub demokratik va huquqiy islohotlar, fuqarolik jamiyatini shakllantirishning yuksak talablari va zamonaviy xalqaro standartlariga javob beradigan yuqori malakali yuridik kadrlarni tayyorlashga qaratilgan aniq chora-tadbirlar belgilab berilmoqda. Ularning ijrosi esa so'zsiz va izchil ta'minlanyapti [1].

Biroq mamlakatimizda amalga oshirilayotgan islohotlar shu bilan bir joyda turib qolishi kerak emas, balki u jamiyatimizning ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotiga hamohang tarzda

rivojlanib borishi darkor. O'zbekistonda olib borilayotgan tub islohotlar sharoitida davlat qurilishi va huquqiy siyosatning mazmun-mohiyatini aniqlashtirish, uning maqsad hamda vazifalarini islohotlarning bugungi taraqqiyoti asosida shakllantirib borish zarur. Inson manfaatlarini ta'minlashning strategik jihatdan yangi vositalar bilan bir qatorda, ham taktik xususiyatga ega bo'lgan ilg'or usullarni qo'llash, shaxs hamda jamiyat manfaatlarini yanada samarali-roq himoya qilish, korrupsiyani oldini olishning huquqiy mexanizmlarini takomillashtirish lozim.

Modul tizimi va o'qitishning innovatsion metodlarini rivojlantirish, o'quv jarayonida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini keng qo'llash, talabalar, o'qituvchilar va yosh tadqiqotchilarni global axborot-huquqiy va ta'lim resurslaridan foydalanish imkoniyatlarini kengaytirish, amaliyot, stajirovka o'tish tartibini takomillashtirish, shuningdek, klinik ta'limni joriy etishga alohida ahamiyat qaratilmoqda.

O'quv, ilmiy va boshqa adabiyotlar, shu jumladan, xorijiy adabiyotlar fondini, o'qitishning texnik vositalari, shuningdek, global axborot-huquqiy va ta'lim resurslarini muntazam yangilanayotir. Yetakchi xorijiy ilmiy-ta'lim muassasalari, tahliliy, tadqiqot markazlari, xalqaro tashkilotlar, qolaversa, davlat va xo'jalik boshqaruvi organlari, sud va huquqni muhofaza qiluvchi organlar, advokatura bilan faol hamkorlik yo'lga qo'yilgan [2, 15].

Shunga uyg'un tarzda davlatimiz rahbarining Oliy Majlisga Murojaatnomasida ta'lim tizimini chuqur isloh qilishga doir vazifalar ko'rsatib o'tildi, ularni amalga oshirish yo'llari o'rta tashlandi. Bu bevosita pedagogik faoliyatni zamon talablaridan kelib chiqib, yo'lga qo'yish masalasiga ham daxldordir. Zero, bugun ta'lim muassasalarida innovatsion pedagogik faoliyatga har qachongidan

ham ko'proq zaruriyat tug'ilyapti. Bu darslarni samarali o'tish, vujudga kelishi mumkin bo'lgan ziddiyatlarni oqilona hal etish imkonini beradi. Binobarin, ta'lim xodimi – eng avvalo, innovator “xavfsiz sinovlar o'tkazish” psixologiyasining bilimdoni bo'lishi kerak.

O'qituvchini aniq maqsadni ko'zlagan holda innovatsion faoliyatga tayyorlash – bu yaxlit, bir butun jarayon. U o'zaro bog'liq va bir-biri bilan shartlangan davrdan tashkil topgan: oliy ta'lim muassasalarida o'qish va tarbiyalash, shuningdek, maxsus muassasalarda o'qish va maktabdagi amaliy pedagogik faoliyatning o'zaro almashib kelishi asosida tashkil qilingan OTMdan keyingi ta'lim. Qayd etib o'tilgan davrlarni o'qituvchi shaxsini bosqichma-bosqich rivojlantirib borishning yaxlit jarayoniga birlashtirilishi – uni innovatsion faoliyatga kiritishning asosidir [3, 16].

O'qituvchini innovatsion faoliyatga tayyorlash konsepsiyasini yaratishda o'qituvchi shaxsini shakllantirishning bir butun jarayonini loyihalashni va faoliyat olib borishini ta'minlovchi tizimli, refleksiv-faoliyatli, individual-ijodiy yondashuvlar asos qilib olinadi.

Masalan, tizimli yondashuv jihatdan – pedagogik ta'limning barcha bo'g'inlari innovatsion faoliyatning barcha komponentlarini ularning yaxlitligida yuzaga chiqishini maksimal darajada rag'batlantirishi kerak.

Refleksiv-faoliyatli yondashuvni amalga oshirish esa o'qituvchining o'z faoliyatiga nisbatan, faoliyat subyekt sifatida o'quvchi shaxsini rivojlantirish borasidagi samaradorligini tanqidiy tahlil etish, mulohaza qilish va uni baholash maqsadida o'ziga nisbatan ham faol tadqiqiy mavqeiga kirishish qobiliyatini rivojlantirishni nazarda tutadi.

Individual-ijodiy yondashuv o'qituvchida ijodiy individuallikni aniqlash va shakllantirish, unda innovatsion ongni rivojlantirishni takrorlanmas faoliyat texnologiyasini ta'minlovchi shaxsiy darajaga olib chiqadi.

Zamonaviy ta'limga xos muhim jihatlardan biri – pedagog faoliyatining innovatsion xarakter kasb etishiga erishish sanaladi. Rivojlangan xorijiy mamlakatlarda pedagog faoliyatining innovatsion xarakter kasb etishiga erishish masalasi o'tgan asrning 60-yillaridan boshlab jiddiy o'rganila boshlagan. Xususan, X.Barnet, J.Basset, D.Gamilton, N.Gross, R.Karlson, M. Maylz, A.Xeyvlok, D.Chen, R.Edem, F.N.Gonobolin, S.M.Godnin, V.I.Zagvyazinskiy, V.A.Kan-Kalik, N.V.Kuzmina hamda V.A.Slastenin kabi tadqiqotchilar tomonidan olib borilgan ishlarda innovatsion faoliyat, pedagogik faoliyatga innovatsion yondashish, innovatsion g'oyalarni asoslash va ularni amaliyotga samarali tatbiq etish, xorijiy mamlakatlarda respublikada yaratilgan pedagogik innovatsiyalardan xabaror bo'lish orqali pedagog faoliyatida ulardan faol foydalanish borasidagi amaliy harakatlar mazmuni yoritilgan. Mohiyatiga ko'ra innovatsiyalar munosabat yoki jarayonga yangilik kiritishning dinamik tizimi sanaladi. O'z-o'zidan tizim sifatida yangilik kiritirish munosabat yoki jarayonning, birinchidan, ichki mantig'ini,

ikkinchidan, kiritilayotgan yangilikning muayyan vaqt oralig'ida izchil rivojlanishi va atrof-muhitga ko'rsatadigan o'zaro ta'sirini ifodalaydi. Har qanday innovatsiyada “yangi”, “yangilik” tushunchalari muhim ahamiyatga ega. Turli munosabat va jarayonlarga kiritilayotgan yangilik mazmunan xususiy, subyektiv, mahalliy va shartli g'oyalarda tarzida namoyon bo'ladi.

Xususiy yangilik munosabat, obyekt yoki jarayonga tegishli elementlardan birini o'zgartirish, yangilashni nazarda tutadi. Subyektiv yangilik ma'lum obyektning o'zini yangilash zaruriyatini ifodalaydi. Mahalliy yangilik alohida olingan obyekt uchun kiritilayotgan yangilikning amaliy ahamiyatini tavsiflash uchun xizmat qiladi. Shartli yangilik esa munosabat, obyekt yoki jarayonda murakkab, progressiv yangilanishning sodir etilishini ta'minlovchi ma'lum elementlarning yig'indisini yoritishga xizmat qiladi. R.N. Yusufbekova innovatsiyalarni pedagogik nuqtayi nazardan ko'rib chiqishga e'tiborni qaratadi. Xususan, pedagogik innovatsiyalar muallif tomonidan ta'lim va tarbiya jarayonida avval ma'lum bo'lmagan, qayd qilinmagan holat yoki natijaga olib boruvchi pedagogik hodisaning o'zgarib turishi mumkin bo'lgan mazmuni ekanligi ta'kidlanadi. Oliy ta'lim muassasalarida innovatsion jarayonlarni tashkil etishda o'ziga xos yondashuvlar kuzatiladi. Ular:

1. Gnostik-dinamik yondashuv (unga ko'ra, pedagoglar pedagogik innovatsiyalar, ularning turlari, yaratilishi, amaliyotga tatbiq etilishi, xorij mamlakatlarda yaratilgan ilg'or pedagogik (ta'limiy) innovatsiyalar va ularni o'rganish, mahalliy shart-sharoitlarni inobatga olgan holda, amaliyotda ulardan foydalanishga doir bilim, ko'nikma, malakalarni izchil o'zlashtiradilar, o'z faoliyatlarida pedagogik innovatsiyalarni faol qo'llash borasidagi tajribalarni o'zlashtiradilar).

2. Individual faoliyatli yondashuv (bunda pedagoglar o'zlarining individual imkoniyatlari, qobiliyatlari, tajribalariga tayangan hola amaliy faoliyatda pedagogik innovatsiyalarni qo'llashda muayyan izchillikka erishadilar).

3. Ko'p subyektli (dialogik) yondashuv (mazkur yondashuv pedagogik jarayonda innovatsiyalarni hamkasblarning o'zaro, xususan, ko'p yillik ish tajribasi, kasbiy mahorat va tajribaga ega pedagoglarning faoliyatlari bilan tanishish, ularning ta'lim innovatsiyalarini samarali, maqsadli va uzluksiz qo'llashga doir tavsiya hamda ko'rsatmalaridan foydalanishlarini ifodalaydi).

4. Insonparvarlik yondashuvi (ushbu yondashuv pedagogik jarayonda innovatsiyalarni qo'llashda ta'lim oluvchilarning imkoniyatlari, xohish-istaklari, qiziqishlari, bilim, ko'nikma va malakalari darajasini inobatga olish maqsadga muvofiqligini yoritishga xizmat qiladi).

5. Individual-ijodiy yondashuv (unga ko'ra, har bir pedagog faoliyatini o'rganilayotgan mavzu, o'quv materialining mohiyati, shuningdek, o'z imkoniyatlari, salohiyati, mahorati, ish tajribasidan kelib chiqqan holda, ta'lim va tarbiya jarayonlarini ijodiy ishlanmalar asosida tashkil etadi).

Innovatsion faoliyat – yangi ijtimoiy talablarning an'anaviy me'yorlarga mos kelmasligi yoki yangi shakllanayotgan g'oyalarning mavjud g'oyalarni inkor etishi natijasida vujudga keladigan majmual muammolarni echishga qaratilgan faoliyat.

Maktab o'qituvchilarining kompetentli yondashuvi mazmuni va texnologiyalarini aniqlash hamda talabalarini kasbiy tayyorgarligiga yo'naltirish, tajriba-sinov ishining metodik ta'minoti hamda olib borilgan tajriba-sinov ishining natijalari, uning samaradorlik darajasini oshirish maqsadida quyidagicha natijalarni oldik.

Tajriba ishlari yo'nalishlarini aniqlash uchun taqdim etilgan qoidalar tadqiqot gipotezasi hisoblanadi. Shunga ko'ra, tajriba ishlarida ikkita asosiy yo'nalishni aniqladik:

1. Pedagogda innovatsion kompetentlikni shakllantirish modelini amalga oshirish;

2. Uzluksiz ta'limning innovatsion sohasida o'qituvchida innovatsion kompetentlikni shakllantirish strategiyasining samaradorligini mustahkamlovchi birlikda va o'zaro aloqadorlikda boshqaruv va pedagogik shart-sharoitlarni tasdiqlash.

Ilmiy adabiyotlarni tahlil qilish, murakkab tahlil va so'rovnomalar asosida tajriba-sinov ishining tayyorgarlik bosqichida biz uzluksiz ta'limning innovatsion sohasi konsepsiyasi, pedagogda innovatsion kompetentlikni rivojlantirish strategiyasi va modelini ishlab chiqdik. Uzluksiz ta'limning innovatsion sohasida pedagogda innovatsion kompetentlikni rivojlantirish strategiyasining samaradorligini oshiradigan boshqaruv va pedagogik shart-sharoitlarni aniqladik, innovatsion ta'lim tashkilotlari – tajriba ishtirokchilari guruhi, tajriba ishlari uchun me'yoriy bazani belgiladik, tajriba-sinov ishlarini o'tkazish usullarini aniqladik [5, 55].

Tajriba-sinov ishlarining asosiy bosqichi muammo holatini ishning boshida (aniqlovchi eksperiment), innovatsion darajada test va tajriba ta'lim tashkilotlari amaliyotida konsepsiya, strategiya, model, boshqaruv va pedagogik shart-sharoitlar gipotezasiga muvofiq ishlab chiqilgan holda o'rganishni o'z ichiga olgan. Tatbiq etilgandan so'ng ta'lim tashkilotlarida tajriba guruhi (shakllantiruvchi eksperiment)da o'qituvchilarning innovatsion faoliyatga tayyorgarlik darajasi aniqlandi.

Tajriba ishining yakuniy bosqichida olingan natijalarni tahlil qildik va umumlashtirdik, olingan ma'lumotlar asosida dastlabki gipotezani sinovdan o'tkazdik.

Tajriba-sinov ishlari nazorat va tajriba guruhlariga ajratilmagan holda olib borildi. Shu bilan birga, shartli nazorat guruhi sifatida Samarqand viloyat malaka oshirish va qayta tayyorlash institutining pedagogika kurslarida tahsil olayotgan o'qituvchilardan foydalandik. Ularning aksariyati (80% gacha) bir yoki boshqa shaklda innovatsion faoliyat sohasida o'z malakasini oshirdi.

“Boshlang'ich sinflarda innovatsiya va integratsiya” o'quv fanidan darslarni tashkil etishda umumiy kasbiy fanlar doirasida “Boshlang'ich ta'lim va sport, tarbiyaviy ish”

yo'nalishining yuqori kurslar uchun o'quv kurslari asosidagi seminar darsida jamoaviy aqliy faoliyat texnologiyasidan foydalandik. Ushbu texnologiyani amalga oshirishda biz muammoli vaziyatlar tizimini tashkil qildik, ularning har biri uchta asosiy bosqichni o'z ichiga oldi:

1) seminarining maqsadi, ishning mantig'i va dasturini ochib beruvchi, o'qituvchining kirish so'zi maqsadlari, faoliyat usullarining jamoaviy muhokama qilish tashkil etildi. Shu bilan bir qatorda, mazmunli munosabat bildirilib, muammo o'rta tashlandi, kichik guruhlar ishi uchun uslubiy va tashkiliy faoliyat sxemalari taklif etildi. Bu bosqichning maqsadi o'quvchilarning ziddiyatlari, ichki maqsadlari va faoliyat usullarini faollashtirish edi;

2) talabalarning kichik guruhlarda ishlashi: mustaqil izlanish jarayoni. Bu bosqich ikki taktga bo'lindi:

a) kichik guruhlarda o'z-o'zini aniqlashni qamrab olgan loyihalash faoliyati, ya'ni: shaxsiy va guruhli pozitsiyalarni ishlab chiqish, seminarda guruh oldiga muammo qo'yish, kichik guruhning ish usulini tanlash, kichik guruh faoliyati dasturini tuzish, seminarda guruh faoliyati haqida qaror qabul qilish;

b) seminarda kichik guruh faoliyati dasturini amalga oshirish, guruh faoliyatini nazorat va korektirovka qilishni o'z ichiga olgan izlanish-ishlab chiqish faoliyati.

3) umumiy muhokama kichik guruhning jamoaviy ishini taqdim etish va muhokama qilishga mo'ljallanib, bahs-munozara pozitsiyalari, kichik guruh va umuman jamoani yanada mazmunli targ'ib qilish yo'nalishini aniqlashdan iborat bo'ldi. Bu bosqich jamoa va shaxsiy pozitsiyalarni shakllantirish, xatolarni tuzatish, muammo-ning keyingi ishlanmalarini aniqlash va ishlanmalarni real amaliyotga tatbiq etishni rejalashtirish uchun zarur bo'ldi.


Tajriba ishlarini aniqlashtirish bosqichida biz so'rovnoma asosida bo'lajak o'qituvchi va pedagoglarning ta'lim amaliyotida innovatsion faoliyatga tayyorligi muammosi holatini aniqladik. Respondentlar guruhi SamDuning ikkinchi va uchinchi kurs talabalarini, SamXTXQTMOHM pedagoglaridan iborat bo'ldi.

Shu masalalar bo'yicha Samarqand malaka oshirish instituti tinglovchilari orasidan 3 yilgacha ish stajiga ega bo'lgan o'qituvchilar (106 nafar) bilan o'tkazilgan boshlang'ich so'rovnoma (1-ilova) natijalari respondentlarning aksariyati (73%) “innovatsiya” tushunchasini aniqlay olmasligini, innovatsion faoliyatning muhim xususiyatlarini ko'rsatolmasligini, ular ishlayotgan ta'lim tashkiloti amaliyotida qo'llaniladigan innovatsion texnologiyalarni aytishga qiynalishlarini ko'rsatdi. O'qituvchilar AKT texnologiyalaridan foydalanish bilan birga boshlang'ich va asosiy umumiy ta'limning yangi davlat standartlarini joriy etish ishlarini innovatsion faoliyat deb hisoblaydilar.

5 yildan ortiq ish stajiga ega bo'lgan o'qituvchilar (114 kishi so'rovnomadan o'tkazilgan) yuqoridagilar bilan birga, innovatsion faoliyatga rivojlantiradigan ta'lim texnologiyalari, jamoaviy o'quv mashg'ulot-

lari, individual yo'naltirilgan ta'lim, dialektik ta'lim usullarini ishlab chiqish doirasida ta'lim-tarbiya jarayonini tashkil etishni kiritdi. Ma'lum bo'lishicha, respondentlarning 34% ga yaqini ushbu texnologiyalardan amaliyotda foydalangan, 56,07 foizi boshlang'ich va asosiy umumiy ta'limning yangi davlat standartlarini joriy etish bo'yicha ishlarni amalga oshirgan.

Olingan ma'lumotlar 1-rasmda keltirildi.




1-rasm. "Innovatsion faoliyatning mohiyati va innovatsion texnologiyalarning xususiyatlarini aniqlashda talabalar va o'qituvchilarning qiyinchiliklari" diagrammasi.

Diagrammadan qiyinchiliklarning bosqichma-bosqich kamayib borganini kuzatish mumkin. Umuman, tajribaning aniqlanish bosqichida olingan ma'lumotlar quyidagi xulosani chiqarishga imkon berdi. O'qituvchi tayyorlash amaliyoti ularning innovatsiyalarga tayyorlashning yuqori darajasiga erishish imkonini bermaydi. Shuning uchun pedagogika oliy ta'lim muassasasi va pedagoglar malakasini oshirish ta'lim jarayonining texnologik jihatlariga biz jamoaviy fikrlash faoliyat texnologiyasini, pedagogning innovatsion faoliyatini shakllantiruvchi keyslar (8-ilova), mahorat darslarini, seminarlar, bo'lajak va amaldagi o'qituvchilarning innovatsion faoliyatga tayyorgarligini shakllantirishga qaratilgan boshqa faol va interfaol ta'lim usullari kiritdik. Tadqiqot tajriba ishlari boshida va o'qituvchilar ilg'or mashg'ulotlar uchun innovatsion ta'lim dasturlari mazmunini o'zlashtirganlaridan, shuningdek, olingan ko'nikmalarni amaliyotga tatbiq etganlaridan so'ng olib borildi. Tadqiqot ekspert baholash usulida amalga oshirildi. Tadqiqot ma'lumotlari 3.3.1-jadvalda keltirilgan.

O'qituvchining innovatsiyaga tayyorlik darajasi	Eksperiment bosqichlari	
	Aniqlanish bosqichi	Shakllantirish bosqichi
1 daraja (past)	65,63 %	27,19 %
2 daraja (o'rtachadan past)	16,25 %	19,06%
3 daraja (o'rtacha)	12,5 %	38,75%
4 daraja (yuqori)	5,62 %	15%

Jadval ma'lumotlarini diagrammaga aylantiramiz.



Tadqiqot davomida biz "pedagogda innovatsion kompetentlikni rivojlantirish" va "uzluksiz ta'limning innovatsion sohasi" tushunchalarini rivojlantirdik va kiritdik.

Pedagogda innovatsion kompetentlikni rivojlantirish bizni tabiiy va sun'iy tabiatga ega bo'lgan va tashqi sharoitlar ta'siri ostida amalga oshiriladigan pedagogik tizimga, xususan, uzluksiz ta'limning innovatsion sohasini yaratish va faoliyatini, shuningdek, shaxsning kasbiy faoliyati va shaxsiy sa'y-harakatlarini maqsadli ravishda joriy etishga pedagogning shaxsiy, nazariy va amaliy tayyorgarligini takomillashtirishning doimiy

jarayoni sifatida tushuniladi [4, 3].

Tadqiqot davomida viloyatning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish muammolari aniqlandi va ochib berildi, innovatsion ta'lim tizimini rivojlantirishdagi muammolar innovatsion rivojlanish dasturlarini amalga oshirishda yangicha yondashuvlarni tarqatish mexanizmlarining etishmasligi va natijada ta'lim muassasalari katta qismini innovatsion rivojlanish jarayonlariga jalb etilmaganligi; ta'lim jarayonida zamonaviy ta'lim texnologiyalaridan etarli darajada foydalanmaslik, shu jumladan, AKT va raqamli ta'lim resurslaridan foydalanishning epizodik xarakteri; ta'lim tizimini kadrlar bilan yangilash dinamikasining pastligi; ishlab chiqaruvchilar va ta'lim tizimini sifatli rivojlantirish uchun zarur bo'lgan ta'lim xizmatlari iste'molchilari o'rtasida teskari aloqani ta'minlovchi mexanizmlarning yo'qligi bayon etildi.

Xulosa qilib aytganda, pedagogni innovatsion faoliyatini yo'lga qo'yish obyektiv voqelikni qabul qilishdagi qarashlarini aniqlab beradi. Pedagogni innovatsion faoliyatga tayyorlash muammosi ma'lum maqsadlarga bo'ysunuvchi bir necha o'zaro aloqador va funksional komponentlarni o'z ichiga olgan tizim

sifatida ifodalanishi mumkin.

Bo'lg'usi o'qituvchining innovatsion tayyorligi uzluksiz ta'lim sharoitida pedagogik innovatikaning to'liq mazmun-mohiyatini egallash bo'yicha uning nazariy, amaliy va psixologik-fiziologik saviyasidir. Bunday tayyorlik pedagogik tizim natijasi sifatida

nazariya va amaliyotning bir butunligini ta'minlash, o'quv ishlariga vijdonan munosabatda bo'lishni tarbiyalash hamda ijodiy faollikni rivojlantirish asosida o'quvchilarda ma'lum fanlar, umumkasbiy faoliyat ko'rinishlari bo'yicha bir butun bilimlar va malakalarni shakllantirishga ko'mak berishi kerak.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. *O'zbekiston Respublikasining Prezidentining PF-5847 2019-yil 8-oktabrdagi "Oliy ta'lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi Farmoni.*
2. *Azizxodjayeva N. Yangi pedagogik texnologiyalar va o'qituvchi mahorati. –T.: Meros, 2009. — 200 b.*
3. *Ibragimov X. Integratsion yondashuv asosida bo'lajak o'qituvchilarning kasbiy sifatlarni shakllantirish muammolari. // "Xalq ta'limi" ilmiy-metodik jurnali. – 2019. – №1. – 15-20-b.*
4. *Nazarov.O.F. Boshlang'ich musiqiy ta'limda innovatsion texnologiyalar // Ta'lim texnologiyalari jurnali. – 2018. – №2. – 2-5-b.*
5. *Yo'ldoshev J.G'., Usmonov S.A. Zamonaviy pedagogik texnologiyalarni amaliyotga joriy qilish. O'quv qo'llanma. –T., 2008. – 130 b.*

БИОЛОГИЯ ТАЪЛИМИДА ЎҚУВЧИЛАР МУСТАҚИЛ ИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ УСУЛЛАРИ

Мавлон Бекмирзаев,

Жиззах давлат педагогика университети ўқитувчиси,

Раъно Болтаева,

Жиззах давлат педагогика университети ўқитувчиси

Аннотация

Мустақил ишлар муаммоли вазиятларни юзага келтириш, ўқув топшириқларнинг ечимини топиш, ўзлаштирилган билимларини мустаҳкамлаш, кўникма, малакаларни такомиллаштириш, компетенцияларини шакллантириш амалий-лаборатория мазмундаги каби машқларни қамраб олади. Мақолада мавзунинг ушбу жиҳатлари очиқ берилган.

Калит сўзлар: мустақил таълим, педагогика, биология, ўқитиш, ташкил этиш.

Аннотация

Самостоятельная работа охватывает такие упражнения, как возникновение проблемных ситуаций, поиск решений учебных задач, закрепление усвоенных знаний, совершенствование навыков, компетенций, формирование практического лабораторного содержания. Это краткое изложение темы раскрывается в статье.

Ключевые слова: самостоятельное обучение, педагогика, биология, преподавание, организация.

Annotation

Independent work covers such exercises as the emergence of problem situations, finding solutions to educational tasks, strengthening their mastered knowledge, improving skills, competencies, the formation of practical-laboratory content. This summary of the topic is revealed in the article.

Keywords: independent training, pedagogy, biology, teaching, organization.

Ҳар бир мустақил ишда маълум бир муаммони ҳал этиш талаб этилади. Бунинг учун ўқувчи мустақил фикр юрита олиши муҳим. Бу жараён муаммоли вазият вужудга келишидан бошланади. Энг муҳими, мустақил ишни бажариш туфайли ўқувчиларда мустақил фикр юритиш кўникмаси ҳосил бўлади. Бундай ўқувчилар ностандарт ёки қутилмаган вазиятларда тезкор, аниқ ва тўғри қарор қабул қилишга асос ҳисобланадиган изланувчан ижодий фаолиятни таъминловчи жиҳатларга эга бўлади.

Ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этишда қуйидаги жиҳатларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин: ўқувчиларнинг ақлий, иродавий ва жисмоний кучларини талаб этувчи ишлар; билиш ёки амалий вазифалар характеридаги ишлар; муаммоли вазиятларни ўзида мужассамлаштирувчи ишлар; қўйилган билиш ва амалий характердаги вазифалар ечимини топишда ижодий ёндашувни талаб этувчи мустақил ишлар; ўз фаолиятини режалаштириш, уни илмий ташкил этиш, бошқаларнинг ёрдамисиз вазифаларни бажариш, иш натижаларини мақсадга қиёслаб баҳолашни кўзда тутувчи ишлар; мунтазам равишда ишнинг бориши, натижаларни назорат қилиш, керакли ҳолларда ўзгартиришлар киритиш ва амалга оширишни такомиллаштириб боришни кўзда тутувчи ишлар; қўйилган вазифаларни тўлақонли бажаришга киришиш, бу, ўз навбатида, ўқувчи шахсини яхлит ривожлантиришга имкон бериб, ақлий ва амалий фаолият усуллари, ўз устида ишлаши ва ижод-

корликнинг шаклланишига ёрдам беради. Кўриниб турибдики, мустақил ишлар шунчаки бажарилишига йўл қўймаслик керак.

Мустақил ишларни бажаришни фаоллаштирувчи таълимий мотивлар қуйидагилар:

- мустақил ишларни бажаришга бўлган муносабатнинг ижобий томонга ўзгариши;
- ўқувчиларнинг ижодий фаолиятдаги иштирокининг ўсиши.
- кўрик-танловларда, фан олимпиадаларида иштирок этиши;
- маълум вазиятларда ўқувчилар ўртасидаги мусобақаланиш жараёнининг вужудга келиши.

Мустақил иш методлари гуруҳига дарслик, қўшимча ўқув адабиётлари кўргазма воситалари, масала ва машқлар ечиш, тажриба қўйиш кабилар қиради. Мустақил ишлаш методининг ўзига хос хусусиятларидан бири ўқувчиларнинг ўқув топшириқларини ўқитувчининг бевосита бошқарувисиз бажаришидир. Мустақил ишлаш методида ўқувчиларнинг мустақил ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш назарда тутилади. Мазкур методда дарслик, қўшимча ўқув адабиётлари, кўргазма воситалари устида мустақил ўтказилган кузатиш ва тажриба натижалари, масала ва машқлар ишлаш билим манбаи саналади.

Барча методлар каби мустақил ишлаш методининг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи вазифаси мавжуд.

Таълимий вазифаси сифатида – ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларни мустақил эгаллашлари, би-

лимларни чуқурлаштириш, мустақкамлаш ва такрорлашни таъминлашни қайд этиш мумкин. Улар ўқувчиларнинг амалий ўқув кўникмалари ва малакаларни яхши ўзлаштиришларида айниқса қимматга эга, чунки мустақил ҳаракатсиз кўникмаларни автоматлашган ва ижодий характердаги малака даражасига кўтариб бўлмайди.

Тарбиявий йўналишдаги вазифаси ўқувчиларда мустақиллик, билиш фаоллиги, маънавият, фаол ҳаётий позицияни эгаллаш, меҳнатсеварлик ва инсоний фазилатларни таркиб топтиришга ёрдам беради.

Ривожлантирувчи йўналишдаги вазифаси – ўқувчиларнинг илмий дунёқараши, тафаккури, кўникма ва малакаларни ривожлантиришга ёрдам беради, иродани чиниқтиради [4, 100].

Мустақил ишлаш методлари таркибига мустақил иш топшириқларини бериш, ўқув фаолиятида мустақилликни ривожлантириш, ўқув меҳнати малакаларини таркиб топтириш, намунага мувофиқ мустақил ишларни ташкил этиш, ижодий топшириқлар бериш услублари киради.

Ўқитишда ўқувчиларнинг фаолиятини рағбатлантириш ва асослаш методлари гуруҳи таълим жараёнида педагогик рағбатлантириш орқали ўқувчиларнинг янги ўқув материални эгаллашларида иштиёқ ва фаолликни таъминловчи ижобий асосланишларни вужудга келтиради.

Ўқишга бўлган қизиқишни орттириш, дидактик-ўйин, ўқув мунозаралари, ўқувчиларнинг таҳсил олишдаги бурч ва маъсулиятини шакллантириш методлари мансуб бўлиб, улар қуйидаги:

а) ўқишга бўлган қизиқишни орттириш методлари ўқувчиларда ижобий ҳиссиётни вужудга келтириш, қизиқарли аналогиялардан фойдаланиш, таажжубланиш эффекти, билиш қувончини вужудга келтириш, ўқувчиларни рағбатлантириш ва танбех бериш услуби;

б) дидактик ўйин методи ўйин сюжетини танлаш, ўйин вазиятларини вужудга келтириш, ўқув-билишга оид ўйинларни танлаш, ўқувчиларни рағбатлантириш услуби;

в) ўқув мунозаралари методи ўқув бахсларини келтириб чиқарадиган вазиятни яратиш, илмий бахсларни вужудга келтириш. Ўқувчиларни муваффақиятларга йўллаш, ўқувчилар фикрини баён қилиши, улар жавобдаги хатоларни тўғрилаш, ўқувчиларни рағбатлантириш услуби;

д) ўқувчиларнинг таҳсил олишдаги бурч ва маъсулиятини шакллантириш методи таълим-тарбиянинг ижтимоий аҳамиятини тушунтириш, ўқининг шахсий аҳамиятини тушунтириш, ўқув талабларини қўйиш, ўқитишда рағбатлантириш ва танбех бериш каби услубларни мужассамлаштиради [4, 199].

Ўқитишдаги назорат ва ўз-ўзини назорат методлари. Назорат таълим жараёнининг ажралмас қисм-

ларидан бири саналади. Назоратнинг мунтазамлиги ва изчиллиги ўқувчиларнинг фаол ақлий меҳнат қилишга ундайди, уларда маъсулият, бурч, диққат, хотира, ўз-ўзини назорат қилиш ва баҳолаш кўникмаларини ривожлантиришга замин тайёрлайди.

Назоратнинг тўлиқлиги, ҳаққонийлиги, кенг кўламлилиги, мунтазамлилиги барча методлар каби бу методларнинг таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи ва ўқувчиларга тафовут билан ёндашиш каби функцияларини амалга ошириш имконини беради.

Бу методлар гуруҳига оғзаки ва ёзма назорат, лаборатория ва амалий иш ёрдамида назорат, ўз-ўзини назорат, ўзаро назорат варағи ва тестлар ёрдамида назорат методлари мисол бўлади ва қуйидаги:

а) оғзаки ва ёзма назорат методлари ўқувчиларнинг билимларни мантиқий изчил баён қилишга ўргатиш, нутқни ўстириш, ўқувчилар жавобдаги типик хатоларни аниқлаш ва унга барҳам бериш услуби.

б) лаборатория ва амалий иш ёрдамида назорат методлари ўқув ва амалий кўникмаларни аниқлаш, ўқувчиларнинг ўқув жиҳозлари ва асбоблар билан ишлаш кўникмаларини аниқлаш, бажарилган топшириқларнинг сифатини аниқлаш ва баҳолаш, иш мазмунига боғлиқ ҳолда объектлар ва асбобларни тўғри танлаш, ишни яқунлаш ва натижасини расмиёлаштириш, олинган натижаларнинг тўғрилигини аниқлаш услуби.

в) ўз-ўзини назорат қилиш методлари ўқув материални юзасидан қисқа режа, саволлар тузиш, асосий ғояни ажратиш, саволларга жавоблар топиш, масалалар ечиш ва уларни намунага мувофиқ текшириб кўриш, таққослаш, олинган натижаларнинг тўғрилигини текшириш услуби.

г) ўзаро назорат варағи ёрдамида назорат методлари ўрганилган боб, мавзу бўйича назорат саволларини тузиш, саволларнинг методик жиҳатдан тўғрилиги, мантиқий кетма-кетлиги, ўқувчилар билимини назорат қилишнинг ҳаққонийлиги, кенг кўламлилиги услуби [3, 118].

д) тестлар ёрдамида назорат методлари ўрганилган боб, мавзу бўйича назорат тестларини тузиш, тест саволлари ва жавобларнинг методик жиҳатдан тўғрилиги, мантиқий кетма-кетлиги, ўқувчилар билимини назорат қилишнинг ҳаққонийлиги, кенг кўламлилиги каби услублардан иборат.

Барча методлар каби ўқитишдаги назорат ва ўз-ўзини назорат методларининг ҳам таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи вазифаси мавжуд.

Назоратнинг таълимий вазифасини ўқитувчи барча ўқувчиларни ўз ўртоғининг жавобини тинглашга, жавобдаги хато ва камчиликларни тўғрилашга, тузатишлар ва қўшимчалар киритишни таклиф этиш орқали таъминлайди. Шу туфайли ушбу жараёнда ўқувчиларнинг ўзлаштирган билимлари тизимга со-

линади, такрорланади ва мустақкамланади [2, 72].

Назоратнинг тарбиявий вазифаси унинг ўқувчиларни рағбатлантиришни таъминлаш, таҳсил олишдаги маъсулият ва бурч таркиб топтириш, ҳиссиётни шаклланишида намоён бўлади.

Назоратнинг ривожлантирувчи функцияси ўқувчиларда барқарор диққат, хотирани мустақкамлаш, ўз-ўзини назорат қилиш ва баҳолаш кўникмаларини эгаллашларида кўзга ташланади.

Мустақил ишлар турли усулларда ташкил этилиши мумкин: манбалар билан ишлаш, кузатиш ишларини олиб бориш, лойиҳалаш, тажриба-синовлар ўтказиш, компьютерда ишлаш, Интернет тармоғидан фойдаланиш ва ҳ.к. Масала ва муаммоларнинг қай даражада кўйилишига қараб, ўқитувчи мустақил ишларни турли ахборот ресурслари воситасида ташкил этиши мумкин. Мустақил ишларни ахборот ресурслари воситасида тўғри ва изчил ташкил этиш натижасида ўқувчилар янги билимларни мустақил тарзда пухта ўзлаштириш кўникмасини эгаллайди. Биологиядан ўқувчиларнинг мустақил ишларини ахборот ресурслари воситасида такомиллаштириш ахборот манбалари ва манзилларидан самарали фойдаланиш, электрон ўқув адабиётлар ва маълумотлар банки билан ишлаш олиш, топшириқларни бажаришда тизимли ва ижодий ёндашиш кўникмаларини эгаллашларига кўмаклашади. Натижада, ўқувчилар мустақил ижодий фаолиятга йўналтирилади ва илмий тадқиқот фаолиятига тайёрланади. Демак, мустақил ишлаш жараёни ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимининг асосий мақсад, вазифаларини бажаришда муҳим восита ҳисобланади.

Компьютер технологияларининг ривожланиши, рақамли таълим ресурсларининг яратилиши биология ўқитишда ўқувчиларнинг мустақил ишини ташкил этишга ўзига хос вазифаларни қўйди. Биология дарсларида ўқувчиларни мустақил таълим олишга йўналтиришда мустақил ишларни ташкил этиш муҳим ўрин тутади.

Ўқитиш жараёни ўқувчилардан фаолликни талаб этади. Ўқитувчи ўқувчиларни ўқув жараёнида мустақил таълим олишга йўналтириши, аниқ билимларни бериши ва ўзлаштириш жараёнини назорат қилиши лозим. Маълумотни камроқ бериб, ўқув меҳнати кўникмаларини ишлаб чиқишга ёрдам бериши, эгалланган билимлардан фойдаланиш кўникмасини шакллантириши зарур.

Биологияни ўқитишда бир қанча фаол усул ва шакллардан фойдаланилади. Шундай усуллардан бири, турли мустақил иш топшириқларини ишлаб чиқиш ва ўтказиш орқали ўқувчилар билиш фаолиятини фаоллаштиришдан иборат [2, 56]. Замонавий дарсда бу алоҳида ўрин эгаллайди, чунки ўқувчи билимни фақат мустақил фаолият жараёнида олади. Дарсликдан олинган ва ўқувчилар объект-субъект муносабат-

ларида ташкил этилган машғулотлар ўқувчиларнинг фаол ҳаракати ва билишга мотивациясини ортиши орқали қабул қилишини муҳим аҳамият касб этади. Ўқувчиларнинг ўз шахсий меҳнати билан фаол эгалланган билим хотирада узоқ сақланади

Ахборот ресурслари воситасида ўқувчилар мустақил ишларни ташкил этишда ижодий фаолият шариоитларини яратиш зарур [1, 10]. Мустақил ишларни ўқитиш шакллари билан боғлиқ ҳолда турли усулларда ташкил этиш мумкин. Мустақил иш топшириқлари бевосита дарс жараёни учун синфдан ташқари машғулотлар ёки мустақил таълим олиш мақсадида ташкиллаштирилади. Мустақил ишлар турли усулларда амалга оширилади: мавзу мазмуни билан боғлиқ электрон шаклдаги дидактик топшириқлар, саволга жавоб излаш, қўшимча адабиётларни ўқиш, асосий, зарурий маълумотларни ажратиш олиш, табиат ҳодисаларини тушунтириш, изоҳлаш, фикр ва изланишлар олиб бориш, ғояларни яратиш, натижада, билимларни пухта эгаллашга ўргатади.

Амалда мустақил ишнинг қуйидаги усулари ажратилиши мумкин:

1. Дарслик ва ўқув адабиётлари билан ишлаш. Дарслик билан ишлаш: расм, схема, жадвал, саволга жавоб топиш, конспектлаштириш, сўзлаб бериш, режа асосида жавоб бериш, бир неча параграфларни умумлаштириш, дастлабки манбалар билан ишлаш виртуал лабораторияларни ва амалий ишларни бажариш ва ҳ.к. Бундан фарқли равишда биз томонимиздан академик лицейларда биология дарсларида ўқувчиларнинг мустақил ишлаши учун ахборот ресурси, виртуал лаборатория машғулотлари ва билимни назорат қилиш учун тест топшириқлари тизими ишлаб чиқилди.

Биология дарсларида машқлар: саволларга жавоблар, жавобларни тақризлаш, турли дидактик топшириқларни бажариш орқали амалга оширилади, айниқса, дарслик билан ишлашга оид топшириқлар алоҳида ўрин эгаллайди. Шунингдек, айни вақтда биологик таълим амалиётида мустақил иш топшириқлари: масалалар ечиш ва амалий, лаборатория ишларини бажариш; текшириш характеридаги мустақил ишлар (баён ва биологик диктант); тақдимот материаллари ва рефератлар тайёрлаш; виртуал кузатишлар ва экскурсиялар давомида индивидуал ва гуруҳли топшириқларни бажариш; виртуал лаборатория тажрибалари ва кузатишлар орқали оптималлаштирилган.

П. И. Пидкасистыйнинг таъкидлашича, дарслик ва китоблар билан мустақил ишлашга ўргатиш ўқитишнинг ўзига хос методи ҳисобланади.

Дарслик ва ўқув қўлланмалар лаборатория машғулотини ташкил этишнинг дидактик воситалари бўлиб, ўқувчиларнинг мустақил билим олиши учун асосий манба ҳисобланади. Лаборатория машғулотида тайёрланиш жараёнида ўқувчиларнинг дарслик ва ўқув

қўлланмалари билан ишлаши учун алоҳида топшириқлар белгиланади. Ўқув адабиётларидан дарслик келгуси лаборатория машғулотига тайёрланиб келиш учун ўқувчиларга вазифалар берилади. Ўқув адабиётлари лаборатория машғулоти давомида мавзу бўйича материаллар билан танишиш учун зарур бўлади.

Шундай қилиб, биологиядан лаборатория машғулотларининг моддий-техникавий базасини машғулот ўтказиш учун зарур бўлган кўргазмалар ва тасвирий воситалар, асбоблар ва жиҳозлар, ўқитишнинг замонавий техник воситалари, ахборот ресурслари, дарсликлар, ўқув қўлланмалар, тирик табиат бурчагида боқиладиган ҳайвонлар, ўсимликлар ташкил этади. Уларнинг ҳаммаси биргаликда лаборатория машғулотининг самарали бўлишини таъминлайди. Лаборатория машғулотларини ташкил этиш ва ўтказишда машғулот мазмунидан келиб чиқиб, мазкур моддий-техникавий воситалардан кераклигича фойдаланилади [5, 89].

Шунингдек, биологиядан ўқувчилар мустақил таълимни ташкил этиш ва самарадорлигини баҳо-

лашда маълум мезонларга амал қилиш лозим. Ўқувчилар мустақил иши самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезони қуйидагилардан иборат:

– ўқув вазифаларини мустақил равишда, ташқи ёрдамсиз ташкилий-ахборот режасига мувофиқ тўлиқ таъминланиши;

– замонавий технологиялар ва ахборот ресурсларидан фойдаланиш қобилияти;

– таҳлилий ва ижодий қобилиятларни етарли даражада ривожланиши, ўз фаолияти натижаларини тўғри ташхислаш, баҳолаш, уларни тўғрилаш имконияти;

– зарур шахсий фазилатларнинг мавжудлиги (мақсадга мувофиқлиги, масъулияти, эҳтироснинг муайян улуши, диққат-эътибор, иштиёқ ва бошқалар).

Биология фанидан ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этишда ахборот ресурсларидан фойдаланишнинг ўзига хос усуллари мавжуд бўлиб, электрон таълим муҳитида ўз-ўзини ривожлантириш, фаолият натижаларини тўғри ташхислаш, баҳолаш, уларни тўғрилаш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Байбородова Л. В., Лаптева Т. В. *Методика обучения биологии: Пособие для учителя.* – М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2003. – 176 с.
2. Беспалько В. П. *Педагогика и прогрессивные технологии обучения.* – М.: Издательство ИРПО МОРФ, 1995. – 336 с.
3. Билимханова Л. О. *Активизация познавательной деятельности на уроках биологии [Текст] // Педагогическое мастерство: материалы VII Междунар. науч. конф. (г. Москва, ноябрь 2015 г.).* – М.: Буки-Веди, 2015. – С. 117-120.
4. Джурев Р. Х. и др. *Интерактивный комплекс в образовательном процессе // Под ред. Р. Х. Джурева. Монография.* – Т.: Шарқ, 2011. – 268 с.
5. Ибодова М. Н. *Биология дарсларида ўқувчиларнинг дарслик билан ишлаш кўникмаларини ривожлантириш. Услубий қўлланма.* – Т., 2012. – 109 б.

OLIV TALIM MUASSASALARI TALABALARIGA BOSHQARUV KOMPETENSIYALARNI TAKOMILLASHTIRISHNING AHAMIYATI

Baxtigul Mavlonova,

Samarqand davlat universiteti tayanch doktoranti

Annotatsiya

Ta'lim jarayonida kompetensiyaviy yondashuvning mohiyati talabalarda turmushda vujudga keladigan muammolarni avval o'zlashtirgan bilim, ko'nikmalari va tajribalari asosida hal qilish layoqatlarini rivojlantirishdan iborat bo'ladi.

Kalit so'zlar: *Kompetensiya, fan tushunchalari, kreativlik, texnologiya, kommunikativ, samaradorlik, an'anviy, mantiq, bilim, ko'nikma malaka va h.k.*

Аннотация

В данной статье разработаны научно обоснованные рекомендации по совершенствованию педагогических механизмов развития компетентности учителей начальных классов в готовности к инновационной деятельности.

Ключевые слова: *инновация, идея, модуль, инновация, гуманизм, творчество, образование, кейсы, навыки, теория, практика, стажировка, эксперимент, тестирование.*

Annotation

This article has developed scientifically based recommendations for improving the pedagogical mechanisms for the development of competence of primary school teachers in readiness for innovative activities.

Keywords: *innovation, idea, module, innovation, humanism, creativity, education, keys, skill, theory, practice, internship, experiment, test.*

Talabani kompetensiyasi – talabalar egallagan bilim, ko'nikma va malakalarini kundalik hayotida duch keladigan amaliy va nazariy masalalarni echishda foydalanish va amaliyotda qo'llay olish qobiliyatidir. Kommunikativ axborot tizimining kun sayin kengayib, ma'lumotlarning keskin oshib borayotgani, ulardan ta'lim-tarbiya jarayonida foydalanish uchun vaqtning chegaralanganligi, o'sib kelayotgan avlodni hayotga har tomonlama mukammal tayyorlash talab-ehtiyojlari, ayni paytda, jamiyatni ijtimoiy rivojlantirishning ilmiy asoslangan, istiqbolli rejasi ishlab chiqish, uning ustuvor yo'nalishlarini belgilab olish o'quv tizimiga ilg'or pedagogik texnologiyalarni tatbiq etishni taqozo etadi. Mamlakatimizning taraqqiy etgan mamlakatlar qatoridan o'rin olishi uchun aholi ta'limini jadallashtirish va uning samaradorligini oshirish maqsadi ham ilg'or pedagogik tadbirlardan, texnologiyalardan keng foydalanishimizni talab etmoqda.

Boshqaruv bu shunday yo'naltiruvchi kuchki, u insonlardagi ijodiy potensial imkoniyatlarini oladigan sharoitlarni yuzaga chiqarishni maqsad qilib qo'yadi. Shunday ekan, o'qituvchining ta'lim-tarbiya jarayonini to'g'ri va oqilona boshqara olishi talaba shaxsi kamolotida nihoyatda kattadir. Faoliyatdan kutiladigan natija psixologiyada maqsad deyiladi. O'quv jarayonining boshqarilishi ikkita asosiy maqsadni ko'zda tutadi. Ulardan birinchisi, o'quv jarayonini to'g'ri tashkil eta olish, ikkinchisi esa talabani shaxsiy qiziqish va ehtiyojlarini qondirishdir. Ana shu maqsadlar boshqarishning vazifalarini belgilab beradi. Demak, o'quv jarayonini boshqarishning birinchi vazifasi – tashkiliy bo'lib, talabalarning ta'lim va tarbiyasi bo'yicha ijtimoiy buyurtmalarni qondirish; ikkinchi vazifasi – bevosita talabani qiziqish va talablarini qondirishga yo'naltirilgan

holatdagi ijtimoiy vazifadir. Shuningdek, bu vazifa talabalarning ko'tarinkilik, yaxshi kayfiyat va o'quv jarayonidagi ishchanlikni yuzaga keltirishni ham o'z ichiga oladi. Afsuski, ko'p yillar davomida boshqarishning ana shu ijtimoiy vazifasiga juda kam e'tibor berilgan [1, 25].

Boshqaruvning ikkinchi vazifasi bu ijtimoiy-psixologikdir. Bu vazifa talabalarda samarali faoliyat uchun zarur bo'lgan ijtimoiy-psixologik holat va xususiyatlarni rivojlantirishga qaratilgandir. Bu holat va xususiyatlar talabalarni o'zaro jipslashtirish, nazorat, o'z-o'zini boshqarish, shuningdek, mustaqil ta'lim olishlarini rivojlantirishdan iboratdir. O'quv jarayonini boshqarish uchun quyidagi tarkibiy qismlarni egallashlari lozim:

1. Berilgan o'quv topshirigini echish uchun vositalar tanlash.
2. Topshiriqlarni echish jarayonida o'z-o'zini nazorat qilish.
3. O'zlashtirilgan bilimlar, malakalar, ko'nikmalar sifatini baholash.
4. O'quv topshiriqlarini bajarilganligini tekshirish.
5. O'z oldiga maqsad qo'ya olish.
6. Turli belgilar bilan predmetning ichki munosabatlari muvofiqligini ko'ra olish [2,68].

O'qitishning ikkita usuli mavjud. Biri – an'anviy o'qitish usuli, bunda o'qituvchi muammoni belgilaydi, vazifalarni aniqlanaydi va muammoni echib beradi, talaba esa masalani echish yo'llarini eslab qoladi va uni echishni mashq qiladi. Bunda talabalarda reproduktiv tafakkur shakllanadi. Rivojlantiruvchi ta'lim o'qitishning muammoli usulida o'qituvchi talabalarning bilish jarayonlarini boshqaradi, uni tashkil etadi va nazorat qiladi. Talaba esa muammoni tushunadi. Uni echish yo'llarini qidiradi va

uni echadi. Bunday hollarda talaba tafakkurining mahsuldorligi oshadi va uning mustaqilligi rivojlanadi [3, 156].

Talabani o'qishga bo'lgan qiziqishini rivojlantirish uchun o'qituvchi quyidagi qoidalarga tayanishi lozim:

1. O'quv jarayonini shunday tashkil etish lozimki, bunda talaba faol harakat qilishi, mustaqil izlanishi, yangi bilimlarni o'zi kashf etishi va muammoli xarakterdagi masalalarni echish uchun sharoit izlashi kerak.

2. Talabalarga bir xil o'qitish usullari va bir turdagi ma'lumotlarni berishdan qochish kerak [4, 33]. O'rganilgan bob yoki mavzu yuzasidan mantiqiy ketmaketlikda savollar tuza olish. Yozma nazorat oliy muassasa, mahalla, jamoat joylari, oilada, auditoriyada o'rtoqlari bilan sog'lom turmush tarzi me'yorlariga amal qilgan holda muloqotga kirishish, o'zi va o'zgalarning salomatligini asrash yuzasidan esse va taqdimot tayyorlash, "tengdoshtengdoshga" rukni asosida muloqotga kirisha olish. Kuzatish va yozma nazorat tarbiya psixologiyasi maqsadiga muvofiq ravishda tashkil etilgan pedagogik jarayon sharoitida inson shaxsi shakllanishining qonuniyatlarini o'rganadi. Tarbiya har qanday jamiyatning muhim vazifasidir. Tarbiya – bu shaxsning ijtimoiy, ma'naviy va ishlab chiqarish faoliyatiga tayyorlash maqsadida uning ma'naviy, jismoniy kamolotiga muntazam ravishda ta'sir ko'rsatish jarayonidir [5].

Tasavvur qiling: ilmi, katta ixtirolarga qurbi etadigan, qonunlarni yaxshi o'zlashtirgan mutaxassis – ma'naviyatsiz, tarbiyasiz, axloqsiz bo'lsa, nima bo'lishi mumkin? U o'z manfaatini o'ylaydi, Vatan uchun biror narsa qurbon qila olmaydi, chunki u xudbin. Unda mehr-oqibat, fido-yilik, vatanparvarlik, milliy g'urur yo'q. U muhtojlarga yordam bermaydi, chunki unda tarbiya shakllanmagan.

Xulq-atvor va odatni shakllantirish, ma'lumki, odam ongining yuksak belgilaridan biri, ya'ni uning o'zini anglashidir. Odamning o'zini anglashi, o'z navbatida, shaxsning muhim belgisi hisoblanadi. Odam o'z tevarak-atrofidagi olamni biluvchi va shu olamga ta'sir etuvchi subyektdir. Odamning idrok etadigan, tasavvur qiladigan narsalari uning uchun obyektidir. Ana shu nuqtayi nazardan olganda, odamning o'zini anglashi subyektiv ravishda o'zini "men" deb his qilishida ifodalanadi.

Odam ijtimoiy zot bo'lganligidan unga o'zligini anglash qobiliyati xosdir. Faqat ijtimoiy hayotda, o'zga kishilar bilan qiladigan har turli munosabatlarda odamning o'zini anglashi, o'zini "men" deb bilishi vujudga keladi va taraqqiy etadi. Odam o'zini alohida shaxs sifatida kim deb bilishi, o'zining o'tmishi va kelajagini anglashi, o'z huquq va burchini anglashi va nihoyat, o'zining fazilat hamda kamchiliklarini anglashi o'zini anglashiga kiradi.

Insonning tabiatini o'zgartiradigan, uning shaxsini tarkib topishiga ta'sir qiladigan kuch ijtimoiy omillar yoki boshqa qilib aytganda, jamiyat ishlab chiqarish kuchlari hamda ishlab chiqarish munosabatlarining o'sishi va o'zgarishidir. Bundan tashqari, yana inson shaxsining tarkib

topishiga ta'sir qiluvchi kuchli omil – inson orttirgan tajribalarning tarbiya vositasi orqali bolalarga berilishidir. Shunday qilib, inson shaxsi juda murakkab psixologik kategoriya bo'lib, u kishining individual hayoti davomida ma'lum konkret omillarning ta'siri ostida sekin-asta tarkib topadi. Ilmiy manbalarga qaraganda, inson shaxsi uchta faktorlar ta'sirida tarkib topadi. Ulardan birinchisi, odam tug'ilib o'sadigan tashqi ijtimoiy muhitning ta'siri bo'lsa, ikkinchisi, odamga uzoq muddat davomida sistemali beriladigan ijtimoiy ta'lim-tarbiyaning ta'siridir va nihoyat, uchinchi – odamga nasliy yo'l bilan beradigan irsiy omillarning ta'siridir.

Hozirgi kunda xalqimiz orasidan etishib chiqqan iste'dodli olimlar, muhandis-ixtirochilar, yozuvchi va shoirlar, davlat va jamoat arboblari, iste'dodli artistlar, rassomlar va boshqa kishilarimizga nasliy yo'l bilan berilgan barcha imkoniyatlarning ro'yobga chiqishi uchun har qanday sharoit maydonga kelganligini dalili bo'la oladi. Bolalar o'quv maskani yoshiga etgach, shaxs shakllanishining yangi mazmuni boshlanadi. Kichik o'quv maskani, o'smirlik va katta o'quv maskani yoshi davrlarida shaxs shakllanishining yuqori bosqichi namoyon bo'ladi. Insonning shaxs sifatida tavsiflashning muhim lahzasi, uning dinamik xususiyatlari hisoblanib, jamiyatdagi statusi (iqtisodiy, siyosiy, huquqiy, mafkuraviy, ya'ni uning jamiyatda egallagan o'rni) orqali ifodalanadi. Status negizida doimiy o'zaro aloqalar tizimi yotadi. Rolning ijtimoiy funksiyasi muayyan maqsadlarga va qadriyatlarga yo'nalganlik shaxsni faollashtiradi. Status, rol, qadriyatga yo'nalganlik shaxs xususiyatlarining birlamchilarini tashkil etadi va uning tuzilishida asos bo'lib xizmat qiladi. Shaxsning ta'rifi xulq motivatsiyasi xususiyati va ijtimoiy fe'l-atvor tuzilishini belgilab, uning tarkibidan ikkilamchi alomatlar sifatida joy egallaydi. Shaxsning birlamchi va ikkilamchi sifatlarining o'zaro ta'sirini birlashtiruvchi yuksak samara tarzida inson xarakteri va mayllari yuzaga keladi. Insonning shaxs hislatlarini rivojlantiruvchi asosiy shakl uning jamiyatdagi hayot yo'li va ijtimoiy tarjimayi holi hisoblanadi.

Individ, shaxs va subyekt taraqqiyotining tadqiqotida quyidagi holatlarga e'tibor qilishi zarur: inson rivojining asosi hisoblangan omillar va shart-sharoitlar (ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy, huquqiy, mafkuraviy, pedagogik va yashash muhiti omillari);

- insoning o'ziga taalluqli, asosiy tavsiflar, uning ichki qonuniyatlari, mexanizmlari, evolyutsiya bosqichi, barqarorlashuvi va involyutsiya;

- inson yaxlit tuzilishning asosiy tarkiblari, ularning o'zaro aloqalari, shaxsning tashqi ta'sirlarga javobi va munosabati, taraqqiyot jarayonida ularning takomillashuvi kabilari.

Uch xil xususiyatli tadqiqot dasturining tarkibiy qismlari inson amaliy va nazariy faoliyatining mezonlari hisoblanadi. Chunki faoliyatda yashash muhiti tarixiy tajribani egallash

interiorizatsiya va eksteriorizatsiya amalga oshadi [6, 89].

Odamning maqsadga qaratilgan ijtimoiy foydali faoliyati protsessida hayotiy deb ataladigan mexanizmlari va ongli faoliyatining funksional sistemasi protsesslari yuzaga keladi. Ana shular tufayli odam bilimlarni, ko'nikma va malakalarni, kishining sotsial tajribalarini o'zlashtiribgina qolmay, balki o'zining idroki, tafakkuri, xayoli, hissiyotlari va irodasini, bir so'z bilan aytganda, voqelikka bo'lgan ongli munosabatini hamda o'z harakatlari va xulq-atvorining motivlarini tarkib toptiradi. Shaxsning barcha xususiyatlari, munosabatlari va xatti-harakatlari shaxsning hayoti faoliyatida ma'lum rol ni bajaruvchi va har biri murakkab kurilmadan iborat bo'lgan hamda shartli ravishda to'rtta o'zaro mustahkam bog'langan funksional bosqichlarga birlashtiradi:

Birinchisi – boshqaruv tizimi;

Ikkinchisi – stimullashtirish tizimi;

Uchinchisi – stabilizatsiyalash tizimi;

To'rtinchisi – indikasyalash tizimi [7, 159].

Shaxsning ana shu sotsial ahamiyatga ega bo'lgan barcha sifatleri ijtimoiy taraqqiyotning yuksak ongli faoliyatchisi sifatidagi shaxsning xulq-atvori va xatti-harakatlarini belgilaydi. Birinchi tizimning hosil bo'lishida analizatorlar o'rtasidagi doimiy tabiiy aloqani aks ettiruvchi filogenetik mexanizmlar katta rol o'ynaydi. Biroq bu, ilgari yuqorida ta'kidlab o'tganimizdek, ontogenez protsessida filogenetik analizatorlar o'rtasidagi aloqa vaqtli

aloqalar bilan organik jihatdan qo'shib keladilar. Bunda mazkur tizimning ichida perseptiv tizimiga o'tib ketadigan yuksak darajada integratsiyalangan ma'lum ichki sensor komplekslarni hosil qiladi. Bunday komplekslar qatoriga nutq, eshitish, ko'rish hamda sensomotor komplekslarni kiritish mumkin. Mana shu komplekslarning hammasi odamning hayot faoliyati jarayonida o'zaro bir-biri bilan doimiy aloqaga kirishib, sensor-perseptiv uyushishning yagona funksional dinamik tizimini yaratadi. Insonning sensor-perseptiv jihatlari doimo takomillashib boradi.

Ikkinchi tizim barqaror psixik holatlarni o'z ichiga oladi. Bu holatlar bolaning aniq maqsadni ko'zlovchi va foydali faoliyatining ongli subyekti sifatida bola boshlagan ilmlarining dastlabki yillaridayoq shakllana boshlaydi. Temperament, intellekt, bilim va munosabat ana shunday xususiyatlar jumlasiga kiradi.

Uchinchi tizim shaxsni arbob sifatida stabilizatsiya tizimidir. Yo'naltirilganlik, qobiliyat, mustaqillik va xarakter uning tarkibiy qismini tashkil etadi.

Xulosa qilib aytganda, oliy ta'lim muassasalari zimmasiga ta'lim-tarbiya jarayoni orqali talabalarda tayanch kompetensiyalar, jumladan, kommunikativ, axborot bilan ishlay olish, shaxs sifati, o'z-o'zini rivojlantirish kompetensiyasi, ijtimoiy faol fuqarolik kompetensiyasi, umummadaniy kompetensiyalar, matematik savodxonlik, fan va texnika yangiliklaridan xabardor bo'lish hamda foydalanish kompetensiyalarini tarkib toptirish vazifasi yuklatilgan.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. *Pedagogika (oliy ta'lim muassasalari talabalari uchun darslik)*. – T., 2014. – 350 b.
2. Niyozov Q. *Biologik ta'lim jarayonida o'quvchilar kompetentligini rivojlantirish asoslari*. – Namangan: Namangan VXTXQTMOI, 2017. – 200 b.
3. Tolipova J., G'ofurov A., Umaraliyeva M., Abdurahmonova I., Abdukarimov A., Eshonqulov O. *Biologiya (kasb-hunar ta'limi muassasalarining talabalari uchun darslik)*. – T.: "Sharq", 2017. – 300 b.
4. Tursunaliyevna X.S. *NEW INNOVATIVE IDEAS IN TEACHING BIOLOGY //Journal of Ethics and Diversity in International Communication*. – 2021. – T. 1. – №. 1. – C. 31-32.
5. Niyozov Q. *Biologiya ta'limi jarayonida o'quvchilarda kompetensiyalarning shakllanishida innovatsion texnologiyalarning o'rni*. – Toshkent shahar VXTXQTMOI da tashkil etilgan "Xalq ta'limi tizimidagi "Mahorat maktablari" faoliyatini tashkil qilishning ilmiy-nazariy va metodologik asoslari" mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallar to'plami. – T.: "Fan va texnologiyalar". 35-40-b.
6. Tursunov Q.Sh. *Toshpo'latov Ch.X, Qorjovov M.J. "Fizika ta'limi texnologiyasi"*. – T., 2013. –200 b.
7. Abdullayev M., Rasulov M., Fayozova S, Umaraliyev. *Hayvonlar zoologiyasidan dala praktikasi. Pedagogika oliy o'quv yurtlari tabiiyot-geografiya fakulteti talabalari uchun o'quv qo'llanma*. – T.: "O'qituvchi", 1987. – 180 b.

JISMONIY RIVOJLANISHDA GIMNASTIKA VOSITALARIDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI

Shaxriddin Mizomov,

Toshkent davlat iqtisod universiteti Samarqand filiali
Tabiiy ijtimoiy va jismoniy madaniyat kafedrası o'qituvchisi;

Farida Ochilova,

Samarqand davlat tibbiyot universiteti
Pedagogika va psixologiya kafedrası o'qituvchisi.

Annotatsiya

Ushbu maqolada maktabda jismoniy tarbiya darslarida gimnastika vositalaridan foydalanish jarayonida mashg'ulotni samaralari va ahamiyatlari to'g'risida, gimnastik mashqlarning inson hayotida va sog'lom rivojlanishidagi ahamiyatlari to'g'risida ma'lumotlar bayon qilinadi.

Kalit so'zlar: gimnastika, jismoniy tarbiya, mashqlar, sog'lom, rivojlanish, jismoniy rivojlanish, gimnastik vositalar.

АННОТАЦИЯ

В данной статье представлена информация о влиянии и значении физических упражнений при использовании гимнастических снарядов на занятиях по физическому воспитанию в школе, значении гимнастических упражнений в жизни и здоровом развитии человека.

Ключевые слова: гимнастика, физическое воспитание, упражнения, здоровый, развитие, физическое развитие, гимнастический инвентарь.

ANNOTATION

This article provides information about the effects and importance of exercise during the use of gymnastic equipment in physical education classes at school, the importance of gymnastic exercises in human life and healthy development.

Keywords: gymnastics, physical education, exercises, healthy, development, physical development, gymnastic equipment.

Gimnastikaning rang-barang turlari bo'yicha mashg'ulotlar eng muhim vazifalardan biri – jismonan baquvvat yosh avlodni jismoniy va ma'naviy qudratini uyg'un rivojlantirishni ta'minlashga yordam beradi.

Gimnastika – bu salomatlikni mustahkamlash, uyg'un jismoniy tarbiya va insonning harakat qobiliyatini, uning kuchini, epchilligini, tezligini, chidamliligini, moslashuvchanligini oshirish uchun qo'llaniladigan maxsus tanlangan jismoniy mashqlar, uslubiy texnikalar tizimi.

Gimnastika vazifalari:

1) salomatlik – salomatlikni mustahkamlash, individual mushak guruhlar va butun mushak tizimini rivojlantirish; tananing alohida organlari va tizimlarida funktsional og'ishlarni bartaraf etish va oldini olish; to'g'ri pozitsiyani, yurishni shakllantirish; nafas olish organlari va yurak-qon tomir tizimining umumiy rivojlanishi va mustahkamlanishi, metabolizmni yaxshilash va organizmning samaradorligini oshirish;

2) tarbiyaviy – har tomonlama jismoniy rivojlanish, kuch, moslashuvchanlik, harakatlarni muvofiqlashtirish va ekspressivlikni tarbiyalashga yordam beradigan hayotiy muhim vosita ko'nikmalarini, ko'nikmalarini (shu jumladan amaliy va sport) shakllantirish va maxsus bilimlar bilan qurollantirish;

3) tarbiyaviy – tartib-intizom, jamoaviylik, mardlik, qat'iyatlilik, maqsadga muvofiqlik, chidamlilik, tashabbuskorlik va boshqa shu kabi axloqiy va irodaviy fazilat-

larni tarbiyalash. Gimnastikada estetik fazilatlar – harakat madaniyati, musiqiy did, ritm tuyg'usini tarbiyalash muhim o'rin tutadi.

Gimnastika degani:

1) mashq mashqlari – saflardagi qo'shma harakatlari (shu jumladan, bitta). Ular uyushqoqlik va intizomni tarbiyalashga hissa qo'shadi, birgalikda uyushgan harakatlarga ko'nikadi, odamning to'g'ri holatini shakllantiradi, uni yanada nozik qiladi. Burg'ulash mashqlari katta pedagogik ahamiyatga ega, chunki ular tufayli o'qituvchi o'quvchilarni to'g'ri tashkil etish imkoniyatiga ega, ularni birgalikdagi harakatlar uchun zalga yoki maydonchaga joylashtirish, shuningdek, darsda vosita muammolarini hal qilish tavsiya etiladi;

2) umumiy rivojlanish mashqlari (GDO) tayanch-harakat tizimini va umuman, butun organizmni yaxshilashga yordam beradi, to'g'ri holatni shakllantiradi. Ular umumiy jismoniy rivojlanishga va murakkabroq vosita harakatlarini o'zlashtirishga jalb qilinganlarni tayyorlashga qaratilgan. Bu guruhga kuch, moslashuvchanlik, tezlik, muvofiqlashtirish, mushaklarni kuchlanish va bo'shashtirish qobiliyatini rivojlantirish uchun turli xil mashqlar kiradi. Umumiy rivojlantiruvchi mashqlar topshiriqlarga qarab, buyumsiz va har xil buyumlar (to'plar, sakrash arqonlari, gimnastika tayoqlari, gantellar, rezina amortizatorlar va boshqalar) bilan bajarilishi mumkin. Bu guruhga sherikning qarshiligi bilan juftlik mashqlari ham kiradi.

ORU anatomik xususiyatlariga ko'ra tasniflanadi:

- a) bo'yin, qo'l va elka kamari uchun mashqlar;
- b) tana uchun mashqlar;
- v) oyoqlar uchun mashqlar;
- d) butun tana uchun mashqlar.

ORUlar tuzatuvchi, gigiyenik, ishlab chiqarish, asosiy, yengil atletika va sport-amaliy gimnastika darslarining asosiy mazmunini tashkil qiladi;

3) amaliy mashqlar – yugurish, yurish, uloqtirish, toqqa chiqish, to'siqlarni engib o'tish. Ularning yordami bilan talabalar asosiy hayotiy ko'nikma va qobiliyatlarni o'zlashtiradilar, ularni turli vaziyatlarda qo'llashni o'rganadilar. Amaliy mashqlar yordamida harakatlarni umumiy muvofiqlashtirish yaxshilanadi, individual mushak guruhlari rivojlanadi va mustahkamlanadi. Kompleksda qo'llaniladigan amaliy mashqlar ko'p qirrali jismoniy rivojlanishning samarali vositalaridan biridir;

4) sakrashlar ishtirokchilarning muvofiqlashtirish qobiliyatlarini yaxshilashning yaxshi vositasidir. Ular yurak-qon tomir va nafas olish tizimlariga ijobiy ta'sir ko'rsatadi va shuning uchun gimnastikada muhim o'rin egallaydi;

5) gimnastika apparatidagi mashqlar badiiy gimnastikaning asosiy mazmunini tashkil qiladi. Bular gimnastikaning eng xarakterli vositasi bo'lgan tirgak, halqalar, parallel barlar, ot-mach, muvozanat to'sinlari, notekis barlarda mashqlar. Ularning asosiy maqsadi harakatlarni muvofiqlashtirishni yaxshilashdir. Ushbu gimnastika apparatlarida mashqlarni muvaffaqiyatli o'zlashtirish uchun har tomonlama jismoniy tayyorgarlik, shuningdek, kuch, moslashuvchanlik, vestibulyar apparatlar va irodaviy fazilatlarining yuqori darajada rivojlanishi shart.

Snaryadlarning dizayn xususiyatlari va qo'llab-quvvatlashning g'ayrioddiy shartlari (asosan qo'llarda) ushbu mashqlarning sezilarli intensivligini aniqlaydi.

Gimnastikada (frontal, oqim va boshqa usullarda bir vaqtning o'zida mashqlarni bajarish uchun) bu apparatlaridan tashqari, ommaviy turdagi apparatlar keng qo'llaniladi. Bularga gimnastika devorlari va firibgarlik kiradi.

Maktabgacha yoshdagi bolalar uchun asosiy gimnastika (3-7 yosh). Maktabgacha yoshdagi asosiy gimnastikaning asosiy vazifalari bolalar salomatligini muhofaza qilish va mustahkamlash, tanasini chiniqtirish, to'g'ri turishni shakllantirish, har tomonlama jismoniy rivojlanish, shaxsiy va jamoat gigiyenasining dastlabki ko'nikmalarini shakllantirishdan iborat.

O'qituvchi ushbu yoshdagi bolalarning jismoniy imkoniyatlarini hisobga olishi va maktabgacha yoshdagi bolalarning jismoniy tarbiya jarayonini o'sayotgan organizmning normal rivojlanishi manfaatlariga bo'ysundirishi kerak. Skelet, muskullar, ichki organlar va asab tizimining rivojlanishining o'ziga xos xususiyatlari bilan bog'liq holda jismoniy mashqlarning eng oddiy turlari zarur. Avvalo, bular umumiy rivojlantiruvchi mashqlar, yurish, yugurish, sakrash, uloqtirish, toqqa chiqish, muvozanat,

ochiq o'yinlar, shuningdek, badiiy gimnastikaning eng oddiy mashqlari. O'qituvchi bolalarda tartib-intizomni singdirishga, jamoada uyushgan xulq-atvor ko'nikmalarini singdirishga intilishi kerak.

Bu yoshda siz mushaklarning yuqori kuchlanishi bilan bog'liq maxsus mashqlardan foydalana olmaysiz. Maktabgacha yoshdagi bolalar bilan mashg'ulotlarda simulyatsiya mashqlari va bolalarning rivojlanishiga mos keladigan ochiq o'yinlar ustunlik qilishi kerak.

Maktabgacha ta'lim muassasalarida jismoniy tarbiya muammolarini hal qilish uchun ertalabki mashqlar, jismoniy tarbiya, chiniqtirish tartiblari, ochiq o'yinlar, ekskursiyalar, bayramlar, individual va mustaqil mashg'ulotlar kabi maxsus o'quv tipidagi jismoniy mashqlar o'tkaziladi.

Maktab o'quvchilari uchun asosiy gimnastika. Turli yoshdagi bolalar uchun tarkib jismoniy tarbiya gimnastikasining umumiy vazifalari va bolaning tanasining anatomik va fiziologik xususiyatlari bilan belgilanadi. Asosiy gimnastika maktab o'quvchilarining tanasini umumiy mustahkamlash va rivojlantirishga qaratilgan, ya'ni: munosib holatni shakllantirish, jismoniy, axloqiy va irodaviy fazilatlarini tarbiyalash, shuningdek, ulardan amaliy faoliyatda to'g'ri foydalanish qobiliyati.

O'sayotgan organizmning anatomik, fiziologik va psixologik xususiyatlariga ko'ra, maktab yoshi uch davrga bo'linadi:

- a) boshlang'ich maktab yoshi – 6-11 yosh (I-IV sinflar);
- b) o'rta – 12-15 yosh (V–VIII sinflar);
- v) kattalar – 16-18 yosh (IX-XI sinflar).

Ushbu yosh guruhlarining har birida jismoniy tarbiyaning turli vositalari va usullari qo'llaniladi.

Asosiy gimnastikadan shaxsning uyg'un jismoniy va ma'naviy rivojlanishi uchun foydalanishning keng imkoniyatlari uni barcha yosh toifalari uchun jismoniy tarbiyaning mustaqil vositasi va usuliga aylantirdi. Shuning uchun u maktabgacha va maktab yoshidagi bolalar, o'rta va oliy maxsus o'quv yurtlari talabalari uchun jismoniy tarbiya davlat dasturlarining asosi bo'lib, o'rta va keksa yoshdagi odamlar uchun ham mo'ljallangan. Katta yoshdagi tizimli mashqlar ko'p yillar davomida yuqori jismoniy va aqliy ko'rsatkichlarni saqlashga yordam beradi [1, 99].

Statistik ma'lumotlar shuni ko'rsatadiki, ish kunlarida ishchi va xizmatchi ayollar kuniga o'rtacha o'n bir daqiqa sayr qilish va sport bilan shug'ullanishadi. Yakshanba kunlari esa faol dam olishga bir soatdan kamroq vaqt ajratadilar. Bu o'rtacha ayol haqida. Ayollar orasida ular ko'p vaqtlarini xarid qilish, uy ishlarini bajarishga bag'ishlaganliklari va ko'pincha ishda va uyda qiyinchiliklarni boshdan kechirishlari uchun jismoniy mashqlarga muhtoj emas degan fikr keng tarqalgan. Tabiiyki, barchamiz u yoki bu tarzda harakat qilamiz. Ammo bundan kundalik hayotdagi, kundalik hayotdagi har qanday harakatimiz jismoniy mashqlar ekanligi aslo chiqmaydi. Va har qanday vosita harakati jismoniy madaniyat emas, faqat o'zini o'zi takomillashtirish

maqsadida odamning o'ziga qaratilgan maxsus harakatlari jismiy mashq sanaladi. Shunday qilib, professor L. Matveyev ikki guruhni cheksiz miqdordagi jismoniy mashqlardan ajratib turadi, ularsiz hatto minimal jismoniy tarbiya doirasida ham bajarish mumkin emas. Bular, birinchidan, gimnastika tipidagi mashqlar bo'lib, ular mushak tizimi va tayanch-harakat tizimining barcha asosiy bo'g'inlariga tanlab va izchil ta'sir ko'rsatishga imkon beradi va shu bilan mushaklarning ma'lum darajasini, bo'g'inlarda moslashuvchanlikni va harakatlarni muvofiqlashtirishni ta'minlaydi. Ikkinchidan, ko'pchilik mushak guruhlarini faoliyatga jalb qiladigan va asosan vegetativ tizimlarning (ayniqsa, yurak-qon tomir va nafas olish tizimlari) funksiyalarini faollashtiradigan tsiklik xarakterdagi mashqlar. Zamonaviy sharoitda bu bizning tanamizdagi eng zaif bo'g'in bo'lgan yurak-qon tomir tizimi. Shuni ta'kidlash kerakki, yosh bilan bo'g'inlarda morfologik qayta qurish sodir bo'ladi: tuzlarning cho'kishi natijasida suyaklarning artikulyar yuzalari tekislanadi va deformatsiyalanadi, xaf-taga tushadigan qatlamlar ingichka bo'lib, suyaklanadi, elastikligini yo'qotadi, ligamentlarni qisqartiradi va qo'polashadi. Bularning barchasi harakat oralig'ining pasayishiga, moslashuvchanlikni yo'qotishiga, yelkada, tizzada, son bo'g'imlarida va umurtqa pog'onasida og'riq paydo bo'lishiga olib keladi. Bunday jarayonni to'xtatish uchun faqat bitta yo'l bor – jismoniy madaniyat, ayniqsa, bo'g'inlarni ishlab chiqishga qaratilgan. Gimnastika ham organizmga umumiy fiziologik ta'sir ko'rsatadi, metabolizmi oshiradi, yurak-qon tomir, nafas olish va ovqat hazm qilish tizimlariga ijobiy ta'sir ko'rsatadi [1, 15].

Ayollar gimnastikasi ayollarning tanasining xususiyatlarini va psixologik tuzilishini hisobga oladi. Mashqlar, uslubiy usullarni tanlashda onalik funksiyalari hisobga olinadi, shuning uchun kuch, chidamlilikni rivojlantirish, oyoq, tos, qorin va orqa mushaklarini kuchaytirishga alohida e'tibor beriladi. Darslar predmetsiz va predmetli umumiy rivojlantiruvchi mashqlarning barcha turlarini o'z ichiga oladi. Badiiy gimnastika mashqlari, xoreografiya, bal va xalq raqslari elementlari, musiqa jo'rligidan foydalanish katta o'rinni egallaydi. Bu mashqlar yordamida harakatlarni muvofiqlashtirish, egiluvchanlik, sillilik, nafislik, harakatlarning go'zalligi rivojlanadi, to'g'ri va chiroyli turish shakllanadi, salomatlik mustahkamlanadi, jismoniy va aqliy faoliyat ko'tariladi. Ayollar gimnastikasi psixologik stressni bartaraf etishga va stressli vaziyatlarga qarshilikni oshirishga yordam beradi.

Atletika gimnastikasi yoki atletizm – bu salomatlikni yaxshilash, mushaklarning kuchi va chidamliligini rivojlantirish, chiroyli fizikani shakllantirishga qaratilgan mashqlar tizimi. Og'irlik sifatida amortizatorlar, gantellar, choynaklar, shtangalar, blokli qurilmalar, o'z tana vazni, turli simulyatorlar va boshqalar ishlatiladi. Mashqlarning ko'pligi va yukni dozalash qobiliyati buni barcha yoshdagilar uchun mavjud bo'lgan tiklanishning muhim vosita-

siya aylantiradi.

Mashhur “bodibilding” nomiga qo'shimcha ravishda, sport atletizmi tobora ko'proq G'arbda tanish bo'lgan atama – “bodibilding” bilan ataladi.

Yengil atletika o'smir va yigitlarni tizimli jismoniy mashqlar bilan tanishtirish, sog'lom turmush tarzini shakllantirish, yomon odatlardan chalg'itishning ajoyib vositasidir.

Hozirgi vaqtda atletika gimnastikasi rivojida ikki yo'nalishni – ommaviy sog'lomlashtirish va sportni ajratib ko'rsatish mumkin. Atletika gimnastikasi har doim yoshlarni o'ziga jalb qilib kelgan bo'lsa-da, ma'lum vaqtgacha mamlakatimizda, ayniqsa, sport yo'nalishi bo'yicha rasmiy e'tirof etila olmadi. Bugun u yangi tug'ilishni boshdan kechirmoqda. Bu, birinchi navbatda, 1987-yilda atletizmning sport turi sifatida tan olinishi va mustaqil atletika gimnastikasi federatsiyasining tashkil etilishi bilan bog'liq. Musobaqalar ikki turda o'tkaziladi: kuchli triatlon va atletik poza (majburiy va bepul dasturlar) [2, 118].

Maktabdagi atletika gimnastikasi uchun eng qulay ommaviy sog'liqni saqlash yo'nalishidir. Atletika gimnastikasi mashqlari har qanday tayyorgarlik darajasidagi o'rta va katta yoshdagi maktab o'quvchilari bilan gimnastika darsining asosiy qismiga kiritilishi mumkin [3, 256].

Atletik gimnastikaning ommaviy takomillashtiruvchi yo'nalishlaridan biri bu fitnesdir. Fitnes mashg'ulotlari – bu aerobika va og'irlik mashqlarini bitta o'quv dasturiga birlashtirgan eng yangi supertizim: gantellar, bodibarlar, shtangalar va trenajyorlar, ya'ni ikki turdagi printsipl jihatdan farq qiluvchi jismoniy faoliyatning kombinatsiyasi. Kuchli ishning aerobik ish bilan uyg'unligi inson tanasiga har tomonlama ta'sir qiladi va shuning uchun vosita faoliyatining eng samarali shakllaridan biridir.

Fitnes – mashg'ulotlari uchun deyarli hech qanday kontrendikatsiya yo'q. Mashqlarning mazmunini, davomiyligini, intensivligini o'zgartirib, siz mashg'ulotlardan turli xil effektlarga erishishingiz mumkin: sog'lomlashtiruvchi, maxsus mashg'ulot, shuning uchun fitnes mashg'ulotlari har qanday darajadagi fitnes bilan shug'ullandiganlar uchun tavsiya etilishi mumkin.

Kasbiy-amaliy gimnastika professional-amaliy jismoniy tayyorgarlikning (PPFT) ajralmas qismi bo'lib, u ishtirokchilarning umumiy jismoniy rivojlanishiga va insonning harakat qobiliyatini yaxshilashga qaratilgan bo'lib, tanlangan kasbni o'zlashtirishda muvaffaqiyat ko'p jihatdan bog'liqdir.

Kasbiy-amaliy jismoniy tarbiya – bu shaxsni muayyan kasbiy faoliyatga tayyorlash uchun jismoniy tarbiya va sport vositalaridan maxsus yo'naltirilgan va tanlab foydalanish.

PPFPning maqsadi – muvaffaqiyatli professional faoliyatga psixofizik tayyorgarlik. Ushbu maqsadga erishish uchun kelajakdagi mutaxassislariga psixofizik shartlar va tayyorgarlikni yaratish kerak:

- kasbiy ta'limni jadallashtirish;
- tanlangan kasbda yuqori mahsuldor mehnatga erishish;
- kasbiy kasalliklar va shikastlanishlarning oldini

olish, kasbiy uzoq umr ko'rishni ta'minlash;

– ish va bo'sh vaqtlarda faol dam olish, umumiy va kasbiy ko'rsatkichlarni tiklash uchun jismoniy tarbiya va sportdan foydalanish;

– kasbiy jamoada jismoniy tarbiya va sportni joriy etish bo'yicha xizmat va davlat vazifalarini bajarish.

PPFP ning o'ziga xos tarkibini belgilovchi asosiy omillar:

– ushbu profildagi mutaxassislarning mehnat shakllari (turlari);

– mehnat sharoitlari va tabiati;

– ish va dam olish rejimi;

– ish jarayonida mutaxassislarning samaradorligi dinamikasining xususiyatlari va ularning kasbiy charchoqlari va kasallanishining o'ziga xos xususiyatlari [1, 98].

Zamonaviy ish aqliy, ruhiy va jismoniy kuchning sezilarli kuchlanishini, har qanday ish sohasidagi ishchilarning harakatlarini muvofiqlashtirishni talab qiladi. Ammo har bir kasb o'ziga xos psixofizik fazilatlarining rivojlanish darajasini, kasbiy qo'llaniladigan ko'nikma va qobiliyatlarning o'ziga xos ro'yxatini belgilaydi.

Professional amaliy gimnastika bo'yicha mashg'ulotlar tananing yetakchi funksiyalari va tizimlariga tanlab ta'sir qilish imkonini beradi va shu bilan o'rganilayotgan mutaxassislikni eng tez o'zlashtirishga yordam beradi. Kasbiy amaliy gimnastika vositasi sifatida buyumsiz va predmetlar bilan umumiy rivojlantiruvchi mashqlar, gimnastika apparatlarida mashqlar, shuningdek, eng oddiy akrobatik mashqlar, tayanchsiz va tayanchsiz sakrashlar, trampolin va boshqalar qo'llaniladi. Professional amaliy gimnastikaning mazmuni shunday mashqlardan iborat bo'lib, ular yordamida muayyan mehnat sharoitlariga tayyorgarlik yanada muvaffaqiyatli amalga oshiriladi. Darslarda qo'llaniladigan mashqlar, birinchi navbatda, mehnat jarayonida asosiy yukni ko'taradigan mushak guruhlarini rivojlantirishga qaratilgan. Bundan tashqari, ular ushbu turdagi mehnat faoliyatida talablarning ortishi bilan bog'liq bo'lgan psixofizik funksiyalarning rivojlanishiga hissa qo'shadilar. Mehnat harakatlariga o'xshash (yoki ularga yaqin) maxsus tanlangan jismoniy mashqlar yordamida ular ma'lum bir kasbda muvaffaqiyatli ishlash uchun zarur bo'lgan jismoniy fazilatlar va ko'nikmalarni rivojlantiradilar.

Dam olish gimnastikasi. Gimnastika turlarini takomillashtirish ertalabki gigiyena (mashqlar) va kirish gimnastikasi, jismoniy tarbiya tanaffuslari, jismoniy tarbiya daqiqalari shaklida mashqlarni ta'lim muassasalarida, ishlab chiqarishda amalga oshirishni nazarda tutadi. Bu guruhga terapevtik mashqlar ham kiradi.

Ularning asosiy maqsadi inson salomatligini mustahkamlash, o'qishda, mehnatda uning jismoniy va aqliy faoliyatini yuqori darajada ushlab turish, mehnat va ijtimoiy faoliyatda faollikni oshirishdir.

Gigiyenik gimnastika inson salomatligini mustahkamlash va saqlash, butun organizmning hayotiy faolligini

oshirish muammolarini hal qiladi.

Fiziologik ta'sir nuqtai nazaridan, gigiyenik gimnastika shug'ullanadiganlarning butun tanasini tonlaydi va mehnat va ijtimoiy foydali inson faoliyatidan keyin umumiy charchoqni ketkazadi [3, 266].

Gigiyenik gimnastika kundalik hayotda keng qo'llaniladi. Bu insonda yaxshi odatlarni rivojlantirishga yordam beradi: gigiyena qoidalariga rioya qilish, tizimli jismoniy mashqlar bilan tanishish. Gigiyenik gimnastika ertalab, tushdan keyin va kechqurun o'tkazilishi mumkin. Ertalab gimnastika tananing optimal ishlashiga tezda erishish uchun ishlatiladi; kun davomida charchoqni oldini olish yoki bartaraf etish, kechki mashg'ulotlar kunduzgi stressni bartaraf etishga yordam beradi, keyingi uyquga foydali ta'sir ko'rsatadi. Barcha holatlarda jismoniy mashqlar qat-tiqlashuv protseduralari bilan birlashtirilishi kerak.

Kirish gimnastikasi yaqinlashib kelayotgan o'quv yoki mehnat faoliyati bilan shug'ullanadiganlarning tezkor kirishiga qaratilgan. Tashkilot shakliga ko'ra, bular maktabda "dars oldidan gimnastika" va "ishdan oldin gimnastika". Bu erda harakatlar tuzilishi, energiya va hissiy ta'minlash nuqtai nazaridan professional vosita harakatlariga yaqin bo'lgan mashqlar qo'llaniladi. Mashqlarni bajarish jarayonida faol va yuqori samarali o'quv va ishlab chiqarish faoliyati uchun fiziologik va psixologik kayfiyatga erishiladi. Mashqlarning davomiyligi 5-10 minut.

Jismoniy daqiqa yoki jismoniy pauza butun maktab yoki ish kuni davomida jismoniy va aqliy ish faoliyatini yuqori darajada ushlab turish, postural buzilishlarni, mahalliy jismoniy charchoqni oldini olish uchun ishlatiladi. O'quv mashg'ulotlari yoki ish paytida charchoq belgilari (chalgi-tish, holatni buzish, charchoq hissi va boshqalar) mavjud bo'lganda amalga oshiriladi. Kompleks 5-10 ta mashqdan iborat bo'lishi mumkin va 2-5 daqiqada bajarilishi mumkin.

Terapevtik gimnastika terapevtik jismoniy madaniyatning (LFK) asosidir. Bu jarohatlar, jarohatlar, kasalliklar, jarrohlik va boshqalardan keyin tananing vaqtincha yo'qolgan individual funksiyalarini tiklashga yordam beradi. Turli xil kasalliklar uchun boshqa terapevtik vositalar bilan birgalikda qo'llaniladi, lekin ayniqsa tayan-ch-harakat tizimini davolashda samarali bo'ladi. Darsning asosiy shakli 30-60 daqiqa davom etadigan dars yoki protseduradir. Turli xil terapevtik jismoniy madaniyat dam olish gimnastikasining noan'anaviy turlari: tuzatish, dam olish, tiklash, nafas olish, artikulyar va boshqalar.

Xulosa shuki, gimnastika mashqlari turli maqsadlarda: umumiy va maxsus jismoniy tayyorgarlik uchun yoki tanlangan sport turining asosiy harakatlarining texnikasini o'zlashtirishga yordam beradigan mashqlar shaklida qo'llanilmaydigan biron bir sport turi yo'q. Mashqlarni o'rgatish va gimnastika mashg'ulotlarini o'tkazish metodikasini o'zlashtirish esa har qanday sport turi bo'yicha o'quv-mashq jarayonini yanada muvaffaqiyatli olib borishga, jalb etilganlar jamoasini optimal boshqarishga xizmat qiladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. *Morgunova I.I. Gimnastika va uni o'qitish metodikasi. – T.: Ilm-ziyo, 2011. – 200 b.*
2. *Петров П. Методика преподавания гимнастики в школе. Учебник. – М., 2003. – 350 с.*
3. *Goncharova O. Yosh sportchilarning jismoniy qobiliyatlarini rivojlantirish O'zDJTI, 2005. – 350 b.*

TEMURIY MALIKALAR MA'NAVIY MEROSI ASOSIDA TALABA QIZLARDA MA'NAVIY-AXLOQIY QADRIYATLARNI TAKOMILLASHTIRISHDA PEDAGOGIKA VA AXBOROT TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH

Dilafuz Qurbonova,

Samarqand davlat universiteti mustaqil tadqiqotchisi

Annotatsiya

Maqolada qizlarni temuriy malikalar ma'naviy merosi asosida ma'naviy-axloqiy qadriyatlarini shakllantirish, ilmli qilish, ma'naviy-axloqiy qadriyatlarini takomillashtirish, kitob o'qishga da'vat etish haqida fikr yuritiladi. Ma'naviy-axloqiy qadriyatlar qizlarga ta'lim usuli, tarbiya nizomi, go'zal axloq, muomala usuli, o'zini tuta bilish odobi, zehnni poklash yo'llarini o'rgatadi.

Kalit so'zlar: temuriy malikalar, o'smir qizlar, milliy qadriyat, ayollar ta'limi, kitobxonlik, sharq allomalari, mahalla, oila, ta'lim, tarbiya, kitob mutolaasi, odob-axloq, afsona, rivoyat.

Аннотация

В статье рассматривается формирование духовно-нравственных ценностей девушек на основе духовного наследия тимуридских цариц, привитие им знаний, совершенствование их духовно-нравственных ценностей, побуждение их к чтению книг. духовно-нравственные ценности учат девочек методу воспитания, дисциплине воспитания, добрым нравам, манерам поведения, сдержанным манерам, способам очищения ума.

Ключевые слова: тимуридские принцессы, девочки-подростки, национальная ценность, женское воспитание, чтение книг, восточные ученые, соседство, семья, воспитание, обучение, чтение книг, нравственно-нравы, легенда, повествование.

Annotation

The article discusses the formation of the spiritual and moral values of girls on the basis of the spiritual heritage of the Timurid princesses, instilling knowledge in them, improving their spiritual and moral values, encouraging them to read books. spiritual and moral values teach girls the method of education, the discipline of education, good morals, manners, restrained manners, ways to purify the mind.

Keywords: Timurid princesses, teenage girls, national value, women's education, reading books, Eastern scholars, neighborhood, family, upbringing, education, reading books, morals, legend, narration.

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1993-yilda ishlab chiqilgan – Oila, mahalla, maktab hamkorligi Konsepsiyasi asosida umumta'lim maktablari bilan o'zini o'zi boshqarish organlari va oila institutlari o'rtasida yaqin hamkorlik yo'lga qoyilgan. Bu esa o'quvchilarning qiziqishi va qobiliyatini o'z vaqtida aniqlash, bo'sh vaqtini mazmunli tashkil etish, ularni ta'limning keyingi bosqichiga yo'naltirishda muhim omil bo'lmoqda. Ayni paytda “oila – mahalla – maktab” hamkorligi oilalardagi ma'naviy-axloqiy muhitni yanada yaxshilash, ularda ulg'ayayotgan o'g'il-qizlarni zamon talablari asosida, milliy va umumbashariy qadriyatlar ruhida tarbiyalashda o'z samarasini berayotir.

– Oila-mahalla-maktab hamkorligining yosh avlod ta'lim-tarbiyasidagi ahamiyati beqiyosdir. Yigit-qizlarning oila haqidagi tasavvurini kengaytirishga xizmat qiladigan “Oila – muqaddas tushuncha”, “Oilaviy an'analar”, “Ota va ona – oila tayanchi”, “Oilada sharqona sadoqat” mavzularidagi ma'rifiy tadbirlar, tanlov va davra suhbatlari yoshlarimiz uchun har tomonlama foydali bo'lmoqda. Ayniqsa, ta'lim maskanlarida o'tkazilayotga “Bola tarbiyasi – kelajak mevasi”, “Ilm ol, hunar o'rgan”, “Tanlagan kasbing – sening kelajaging” hamda “Yetuk mutaxassis – kelajak mevasi” mavzularidagi suhbatlar, savol-javob

kechalari yaxshi samara berayotir. Ushbu tadbirlarga malakali professor-o'qituvchilar, iqtidorli talaba yoshlar hamda ibratli oilalar vakillari jalb etilayotgani ularning ta'sirchanligini oshirmoqda.

Oilalarning mustahkamligi va turmushning obodligi kelajak avlodning komil inson bo'lib etishi uchun tayan-ch hisoblanadi. Ushbu yilda ham ishlab chiqilgan Davlat Dasturi asosida hamkorlik ishlarini tashkil etish zarur. Bunda oilaning ham, maktab va mahallaning ham tashabbuskorligi va o'zaro hamjihatligi talab etiladi.

Oila kabi mahalla ham jamiyatini shakllantirishning ajralmas qismidir.

Vatanimiz tarixi guvohlik beradiki, o'zbek jamiyatida jamoa bo'lib yashashning sinalgan shakli mahalladir.

“Mahalla” so'zi arabcha “Mahallun” so'zidan kelib chiqqan bo'lib, aholi yashaydigan joy, guzar, uy-joy mavzolari degan ma'noni anglatadi. Mahalla shaharlar ichidagi kichik hududiy birlik bo'lib, o'tmishdan meros bo'lib kelmoqda [1, 16].

Bilamizki, tarixning turli davrlarida ayollarga bo'lgan e'tibor alohidaligi bilan ahamiyatlidir. O'zbekiston tarixi sahifalarida jangovar, shoir, olim, zukko ayollar ko'p bo'lgan. Ular hamisha o'zlarining oqilona fikrlari, donishmandona maslahatlari bilan kishini hayratda qoldirgan.

To'maris, Saroymulxonim, Gavharshodbegim, Xonzodabegim, Zebunisobegim kabi malikalar fikrimiz dalilidir. Xususan, Amir Temur hazratlari hamisha Bibixonim (Saroymulxonim) so'zlariga quloq tutganlar, maslahatlarini e'tiborga olganlar hamda temuriy shahzodalar asosan Bibixonim tarbiyasini olganlar. Malikalarning uzuk-muhrlari ham bo'lgan. Buyuk shoir va davlat arbobi Zahiriddin Muhammad Bobur o'zining "Boburnoma" asarida 72 ta ayol to'g'risida ma'lumot bergan [3, 155].

Ma'naviyat – insonning hayot tajribasi, mehnati, bilimi, axloq-odobi, avlodlar tajribasi asosida shakllanib boradi. Ma'naviyat insonning hayoti va faoliyatiga maqsad va yo'nalish beradi. Ma'naviyat insonning o'z xalqi tarixini, uning madaniyatini chuqurroq bilishi va tushunib etishiga yordamlashadi. Inson ma'naviyatsiz yashay olmaydi. Ma'naviyat alohida bir inson uchungina emas, jamiki odamlar uchun ham, xalq, elat va millat uchun ham o'ta zarur va muhimdir. Ma'naviyatsiz inson bo'lmaganidek, ma'naviy etuk, axloqan pok va mukammal insonlarsiz jamiyat va millat ham bo'lmaydi. Inson ma'naviyati jamiyat, davlat va millat ma'naviyati bilan uzviy bog'liq [2, 25].

Tarixchi Sharafuddin Ali Yazdiyning yozishicha, Shodmulk Xotun Samarqand shahrining quyi tabaqasiga mansub hunarmand oilasida dunyoga keladi. Amir Temurning suyakli nabirasi Xalil Sulton Mirzo (Mironshoh Mirzoning o'g'li, 1366–1408) kunlardan bir kun shahar chetidagi bog' ko'chadan o'tda o'tib ketayotib, Shodmulkka ko'zi tushadi va uni sevib qoladi. Xalil Sulton Mirzo (1384–1411) jasoratli, harbiy salohiyatli va iste'dodli yigit bo'lgan. Balog'atga etgach, uni aslzoda xonadon qiziga uylantirishgan. Undan bir o'g'li ham bor edi. Ammo Shodmulkni sevib qolgach, o'z zamonasining taomiliga qarshi o'laroq, shu qizga uylanadi. Tabiiyki, bunday "tengsiz" nikohga Temur boshliq butun avlod qarshi turishgan. Biroq Xalil Sulton Mirzoning qat'iy qarori g'olib chiqadi. Amir Temur avvalida qattiq g'azablangani bo'lsa-da, keyinchalik nabirasiga bo'lgan yuksak e'tiqodi tufayli uning gunohini kechiradi.

Gulbadan begim Zahiriddin Muhammad Boburshohning Dildor begim nomli xotinidan tug'ilgan uchinchi qizidir. Gulbadan begim 1523-yili Kobulda tug'ilgan. Uning onasi Dildor begimning haqiqiy ismi – Soliha Sulton begim bo'lib, Zahiriddin Muhammad Bobur Mirzoning amakisi Sulton Mahmud Mirzoning qizi edi. Gulbadan begim otasni Bobur podshohning farmoniga ko'ra katta onasi, ya'ni Humoyun Mirzoning onasi — Mohim begim qo'lida tarbiyalanadi. Mohim begim Bobur podshohning eng sevikli katta xotini, hukmdorning xotinlari orasida eng oqila va bilimdoni edi. Binobarin, 1525 yili Gulbadan begimni Mohim begim o'z tarbiyasiga oladi. Gulbadan begim har ikkala onasini ham samimiy e'zozlagan. U o'z asarida onasini "Dildor begim" deb, Mohim begimni esa "onam hazratlari" deb tilga oladi.

Zebunniso begim Zahiriddin Muhammad Bobur pods-

hohning pannevarasi Abu Zafar Muhyiddin Muhammad Avrangzeb Olamgirning qizi. Uning onasi Dilrasbonu Shohnavozxonning qizi bo'lib, Boburning Gulbadan begim ismli qiziga borib tutashadi. Zebunniso begim (1048 hijriy yil shavvol oyi) 1639 yil milodiy, fevral oyida Dehlida tug'ilgan.

Uning otasi Avrangzeb (1618–1707) yoshligidanoq dindorligi bilan nom chiqargan edi. Sankt-Peterburg Davlat Ermitajining qimmatbaho ashyolar fondidan temuriy malika Gavharshod begimning uzuk-muhri, XIX asr saroy malikalari oltinidan yasalgan uzuklari, taqinchoqlari saqlanmoqda.

Gavharshod begim Amir Temurning to'rtinchi o'g'li Shohruh Mirzoning suyakli katta xotini edi. U Chig'atoy zodagonlaridan G'iyosiddin Tarxonning qizi edi. Rivoyat qilishlaricha, G'iyosiddin Tarxonning bobokaloni – Qushlik bir vaqtlar Chingizxon mulozimati bo'lib, bir jang asnosida uni o'limdan saqlab qolgan ekan. Shundan buyon Chig'atoy ulusida bu avlod yuksak e'tibor va hurmatga sazovar bo'lgan. Gavharshod begim 1379-yilda tug'ilib, 1393-yilda Shohruh Mirzo nikohiga kirgan. Undan uch o'g'il-u ikki qiz ko'rgan. To'ng'ich o'g'li – Ulug'bek Mirzo ko'ragon (Muhammad Tarag'ay, 1394–1449), o'rtancha o'g'li – Boysung'ur Mirzo (1397–1433) va kichik o'g'li – Muhammad Jo'ki Mirzo (1401–1445)lardir. Tarixiy manbalarning guvohlik berishicha, Gavharshod begim yuksak did-farosatli, oqila, tadbirkor, suxandon, bir so'zli – qat'iyatli, husn bobida ham benazir ayol bo'lgan.

Tabiatan dindor Shohruh Mirzo ko'p vaqtini toat-ibodat va kitob mutolaasiga sarflardi. Saltanat, devon ishlarini o'ktam va tadbirkor xotini Gavharshod begim boshqarardi. Bu ziyrak ayol qaynotasi Amir Temur vafotidan so'ng, sekin-asta saltanat ishlarini o'z qo'lida oldi. Zotan, Shohruh Mirzoning o'zi ham xotini Gavharshod begimning donoligiga tan berar, saltanatni boshqarishda oqilona va tadbirli maslahatlariga ehtiyoj sezib turardi. Shu bois saltanatga doir ko'pgina ishlar malikaning nazar-e'tiboriga havola qilingan. Viloyatlarga hokim tayinlash, qo'shinga sarkarda belgilash, hatto kimga qanday in'om va kimga qanday jazo berish masalalari ham malikaning inon-ixtiyorida edi. Tabiatan vatanparvar, bilimdon va zukko Gavharshod begim mamlakat ravnaqi yo'lida tinmay g'amxo'rlik qiladi. Uning dasturida madaniy va ma'rifiy hayot birinchi o'rinda bo'lgan. Shu boisdanmi, farzandlari hamda barcha nabiralari ilm-fan muxlislari bo'lib, hatto g'azal ham bitganlar [5, 65].

Maqolada so'z ketgan ushbu uzuk-muhr Gavharshod binti G'iyosuddin Tarxon uchun Hirotda 1457-yilda kumushdan yasalgan. O'lchamlari: 2.7 x 2.1 sm. Bodom shaklida ishlangan bu uzuk-muhr Gavharshodbegimdan bizgacha saqlanib qolgan yagona buyumdur. Uning otasi G'iyosiddin Tarxon Chig'atoyzodalardan bo'lgan. Amir Temur saroyida bu oilaning mavqeyi baland turgani bois Gavharshodbegimning muhri, shubhasiz, katta qudratga ega bo'lgan. Muhr temuriylar davri hunarmandchiligining yorqin namu-

nasi bo'la oladi. Albatta, temuriylar davri ijtimoiy-iqtisodiy hayotini badiiy hunarmandchiliksiz tasavvur qilish qiyindir. Bu davrda metallga badiiy ishlov berish san'ati nihoyatda rivojlangan. Tarixiy manbalarda qayd etilishicha, temuriylar davrida podshoh buyruqlari maxsus farmonlarda qayd etilgan. Farmonlarga qo'yiladigan muhrlar 5 xil bo'lib, turli maqsadlarda foydalanilar edi. Ulardan birinchisi amir va beklarga hamda arkoni davlatga unvonlar berish, lavozimlarga tayinlash, mukofotlash haqidagi hujjatlarga qo'yilgan. Ikkinchisi esa xorijiy davlatlar rahbarlariga yozilgan xatlar va boshqa diplomatik hujjatlarga qo'yilgan. Uchinchi muhr adliya ishlari borasidagi hujjatlarga bosilgan bo'lsa, to'rtinchisi saroy ma'muriyati bo'limlariga tegishli hujjatlarga va oxirgisi unchalik muhim bo'lmagan hujjatlarga qo'yilgan ekan. Shu o'rinda aytish kerakki, yana bir o'ta maxfiy sanalgan muhr ham bo'lib, u uzuk-muhr deyilgan. U eng ishonchli shaxslarda saqlangan. Ayrim shohlarning bu muhri ularning suyuqli malikasida bo'lgan. O'ta muhim farmonlar matnining oxirida shu kabi muhr bosilgan. Shubhasiz, Gavharshodbegimning uzuk-muhri ham ana shunday yuqori qiymatga ega bo'lgan. Ayollar kiyimining to'plamini zargarlik buyumlari ham to'ldirib turgan. Bular qatoriga suyakdan yasalgan bezaklar, munchoqli, og'ir kumushdan yasalgan taqinchoqlar, quloq va burun bezaklari, bo'yin va ko'krak uchun bezaklar; qo'l bezaklari – uzuklar va bilakuzuklar; kiyim bezaklari – tugmalar, qadama bezaklar, bezakli kamarlar, tumorlar, ayollar bosh kiyimiga qadaldigan bezaklardir. Ayollarning bezakli bosh kiyimini asosan turmushga chiqqan ayollar mehmonga borganda yoki mehmon kutib olganda taqishgan. Bular: tillaqosh – (Toshkent, Farg'ona, Buxoro viloyatlari) nafis qilib ishlangan oltin suvi yugurtirilgan, firuza toshlari va mayda rang-barang shishalar bilan bezatilgan; osmado'zi – (Xorazm viloyati) shakli qoshga o'xshaydigan shokilali peshona bezagi, qimmatbaho va yarim qimmatbaho toshlar bilan bezatilgan; tillabargak – (Buxoro, Toshkent, Samarqand va Farg'ona viloyatlari) bog'ich shakldagi peshona bezagi, atroflari mayda firuza toshlari bilan bezatilgan va ayrim hollarda shokildalari ham bo'lgan [6, 7].

Tabiiyki, kitob mutolaasi, o'smir qizlarda hayo, ibo, iffat, andisha kabi insoniy fazilatlarini tarbiyalaydi va muhim tarbiyaviy vosita ekanligini uqtiradi. Alloma hakim Ibn Sino tili bilan aytganda: “Insonda doim turadigan husn va latofat hayo ila iffatdur, hayosiz yuz jonsiz jasad kabidur”. Darhaqiqat, qiz boladagi hayoni dilni ravshan qiladigan nurga qiyoslash mumkin. Yana iffat, hayo ko'proq qizlar, ayollar uchun olmosdan qimmat, injudan qadri ziynat va fazilatdir. Aynan ana shu aqidaga amal qilgan sharq allomalari, dono xalqimiz turli hikoyat va rivoyatlarni yaratganlar.

Shu o'rinda, sharq xalqlarining mashhur “Ming bir kecha” kitobida asosiy qahramon, sharq go'zali Shahribonu tilidan hikoya qilingan ibratli hikoyatlarni misol qilib olishimiz mumkin. Hikoyatlarni so'zlovchi sifatida ayol

kishining tanlanishi ham, uning birinchidan aqlzavoti tan olinganligini tasdiqlasa, ikkinchidan, sharq ayoliga bildirilgan hurmat va ehtirom belgisi ekanligini anglab olish qiyin emas. Shahribonu tomonidan hikoya qilingan bir rivoyat diqqatga sazovordir. Hikoyat “Kanizak qissasi” deb nomlanadi. U kichik, mo'jazgina bo'lishiga qaramay, mazmun mohiyati jihatidan katta ma'rifiy-talimiy, axloqiy ahamiyatga egadir. Shuning barobarida hikoya qahramoni, hayoli, iboli, bilimli dono kanizak qiz hisoblanadi. Hikoya bevosita Sharqda mashhur ilm-ma'rifat homiysi bo'lgan Xorun ar-Rashid (763–809) davri va uning nomi bilan bog'liqdir.

Hikoyada aytilishicha, bir savdogarning Abulhasan nomli o'g'li otasidan qolgan bor mol-mulkni qisqa vaqt ichida sarflab tugatadi.

Natijada bisotida bir kanizidan boshqa hyech vaqosi qolmaydi. Xojasining tang ahvolda qolganini ko'rgan kanizak, og'ir vaziyatdan chiqishning yo'lini o'ylay boshlaydi. Shunda, u xojasiga qarata: “Meni xalifa Xorun ar-Xonuran – Rashid huzuriga olib boring va ming oltin qiymatida sotishingizni ayting”, – deb aytadi. Shuningdek, mening qiymatim ming oltindan ham qimmat turishini uqtiring. Bunga sabab mening ilmim chuqurligini, qunt bilan o'rgangnimni, ishonmasa imtihon qilishini so'rang” – deya qo'shimcha qiladi. Abulhasan kanizni olib Xorun ar-Rashid huzuriga boradi va u tayinlagan so'zlarni takrorlaydi. Xalifa kanizdan qanday ilmlarni bilishini so'raganda u bilgan ilmlarini sanab beradi va xalifani hayratda qoldiradi. Kanizak ilmlarni dastlab arab tilining nahv (grammatikasini chuqur o'rganishidan boshlaganligini, keyinchalik she'riyat, fiqh va tafsir, lug'at va musiqa, ilmi nujum va shammora (yulduz va quyosh ilmi), ilmi sanoq, qismat va masohat (yer o'lcham) ilmlarini o'rganganligini aytadi. Shuningdek, kanizak din ilmini yaxshi bilishini, Qur'onni etti xil qiroat bilan o'qishini, hadislar ko'pini yod bilimini ham isbotlab beradi. Aniq fanlardan handasa ilmi, riyoziyot, falsafa, mantiq, maoniy, shantranjni chuqur bilishini aytadi. Xalifa kanizak qirollar, olimlar, tabiblar, munajjimlar, faylasuflar, qo'yingki, o'sha davrda mashhur bo'lgan olimu ulamalar ishtirokida imtihon qiladi.

Alqissa, hamma imtihondan a'lo darajada o'tgan kanizak xalifadan bir necha ming tilloni olib, xojasining davlatini tiklaydi.

Hikoyadagi voqelik xalq tomonidan to'qilgan afsona yoki rivoyat bo'lishi mumkin. Lekin xalq ayol kishilarda ham ilm-fanni o'rganish qobiliyati borligini, aynan bu ilmlarning sohibasi ayol – kanizak ekanligini hikoya qilgan ekan, elimizning sharq xotin-qizlariga bo'lgan hurmat va ehtiromi belgisi ekanligini isbotlab turibdi.

Darhaqiqat, kanizak o'zlashtirgan ilmlar majmuasi asrlar davomida maktab, madrasalarda o'rganilganligi haqiqatdir. Eng muhimi hikoyatda ilgari surilgan fikrda, kanizning mazkur ilmlarni o'rganish uchun mustaqil, har sohaga oid kitoblarni o'qiganligini, tinimsiz izlanganli-

gini uqtirishdan iboratdir. Haqiqatdan ham, har qanday zamonda, ham ilm-ma'rifatni qadrlagan xonadonlar qizlarini savodli, ziyoli, bilimli qilmishiga intilganlar. Dastlab, ichkarida xususiy tarzda ochilgan qizlar maktablarida savod chiqarganlar. Qizlarga saboq beradigan otin oylar, asosan o'qimishli, madrasa ko'rgan akasi, otasi, bobosi qo'lida ilm o'rganganlar yoki ular ham xususiy ustozlar qo'lida ta'lim olganlar. Shu nuqtayi nazardan oladigan bo'lsak, otin oyi, muallimalarning bilim berish saviyasi u ta'lim olgan daraja muhiti bilan bog'liq bo'lgan.

“Erta oila qurishning salbiy oqibatlarini” mavzusida talaba-qizlarning soha mutaxassislarini bilan muloqotlarini uyushtirish ularda erda oila qurishdan saqlanish – sog'lom farzand ko'rish, tartibli hayot kechirish garovi ekanligiga ishonch paydo qildi va bu borada salomatlik markazlari bilan aloqa o'rnatish, ayniqsa ijobiy natijalarga olib keladi [4, 69].

Zarurat tug'ilganda, o'quv-tarbiya muassasalari, mahalla faollari, mahalla hududida joylashgan tashkilot, korxonalar va idoralarni ta'lim-tarbiya yuzasidan olib borayotgan ishlari to'g'risida hisobotlarini tinglab, ularga amaliy va nazariy yordam berishi ish samarasiga va uning izchilligiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Hamkorlik kengashi mahalla hududida istiqomat qilayotgan o'z far-

zandalarini tarbiyasiga befarq ota-onalarga nisbatan davlat boshqaruv idoralari, huquqni himoya qilish tashkilotlari bilan hamkorlikda turli ma'muriy choralarni qo'llashi mumkin. Hamkorlik kengashi mahalla hududida o'zbek milliy tarbiya an'analarini tiklash, turli madaniy tadbirlar o'tkazish, bolalar va kattalarning bo'sh vaqtlarini tashkil etish borasida maktablar, o'yingohlar, madaniyat muassasalari, sport inshootlari, o'smirlar klublari, maktabgacha tarbiya va maktabdan tashqari muassasalar ishini muvofiqlashtiradi. Hamkorlik kengashi o'tkazilgan tadbirlarni tahlil qiladi, bu borada uslubiy maslahatlar tayyorlaydi va bu tadbirlarni ommaviy axborot vositalarida yoritadi. Hamkorlik kengashi yosh avlodni tarbiyalashda mahalla, maktab va oila hamkorligi tasarrufiga kirgan masala va muammolarini mahalla hududidagi o'quv-tarbiya muassasalari, tashkilotlar va idoralari ishi rejalashtirilishi va amaliyot dasturlariga kiritilishida ularning bahamjihatligini ta'minlaydi. Ta'lim-tarbiya sohasiga e'tiborni kuchaytirish, bu borada hukumatimiz tomonidan qabul qilingan qonun va hujjatlarni, ma'muriy ko'rsatmalarni samarali bajarish uchun oila, mahalla, maktab hamkorligifaoliyati o'ziga xos pedagogik tizim uslub va shakllarga ega bo'lishi zarur.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Tursunova M. *Madrasa barpo etgan malikalar. Ilmiy-ommabop risola.* – T.: “Zilol buyuk”, 2019. 16-17-b.
2. Rizouddin Faxriddin o'g'li. *Mashhur xotinlar.* – T., 2019. 208-b.
3. Qodirova M. *Dilshod (hayoti va ijodi).* – T.: Fan, 1971. 162-b.
4. Dolimov U. *Milliy uyg'onish pedagogikasi.* – T.: Nashr nashriyoti, 2012. – 200 b.
5. Avloniy A. *Turkiy guliston yoxud axloq.* – T.: O'qituvchi, 1992. 16-b.
6. Лисикова О.В. *Музей Мира.* – Москва: Флинта, 2004. – 117 с.

КАСБИЙ РЕФЛЕКЦИЯ АСОСИДА БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК ТАЁРГАРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Шерзод Зармасов,

Жиззах давлат педагогика университети

Аннотация

Ушбу мақолада бўлажак ўқитувчилар эгаллаган тайёргарлиги даражаси касбий рефлексия ҳақида суз боради. Мақола мавзусини очиб бериш мақсадида мавзуга оид хорижлик ва маҳаллий олимларнинг илмий тадқиқот ишланмаларидан фойдаланилди. Мавзудан олинган хулосалардан педагогик олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни таёрлашда фойдаланиши мумкин.

Калим сўзлар: касбий рефлексия, фаолият, диагностика, қобилият, мотивация, индивидуал.

Аннотация

В данной статье уровень подготовки будущих учителей ориентирован на профессиональную рефлексию. Для раскрытия темы статьи использованы научные разработки зарубежных и отечественных ученых, относящиеся к теме. Выводы из темы могут быть использованы при подготовке будущих учителей в педагогических вузах.

Ключевые слова: профессиональная рефлексия, деятельность, диагностическая способность, мотивация, личность.

Annotation

In this article, the level of preparation of future teachers is focused on professional reflection. In order to reveal the topic of the article, the scientific research developments of foreign and local scientists related to the topic were used. Conclusions from the topic can be used in the training of future teachers in pedagogical higher education institutions.

Key words: professional reflection, activity, diagnostic ability, motivation, individual.

Республикамизда ислоҳотлар ижтимоий муносабатларнинг бутун тизимига ўз таъсирини кўрсатди ва жамиятга интеграцияланган ва уни такомиллаштиришга йўналтирилган, шахснинг ўз-ўзини аниқлаши ва ўз-ўзини амалга ошириши имкониятини таъминловчи шароитларни яратишни талаб этди. “Таълим тўғрисида”ги қонун педагогик олий таълим муассасаларида ҳар бир педагог ўз олдига қўйган таълим мақсадларига эришишнинг ўз йўлини топиш ҳуқуқини берди, аммо ҳар бир педагог ҳам бундай мустақилликка, таълим дастурларини амалга оширишда ижодий ёндашувга тайёр эмаслиги намоён бўлди. Бўлажак ўқитувчининг педагогик тайёргарлиги тўғрисидаги назарий тасаввурларни чуқурлаштириб, балки тегишли методикалар, дастурлар ишлаб чиқиш шубҳасиз катта роль ўйнайди. Замонавий шароитларда бўлажак ўқитувчининг педагогик тайёргарлигини ошириш муаммоси янада долзарблиги ортди, бўлажак ўқитувчининг педагогик тайёргарлигини ривожлантириш зарурати ва мазкур мақсадга эришиш механизми белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сон Фармони [1], 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сон Фармони [2], 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2909-сон қарори [3] ҳамда мазкур фа-

олиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу мақола тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Олимлар ўқув-тарбия жараёнининг самарадорлиги кўп жиҳатдан ўқитувчининг дунёқараши, умумий маданиятига; инсонпарварлик йўналганлигига, педагогик ва психологик билимларга, бўлажак ўқитувчиларнинг ўқитиш ва тарбиялаш методикасини юқори даражада эгаллашига боғлиқ деб ҳисоблайдилар. Педагогик фаолиятнинг мохирлик билан амалга оширилиши кўп жиҳатдан мазкур фаолият иштирокчиларининг ўзаро муносабатларининг хусусиятларига, уларнинг мулоқот жараёнлари хусусиятларига боғлиқ бўлади. Бундан нафақат педагогик тайёргарлиги тушунчасининг талқинида, балки уни таъминлаш йўллари аниқлашдаги кескин фарқлар келиб чиқади. Биринчи ҳолатда касбий рефлексия бунинг учун доим ҳам зарур бўлган асослар ва эришиш кафолатларига эга бўлмай, эришилиши керак бўлган мақсад сифатида таърифланади; иккинчисида – мавжуд бўлгандан ҳаракат қилиш, яъни ҳар кимнинг индивидуал тажрибаси ва имкониятларини инобатга олиб, уларнинг асосида ривожланишнинг индивидуал йўналишини белгилаш зарурати билан белгиланади [5, 15].

Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик тайёргарлигининг турли жиҳатларини, унинг ижодга қобилиятини ўрганиб олимлар, ижод – бу доимо бирор-бир янгини, янада илғорни яратиш эканлигини таъкидлайдилар. Амалиёт кўрсатишича, мазкур янгини яратишга интилишда педагог янгини яратишни ўзидан

бошлаш кераклиги тўғрисидаги хулосага келади; педагог ўзининг мустақил таълими, ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини такомиллаштиришнинг заруратини англай бошлайди.

Педагогик тайёргарлик тажриба билан ривожланади деган фикрга тўлиқ боғланиб қолиш мумкин эмас. Кўп йиллик иш тажрибаси ўзида ҳам ижобий, ҳам салбий сифатларни ифодалаши аниқланган. Ихтиёрий профессионал каби бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолияти жараёнида унинг иши учун, айниқса, муҳим бўлган унинг сифатларлари интенсив ривожланади. Педагогик амалларни бажаришнинг стереотипларининг юзага келиши муқаррар бўлади, андозавийлик юзага келади, касбий мослашув юз беради.

Олимлар педагогик тайёргарликни ривожлантириш муаммосини бўлажак ўқитувчиларнинг ўз-ўзини ривожлантириши ва мустақил таълим олиши билан боғлайдилар ва мустақил таълим олиш эҳтиёжи ривожланган шахснинг ажралмас сифати, унинг маънавий ҳаётининг зарур элементи, шахс ривожланиши ва бўлажак ўқитувчиларнинг фаолияти омили ҳисобланишини таъкидлайдилар.

Ю.Н.Кулюткин [4, 68] томонидан ўтказилган тадқиқотлар катта инсонларнинг таълимга муносабатларига муҳим таъсир кўрсатувчи қатор омилларни ажратишга имкон беради. Уларга катта инсонларнинг ўқув фаолияти мотивациясининг ўзига хослиги, катта инсоннинг таълимдаги вазияти хусусияти, катта инсонларнинг амалий тажрибаларининг билимларни ўзлаштиришларига таъсири тааллуқлидир. Буни бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик тайёргарлигини ривожлантириш истиқболли режаларини тузишда, уларни амалга ошириш учун шароитлар яратишда инобатга олиш зарур.

Бўлажак ўқитувчилар меҳнатининг эмоционал кучланиши, муваффақиятсизликлар, катта эмоционал куч сарфлашда ўз иши натижаларидан кўп қониқмаслик ўқитувчи шахсининг касбий деформацияларининг юз беришига олиб келиши мумкин бўлиб, бу ортиқча ўзига ишониш, авторитарлик ва ижтимоий иккиюзламачилик, консерватизмликда акс этади. Мазкур тадқиқот ишида бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик тайёргарлигининг ривожланиши ва уни касбий деформациялардан ҳимоялашнинг узлуксизлигини таъминловчи шароитларни аниқлашга уринишлар амалга оширилган.

Шу тариқа, назарий қоидаларга таяниб, биз бўлажак ўқитувчиларнинг касбий рефлексия асосида бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик тайёргарлигини устида ишлаш фақатгина унинг учун шахсий аҳамиятли, ҳаётий зарур бўлганидагина, яъни барқарор ижобий мотивациянинг мавжудлигида самарали бўлиши тўғрисидаги хулосага келишимиз мумкин.

Биз, шунингдек, ижобий мотивацияни шакллантиришнинг шартларидан бири ҳис-туйғулар (эмоциялар) ҳисобланади деб ўйлаймиз, чунки нафақат фаолият ҳис-туйғуларни юзага келтиради, балки ҳис-туйғулар ҳам фаолиятнинг ўзини юзага келтиради ва бошқаради. Ижобий ҳис-туйғулар хулққа ундовчи эҳтиёжларга таъсир кўрсатади, қийин вазиятда эса ҳатто кичик ютуқ ҳам илҳомланиш ижобий ҳиссиётини уйғотади ва у мақсадга эришиш эҳтиёжини кучайтиради. П.В.Симоновнинг фикрига кўра, “ижобий ҳис-туйғулар ривожланишдан тўхтаб қолиш, ўз-ўзини ундаш ва ўз-ўзини ривожлантириш жараёнининг тўхташига олиб келиши мумкин бўлган, қондирилмаган эҳтиёжларнинг етишмаслиги ва прагматик ноаниқликнинг ўрнини тўлдиради” [6, 15 б].

Шунинг учун бўлажак ўқитувчиларга ўз кучига ишониш имкониятини бериш жуда муҳимдир. Педагогик диагностикадан ўтказиш асосида ишни ташкил этишда, бўлажак ўқитувчилар ўзининг касбий қийинчиликларини ечишда профессор-ўқитувчилардан ёрдамлар олиши ва бир вақтнинг ўзида ўзи учун педагогик маҳорат манбаи бўлиши мумкин бўлган вазиятларни яратиш зарур. Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини ўз-ўзини амалга ошириш имконияти билан мустаҳкамланган унинг муваффақиятлилиги, унда ижобий ҳис-туйғуларнинг юзага келишига кўмаклашади ва ўз-ўзини ривожлантиришга йўналганлигини оширади.

Педагогик диагностикадан ўтказиш тўғрисида фикр билдиришда бўлажак ўқитувчиларнинг тўғри касбий ўз-ўзини баҳолашини шакллантиришда тўхталиб ўтиш зарурдир. Бу ҳолатда “бўлажак ўқитувчиларга ташқаридан ихтиёрий баҳо (ҳатто ноҳақ бўлгани ҳам) унинг касбий барқарорлигига зарар етказа олмайди, унинг фаолиятини бузмайди, унинг умуман ўз-ўзига ҳурматини пасайтирмайди”. Ўз-ўзини паст баҳолаш бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик фаолияти самарадорлигини пасайтиради.

Хулоса қилиб айтсак, бўлажак ўқитувчилар у ўзини дарсда қандай ҳис қилишини билиши, унинг кучли ва кучсиз томонларини кўра олиши керак. Ўз вақтидаги ёрдам, эътиборли дўстона муносабатсиз айрим бўлажак ўқитувчиларнинг дарсга бўлган қизиқишни йўқотишлари мумкин, ёрдам маҳоратли, бўлажак ўқитувчиларнинг индивидуал хусусиятлари ва эҳтиёжларини инобатга олиб кўрсатилиши керак. Агар бўлажак ўқитувчиларнинг шахсий хусусиятларини инобатга олиш зарурати таъминланмаса, педагогика фанининг ҳеч бир даражаси режалаштирилган натижаларни таъминлай олмайди.

Шунингдек, психологик муҳитни шакллантиришга тўхталиб ўтиш зарур деб ҳисоблаймиз, кўпгина олимлар бўлажак ўқитувчиларнинг ўз педагогик қобилиятидан қониқмаслигини ва ўз устида ишламасликка боғлайдилар.

Шунингдек, психологик муҳитни шакллантиришга тўхталиб ўтиш зарур деб ҳисоблаймиз, кўпгина олимлар бўлажак ўқитувчиларнинг ўз педагогик қобилиятидан қониқмаслигини ва ўз устида ишламасликка боғлайдилар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” 2022 йил 28 январьдаги ПФ-60-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сон Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизimini янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2909-сон қарори.
4. Кулюткин Ю.Н. Ценностные ориентиры и когнитивные структуры в деятельности учителя / Ю.Н.Кулюткин, В.П.Бездухов. – Самара: Самар. гос. педагог. ун-т, 2002. – 400 с.
5. Халиков А.А. Касбий рефлексия ва педагогик фаолият.// Мактаб ва ҳаёт. –Тошкент. –2012. –№ 2. –Б.14-16.
6. Симонов П.В. Информационная теория эмоций // Психология эмоций. Тексты / Под ред. В.К.Виллонаса. – Самара: Самар. гос. педагог. ун-т, 2000. – 280 с.

O'RTA MAKTAB O'QUVCHILARINI KASBGA YO'NALTIRISHDA SINFL RAHBARI VA O'QITUVCHILARINIG O'RNI

Sevinch Sattarova,

Jizzax davlat pedagogika universiteti stajyor-o'qituvchisi

Annotatsiya

Ushbu maqolada o'rta maktab o'quvchilarini kasbga yo'naltirishda sinfl rahbarining o'rni va ahamiyati yoritilgan va bunda qilinadigan ishlar bosqichlarga bo'lib ko'rsatilgan. Shu bilan birga, o'sib kelayotgan yosh avlod uchun mamlakatimizda yaratilayotgan imkoniyatlar va ulardan oqilona foydalanish chora tadbirlari to'g'risida keltirilgan.

Kalit so'zlar: kasb, mehnat, kasbga yo'naltirish, oila, xalq pedagogikasi, jismoniy mehnat, "ishchi", ishlab chiqarish, kasbiy malaka, tarbiyaviy ishlar, o'quv-metodik kabinet.

Аннотация

В данной статье освещается роль и значение классного руководителя в профориентации старшеклассников и поэтапно излагается, что в этом делается, а также дается представление о создаваемых в нашей стране возможностях и мерах их рационального использования для подрастающего молодого поколения.

Ключевые слова: профессия, труд, профориентация, семья, народная педагогика, физический труд, "рабочий", производство, профессиональная квалификация, воспитательная работа, учебно-методический кабинет.

Annotation

This article covers the role and importance of the class leader in the professional orientation of high school students, and the work to be done in it is shown in stages, as well as on the opportunities created in our country for the growing younger generation and measures for their rational use.

Keywords: profession, labor, vocational guidance, family, folk pedagogy, physical labor, "worker", production, professional qualification, educational work, educational and methodological cabinet.

Bugungi kun dunyo hamjamiyati rivojlanishda davom etmoqda, kundan kunga har bir sohada o'zgarishlar yuz bermoqda, bunday o'zgarishlarni yoshlar turli xil qabul qilmoqda. Yoshlarimizni bunday muhitda ham qiziqishlarini aniqlash ularni kasbga yo'naltirish bugungi kunda ota-onalarning va o'qituvchilarning oldiga qo'yilgan dolzarb masalalardan biridir. Bu borada maktab o'quvchilari bilan ishlashni quyidagicha bosqichlarga bo'lib o'rganishimiz mumkin ekan.

Birinchi bosqich (I-IV) sinflarning o'quvchilari bilan ishlash - moddiy ishlab chiqarish sohasida mehnat bo'lgan ijtimoiy qiziqishlarni shakllantiradi, o'quvchilarda umuman mehnatga ijobiy munosabatda bo'lishni, eng muhimi - jismoniy mehnatga shunday munosabatda bo'lishni, ishchi degan nomni hurmat qilishni, qo'ldan keladigan o'z mehnati bilan atrofda kishilarga quvonch bag'ishlashga va bundan ma'naviy qoniqish olishga intilishni shakllantiradi.

Bu boradagi ishlar oldindan tuzilgan reja asosida olib boriladi. Bu rejaga muvofiq ekskursiya uyushtirish eng ommalashgan kasblar to'g'risida qishloq maktablarining o'quvchilari uchun jamoa xo'jaligida, shahar maktablarining o'quvchilari uchun korxonalarda, ota-onalarning ishlari va ularning mehnatda erishgan muvaffaqiyatlarida suhbatlar tashkil qilish ko'zda tutiladi.

Ekskursiyalar chog'ida ishlab chiqarish jarayonida qatnashayotgan odamlarning mehnatiga, xom ashyodan tayyor mahsulot olishga berayotgan mehnat qurollariga asosiy e'tibor beriladi, jamiyat va ayrim odamlar turmushida mehnatning roli o'qitirib o'tiladi [1].

Ikkinchi bosqich (V-VII) sinflarning o'quvchilari bilan ishlash - biron ish qilishga undaydigan bosqich. Ma'lumki, ta'lim-tarbiya jarayonida o'quvchilarda bilishga bo'lgan qiziqish odatda kasbga bo'lgan qiziqishdan oldin shakllanadi. Shu boisdan ushbu bosqichida kasbga yo'naltirish sohasida olib borilayotgan ishda o'quvchilarda ish turlari (texnika bilan ishlash, tabiat obyektlari va shu kabilar bilan ishlash)ni bilishga bo'lgan qiziqishni uyg'otish muhimdir. Kasbga yo'naltirishning ana shu bosqichida texnikaga va mehnatga (texnika ijodkorligi va qishloq xo'jalik tajribachiligiga) oid sinfdan tashqari mashg'ulotlar, viktorinalar, o'yinlar katta rol o'ynashi lozim. Bu bosqichda o'quvchilarda ijtimoiy maqsadlarning shakllanishi davom etadi, shu bilan birga kasbga yo'naltirish ham boshlanadi.

Uchinchi bosqich (asosan VIII-IX) sinflarning o'quvchilarini qamrab oladi - bu bosqichida o'quvchilarning kasbga bo'lgan qiziqishlari va mayllari yanada shakllanadi.

O'quvchilar bu bosqichda o'z kasbiy niyatlarining birmuncha umumiy kasblar bo'yicha amaliy ko'nikma va malakalar bilan mustahkamlaydilar. Bu bosqich konkret kasbni tanlash, uni o'zlashtirish yo'llarini belgilash bilan tugaydi. O'quvchilarni qiziqishlari (predmetlar, predmet-texnika, ishlab chiqarish-texnika va shu kabilar) bo'yicha to'garaklarda ishlashi ushbu bosqich uchun diqqatga sazovordir.

Kasbga yo'naltirish ishini amalga oshirishning umumiy tizimida maktab tizimi dastlabki bosqich hisoblanadi. Kasbga yo'naltirish ishi maktab tizimining vazifalari:

- shaxsning yuksak ma'naviy-axloqiy fazilatlariga ega bo'lgan fuqarolarni tarbiyalashdan;

- politexnik va boshlang'ich kasbiy malakalarning muayyan tizimini egallagan bo'lg'usi malakali mutaxassisni tayyorlashdan;

- ham shaxsiy mehnat, ham jamoa mehnati muayyan tashkilotchilik malakalarini shakllantirishdan iborat.

Kasb egallashgacha bo'lgan tayyorgarlik maktab yoshlarini moddiy ishlab chiqarish sohasida mehnatga hozirlashga umumiy qismi bo'lib qoladi. Zarur politexnik tayyorgarlikni olgan yigit yoki qiz ishlab chiqarish kasbini tez egallaydi, bunda o'rta maxsus yoki oliy ma'lumot olish jarayoni jadallashadi. Mehnat tarbiyasi jarayoni birmuncha ilk bosqich amalga oshirilgan taqdirda bunga erishiladi.

O'rta va yuqori bosqich ta'limida davomiylik shu narsada ifodalanadiki o'quvchilar muntazam prinsip asosida tuzilgan yagona dasturlar bo'yicha ishlaydilar. Bunday dasturlar asta-sekin murakkablashtirilib borishni, bilimlarni, ko'nikma va malakani, mehnatning muayyan usullarini egallashni ta'minlaydi.

Ta'lim va kasbga yo'naltirish bilan qo'shilgan umumli mehnatda muntazam qatnashish eng ko'p pedagogik samara beradi. Maktabda kasbga yo'naltirish sohasidagi hamma ishlarning bir-biriga muvofiqlashtirilishini ta'minlash maqsadida maktab direktori raisligida kasbga yo'naltiruvchi kengash tuziladi.

Kengash tarkibiga maktab direktorining tarbiyaviy ishlar bo'yicha muovini, kasbga yo'naltiruvchi o'quv-metodik kabinet mudiri, mehnat ta'limi, o'quvchilarning ijtimoiy-foydali, unumli mehnatini kasbga yo'naltiruvchi o'qituvchi yoki tashkilotchi, bitiruvchi sinflarning sinf rahbari, maktab kutubxonachisi, maktab o'quvchilar tashkilotining vakillari, maktab vrachi, ota-onalar qo'mitasining a'zolari, homiy korxonalar vakillari kiradi. Kasbga yo'naltiruvchi kengashning ish rejasi maktab kengashi ko'rib chiqadi va tasdiqlaydi.

Kasbga yo'naltiruvchi kengashning vazifalari kasbga yo'naltirish bo'yicha umummaktab va sinflarning tadbirlarini rejalashtirish va tashkil qilishdan, kasbga yo'naltirish ishiga oid ilg'or tajriba ma'lumotlarini yig'ish, umumlashtirish va ommalashtirishdan iborat.

Kasbga yo'naltirish ishini rejalashtirilgan chog'da kengash mahalliy sharoitlarni va maktab ishining o'ziga xos xususiyatlarini hisobga olish lozim. Kasbga yo'naltirish kengashining majlislariga muassasalar, homiy korxonalar, oliy o'quv yurtlarining vakillari, balog'atga yetmaganlar ishi bo'yicha komissiya a'zolari mehnat resurslaridan foydalanish o'rganlarining vakillari taklif qilinadilar. Bu sohada unga fan o'qituvchilari, ota-onalar bilan, savol varaqasini to'ldirish va o'quvchining shaxsiy varaqacha-tavsifnomasini to'ldirgan holda, uni muntazam ravishda kuzatish yordam beradi. Sinf rahbari o'quvchining shaxsini o'rganish negizida muayyan dastur asosida bir maqsadga qaratib kasbga yo'naltirish ishini olib bora-

di. Bunda sinf soatlaridan, fakultativ mashg'ulotlardan va ekskursiyadan foydalaniladi. Kasbga yo'naltirish ishi o'quvchilarning ota-onalari bilan mustahkam aloqada o'tkaziladi [2].

O'quvchilar yiliga bir marta savol varaqasini to'ldiradi. Bundan maqsad-o'quvchilarning hayotiy rejalarini aniqlab olishdir. Sinf rahbarlari savol varaqasini asosida o'quv yili oxirida kasbga yo'naltiruvchi maktab kengashiga topshirish uchun u yoki bu kasbni ongli ravishda tanlagan yoki zarur malaka darajasi bo'yicha kasb egallagan hamda o'qish va ish xususidagi o'z istaklarini bildirgan o'quvchilarning ro'yxatini tuzadilar.

Mehnat ta'limi jarayonida o'qituvchi kasb qilib olingan mehnat to'g'risidagi ma'lumotlarni konkret mavzularni o'rganish bilan mantiqiy bog'lashi mumkin. O'quvchilarda ijodiy tafakkurni rivojlantirishning pedagogik – psixologik jihatlari. Ayni shunday o'qituvchi o'quvchilarda o'ziga nisbatan hurmat-ehtimol, ishga havas tug'diradi, o'ziga o'xshash bo'lish, u bilan do'stlashish eng ezgu istaklar, istiqbol to'g'risidagi, o'z kasbi haqidagi orzularni baham ko'rish ishtiyoqini yaratadi.

Maktabda qiziqishlar bo'yicha o'tkaziladigan xilma-xil mashg'ulotlar orasida to'garak ishi alohida ahamiyat kasb etadi. Maktabda to'garaklarning asosiy ko'pchiligini mehnat ta'limi o'qituvchilari olib boradi. Bular ishlab chiqarish texnika to'garaklaridir. O'qituvchi bunday to'garaklarda o'quvchilarda ixtirochilik, konstruktorlik singari maxsus qobiliyatlarni ijodiy rivojlantirish uchun barcha shart-sharoitlarni yaratish imkoniyatiga ega.

Mehnat ta'lim o'qituvchisi o'quvchi shaxsini o'rgangan chog'da kasbga yo'naltirish maqsadida quyidagi qoidalarga: shaxs kamol topadigan konkret vaziyatda konkret jamoada shaxsning xulq-atvorini kuzatish; faoliyat orqali shaxsni o'rganish; shaxsni qandaydir qotib qolgan narsa tariqasida emas, balki taraqqiyotda ko'rib chiqish; shaxsning vaqtincha psixologik holatini, o'rtoqlariga munosabatini hisobga olish kabi qoidalarga amal qilishi maqsadga muvofiqdir.

Mehnat ta'limi o'qituvchisining ishida psixologik diagnostikasiga katta o'rin ajratiladi. Mehnat ta'limi o'qituvchisining kasbga yo'naltirish ishi o'zaro bog'liq tarkibiy qismlarning butun bir kompleksi bilan, shu jumladan, kasbga yo'naltiruvchi o'quv-metodik kabinet faoliyati, sinf rahbarining, fan o'qituvchilarining ishi, ota-onalar va shu kabilar bilan mahkam bog'langandir [4, 156].

Maktab o'quvchilari gumanitar fanlar bo'yicha o'tkaziladigan mashg'ulotlarda kasb tanlash masalalarida g'oyaviy-axloqiy, dunyoqarashga oid bilim oladilar. Ta'lim sohasida amalga oshirilayotgan islohotlar bilimdon, mustaqil fikrlovchi, ijodiy izlanuvchi, yuqori malakali, madaniyatli, turli sohalar bo'yicha etuk mutaxassis kadrlarni tayyorlashga qaratilgan. O'zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti I.A.Karimovning qator asarlarida va Vazirlar Mahkamasi qarorlarida mutaxassis kadrlar tayyorlash

masalasiga katta e'tibor berilgani bejiz emas. Bu vazifani hal qilishda yoshlarni to'g'ri kasb tanlashga yo'llash, ularga to'g'ri maslahatlar ko'rsatish va o'z ijodiy qobiliyatlari darajasidagi kasbni egallashlari uchun shart-sharoit yaratish lozim [5, 110].

Kasb tanlash faoliyatini oqilona tashkil etish uchun kasb tanlashga ta'sir etuvchi omillar mohiyatini bilmoq lozim. Bular quyidagilardan iborat:

1. Ta'lim-tarbiya tizimida kasbga yullash faoliyatining mazmuni metodikalari majmuasini mukammal ravishda mujassamlashganligi. Maktab ma'muriyati, sinf rahbariyatlari, amaliy psixolog va kasbga yo'llovchifan o'qituvchilarining ish rejasida mazkur masala joy olganligi. Shuningdek, bu muammoga taalluqli ishlar, tadbirlar izchil amalga oshirilib turilishi, ularning ta'sirchanligiga e'tiborning ortishi tufayli o'quvchi yoshlar orasida bu sohada tasavvur ko'lamining kengayishi. Rasmiyatchilikdan chekinib, umumiy va zaruriy masala.

2. O'quvchilarning kasb tanlashga o'rgatishda o'qituvchilar jamoasi faoliyati hamkorligi va samaradorligi. Alohida olingan fan o'qituvchilari va turdosh fanlarning namoyondalari jamlanmasi hamkorlik ish rejasyda kasbga yo'llash masalasining izchil ravishda qo'yilishi, har bir mavzu bo'yicha muloha almashishda, qaysi fan bo'lishidan qat'i nazar, ixtisosga oid bilimlarga e'tibor berilishi kasbiy tasavvurni vujudga keltiradi.

Kasb-hunar mohiyati bilan tanishish unga nisbatan qiziqishni uyg'otadi, mustaqil bilim olishga ishtiyoq paydo bo'ladi va odat maromiga aylana boradi. Maxsus tadbirlar o'tkazilishi, kasb nufuzi bilan tanishtirilishi kasbiy motivlar va motivatsiyalarni takomillashtirada, moyillik tuyg'usini uyg'otadi.

3. Sinf rahbarining ota-onalar bilan hamkorligini ongli kasb tanlash negizi ekanligi.

4. Kasb tanlashda yoshlar tashkilotining ishtiroki. Yoshlar tashkiloti faoliyatida kasb tanlash masalasining ustivorligi, o'quvchilarning turli fondlarga jalb qilinishi, iste'dodlarning saralanishi, mukofotga tortilishi, moddiy va ma'naviy taqdirlanishi kabilar.

5. Sinfdan va maktabdan tashqari olib boriladigan ishlar mazmunida kasb tanlashning alohida ajratilib ko'rsatilishi.

6. Maktablarda ishlab chiqarish kombinatlarida omma- viy va keng ko'lamda ishlar yo'lga qo'yilishi.

7. Maxsus muassasalar faoliyati.

8. Kasbga oid ko'rgazmalar, sayohatlar uyushtirilishi.

9. Ijodkor, nufuzli, mahoratli kishilar bilan uchrashuvlar o'tkazilishi.

10. Kasb tanlashda mahalliy matbuot, radio va televizionning ishtiroki.

Kasbga yo'llash umumdavlat ahamiyatiga ega muammo hisoblanib, uni bosqichma-bosqich amalga oshirish Kadrlar tayyorlash milliy dasturida alohida o'rin egallaydi.

Yuqorida kasb tanlashga yo'llash omillari faoliyatini hamkorlikka aylantirish yuksak samaralar sari yetaklaydi.

Bu borada ta'kidlash zarurki, magistrantlar o'zining ilmiy izlanishi va ilmiy-pedagogik faoliyatlarida O'zbekiston mustaqillik davrining dastlabki paytidan qabul qilingan "Ta'lim to'g'risida"gi Qonun va Kadrlar tayyorlash milliy dasturida hamda O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 13-may, 203-sonli qarori bilan tasdiqlangan "Umumiy o'rta ta'lim dasturlarini tayyorlash, sinab ko'rish va joriy etish" bo'yicha Respublika komissiyasining 1998-yil 26-maydagi yig'ilishi Bayon qaroriga ko'ra hamda ta'lim standartlari va uning asosida ishlab chiqilgan tajriba o'quv dasturlarini ta'lim jarayonida sinab ko'rish mustaqil O'zbekiston Respublikasida ta'limni isloh qilish yuzasidan tashkil etilgan tadbirdir [1, 2].

1. O'zbekiston Respublikasining mintaqaviy, ijtimoiy, iqtisodiy va milliy-madaniy xususiyatlarini hisobga olib, umumiy o'rta ta'limda tajriba-sinov ishlarining yangicha pedagogik texnologiyalarni amalda joriy etish maqsadga muvofiq deb hisoblanadi;

2 Tajriba-sinov materiallaridan amaliyotda foydalanish haqida obyektiv baholash va xulosa chiqarish talab etiladi.

3. Tajriba-sinov ishlarini olib borish jarayonida bolalarda ro'y beradigan hamma o'zgarishlarni yozma qayd qilib borish tavsiya etiladi.

4. Bolalar faoliyatini faollashtirib ularning erkin fikrlashlarini va har tomonlama kamol topishlarini ta'minlash, o'quv tarbiya jarayonining asosiy negizi deb hisoblanadi.

5. Bolalarning imkoniyatlarini, iqtidorlarini hisobga olib, ularda o'qishga xohish-istaklarini uyg'otish, ma'naviy yuksalish darajasiga ko'tarishni ta'kidlaydi.

6. Tajriba-sinov jarayonida sodir bo'ladigan har bir tasodif va o'zgarishlarni qayd qilib borishni talab etiladi.

Mazkur izlanishda o'quvchilar kasb tanlash, kasbga yo'naltirish, tanlagan kasbga moslashtirish konsepsiyalarini modellashtirish ishlarini bajarishiga alohida e'tiborni kuchaytirishlari lozim. Ularning diqqati kasbiy-pedagogik bilimdonlikka yo'nalgan bo'lishi lozim.

Kasbiy-pedagogik bilimdonlik pedagogik voqelikni izchil idrok eta bilish va unda izchil harakat qila olish malakasini qamrab oladi. Bu xislat pedagogik jarayon mantig'ining yaxlitligiga va butun tuzilmasi bilan birgalikda ko'ra olish, pedagogik tizimning rivojlanish qonuniyalari va yo'nalishlarini tushunish imkoniyatini ta'minlaydi, maqsadga muvofiq faoliyatini konstruksiyalashni osonlashtiradi. Kasbiy-pedagogik bilimdonlik asosan to'rtta komponenti bilan tavsiflanadi:

- shaxsga, insonga yo'nalganlik;
- pedagogik voqeolikni izchil idrok etishi;
- fan sohasiga yo'nalganlik;
- Pedagogik texnologiyalarni egallash.

Xulosa qilib aytganda, kasb tanlash (kasbga yaroqlilik) – kasbiy ishning butun tizimida yakunlovchi bosqichdir. Ayni shu bosqichda xodimning tanlagan kasbga uzil-kesil muvofiqligi yoki nomuvofiqligi aniqlanadi. Lekin kasb tanlash (kasbga yaroqlilik) metodlaridan kasbga yo'nal-

tirishning faqat yakunlovchi bosqichida foydalanish mumkin, deb hisoblash noto'g'ri bo'lur edi. U yoki bu kasbning egallagani holda, dastlabki tibbiy-fiziologik va psixologik ko'rikdan o'tmagan yigit yoxud qizga tanlagan

kasbi zid bo'lishi ham mumkin. Shu boisdan kasb tanlash boshlang'ich bosqichda ham, shuningdek, yakunlovchi bosqichda ham o'tkazilishi lozim.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Mehnat Kodeksi. O'zbekiston Respublikasining Qonun hujjatlari to'plami. – T.: 2005.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha harakatlar strategiyasi to'g'risida Farmoni.
3. Begimqulov U. Sh. Pedagogik ta'lim jarayonlarini axborotlashtirishni tashkil etish va boshqarish nazariyasi va amaliyoti. Ped. fan. dokt... diss. – T.: 2007. – 305 b.
4. Джураев Р. Х. , Тайлаков Н. Создание электронных учебников: теория и практика. Т.: Национальная энциклопедия Узбекистана, 2007. – 192 с.
5. Закирова Ф. М. Информатика это. Мет. пос., – Т.: Коммуникатор, 2007. – 200 с.

BO'LAJAK O'QITUVCHILARDA INTELLEKTUAL MADANIYATINI RIVOJLANTIRISHDA FALSAFA FANINI O'QITISHNING PEDAGOGIK JIHATLARI

Jasurbek Qurbonov,

Qo'qon davlat pedagogika instituti
Milliy g'oya, ma'naviyat asoslari va
huquq ta'limi kafedrasida dotsenti, p.f.d (PhD)

Annotatsiya

Maqolada ilmiy-texnik taraqqiyot ta'limiga, oliy ta'lim tizimiga jiddiy e'tibor qaratishni taqozo qilayotganligi, har qanday mamlakatning kelgusi istiqboli undagi raqobatbardosh kadrlarning yuksak intellektual salohiyatiga bog'liqligi, bo'lg'usi kadrlarning intellektual-ijodiy faoliyatining intellektual madaniyat asosida shakllanishi eng muhim sharti va asosi bo'lib, bo'lajak o'qituvchilarda intellektual madaniyatning shakllanishi va rivojlanishida falsafa fanidan oqilona foydalanishning pedagogik jihatlari haqida so'z yuritiladi.

Kalit so'zlar: intellekt, global muammolar, intellektual madaniyat, intellekt mexanizmi, intellektual kapital, bo'lg'usi kadr, innovatsion g'oyalar, intellektual qobiliyatlar, intellektual madaniyat tuzilmasi, intellektual madaniyat funksiyalari.

Аннотация

В статье утверждается, что научно-техническое развитие требует серьезного внимания к образованию и системе высшего образования, что будущее любой страны зависит от высокого интеллектуального потенциала ее конкурентоспособных кадров, что формирование интеллектуальной и творческой активности будущих кадров на основе интеллектуальной культуры – важнейшее условие и основа будущего. В книге рассматриваются педагогические аспекты рационального использования философии в формировании и развитии интеллектуальной культуры.

Ключевые слова: интеллект, глобальные проблемы, интеллектуальная культура, механизм интеллекта, интеллектуальный капитал, будущие кадры, инновационные идеи, интеллектуальные способности, структура интеллектуальной культуры, функции интеллектуальной культуры.

Annotation

The article states that scientific and technical development requires paying serious attention to education and the higher education system, that the future perspective of any country depends on the high intellectual potential of its competitive personnel, that the formation of the intellectual and creative activity of future personnel on the basis of intellectual culture is the most important condition and basis for the future. In the book, the pedagogical aspects of the rational use of philosophy in the formation and development of intellectual culture are discussed.

Keywords: intelligence, global problems, intellectual culture, mechanism of intelligence, intellectual capital, future personnel, innovative ideas, intellectual abilities, structure of intellectual culture, functions of intellectual culture.

Falsafa fani hayot haqidagi ta'lim otlarni rivojlantiruvchi soha, uning lug'aviy ma'nosi "donolikni sevaman" deb talqin qilinadi. Fales, Epikur, Anaksimandr, Aristotel yashagan antik davrda ham, Forobiy, Ibn Sino, Beruniylar yashagan o'rta asrlarda ham faylasuflar olam va odam to'g'risida turlicha falsafiy mushohadalar bildirilgan. Ulug' faylasuf olim Ibn Sino fikricha, falsafaning asosiy masalasi – mavjudotni barcha mavjud narsalarni kelib chiqishi, tartiboti, o'zaro munosabati, biridan ikkinchisiga o'tishni har tomonlama tekshirish uchun zaruriy imkoniyat, voqelik-sabab tamoyillarini asos qilib olishdan iborat [1, 76].

Frantsuz ekzistensialist faylasufi A.Kamyu ta'biri bilan aytganda: "Hayot yashashga arzishi yoki arzimasligi masalasini hal qilish, falsafaning asosiy masalasiga javob topish demakdir" [2, 28]. Masalan, pragmatizm asosiy e'tiborni haqiqat tushunchasiga va uni aniqlash muammosiga qaratadi. Bu yo'nalish vakillarining fikriga ko'ra, falsafa, avvalo, ayni shu muammo bilan shug'ullanishi va insonga amalda foyda keltirishi lozim. Yuqoridagilardan ko'rinib turibdiki, bugungi kunda o'sib kelayotgan har bir

yosh avlod vakilini yuksak intellektual madaniyat egasi sifatida tarbiyalashda falsafa fanining o'rni beqiyosdir.

Zamonaviy pedagogika fanida olib borilayotgan ilmiy tadqiqotlar ta'lim oluvchilarni intellektual madaniyatiga oid turli nazariy yondashuvlar, ilmiy kontseptsiyalar, yondashuvlarni, bahs-munozaralarni ilgari surmoqda. Bo'lajak mutaxassis yuksak intellektual madaniyatga ega bo'lishi uchun, avvalo, o'z-o'zini tarbiyalashi, ijtimoiy ko'nikmalar mazmunini bilishi va ulardan samarali foydalanishi, ichki mahorati, qobiliyatini kamolga yetkazib borishini yuqori darajada tashkil etish zarur bo'ladi. Ta'lim jamiyat taraqqiyotini olg'a siljituvchi kuch va vositadir. Millat dunyoqarashini shakllantirish, ta'lim-tarbiya, axloq normalarini vujudga keltirish, ma'naviy barkamol insonni tarbiyalashda ta'lim o'z samasini bermoqda. Ta'lim ning kuchi va uning samaradorligi yuksak bilimga ega bo'lish bilan izohlanadi. Zero, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev ta'kidlaganidek, "farzandlarimizning qobiliyatini ro'yobga chiqarishga bolalikdan e'tibor berib, ularning kamoloti uchun barcha imkoniyatlarimizni safar-

bar etsak, yurtimizdan yana ko'plab Beruniylar, Ibn Sino-lar, Ulug'beklar yetishib chiqadi" [3, 44]. Aynan buyuk bobolarimizning ilm-fan yo'lida bosib o'tgan mashaqqat-li hayot yo'li biz uchun namuna bo'lmog'i lozim. Ilmiy faoliyatning madaniy jihatlarini bo'lg'usi mutaxassis-larda shakllantirishda esa ijtimoiy-gumanitar fanlar, xususan, falsafa fanining ham ahamiyati beqiyosdir. Shu o'rinda qayd etish lozimki, falsafa fanini samarali o'qitish orqali bo'lajak mutaxassislarining yuksak intellektual madaniyatini shakllantirilishi uni oldida turgan murakkab iqtisodiy, ijtimoiy muammolarning yechimini topishda va taraqqiyot davomida ma'naviy inqirozdan olib chiqishda hatto ilohiy e'tiqodini mustahkam bo'lishida muhim rol o'ynaydi.

Intellektual madaniyatning mazmuni, tuzilishi, shakllanish mexanizmlarini to'liq anglamay turib talaba-yoshlar intellektual madaniyatining mohiyatini tushunib bo'lmaydi. Shu nuqtayi nazardan talabalarda falsafa fani orqali intellektual madaniyatni shakllantirishga bag'ishlangan tadqiqotlarning psixologik-pedagogik va ijtimoiy-falsafiy tahlili muammo bo'yicha yagona tasavvurning mavjud emasligini ko'rsatdi. Ko'pincha tadqiqotchilar muammo doirasida intellektual faoliyatning alohida tarkibiy qismlarini o'rganish va tavsifi bilan cheklanishadi. Masalan D.B. Bogoyavlenskaya pedagogik jarayonida intellektual tashabbusni [4, 172], Y.A.Ponomaryev intellektual faollikni yoki "qidiruvchi dominantani" [5, 16], S.A.Kornilov intellektual qarorlarni ishlab chiqish va qabul qilish jarayonini [6, 55-60] tadqiq qildilar. L.M.Mitining ilmiy izlanishlari esa intellektual moslashuvchanlikka [7, 144] bag'ishlangan.

Talabalarda intellektual madaniyatning rivojlanishiga keng imkoniyatlar ochib berishning yo'l-yo'riqlarini tadqiqotchi E.Z.Usmonova quyidagicha izohlaydi:

- 1) muammoning yuzaga kelishi va fikriy vazifaning shakllanishi;
- 2) muammo javobini izlash va uni topish;
- 3) topilgan javobni subhektiv yangilikning ochilishi sifatida idrok etish;
- 4) erishilgan javobning to'g'riligini isbotlash, uni boshqa kishiga asoslab berish, tushuntirish [8, 36].

Ba'zi tadqiqotchilar falsafa fanini o'qitish jarayonida intellekt va shaxsni bir-biriga aloqadorlikda ko'rib chiqsalar, boshqalari bunday aloqalarni tan olmaydilar. Muammo doirasida tizimli pedagogik yondashuvni zamonaviy tushunish asosida shaxs, faoliyat, psixika, tabiat va sotsium kabi "barcha ajratib olingan (izolyatsiyalangan) tizimlarning integratsiyasini" amalga oshirish va "ularning o'zaro aloqasi hamda yaxlit integrativ tizimni keyingi rivojlanishini belgilovchi o'zaro ta'sir mahsulotlarini ifodalash" imkoniyati ham alohida ahamiyatga ega [9, 37-59].

Intellektual madaniyat bo'lajak mutaxassisning rivojlanish darajasini ko'rsatadi va aniq tashkil etilgan bilimlilik simbiozini, mustaqil fikrlash qobiliyatini, o'z faoliyatining ustuvor yo'nalishlarini ajrata olish layoqatini,

shuningdek, o'qish va yangi bilimlarni egallash istagi, ularni baholash va tartibga solish, har qanday vazifaga ijodiy yondashish va aniq yo'naltirilgan maqsadga muvofiq ravishda vaziyatga ko'ra harakat qilib, o'z rejasini amalga oshirishni ifodalaydi. Bunda bo'lg'usi mutaxassisning keng dunyoqarashi, falsafiy tafakkuri, dunyoda kechayotgan jarayonlarning asl mohiyatini teran anglay olishi muhim ahamiyatga ega. Tabiiyki, bular falsafa fanini samarali o'qitish orqali shakllantiriladigan ko'nikma va malakalar hisoblanadi. Mazkur maqolada talabalarda intellektual madaniyatning shakllanishi va rivojlanishida falsafa fanidan oqilona foydalanishning pedagogik jihatlari tadqiq etilgan.

Intellektual kamolot va ta'lim-tarbiya tizimi o'zaro dialektik aloqadorlikdadir. Bo'lajak o'qituvchilarda intellektual madaniyat ko'nikmalarini shakllantirishda falsafa fani asosida dialektik tafakkurni rivojlantirish maqsadga muvofiqdir.

Bunda quyidagilarga e'tibor qaratish maqsadga muvofiq:

1. Falsafa ta'limidagi induksiya, deduktsiya, suqrotcha bahs, dialektik, sinergetik, germeneytik, analitik tahlil metodlari bo'lajak o'qituvchilar intellektual madaniyatini yuksaltirishning innovatsion usullari bo'lib, ular tafakkur qilishning eng umumiy qoidalarini, bosh strategiyasini belgilaydi. Bugungi kunda bo'lajak kadrlar intellektual madaniyatini innovatsion usulda falsafa ta'limi asosida yuksaltirish dolzarb lekin, ko'r-ko'rona, dogmatik ravishda emas, ongli tanqidiy tafakkur asosida bo'lishi kerak.

2. Bo'lajak o'qituvchilarning intellektual salohiyatini bazaviy fanlardan bilimlilik darajasi, mantiqiy fikrlashi va ilmiy-falsafiy bilimliliigi, ilmiy-badiiy va falsafiy asarlar va adabiyotlarni ta'lim jarayonida va mustaqil ta'lim da o'rganish, tanqidiy tafakkurini namoyon qilish holati bo'yicha mavjud holat va falsafa ta'limi texnologiyalari asosida olib borilgan mashg'ulotlardan keyingi natijalar aniqlash va solishtiruv-tahlil ishlarini doimiy olib borish lozim.

3. Bo'lajak o'qituvchilarda intellektual madaniyatni rivojlantirishning innovatsion texnologiyasiga doir xorij va milliy tajribalarni o'rganish va ularni ommalashtirish zarur. Bo'lajak o'qituvchilar intellektual madaniyatini rivojlanishiga ta'sir etuvchi ijobiy va salbiy omillarni inobatga olgan holda, milliy metodika va muayyan shart-sharoitlar muhitini yaratish lozim.

Bu kabi vazifalarni bajarishda esa falsafa ta'limi o'qituvchisi quyidagi sifatlarga ega bo'lmog'i lozim:

o'qituvchi o'zining har bitta shogirdida yaxshi va yomon tomonlarni, yutuq va kamchiliklarni ko'ra oladigan, ularga ishona oladigan, ular davrasiga ko'tarinki ruh kirita oladigan, o'z o'quvchilari qalbini rom eta oladigan bo'lishi zarur. Falsafiy materialni bayon etishning boshqa shakllarida esa muallif o'z muxlislari bilan bunday bevosita aloqadorlik, shogird qalbiga to'g'ridan to'g'ri kirish imkoniyatiga ega emas;

o'qituvchining vazifasi o'z o'quvchilariga bilim berishdangina iborat emas, balki. Asosan, ularning endigina

shakllanayotgan ongini eng oliy ruhiy qadriyatlarga-muhabbat, adolat, haq (haqiqat), go'zallik kabilarga yo'naltirishdan iboratdir. Uning ana shu jihati bugungi kunda, ayniqsa, dolzarb. Zero, falsafani faqat fan deb qarab kelingan vaqtlarda ustozning vazifasi faqat bilim berish bilan cheklanib qolgani tufayli bir qator yosh avlod teran ruhiy qadriyatlardan bahra olish imkoniyatidan uzoq vaqtlar mahrum bo'lib kelgan edi. Kishi ongini eng oliy ruhiy qadriyatlarga yo'naltirish esa o'qituvchi bilan shogird orasida ikkiyoqlama jonli muloqot bor bo'lgan chog'dagina mumkin bo'ladi;

bo'lajak o'qituvchilarni tarbiyalayotgan ustoz, avvalo, o'z shaxsiy "men"ini xudbinlikdan ajratib olmog'i, o'zining har bir xatti-harakatini boshqara oladigan bo'lishi

kerak. Shuningdek, unda asosiy hayotiy masalalarga nisbatan ochiq-oydin, aniq qarashlar shakllangan bo'lishi, boshqalarni tushunish istagi va qobiliyati rivojlanishi va bu yo'lda katta sabr-u toqat xislatlarini kasb etishi ham kerak.

Yuqoridagi mulohazalardan kelib chiqib, falsafa o'qituvchisining zimmasidagi ish boshqa maxsus fan o'qituvchilariga nisbatan bir necha barobar ko'p desak, aslo mubolag'a bo'lmaydi. Shunga ko'ra, avvalgi davrlarda falsafa o'qituvchilarining ish yuklamalari maxsus fanlar o'qituvchilari yuklamalaridan ikki barobar kam, o'qituvchilar soni esa bir necha barobar ko'p bo'lgani, bir hisobda, bejiz bo'lmagan, ilmiy-ijodiy, tashkiliy-tarbiyaviy, siyosiy-mafkuraviy va shu kabi darsdan tashqari ishlar uchun esa ko'proq vaqt ajratilgani bejiz emas.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Mirziyoyev Sh.M. *Niyati ulug' xalqning ishi ham ulug', hayoti yorug' va kelajagi farovon bo'ladi*. – Toshkent: "O'zbekiston" NMIU, 2019. – 400 b.
2. Abu Ali ibn Sina. *Избранные философские произведения*. – Москва: Наука, 1980. – С. 554.
3. Камю А. // *Всемирная энциклопедия. Философия*. – М.: "Современные тетради", 2001. – 344 с.
4. Богоявленская Д.Б. *Интеллектуальная активность как проблема творчества* / Д.Б. Богоявленская. Ростов-на-Дону: Изд. Рост. ун-та, 2006. – 176 с.
5. Пономарев Я.А. *Знания, мышление и умственное развитие* / Я.А. Пономарев. М.: Просвещение, 1967. 264 с.
6. Корнилов С.А. *Современные средства диагностики интеллектуального потенциала: кросс-культурная адаптация зарубежных методических комплексов* / С.А. Корнилов // *Вестник Московского университета. Серия 14: Психология*. 2009. – № 4. – С. 55-66.
7. Митина Л.М. *Интеллектуальная гибкость учителя: психологическое содержание, диагностика, коррекция: учеб. пос.* / Л.М. Митина, Н.С.Ефимова. – М.: Флинта, 2003. – 144 с.
8. Usmonova E.Z. *O'quvchilarda mustaqil tafakkurni qanday shakllantirish mumkin?* – T.: "Pedagogika va psixologiya" ilmiy-ommabop nashri, 2000. – 36 b.
9. Межуев В.М. *Культура как деятельность: из истории отечественной культурологии* // *Личность. Культура. Общество*. 2006. – Т. 8. Вып. 1 (29). – С. 37-59.

NEW METHODS FOR THE DEVELOPMENT OF THE DIGITAL ECONOMY

Mamura Kushakova,

Tashkent State Transport University
Senior Lecturer, Faculty of Economics**Annotation**

This article describes the concept of the digital economy, the prospects for the development of the digital economy in Uzbekistan. Methods for improving the life of the country's population, improving the quality and income of the inhabitants of the republic, and made a brief analysis on the improvement and implementation of the digital economy to improve the quality of the country's population.

Keywords: digital economy, information society, digital technologies, e-government.

Annotatsiya

Ushbu maqolada raqamli iqtisodiyot kontseptsiyasi, O'zbekistonda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish istiqbollari yoritilgan. Mamlakat aholisi hayotini yaxshilash, respublika aholisining sifati va daromadlarini oshirish usullari hamda mamlakat aholisining sifati oshirish uchun raqamli iqtisodiyotni takomillashtirish va joriy etish bo'yicha qisqacha tahlil qilindi.

Kalit so'zlar: raqamli iqtisodiyot, axborot jamiyati, raqamli texnologiyalar, elektron hukumat.

Аннотация

В данной статье описывается понятие цифровой экономики, перспективы развития цифровой экономики в Узбекистане. Методы улучшения жизни населения страны, повышения качества и доходов жителей республики и сделан краткий анализ по улучшению и внедрению цифровой экономики для улучшения качества населения страны.

Ключевые слова: цифровая экономика, информационное общество, цифровые технологии, электронное правительство.

The digital economy is an economy that involves the widespread introduction of electronic and information and communication technologies in the production, distribution and consumption of society's goods. The fact that the digital economy is an innovative idea was announced by the World Bank in its 2016 World Development Report 2016: Digital Dividends. The management process in the digital economy (through professional staff) is a computerized system of interaction management, which carries out a wide range of work on the active use of electronic data to meet the growing needs of mankind. For example, it provides for the prediction, planning, organization, execution, control and coordination of system activities. That is, there should be a general integrated system of management of the national economy based on the collection and analysis of data for the development and implementation of ways to develop the country.

The hallmarks of the digital economy are a high degree of automation, electronic document exchange, electronic integration of accounting and management systems, electronic databases, the availability of SRM (customer interaction system), corporate networks. In the digital economy, the cost of payments is reduced (for example, travel to the bank and other resources are saved), more and more information about goods and services is obtained, the opportunities for goods and services in the digital world to enter the world market are greater and services will be rapidly improved.

Although digital data is a valuable economic resource,

it will only benefit when it becomes digital thinking. With the advent of the digital economy, the challenges of creating digital platforms and monetizing the rapidly growing digital data are emerging. At the same time, it is important to identify ways to create value, the means of overcoming obstacles in these processes. It provides an understanding of the potential for value creation and distribution, forms of value renewal, management, and value acquisition. The future prospects of modern development include Big Data, artificial intelligence, neuro-technology, quantum technology, Internet of Things, robotics and sensory, digital electronic platforms, cloud and mobile technologies, virtual and augmented reality technologies, crowdsourcing, Blockchain technologies, digital technologies such as cryptocurrencies and 3D technologies are becoming crucial.

Academician S.Gulyamov noted, "The term digital economy is used to describe two different concepts. First, the digital economy is a modern stage of development, characterized by the priority of the benefits of creative labor and information. Second, the digital economy is a unique theory, and its object of study is an informed society".

Klaus Schwab argues that the main factor of production in the digital economy will be human resources, not capital, and explains the future not only by the fourth industrial revolution, but also by non-technological factors, including demographic problems, geopolitical changes and the emergence of new specialties and professions.

Thomas Mesenburg E-business infrastructure (hardware, software products, telecommunications, networks,

human capital, etc.), E-business (business style, that is: the process and communication networks carried out by the organization using any information), e-commerce as the main component.

M.L.Kaluzhsky describes the digital economy as a communication environment of economic activity on the Internet and the forms, methods, means and results of its implementation.

Empirical research, systematic and comparative analysis, and cross-analysis methods were used. [1, 28].

It is noted that the digital economy will bring unprecedented changes in more than half of the existing sectors. In particular, according to World Bank experts, a 10% increase in the number of high-speed Internet users will increase the total volume of national economies by an average of 0.4-1.4% annually. The growth rate of the digital economy in the world is almost 20 percent per year. In developed countries, the share of the digital economy in GDP has reached 7%. They are already reaping huge benefits from the introduction of the digital economy. In particular, the United States exports more than \$ 400 billion a year in digital services. More than 5% of the country's GDP is directly related to the Internet and information and communication technologies. By 2025, the U.S. will receive an additional \$ 20 trillion from the digitalization of industry. dollars is expected to earn. Such economic efficiency is particularly high in consumer goods production (\$ 10.3 trillion), the automotive industry (\$ 3.8 trillion) and logistics (\$ 3.9 trillion).

According to various studies, the share of the digital economy in the world economy ranges from 4.5% to 15.5%. The United States and the People's Republic of China account for nearly 40 percent of the value added generated in the global information and communication technology sector and 75 percent of block chain technology-related patents.

According to statistics provided by President Mirziyoyev on February 13, 2020 at the event dedicated to the development of information technology, the share of the digital economy in GDP is 10.9% in the United States, 10% in China and 5.5% in India. In Uzbekistan, this figure does not exceed 2%.

To assess the growing importance and impact of digitalization, it is enough to look at the share of capital in the global market of several major technology companies and digital platforms over the last decade. In particular, according to the UN Conference on Trade and Development, this figure rose from 16 percent in 2009 to 56 percent by the end of 2018.

In the process of such rapid changes and intensification of competition in the world community, it is true that in the near and long term we will not be able to sustainably develop our economy and ensure its competitiveness without the widespread introduction of innovations and digital technologies. In this regard, in recent years, as part of the comprehensive reforms to radically modernize the

national economy, a number of measures have been taken to introduce digital technologies in the socio-economic life of the country and public administration. In particular, the adoption of the Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures to develop the digital economy in the Republic of Uzbekistan" PD-3832 dated July 3, 2018 is an important step in the development of the digital economy.

In particular, the introduction of e-government in our country is an integral part of the development of the digital economy, the main purpose of which is to simplify the transition to administrative procedures, improve the quality of life, improve the investment and business environment.

Consistent measures are being taken in our country to modernize and develop e-government, including public services, aimed at simplifying the transition to administrative procedures, improving the quality of life, improving the investment and business environment. On November 21, 2018, the President of the Republic of Uzbekistan adopted Resolution No. PD-4022 "On measures to further modernize the digital infrastructure for the development of the digital economy." The resolution sets key tasks to create conditions for the rapid development of the digital economy, further improve the system of public administration, expand access to it, the use of modern infrastructure.

On December 18, 2018, the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. 5598 "On additional measures for the introduction of digital economy, e-government and information systems in public administration of the Republic of Uzbekistan" was published. [4] In order to develop the digital economy, ensure the introduction of "e-government", create additional conditions for effective cooperation between the population, business and government, as well as in accordance with the Action Strategy for the five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021 e-government as a single national system to ensure effective cooperation between government, population and business, as well as integration into the global digital space. An integrated process (development, design, contracting, procurement of goods, works, services, as well as a single system of their commissioning) will be established through the establishment of a single national distributor for projects. As a result, the system of public services in our country is gradually improving, the investment climate and business environment are improving. [2, 25].

On May 18, 2019, the Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan No. PD-4321 on measures to further improve the infrastructure of the digital economy and "e-government" was published. The resolution identifies important tasks for the consistent implementation of key areas of reform in the field of improving the digital economy and e-government.

In order to achieve the set goals, as well as to achieve

ve the goal of developing a digital society in the country, creating favorable conditions for the population and entrepreneurs, developing an effective and transparent public administration system free of bureaucratic barriers and corruption, today all sectors of the economy need to be modernized. The national concept of “digital economy” is being developed, and it is expected that the development of the digital economy will allow to increase GDP by an additional 30%.

In order to further develop the science in our country, to bring up our youth with deep knowledge, high spirituality and culture, to form a competitive economy, the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev addressed an address to the Oliy Majlis on January 24, 2020. The year of development of the digital economy” confirmed the beginning of a historic turning point in the life of Uzbekistan in line with global development.

In the context of globalization and technological development of the World economy, it is difficult to imagine the economic development of Uzbekistan without a digital economy. According to the study, by 2022, a quarter of global GDP is expected to be in the digital sector. However, the fact that Uzbekistan ranks 103rd out of more than 170 countries in the International Information and Communication Technologies Development Index shows that our country still has a lot of unresolved issues and work to be done in this area. [3, 14].

“It is true to say that in today’s world, where the glorious power of our people is in full swing, the foundation is being laid for a new revival in Uzbekistan - the Third Renaissance” [2], said President Shavkat Mirziyoyev.

To achieve these great goals, one of the main goals of the Strategy of Innovative Development of the Republic of Uzbekistan for 2019-2021 is the development of human capital, and the other is to become one of the 50 leading countries in the world by 2030 according to the Global Innovation Index.

In 2015, the Republic of Uzbekistan ranked 122nd out of 141 countries in the Global Innovation Index. In subsequent years, the country was not included in this rating. In 2020, Uzbekistan returned to the Global Innovation Index. This return is a positive result of the ongoing reforms in the new Uzbekistan. The fact that Uzbekistan ranks 93rd and rises 30 places in the ranking is a result of the current focus on science and resources for innovative development. Investments in science in recent years, the formation of the regulatory framework, and most importantly, the conditions created for scientists and freedom of creativity have defined our place in the Global Innovation Index. This can be considered as a step towards attracting investment in science and innovation in the future.

In particular, more than 220 priority projects have been launched to improve the e-government system, further develop the local market of software products and infor-

mation technologies, establish IT parks in all regions of the country, as well as provide the industry with qualified personnel. In addition, a comprehensive program “Digital Tashkent” is being implemented, which provides for the launch of an integrated geoportal with more than 40 information systems, the creation of an information system for public transport and utility infrastructure management, digitalization of the social sphere and subsequent introduction of this practice in other regions.

Strategy “Digital Uzbekistan-2030” approved by the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated October 5, 2020 PD-6079 “On approval of the Strategy” Digital Uzbekistan – 2030” and measures for its effective implementation” Strategic goals for the development of digital economy and e-government, sets priorities and medium- and long-term goals, and serves as a basis for the wider introduction of digital technologies, based on the priorities set out in the UN Sustainable Development Goals and e-Government Development Rating. The Strategy “Digital Uzbekistan-2030” identifies the priorities and priorities of education and training in the field of digital infrastructure, e-government, digital economy, the national market of digital technologies and information technology as strategic goals and priorities of digital development. [4, 75].

In conclusion, the qualitative development of the economy, social sphere and public administration in the current period and the near future of human development is directly related to the widespread introduction of digital technologies. The prospects for the development of our country also depend on the development of the digital economy and the level of coverage of digital technologies. To achieve this, it is expedient to list the following main conditions and priorities for the development of the digital economy:

- creation of institutional environment and digital infrastructure, widespread introduction of digital technologies;
- Gradual provision of as full coverage as possible with the possibility of connecting to the global network of the Internet at the level of developed countries;
- Expanding the scope of training in the field of digital economy and training qualified programmers and engineers with in-depth knowledge;
- Support research in the digital economy, promote “digital literacy” among the general population, support innovative projects in the scientific community and the private sector, encourage “startup” projects in the digital economy;
- strengthening international cooperation in the field of digital economy.
- increase the volume of products requiring scientific knowledge and various incomes of the budget by increasing the income of the population;
- large-scale involvement of new types of manufacturing enterprises and modern technologies.

REFERENCES:

1. Gulyamov S.S. and others. *Blockchain technologies in the digital economy*. – T.: “Economy Finance”, 2019. – 432 p.
2. Klaus Schwab. *Fourth industrial revolution*. – M.: Eksmo, 2016. – 322 p.
3. Kaluga M.L. *Marketing networks in e-commerce: an institutional approach*. – M.: Berlin: Direct-Media, 2014. – 402 p.
4. Mesenbourg T.L. *Measuring of the Digital Economy // The Netcentric Economy Symposium*. University of Maryland, 2001. – 225 p.

ТЕХНОЛОГИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИ КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИ АСОСЛАРИ

Лочин Зарипов,

Тошкент давлат педагогика университети
“Технологик таълим” кафедраси доценти,
п.ф.ф.д. (PhD)**Аннотация**

Мазкур мақолада технология ўқитувчилари касбий тайёргарлигининг асосий мақсади, касбий тайёргарлик билан бир қаторда, таълим субъектларида ўз-ўзини тарбиялаш, ўз тақдирини ўзи белгилаш, мустақиллик ва ўзини ўзи англаш қобилиятини ривожлантиришга оид маълумотлар келтирилган.

Таянч сўзлар: технология, инновация, техник-технологик, тайёргарлик, компетенция, тайёрлик, конструктив, гносеологик, аксиологик, праксеологик.

Аннотация

В данной статье представлена информация об основной цели профессиональной подготовки учителей технологии, наряду с профессиональной подготовкой, развитие самообразования, самоопределения, самостоятельности и самосознания по учебным предметам.

Ключевые слова: технология, инновация, технико-технологический, подготовка, компетентность, готовность, конструктивный, эпистемологический, аксиологический, праксиологический.

Annotation

This article provides information about the main goal of professional training of technology teachers, along with professional training, the development of self-education, self-determination, independence and self-awareness in academic subjects.

Keywords: technology, innovation, technical and technological, preparation, competence, readiness, constructive, epistemological, axiological, praxeological.

Технология ўқитувчилари касбий тайёргарлигининг асосий мақсади юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўлиб, касбий тайёргарлик билан бир қаторда, таълим субъектларида ўз-ўзини тарбиялаш, ўз тақдирини ўзи белгилаш, мустақиллик ва ўзини ўзи англаш қобилиятини ривожлантириш заруратини кўрсатади. Шахснинг тайёрлиги ҳар қандай фаолият, шу жумладан, касбий (педагогик) фаолият самарадорлигининг дастлабки шарт сифатида қаралади. “Тайёргарлик” ва “тайёрлик” тушунчалари, уларнинг ўхшашлиги ва фарқини таҳлил қилиб кўрамиз.

“Тайёргарлик” тушунчаси ўргатиш, ёки бирор нарсани идрок этиш учун керакли билимларни бериш, йўналиш кўрсатиш маънолари билан изоҳланади. “Тайёрлик” тушунчаси эса бирор нарса қилишга розилик ёки бирор ишни амалга ошириш учун ҳамма нарса тайёр бўлган ҳолатни англатади. “Тайёр” тушунчаси ишлаб чиқилганлик, даставвал мавжудлик, бирор нарсага кодирликни англатади. “Тайёргарлик” маълум бир ишни бажаришга, соҳада фаолият юритишга бўлган тайёргарликнинг мавжудлиги сифатида ёки тайёрланганлик ҳолати ва жиҳати маъносини англатади [5, 453].

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, “тайёрлик” тушунчаси, “тайёргарлик” каби, “тайёрланиш” тушунчасини қамраб олади ва натижавий ҳолатда тайёрлик ҳолатига олиб келадиган жараёнларни кўрсатади.

“Тайёрланиш” атамаси икки маънода қўлланилади: а) ўрганиш — келгуси вазифаларни бажаришга тайёрликни шакллантириш; б) тайёрлик - белгилан-

ган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган малака, билим ва кўникмаларнинг мавжудлиги.

Касбий тайёргарлик ёш мутахассисга ўз вазифаларини муваффақиятли бажаришга, билим, тажрибадан тўғри фойдаланишга, ўзини тута билишга ва кутилмаган тўсиқлар пайдо бўлганда вазиятга мослашишга ёрдам беради. Мутахассиснинг касбий тайёрлиги - меҳнат шароитларига мослашиш, уларни янада профессионал такомиллаштириш ва малакасини ошириш учун ҳал қилувчи шартдир [5, 517].

Ўқитувчининг педагогик фаолият субъекти сифатида сифат жиҳатидан характеристикаси, яъни унинг профессионаллиги – бу касбий маҳоратнинг юқори даражаси ва шахснинг касбий тайёргарлигининг таркибий қисмлари бўлиб, улар қуйидаги таркибий қисмлардан иборат:

1. Психологик тайёрлик киши психикасининг стрессли вазиятларнинг таъсирига бардошлилик даражаси, шахснинг мослашувчанлигига, мутахассиснинг ўз қобилиятлари ва имкониятларига бўлган ишончи билан белгиланади.

2. Интеллектуал ва когнитив тайёрлик мутахассис шахсининг когнитив фаолиятидаги маълум даражадаги касбий ривожланишини ўз ичига олади: касбий идрок, фикрлаш, тасаввур, хотира, эътибор.

3. Мотивацион тайёрлик – шахснинг таълим жараёнида ривожланишига йўналтирилганлиги, касбининг моҳиятини тушиниши, касбга ижобий муносабат, зарур даражада ўз-ўзини ҳурмат қилиш, унинг

касбий ва шахсий фикрларини ҳимоялаш қобилияти ва бунга тайёрлиги, муваффақиятга эришиш учун кучли мотивация.

4. Операцион ва фаолиятга тайёрлик касбий маҳоратни (касбий муҳим фазилатлар, билимлар, кўникмалар, касбий хулқ-атвор одатлари тўплами), мутахассиснинг зарур даражадаги касбий аҳамиятга эга қобилиятлари ва ихтиёрий тайёргарлигини ривожлантиришни, унинг ўз хулқ-атвор ва фаолиятини ўзи бошқариш қобилиятини ўз ичига олади.

5. Коммуникатив тайёрлик – бу одамлар, касбий муҳит билан конструктив ва самарали алоқа қилиш кўникма ва малакаларининг етарли даражада ривожланганлиги, ходимлар ва менежерлар билан профессионал мулоқот қилиш, инсоннинг нутқ маданияти ва касбий фикрлашнинг етарли даражаси.

6. Ижодий тайёрлик – замонавий мутахассиснинг анъанавий характердаги ва ҳаёт томонидан илгари сурилган профессионал муаммоларни ҳал қилишда янги усуллар, воситалар, усулларини излаш ва аниқлаш қобилияти [1].

Кўриб чиқилган касбий тайёрлик шартларининг йиғиндиси, мутахассиснинг тегишли касбий компетенция даражасига эга бўлиши билан бирга, шахнинг касбий маҳоратининг у ёки бу даражасини ташкил этади. Бирор киши соҳани ўзлаштириши ва унда узоқ муддат фаолият юритиши жараёнида юқори даражадаги профессионалликка эришади. Бинобарин, ўқитувчининг касбий тайёрланиши касбий компетентсияни шакллантириш, кейинчалик эса мутахассиснинг профессионаллигини ошириш учун асос ҳисобланади. Бу тушунчалар ўртасида тенглик йўқ.

Технология ўқитувчисининг функционал тайёргарлиги – бу мактаб битирувчисининг техник-технологик ва шахсий тайёргарлигини таъминлайдиган касбий ва педагогик фаолиятни амалга оширишга қаратилган ўқитувчи шахсининг ҳолатидир.

Технология ўқитувчисининг шахсий тайёрлиги – бу мактаб ўқувчиларини кўп функционал тайёрлашда касбий ва педагогик вазифаларини бажаришидир.

Ушбу таркибий қисмларнинг ўзига хос таркибига қараб, мутахассиснинг касбий тайёргарлигининг турли даражалари ҳақида сўз юритилиши мумкин.

“Ўқитувчининг касбий тайёргарлиги тузилиши касбий билимлар (эпистемологик компонент), қимматли муносабатлар (аксиологик компонент) ва касбий кўникмалар (праксиологик компонент)нинг синтези билан боғлиқ” деган нуқтаи назарларини қўллаймиз. Шу тариқа, биз технология ўқитувчисининг касбий тайёргарлиги тузилишини ўзаро боғлиқ компонентлар (гносеологик, аксиологик ва праксиологик) орқали аниқлаймиз. Уларнинг таркиби қуйидагича:

1. Гносеологик таркибий қисм – касбий фаолиятнинг ва ҳал қилинадиган касбий вазифаларнинг маз-

мун-моҳиятини билиш; маълумот қидириш ва қабул қилиш, уни қайта ишлаш ва қарор қабул қилиш; фикрлашнинг касбий ўзига хослиги.

2. Аксиологик таркибий қисм – қадрият ва қадрият йўналишлари, касбий фаолиятнинг мотивлари; ҳаракатга тайёрлик; касбий фаолият ва ўз-ўзини тарбиялашга тайёрлик; шахснинг касбий муҳим фазилатлари.

3. Праксеологик таркибий қисм – кўникма, малака, ҳаракатлар (коммуникатив, информатив), тажриба.

Замонавий энциклопедияда структура деганда, объектнинг яхлитлиги ва ўзига хослигини таъминлайдиган кўплаб таркибий қисмлар ўртасидаги барқарор алоқалар тўплами тушунилади, тариқасида маълумот келтирилади [5, 611]. Бунга мос равишда, технология ўқитувчисининг касбий тайёргарлигининг барча таркибий қисмлари бир-бири билан ўзаро боғлиқ ва органик бирликни ташкил қилади.

Технология ўқитувчисини касбий тайёргарлигини политехник ва методик билимларни таркибига олган ҳолда гносеологик компонент асосида: замонавий технологияларни ва уларнинг ривожланиш тенденциясини ўрганиш; ишлаб чиқаришнинг асосий тармоқлари ва улар ўртасидаги муносабатлар билан танишиш; турли хил материалларни қайта ишлаш технологияларини ўрганиш; Ишлаб чиқариш иқтисодиёти билан танишиш; таълим муассасаларида технологияни ўқитиш методикаси бўйича билимларни эгаллаш ётади [2].

Технологик таълимда билим даражаси алоҳида аҳамиятга эга. Мутахассислик фанларни ўрганиш жараёнида талаба турли хил ишлаб чиқариш ва технологик жараёнлар тўғрисида парчаланган (фрагментлашган) маълумотни эмас, балки унга олинган билимларни фан ва техниканинг турли соҳаларида осонлик билан қўллашга имкон берадиган асосий тайёргарликни олиши керак.

Технология ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигининг аксиологик таркибий қисми қиймат муносабатлари, йўналишлар, ўқув ва касбий фаолият мотивларини (“Мен технология ўқитувчисиман” образи, ушбу образга мувофиқ шахсий қадриятлар иерархияси тузилади ва тизимлашади) ўз ичига олади.

Қиймат муносабатлари қадриятларни танлаш, баҳолаш ва актуаллаштириш билан шуғулланадиган талабаларни бошқариш жараёни сифатида қатнашади. Қадрият йўналишлари – қадриятларни шахс таркибига киритиш ва уларни амалий фаолиятда бошқариш билан боғлиқ педагогик жараённи бошқариш натижасидир [4, 128].

Субъектнинг қадриятлари тизими шахснинг яхлитлигини, идеалларга содиқлигини, ўз олдида қўйилган мақсадларига эришишда қатъиятлилигини тавсифлайди, маданиятнинг ички ядросини, шахслар ва ижтимоий жамоаларнинг эҳтиёжлари ва манфаатларининг маънавий тўпламини шакллантиради. Қадриятлар тизимининг ҳар бир қадрияти икки томонлама асосга

эга: шахсда ўзини ўзи кадрлайдиган субъект сифатида ва жамиятда ижтимоий-маданий тизим сифатида [3].

Юқори малакали технология ўқитувчисини тайёрлаш ундан касбий билим ва кўникмаларни, шунингдек, аксиологик компонентни шакллантиришни талаб қилади. Билим ва ҳаёт соҳасидаги касбга нисбатан кадрят муносабати шаклланади. Кейин кадрятларни қайта баҳолаш, ўзининг дунёдаги ўрни ва ролини тушуниш содир бўлади. “Мен технология ўқитувчисиман” образи шаклланади, бу образга кўра, шахс ўз келажагини режалаштиради, башорат қилади. Шахсий кадрятлар иерархияси қурилади ва тизимлашади. Кадрят йўналишисиз билим амалга оширилмайди ва келажак исталганидек бўлишига хоҳиш борлиги тушунилмагунига қадар лойиҳалар пайдо бўлмайди. Ўзини ўзгартириш, кадрятларни қайта баҳолаш, шахснинг кадр-қиммат шкаласини яратиш қийматга йўналтириш имкониятига олиб келади, бу жараёнда келажакнинг шахс учун кадрли эканлиги тўғрисида онгли хабардорлик юзага келади, бўлажак технология ўқитувчисининг образи рақобатбардош, ўзгарувчан яшаш шароитларига мослашишга тайёр шахс сифатида шаклланади [6, 67].

Фаолият мотивлари шахснинг “ядроти” бўлиб, унга инсоннинг барча ижтимоий-психологик ва касбий феъл-атворлари жумладан: эҳтиёжлар, қизиқишлар, диққатга сазовор жойлар, мақсадлар, идеаллар, йўналиш, муносабат ва бошқалар “тортилади”. “Мотив” атамасининг ўзи “ҳаракат” деган маънони англатади. Мотивлар уларнинг асосида ётувчи эҳтиёжлари сингари, инсон фаолиятининг натижасидир ва шу билан бирга, улар ушбу фаолиятга таъсир қилади.

В.А.Сластенинга кўра, ўқув фаолиятининг мотивлари учта ўзаро боғлиқ гуруҳлар билан ифодаланади: тўғридан-тўғри рағбатлантирувчи, истиқболли рағбатлантирувчи ва интеллектуал рағбатлантирувчи. Муаллиф тўғридан-тўғри рағбатлантирувчи мотивларни ижобий ва салбий ҳис-туйғулар билан боғлайди, истиқболли рағбатлантирувчи мотивларни билим олишнинг ва ўқув предметининг аҳамиятини тушуниш билан, билиш жараёнидан қониқишни эса интеллектуал рағбатлантирувчи мотивлар билан белгилайди [7].

Мотив мақсадни белгилаш, ҳаракат босқичларини ва уларнинг кетма-кетлигини аниқлаш, яъни режалаштириш учун ҳаракатлантирувчи кучга айланади. Фаолият турлари инсон ҳаракатларининг мотивацияси тизимини ташкил қилувчи, бир эмас, балки бир вақтнинг ўзида бир нечта фаол ва ўзаро таъсир қилувчи мотивларга жавоб беради.

Мутахассиснинг касбий тайёргарлиги асосини ташкил этадиган билимлари ўзгариб бораётган ташқи шарт-шароитларда ҳаракатчанлик ва ўзгарувчанлик каби хусусиятларига эғалик қилиши керак. Шу сабабли, инсон (талаба) томонидан ўз-ўзини

тарбиялаш, ўз-ўзини ривожлантириш, ўзини такомиллаштиришга бўлган талабни унинг касбий тайёргарлигининг ўзига хос хусусиятлари сифатида таъкидлаш муҳимдир.

Технология ўқитувчисининг касбий тайёргарлигининг праксиологик компоненти технология ўқитувчисининг гностик, лойиҳалаш, конструктив, коммуникатив ва ташкилий кўникмаларини ривожлантиришни ўз ичига олувчи касбий ва педагогик фаолиятда политехника ва услубий билимларни қўллаш кўникмаси сифатида белгиланади.

Технология ўқитувчилари талабаларни фан ва техниканинг сўнгги ютуқлари билан таништири олишлари; меҳнатда муҳофазаланиш қоидаларига риоя қилиш ва хавфсизлик бўйича тушунтиришлар ўтказиш; материалларнинг асосий хусусиятларини аниқлаш; қисмлар ва иншоатларни ишлаб чиқариш учун материалларни танлашни асослаш; энг оддий график тасвирларни яратиш ва таҳрирлаш; иқтисодий вазиятларда ҳаракат қилиш; ўз фаолияти ва талабаларнинг фаолиятини таҳлил қилиш; таълим технологияларини таҳлил қилиш ва ўз таълимий ахборотлар, ўқитиш усуллари ва шакллари танловини асослаши лозим.

Лойиҳалаштириш кўникмаклари келажакдаги ишларни режалаштириш, унинг натижасини олдиндан кўра билиш муваффақиятида намоён бўлади. Лойиҳалаштириш кўникмалари қуйидаги кўникмаларни ўз ичига олади: бўлажак фаолиятнинг мақсадларини аниқлаш ва шакллантириш; танланган усул ва технологияларнинг самарадорлигини башорат қилиш; ишнинг мантиғи ва кетма-кетлигини аниқлаш; ечимнинг муқобил вариантларини аниқлаш ва фойдаланиш; эришилган натижалар сифатини баҳолаш; ишдаги одатий хатолар ва камчиликларни инобатга олиш; дарснинг услубий тузилиши, унинг турли хил вариантларини хаёлан режалаштириш [6, 77].

Конструктив кўникмалар самарали технологик, педагогик ва услубий жараёнларни ишлаб чиқишда намоён бўлади. Талабалар бир қатор асосий маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун технологиялар (ғоялар) банкини яратиши керак; технологик маршрутларни ишлаб чиқиш, турли хил материалларни қайта ишлаш усуллари, усқуналари, материаллари, воситалари ва режимини танлаш; маҳсулотлар учун дизайн ҳужжатларини ишлаб чиқиш; график, дизайн ва бошқа ишларда компьютер технологияларидан фойдаланиш; битта дарс учун материал танлаш; ўқитиш методи ва усуллари танлаш, ўқитиш шакли ва маҳсус ўқув воситаларини танлаш; дарснинг маъруза матнини ишлаб чиқиш; дарсда янги мавзунини тушунтиришда турли хил ёндашувларни қўллаш [6, 78].

Мулоқот кўникмалари шахслараро муносабатларни тавсифлайди. Мулоқот кўникмалари қуйидаги кў-

никмаларни ўз ичига олади: маълумотни етказиш ва тинглаш; можаронинг олдини олиш; қулай шахслараро муносабатларни ўрнатиш; инсоннинг ички дунёсини, йўналиши ва келажакдаги эҳтимолли ҳаракатларини аниқлаш; муваффақият вазиятини яратиш; бошқа одамларни тушуниш; шахснинг одамларнинг қайси турига мансублигини аниқлаш; инсон ўйлари характери, инсон ҳолатини, унинг бирор бир ишга алоқадор ёки алоқадор эмаслигини аниқлаш; самарали педагогик суҳбат билан таъминлаш; бошқа кишидаги энг асосий жиҳатга эътибор қаратиш; инсоннинг ижтимоий қадриятларга бўлган муносабатини тўғри аниқлаш [6, 79].

Ташкилий кўникмалар режалаштирилган ишларни амалга ошириш муаммоларини ҳал қилади. Ушбу кўникмалар технологик ускуналар ва иш жойларини тайёрлашда; ўз вақтини тўғри тақсимлашда; ўқув фаолияти ва ундаги бажарилган ишларнинг сифатини назорат қилишда; талабаларнинг индивидуал ва жамоавий фаолиятида; ўқув материални мустақил ўрганишда; техник ўқув қўлланмаларидан фойдаланишда; талабаларнинг ўқув фаолиятлари муваффақиятли бўлиши учун шарт-шароит яратишда; дарсда талабалар вазифаларини ташкиллаштиришда намоён бўлади [6, 80].

Кўникмаларнинг фаолият юритиши ва шаклланиши тажрибанинг фаол ва мақсадли тарзда амалиётда ишлатилиниши асосида амалга оширилади.

Таълим давомида технология ўқитувчиси таркибий материалларни қайта ишлаш бўйича кўникма ва малакаларга эга бўлиши керак, чунки мактабда технология дарсларида у нафақат махсулотни ишлаб чиқариш ёки қайта ишлашнинг технологик жараёнини тушунтирибгина қолмай, балки мактаб ўқувчиларига ҳар хил турдаги асбоб-ускуналар ва асбоблардан фойдаланган ҳолда тайёрланмаларни қайта ишлашни кўрсатиши керак [6, 82].

Шундай қилиб, технология ўқитувчиларини касбий тайёрлашнинг праксиологик таркибий қисми гностик, лойиҳавий (дизайн), конструктив, коммуникатив, ташкилий кўникма, малака ва ўқув ҳамда ҳаётий тажрибани ўз ичига олади.

Талабаларни касбий тайёрлаш жараёнининг бирламчи мақсади шахснинг касбий фаолиятни амалга оширишга психологик тайёргарлигини шакллантириш бўлиши керак. Шахснинг психологик тайёргарлиги ҳар қандай фаолият, шу жумладан профессионал (касбий) фаолият самарадорлигининг дастлабки шарти сифатида қаралади.

Талаба шахсининг психологик тайёрлик ҳолати - бу унинг ўқув ва меҳнат вазифаларини бажаришда муайян хатти-ҳаракатларга бўлган қайфияти, фаол ва мақсадга мувофиқ ҳаракатларга йўналтирилганлигидир.

Бирор киши зарур билим, кўникма, малака, ўқув ва ҳаётий тажрибага, фаолиятни кадрловчи муносабатга, фаолиятда мотивларига эга бўлиши, у ушбу фаолиятни амалга ошириш учун касбий муҳим фазилатларни шакллантирган бўлиши мумкин, аммо агар у ушбу фаолиятни психологик жиҳатдан амалга оширишга тайёр бўлмаса, агар касбий фаолиятни амалга ошириш учун ички қайфияти бўлмаса, у ҳолда биз ўқитувчини касбий тайёрланган деб ҳисоблай олмаймиз [2].

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, ўқитувчининг касбий тайёргарлиги мураккаб, кўп омилли ҳодиса бўлиб, у ягона, яхлит тузилишни ифода қилади. Фаолиятнинг натижавийлиги ушбу учта таркибий қисмининг ўзаро таъсири билан таъминланади. Бинобарин, технология ўқитувчисининг касбий тайёргарлиги фақат ўзаро боғлиқ бўлган гносеологик, аксиологик ва праксиологик таркибий қисмларнинг бирлиги (яхлитлиги) мавжуд бўлганда шаклланиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шарипов Ш. Ўқувчилар касбий ижодкорлиги узвийлигини таъминлашнинг назарияси ва амалиёти. Дисс. ... пед. фан. док. – Т., 2012. – 307 б.
2. Зарипов Л.Р. Инновацион ёндашув асосида 5-7-синф ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантириш методикаси. Дис. ... п.ф.ф.д. (PhD) – Тошкент, 2020. – 141 б.
3. Гузеев В.В. Инновационные идеи в современном образовании // Школьные технологии. – 1997, – № 1
4. Кларин М.В. Инновации в обучении. Метафоры и модели: Анализ зарубежного опыта. – М.: Наука, 1997. – 224 с.
5. Педагогика: Большая современная энциклопедия / Сост. Е.С. Рапацевич. – Мн.: «Соврем. Слово», 2005. – 720 с.
6. Насырова Э.Ф. Формирование профессиональной компетентности учителя технологии и предпринимательства в процессе обучения дисциплин на предметной подготовке: дисс....канд. пед.наук: 13.00.08. – Сургут, 2007. – 189 с.
7. Слостенин, В.А. Перестрелка высшего педагогического образования и формирование социально-активной личности учителя / В.А. Слостенин, В.С. Ильин. – М.: МГПИ им. В.И. Ленина, 1987. – С. 3-12.

ЗАМОНАВИЙ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ НАЪМУНАВИЙ УСТАВИ: БЕЛГИЛАНГАН ТАЛАБЛАР, ХАЛҚАРО ТАЖРИБА ВА МИЛЛИЙ ХУСУСИЯТЛАР

Азамат Усмонов,

Жиззах давлат педагогика университети мустақил изланувчиси

Аннотация

Ушбу мақолада дунёнинг етакчи университетлари низоми, таълимий-бошқарув фаолияти ўрганилган. Шу асосда олий таълим муассасалари низомини халқаро стандартларга мослаштириш орқали бошқарув фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган фикрлар ва тавсия ўрин олган.

Калит сўзлар: Университет Низоми, корпоратив орган, университет хайрия фонди, Васийлик Кенгаши, Илмий Маслаҳат Кенгашлари.

Аннотация

В данной статье рассматривается устав, организационная и управленческая деятельность ведущих университетов мира. На этой основе выработаны мнения и рекомендации, направленные на совершенствование управленческой деятельности путем адаптации устава вуза к международным стандартам.

Ключевые слова: Устав Университета, корпоративный орган, благотворительный фонд университета, Совет Попечителей, Научные Консультативные Советы.

Annotation: This article discusses the charter, organizational and managerial activities of the world's leading universities. On this basis, opinions and recommendations have been developed aimed at improving management activities by adapting the charter of the university to international standards.

Keywords: University Charter, corporate organization, charitable foundation of the university, Board of trustees, Scientific Advisory Boards.

Жамиятнинг эҳтиёжлари фан-техниканинг ривожланиши, инсон цивилизациясининг таъсири остида доимий равишда такомиллашиб, янгиланиб боради. Бу жараён, айниқса, ижтимоий эҳтиёжларга хос бўлиб, жамият аъзоларининг таълим олишга, касб эгаллашга, инновацияларга бўлган интилишларида ўз ифодасини топади. Замонавий олий таълим муассасалари жамият аъзоларининг эҳтиёжларига мос равишда, биринчидан, давлатнинг иқтисодий тармоқлар ва соҳаларининг турли касб эгаларига бўлган эҳтиёжини таъминлашни, иккинчидан, иқтисодий учун муҳим инновациялар, таълимий бошқарув ва илмий-техник лойиҳалар инкубацияси вазифасини бажаришни талаб этади.

XXI асрга келиб дунёнинг етакчи университетларига хос бўлган муҳим ўзгаришлардан бири, уларнинг иқтисодий тармоқ ва соҳаларга трансформациялашув жараёнининг чуқурлашиб боришидир. Натижада олий таълим муассасаларининг функциялари кенгайиб, “жаҳонда рўй бераётган глобаллашув шароитида мамлакатларнинг халқаро меҳнат ва янги

технологиялар бозорларига кириб боришининг воситасига айланиб бормоқда” [1].

Халқаро миқёсда юқори нуфузга эга университетлардан Гарвард, Масачустес, Корнель, Бирмингем, Оксфорд, Кембридж тажрибасини ўрганиш натижа-сида шу нарса ойдинлашадиги, олий таълим муассасалари миссиясини белгилашда, улар фаолиятини самарали ташкил этиш ва бошқаришда аниқ мақсадни, субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, ваколат ва имкониятларини ўзида мужассам этган муассаса низомини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилган.

ОТМ низоми муассасанинг асосий ҳужжати ҳисобланади. У олий таълим муассасасининг юридик мақомини, муассаса бошқарув бўғинларининг функцияларини, профессор-ўқитувчилар, техник ва ёрдамчи ходимлар, талабалар, магистрлар, тадқиқотчи ва доктарантлар фаолиятига доир ҳуқуқ ва мажбуриятларни, муассаса мулки, маънавий, моддий ва молиявий ресурсларини тасарруф этиш тартиб-қоидаларини ўзида акс этади. Масалан:

1-жадвал

БИРМИНГЕМ УНИВЕРСИТЕТИ НИЗОМИ. [7] (Буюк Британия, Бирмингем, 22.06.2018)

Тартиб рақами	Асосий боб ва бўлимлар
1-модда	Бирменгем университети асоси
2-модда	Корпоратив орган
3-модда	Университет объектлари

4-модда	Канцлер ва про-канцлер
5-модда	Про-канцлер ўринбосарлари
6-модда	Проректор, директор ва директор ўринбосарлари
7-модда	Кенгаш
8-модда	Сенат
9-модда	Талабалар гильдияси ва битирувчилари уюшмаси
10-модда	Университет ваколатлари
11-модда	Тенг имкониятлар
12-модда	Низомлар, фармонлар ва қарорлар
13-модда	Низомнинг ўзгариш тартиби
14-модда	Ташрифчилар хартияси

Бирмингем университет низоми 1900 йил 24 мартда тасдиқланган бўлиб, асосий мазмуни ўзгармаган ҳолда, ижтимоий-иқтисодий тараққиётга мос равишда университет миссиясини модернизациялаш мақсадида 1927 йил 22 апрелда, 1975 йил 17 сентябрда, 1977 йил 29 июнда, 1990 йил 20 ноябрда, 1991 йил 16 октябрда, 1998 йил 21 октябрда, 2008 йил 1 январда, 2009 йил 1 январда ва 2018 йил 22 июнда ўзгартиришлар киритилган. Ўзгаришлар асосан таълим сифатини оширишга, илмий ва инновацион тадқиқотларни ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришга, инвестицион имкониятларини кенгайтиришга ҳамда университет фаолиятини ижтимоий-иқтисодий соҳаларга трансформациялашувини жадаллаштиришга қаратган. Масалан, Бирмингем университет низомининг 9-моддаси талабалар ва битирувчилар уюшмасини ташкил этиш тўғрисида бўлиб, унда уюшманинг мақсади, талабалар ва битирувчилар фаолиятидаги ўрни ва вазифалари очиқ берилган. Шунингдек, 350 мингдан ортиқ битирувчиларни ўзида бирлаштирган университет битирувчилар уюшмаси томонидан Бермингем университети битирувчиларига қуйидаги хизмат ва имтиёзлар тақдим этилади: спорт ва фитнес марказларида битирувчилар учун йиллик аъзолик чегирмалари; медиа марказларнинг чегирмага эга хизматлари; Бирмингем халқаро бизнес хизматлари; халқаро меҳнат бозорларида нуфузга эга компаниялар билан иш юзасидан мулоқот қилишда ёрдам бериш учун имтиёзлар.

Бундан ташқари, барча битирувчилар учрашувлари, профессионал тармоқ оқшомлари, шунингдек, битирувчилар учун университетнинг махсус журнали Бермингем университети ҳақидаги янгиликлардан мунтазам хабардор қилиб туради [10].

Бермингем университетининг 2018 йил 22 июнда қабул қилинган янги таҳрирдаги Низоми замонвий

“Университет – 3” талабларини ўзида ифода этган бўлиб, унда сифатли таълим-тарбия, илмий ва инновацион тадқиқотлар билан бир қаторда бизнесга йўналтирилган (молиявий мустақиллик) фаолиятга устуворлик берилган.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шунини кўрсатадики, иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши, тармоқ ва соҳаларнинг рақобатбардошлиги, миллий иқтисодиёт ҳамда олий таълим муассасалари кўзлаган мақсад ва стратегиянинг ўзаро уйғунлигини талаб этади. Масалан, Сингапур олий таълим муассасаларини ўрганиш жараёнида диққатни тортган томони шуки, олий таълим муассасаларининг иқтисодий тармоқ ва соҳаларга трансформациялашуви юқори даражада.

Умуман Сингапурдаги университетлар фаолиятида Осиё халқларига хос камтаринлик, меҳнатсеварлик, одоб-ахлоқ ва ишдаги қайтий тартиб-интизомга алоҳида эътибор қаратишда ҳамда бундай талаблар университет низомида ҳам ўз аксини топган. 2022 йилда дунёнинг ТОП-100 та энг яхши университетлари рейтингига 12-ўринда турувчи Сингапур миллий университети устави олий таълим муассасасини ривожлантиришнинг барча элементларини ўзида мужассам этган юридик ҳужжатлар тўплами ҳисобланади ва у қуйидагича таркибга эга;

2-жадвал

СИНГАПУР МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ НИЗОМИ ВА ҚОИДАЛАРИ [11]

Тартиб рақами	Университет низоми ва қоидалари
1-низом	Изоҳ
2-низом	Сенат ва сенат аъзолари

¹ Изоҳ: Канцлер университетнинг фахрий раҳбари бўлиб, вақти-вақти билан университетни тантанали ва элчи сифатида намоиш этади. Проканцлер идораси ҳам худди шундай ролга эга бўлиб, лавозим эгасига канцлер йўқлигида ҳаракат қилиш ёки унинг номидан вазифаларни бажариш ҳуқуқини беради. (<https://www.glos.ac.uk/information/knowledge-base/chancellor-and-pro-chancellor/>).

² Изоҳ: Гильдия – немис тилида “Gilde” уюшма маъносини беради. Яъни ўхшаш касбларга ёки бир хил мақсадларга эга бўлган 10-15 кишидан иборат уюшма. <https://ru.wikipedia.org/wiki/Гильдия>

3-низом	Факультетлар, махсус таъсис мактаблари ва академик бирликлар
4-низом	Тадқиқот институтлари
5-низом	Талабалар уюшмалари ва уларнинг фаолияти
6-низом	Талабалар; хурмат ва интизоми
7-низом	Университет хайрия фонди, турлари ва манбаалари
8-низом	Сингапур миллий университети жамғарма фонди
9-низом	Сенат, сенат қўмиталари ва ҳайъатининг мажлислар ўтказиш тартиби
10-низом	Сенатнинг бошқа қўмиталари ва кенгашлари
11-низом	Эслатмалар
12-низом	Факултет кенгашлари
13-низом	Диплом ва унга қўйилган талаблар
14-низом	Фахрий даражалар ва фахрий профессорлар
15-низом	Академик таквим ва байрамлар

Сингапур миллий университети ходимлари университети томонидан ишлаб чиқилган ахлоқ кодексига каътий амал қилади.

Сингапур миллий университети умумий низоми яхлит ҳужжатлар тўплами ҳисобланиб, ўз таркибига университетнинг барча йўналишлари бўйича алоҳида қисмлардан иборат 15 та низомни умумлаштирган.

Яна бир дунёнинг етакчи университети, яъни 50 та Нобель мукофоти совриндорлари билан ўз битирувчилари ва профессор-ўқитувчилари сифатида доимий ҳамкорлик қиладиган Америка Қўшма Штатларининг қадимий университетларидан бири ҳисобланган Корнель университети. [12]

Ушбу университет устави 1865 йилда ишлаб чиқилган ва деярли ўзининг дастлабки мазмунини сақлаб қолган.

Корнель университетининг ваколатли органлари томонидан 2020 йил 20 декабрда замонавий университетларга хос фаолият мақсадини ўзида акс эттирган янги, қайта тузатишлар киритилган университет Устави ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Унинг тузилиши қуйидаги боб ва моддалардан таркиб топган.

Низомнинг 1-моддасининг биринчи ва иккинчи бандларида университетнинг номи, юридик мақоми, ҳуқуқий асослари баён этилган. Унга кўра Корнель университети федерал ва Нью-Йорк штатининг таъ-

лим тўғрисидаги қонунларига асосан ташкил этилиши белгиланган. Ушбу модданинг 5- ва 6-бандларига

КОРНЕЛЬ УНИВЕРСИТЕТИ НИЗОМИ [8] (АҚШ, Нью-Йорк, 20.12.2020)

Тартиб рақами	Боб ва бўлимлар
1-модда	Университет
2-модда	Васийлик кенгаши
3-модда	Кенгаш қўмиталари
4-модда	Йиллик аудит
5-модда	Президент
6-модда	Корпорация ходимлари ва вице-президент
7-модда	Провостлар
8-модда	Ижрочи вице-президент ва бош молия директори
9-модда	Корпорация котиби
10-модда	Вице-президент ва бош маслаҳатчи
11-модда	Ички назорат
12-модда	Ғазначилик
13-модда	Университет факултетлари
14-модда	Университет таркибидаги коллеж ва мактаб факултетлари
15-модда	Тақдим этилган дипломлар
16-модда	Деканлар, директорлар ва бошқа академик ходимлар
17-модда	Ўқитувчилар ва илмий ходимлар – Ишга қабул қилиш муддати ва вақти
18-модда	Катта профессор
19-модда	Йўл ҳаракати ва тўхташ жойларини тартибга солиш
20-модда	Илмий маслаҳат кенгашлари
21-модда	Тиббиёт маркази
22-модда	Товон тўлаш
23-модда	Манфаатлар тўқнашуви
24-модда	Бошқа турли коидалар
25-модда	Тенг таълим ва иш билан таъминлаш имкониятлари
26-модда	Ўзгартириш усуллари
А илова	Тиббиёт коллежи ва тиббиёт фанлари олий факултети бошқаруви тўғрисидаги қарор
Б илова	Корнель технология бошқаруви тўғрисидаги қарор

³ Изох: Провост университетнинг бош илмий ходими бўлиб, университетнинг ўқув ва бюджет ишлари учун масъулдир. Провост университети учун умумий академик устуворликларни белгилашда Президент билан ҳамкорлик қилади ва ушбу устуворликларни амалга ошириш учун маблағ ажратади (<https://www.provost.umich.edu/about/what.html>).

кўра, Корнель университети молиявий йили 1 июлдан, кейинги йилнинг 30 июнигача бўлган даврни, ўқув йили эса кузги мавсумда рўйхатдан ўтишдан икки иш куни олдин бошланиб, баҳорги мавсумда якуний имтиҳонларнинг охири кунида тугайдиган 9 ойлик даврдан иборатдир.

Университет низомининг 3-моддасида Васийлик Кенгашининг қўмиталари, уларнинг функциялари кўрсатиб ўтилган. Васийлик Кенгашининг қўмиталари Ижроя қўмитаси, Ўқув ишлари бўйича қўмита, Тадқиқотлар ва инновациялар қўмитаси, Талабалар ҳаёти бўйича қўмита, Инвестициялар қўмитаси, Аудит, хавф ва мувофиқлик қўмитаси, Молия қўмитаси, Университетлар билан алоқалар қўмитаси, Бино ва мулклар қўмитаси, Кенгаш таркиби ва бошқарув қўмитаси, Битирувчилар билан ишлаш қўмитаси, Ривожланиш ва компенция қўмитасидан иборат. Бундан ташқари ушбу низомда алоҳида назарда тутилган (А ва Б илова) Васийлик Кенгашининг назорати остида иккита алоҳида бошқарув органи ташкил этилади, улардан бири Тиббиёт коллежи ишларини назорат қилиш учун маъсул бўлиб, Ижтимоий (стипендия, трансферт) Кенгаш деб аталади, иккинчиси, Корнель технология компаниясининг ишларини назорат қилиш учун маъсул бўлади ва Корнель Технология Кенгаши деб аталади.

Ўзбекистонда ҳам олий таълим муассасалари фаолиятини замонавий талаблар асосида ташкил этиш, уларнинг ташкилий-бошқарув ва молиявий мустақиллигини ошириш юзасидан тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бундай ўзгаришлар тегишли тартибда меъёрий ҳужжатларни ўзгартиришни тақозо этади. Университет низоми олий таълим муассасасининг бутун бир миссиясини акс эттиради. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонунининг 32-моддаси ва Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 341-сон Қарорининг 7-банди ижросини таъминлаш мақсадида Давлат олий таълим муассасасининг Намунавий устави ишлаб чиқилган эди. Ушбу ОТМнинг намунавий уставида олий таълим муассасаларининг анъанавий талаб ва функциялари билан замонавий бизнес университетлар (Университет-3) фаолиятига хос талаб ва функциялар уйғунлиги ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 13 майдаги 169-сонли буйруғига асосан илова сифатида киритилган Давлат олий таълим муассасаларининг намунавий устави бугунги кун ОТМларига қўйилган талаблардан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги бўлимлардан таркиб топган: Умумий қоидалар; Муассасанинг асосий мақсади, вазифалари ва функциялари; Муассасанинг талабалари, тингловчила-

ри ва изланувчилари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари; Ўқув-тарбиявий ва илмий-услубий ишлар; Муассасанинг профессор-ўқитувчилари таркиби, ўқув-ёрдамчи ва маъмурий-хўжалик ходимлари; Муассасанинг таркиби; Муассасани бошқариш; Жамоат ташкилотлари; Молия-хўжалик фаолияти ва моддий-техник базаси; Халқаро ҳамкорлик; Яқуний қоидалар [2].

Таққослаш учун, олий таълим муассасаларининг ҳозиргача амалда бўлган низоми университетларнинг анъанавий талаб ва функцияларини ўзида ифода этган қуйидаги бўлимлардан иборат эди: Умумий қоидалар; Институтнинг мақсад ва вазифалари; Институтнинг таълим олувчилари; Институтда ўқув-тарбия ва илмий-методик ишлар; Институтнинг таркиби; Профессор-ўқитувчилар, ҳамда ўқув-тарбия жараёнини ташкил қилувчи ёрдамчи ходимлар таркиби; Институтнинг бошқарув органлари; Институт жамоатчилик ташкилотлари; Институт мулки ва маблағлари; Институтни қайта ташкил этиш ва тугатиш [3].

Янги таҳрирдаги намунавий низомда бир қатор янгилик ва ўзгаришларнинг гувоҳи бўламиз. Жумладан, олий таълим муассасаларига нисбатан қўйилган замонавий талаблардан келиб чиқиб, “Молия-хўжалик фаолияти ва моддий-техник базаси” ҳамда “Халқаро ҳамкорлик” бўлимлари киритилиб, олий таълим муассасалари фаолиятига нисбатан қўйилган талаб ва функциялар кенгайтирилиб, замонавий университетларнинг фаолият стандартларига мослаштирилган.

Таҳлил натижаларидан шу нарса ойдинлашдики, олий таълим муассасаларининг янги намунавий низомида киритилган муҳим ўзгаришлардан бири бу олий ўқув юрларининг бозор иқтисодиёти қонуниятларига (рақобат қонуни, эҳтиёж ва талабларнинг ўсиб бориш қонуни, қиймат қонуни) мос ташкилий-бошқарув, иқтисодий ва молиявий жиҳатдан мустақил субъект сифатида фаолият юритишини ташкил этиш орқали миллий ва халқаро доирада уларнинг рақобатбардошлигини ошириш асосий мақсад қилиб олинган. Янги таҳрирдаги намунавий низомнинг “Муассасанинг асосий мақсади, вазифалари ва функциялари” бўлимида ОТМларининг асосий мақсади қуйидагилардан иборат этиб белгиланган: “...халқаро таълим майдонида рақобатбардош, юқори малакали, замонавий иқтисодиётнинг тегишли соҳалари бўйича олий маълумотли мутахассисларни ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш муассасанинг асосий мақсади ҳисобланади” [4].

Олий таълим муассасаларининг янги таҳрирдаги намунавий низомининг “ОТМларининг асосий вазифалари” бандида киритилган муҳим ўзгаришлар қаторига, биринчидан, кадрлар тайёрлашда таълим йўналишлар бўйича қабул квоталари, ўқув режалари, билими ва малакаси меҳнат бозорида иш берувчининг эҳтиёжи ва талаблари асосида ташкил этилиши

белгиланган. Иккинчидан, ОТМнинг ривожланган хорижий давлатларининг етакчи таълим ва илмий муассасалари билан ҳамкорлигини, кўшма ҳуқуқий тадқиқотларни, профессор-ўқитувчилар ва талабалар ўзаро алмашинувини фаоллаштириш, учинчидан, таълимнинг Европа кредит тизими асосида жорий этилиши, талабалар томонидан фанларни танлаш имкониятининг яратилганлиги, тўртинчидан, иқтисодиётнинг турли соҳаларида амалий иш тажрибасига эга мутахассисларни таълим жараёнига кенг жалб этиш ва ҳамкорлик алоқаларини изчил йўлга қўйиш, бешинчидан, миллий иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳалари бўйича устуворликка эга бўлган ишлаб чиқариш эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда илмий-тадқиқот ишлари ва инновацион лойиҳаларни амалиётга тадбиқ этиш кабиларни келтириб ўтишимиз мумкин.

Бозор иқтисодиётининг объектив қонунларига асосан олий таълим муассасалари мавжуд талабни инобатга олган ҳолда, “тўлов-контракт асосида ўқитиш қийматини белгилаш; талабаларнинг тўлов-контракт маблағларини тўлаш муддатларини белгилаш ва узайтириш; таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни қўллай оладиган ва илмий изланиш олиб борадиган маҳаллий ҳамда хорижий профессор-ўқитувчи ва мутахассисларни шартнома асосида жалб қилиш; ўқув-илмий жараёнларга жалб этилган хорижий юқори малакали мутахассислар меҳнатига

ҳақ тўлаш миқдорларини бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб белгилашга оид қарорлар қабул қилиш; профессор-ўқитувчилар штат бирликларини киритиш меёрларини ишлаб чиқиш; ўз маблағлари ҳисобидан талабалар учун стипендия ва грантлар ажратиш; хорижий давлатлардан ўқув ва илмий адабиётлар, дарслик ҳамда ўқув қўлланмаларни муаллифлик ҳуқуқи бўлган ишлаб чиқарувчилардан тўғридан-тўғри харид қилиш; бўш турган бино ва иншоотларда пуллик хизматлар кўрсатиш тартибини белгилаш; автотранспорт воситаларининг йўл босиш йиллик лимити ва уларга хизмат кўрсатиш талабларини белгилаш” [6] каби муҳим ўзгаришларни ўз ичига олган.

Хулоса қилиб айтсак, юқоридаги ўзгаришлар олий таълим муассасалари иқтисодий функцияларнинг кенгроқ жабҳаларда намоён бўлишини тақозо этади ҳамда улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини вужудга келтиради. Натижада олий таълим муассасаларида таълим олиш учун яратилган шарт-шароитлар, ўқитишнинг моддий-техник базаси, профессор-ўқитувчиларнинг илмий ва методик салоҳияти, ўқув машғулотларнинг сифат даражаси, тармоқ ва соҳаларни юқори маҳоратга эга мутахассислар билан таъминлаш, олий таълим муассасаси доирасида илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ташкил этиш билан боғлиқ имкониятларининг кенгайишига сабаб бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қ. Тўхсонов, А. Ҳамроев “Минтақавий ва халқаро тенденциялар доирасида олий таълимнинг сифатини таъминлаш масалалари”, “Ўзбекистонда олий таълим”. Илмий, ўқув-услубий, таҳлилий журнал. 2022 йил 1-сон. 86-бет.
2. “Давлат олий таълим муассасаларининг наъмунавий устави”. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 13 майдаги 169-сонли буйруғи.
3. Жиззах давлат педагогика университетининг низоми. *Jspu.uz. Jizzax davlat pedagogika instituti rasmiy sayti.*
4. “Давлат ОТМларининг наъмунавий устави”. 2-бўлим, 8-банд.
5. “Давлат ОТМларининг наъмунавий устави”. 9-бўлим, 57-банд.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-61-сонли қарори. *Xalq so'zi gazetasi, 2021 yil 26 dekabr, №277(8057)*
7. *Charter of the university of Birmingham. 27th June 2018y.*
<https://www.birmingham.ac.uk/university>
8. *BYLAWS OF CORNELL UNIVERSITY. Effective December 20, 2020y.*
<https://www.cornell.edu/search>
9. https://en.wikipedia.org/wiki/University_charter
10. <https://www.birmingham.ac.uk/alumni/index.aspx>
11. <https://www.nus.edu.sg/registrar/administrative-policies-procedures/nus-statutes-and-regulations>
12. <https://news.cornell.edu/content/nobel-laureates-affiliated-cornell-university>

RUS TILINI O'RGANISH AHAMIYATI VA O'QITISHDA INTERFAOL USULLARDAN FOYDALANISH KO'NIKMALARI

Gulistan Musayeva,
Chirchiq davlat pedagogika universiteti

Annotatsiya

Tilning asosiy funksiyalari uning sinfiy hodisa emas, balki ijtimoiy ekanligini ko'rsatadi. Barcha odamlar, ularning sinfiy va ijtimoiy yoki professional guruhlaridan qat'i nazar, muloqot, fikr yuritishlari va fikrlarini bildirishlari lozim.

Kalit so'zlar: rus tili, xalqaro ta'lim markazlari, jahon tillari klubi, xalqaro rus tili va adabiyoti o'qituvchilari assotsiatsiyasi, atama.

Аннотация

Основные функции языка показывают, что язык - явление не классовое, а социальное. Все люди, независимо от их сословной и социальной или профессиональной группы, должны общаться, думать и выражать свое мнение.

Ключевые слова: русский язык, международные образовательные центры, мировой языковой клуб, международная ассоциация преподавателей русского языка и литературы, термин.

Annotation

The basic functions of language show that language is social, not a class phenomenon. All people, regardless of their class and social or professional group, need to communicate, think, and express their opinions.

Keywords: Russian language, international educational centers, world language club, international association of teachers of russian language and literature, term.

Jamiyat odamlarning eng muhim vositasi bo'lgan til-dan foydalanmasdan yashay olmaydi. Biron bir inson faoliyati yo'qki, tilni o'zlarining fikrlari, hissiyotlari va iroda ifodasi sifatida qo'llamas. Vaqt o'tishi bilan odamlar uning doimiy hamrohi, tilga qiziqib qolishdi va u haqida fan yaratdilar. Ushbu fan hozirgi kunda tilshunoslik yoki lingvistik fan deb ataladi. Kasbi tilni o'qitish yoki tadqiq qilish bilan bog'liq bo'lganlar uchun ushbu fan, shuningdek, tilni professional vosita sifatida ishlatishi lozim bo'lganlar (o'qituvchilar, advokatlar, ma'ruzachilar, jurnalistlar, yozuvchilar va boshqalar) uchun juda muhimdir.

"Rus tili – bu dunyo tili", deydi taniqli tilshunos Vyacheslav Belousov. Uchinchi ming yillikda u madaniy yoki tarixiy ahamiyatini yo'qotmaydi. U nafaqat MDH davlatlarida, balki butun dunyoda ham o'z mavqegini saqlab qoladi".

Rus tilining dunyo tillari sifatida vazifalari Birinchidan, rus tili (ingliz, xitoy, fransuz, ispan va arab tillari bilan bir qatorda) ko'plab xalqaro tashkilotlar - BMT, YUNESKO va boshqalarning rasmiy tili hisoblanadi. Bu shuni anglatadiki, ushbu tashkilotlarning rasmiy hujjatlari, maxsus jurnallari rus tilida nashr etiladi, ularning veb-saytlari yaratilmoqda va radioeshittirishlar olib borilmoqda. Rus tili – bu xalqaro nodavlat tashkilotlarning deyarli uchdan bir qismi, shu jumladan Jahon kasaba uyushmalari federatsiyasi va Yevropa xavfsizligi bo'yicha xalqaro qo'mita gapiradigan tillardan biridir. Shuningdek, u turli mamlakatlar vakillari o'rtasidagi aloqani yengillashtirish uchun yirik xalqaro konferensiyalar va sammitlarda ish tili sifatida ishlatiladi.

Ikkinchidan, rus tili eng yirik xalqaro ta'lim markazlaridan birining tili.

Uchinchidan, rus tili nafaqat rus ilm-fani va madani-

yati boyliklariga, balki boshqa mamlakatlarga ham kirish imkoniyatini ochib beradi, turli xalqlar, xususan yevroosi yo mintaqasida o'zaro vositachilik vazifasini o'taydi. Va nihoyat, dunyoda nashr etilgan ilmiy va badiiy adabiyotlarning aksariyati rus tiliga tarjima qilinadi.

To'rtinchidan, Rossiya xalqaro ta'lim bozorida muhim rol o'ynaydi. Rus tili jahon standartlari darajasida yuqori kasbiy ma'lumot olish imkoniyatini beradi.

Beshinchidan, madaniyat bilan, xususan, uning ortida turgan, umumbashariy ahamiyatga ega bo'lgan adabiyot bilan tanishish istagi hanuzgacha rus tilini o'rganishga bo'lgan qiziqishning muhim sababi hisoblanadi. YUNESKO va Yevropa Kengashining turli madaniyatlari o'rtasidagi muloqotlar bu bizning davrimizning dolzarb vazifasi deb biladi, chunki bunday suhbatlar boshqa odamlarning qadriyatlarini va an'alarini o'zaro tushunishni, asrlar davomida to'plangan tajriba almashishni, dunyoda yashaydigan xalqlarning o'tmishi, buguni va kelajagining dolzarb masalalari bo'yicha fikr almashishni nazarda tutadi [1, 15].

Oltinchidan, talabalarning ma'lum bir guruhini rus tilidagi qiyinchiliklari o'ziga jalb qiladi. Amerikalik talabalarining fikriga ko'ra, rus tilini to'siqlarni yengishni yaxshi ko'radiganlar tanlaydi.

Rus tili dunyodagi ahamiyati nihoyatda katta bo'lgan eng boy badiiy adabiyotning tili. So'nggi o'n yil ichida MDHdan tashqari mamlakatlarda rus tiliga qiziqish biroz pasaygandek. Ammo bugungi kunda borgan sari ko'proq odamlar yana unga murojaat qilishmoqda. Bir tomondan, ular rus madaniyati bilan qiziqishadi, ikkinchidan, bu sof pragmatik qiziqishdir, chunki rus tili ularga rus ishbilarmonlari bilan hamkorlik qilish va uzoq muddatli ishbilar-

monlik aloqalarini o'rnatish imkoniyatini beradi. Avvalo, gap MDH doirasidagi hamkorlik haqida ketmoqda. Sababi rus tili ittifoq davrida xalqaro aloqa tili edi va shu kungacha shunday bo'lib qolmoqda.

Rus tili zamonaviy dunyoni qiziqtirishni davom etmoqda. Rossiya matbuotidagi nashrlarda yozilishicha, so'nggi paytlarda rus tili va adabiyotini o'rganishni boshlagan AQSh, Fransiya, Ispaniya, Shvetsiya, Finlandiya, Avstriya va Koreya fuqarolari soni bir necha bor oshgan.

Rus tili nafaqat Rossiya Federatsiyasining rasmiy tili, balki dunyo tillaridan biri, ya'ni turli davlatlar xalqlari o'rtasida xalqaro aloqa vositasi bo'lib xizmat qiladigan tildir. Dunyoda ma'lum bo'lgan ikki yarim mingdan ziyod tillarning ichida dunyoning eng rivojlangan tillari guruhi deb nomlangan Jahon tillari klubi xalqaro aloqani ta'minlaydi. Tilni dunyo tili sifatida targ'ib qilish ushbu tilda yaratilgan madaniyatning umuminsoniy ahamiyati bilan belgilanadi. Tilning jahon tili maqomi qonuniy ravishda xalqaro tashkilotlar yoki konferensiyalar (BMT, YUNESKO va boshqalar) ning rasmiy yoki ishchi tili sifatida tan olinishi bilan ta'minlanadi. Masalan, rus tili ingliz, arab, ispan, xitoy va fransuz tillari bilan birga BMTning oltita rasmiy tillaridan biri sifatida tan olingan; unda eng muhim xalqaro shartnomalar va bitimlar yozilgan. Rus tili dunyoning aksariyat mamlakatlarida o'rganiladi. Rus tili o'qituvchilari Xalqaro rus tili va adabiyoti o'qituvchilari assotsiatsiyasiga (MAPRYAL) birlashtirilgan.

Hozirda rus tili unda gapiradigan odamlar soni bo'yicha dunyoda hali ham to'rtinchi o'rinda turadi. Ro'yxatning yuqori qismida ingliz tili (taxminan 500 million kishi ingliz tilini birinchi yoki ikkinchi tili sifatida bilishadi, va 1 milliarddan oshig'i ingliz tilini chet tili sifatida bilishadi) va xitoy tili (unda deyarli 1350 milliondan ortiq kishi ona tili sifatida gaplashadi). Uchinchi o'rinda ispan tili (bu tilda 360 million kishi, shu jumladan, 335 millionga yaqin ona tilida so'zlashadiganlar gaplashadi).

Shunday qilib, zamonaviy dunyoda rus tilining ulkan roli uning madaniy qiymati, qudrati va buyukligi bilan belgilanadi.

So'nggi o'n yillikda dunyoda ro'y bergan tezkor ijtimoiy-siyosiy o'zgarishlar jamiyatning ijtimoiy tuzilishidagi tub o'zgarishlarga olib keldi, albatta, bu rus tilining rivojlanishi va faoliyati uchun oqibatlargasiz qolishi mumkin emas edi.

Dunyodagi lingvistik vaziyatning hozirgi holatining o'ziga xos xususiyati shundaki, lingvistik o'zgarishlarning aksariyat qismi jamiyatdagi o'zgarishlar bilan bog'liq [2, 25].

Til odob-axloq me'yorlarini e'tiborsiz qoldirish mumkin deb hisoblaydigan odamlar nisbati tobora ortib bormoqda. Chet elliklarga murojaatlarning soni sezilarli darajada oshdi, ayniqsa yirik shaharlarda lingvistik odob-axloq qoidalarining "an'anaviyligi", uning zamonaviy aloqada foydasizligi to'g'risida fikr shakllantirish tendensiyasi kuzatilmoqda. Til madaniyati va matbuot, radio va televizion xodimlarning umumiy madaniyati keskin pasayib ketdi. Ko'plab lingvistik xatolar va lingvistik madani-

yat me'yorlaridan qo'pol og'ishlar e'firda uchraydi. Tilga nisbatan e'firdagi zamonaviy erkin xatti-harakatlar ovozining ko'payishiga, gapirish tezligiga, artikulyatsion keskinlikning kuchayishiga va tomoshabin bilan suhbatning haddan tashqari emotsionalligiga olib keladi va ko'pincha shafqatsizlik, xavfli nutq epitellari va metaforalaridan foydalanishga olib keladi. Barcha ijtimoiy va yosh guruhlari da lingvistik madaniyat darajasi pasaygan.

Bosib chiqarilgan nashrlarni, xususan, gazetalarni kompyuterda terish va tarjima sohasida qo'pol xatolarga olib keladi, bu esa aholi orasida bugungi kunda tarjima qoidalari bekor qilingan degan qat'iy fikrni keltirib chiqaradi.

Jamiyat siyosatchilar nutqiga tobora ko'proq e'tibor qaratmoqda, ularning xatolari matbuotda qayd etilib, masxara qilinmoqda. Bu yangi avlod siyosatchilarini o'z nutqi uchun mas'uliyatni ko'proq olishga va o'z ustida ishlashga undaydi.

Fuqarolarning kundalik hayotini intensiv ravishda texnik qayta jihozlashni texnik inqilob deb ta'riflash mumkin va bu, birinchi navbatda, zamonaviy maishiy va ofis jihozlarining asosan xorijiy ishlab chiqarishning kundalik hayotida keng qo'llanilishi bilan bog'liq. Kompyuterlar, videokameralar, yangi avlod televizorlari, fakslar, nusxa ko'chirish moslamalari, maishiy texnika, xorijiy mashinalar – bularning barchasi rus tilida ko'plab yangi atamalar va so'zlarning paydo bo'lishiga olib keldi. Shu bilan birga, chet eldan olib kiriladigan avtomobillarga oid ko'plab ko'rsatmalar, mashinalar boshqaruvidagi yozuvlar chet tilini, asosan ingliz tilini o'rganishga rag'batlantiradi.

Yuqori sifatli zamonaviy aloqa – uyali telefonlar, kompyuter aloqasi va boshqalar yozma aloqaning qisqarishiga olib keladi, telefon aloqasi va texnik vositalar bilan aloqa ulushi ortib bormoqda. Bu aholining, ayniqsa, yoshlarning savodxonligi darajasining pasayishiga olib keladi. Xuddi shu sababga ko'ra, badiiy adabiyot, ayniqsa yuqori darajada badiiy adabiyotdarning o'qish hajmi kamaymoqda.

Ommaviy axborot vositalari (radio, televideniye) bilan aloqa ulushining oshishi zamonaviy odamning quloq orqali ma'lumotni qabul qilish hukmronligiga va yozma matnni tushunish va izohlash qobiliyatining zaiflashishiga olib keladi.

Bu zamonaviy jamiyatda nutq madaniyati me'yorlarini ta'minlash bo'yicha maqsadga muvofiq ish, odamlarni o'z nutq madaniyatiga e'tibor berishga o'rgatish muammosini keltirib chiqaradi.

Ta'limning zamonaviy paradigmasi shaxsga yo'naltirilgan ta'lim, individualizatsiya va differentsiatsiya kabi tushunchalar ta'lim faoliyati, o'quv motivatsiyasini shakllantirish, talabalarning o'zini rivojlantirish kabi ilmiy va nazariy ko'nikmalariga asoslanadi.

Hozirgi kunda ta'lim protsessini to'g'ri tashkil etishni ta'minlaydigan axborot va ta'lim muhiti masofaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanishning konseptual g'oyalari Internet tarmog'iga va undagi ma'lumotlardan mohirlik bilan foydalana olgan holda, zamo-

naviy tarzda muvaffaqiyatli amalga oshirilmoqda. Ushbu jarayonning eng muhim yo'nalishlaridan biri o'qituvchilarni o'quv jarayonida texnologiyalardan foydalanishga tayyorlash va ularda axborot-kommunikatsiya kompetensiyasini (AKT kompetensiyasi) shakllantirishdan iborat. Asosan talabalar va o'qituvchilar jamoasi tomonidan bilvosita (masofadan elektron ta'lim) o'zaro aloqada bo'lgan axborot va telekommunikatsiya tarmoqlaridan foydalanilgan holda amalga oshiriladigan ta'lim texnologiyalari masofaviy o'qitish texnologiyalari deb tushuniladi.

Elektron ta'lim deganda talabalar va o'qituvchilar jamoasi xamkorligida ma'lumotlar bazalarida mavjud bo'lgan va amalga oshirishda foydalaniladigan ma'lumotlardan foydalanish o'quv ma'lumot dasturlari va ma'lumotlarni qayta ishlash texnologiyalar, texnik vositalar, shuningdek, axborot va telekommunikatsiya tarmoqlari, ko'rsatilgan ma'lumotlarning aloqa liniyalari orqali uzatilishini ta'minlash, o'zaro ta'sir ta'lim faoliyatini tashkil etish tushuniladi. Masofaviy ta'lim tizimidagi o'qitish asosan uchta: kunduzgi, sirtqi va sirtqi ta'lim sifati shaklida belgilanadi. Ta'lim olishning shakli sifatida ta'limning ikki xil shakli mavjud bo'lib, birinchisi – ta'lim faoliyatini amalga oshiradigan tashkilotlar va ikkinchisi – ta'lim faoliyatini amalga oshiradigan tashqi (oilaviy ta'lim va o'z-o'zini tarbiyalash shaklidagi)si.

O'z-o'zini tarbiyalashning xususiyatlaridan biri, masofaviy o'qitish kurslarini katta foizni o'z ichiga oladigan Internet-resurslaridan faol foydalaniladigan mustaqil ish jarayonidir. Zamonaviy o'quv jarayoni kunduzgi masofaviy va ta'lim texnologiyalaridan va elektron resurslardan foydalanilgan holda onlayn masofaviy yoki kunduzgi ta'lim faoliyatini amalga oshiradigan tashkilotlarda aralash ta'lim shaklida taqdim etiladi [3, 35].

“Onlayn masofaviy o'qitish darslar vositasida talaba yoshlarimiz ko'proq mustaqil ishlashga, ilmiy ijod bilan shug'ullanishlariga, kitoblarni mutolaa qilishlariga imkoniyatga ega bo'ldilar, pedagog-o'qituvchilarimiz esa xorij olimlari ishtirokida tashkil qilinayotgan onlayn videokonferensiyalarda qatnashib, kasbiy mahoratlarini rivojlantirish uchun muntazam ishlashga intilyaptilar.

Hozirgi vaqtda o'qitish va tarbiyalashning yangi texnologiyalariga sifat jihatdan tez o'tish uchun ob'ektiv asos yuzaga keldi, chunki iqtisodiy va ijtimoiy hayotdagi innovatsion jarayonlar o'z-o'zidan ta'limda ham tubdan o'zgartirishlarni taqozo etmoqda. Hech bir o'qituvchi-pedagog ertami-kechmi bu jarayonga qo'shilmasdan chetda qolishi mumkin emas.”

MDH davlatlarining masofaviy o'qitish, ta'lim tizimining tarkibiy qismi va shakli sifatida ko'rib chiqan olimlar va yetakchi mutaxassislar qatorida Pedagogika fanlari doktori professor E.S. Polatning takidlashicha, “... masofaviy o'qitish – bu ta'lim shakli, bunda o'qituvchi va talabalar va talabalarning bir-biri bilan o'zaro ta'siri amalga oshiriladi masofa va ta'lim jarayoniga xos bo'lgan barcha tarkibiy qismlarni (maqsadlar, mazmun, usullari, tashki-

liy shakllari, o'qitish vositalari), aniq tomonidan amalga oshiriladi Internet texnologiyalari yoki boshqa ta'minlovchi vositalar yordamida interaktivlikdir”.

Masofaviy ta'lim kursini uchun maxsus LMS (Learning Management System) LMS – tizim kabi dasturiy ta'minot (qobiqlar) ta'limni boshqarish, Moodle – kurslarni boshqarish tizimi (elektron ta'lim) va boshqalarlardan ishlab chiqish uchun foydalaniladi. Masofaviy kurs – ishtirokchilarining bu interfaol uchun maxsus tizim ta'lim jarayonidagi o'zaro ta'siri. Bu ta'lim manbai (vab-sayt), masofaviy tizim uchun zarur bo'lgan bir qator bo'lim sahifalarini o'z ichiga olgan ma'lum bir kurs doirasida va bir-biri bilan chambarchas bog'liq mashg'ulot bo'lib, masofaviy kursni ta'minlaydigan tizim sifatida ko'rish mumkin.

Bu kurs bir qator elementlardan tashkil topgan didaktik sikl:

- o'quv-uslubiy majmua (O'UM);
- o'quv materiallari joylashtirilgan dasturiy vab-sayti yoki LMS;
- ushbu kurs uchun o'qitish jarayonida ehtiyojga qarab Internet web2.0 xizmatlari to'plami.

UMK an'anaviy ravishda quyidagi bloklarni o'z ichiga oladi: tashkiliy blok: kirish (video, matn), a'zolarining yig'ilish joyi o'quv guruhi (forum, ijtimoiy tarmoq), foydalanish bo'yicha ko'rsatmalar kursda ishlatiladigan dasturiy ta'minot (bu LMS bo'lishi mumkin, xizmatlari web2.0 va kursni o'rganish uchun qo'llanma, kurs dasturi, setiket; Internet tarmog'ida o'zini tutish qoidalari, kirish va chiqish anketalari).

- nazariya;
- ta'lim ma'lumotlari turli shakllarda taqdim tilishi mumkin: grafikali matn, kurs mavzusi bo'yicha video ma'ruzalar, vab-seminarlar, ochiq Internet-resurslarni yozib olish;
- amaliy mashg'ulotlar: seminarlar, topshiriqlar, tezislar, keyslar va referatlar;
- nazorat turlari: testlar, o'zini o'zi boshqarish va o'zaro nazorat uslubida tashkil etilgan bitiruv malakaviy ishlar, portfolio va boshqalar;
- pedagogik muloqotga kirishish jarayoni: masalan o'qituvchi va talabalar o'rtasidagi virtual aloqada konferensiya, forum yoki ZOOM dasturida dars o'tish uchun maxsus joyning mavjudligi.

Masofaviy kursning ushbu o'qitish modeli tavsiflash nuqtai nazaridan o'zgaruvchan bo'lib, tanlov xususiyatlarini inobatga olgan holda, kursning bloklari yoki bo'limlari soni, ularning ketma-ketligi, mazmuni maqsadi, talabalar ehtiyojlari, dasturiy ta'minotiga qarab farq qilishi mumkin.

Masofaviy ta'limning o'qitishning tashkiliy shakllari va vositalari har bir modeli o'ziga xos usullarga ega. Hali ham dolzarbligini yo'qotmagan va aksincha, o'z ahamiyatini yangi rivojlanish nuqtasi sari ildamlab borayotgan masofaviy ta'limning asosiy modellariga quyidagilar kiradi:

- tarmoqdagi kunduzgi va masofaviy o'qitishning integratsiyasi;

- masofaviy o'qitish kursining erkinligi;
- axborot va ta'limni yetkazish muhiti (virtual maktab, bo'lim, kafedra, universitet);
- tarmoq ta'limi, keys texnologiyalari va videokonferensiyalar;

Rus tilini o'qitish mazmunining yetakchi komponenti fanning asoslari emas, balki faoliyat usullari – nutq faoliyatining har xil turlarini o'rgatish: gapirish, tinglash, o'qish va yozish kabi o'ziga xos xususiyatga ega. Muloqot qobiliyatini shakllantirish (kommunikativ kompetensiya) va lingvistik tushunchalar va til tizimi to'g'risida bilimlarni yaratish tilning aloqa vositasi sifatida ishlashi rus tilini o'rgatishning maqsadiga kiradi [4, 15].

“Rus tili” predmeti bilan “Ona tili”ning farqi shundaki, nutq amaliyotining miqdori yuqoriligi (oilada, do'stlar, tanishlar va boshqalar bilan) va rus tilida muloqot qilish qoida shaklida, universitetdagi chegaralangan haftalik soatlardagi amaliy seminarlar doirasi bilan cheklanadi. Rus tilini yanada samarali o'rgatish va o'qitish uchun nutq ko'nikmalarini nutq amaliyoti hajmini oshirish kerak, an'anaviy yuzma-yuz mashg'ulotlarida rivojlantirish kerak.

Internetdan axborot va ta'lim muhiti xizmatlari imkoniyatlaridan foydalangan holda, mustaqil ish, maxsus tanlov va o'quv materialini tizimlashtirish, interaktivlik, zamonaviy pedagogik texnologiyalar rus tilini o'z ona tillari sifatida so'zlashuvchilarni jalb qilish va ular bilan aloqani tashkil qilish masofaviy ta'limning asosiy xususiyatlari hisoblanadi.

Rus tilidagi Internet-resurslardan matnlarni o'qish va video tomosha qilish asosida dolzarb ma'lumotlar, masalan, dunyodagi so'nggi voqealar (sport, madaniy, siyosiy va boshqalar), o'z ona tili hisoblangan rusiyzabon ma'ruzachilarning matnlari (siyosiy arboblarning konferensiyalardagi chiqishlari, seminarlar, taqdimotchilarning e'lonlari), filmlar, videolar, elektron materiallar kutubxonalar va boshqa ma'lumotlardan til zaxiraini boyitishda foydalanib ishlashga imkon beradi. Dolzarb ma'lumotlarni

olish jarayonida o'quvchilarning axborot-kommunikatsiya kompetensiyasini shakllantirib, rus tilini o'rganish uchun individual ta'lim traektoriyasi va motivatsiyasi oshadi hamda ma'lumot, loyiha, ijodiy, tadqiqot faoliyati bilan bog'liq vazifalarning rivojlantirishni talab qiladi.

Masofaviy kurs jarayonida rus tilini yanada samarali o'rganishga hissa qo'shadigan pedagogik texnologiyalar dars mazmuni: munozaralar, rol o'yinlari, loyiha faoliyati va boshqalar uchun o'quv materialini hisobga olish muhimdir.

Zamonaviy axborot dunyosida odamlarning aloqasi yordamida amalga oshiriladigan har xil turdagi raqamli qurilmalar rus tilda nutq amaliyotining zichligini oshirish mumkin bo'lgan (mobil telefonlar, smartfon, ayfon, planshetlar kompyuterlar va boshqalar). hozirgi vaqtda konsepsiya sifatida rivojlanib borayotgan mobil ta'lim tufayli ham muassasalar ixtisoslashtirilgan o'qitish (tanlov kurslari), rasmiy va norasmiy ta'lim integratsiya tufayli kengaymoqda va o'qituvchilar, murabbiylar va boshqalarning kasbiy rivojlanishi ortib bormoqda.

Shunday qilib, ta'kidlash kerakki, tillarni o'qitishda axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish, rus tilini o'rganishdagi kommunikativ kompetensiyani shakllantirish, talabalarga yo'naltirilgan ta'lim, ta'lim faoliyatini individualizatsiya qilish va differentsiyalash, o'z-o'zini tarbiyalash va talabalarning o'z-o'zini rivojlantirish masofaviy ta'limni rag'batlantiruvchi omil hisoblanadi.

Pedagogika fanining oldida mavjud zamonaviy masofaviy kurslar uchun maxsus ishlab chiqilgan onlayn ta'lim maqsad va model tanlashga bog'liq ta'lim, mavjud o'quv qo'llanmalarini uslubiy ishlab chiqish, yangilarini tadqiq etish, rus tilini o'qitishda istiqbolli bo'lgan texnik vositalar trening tarkibini tanlash, masofaviy kursda rus tili o'rganishning dasturiy ta'minot imkoniyat va kompetensiyalar, o'qituvchilar tarkibi va o'quv jarayonining barcha ishtirokchilarining tarmoqqa tayyorligi va o'zaro ta'siri uyg'unligini takomillashtirish kabi vazifalar turibdi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. “Oliy ta'lim tizimida masofaviy o'qitishning afzalliklari” Muhabbat Hakimova. Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti professori, p.f.d. Innovatsion rivojlanish vazirligi huzuridagi “Filologiya, psixologiya va pedagogika” Ilmiy-texnik kengashi raisi. 28 may, 2020. – 441 b.
2. Badalova, B. (2020). Lesson Competition Element in Russian. *EPR International Journal of Multidisciplinary Research*, 6(5), 535-537.
3. Shagiyeva, N. (2020). The role of information technologies to teach Russian language. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 8(7), 155-159 b.
4. Begmatov, B. B. (2020). Suveren O'zbekiston sharoitida rus tilining o'rni va vazifalari. *Fan va jamiyat*, 1(65), 33-37.

БЎЛАЖАК ТАСВИРИЙ САНЪАТ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Талғат Нишанбеков,

“Москва энергетика институти” миллий тадқиқот университети”
Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиали ўқитувчиси

Аннотация

Мазкур мақолада бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини инновацион технологиялари асосида касбий компетентлигини ривожлантиришининг мазмун ва моҳияти ёритилган. Тасвирий санъатни ўқитиш жараёнида узлуксиз ва узвийлигини таъминлашга эришиш мақсадида умумий ўрта таълим мактаблари, ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатлари ва олий таълим муассасаларида педагогик муаммоларини йўлга қўйиш каби масалалар кўриб чиқилди.

Калим сўзлар: Касбий компетентлик, бадий таълим, профессионал, инновацион педагогик технологиялари.

Аннотация

В данной статье рассматривается содержание и значимость развития профессиональной компетентности будущих учителей изобразительного искусства на основе инновационных технологий. Такие вопросы, как постановка педагогических задач в общеобразовательных средних школах, специализированных художественных школах-интернатах и высших учебных заведениях, были рассмотрены с целью достижения преемственности в процессе преподавания изобразительного искусства.

Ключевые слова: профессиональная компетентность, художественное образование, профессионал, инновационные педагогические технологии.

Annotation

This article covers the content and significance of the development of professional competence of future teachers of Fine Arts on the basis of innovative technologies. Issues such as establishing pedagogical problems in general secondary schools, specialized art boarding schools and higher education institutions were considered in order to achieve continuity and continuity in the process of teaching Fine Arts.

Keywords: professional competence, artistic education, professional, innovative pedagogical technologies.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган ислохотлар тизимида маданият ва санъат соҳасидаги ишлар алоҳида аҳамият касб этди. Айниқса, ажодлар меросини қайта тиклаш билан боғлиқ бунёдкорлик ишларида тасвирий санъат фанини ўрганиш ва уларни замонавий технологиялар билан бойитиш бўйича ибратли ишлар олиб борилди.

Республикаимизда педагог-кадрларни тайёрлаш ва педагогик таълим жараёнини сифат жихатдан янги босқичга кўтариш масаласи, жамиятни модернизациялаш ва янада ривожлантиришнинг устувор йуналишларидан бири сифатида белгилаб олинган Республикаимиз Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ёшларимизни мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё микёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз” [1] деб айтган фикрларидан келиб чиққан ҳолда, 2017–2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастурида, педагогика олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган бўлажак педагог-кадрларни юқори касбий билим, малака ва кўникма билан курулантириш, уларнинг касбий компетентлигини оширишга

доир вазифалар белгиланган.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини касбий компетентлигини ривожлантириш талабаларда эстетик дидни шакллантиришга ва ривожлантиришга, ижодий фаолликни такомлаштиришга ва шу билан бирга ижодкорлик ҳамда яратувчанликни амалга оширишга етарли бўлган даражадаги расм чизиш кўникмаларини хар томонлама такомиллаштириб боришга имкон берувчи, юқори даражадаги ихтисослашган билимга эга бўлиши муҳимдир. Бунинг барчаси, ўз навбатида, бадий таълим тизимида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларни касбий компетентлигини ривожлантириш янги ва долзарб масалаларни келтириб чиқаради. Шу сабабли бугунги кунда долзарб масалаларни бартараф этишда бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини тайёрлаб бориш соҳасида кўплаб илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, халқаро ҳамкорлик доирасида хорижий маданият ва санъат арбоблари билан учрашув ва мулоқотлар ўтказиш бўйича ўзига хос тизим шаклланиши, мамлакатимизнинг кўплаб рассомлари ва педагоглари халқаро анжуман ва кўргазмалар, фестивал ва танловларда қатнашиб, нуфузли ўринларни қўлга киритаётгани, ўнлаб ижодкорлар давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлгани

хам бадий таълимда бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини инновацион технологиялари асосида касбий компетентлигини ривожлантириш билан бевосита боғлиқ. Айни вақтда ҳозирги жадал суръатлар билан ривожланаётган даврнинг ўзи тасвирий санъат соҳасини янада тараққий эттириш, унинг бугунги кундаги ўрни ва мавқеини ошириш, бадий таълим фаолиятини такомиллаштиришни талаб этаётганини эътироф этиш лозим.

Касбий компетентлигини ривожлантиришнинг мақсади ва вазифалари шундан иборатки, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини инновацион технологиялари асосида касбий компетентлигини ривожлантиришнинг замонавий инновацион педагогик технологиялари ва мақбул методларидан фойдаланиш компетенцияларини ривожлантиришдан иборат:

- бўлажак тасвирий санъат фани ўқитувчиларининг назарий ва амалий, методик тайёргарлиги даражасини орттириш;

- таълим-тарбия жараёнида инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш учун зарур бўлган билим, кўникма ва компетенцияларини ривожлантириш;

- бўлажак тасвирий санъат фани ўқитувчиларида дарс жараёнида самарали методларни қўллаш кўникмаларини шакллантириш. Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма, малака ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар тингловчи;

- тасвирий санъат фанини ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари ва ўқитиш методларини;

- тасвирий санъат фанидан талабаларни билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш ва назорат турларини;

- дарс ишланмаларини ишлаб чиқишга қўйилган замонавий талабларни;

- тасвирий санъат дарсларида буюк аждодларимиз илмий меъросидан фойдаланиш;

- тасвирий санъат ўқитишда иқтидорли талабалар билан ишлаш методларини билиши;

- тасвирий санъат фанини ўқитишнинг замонавий методларини қўллаш олиши;

- замонавий талаблар асосида дарс ишланмасини ишлаб чиқиш;

- тасвирий санъат фанидан талабалар билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш ва назорат топшириқларини тузиш кўникмаларига эга бўлиши;

- тасвирий санъат фанидан очиқ дарсларни ўтказиш ва уларни таҳлил қилиш;

- тасвирий санъат фанини ўқитишда иқтидорли талабалар билан ишлаш малакаларга эга бўлиши;

- илғор педагогик технологиялардан касбий фаолиятда фойдаланиш;

- бўлажак тасвирий санъат ўқитувчининг ўз устида ишлаши ва педагогик маҳоратини муттасил ошириб бориш компетенцияларига эга бўлиши лозим.

Касбий компетентликни ривожлантиришни таш-

кил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар Тасвирий санъат фанини ўқитиш методикаси модули назарий ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади. Назарий машғулотларда тасвирий санъат фанини ўқитиш методикаси модулидан яратилган ўқув-услубий мажмуа таркиби, дарс ишланмаларига қўйилган талаблар, тасвирий санъатнинг ўзига хос хусусиятлари ва уни ўқитиш методикаси ҳақида маълумотлар берилади. Амалий машғулотларда дарс ишланмаларини тузиш, ўқувчилар билимини баҳолаш, синфдан ташқари ишлар, дарсларни кузатиш ва таҳлил қилиш ўргатилади. Машғулотларда техник воситалардан фойдаланиш, тасвир ишлаш, композиция, тест сўровлари, фикрлаш, ҳомаки чизгилар, гуруҳлар билан ишлаш ва бошқа интерактив таълим усулларни кенг қўланиши назарда тутилади.

Тасвирий санъатни ўқитиш жараёнида узлуксиз ва узвийлигини таъминлашда педагогик муаммоларни таъминлашда узлуксиз таълим тизимидаги энг муҳим нуқта бўлиб, умумий ўрта таълимдан, ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатлари, ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатлари таълимидан олий таълимга ўтиш, яъни “умумий ўрта таълим мактаби, ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатлари, олий ўқув юрти тизимлари ҳисобланади. Бу шу билан боғлиқки, умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиси, худди шунингдек ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатлари ўқувчиси ўқув-тарбиявий жараён субъекти сифатида бир таълим тизимидан бошқа таълим тизимига ўтади. Шунинг учун юқорида қайд этилган бир таълим туридан бошқа таълим турига ўтиш нуқталарида узвийликни таъминлаш ўта муҳим ҳисобланади. Тасвирий санъат соҳасини узлуксиз ва узвийликни таъминлашда мактаб ўқувчиси, ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатлари ўқувчиси, олий ўқув юрти талабасига айланади ва ўқишга янги талаблар ва унинг тажрибаси етарли эмаслиги ўртасида зиддият юзага келади, яъни мактаб ўқувчисининг ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатлари ўқувчисининг олий ўқув юртига мослашуви муаммоси пайдо бўлади. Тасвирий соҳасини узлуксиз ва узвийликни таъминлашда узвийлик дидактик тамойил сифатида қаралиб унинг ўрни ва бошқа тамойиллар билан алоқаларига турли хил ёндошувлар мавжуд.

Тасвирий санъат соҳасини узлуксиз ва узвийликни таъминлашда узвийлик тамойили тизимлилик ва кетма-кетлилик тамойили билан узвий боғлиқ, ам-фақат унга келтирилмасдан ўзининг асосий мазмунини сақлайди. Узвийликнинг бошқа ўқитиш тамойиллари билан алоқаси диалектикаси шундан иборатки, узвийлик технологияси ўз навбатида узвийликни амалга ошириш омили сифатида иштирок этадиган ўқув-тарбиявий жараённинг бошқа тамойилларини амалга ошириш шarti ва механизми бўлиб хизмат қилади.

Юкоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, шуни таъкидлаш лозимки, бадиий таълим тизимида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини касбий компетентлигини шакллантиришда янгича фикрлаш тарзи,

тасвирий санъат ўқитувчиларни касбий компетентлигини шакллантириш масалалари, ўзига хосликларини назарда тутган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”*. – Т.: “Адолат”, 2017.
2. *Муслимов Н. Касб таълим ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари: дис. Автореферат*. –Т.: ТДПУ, 2007. – 47 б.
3. *Нуртаев У. Методика изучения изобразительного искусства Узбекистана в системе подготовки будущих учителей, автореферат*. – М.: 1994. – 62 с.
4. www.pedagog.uz
5. www.ziyounet.uz

БЎЛАЖАК ПЕДАГОГЛАРДА КОМПЕТЕНТЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЮЗАСИДАН ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ШАРҲИ

Нодима Орипова,

ҚарДУ Мактабгача таълим кафедраси мудири, п.ф.н., доц.;

Зулайхо Тиркашева,

Шахрисабз давлат педагогика институти магистранти

Аннотация

Ушбу мақолада бўлажак педагогларда компетентликни шакллантириш юзасидан олиб борилаётган илмий тадқиқотлар шарҳи, компетентлик тушунчасининг мазмуни ва моҳияти баён этилган. Шунингдек, мақолада хорижий ва МДХ мамлакатлари, чунончи республикаимиз олимларининг компетентлик ва уни талабаларда шакллантириш омиллари ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: компетентлик, педагогик компетентлик, ижтимоий компетентлик, қобилият, педагогик маҳорат.

Аннотация

В данной статье представлен обзор проведенных научных исследований по формированию компетентности у будущих педагогов, описаны содержание и сущность понятия компетентность. Также в статье ученые стран дальнего и ближнего зарубежья, например нашей республики, рассуждают о факторах компетентности и ее формирования у студентов.

Ключевые слова: компетентность, педагогическая компетентность, социальная компетентность, способности, педагогическое мастерство.

Annotation

This article provides an overview of the conducted scientific research on the formation of competence among future teachers, describes the content and essence of the concept of competence. Also in the article, scientists from far and near abroad countries, for example, our republic, discuss the factors of competence and its formation among students.

Keywords: competence, pedagogical competence, social competence, abilities, pedagogical skills.

Бугунги шиддаткор замонда яхши педагог бўлишнинг ўзи етарли эмас. У замон билан ҳамнафас яшашмоғи, энг сўнги технологияларни пухта ўзлаштирган ҳамда амалий педагогик жараёнда ўз билими ва қобилиятини татбиқ эта оладиган даражада маҳоратли бўлмоғи лозим. Чунки педагогик жараён ўзгарувчан, турли вазиятларга бой ва ўз навбатида, мураккабдир.

Хорижий мамлакатларда талабаларнинг педагогик, ижтимоий ва ахборот компетентлигини шакллантириш методикасига оид тадқиқотлар: S.N.Kerkhoffa, M.E.Cloudb [6], Y.O.Modlo, S.O.Semerikov, P.P.Nechypurenko лар [8] томонидан амалга оширилган. Мазкур олимларнинг ишланишларида компетентлик шахснинг асосий қобилиятлари йиғиндиси сифатида қаралади ва уларнинг таъкидлашича, компетентлик педагогик жараёни ҳаракатга келтирувчи омиллардан биридир.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларида касбий компетентликни ривожлантиришга доир тадқиқот ишлари: А.В.Козырева [5], Э.Ф. Зеер [2], И.А. Зимняялар [3] изланишларида кўзга ташланади.

Компетенция – бирон бир нарсани яхши, самарали, кенг доирадаги контекстда юқори даражадаги ўзини ўзи бошқариш, ўзини акс эттириш, ўзини ўзи кадрлаш, вазиятлар ва атроф-муҳит динамикасига тезкор, эгилувчан ва мослашувчан муносабат билан бажариш қобилияти” [1, 75-76].

Дарҳақиқат, В.И. Байденко фикрини қўллаб-қув-

ватлаган ҳолда шуни таъкидлашимиз лозимки, компетенция шахснинг турли вазиятлар ва атрофдаги воқеа-ҳодисаларга мослашувчанлик малакасига эгаллидир. Биламизки, баъзи инсонлар ўзларига нотаниш ва бегона муҳит ва ундаги воқеа-ҳодисаларга тез мослаша олмайдилар, айниқса, ёш ўқитувчиларнинг касбий фаолиятга мослашишида шундай ҳолат рўй беради. Шунинг учун олий таълим жараёнидаёқ талабаларда педагогик компетенцияларни шакллантириб бориш даркор. Токи улар ўзларига нотаниш бўлган муҳит ва атрофдаги воқеа-ҳодисаларга тез ва осон мослаша олсинлар. Демак, бу жиҳатлар ҳам бўлажак педагогларнинг касбий компетентлигига киради.

Ушбу фикрга кўра, ҳар бир шахсда қайсидир фаолиятни муваффақиятли бажаришга доир ички потенциали бўлади, яъни яширин лаёқат бўлади, десак адашмаймиз. Кейинчалик ушбу потенциал ҳақиқий фаолият жараёнида кўзга ташланади. Ростдан ҳам айрим талабалар таҳсил олиш жараёнида ўзларининг ички имкониятларини намоён этмайдилар, аксинча касбий фаолиятга киришганларида уларнинг потенциали кўзга ташланади.

Компетентлик – маълум бир соҳада муваффақиятли фаолият олиб бориш учун потенциалини (билим, кўникма, тажриба, шахсий фазилятлар ва бошқаларни) амалга ошириш истаги ва қобилиятини (тайёрлигини) тавсифловчи шахснинг ажралмас хусусиятидир [3, 6].

Ю.Г.Татурнинг бу борадаги ёндашуви бироз И.А. Зимняянинг фикрларидан фарқ қилади, яъни у компетентликни шахснинг билим, кўникма ва малакаларини маълум бир фаолиятда қўллаш қобилиятидир, деб тушунтиради [10,19].

Ушбу таърифларга кўра, ҳар қандай компетенциянинг асосини билим ташкил этади. Билим эса бўлажак ўқитувчилар педагогик этикодининг асосини ташкил этади.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда ҳам компетентлик ва педагогик компетентликни шакллантириш масаласи бўйича бир қатор илмий изланишлар олиб борилди. Бу борада Н. А. Муслимов, М.Х.Усмонбоева, М.Т. Мирсолиева, Н.Н. Каримоваларнинг илмий тадқиқотларини келтириш мумкин.

Н.А.Муслимов, М.Х.Усмонбоева, Д.М.Сайфуров, А.Б.Тўраевлар томонидан нашр этилган “Педагогик компетентлик ва креативлик асослари” номли ўқув-методик қўлланмасида “компетентлик” тушунчасига қўйидагича таъриф берилди: “Компетентлик” (ингл. “компетенсэ” – “қобилият”) – фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоеъна олиши” – деб тилга олинади [9, 4].

Шу билан бирга, компетентлик – шахснинг турли, тасодифий вазиятлар ва одатий жараёнларда ўзини бошқара олиши ҳамда шахснинг кишилар, жамоа билан мулоқотга киришиши, мураккаб вазиятлардан чиқиб кетишнинг самарали йўлини излаб топа билиши кабилардир.

Касбий компетентлик эса педагог томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллаш олиниши [9, 4].

Умуман олганда, компетентлик педагог томонидан билим, малакаларнинг эгалланишини эмас, балки ҳар бир педагогдан ўз йўналиши бўйича фундаментал-интегратив билимлар ва амалий ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини ифода этади. Шу билан бирга, ҳар қандай педагогик ўз хусусиятидан келиб чиқиб, компетенциявий билимларини доимо янгиллаб ва бойитиб бориши, дунёдаги ва жамиятдаги энг сўнгги ахборотларни мустақил равишда қидириши, қайта ишлаши ва ўз фаолиятида самарали фойдалана олишини тақозо этади. Чунки ҳар қандай касбий компетенциялар дунёдаги ва жамиятдаги ўзгаришлар туфайли эскириши, тўлдирилиши, мукамаллашиб бориши ва бири бошқасига ўз ўрнини бўшатиб бериши мумкин.

Касбий компетенция педагогик фаолиятга нисбатан ўқитувчининг шахсий ва касбий маҳоратининг ажралмас характеристикаси сифатида тушунилади, бу унинг аниқ реал вазиятларда педагогик фаолиятда юзага келадиган касбий муаммоларни самарали ҳал этиш қобилиятини белгилайди. Бундай ҳолда ўқитувчи ўз билимлари, кўникмалари, тажрибаси,

ҳаётий қадриятлари ва ахлоқий кўрсатмаларидан, кизиқишлари ва мойиллигидан фойдаланиши керак.

Педагогик компетентлик – педагогик ҳодиса. У педагогик билимлар, тажриба, хусусиятлар ва фазилатларнинг тизимли бирлигидан иборатдир, шу билан бирга у ўқитувчи учун педагогик фаолиятни самарали амалга ошириш ҳамда педагогик мулоқотни икки томонлама мақсадли ташкил этишга имкон берадиган, ўқитувчининг шахсий ва касбий ривожланишига олиб келадиган жараён дир.

Педагогик компетенция – давлат ва жамиятнинг таълим тизими соҳасида қабул қилган меъёрлари, стандартлари ва талабларига мувофиқ ўқитувчининг ўз педагогик фаолиятини ташкил этиши, бошқариши, назорат қилиши ҳамда ташкилотчилиги ва ташаббускорлигининг намоеъна бўлишидир.

Педагогик компетенция таркибига педагогик воқеликни тизимли равишда идрок этиш ва унда тизимли равишда ҳаракат қилиш қобилияти киради. Ушбу хусусият ўқитувчига педагогик жараённи яхлит, бир бутун, тизимли тасаввур қилиш имкониятини беради, натижада у педагогик жараён ривожланишининг умумий қонуниятларини англайди, таълим мақсадини мустақил лойиҳалай олади.

Касбий ваколатли ўқитувчини етарлича юқори даражада педагогик фаолиятни, педагогик алоқани амалга оширадиган ва ўқувчиларга таълим бериш ва тарбиялашда доимий равишда юқори натижаларга эришадиган ўқитувчи деб аташ мумкин. Касбий компетенцияни такомиллаштириш – ижодий индивидуалликни ривожлантириш, педагогик янгиликларга нисбатан сезгирликни шакллантириш, ўзгарувчан педагогик муҳитга мослашиш қобилияти.

Мавжуд манбаларни ўрганган ҳолда, шуни таъкидлашимиз жоизки, педагогик компетенция учта таркибий қисмдан иборат. Булар:

Умуммаданий компетенция – барча халқлар учун бирдек аҳамият касб этадиган ахлоқий ва инсонпарварлик қадриятига оид қарашлар, ғоялар, тенденцияларга боғлиқ компетенциялар (ўзини ва бошқаларни ҳурмат қилиш, ватанпарварлик, эзгулик, садоқат, меҳр-оқибат, дўстлик кабилар. Масалан, таълим олувчилар ва уларнинг ота-оналари, педагогик жамоага, бошқа миллат вакилларига нисбатан шаклланган маданий муносабатлар).

Касбий компетенция – педагогнинг ўз фаолиятига оид педагогик муаммоларни мустақил ҳал қила олиши, мураккаб вазиятлардан тез ва осон чиқиб кетиши, педагогик фаолиятда ўқитиш ва тарбиялашнинг самарали йўллари қўллаш олиши ҳамда педагогик фаолият билан боғлиқ масалаларга ижодий ёндашиши, креативлигидир.

Ижтимоий компетенция – педагогнинг жамият ҳаётидаги фаоллиги, шахс сифатида давлат ва жами-

ят талабларини бажариши, давлат рамзлари орқали ўқувчиларда миллий ғурур туйғусини шакллантириши ва бошқаларни назарда тутди.

Хулоса сифатида шунини таъкидлаш жоизки, бу-гунги кунда педагоглар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари зиммасига: интеллектуал салоҳиятли,

креатив фикрлайдиган, ватанпарвар, юксак маънавий-ахлоқий талабларга жавоб берадиган, соғлом эътиқодли, ўз қарашлари ва ёндашувларини фаол ҳимоя қила оладиган, мустақил ва танқидий фикрлайдиган, ижтимоий компетентликка эга бўлажак педагогларни тарбиялаш вазифаси юклатилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Байденко В.И. Выявление состава компетенций выпускников вузов как необходимый этап проектирования гос впо нового поколения. Методическое пособие. – М.: 2006. – 158 с.
2. Зеер Э.Ф. Компетентный подход к образованию // Педагогика. – М.: 2005. – № 3. 27-40 с.
3. Зимняя И.А. Ключевые компетентности как результативно-целевая основа компетентностного подхода в образовании. Авторская версия. – М.: Исследовательский центр проблем качества подготовки специалистов, 2004. – 20 с.
4. Каримова Н.Н. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириши: пед. бўй. фал. док. (Phd) дисс... . –Т., 2017. – 135 б.
5. Козырева В.А., Радионовой Н.Ф. Компетентный подход в педагогическом образовании: Коллективная // Монография. – СПб.: Изд-во РГПУ им. А.И.Герцена, 2004. – 392 с.
6. Kerkhoffa S. N., Cloudb M. E., *Equipping teachers with globally competent practices: A mixed methods study on integrating global competence and teacher education, International Journal of Educational Research, (2020) й.* – 103 p.
7. Мирсолиева М.Т. Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг касбий компетентлигини ривожлантириши механизмларини такомиллаштириши: пед. фан. докт.... дисс. –Т.: 2008. – 235 б.
8. Modlo Ye.O., Semerikov, S.O., Nechypurenko, P.P., Bondarevskiy, S.L., Bondarevska, O.M., Tolmachev, S.T.: *The use of mobile Internet devices in the formation of ICT component of bachelors in electromechanics competency in modeling of technical objects. In: CEUR Workshop Proceedings (CEUR-WS.org) (2019, in press).*
9. Муслимов Н., Усмонбоева М., Сайфуров Д., Тўраев А. Педагогик компетентлик ва креативлик. – Т.: 2015. – 120 б.
10. Татур Ю.Г. Компетентный подход в описании результатов и проектировании стандартов высшего профессионального образования: Материалы ко второму заседанию методологического семинара. Авторская версия. – М.: Исследовательский центр проблем качества подготовки специалистов, 2004. – 19 с.

ФАНЛАРАРО ИНТЕГРАЦИОН ЎҚИТИШ АСОСИДА КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ

Равшанбек Мавлонов,

Наманган муҳандислик-қурилиш институти катта ўқитувчиси

Аннотация

Мақолада олий таълим муассасаларининг қурилиш муҳандислиги йўналиши талабалари касбий компетентлигини фанлараро интеграцион ўқитиш асосида ривожлантириш ҳамда касбий компетентликни ривожлантиришнинг педагогик технологияларини лойиҳалаш масалалари ёритилган.

Калим сўзлар: эътиқод, мақсад, дунёқараиш, ижод, компетенция, билим, кўникма, малака, қобилият, фаолият.

Аннотация

В статье рассмотрены вопросы развития профессиональной компетентности студентов инженерно-строительного факультета высших учебных заведений на основе междисциплинарного интегрированного обучения и проектирования педагогических технологий развития профессиональной компетентности.

Ключевые слова: убеждение, цель, мировоззрение, творчество, компетентность, знание, навык, квалификация, способность, активность.

Annotation

The article describes the issues of developing the professional competence of students of the construction engineering department of higher educational institutions based on interdisciplinary integrated teaching and designing pedagogical technologies for the development of professional competence.

Keywords: belief, purpose, outlook, creativity, competence, knowledge, skill, qualification, ability, activity.

Ўзбекистонда таълим тизими ислохотларни амалга ошириш жараёнида шахснинг ҳар томонлама камол топиши, ёшларнинг самарали таълим олиши учун кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Олий таълим талабаларида касбий-маданий муносабатларини шакллантиришга хос ижтимоий-психологик муносабатлар билан ижтимоий-педагогик муносабатлар уйғунлиги уларни шахсий-илмий ҳаётга, касбий фаолиятга тўғри ва онгли муносабат руҳида тарбиялашга асос бўлиб хизмат қилади. Сир эмаски, айрим олий таълим муассасаларини битирувчилари ўз ихтисослигига оид махсус ўқув фанларидан бир-бирига боғланмаган лавҳалар шаклида билимга эга бўлиб, ўз илмий фаолиятида учрайдиган мажмуавий (комплекс) вазифаларнинг оптимал ечимларини топишда қийналмоқдалар. Шунингдек, улар мустақил тарзда илмий фаолиятга кириб кетишга ҳам тайёр эмас. Таълимнинг фаол усулларида етарлича фойдаланмаслик мазкур муаммони келиб чиқишининг асосий сабабларидан биридир.

Ўқув машғулотларининг тизимли режалаштирилиши, талабаларда танқидий, креатив тафаккурни шакллантириш ва ривожлантириш, уларни ижодий фикрлаш, янги ғояларни ўйлаб топишга мажбур қилиш таълим олишга бўлган муносабатни ўзгартириш, уларни ютуқларга эришишга рағбатлантиришда асосий омил бўлар. Ўқув машғулотларида етишмаётган омил – креативлик саналади [1, 4].

Америкалик педагог Патти Драпеау нуқтаи назарига кўра креатив фикрлаш, энг аввало, муайян масала юзасидан ҳар томонлама фикрлаш саналади. Ҳар

томонлама фикрлаш талабалардан ўқув топшириғи, масаласи ва вазифаларини бажаришда кўплаб ғояларга таянишни талаб этади. Бундан фарқли равишда бир томонлама фикрлаш эса биргина тўғри ғояга асосланишни ифодалайди. Мушоҳада юритишда масала юзасидан бир ва кўп томонлама фикрлашдан бирини инкор этиб бўлмайди. Бинобарин, бир ва ҳар томонлама фикрлаш креативликни шакллантиришда бирдек аҳамият касб этади. Яъни, топширикни бажариш, масалани ечишда талаба ечимнинг бир неча вариантини излайди (кўп томонлама фикрлаш), кейин эса энг мақбул натижани кафолатловчи биргина тўғри ечимда тўхталади (бир томонлама фикрлаш). Юқорида билдирилган фикрларга таянган ҳолда “креативлик” тушунчасини қуйидагича шарҳлаш мумкин: Креативлик (лот., инг. “create” – яратиш, “creative” – яратувчи, ижодкор) – индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрликни тавсифловчи ва мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирувчи ижодий қобилияти ҳисобланади.

Шахснинг креативлиги унинг тафаккурида, мулоқотида, ҳис-туйғуларида, муайян фаолият турларида намоён бўлади. Креативлик шахсни яхлит ҳолда ёки унинг муайян хусусиятларини тавсифлайди. Креативлик иқтидорнинг муҳим омили сифатида ҳам акс этади. Қолаверса, креативлик зеҳни ўткирликни белгилаб беради, “талабалар эътиборини таълим жараёнига фаол жалб этишни таъминлайди”. Бу таълим тизимининг татбиқий ва техникавий йўналиши ҳамда унинг турли фанлар билан алоқадорлигини амалга оширилишини; компьютерлардан фойдаланиш ва

компьютер саводхонлигини таъминлашни; тафаккур ва фаолиятнинг шаклланишини ҳам ўз ичига олади.

Фаол таълим шароитида ўзлаштирилган билим ва иш-ҳаракат усуллари мазмунан мукамал тизимли, мантиқан тугал ва турли ишлаб чиқариш вазиятларида қўлланишга яроқли бўлади. Бунда, асосан баҳс-мунозара, фикрлашга жалб қилиш, билганларини мустаҳкамлаш, ишбилармонлик, ақлий ҳужум ўйини, китоб (манбалар) билан ишлаш, касбий компьютерли ўйинлар каби таълим методларидан фойдаланилади.

Демак, ҳар қандай ижодкор ўқитувчининг илмий-педагогик ходим даражасига кўтарилишида таълим технологияларини яратиш, таълим мазмунини замон талаблари асосида такомиллаштириб билиш, таълим жараёнини бошқаришнинг оптимал вариантини топа билиш лозим экан. Таълим технологиялари таълим олувчининг ўрганаётган муаммоларига қараб, турли кўринишларда яратилиши мумкин.

Фаол таълим услубларини таълим-тарбия жараёнида қўллаш орқали талабаларни мустақил ишлашга, фикрлай олишга, дарсадаги фаоллигини оширишга, яъни топқирлиги, ташаббускорлигини ривожлантиришга ва энг асосийси, дарсада фанлараро алоқадорликни таъминлашга катта имкониятлар яратади.

Демак, таълим жараёнини технологиялаштиришдан асосий мақсад – бу таълимда ўқитувчи ва талаба ўртасида юзага келувчи таълимий мулоқот жараёнининг самарали бўлиши, мазкур жараённинг янгича мазмун касб этишга эришишдан иборат. Бу мақсадни амалга ошириш йўлида таълим жараёнини технологиялаштириш, бу борада аҳамият берилиши лозим бўлган шартлар хусусида ўқитувчиларни хабардор этиш тадбирлари ишлаб чиқилади. Уларни амалиётга жорий этилиши қуйидаги педагогик вазифаларни ҳал қилиш имкониятларини яратади: ўқитувчиларнинг таълим жараёнини технологиялаштиришдаги назарий ва амалий билимларни ўзлаштириши учун муайян шарт-шароит яратиш; ўқитувчиларга таълим жараёнини технологиялаштиришнинг алоҳида хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ахборотлар бериш; ўқитувчиларда таълим технологиялари асосида таълим жараёнини ташкил этиш борасидаги назарий билимларни амалий фаолиятдаги кўникма ва малакаларга айланишига эришиш; ўқитувчиларда таълим жараёнини ташкил этишга нисбатан ижодий ёндашувни қарор топтириш ва касбий маҳоратларини юксалтиришга эришиш; таълим-тарбия жараёнини технологиялаштириш борасида Республика миқёсида, шунингдек, хорижий мамлакатларда бу борадаги ахборотларни талабаларга мунтазам етказиб боришга эришиш. Бу ғоялар даврий илмий-услубий журналлар ва уларнинг иловалари илмий-услубий семинарлар ҳамда малака ошириш, қайта тайёрлаш курслари орқали амалга оширилади.

Маълумки, таълим жараёнининг фаол субъектлари ўқитувчи, талабалар бўлиб, уларнинг ҳамкорликдаги фаолиятлари муайян мавзу ёки фанлар асослари бўйича кам куч ва вақт сарфланган ҳолда назарий ва амалий билимларни чуқур ўзлаштириш имконини берувчи жараённинг умумий моҳиятини тавсифлайди.

Ўқитувчининг фаол ва самарали фаолият кўрсатишга йўналтирилган фаол таълим жараёнининг методик ишланмасидан фарқли равишда, таълимнинг фаол технологияси таълим берувчи талабаларга қаратилади, уларнинг шахсий ва ўқитувчи билан биргаликдаги фаолиятини ҳисобга олган ҳолда ўқув материалларини ўзлаштиришга шароит яратади. Фаол таълим технологиясининг етакчи муаммоси талаба шахсини ривожлантириш орқали таълим мақсадига эришишни таъминлашдан иборатдир.

Таълим-тарбия жараёни бутун машғулот давомида талабаларнинг фаоллиги ва қизиқувчанлигини мунтазам равишда ривожлантириб бориш мақсадини кўзда тутаяди, ўқув омилларини яратувчи фаол таълим технологияси талаблари ўқув фаолиятига тезкор жалб этиш имконини беради.

Фаол таълим технологиясини ўқув жараёнига таъбиқ этиш ҳисобига таълим жараёни рағбати (мотивацияси) кучайтирилиши мумкин. Маълумки, тайёр ҳолда олинган билимларни амалиётда қўллаш қийин. Бу, айниқса, табиий фанлар бўйича топшириқларни бажаришда намоён бўлади. Шунинг учун, билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришда талабаларнинг бевосита фаолият кўрсатишлари ҳамда ўқитувчи томонидан бошқарувга асосланган фаол таълим технологиясини қўллаш талаб этилади.

Таълим технологияси тамойили қуйидагиларни қамраб олади:

– талабаларнинг фаол таълим олишининг чинакам моҳияти ақлий фаолият натижасида билимнинг янги-янги сир-саноатларини мустақил равишда англаб олишидир;

– талабалар ўз ҳаракати билан фанларни яхши ўрганади ва ўзлаштиради;

– ўқув жараёнини шундай ташкил қилиш керакки, уларнинг ўзлари фанга қизиқсин, уни билишга ҳаркат қилиб, интилсин;

– талабалар дарсага фаол қатнашишлари лозим.

Таълим технологияларининг турларини танлаш шаклланаётган билим, кўникма ва малакалар, ташкил этилаётган дарсларнинг шакли, қўлланилаётган услуб ва методлар хусусиятига боғлиқ. Масалан, талабаларда ижодий тафаккурни ривожлантириш, ўқув материалларига танқидий ёндашиш кўникмасини шакллантириш ҳамда маҳсулдор фаолият турларини ташкил этиш билан бир қаторда анъанавий дарс шакллари билан бирга конференция дарси, ишчанлик ўйинлари, интеграл (икки компонентли) дарслардан

фойдаланиш лозим. Мазкур вазиятда таълим методлари таълим мақсади (билимларни турли вазиятларда қўллашга йўналтирилган топшириқлар, янги шароитда фаолият кўрсатишга ундовчи топшириқларни бажариш, ўзлаштирилган билимлар асосида схемалар тузиш, уларни таснифлаш, қиёслаш, изчил тизимга солиш, умумлаштириш ва бошқалар) билан мутаносиб бўлиши керак.

Етарли даражадаги рағбат ва талабалар фаолиятини самарали ташкил этиш билан ҳам кўзланган натижаларга эришилмайди. Педагогик жараённинг самараси таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш йўллари тўғри танлаш билан таъминланади.

Педагогик жараёни бошқариш ўзида қуйидаги икки йўналишни мужассамлаштиради:

- фаолиятни бошқариш;
- талабалар жамоасини бошқариш [3, 93].

Ривожлантирувчи таълим технологиясининг асосий тамойиллари қуйидагилар:

– инкорпорация (тизимли фаолият кўрсатиш) – турли фанларга оид билимларни умумлаштириш;

– мослашувчанлик – таълим шакли, методи ва усулларининг турли таълим муассасаларида қўлланивчанлиги;

– уйғунлик – муайян ўқув предметига оид ўқув материали мазмунининг шахсни ривожлантириш шакл, методи ва усуллари билан уйғунлиги;

– яратувчанлик – турли таълим муассасалари педагогларининг педагогик технологияларни яратиш имкониятлари;

– табиийликка асосланиш – генетик ва ижтимоий жиҳатларга мувофиқ ўқувчиларнинг ўзига хос, шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш.

Ривожлантирувчи таълимда талаба шахсига фаолиятли ёндашув бу тизимнинг концепциясини ташкил этиб, бунда шахс “субъекти” катеорияси эркинликка интилиш, ўз-ўзини ривожлантириш, яхлитлик, мустақил ўқиш, ўзлигини намоён этиш ва фаоллаштириш хусусиятлари асосида англашилади, ўқув жараёни ҳамда унинг таркибий қисмлари – мақсад, мазмун, метод, шакл, услуб, воситалар талабалар учун шахсан аҳамиятга эга бўлган, унинг шахсий тажрибаси маҳсули сифатида татбиқ этилади.

Таълим-тарбия асосида шахснинг интенсив ривожланиши, моддий-маънавий қадриятларни ўзлаштириши фақат унинг шахсий фаолияти натижасида амалга ошади.

Агар талабалар ўқув фаолияти моҳиятини англай олмаса, ўқув мақсадини тан олмайди, ўқитувчи қўйган вазифаларни тушунмайди ва қабул қилмайди, у томонидан содир этиладиган барча ҳатти-ҳаракатлар мажбурият ва тазйиқ остида содир бўлади, унинг билимлари расмий характерга, педагогнинг фаолияти эса расмиятчилик мазмунига эга бўлади. Билим ама-

лиётга татбиқ этишга қаратилган фаолият натижасидагина шаклланади. Бу дарслик мазмунидан баъзи илмий маълумотларни шунчаки, кўр-кўрона ёдлаб олиш бўлмай, балки талабанинг шахсий, субъектив тажрибасига асосланган ҳақиқий билимлар бўлади.

Инсон онги ҳамиша субъектив моҳиятга эгадир. Талаба муайян билимларга нисбатан бефарқ бўлмай, билимлар унинг учун шахсий мазмунга эга бўлсагина пухта ўзлаштирилади. Ўқитувчи бунга талабада ўқув предметига нисбатан қадриятли, ижобий субъектив муносабатни таркиб топтириш натижасида эришади.

Талабанинг руҳий хусусиятларини ўрганиш ўзлаштирилаётган билимларнинг ўқувчига шахсан қизиқарли ва керакли бўлиши зарурлиги, акс ҳолда улар рад этилишини кўрсатади. Бу ҳолат образли ифодаланса, индивидуал тафаккурда билимлар субъективлашади, ўзига хос жиҳатларга эга бўлади. Тескари жараёнда индивидуал тасаввур ва шахсий фикрлар объектив аҳамият касб этар экан, билимлар турли нуқтаи назарларнинг тўқнашуви, баҳс-мунозара, ўзаро ҳамкорликдаги фаолият натижасида ўзлаштирилади, бу эса ўқув жараёнини ноанъанавий усулда ташкил этишнинг муҳим шакллари (баҳс-мунозара, ўзаро ҳамкорлик)ни талаб этади.

Шундай қилиб, ривожлантирувчи таълим технологияси шахс ривожланишининг асосий субстанцияси ҳисобланади. Шахс фаолияти унинг ички ҳиссиётлари билан боғлиқ. Шахс мотив, ҳиссиёт ва шахсий фикр воситасида намоён бўлади. Ўқитувчи ўз дарсида талабалар тафаккурини ривожлантиришга хизмат қилувчи фаол ва ривожлантирувчи педагогик технологиялардан фойдаланиб, шундай шарт-шароитларни таркиб топтириши лозимки, натижада талаба учун дастлаб ҳолис бўлган объект кутилмаганда субъектив хусусият касб этсин [3, 90-100].

Талабаларда мустақил билим олишга эҳтиёж уйғотиш, уларни ахборотларнинг катта оқимидан кераклисини тўғри танлай билишга ўргатиш жуда муҳим. Буларнинг барчаси таълим олишга, талабаларда билимларни айна бир вақт оралиғида самарали ўзлаштириш кўникмасини шакллантириш масаласига ноанъанавий ёндашишни талаб этади. Асосий дидактик ва психологик назарияларга таяниш, илғор педагогик тажрибани умумлаштириш, эксперимент натижалари ривожлантирувчи таълим педагогикаси тўғрисида сўз юритишга имкон беради. “Ривожлантирувчи таълим деб, – таъкидлайди академик М.И.Махмутов, – умумий ва маҳсус ривожланишга олиб келадиган шундай таълимга айтиш мумкинки, унда ўқитувчи фикр юртишнинг қонуний ривожланишини билишга таянган ҳолда, маҳсус педагогик воситалар ёрдамида ўз талабаларини фан асосларини ўрганиш жараёнида фикрлаш қобилияти ва билиш эҳтиёжини шакллантиришга оид мақсадга йўналтирилган иш олиб боради” [2, 82].

Ривожлантирувчи таълимда зиддиятларни ҳал этиш йўли билан талабанинг турли ўқув фаолиятида микдорий ва сифат ўзгаришлар амалга оширилади. Ривожлантирувчи таълим моделини лойиҳалаш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Ўқитувчилар дарсинг нафақат “умумий сценарийси”ни, балки унинг алоҳида элементлари моделларини ҳам ишлаб чиқади. Моделнинг вазифаси жуда хилма-хил. Улардан асосийси эвристик вазифадир. Уни амалга оширишда ва талабаларнинг фикрий фаолиятини ривожлантиришда модел эталонлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Улардан фойдаланиб, ўқитувчи турли педагогик вазиятларни олдиндан башорат қилиши мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, талабаларнинг креативлигини ривожлантиришда: талабанинг таълим жараёни, ўқув фани ва ўқув материалга муносабати; таълим мақсадининг аниқ белгиланиши; таълим мазмунининг пухта асосланиши; ўқув жараёнининг самарали, қизиқарли ташкил этилиши; ўқитувчининг таълим жараёнини ташкил этишга ижодий ёндашуви; ўқув материалининг талабалар билими, тайёргарлик даражасига мувофиқ тўғри

шакллантирилганлиги; таълим жараёнида дидактик, замонавий техник ва ахборот-коммуникацион воситалардан ўринли, мақсадли ва самарали фойдаланиш; профессор-ўқитувчи томонидан ўқув материали моҳиятини тўла очиб берилиши учун мақбул методларнинг тўғри танланганлиги; ўқув машғулотининг талабаларнинг эҳтиёж, хоҳиш-истак, қизиқишларига таянилган ҳолда, самарали шаклда ташкил этилиши; профессор-ўқитувчининг талабаларга самимий, ишонч билан ёндашиши, уларни ҳурмат қилиши, уларда таълим олишга бўлган мотивацияни шакллантира олиши; машғулотлар жараёнида ҳар бир талабанинг индивидуал, шахсий хусусиятлари, шунингдек, руҳий (психик) фаоллигининг инобатга олинishi; профессор-ўқитувчи, талабалар ва алоҳида талаба ўртасидаги муносабатнинг ўзаро ҳамкорлик, ҳамжиҳатлилиқка асосланиши; таълим мақсадига мувофиқ кутилаётган натижанинг аниқ белгиланганлиги ниҳоятда муҳим ҳисобланади. Шу боис таълим жараёнини ташкил этишда масаланинг бу жиҳатига эътибор қаратишни унутмаслигимиз керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Б.Д. Эльконин. *Введение в психологию развития (в традиции культурно-исторической теории Л.С. Выготского)*. – М.: Тривола, 1994. – 168 с.
2. Malcolm, Shirley, Cetto, A. M., Dickson, D., Gaillard, J., Schaeffer, D. & Yves Quere. (2002). *Science Education and Capacity Building for Sustainable Development*. ICSU Series on Science for Sustainable Development no. – 531 p.
3. Богатырев, А.И. *Теоретические основы педагогического моделирования (сущность и эффективность)* [Электронный ресурс] / А.И. Богатырев // Издательский дом «Образование и наука». – Режим доступа: http://www.rusnauka.com/SND/Pedagogica/2_bogatyrev%20a.i.doc.htm. – 300 с.
4. Интернет ресурсы: <http://www.referat.ru>; www.inter-pedagogika.ru; www.school.edu.ru; www.inter-nastavnik.iatp.bu

МАЛАКА ОШИРИШ КУРСЛАРИДА ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ КАСБИЙ КРЕАТИВЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИОН-МЕТОДИК ЛОЙИХАЛАРНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

Шахноза Позилова,

Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти докторанти (DSc)

Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида профессионал таълим ўқитувчиларини инновацион-методик лойиҳалар тушунчаси, педагогик, психологик, фалсафий жиҳатдан таҳлили ҳамда уларни яратиш ва фаолият юритиш йўллари ёритилган. Шу билан бир қаторда, инновацион-методик лойиҳаларни яратиш тамойиллари ва босқичлари методик жиҳатдан асослаб берилган.

Калит сўзлар: профессионал таълим ўқитувчилари, инновацион-методик лойиҳа, ўқитиш методикаси, педагог кадрларни малакасини ошириш курслари.

Аннотация

В данной статье рассматривается концепция инновационно-методических проектов, педагогический, психологический, философский анализ деятельности преподавателей профессионального образования на курсах переподготовки и повышения квалификации педагогических кадров в Республике Узбекистан, а также способы их создания и функционирования. При этом методически обоснованы принципы и этапы создания инновационных и методологических проектов.

Ключевые слова: учителя профессионального образования, инновационно-методический проект, методика преподавания, курсы повышения квалификации педагогических кадров.

Annotation

This article covers the pedagogical, psychological, philosophical analysis of the concept of innovative and methodological projects in the courses of retraining and professional development of pedagogical personnel in the Republic of Uzbekistan and the ways of their creation and functioning. At the same time, the principles and stages of creating innovative and methodological projects are methodically substantiated.

Keywords: courses of professional education teachers, innovation-methodical project, teaching methodology, professional development of pedagogical personnel.

Таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар албатта таълим тараққиёти учун хизмат қилмоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда билимли, малакали кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳар бир жамиятнинг келажаги унинг ажралмас қисми ва ҳаётини зарурати бўлган таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Таълим соҳасида қандай ўзгаришлар ва янгиликлар қилинмасин, буларнинг барчаси таълим тараққиёти учун хизмат қилади ва қилмоқда. Ҳозирги кунда замонавий ўқитувчининг замонавий дарси, педагогик маданияти, болага дўстона муносабатда бўлиш, педагогик технология асосида дарс ўтиш – давр талабидир.

Бу талабларнинг барчаси ўқитувчидан юксак маъсулиятни талаб этади. Маъсулиятни англаган ўқитувчи доимий равишда ўз устида ишлайди, янгиликлардан бохабар бўлади ва уларни амалда татбиқ этади, ахборот коммуникацион технологиялардан унумли фойдаланади.

Ўзбекистон Республикасида профессионал таълим муассасаси ўқитувчиларини малака ошириш курсларида касбий креативлигини ривожлантиришда инноваци-

он-методик лойиҳалардан фойдаланиш ўқув жараёнининг самарадорлигини янада оширади деган фикрдамыз.

Мақоланинг мақсади – педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш курсларида профессионал таълим ўқитувчиларини инновацион-методик лойиҳалар яратиш ва уларда ишлаш кўникмасини шакллантиришдир. Бунда биз тадқиқотимиз доирасида инновацион-методик лойиҳаларни яратиш босқичларини ишлаб чиқиш ва унда креатив таъли технологияларидан фойдаланиш тамойиллари ҳамда педагогик-методологик шарт-шароитлари ёритилган.

Рақамлаштирилган таълим муҳитида ўқитувчиларнинг касбий креативлигини ривожлантиришнинг турли таълим методлари ва технологиялари ишлаб чиқилиши ва амалиётга татбиқ этилишига қарамай педагогик жиҳатдан касбий юксалишга етакловчи ўз-ўзини ривожлантириш стратегияси муҳим роль ўйнайди.

Касбий (шу жумладан, педагогик) компетентликка эга бўлишда ўз устида ишлаш ва ўз-ўзини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Ўз-ўзини ривожлантириш вазифалари ўзини ўзи таҳлил қилиш ва ўзини ўзи баҳолаш орқали аниқланади [1, 155].

Л.М.Митинанинг фикрича педагогнинг ўз-ўзини ривожлантириши деганда, ўз-ўзини лойиҳалаштиришнинг узлуксиз жараёни учун шароит яратишни тушунади. Бунда педагогнинг касбий креативлигини ривожлантиришга йўналтирилган тўрт босқичли модель ишлаб чиқилган бўлиб, қуйидагилардан иборат: тайёргарлик, англаш, баҳолаш, фаолият. Бу моделнинг асосий вазифалари сифатида қуйидагиларни келтиради:

1. Профессионал креативликни ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи омиллар;
2. Ўз-ўзини шахс сифатида қўришга қаратилган ривожлантирувчи усуллар;
3. Ўқув жараёнини такомиллаштиришга қаратилган тузилмавий, гуманистик, маданий, шахсга каби янгича ёндашувлар.

Мазкур модель педагогнинг ижодий ўз-ўзини баҳолаш, ижодий педагогик маҳоратга эга бўлиш ҳамда янгиликларни мослашувчанлик қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган [2, 32].

А.Г.Шумовский тадқиқот ишида эса педагогнинг касбий креативлигини ривожлантиришга қаратилган кундалик яратиш мақсад қилади. Бунда у бўлажак тарбиячиларни тайёрлашда “Ижодкор кундалиги” деб номланган иш китобини яратади ва бу асосида тажриба ўтказиши [3].

Мамлакатимиз олимларидан М.Юсупова ва Ш.Шорахметов “Лойиҳа технологиясининг таълим жараёнида таъминланиши натижасида таълим олувчи ва таълим берувчи ўртасида маҳсулдор фаолият содир бўлади. Чунки лойиҳа устида таълим олувчи ўз фаолиятини режалаштиришга, ташкил қилишга ўрганади” деб ҳисоблайди.

Ольга Гизатулина таълим лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва ташкил этиш муаммоларини ҳал қилиш учун интернетдан қандай фойдаланишни тасвирлайди, жумладан: лойиҳа учун Google хизматининг қобилигини яратиш ёки (фойдаланиш); талабаларни (ўқитувчиларни) аллақачон ишлайдиган лойиҳага жалб қилиш муаммоларини ўрганади.

Анна Яковлева илмий ишида таълимий лойиҳаларни режалаштириш ва амалга ошириш давомида фойдаланиш учун турли техник ва воситалари билан фойдаланиш методологиясини ёритган. Бундан ташқари, инновацион лойиҳаларни бошқаришда тизимлаштирилган ёндашувларнинг етишмаслиги ва инновацион лойиҳаларни бошқаришда тегишли техникани танлашда асосий омилларни келтирган.

Г.Игнатиева ва бошқалар педагогик муҳандислик ва муҳандислик фикрлаш мактабига лойиҳаларни яратиш йўллари излаш, олий таълимда таълимнинг ривожланишида ва бошқаришда яратилган ва амалга оширилган лойиҳа методологияси ва фалсафаси ҳақида фикр юритганлар [3, 156].

Жаҳон стандартлари талабларига мувофиқ, замонавий таълим иштирокчиларининг қаттиқ ва юмшоқ малакаларининг параллель равишда ривожланиши уларнинг соҳага оид ғоялар ишлаб чиқиши, бунга асосан лойиҳаларни яратиши исботланган. Шу нуқтаи назардан, профессионал таълим муассасаси ўқитувчиларининг турли йўсиндаги лойиҳаларни ишлаб чиқиши уларнинг профессионаллиги билан бир қаторда касбий креативлиги ҳам ривожланади.

Ҳозирги кунда таълимда бир қатор лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Жумладан, инновацион, педагогик, технологик, методик лойиҳа кабилар.

Лойиҳага асосланган таълим технологияси – бу ўқув жараёнини ташкил этишнинг мослашувчан модели бўлиб, янги ғояларни яратиш жараёнида ўқитувчининг интеллектуал ва жисмоний қобилиятларини, шахсий фазилатларини ва креатив қобилиятларини ривожлантириш орқали педагогнинг ижодий ўз-ўзини англашга қаратилган.

Профессионал таълим муассасаси ўқитувчисининг лойиҳавий фаолияти натижасини қуйидаги кетма-кетликда қўришимиз мумкин:

- лойиҳа мавзусини танлаш ва асослаш, лойиҳа муаммоси бўйича педагогик, психологик, технологик маълумотлар, ғояларни яратиш ва ривожлантиришнинг тузилмавий босқичларини ишлаб чиқиш;
- объектни танлаш босқичларининг тавсифи;
- объектга мос методикани танлаш;
- технологик кетма-кетлик (масалан, фан модулига қаратилган дидактик материаллар);
- техник жиҳозларни танлаш ва иш жойини ташкил этиш (агар лойиҳа доирасида маълум бир веб-сайт, платформа ёки электрон ресурс яратилса);
- Республика, МДХ ва хорижий адабиётлар таҳлилидан фойдаланиш;
- илова (эскизлар, диаграммалар, технологик ҳужжатлар, ҳимоя тақдироти).

Лойиҳавий ўқитиш технологияси, ўқитувчининг креатив-педагогик фаолияти учун зарур бўлган ижодий қобилиятлари ва шахсий фазилатларини ривожлантириш учун педагогик шарт-шароитларни яратишга ёрдам беради.

Инновацион-методик лойиҳа – профессионал таълим ўқитувчиларининг ўқув жараёнидаги муаммолар ечимини топишга қаратилган 80 дақиқага мўлжалланган босқичли тизим бўлиб, бунда педагогнинг иш тажрибаси (профессионализи, касбий маҳорати), креатив компетентциялари (инфографик креативлик, методик креативлик, АКТ креативлик) ва касбий креативлигининг (эмоционал креативлик, индивидуал креативлик, интеллектуал креативлик) узлуксиз тузилмаси тушунилади.

Касбий креативлиги юқори бўлган ўқитувчи информатика ва АТ фани ва амалиёти модулини ўқи-

тишда замонавий технологиялардан фойдаланиш, улар ёрдамида креатив муҳитни яратиш, тақдим этилаётган материалларни таълим олувчига етказишда муаллифлик таълим технологиялари, АКТ дастурий таъминоти ва воситаларидан фойдаланиш компетенциясига эга бўлиши лозим.

Касбий креативликнинг ўрта даражасида ўқитувчи педагогик фаолиятдаги муаммоларга ноодатий ечимларни бериш, таълим олувчиларнинг ҳар томонлама ҳолатини (психологик, педагогик, фалсафий) ўрганиш ва бу фаолиятни такомиллаштириш учун инновацион ҳамда креатив таълим технологиялари, АКТ воситалари асосида дидактик материалларни таёйёрлаш кўникмасини шакллантириш ва мутахассисликка йўналтириш компетенцияларига эга бўлиши лозим.

Касбий креативликнинг бошланғич даражасида ўқитувчи педагогик муаммоларни ҳал қилишда мавжуд таълим технологияларидан фойдаланади.

Юқорида келтирилган инновацион-методик лойиҳа харитасидан келиб чиқиб тингловчилар (профессионал

таълим ўқитувчиси) гуруҳли ёки индивидуал шаклда инновацион режа босқичларини ташкил этадилар.

Рақамлаштирилган жамият муҳитида профессионал таълим муассасалари ўқитувчиларининг касбий креативлик даражасига қараб уларнинг шахсий қобилиятлари, профессионал компетенцияларини баҳолаш мумкин. Ўқитувчининг касбий креативлик даражасини ҳисобга олган ҳолда, инновацион-методик лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг ҳар бир босқичида яратилган ташкилий-методик шарт-шароитларни яратиш қуйидаги хулосаларни беради:

- ўқитувчининг касбий креативлигини аниқлаш натижасида тўлақонли методик қўллаб-қувватлаш;
- ўқитувчининг қизиқиши, эҳтиёжи ва талабларига кўра, таълим технологиялари, воситалари, усуллар ва шаклларини тўғри танлаш;
- педагогнинг иш фаолиятидан келиб чиқиб, инновацион-методик лойиҳалар учун креатив гоялар яратиш, лойиҳалар ишлаб чиқиш ҳамда инновацион фаолият юритиш самарадорлигини ривожлантириш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Т., 2015. – 120 бет.
2. Шумовская, А.Г. Дневник студента как средство формирования креативной компетентности личности (из опыта работы) / А.Г. Шумовская [Электронный ресурс] // Научно-педагогический журнал Восточной Сибири Magister Dixit. — 2012. — № 1. — С. 32. — URL:
3. М.Юсупова, Ш.Шорахметов. Academic research in educational sciences Vol.2. Issue 3. 2021 ISSN: 2181-1385 Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723.155-168 p.
4. Ольга Гизатулина. Талабаларнинг мустақил фаолиятида лойиҳа технологияси. Журнал. Общество и инновации. №2. Стр.157-165. DOI:10.47689/2181-1415-vol2-iss4/S-pp157-165

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИ ИНТИЗОМСИЗЛИГИНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ

Сардор Сатторов,

Термиз давлат педагогика институти ўқитувчиси

Аннотация

Мақолада умумтаълим мактаблари ўқувчиларида интизомсизлигининг асосий омиллари сифатида шахсда интеллектуал, ҳиссий, шахсий мотивацияли сифатларнинг етарлича ривожланмаганлиги, қадриятлар тизимининг мавжуд эмаслиги, жисмоний ва руҳий зўриқиш, шахсий ҳаётдаги муваффақиятсизликлар, ўз-ўзини ноадекват баҳолаш, ижтимоий хулқ-атворда агрессивликнинг пайдо бўлиши, иродавий сифатларнинг етишмаслиги каби хусусиятлар ёритилган.

Таянч сўз: ўқувчилар интизомсизлиги, омил, шахс интеллектуаллиги, ҳиссий, шахсий мотивация, жисмоний ва руҳий зўриқиш, ҳаётдаги муваффақиятсизлик, ижтимоий хулқ, агрессивлик.

Аннотация

В статье основными факторами недисциплинированности учащихся общеобразовательных школ являются недостаточное развитие интеллектуальных, эмоциональных, личностно-мотивационных качеств, отсутствие системы ценностей, физические и умственные нагрузки, неудачи в личной жизни, неадекватная самооценка, появление агрессивности. в социальном поведении кроются отсутствие силы воли.

Ключевые слова: недисциплинированность студентов, фактор, личность, интеллектуальная, эмоциональная, личностная мотивация, физические и психические нагрузки, жизненные неудачи, социальное поведение, агрессивность.

Annotation

In the article, the main factors of indiscipline among students of general education schools are insufficient development of intellectual, emotional, personal motivational qualities, lack of value system, physical and mental stress, failures in personal life, inadequate self-evaluation, emergence of aggressiveness in social behavior; lack of willpower. such features are covered.

Key words: students are undisciplined, factor, personality intellectual, emotional, personal motivation, physical and mental stress, failure in life, social behavior, aggressiveness.

Ўқувчи интизомсизлигини бартараф этишга қаратилган тадқиқот ишимиз жараёнида амалиётдаги ҳолатни ўрганиш, муаммога доир адабиётларни таҳлил этиш, уларда илгари сурилган илмий-амалий фикр-мулоҳазаларни уйғунлаштириш ўқувчи интизомсизлигининг вужудга келиши ва чуқурлашуви сабаблари ҳамда уларнинг шакллари белгилаб берувчи етакчи омилларни аниқлаш имконини берди. Шу тариқа ўсмирлар интизомсизлигини келтириб чиқарувчи омиллар борасида зарур маълумотлар тўпланиди, улар тажриба-синов объекти сифатида батафсил ўрганилди ва таҳлил этилди.

Интизомсиз ўқувчиларнинг баъзан бир неча кун, ҳатто ойлаб дарсга қатнашмасликлари, улар хулқида ошкора намоён бўлувчи салбий иллатлар атрофдаги тенгдошларига ёмон таъсир кўрсатиши табиий.

Мактаб ўқувчиларида интизомлиликка йўналтирилган турли ёндашувлар, унинг мезонларига оид манбалар В.Е.Гмурман [1], Г.Айзенк [2], А.Бандура [3], В.А.Крутецкий [4], Т.Н.Мальковская [5] асарларида тадқиқ этилган. Уларнинг қарашларида педагогикада инсонга нисбатан ахлоқий муносабатлар, шахсининг ўзлигини намоён этувчи хусусиятлар билан уйғунлаштирилиши вазифа қилиб қўйилган.

Мамлакатимизнинг бир қатор олимлари Ю.М.Асадов, Р.Мусурманов [6], Г.Қ.Тўлаганова [7], И.М.Ҳа-

кимова [8], Г.Т. Ядгорова, О.У.Авлаев [9]лар ўз илмий ишларида ўқувчи ёшлар орасидаги хулқ ва интизом муаммоларига мурожаат қилганлар.

Илмий манбалар таҳлили педагогик тажрибалар натижалари ёритилган илмий ва ўқув адабиётлари, дастурларнинг таҳлили ҳозирги вақтда мактаб интизومي муаммосига ягона ва тизимли ёндашув йўқ, деган хулоса чиқаришга асос бўлади. Яратилган айрим ўқув ва методик қўлланмалар, тавсиялар мазкур камчиликни тўлиқ бартараф этиш имконини бермайди [10].

Мактаблар ўқувчилари интизомсизлигининг асосий омиллари белгилаш ва таҳлил этишда педагогик кузатув, педагогик тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш, тадқиқот мавзуси бўйича суҳбатлар ташкил этиш, тадқиқот натижаларини умумлаштириш.

Интизомсизликнинг юзага келишига турли омиллар таъсир кўрсатади, уларни мазмунан таснифлаш ушбу омилларнинг икки асосий гуруҳга мансублигини кўрсатади. Булар ижтимоий (объектив) ҳамда мантиқий (субъектив) омиллар. Мазкур омиллар худди ижтимоий ва психоонтогенез жараёнлар ўзаро алоқадор бўлгани каби бирининг вужудга келишига иккинчиси бевосита таъсир кўрсатади, яъни улар бир-бирини тўлдиради.

Интизомсизликнинг келтириб чиқарувчи хавф-хатар омиллари – бу гуруҳ ёки муҳит ҳамда индивид ха-

рактёрлари ўртасидаги алоқадорлик ва унинг муайян вақт оралиғида бузилиш эҳтимолининг юқори даражада бўлиши, деб тавсифланади. Хавф-хатар омиллари турлича кўринишда бўлиши мумкин. Булар:

- оилавий хавф-хатар омиллари (оиладаги келишмовчиликлар ва интизомсизлик, назоратсизлик, оилада жисмоний ва психологик зўравонлик, ота-оналарнинг алкоголь ва наркотик моддаларга ружу қўйиши ва ҳ.к.);

- тенгдошлар гуруҳидаги хавф-хатар омиллари (тенгдошларнинг салбий таъсири, сархуш ичимликлар истеъмол қилувчи дўстларнинг таъсири, ўқиш-ни истамаслик ва ҳ.к.);

- индивидуал хавф-хатар омиллари (ўз-ўзини баҳолашнинг қуйи даражаси, зўравонлик, гиёҳвандликка нисбатан ижобий муносабат, ёмон ўзлаштириш, хулқнинг бузилиши ва ҳ.к.);

- мактабдаги хавф-хатар омиллари (ёмон ўзлаштириш, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг қуйи ахлоқий даражаси, мактабда тамаки, алкоголь ва гиёҳванд моддалар истеъмол қилишга олиб келувчи шароитлар мавжудлиги, таълим-тарбиявий жараёнга эътиборсиз муносабатда бўлиш ва ҳ.к.);

- жамиятдаги хавф-хатар омиллари (жамиятдаги тамаки, алкоголь ва гиёҳванд моддалар истеъмол қилишга олиб келувчи ҳаёт шароитлари, жамият аъзоларининг қўллаб-қувватлашидан четда қолиш, гиёҳванд моддаларни топишнинг мумкинлиги ва ҳ.к.).

Интизомсизлик даражасини белгилаб берувчи асосий омиллардан бири – бу оила ҳисобланади. Аксарият тадқиқотчилар ҳақли равишда мазкур омилни етакчи омил сифатида эътироф этдилар. Оиланинг етакчи функцияларидан бири – бу болаларнинг ижтимоийлашишини таъминловчи тарбиявий таъсир кўрсатишдан иборат. Афсуски, ушбу функция айрим омиллар туфайли, жумладан, ота-оналар томонидан ҳар доим ҳам қониқарли бажарилмайди. Тадқиқотчилар оилада юзага келадиган интизомсизликнинг қатор сабабларини ажратиб кўрсатдилар:

- оила таркибининг нотўлиқлиги;
- ота-оналарнинг педагогик билими паст даражада бўлиши;
- оила аъзоларининг тарбия борасидаги қарашлари муштарак эмаслиги;
- турли сабабларга кўра, ота-оналарнинг тарбиявий жараёндан четлаштирилиши;
- оила моддий таъминотининг қуйи ёки аксинча, ниҳоятда юқори даражада бўлиши ва ҳ.к.

Таъкидлаш жоизки, интизомсизликнинг юзага келиши ва кучайишига оилавий муносабатлар бевосита кучли таъсир кўрсатади. Хусусан, интизомсизликнинг кучайишига ўсмирларнинг айрим нотўғри хатти-харакатлари, ўқув жараёнида қутилган ютуқларга эриша олмаганлиги, ҳатто ўқитувчининг танбеҳи ка-

биларга нисбатан ота-оналарнинг нотўғри муносабати сабаб бўлади.

Интизомсизликнинг вужудга келиши ва кучайишининг иккинчи муҳим омил – бу ўқув фаолиятининг сифатсиз ташкил этилиши, яъни мактаб омилли. Ўқувчи интизомсизлигининг сабаблари худди унинг шакллари каби турлича. Аксарият ҳолларда таълим муассасаларидаги интизомсизлик таълим субъектлари (педагоглар ёки синфдошлар билан ва б.) ўртасидаги ўзаро муносабатлар, хулқ-атвор қоидаларининг бузилиши, шунингдек, ўқув мате-риалларини ўзлаштиришдаги жиддий қийинчиликлар, ўқувчилар ижодий ва интеллектуал имкониятларининг тўлиқ татбиқ этилмаслигида ўз ифодасини топиб, ўқув фаолияти билан боғлиқ ҳолда амалга ошади. Н.М.Иовчук ва А.А. Севернийнинг фикрича, “мактабдаги интизомсизлик ўқувчи шахси ва уни ўраб турган муҳитнинг издан чиққан таъсири натижасида вужудга келган мураккаб ижтимоий-шахсий ҳодиса ҳисобланади” [11, 26].

Тадқиқотчилар мактабдаги интизомсизликнинг асосий сабаблари таркибида таълим муассасасида амал қилиниши лозим бўлган мулоқот маданияти меъёрларига зид бўлган муносабатлар, ўқитувчининг тарбия соҳасидаги индивидуал методининг хусусиятлари, педагог ва таълим муассасаси маъмуриятининг сушт. педагогик ҳамкорлиги, мактабда ўқувчининг тўлақонли шахс сифатида ривожланишларига таъсир кўрсатувчи шарт-шароитларнинг мавжуд бўлмаслиги, ўқитувчиларнинг ўқувчиларга нисбатан салбий муносабатда бўлиши, синф жамоасида шахслараро ўзаро муносабатларга таъсир кўрсатувчи айрим омиллар, таълим методикасининг замонавий талаблар даражасида бўлмаслиги, педагоглар умумий маданият даражасининг пастлиги кабиларни кўрсатадилар [10; 11; 12].

Қайд этиб ўтилган омилларнинг ҳар бири интизомсизлик жараёнларини вужудга келтиради. Мактабдаги интизомсизлик тўсатдан, қутилмаганда содир бўлмайди. Бу жараён узок ва яширин тарзда давом этган интизомсизликнинг муайян босқичида яққол ифодаланган тарзда намоён бўлади.

Мактабда ўсмирлар билан боғлиқ интизомсизликнинг қуйидаги шакллари ажратиб кўрсатиш мумкин:

- ўқувчининг шахс сифатида ўзини етарлича ифода қила олмаслиги, жамоадан ажралиб қолиши;
- ўқувчи дарсдан қочишининг асосий сабабларидан ҳисобланувчи унинг фаолиятидаги мотивацион жиҳатлардаги ўзгаришлар;
- ўқувчида истиқбол режалар ва ўз-ўзига ишончининг йўқолиши, руҳий тушкунлик ва изтиробга тушиши билан боғлиқ ҳолда лоқайдлик кайфиятига берилиши;
- ўқувчиларнинг ўқув мажбуриятларини бажармасликлари;
- тартиббузарлик миқдорининг ортиши;

- атрофдагилар билан ўзаро зиддиятларнинг кучайиши;

- ўсмирларнинг ўқув материалларини ўзлаштириш жараёнида тенгдошларидан ортда қолишлари.

Интизомсизлик омиллари шажарасида ўқувчи шахсининг ўзига хос хусусиятлари алоҳида ўрин тутлади. Интизомсизликнинг кўпгина сабаблари орасида ушбу омилга тегишлиларидан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- шахсда интеллектуал, ҳиссий, шахсий мотивацияли сифатларнинг етарлича ривожланмаганлиги;

- кадриятлар тизимининг мавжуд эмаслиги;

- ички мажмуаларнинг намоён бўлиши;

- жисмоний ва руҳий зўриқиш;

- шахсий ҳаётдаги муваффақиятсизликлар;

- ўз-ўзини ноадекват баҳолаш;

- ёшга хос бўлмаган инфантиллик (ёш болаларга хос руҳий ва жисмоний ҳолатларнинг сақланиши), унинг кўпинча лоқайдлик, ижтимоий хулқ-атворда агрессивликнинг пайдо бўлиши каби мутлақо нохуш ҳолатларга ўтиши;

- иродавий сифатларнинг етишмаслиги.

Ўқувчининг интизомсизликка мойиллигини белгилаш дарсларини ўзлаштирганлигини аниқлашга қараганда бирмунча мураккаброқ, албатта. Ўзлаштирмасликни аниқлашнинг доимий тизимли мезони билимларни баҳолаш бўлса, интизомни баҳолашнинг мезони йўқ.

Тадқиқот ишимиз давомида интизомлиликнинг сабабларини 2 та гуруҳга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ.

1. Интизомсизлик шахснинг мотивацияли – аффектив жиҳатлари билан боғлиқ бўлади. Бундай ўқувчилар интизомсизликнинг қуйидаги хусусиятларига кўра фарқланадилар:

- ўқувчининг атрофидаги ўқувчилар билан муносабатлари нотўғри шаклланган мулоқот натижасида ёмонлашади, натижада, у ё ўртоқлари (синфдаги барча ўқувчилар билан ёки айрим сифатлари билан), ота-онаси ёки ўқитувчиси айрим синфдошлари билан), ота-онаси ёки ўқитувчиси билан келишмовчиликка боради. Ўз интизомсизлиги билан у синфдошлари, ота-онаси ёки ўқитувчисига қарши туришга интилади, бу эса бошқаларда норозилик туйғусини уйғотади;

- интизомсизлик ўқувчининг мактаб ва ўқишга нисбатан нотўғри муносабати оқибати бўлади. Бунинг натижасида бу тоифага мансуб ўқувчиларнинг қизиқишлари мактаб ва ўқишдан ташқари нарсаларга киритилади, мактаб ва ўқиш улар учун кейинги ўринларни эгаллайди;

- ўқувчи ўртоқлари ичида обрў-эътибор қозонишни истайди, ўқишдаги муваффақиятлари ёки шахсий фазилатлари билан эмас, балки кўпол ҳазиллари, сўқинишлари билан уларнинг эътиборига сазовор бўлишга ҳаракат қилади. Натижада, дарсда, танаффус вақтида ёки тадбирларда интизомсизлик қилади;

- мактабда ўқишга келишгача даврда олинган нотўғри тарбия оқибатида ўқувчи дарсда нимани хоҳласа шу билан шуғулланиб ўтиради, жамоат талабларига риоя қилмайди.

2. Интизомсизлик ўқувчининг ахлоқий қоида ва меъёрларни билмаслиги оқибатида вужудга келади, унда ахлоқий меъёрлар мувофиқ ўзини тутиш кўникмалари шаклланмаган бўлади, ўзини қандай тутишни билмайди. Бундай ўқувчиларни, ўз навбатида, интизомсизликнинг хусусиятига кўра қуйидаги икки гуруҳга бўлиш мумкин:

- ўқувчилар ўз хулқ-атворлари ёки фаолиятларини ёмон ташкил этишлари оқибатида интизомсизликка йўл қўядилар. Натижада, улар ўзларини яхши тута билмайдилар ёки хулқ қоидаларини билмайдилар, шунингдек, ижобий хулқ-атвор фазилатларини машқ қилиб, мустақамлаб олмаган бўлишади;

- ўқувчининг интизомсизлигига унинг хатти-ҳаракатидаги сусткашликка мойиллик, таъсирчанлик, жонсарақлик каби сабаб бўлади.

Биринчи гуруҳга ёқимсиз ҳиссий кечинмалар ҳамда жазавага тушиш натижасида интизомсизлик қиладиган ўқувчиларни киритиш мумкин. Мазкур гуруҳ интизомсиз ўқувчиларнинг аксарият қисмини ўзида жамлайди. Бундай ўқувчилар салбий кечинмаларга мойиллиги ҳамда ўта таъсирчанлиги туфайли ўз ўртоқлари ва ўқитувчилари билан доимий равишда келишмовчиликка борадилар, жиззақилик қиладилар. Уларнинг ноадекват хатти-ҳаракатлари хулқидаги нохушликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Биринчи навбатда, ўқишдаги муваффақиятсизликлар сабабли оғир ҳиссиётлар таъсирида юрадиган ўқувчиларни алоҳида қайд этиш лозим. Дарсларни ўзлаштира олмаслиги, яхши ўқийдиган синфдошларининг мавқеи даражасига интилиши, лекин бунга эриша олмаслиги кўпинча бундай ўқувчида ўқитувчисининг адолатли баҳо қўйганига ишонмаслик ва алам туйғуларини уйғотади. Бундай ҳиссиётлар натижасида у бирдан қизишиб, тутақиб, кетади, ўртоқлари ва ўқитувчиси билан жанжаллашади. Паст баҳо олгани ёки ўзи кутганидан кўра, пастроқ баҳоланганлиги сабабли у ахлоқсизлик билан қўполлик қилади, зўравонликка интилади, ўзиникини маъқуллайди, овозини кўтариб, ўзининг ҳақлигини исботлашга интилади.

Кўпинча ўқувчининг ёмон ўзлаштириши, хатто қониқарли даражада ўзлаштириши ҳам ота-она билан ўсмир ўртасида келишмовчиликларни келтириб чиқаради. Аксарият ҳолларда ота-оналар ёмон ёки унчалик юқори бўлмаган баҳо туфайли фарзандларини жазолайдилар. Баъзилари учун кадрли бўлган нарсадан маҳрум қиладилар. Ота-оналарнинг боланинг имкониятларини назарда тутмаган ҳолда, бундай муносабатда бўлиши боланинг кайфиятини бузади,

унинг ёмонроқ ўқишига сабаб бўлади. Оилада оладиган жазосини ўйлаб, ўқувчи ёмон баҳо қўйилишига қаттиқ қаршилиқ кўрсатишга мойил бўлади.

Ўқувчида ҳиссий изтиробларнинг вужудга келишига ўқитувчисининг унга нисбатан муносабати ҳам боғлиқ бўлади. Ўқитувчисининг унга муносабати ёмон эканлигини сезиш, гарчи ҳеч қандай асосга эга бўлмаса-да, болада алам туйғусини уйғотиб, унинг хулқи бузилишига ҳамда ёмон ўқишига сабаб бўлади. Баъзан бундай болаларга ўқитувчининг қайсидир гаплари ёқмайди, ўқитувчи уларнинг қобилятларини тан олмайди, уларни ҳақоратлаётгандек, уларга нисбатан адолатсизлик қилинаётгандек туюлади. Бунга жавобан улар ўқитувчининг огоҳлантиришларига қулоқ солмайди, ўзларидаги нохуш туйғуларни гап қайтариш ва қўполлик қилиш билан намоёйиш этадилар.

Салбий ҳиссий кечинмалар кўпроқ жамоада ўз тенгдошлари билан келишолмайдиган ўқувчиларни безовта қилади. Айрим ўқувчиларнинг синфдошлари билан чиқиша олмаслигининг асл сабаби шундаки, у ўзини жамоада ўзи хоҳлаган ўринни эгалламаётгандек ҳис қилади. Бундай салбий кайфият ва кечинмалар унинг баъзи интизомсизлик қилиши ёки доимий равишда тартиббузарликларни содир этишининг асосий манбаи бўлиб ҳисобланади.

Бундан ташқари, оиласи ҳақида шундай салбий туйғулар пайдо бўлишида муайян ўрин тутади.

Ота ва она ўртасидаги муносабатларнинг ёмонлиги, жанжаллар, зиддиятлар, тортишувлар, бир-биридан норози бўлиб юриш, ота-оналарнинг фарзандларга нисбатан турлича муносабатда бўлиши, жазолашлар, умуман, шунга ўхшаш нохуш ҳолатлар ўқувчида оғир руҳий кечинмаларни вужудга келтириб, унда юқорида қайд этилган интизомсизликнинг белгилари бўлган негативизм, агрессив хатти-ҳаракатлар, қўполлик, гапга қулоқ солмаслик каби салбий одатларнинг шаклланишига олиб келади.

Интизомсизлик ҳаёт ва фаолиятнинг турли соҳаларида қанчалик тарқалганлиги даражасига, шунингдек, шахс унга қай даражада йўл қўйганлигига қараб таҳлил этилади. Ифодаланишига кўра, интизомсизлик яширин, очик ва аниқ кўринишларда намоён бўлади. Вужудга келиш тавсифига кўра, бирламчи, иккиламчи, қанча давом этишига кўра, вазиятли, вақтинча ва турғун (барқарор) турларга бўлинади. Интизомсизлик ҳар қандай жараён каби вужудга келиши, ривожланиши, сифат ҳолати, ривожланиш йўналиши, таснифий хусусиятларга эга.

Интизомсизликни бартараф этишнинг самарали йўллари танлашда таснифий тавсифнома муҳим ўрин тутади. Ҳозирги кунда турли мезонлар асосида интизомсизликни таснифлашнинг бир қанча турлари мавжуд [10; 11]. Амалиётдан келиб чиқиб, таснифлашнинг қуйидаги омилларини кўриб чиқиш мумкин:

Т/р.	Омиллар	Болалар гуруҳи	Девиация сабабалари
1.	Табиий биологик (саломатлик ҳолати, наслий ёки туғма хусусиятлар, руҳий ёки жисмоний бузилиш, қорин ички қисми ривожланишидаги жароҳатланишлар ва ҳ.к.).	Клиник – патологик жиҳатдан ривожланишида муаммолари мавжуд болалар.	Саломатлик ҳолатларида меъёрдан оғиш (болаларнинг жисмоний ёки руҳий саломатлигидаги бузилишлар, жисмоний ўсишдан ортда қолиш, бўйнинг ўсмаслиги, характерида акцентуация ҳолатининг кузатилиши кабилар).
2.	Ижтимоий – иқтисодий – (оиланинг моддий муаммолари, оиладаги ноқулай руҳий муҳит, ота-онанинг ахлоқсиз ҳаёт тарзи, жамият ҳаётига мослаша олмаслик ва ҳ.к.).	Турли юридик кучга эга бўлмаган шарт-шароитлар туфайли ота-она ғамхўрлигидан маҳрум болалар.	- оилавий тарбиядаги хатолар (“ҳаддан зиёд эркатилган болалик”, “эзилиб, зада бўлган болалик”, “ҳалокатга маҳкум болалик”, “ёлғиз болалик”, “лолоқайдликда ўсган, безътибор болалик”);
3.	Психологик (ўзини ўзгалар томонидан қабул қилинмагандек ҳис қилиш, беқарор ҳиссий ҳолатлар, тенгдошлари ва катталар билан ўзаро мулоқотда қийинчиликни ҳисқилиш ва ҳ.к.)	Ижтимоий ийлашмаган, нохуш оилалардан чиққан болалар	- шахслараро ўзаро муносабатлар соҳасидаги бузилишлар (эътироф этилмаган, донгдор бўлмаган, синф жамоасидан ажралиб, яқкалашиб қолган, азият чекиб юрадиган, эркин мулоқот гуруҳлари томонидан рад этилган (ёшларбоп кўнгилочар кечалардан маҳрум қилинган); зиддиятли, назоратсиз, оила ғамхўрлигидан мустасно);

4.	Педагогик (таълим муассасаси ўқув дастурлари ва ўқув шарт-шароитларининг болалар психологик хусусиятларига, рухий ривожланиши ҳамда ўқиб-ўзлаштириш маромига мос келмаслиги; ўқишга қизиқмаслик).	Ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-руҳий қўллаб-қувватлаш ҳамда қўмакка муҳтож оилаларнинг болалари.	-педагогларнинг хатолари (педагогик фармонбардорликнинг ҳаддан ошиб кетиши; боланинг индивидуал рағбатлантиришдан маҳрумлиги, ўқувчини жазолашда унинг шахс сифатида камситилишига йўл қўйиш; ўқувчига қўйиладиган талабларнинг ўзаро мос келмаслиги; унинг ўзига хос хусусиятларини юзаки билиш, ўқувчининг ота-онаси ва ўқитувчилар ёки ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги зиддиятли муносабатлар ва ҳ.к.).
----	---	--	--

Хулоса, мактаб интизомсизлиги – ўқувчида ўқишга муносабатнинг бузилиши, зиддиятли муносабатлар, психоген касалликлар ва реакциялар, хавотир даражаларининг ортиши, ўқувчи шахсининг ривожланишида нотўғри механизмларнинг шаклланиши. Бу муаммоларнинг негизида мураккаб шахсий

ва ижтимоий муносабат омиллари ётади. Айнан шу омиллар ўқувчининг баркамол шахс бўлиб шаклланишига жиддий салбий таъсир кўрсатади. Аксарият ҳолларда ўқувчиларда бундай ҳолатлар унга нисбатан нотўғри педагогик талаблар қўйилиши натижасида ҳам содир бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Гмурман В.Е. *Дисциплина в школе*. – М.: “Учпедгиз”, 1958. –164 с.
2. Амонашвили Ш.А. *Психологические основы педагогического сотрудничества: Кн. для учителя*. – К.: Освита, 1991. – 111 с.
3. Бандура А. *Теория социального научения*. – Санкт-Петербург: “Евразия”, 2000. – 320 с.
4. Крутецкий В.А., Лукин С. *Воспитание дисциплинированности подростков*. – М.: «Учитель», 1960. -370 с.
5. Мальковская Т.Н. *Воспитание сознательной активности старших школьников*. – М., 1974. – 56 с.
6. Асадов Ю.М., Мусурманов Р. *Ўсмирлар девиант хатти-ҳаракатининг ижтимоий-психологик хусусиятлари (диагностика, профилактика, коррекция)*. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: ЎзАФТИ, 2011. – 191 б.
7. Тўлаганова Г.Қ. *Тарбияси қийин ўсмирлар: [Психолог мутахассислар, амалий психологлар учун]*. – Т.: “Университет”, 2005. – 128 б.
8. Ҳақимова И.М. *Девиант ҳуқ-атвор психологияси. Ўқув қўлланма*. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2013. –155 б.
9. Ядгарова Г.Г., Авлаев О.У. *Тарбияси қийин гуруҳга мансуб болалар билан ишлаш*. –Т.: ЎМКТТКМО ва ЎҚТн, 2007. –70 б.
10. Дехкамбаева З.А. *Интизомсиз ўсмирлар диагностикаси (услубий қўлланма)*. –Т.: ЎзПФТИ, 2015. – 84 б.
11. Рашидов Х.Ф., Мусурманов Р., Дехкамбаева З., Зокиров А.А., Алимходжаева С. *Дарс интизомига салбий муносабатдаги болаларга нисбатан конструктив таъсир этишининг назарий ва методологик асослари*. – Т.: «Ноширлик ёгдуси», 2015
12. Юсупов Э. *Ёшларнинг маънавий камолоти*. – Т.: Ўзбекистон, 1995.
13. Ермолаев Б.А., Г.Г. Жарков и др. *Отклоняющееся поведение молодежи: краткий словарь-справочник*. – Владимир: ВГПУ, 1994. – 144 с.

ХУДОЖЕСТВЕННЫЙ КОНЦЕПТ УЧИТЕЛЯ В СОВРЕМЕННОЙ ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИИ

Севара Сулейманова,

Преподаватель Чирчикского государственного педагогического университета

Аннотация

В данной статье рассматривается понятие концепта в современной литературоведении. В истолковании термина «концепт» к настоящему моменту сформировались следующие подходы: психологический, логический, философско-семиотический, культурологический, лингвокультурологический и семантико-когнитивный. Концепт-многомерная интегрирующая эвристическая категория, в нем выделяются преимущественно три разнородных составляющих: понятийная, образная и значимостная. обращение к литературоведческому анализу сквозь призму концепта позволяет изучить художественное произведение гораздо шире и глубже.

Ключевые слова: Концепт, литература, современная литература, психологический, логический, философско-семиотический, культурологический, лингвокультурологический и семантико-когнитивный.

Annotatsiya

Ushbu maqolada zamonaviy adabiyotshunoslikdagi konsept tushunchasi haqida soʻz boradi. “Konsept” atamasini talqin qilishda hozirgi kunga qadar quyidagi yondashuvlar shakllangan: psixologik, mantiqiy, falsafiy va semiotik, madaniy, lingvokulturologik va semantik-kognitiv. Konsept asosan uchta komponentni oʻz ichiga oladi: konseptual, majoziy, va mazmunli tushuncha prizmasi orqali adabiy tahlilga murojaat qilish badiiy asarni ancha kengroq va chuqurroq oʻrganish imkonini beradi.

Kalit soʻzlar: Konsepsiya, adabiyot, zamonaviy adabiyot, psixologik, mantiqiy, falsafiy-semiotik, kulturologik, lingvokulturologik va semantik-kognitiv.

Annotation

This article represents an investigation into the issue of concept in present-day framework of literature studies. A number of approaches to interpret the term of concept have been developed up to date, which include psychological, logical, philosophical-semiotic, culturological, linguoculturological and semantic-cognitive ones. Concept is a multidimensional, desegregating, heuristic category. It can be said to incorporate three heterogeneous constituents: notional (conceptual), imagistic and significative. Any literary analysis made in the light of concept allows examining a literary work in a substantially broader and deeper way.

Keywords: Concept, literature, modern literature, psychological, logical, philosophical-semiotic, culturological, linguoculturological and semantic-cognitive.

Концепт является междисциплинарным образованием, он используется в целом комплексе наук, в том числе в разных направлениях лингвистики: в когнитивной лингвистике, лингвокультурологии, лингвоконцептологии и др., что породило разноплановость определений концепта, отражающих сложность, многомерность самого феномена, стоящего за данным термином. Разные трактовки концепта связаны с выдвиганием на первый план одного из аспектов определяемого термина, который и становится основной дефиниции. В истолковании термина «концепт» к настоящему моменту сформировались следующие подходы: психологический, логический, философско-семиотический, культурологический, лингвокультурологический и семантико-когнитивный [7;с.101].

Психологический подход зарождается в работах А.С. Аскольдова-Алексеева и получает развитие у Д. Лихачева. Концепт трактуется как некое мысленное образование, выполняющее заместительную функцию [10, 4]. В концепции Д. Лихачева концепт существует не для отдельного слова, а для каждого основного словарного значения слова и является неким «алгебраическим» выражением значения. Человеческое сознание

не способно охватить значение во всей его сложности, кроме того, человек интерпретирует его часто по-своему. Возникает концепт путем столкновения словарного значения с личным опытом человека и народным [10, 4]. Подход, предложенный Д. Лихачевым, позволяет учесть богатство ассоциаций и смысловых переносов, установить роль творцов языка (ведущая роль отводится писателям, особенно — поэтам), носителям фольклора, людям отдельных профессий.

Художественный концепт, способствующий рождению новых смыслов, представляет собой сложный феномен, который не может быть исследован только в рамках лингвистики. Важно отметить «концептуальный анализ» как одно из плодотворных направлений лингвистического анализа текста, прошедшего за последние тридцать лет сложный и противоречивый путь. Изучение текста осуществлялось с разных методологических позиций. Исследование концептов позволяет провести не просто лингвистический, но и филологический анализ, что, несомненно, ведет к более глубокому пониманию текста и позиции автора. Именно поэтому мы считаем, что наиболее полное изучение художественных

авторских концептов представляется через художественный текст и через его интерпретацию, которая позволяет постичь смыслы, составляющие структуру художественного концепта. Современные литературоведы все чаще обращают внимание на такое проблемное поле как концепт. Так, например М.Я. Блох определяет концепт «как выделенное сознанием знание о некотором предмете» [1, 101]. По Ю. Степанову, «под концептами понимаются понятия, но понятия наиболее общего порядка, являющиеся ценностями данной культуры и человеческой культуры вообще... В отличие от просто понятий, которые определяются в системах частных наук и в общем виде в логике, концепты не только определяются, но и переживаются, – они имеют эмоциональную и художественную компоненту» [2, 41-42]. С.Г. Воркачев вслед за В.И. Карасиком [6, 93] считает, что лингвоконцептология – «продолжение и развитие классической, структурной и функциональной семантики, обогащенной данными культурологии, когнитологии, социологии, истории и прочих смежных дисциплин» [5, 12]. По мнению З.Д. Асралян: «Концепты в художественной литературе, с одной стороны, отражают и когнитивные, и общечеловеческие, и лингвокультурные представления, а с другой стороны, порождают свой концептуальный мир, как правило, эмоциональный, образный» [1, 35-42]. В художественной литературе мы находим и когнитивные концепты различных понятий, и глобальный концепт всего произведения, который в литературоведении рассматривается как его основная идея. Мы согласны с мнением З.Д. Асралян, которая считает, что: «Глобальный концепт мы определяем как предикацию темы произведения к ее авторской интерпретации, причем эта интерпретация имеет и смысловые, и эстетические характеристики [1, 35-42]. Значение концепта в широкой смысле понимается нами как глобальная тема художественного произведения, формируется темами (подтемами) более низкого уровня: макротемами – микротемами – диктемами, где последняя – минимальная единица тематизации текста, формируемая предложениями или даже одним словом. В нашем исследовании для активизации темы произведений мы будем придерживаться указанного понимания концепта.

Концепты образуют «своего рода культурный слой, посредничающий между человеком и миром» [3, 22]. Ключевые концепты культуры исследуются по данным текстов разных времен и народов. Ключ к истолкованию концепта дают: набор атрибутов, функции, выполняемые данным концептом, и его место в жизни человека [3, 23].

В настоящий момент наиболее распространены два направления современного языкознания в исследовании концепта - семантико-когнитивное и лингво-

культурологическое. В каждом из названных подходов термин получает свою интерпретацию, поэтому в исследованиях последних лет намечается тенденция разведения когнитивного и лингвокультурологического концептов. Подобная дифференциация присутствует, в частности, в работах

Г. Воркачев оперирует термином «лингвокультурный концепт», что свидетельствует о разграничении концепта как объекта изучения двух разных направлений [7, 14].

При семантико-когнитивном (лингвокогнитологическом) подходе концепт рассматривается в рамках понятий знания и сознания и понимается как ментальное образование, своеобразный фокус знаний о мире, когнитивная структура, включающая разнотипные единицы оперативного сознания. Авторы исследуют соотношение семантики языка с концептосферой народа, связь семантических процессов с когнитивными. В интерпретациях такого рода на первый план вступает проблема соотношения языка и сознания. Подобный взгляд на концепт присутствует в работах когнитологов А.П. Бабушкина (1996, 2001), Н.Н. Болдырева (2001).

Главное в исследованиях этого направления состоит в том, что через «изучение семантики языковых знаков можно проникать в концептосферу людей, можно выяснять, что было важно для того или иного народа в разные периоды его истории» [12, 18].

Они видят отличие между когнитивным и лингвокультурологическим концептом в том, что в структуру последнего обязательно входит ценностный компонент. Чистая когнитивистика может рассматривать и потенциальные концепты, для лингвокультурологов же они не существуют, но «не потому, что для них нет языкового обозначения, а потому, что в сознании носителей языка нет ценностного отношения к подобным феноменам» [8, 320]. Прямым следствием ценностного характера концептов является «переживаемость» — они не только мыслятся, но и эмоционально переживаются и способны интенсифицировать духовную жизнь человека при попадании в фокус мысли [7, 18]

Таким образом, концепт по ряду особенностей отличается как от традиционных единиц когнитивистики (фрейма, сценария, гештальта и др.), так и от единиц лингвокультурологии (логоэпистемы и лингвокультуремы) и обладает собственной неповторимой спецификой.

Каждое из описанных выше направлений можно считать уже достаточно оформившимся в современной лингвистике, все они имеют свои методические принципы (объединяет их теоретическое представление о концепте как единице сознания), и все они имеют своих сторонников среди лингвистов-когнитологов, их представляют достаточно известные научные школы.

Концепт - многомерная интегрирующая эвристическая категория, в нем выделяются преимущественно три разнородных составляющих: понятийная, образная и значимостная [7, 15].

В лингвокультурологических текстах концепты «опредмечиваются», «объективируются», «распредмечиваются», «вбирают в себя обобщенное содержание множества форм выражения», «заполняются смыслами» [8, 21].

Концепт как ментальное образование получает репрезентацию в различных сферах познаваемой, переживаемой, преобразуемой действительности и существует в индивидуальном и коллективном сознании, являясь двойственным, тройственным и т.д. Ценностная сторона является определяющей для того, чтобы концепт можно было выделить. Именно совокупность концептов, рассматриваемых в аспекте ценностей, образует ценностную картину мира. Статус концепта многомерен и реализуется, по мнению С.Г. Воркачева, в трех составляющих:

1. Понятийная составляющая: признаковая и дефиницированная структура концепта;
2. образная составляющая: когнитивные метафоры, поддерживающий концепт в сознании;
3. значимостная составляющая – этимологические, ассоциативные характеристики концепта [5, 7].

Таким образом, обращение к литературоведческому анализу сквозь призму концепта позволяет изучить художественное произведение гораздо шире и глубже.

М.В. Пименова отмечает, что «концепт рассеян в языковых знаках, его объективирующих. Чтобы восстановить структуру концепта, надо исследовать весь языковой корпус, в котором репрезентирован концепт (лексические единицы, фразеологию, паремиологический фонд), включая систему устойчивых сравнений, запечатлевших образы-эталон, свойственные определенному языку» [13, 9].

Совокупность языковых средств, объективирующих (вербализующих, репрезентирующих, о внешних) концепт в определенный период развития общества, определяется исследователями как номинативное поле концепта [12, 66].

В.И. Карасик разграничивает три принципиально различных способа языковой объективации концепта — обозначение, выражение и описание.


Обозначение понимается как присвоение фрагменту осмысляемой действительности наименования, специального знака. «Обозначение может иметь разные степени точности. Например, если кто-то хочет сказать, что у него болит зуб, он может уточнить это следующим образом: стандартное обозначение предмета (зуб); генерализирующее обозначение (костный орган); уточняющее обозначение (клык); специальное уточняющее обозначение (нижний левый клык).

Стандартное и уточняющее обозначения относятся к наивно-языковой концептуализации, генерализирующее и специальное уточняющее - к специальной сфере общения. Обозначение в сфере непредметных сущностей — это выделение качеств и процессов и присвоение им имен» [8, 109-110].

«Выражение концепта — это вся совокупность языковых и неязыковых средств, прямо или косвенно иллюстрирующих, уточняющих и развивающих его содержание... Описание концепта — это специальные исследовательские процедуры толкования значения его имени и ближайших обозначений». Описание осуществляется дефинированием, контекстуальным анализом, этимологическим анализом, паремиологическим анализом, интервьюированием, анкетированием, комментированием [8, 110-111].

Все эти способы в равной степени могут участвовать в выявлении номинативного поля исследуемого концепта.

В. Адамова определяет вхождение термина концепт в литературоведение так: «Функционирование концепта нам предоставляется в виде парадигмы, которой мы предлагаем в качестве научной гипотезы, требующий конкретного аналитического подтверждения:



Автор как носитель и как представитель языка и культуры является воспринимающим сознанием той окружающей его информации, которое кадрируется в языковом концепте и носителем которой он (концепт) является. На этом этапе концепт для художника — абсолютно объективная величина, а концептосфера — это движущаяся саморазвивающаяся совокупность смыслов концепт (концептов). Далее в авторской включаются те проблемы действительности, которой актуальны, значимы именно для этой личности. И тогда начинается неизбежная трансформация языкового (культурного) концепта появляются такие его качества, которой включаются в художественной мысли, и концепт переходит в единицу в его художественной философии. [5, 7].

Итак, рассматривая в общем существующие методики концептуального анализа, можно сделать

следующий вывод: моделирование художественных концептов продуктивно осуществлять, руководствуясь при этом теми или иными задачами и предметом исследования, на основе целого комплекса методов и приемов семантико-когнитивного, контекстуального, когнитивно-дискурсивного, интерпретационного, полевого, компонентного, структурного, сопоставительного, лексикографического характера, имеющих своей целью попытку разностороннего анализа концептов как в индивидуально-авторской, так и в национальной художественной картине мира. При этом также следует учитывать мнение научного большинства о невозможности исчерпывающего описания художественного концепта ввиду его принадлежности к сфере сознания и, как следствие, его принципиальной динамичности, бесформенности и нечеткости.

Таким образом, с точки зрения литературоведения становится необходимым введение термина в литературоведческую систему анализа, так как концепт позволяет:

1) рассмотреть процесс художественного творчества от замысла к его словесному художественному воплощению;

2) реконструировать художественную лабораторию творческого процесса;

3) изучить художественный мир произведения с точки зрения аксиологии, гносеологии и онтологии, отображенных в концепте;

4) проследить формирование картины мира автора; соотнести художественное мышление и картину мира с языковыми;

5) концепт позволяет обозначить максимальное содержание вводимых понятий, превращающихся в

художественный образ. Через концепт мы соединяем самые значимые элементы структуры художественного мышления от понятия к художественному образу.

На этом основании мы считаем возможным введение в практику литературоведческого научного исследования концепт как такой вид анализа, который позволит изучить динамическую систему от языкового концепта к художественному образу, внутри которой особое место принадлежит художественному концепту. Концепт как универсальная индивидуально-авторская и текстовая категория включает все остальные литературоведческие понятия и включается в них как частное в целое, но такое целое, которое невозможно без концепта. Это дает возможность проанализировать произведение как звено онтологического бытия и как новое – иное бытие. [1, 654-655].

Таким образом, понятие «концепт», изначально принадлежащее когнитивной лингвистике, сегодня стало широко применяться в других областях гуманитарного знания, в частности в литературоведении. Причина того, что этот термин в отечественной науке до сих пор используется не столь широко, как это было возможно, - сложность определения границ этого понятия и наличие синонимичных слов в русском языке. Перспективы применения этого термина в литературоведческих исследованиях широки: это связано с междисциплинарными тенденциями в современной науке. Выделение такой единицы художественного текста, как «концепт», позволит углубить исследования в области литературоведения с помощью анализа лингвокультурных и психолингвистических составляющих литературного произведения.

ИСПОЛЬЗОВАННЫЕ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Адамова В. Художественный концепт как единица творческого процесса литературоведческом осмыслении. // «Филология». Подсекция «Теория литература» С 654-655.
2. Асратян З.Д. Концепт в художественном произведении // *Культура и цивилизация*. 2017. Том 7. № 3А, 35-42.
3. Арутюнова Н. Д., Падучева Е. В. Новое в зарубежной лингвистике. — Вып. XVI. Лингвистическая прагматика (вступ. ст.). — М.: Прогресс, 1985. — С. 22-23.
4. Блох М.Я. Диктема в уровневой системе языка // *Вопросы языкознания*. 2000. № 4, 56-67.
5. Блох М.Я. Проблема понятия концепта и картины мира в философии языка // *Преподаватель. XXI век*. 2007. № 1, 101-105.
6. Валгина Н. *Теория текста*. — М.: Логос, 2003. — 173 с.
7. Воркачов С.Г. Лингвокультурная концептология и ее терминосистема // *Политическая лингвистика*. 2014. № 3, 12-20.
8. Карасик В.И. *Языковая матрица культуры*. — М.: Гнозис, 2013. — 320 с.
9. Лебедев А.В. Соотношение концепта «сотворение мира» и языковой картины мира // *Культура и цивилизация*. 2016. № 2, 188-197.
10. Лихачев Д. Концептосфера русского языка // *Изв. РАН. Сер. лит. и яз.* — 1993. — № 1. — С.3-9.
11. Миллер Л.В. Концепт как смысловая и эстетическая категория // *Мир русского слова*. 2000. № 4, 39-45.
12. Попова З. Д., Стернин И. А. *Очерки по когнитивной лингвистике*. — Воронеж: Истоки, 2001. — 190 с.
13. Пименова М. В. О типовых структурных элементах концептов внутреннего мира (на примере концепта душа) / М. В. Пименова // *Язык. Этнос. Картина мира: сб. науч. тр. / отв. ред. М. В. Пименова*. — Кемерово: Графика. — 2003. — С. 28-39 (Серия «Концептуальные исследования». Вып. 1).
14. Тильман Ю. Д. *Культурные концепты в языковой картине мира: автореф. дис... канд. филол. наук: 10.02.01 / Ю. Д. Тильман*. — М., 1999. — 25 с.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ КЕНГАШ ИНСТИТУТИ АСОСИДА ЮРИТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Тўйчи Ахмедов,

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Аннотация

Ушбу мақолада кенгаш институти ҳақидаги назарий қарашлар таҳлил этилади. Жумладан, давлат ва жамият бошқарувини юртишида коллегиал қарор қабул қилишининг афзалликлари, энг муҳим стратегик вазифаларни белгилашда маслаҳатлашувнинг ўрни, кенгашиш талаб этиладиган устувор соҳалар ҳақидаги сиёсий қарашлар мақолада атрофлича ёритилган.

Калим сўзлар: Давлат, жамият, бошқарув, маслаҳат, кенгаш, машварат, қурултой, таклиф, муҳокама, қонун, давлатчилик.

Аннотация

В статье анализируются теоретические представления об институте совета. В частности, подробно освещены политические взгляды на преимущества коллегиальности принятия решений в управлении государством и обществом, роль консультации в определении важнейших стратегических задач, приоритетные направления, требующие консультации.

Ключевые слова: Государство, общество, управление, совет, консультация, конвенция, предложение, обсуждение, право, государственность.

Annotation

This article analyzes theoretical views about the institution of the council. In particular, the political views on advantages of collegial decision-making in the governance of the state and society, the role of consultation in determining the most important strategic tasks, priority areas requiring consultation are covered in detail.

Keywords: State, society, governance, advice, council, consultation, convention, proposal, discussion, law, statehood.

Узоқ асрлар давомида кенгаш институтининг давлат бошқарувидаги аҳамияти бўйича назарий қарашлар илгари сурилган. Хусусан, Марказий Осиё ҳудудида яшаб, ижод этган алломаларнинг қарашларида кенгаш институти билан боғлиқ кўплаб фикрлар мавжуд. Энг муҳими, кенгаш институти бўйича билдирилган қарашлар макон ва замонга қараб такомиллашиб, ўзига хос аҳамият касб этиб борган бўлса-да, умумий хулоса шуки – кўпчилик фикри асосида пишган қарор бошқарувда муҳим роль ўйнайди. Барчани муҳокама марказига жамлаш кенгаш институти билан амалга оширилади. Шу боисдан кенгаш институти бўйича билдирилган қарашларни тизимли таҳлил қиламиз.

Ривожланган ўрта асрларда давлат бошқаруви бўйича ўзининг йирик концепциясини илгари сурган алломалардан бири бу – Форобийдир. Юнон олимлари асарларини ўрганиш, уларга шарҳ ёзиш, бошқарув илмини тадқиқ қилиш жараёнида Форобий фозил жамият концепциясининг ҳар томондан синчлик ўрганишга ҳаркат қилади. У давлат бошқаруви тизимини шакллантириш ҳақида гапирар экан қонун ўрнатиш билан машғул ҳокимиятда рақобат бўлиши лозимлигини уқтириб ўтади. Бу рақобатда яхшилар ютиб чиқиши ва бунинг учун барча имкониятларга эга бўлишлари керак. Қонун чиқарувчиларнинг фаолияти доимий ўтказиладиган умумий йиғилишлар, маслаҳатлашувлар шаклида бўлиши керак. Бу жараён

аҳоли учун очик бўлиши ва муносиб даражада олиб борилиши шарт. Форобийнинг назарида қонун чиқариш ўзида сиёсатшунослик, ҳуқуқшунослик, иқтисодиёт назарияси, руҳшунослик, жамиятшунослик, тарих, шеърят, риторика, этика, фалсафа сингари фанларни жамлаган мураккаб тизимдир. Айнан мана шундай жамликда қонунларнинг амал қилиши ва самарали таъсир кўрсатиши таъминланади. Форобийнинг қонунчилик борасидаги фикрига кўра, ижтимоий муносабатларни тартибга солишда мамлакатда амалда бўлган қонунлар миқдори эмас. Балки уларнинг сифати ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Қонунларнинг сифатида эса кўп жиҳатдан қонуншуносларнинг тафаккур қобилиятлари, билимлари савиясига боғлиқ бўлади[1, 209, 213, 224].

Яна бир мутафаккир – Юсуф Хос Хожиб “Қутадғу билиг” асарида кенгашиш афзалликлари атрофлича очиб берилади. Кенгашиш одоби бўйича: “Беклар сендан қачон сўз сўрайдиган бўлсалар, сўзни кўп чўзмагин. Агар сўзингни эшитмокчи бўлсалар, билганларингни оҳиста баён қил, сўзингни кессалар, дарҳол тўхтат, сўзни чўзмагин”. Унинг фикрича, донишмандлар ақл-хушни йиғиб, билимларини пешлаб боришлари лозим, зеро улар ҳукмдор адашганда тўғри йўл-йўриқ, яъни маслаҳат бериб турадилар [2, 287-288]. Юсуф Хос Хожиб кенгаш ҳақида шундай ёзади: “Ишни билиб кенгаш-маслаҳат билан қилиш лозим, кенгашмай иш қилувчи одам ўкиниб йиғлайди. Сў-

замол киши нима деган, эшитгин, барча қиладиган ишларнинг тадбири кенгашир, деган. Кенгашмоқлик даркор, кенгашни ўз яқин кишиларга солиш керак, ҳар қандай иш ҳам кенгаш билан қилинади. ...Кенгашган одамнинг билим доираси кенгайди, кенгашга билим аралашса барча ишларга қўл бораверади. Нима иш қилмоқчи бўлсанг одамлар билан кенгашир, кенгашмайдиган одамни дўст ва ошна тутма, қандай иш бўлмасин, аввал кенгашиб сўнг қилгин, тилаган тилақларингга кенгаш билан етгин” [2, 364].

Бошқарувда кенгаш институти ҳақида гап кетганда Низомулмулкнинг сиёсий қарашлари алоҳида таъкидлаш лозим. У ўз даврида доно вазир, узоқни кўра билувчи маслаҳатчи сифатида донг таратган. Низомулмулк давлат бошқарувидаги тажрибаларига асосланган “Сиёсатнома” асарида шундай ёзади: “...иморатлар қуриш, пул сарфлаш, бирор жойга қўшин тортиш, сиёсат масалалари, захира ва васлат, мақом ва сафар қилиш, юриш учун лашкар тортиш, раият ишлари сингари масалаларни давлат арбоблари ва дунё кўрган оқил қариялар билан маслаҳатлашиб, тадбир қилиш шох учун яхшироқдир... Бирор ишни маслаҳатсиз амалга ошириш фикрнинг заифлигидан далолат беради, бундайларни ўзибилармон дейдилар. Машварат ва кенгашсиз амалга оширилган ишнинг натижаси яхши бўлмайди. ...Кўпчилик бўлиб қабул қилинган тадбир энг савобли бўлади ва доим шундай йўл тутиш керак” [3, 92-93]. Демак, салжуқийлар давлатида қурилиш ишлари, молиявий харажатлар, қўшин тортиш, сиёсий масалаларда, захира ва васлат, сафар қилиш ва лашкар тортиш, раият ишлари каби вазифаларни ҳал этишда кенгаш ўтказиш муҳим ҳисобланган.

Амир Темурнинг кенгаш ҳақидаги қарашлари ҳам алоҳида ўрганилиши керак. Амир Темурнинг фикрича, гарчи ишнинг қандай яқунлиниши тақдир пардаси орқасида яширин бўлса ҳам, акли расо ва ҳушёр кишилардан кенгашу тадбир истаб, фикрларини билмоқ лозимдир. Маслаҳатчилар ва кенгаш аҳли йиғилганда, олдиндаги ишларнинг яхши-ёмон, фойдаю зиён томонлари, уларни амалга ошириш, оширмаслик ҳақида сўз очиб, (улардан) фикр сўраган. Сўзларини эшитгач, ишнинг ҳар икки томонини мушоҳада қилиб, фойда-зиёнларини кўнглимдан кечирган; унинг хатарли томонларига кўпроқ эътибор назари билан қараган; қайси бир ишда икки хатар мавжуд бўлса, уни (бажаришдан) воз кечган ва бир хатарлик ишни ихтиёр этган. Ишларимнинг барини кенгаш билан юргизиб, уни битиришда тўғри тадбир қўллар эди. Бир ишга киришмай туриб, ундан чиқиш йўлларини ўйлаб қўйган. Уни тўғри тадбир, қатъий жазм, сабр-чидам кўрсатиб, эҳтиёткорлик билан узоғини ўйлаб, ортини эсдан чиқармаган ҳолда охирига етказган.

Амир Темурнинг кенгаш иштирокчилари ўзига хос бирлик, иттифоқликда бўлишлари лозимлигини

таъкидлайди: “Яна тажрибамдан ўтказдимки, кенгаш аҳли бирлик, иттифоқдик билан сўзда собит, ишда чидамли бўлишлари шартдир. Қилмоқчи бўлган ишларини қилмасдан қолдирмасунлар. Агар бирор ишни қилмасликка сўз берар эканлар, унинг яқинига ҳам йўламасунлар”. Бу жуда катта сиёсий тарбия демак. Чунки қатъий тартиб-интизом жуда катта ютуқларни таъминлаб берган. Кенгашда айтилган фикр шунчаки қолиб кетмаслиги керак, қарор охиригача ижроси таъминланиши лозим. Кенгаш иштирокчиларининг сўз ва амалда иттифоқчилиги салтанат ҳамжиҳатлагининг муҳим омили бўлган дейиш мумкин. Кенгаш икки турли бўлган. Бири – тил учида айтилгани, иккинчиси – дилдан чиққани. Тил учида айтилганини (шунчаки) эшитиш керак. Дилдан айтилган маслаҳатни эса қалб қулоғига қуйиб, дилга жойлаш шарт. Агар (ғаним устига) лашкар тортмоқчи бўлса, уруш-ярашдан ўртага сўз ташлаб, амирларни кўнгилиларининг бу икковидан қай бирига мойиллигини билишга интилган. Агар ярашдан сўз очсалар, бунинг фойдасини уруш зиёнига солиштириб кўраган. Агар урушга мойил бўлсалар, унинг наф ва фойдасини яраш зиёнига таққослаб кўрган; қайси бири фойдалироқ бўлса, шуни ихтиёр қилган.

Навоий наздида, ҳар қандай ислоҳот ва ижтимоий ўзгаришлар олимлар, мутахассисларнинг маслаҳатлари, уларнинг илмий хулосалари асосида илмий жиҳатдан ҳар томонлама исботланиши талаб этилади. Бошқача айтганда, сиёсий жараёнлар, сиёсий ҳаёт институционал асосда ташкил этилиши талаб этилади. Илгарилари ҳам бу масалалар ҳукмдорларни яқин (ҳос) ҳақимлари (олимлари), яъни маслаҳатчи олимлари бўлган, ундан ташқари, ҳукмдорларнинг девонларида жиддий тадбирлар кенгаш ва машваратда, қилинажак тадбирнинг фойда ва зиён томонлари батафсил муҳокама қилинган. Бундай масалалар Алишер Навоий асарларида жуда ажойиб тарзда баён қилинган. Унинг асарларининг бош қаҳрамонлари подшоҳларнинг ёнларида донишманд вузаро (вазирлар), фузало (фозиллар, олимлар), уламо (шариат олимлари), ҳақимлар, яъни турли соҳаларнинг олимлари, маслаҳатгўйлари бўлиб, доно ва оқибатли шох албатта уларни қадрлаган ва доимо уларнинг маслаҳатларига амал қилган. Қайси подшоҳ бу тамойилга амал қилмаса, унинг салтанати тезда инқирозга юз тутиб, барбод бўлганлиги кўплаб тарихий мисоллар воситасида кўрсатиб ўтилган[4, 75-76]. Навоий давлат ишида машварат, яъни кенгашиб иш қилишни қайта-қайта таъкидлайди. Кенгашларда нафақат “аркони давлат”, балки нуфузли шахслар, донишманд ҳақимлар ҳам қатнашиши мумкин. Аммо ҳар бирининг ўз ўрни, ўз мавриди бор. “Ҳайратул аброр” достонининг йигирманчи мақолати шахзода Бадиуззамонга бағишланган. Бунда ҳам улуғ мутафаккир

давлатни бошқариш масалаларига кенг тўхтаб ўтар экан кенгаш ва машварат билан иш юритиш зарурлигини таъкидлайди. Давлат бошлигининг азму қарори, фикр-қарашлари, шубҳасиз, еткчилик қилиши лозим. Аммо бошқалар билан кенгашиб, умумий хулосалар, қарорларга келиш жуда муҳим. Шу боис. Бир ишни шошма-шошарлик билан амалга оширишдан кўра, уни обдон ўйлаб, бошқалар фикри билан қиёслаб пишириб, кейин кейин татбиқ этмоқ фойдали. Чунончи, шоир қайд этганидек,

Раёйингга ҳар амрки келди савоб,
Машваратсиз этма қилурга шитоб...

Айлама ўз раёйингга кўп эътиқод,
Муътамад эл раёйидин иста кушод.

Шаҳки раёйини этти кўп писанд,
Раёй кўрар эл тилига солди банд.

Буни соддароқ қилиб тушунтирсак, шоир демокчики, эй шаҳзодам, сенда бирор-бир фикр туғилса, уни дарров амру фармонга чиқариб ҳаётга татбиқ қилишдан олдин кенгашиб ол. Фақат ўзининг шахсий фикрингга суянма, тўғри ниятли, ишончли одамлар фикрига ҳам қулоқ сол, ҳамма вақт ўз хоҳишини устун қўядиган подшоҳ яхши маслаҳат берадиган бошқа одамлар оғзига банд солади. Бу эса мутлақ бир фикр ва бир хоҳишнинг ҳукмрон бўлишини юзага келтирадигани, оқибатда шоҳ иккиланиб, содиқ сафдошларидан ажралиб қолиши мумкин. Демак, давлат миқёсидаги муҳим ишларни аёнлар, аркони давлат, биринчи навбатда, хойрихоҳ, покдил, ҳақгўй одамлар билан маслаҳатлашиб, кейин қарорлар қабул қилиш маъқул. Албатта, давлат ишида таъжил (тез бажариши керак бўлган) ишлар ҳам бор. Бунда шоҳ ўзи қарор қабул қилиши шарт. Шунингдек, баъзи тадбирларни таваккал қилиб амалга оширишга тўғри келади, деб давом эттиради Наовий, аммо шунда ҳам энг яқин одамлар билан маслаҳатлашиш фойда беради. Биз учун шоирнинг мана бу фикри ҳам ибратлидир:

Бўлма малул ўлса кенгашда талош,

Асру узун доғи керакмас кенгош.

Яъни, кенгаш пайтида баҳсу мунозара қизиқ кетса, сенга малол келмасин, одамлар фикрини эркин баён этишга изн бер. Сабр-тоқат билан тингла. Бироқ кенгаш жуда чўзилса ҳам бўлмайди [5, 5]. Тўғри, баҳсу мунозара, хилма-хил фикрлар кенгаш кун тартибидаги масалалар муҳокамасини қизгин ўтишини таъминлайди. Муаммо ечимига доир кўплаб таклифлар ўртага ташланади. Аммо узун давом этадиган кенгашлар, бугунги тил билан айтганда йиғилишлар мақсадга мувофиқ эмас. Ҳар бир нарсада меъёр бўлганидек, кенгаш давомийлиги учун ҳам аниқ регламент даркор.

Сўнги ўрта асрларда кенгаш институти билан боғлиқ қарашларни илгари сурган алломалардан бири бу – Аҳмад Донишдир. Аҳмад Дониш ўз даврининг етук давлат ва жамоат арбоби ҳисобланган. Ўзининг

“Наводирул вақое” асарида кенгаш билан боғлиқ қарашларини билдириб кетган. Энг муҳими Аҳмад Дониш манғит амирларига давлат бошқарувини юритиш бўйича кўплаб тавсияларни ишлаб чиққан. Мана шу тавсиялардан бир қисми кенгаш – машваратга тааллуқли. Аҳмад Донишнинг фикрича, подшоҳ ҳамиша оқил олимлар суҳбатларига ташна бўлиши, уларнинг насиҳатларини ғанимат билиши керак. Ҳирсу-дунё, хушомадгўй олимлардан ҳазар қилиб, уларни ўз суҳбатига киргизмаслиги лозим. Чунки уларнинг мақсади мол йиғишдан иборатдир [6, 44]. Шунингдек, ҳукмдор кенгашларига ҳасадчи, чақимчи ва иғвогар кишиларни киритмаслиги керак: “Подшоҳ ўз кенгашларига ҳасадчи, чақимчи ва иғвогар кишиларни йўлатмасин. Бундай одамлар подшоҳ кенгашларига йўл топиб қолар эканлар, кўп фитна ва фасодларга сабаб бўладилар. Халқ устида подшоҳга жосуслик қилиб, катталарнинг обрўларини тўкиб, юртни тинчсизлантирадилар. Подшоҳ бундай бузук сифатларнинг бирор кишида борлигини билар экан, унинг чақимчилигидан жаҳонга ўт тушмасдан илгарироқ, сиёсат шамшири билан унинг чорасини кўрсин” [6, 68]. Ҳукмдор кенгашда кўпни кўрган, тажрибали қарияларнинг маслаҳатларини олиши керак. Яна бир ўринда Аҳмад Дониш ҳукмдор мажлисида имтиҳондан ўтган олимлар, шоирлар, тарихчилар, адиблар иштирок этиши кераклигини, бу мажлисда мамлакат аҳволи, халқ ҳаётига доир турли масалалар муҳокама қилиниши зарурлигини келтириб ўтади [6, 81]. Демак, Аҳмад Дониш кенгаш ҳақидаги қарашларида ушбу йиғинга қатнашадиган давлат хизматчиларига қўйиладиган талабларни алоҳида кўрсатиб ўтади.

Аҳмад Дониш ўзининг қарашларини бошқа ривожланган мамлакатлар идора тизими билан таққослаган ҳолатда шакллантира олган. Унинг бундай қарашини қуйидаги парчада акс этади: “...Мамлакат учун фойдали бир иш подшоҳ хотиринга келар экан, уни амалга оширишга дарҳол киришмасин. Аввал ўзи шу иш устида фикр юргизиб, сўнгра уни машваратга қўйсин. Агарда уни машварат ҳам тўғри топар экан, бисмилло деб бу ишни бошласин. Подшоҳ лозимдирки, катта бир машваратхона очсин. Бундай иш ҳозирги низомлик давлатлар ичида мамлакат тутишининг энг муҳим ишларидан ҳисобланади. Мамлакат халқининг турли табақаларидаги одамлар ичидаги энг ақлли ва энг илмлиларидан у машваратхонага аъзо сайлаб, уларга маош тайин қилсин. У жойга йиғилган машваратчилар халқнинг ҳамда давлатнинг манфаатини кузатиб фикр юргизсинлар. Улар нима нарсага иттифоқ қилган бўлсалар, у ишни амалга оширсин. Машваратхонада доимий туришлари лозим эмасдир, балки сайланмиш одамлар шу машваратхонага ҳар куни бир неча соат тўпланиб мамлакатни фойда ва зарарларини текшириб турсалар кифоядир. Мамлакат ободлиги ва халқнинг манфаати устида бир ишга улар иттифоқ қилган бўлсалар, уни султонга тақ-

дим қилсинлар. Агарда у ҳам шу иттифокқа қўшилса, имзо қилиб амалга оширсин. Чунки кўп ақллар бир ерга йиғилсалар, кўп вақтда хато чиқмайди. Агарда бу маслаҳат мажлисини подшоҳ ҳузурида очсалар, баъзилари уялганидан ва баъзилари салтанат даҳшатлари босганидан ҳақ сўзни очиқ айтишга тортинадилар ёки султоннинг райига қараб бу иш тўғри ёки нотўғри деб деб айта олмайдилар. Балки султоннинг райи хато бўлса ҳам уни тўғри деб айтишга мажбур бўладилар. Энг яхшиси бундай вақтда подшоҳ ўз деганига қарамай, кўпчиликнинг маслаҳати тўғри бўлса, ўшаларга қўшилсин. Яна, дўст-душманга яхши муомалада бўлсинки, бундан дўстнинг муҳаббати ортиб, душманнинг адовати камаяди. Кўпни кўрган, тажриба ўтказган қариялардан маслаҳат сўрасин” [6, 59-60].

Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, биринчидан, давлат муайян низом асосида, яъни Конституцияга ўхшаш норма билан бошқарилиши, иккинчидан, ўтказиладиган кенгаш ҳукмдор хоҳиши билан чақирилмасдан, балки мунтазамлик касб этиши, бунинг учун алоҳида машваратхона, бизни тил билан айтганда парламент ташкил этилиши, учинчидан, машаваратхона аъзолари ўша вақтдаги Европа давлатлари парламентлари сингари аҳолининг турли табақаларидан энг билимли ва доно кишилардан иборат

таркибда сайлаб қўйилиши, тўртинчидан, машваратхона ҳукмдор ҳузурида эмас, балки алоҳида ташкил этилиши зарурлиги, яъни қабул қилинадиган қарорлар фақат ҳукмдор хоҳишини акс эттирмаслиги, тўғри, оқилона ва тизимли ечимга эга бўлиши кераклиги, бешинчидан, кенгаш мамлакатнинг ютуқлари ва камчиликларини муҳокама қилиб боришлари, муҳокама натижалари бўйича ҳукмдорга таклиф киритиб боришлари лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтсак, кенгаш институтининг давлат бошқарувидаги ўрни бўйича асрлар давомида ўзига хос қарашлар илгари сурилган. Уларни жамлаштирсак қуйидагича хулосаларга келиш мумкин: биринчидан, “кенгаш” тушунчаси билан боғлиқ қарашларнинг бошланиши қайси давр билан боғлиқлиги аниқлаштирилган, иккинчидан, кенгашда иштирок этувчи аъзолар кимлар бўлиши кераклиги ҳақида тизимли фикрлар берилган, учинчидан, кенгаш давлат ва жамият бошқарувининг айнан қайси масалалари бўйича ўтказилиши зарурлиги билан боғлиқ қарашлар ҳар доим кун тартибда турган, тўртинчидан, ҳукмдор маслаҳатчилари, уларнинг танлаш мезонлари билан боғлиқ таомилларни маъно-мазмунни очиб берилган, бешинчидан, кенгаш билан боғлиқ қарашлар макон ва замонга хос янгиликлар асосида ривожланиб борган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мухитдинова Ф. *Шарқ уйғониши даври мутафаккирларининг сиёсий-ҳуқуқий таълимотлари (Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Синонинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари асосида). Юридик фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.* – Т., 2010.
2. Юсуф Хос Хожиб. *Қутадғу билиг / Қадимий ҳикматлар.* – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987.
3. Низомулмулк. *Сиёсатнома.* – Т.: Адолат, 1997.
4. Норов Т. Алишер Навоий инсонпарварлик қарашларининг мустақил Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан уйғунлиги. *Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация.* – Т., 2019.
5. Комилов Н. *Адолат – давлат пойдеворининг асоси// Жамият ва бошқарув.* – №1. – 2004.
6. Аҳмад Дониш. *Наводир ул-вақое.* – Т.: Фан, 1964.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ ТАЛАБАЛАРИДА КРЕАТИВ ФИКРЛАШНИ ШАКЛЛАНТИРУВЧИ ИЖТИМОЙ ОМИЛЛАР

Озода Толипова,

Қўқон давлат педагогика институти ўқитувчиси

Аннотация

Мақолада таълимнинг асосий аҳамияти ўқувчиларни жамиятда ютуққа эришишлари учун керакли малака ва кўникмалар билан қуроллантиришдан иборат. Креатив фикрлаш бугунги ёшларнинг ривожланишлари учун керакли компетенция билан таъминланиши очиб берилган.

Калим сўзлар: Таълим, креативлик, компетенция, ижод, фикрлаш, қобилият, ривожланиш, шаклланиш.

Аннотация

В статье критическая важность образования заключается в том, чтобы вооружить учащихся необходимыми навыками и способностями для достижения успеха в обществе. Выявлено творческое мышление, обеспечивающее современную молодежь необходимыми для ее развития компетенциями.

Ключевые слова: образование, творчество, компетентность, креативность, мышление, способность, развитие, формирование.

Annotation

In the article, the critical importance of education is to equip students with the necessary skills and abilities to succeed in society. Creative thinking is revealed to provide today's youth with the necessary competence for their development.

Keywords: Education, creativity, competence, creativity, thinking, ability, development, formation.

Креатив фикрлаш, бирон бир ишга креатив ёндашиш бугунги кунда жамият ҳаётининг ва ишлаб чиқариш жараёнининг барча соҳаларида энг кўп эътибор қаратилаётган ва ўрганилаётган муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шу ўринда ҳақли бир неча савол туғилади: Креатив фикрлаш ўзи нима? Бугунги кунда жамиятда креатив фикрлашнинг ўрни қандай? Креативлик хусусиятлари шахсда қандай намоён бўлади? Мазкур масалага ёндашишда чет эл тажрибасига кўпроқ таяниш зарур, чунки ушбу масала чет эллик олимлар томонидан кенг ва батафсил ўрганилганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, америкалик психологлар Ҳеннесей ва Амабилеларнинг таъкидлашича, креатив ёндашув ва ютуқлар дунё бўйлаб фан ва технологиядан тортиб, фалсафа, санъат ва гуманитар фанлар каби турли соҳаларда инсоният тамаддунини илгари сурган.

Креативлик тушунчасининг луғавий маъноси инглиз тилида “create” – яратиш, “creative” яратувчи, ижодкор маъноларини англатади. Жамият ҳаётининг қайси соҳасида қўлланилишига қараб турли соҳа вакиллари томонидан турлича таърифлар берилганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, педагогик нуқтаи назардан ёндашганда, креативлик педагогнинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрликни тавсифловчи ҳамда мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирувчи ижодий қобилияти маъносини ифодалайди.

Ш.С.Шарипов “Ўқувчилар касбий ижодкорлиги узвийлигини таъминлашнинг назарияси ва амалиёти” номли докторлик диссертациясида “Ўқувчилар ижодий фаолиятини ташкил қилишда икки ўзаро боғлиқ вазифани эътиборга олиш лозим. Уларнинг биринчиси

– ўқувчилар ижодий фаолиятида мустақил фикрлашни ривожлантириш, билим эгаллашдаги интилувчанлиги, илмий дунёқарашини шакллантириши билан, иккинчиси – ўзлаштирган билимларни таълимда ва амалий фаолиятда мустақил қўллаш олишга ўргатиш билан белгиланади” – деб таъкидлайди [6, 120]. Ш.С.Шариповнинг келтириб ўтган вазифаларига таянган ҳолда ўқувчиларнинг нафақат касбий ижодкорлигини, балки ижодий фаолият жараёнини болаларнинг кичик ёшидан бошлаб шакллантириш, бошланғич синфда ўқиш даврида уларнинг тасаввурини бойитиш орқали ақлий кўникмаларини ривожлантириб бориш, ўз олдида қўйган мақсадига эришишларида турли ечимларни топиб, тўғри қарор чиқариш кўникмаларига одатлантириш орқали ташкил этиш мумкин деган хулосага келган. Тадқиқотимизда бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий тасаввурини ривожлантиришга қаратилган машғулотларнинг айримларида ўқувчиларни касбга йўналтиришнинг баъзи хусусиятлари келтириб ўтилган [6, 27].

У.А.Усманова ўзининг “Бошланғич синф ўқувчилари ижодий тасаввурини ривожлантириш” мавзусидаги диссертациясида ижодий топшириқларнинг бир қанча турларини келтириб ўтган ва ижодийлик, ижодкорлик ва креатив фикрлашнинг фарқларини таҳлилий жиҳатдан ўрганган.

У.А.Усманова ўзининг тадқиқотларида қуйидагича ёндашувни келтириб ўтган: Бошланғич синф ўқувчиларида ўрганишга, ўзлаштиришга хоҳиш ва қизиқишни шакллантиришда қизиқарли топшириқлар, дидактик воситалар, ижодий машғулотларнинг қўлланилиши самарали усуллардан бири эканлигини

унутмаслик лозим. Зеҳнлилик, топқирлик, синчковлик, қизиқувчанлик, изланувчанлик сифатлари мустақил ва ижодий фаолиятни ташкил қилишнинг асосий омиллари ҳисобланади. Таълим жараёнининг ушбу омиллар асосида ташкил этилиши ўқитувчи ва ўқувчи мулоқотини индивидуал ва дифференциал ёндашувга асосланган инновацион технологияларни жорий этишни тақозо этади [7, 21].

Ўқитувчилар креатив фикрлаш қандай аниқланишини, уни юзага келтирадиган вазиятларни ҳамда ўқувчиларнинг ижодий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришнинг энг самарали усуллари ҳақида тушунишлари керак.

Креатив фикрлашни шакллантирувчи шахсий омиллар ўз таркибига кўра қуйидагича қисмларга бўлинади.

Креатив фикрлашни шакллантирувчи шахсий омилларнинг биринчи банди ақлий кўникмалар қуйидагича асосланади:

1. Конвергент фикрлаш – муаммога ечим топиш учун изланишнинг анъанавий ва мантиқий стратегиясини қўллаш, англаш ва тўпланган маълумотларга асосан қарор қабул қилиш қобилияти.

2. Дивергент фикрлаш – муаммоларга аввал таклиф этилмаган, янги, ғайриоддий ёки ҳайратланарли жавоб топишдир. Инсонда билим қанчалик кўп бўлса ва у соҳага оид турли маълумотларнинг бир-бирига боғлиқлигини яхшироқ тушунса, креатив ғояларни кашф этиш имконияти каттароқ бўлади.

Креатив фикрлашни шакллантирувчи шахсий омилларнинг иккинчи банди тажрибаларни ўрганишга ва билим олишга очиқлик қуйидагича асосланади:

Кўпгина креатив одамлар фикрлашга иштиёқманд бўлиб, тажрибаларни ўрганишга ва билим олиш фазилатларига эга.

Креатив фикрлашни шакллантирувчи шахсий омилларнинг учинчи банди талабаларнинг билим соҳасининг тайёрлиги қуйидагича асосланади:

Инсонда билим қанчалик кўп бўлса ва у соҳага оид турли маълумотларнинг бир-бирига боғлиқлигини яхшироқ тушунса, креатив ғояларни кашф этиш имконияти каттароқ бўлади.

Креатив фикрлашни шакллантирувчи шахсий омилларнинг тўртинчи банди мақсадга йўналганлик


ва ижодкорлик борасида ўз-ўзига ишонч қуйидагича асосланади:

Ижодкор ва яратувчан инсонлар “саъй-ҳаракат қилишга ўзларида хоҳиш-истак топа оладиган” инсонлар (Сроплей).

Ижодкор инсонлар учун хос бўлган йетакчи хусусиятлардан бири сабр-матонат (Торрансе).

Дивергент фикрлаш семантик маконнинг муаммога тааллуқли барча элементларини боғлайди, ва бу элементларнинг ягона тўғри композициясини топади (1.3-расмга қаранг).

Муаммонинг элементлари




1.3-расм. Конвергент фикрлаш

Ижод жараёнида ҳам конвергент, ҳам дивергент таркибий қисмлар мавжудлигини ва бу билиш амалини бу таркибий қисмларга аниқроқ бўлиш уни тегишлича (адекват) тасвирламайди.

Муаммонинг элементлари узоқ соҳалардан олинса, муаммонинг ечилиши кўпроқ даражада креатив бўлади. Ижодий ечимнинг стереотип ечимдан фарқи операциянинг ўзига хос хусусияти билан эмас, балки фикрлаш синтезининг якуний босқичида стереотипларни енгиб ўтиш қобилияти ва ассоциациялар майдонининг кенглиги билан белгиланади. Демак, креативлик конкергант фикрлашни истисно қилмайди.

Креатив шахслар конвергент фикрлашдан фойдаланиш билан ўтмишдаги ҳодиса, воқеаларга этибор беришади, бироқ дивергент фикрлаш ёрдамида эски ечимларни четлаб ўтиш билан аввал маълум предмет учун янги қўлланиш ўрни, соҳасини топишади (1.4-расмга қаранг).



1.4-расм. Креатив фикрлаш

Креативлик тушунчасини психология соҳасидаги тадқиқотларнинг предмети деб ҳисоблаш қабул қилинган бўлсада, унинг талқинлари бошқа фанларда ҳам келтирилган, ва улар орасида фалсафа ва педагогикадаги дефинициялар (таърифлар) бизнинг тадқиқотимиз учун энг кўп қизиқиш уйғотади.

Фалсафа нуқтаи назаридан, креативлик ижодий фикрлашга бўлган қобилиятни, ижодий яратувчанликнинг ибтидоси, одамларнинг табиий ва ижтимоий оламни инсон мақсадлари ва эҳтиёжларига мувофиқ реал воқеликнинг объектив қонунлари асосида ўзгартирувчи фаолиятини ифодалайди


Педагогикада креативлик муаммоли вазиятлар нуқтаи назаридан ўрганилади ва умумий ҳолда узлуксиз/тинимсиз ўзгариб турадиган вазиятларда сонсаноксиз вазибаларни ечиш қобилиятини – турли вазиятларда қарорлар қабул қила олиш малакасини, ҳамда қуйидаги компетенцияларнинг тўпламини ифодалайди:

- ўз эҳтиёжлари ва манфаатлари, қизиқишларини билдириш;
- ахборотнинг бошқа манбаларини топа олиш малакаси;
- турли педагогик вазиятларда қарорлар қабул қила олиш малакалари;
- муаммони ечишнинг (ҳал қилишнинг) бошқаларга ўхшамайдиган (оригинал) усулларини ўйлаб топиш (ишлаб чиқариш) қобилияти [8, 153].

Психологияда креативлик тушунчаси турлича талқин қилинади: ассоциатив назария креативликни ассоциацияларнинг пайдо бўлиши (юзага келиши) нуқтаи назаридан ўрганган; гештальтпсихология – маҳсулдор фикрлаш нуқтаи назаридан; психик таҳлил (психоанализ) – ижодий энергия ва ижодий фаолиятга бўлган мотивациясини шакллантириш нуқтаи назаридан, гуманистик психологияда эса – мотивация (рағбатлантириш) ва ўзини-ўзи (мустақил) янгилаш (актуаллаштириш) орқали талқин қилган. Бизнинг фикримизча, психология луғатида келтирилган таъриф ушбу барча психологик ёндашувларни умумлаштиради: “креативлик” – индивиднинг

ментал (аклий) амаллардан, ҳиссий-эмотив амал жараёнларида, бошқа индивидлар билан коммуникация жараёнида, ҳамда фаолиятнинг ташаббускорлик, фаоллик, яратиш билан боғлиқ – репродукция қилиш – у ёки бошқа предметларни ишлаб чиқариш, серғайрат фаоллиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ каби турли шакллари-турларида намоён бўладиган ижодий потенциали ва қобилиятлари”.

Креатив фикрлашни шакллантириш бисқичида бир қатор ижтимоий омиллар муҳим аҳамият касб этади. Улар қуйидагиларни ташкил этади (1.5-расмга қаранг):



1.5-расм. Креатив фикрлашни шакллантирувчи ижтимоий омиллар

“Ижод(корлик)” ва “креативлик” тушунчалари орасида фарқни аниқлаш масаласи ҳали ҳам баҳс-мунозарали бўлиб қолмоқда. Даставвал, кўпчилик тадқиқотчилар креативликни ижод психологиясини ўрганишга умумий ёндашув доирасида ўрганганлар. Т.А.Ребеконинг ёзишича [9, 25-54], ижодни ўрганишга икки ёндашув мавжуд: биринчиси ижод ва яратувчанликни ўзида мужассам қилади, иккинчиси эса ижоднинг моҳиятини яратувчининг (ижодкорнинг) нуқтаи назарларидан тасвирлайди. Креативлик устида хорижда ўтказиладиган замонавий тадқиқотларда турли туман ёндашувлар кузатилади.

Креатив фикрлашни шакллантиришнинг ижтимоий омиллар таркибий қисмларини хусусий равишда бир қатор таърифлар билан асослаш мумкин (1.6-расмга қаранг).



1.6-расм. Креатив фикрлашни шакллантирувчи ижтимоий омиллар

Тадқиқот ишларимизда “ижодкорлик” ва “креативлик” тушунчаларини бир доиранинг икки томонлари деб белгилаб уларни бир биридан ажратдик ва бунда ижодкорлик ушбу бирлиكنинг процессуал-натижа берувчи томони, креативлик эса субъект билан шартланган томони ҳисобланади.

Методологик ёндашувнинг вакиллари ижод(корлик) ни муаммоли вазиятнинг функцияси деб тушунадилар ва креативликка вазифани ечиш (ҳал қилиш) жараёнининг хусусиятлари орқали таъриф берадилар. Мамлакатимиз олимларининг асарларида, ижод(корлик) ижтимоий ҳодиса (феномен) ва ривожланиш механизми сифатида, табиат ва жамиятга хос сифат сифатида тушунилади. Ижод(корлик)нинг асосий характеристикаси нимадир янги, бошқаларга ўхшамайдиган (оригинал) нарса яртиш қобилиятидан иборат.

Олим Е.С. Рапаевичнинг фикрига кўра, ижод(корлик)нинг турлари инсоннинг фаолитяга: илмий – янги билимни ишлаб чиқариш, бадий – янги бадий асарларни яратиш, педагогик – янги методлар, шакллар, тамойиллар, мазмун, педагогик тизимларни ишлаб чиқишга боғлиқ бўлади [10, 928].

Бугунги кунда “креативлик” ва ижод(корлик)” тушунчаларининг ўзаро муносабати, боғланганлигини ўрнатишда, талқин қилишда бир бирига зид фикрлар мавжуд. Ушбу масалага уч хил ёндашув ажратиб кўрсатилади:

1. “Креативлик” ва “ижод(корлик)” тушунчалари синонимлар деб қаралади, яъни креативликни тадқиқ қилиш ижод(корлик) психологияси доирасида амалга оширилади, бу тушунчалар бир биридан ажратилмайди.

2. Креативлик алоҳида ҳодиса сифтида ўрганилади, ва креативлик деганда субъект-шахсий янгиликнинг ва аҳамиятлиликнинг шакллантирилиши тушунилади. Ижод(корлик) эса фаолият субъекти яратадиган янгиликнинг мавжуд ижтимоий-маданий контекст билан ўзаро фаолиятини акс эттирадиган ҳодиса/феномен деб ўрганилади (қаралади). Яъни креативлик деганда субъект учун янги имкониятлар яратиш тушунилади. Ижод(корлик) эса – умуман олганда маданият учун янги имкониятлар яратиш деб тушунилади. Олимлар Е. Пикард ва М. Боден шундай нуқтаи назарларни илгари сурадилар (индивидула шахсий ва ижтимоий креативлик).

3. Креативлик ижод(корлик)ни ўрганишанинг алоҳида аспекти сифатида хизмат қилади ва инсоннинг ички ресури, салоҳияти сифатида қаралади. Масалан,

олим Я.А. Поноамерёв [11, 38-50] ижоднинг психик жараён сифатидаги яхлит концепциясини таклиф қилади, креативликни эса шахснинг ижодий потенциалининг аспектидан бири деб ажратиб кўрсатади.

Биз ҳам ушбу ёндашувни танладик, чунки креативликни ижоднинг аспектиларининг бири сифатида ўрганишнинг намоён бўлишининг кўп маънолилиги (серқирраллилиги) ва мураккаблигини кузатиш имконини беради. Бундан ташқари, бу ҳолда, креативликни ижод(корлик)нинг умумий қонуниятлари билан алоқадорликда/боғлиқликда ўрганиш имконияти мавжуд.

Педагогикада инновацион ёндашувни жорий этишда ижодкорлик фаолиятининг маънавий, дидактик, технологик, ташкилотчилик каби турларидан кенг фойдаланиш мумкин

Бугунги кунда амалга оширилган психологик-педагогик тадқиқотларда “креативлик” тушунчасининг жуда кўп сонли таърифлари мавжуд:

Н.М.Гнатко, креативликни маъно-моҳияти ҳақидаги тасаввурларининг бир маъноли эмаслиги билан тавсифланади [12, 43].

Олим Е.П.Торренс [13, 215] муаммоларга сезувчанлик ва уларни креативликни омил сифатида англашни; ҳамда ўз билимларининг етарли эмаслигидан қониқмаганлик, ечимларни излашга бўлган қобилиятни, дисгармонияга (уйғунликнинг йўқлигига), тошишмоқларни/жумбоқларни тахмин қилиб топишга, фаразларни тузиб, ифодалашга бўлган сезувчанликни ажратиб кўрсатади, ва у креативликни фикрлаш атамаларида тасвирлашда Ж.Гилфорднинг фикрига кўшилади. Унинг фикрига кўра, ижодий фикрлаш – “қийинчиликларни, муаммоларни, ҳис қилиш жараёни; тахминий ғоялар лойихаларини тузиш, кўриб чиқиш ва текшириш, ва натижаларни умумлаштириш жараёнидир”.

Ўтказилган тадқиқотлар асосида олим креативликни ривожлантиришга биологик эмас, балки инсон тарбия топадиган муҳит энг катта таъсир кўрсатиши ҳақидаги хулосага келади, ва креативликнинг ривожланишида пасайишига таълим (тарбия) йўли билан ривожлантириш мумкинлигини экспериментал таризда очиб берган.

Юқоридагилардан хулоса қилиб креативликнинг қуйидаги кўрсаткичларини ажратиб кўрсатиш мумкин: фикрлашнинг самарадорлиги, фаолиятни лойихалаш қобилияти, йечимларнинг олдиндан айтиб беришнинг мумкинлиги, қарорлар қабул қилиш ва уларнинг ижроси, фикрлай олиш қобилияти.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Мактабгача таълим вазирлигининг 2019 йил мартдаги “Педагогика таълим соҳаси бўйича кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари битирувчи курс талабаларининг малакавий педагогик амалиётларини доимий яшаш ҳудудларида ўташларини таъкил этиш тўғрисида”ги 10-қ/қ-сон қарори.

3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.
4. Большой психологический словарь. – М.: Прайл-ЕВРОЗНАК. Под ред. Б.Г.Мещерякова, акад. В.П.Зинченко, 2003. – 92 с.
5. Современный словарь по педагогике / сост. Е.С. Рапацевич. – Мн.: Современное слово, 2001. – 928 с.
6. Шарипов Ш.С. Ўқувчилар касбий ижодкорлиги узвийлигини таъминлашнинг назарияси ва амалиёти: Автореф. пед. фан. док. – Т., 2012. – 58 б.
7. Усманова У.А. Бошланғич синф ўқувчилари ижодий тасаввурини ривожлантириши. Автореф. пед. фан. бўй. фал. док. – Т., 2018. – 51 б.
8. Чошанов, М. Гибкая технология проблемно-модульного обучения / – М.: Народное образование, 2012. – 158 с.
9. Ребеко, Т.А. Ментальная репрезентация как формат хранения информации / Т.А. Ребеко // Ментальная репрезентация: динамика и структура. – М.: Изд-во «Институт психологии РАН», 1998. – С. 25-54.
10. Современный словарь по педагогике / сост. Е.С. Рапацевич. – Мн.: Современное слово, 2001. – 928 с.
11. Пономарев, Я. А. Психология творчества: перспективы развития / Я. А.Пономарев // Психологический журнал. – 2004. – т.15. – №6. – С. 38-50.
12. Гнатко, Н.М. Проблема креативности и явление подражания / Н.М. Гнатко; Рос. АН, Ин-т психологии. – М.: Ин-т психологии РАН, 1994. – 243 с
13. Torrence e.P. Developing creative thinking through school experience. // N.Y., 1962. – p. 215.

МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШДА СЎРОВНОМАЛАР ЎТКАЗИШ ВА ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Тўлқин Маматалиев,

Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва
илғор технологияларни татбиқ этиш маркази
Назорат-ҳуқуқий бўлим бошлиғи

Аннотация

Ушбу мақолада олий таълим ташкилотларида масофавий таълим сифати мониторинги, олий таълим таълим ташкилотларидаги масофавий таълим бўйича ўқув жараёни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан мониторинг қилиб боришдаги ваколатлари, масофавий таълим сифати мониторингида сўровномалар ўтказиш ва ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари билан боғлиқ масалалар бўйича фикр юритилади.

Калит сўзлар: сўровнома ўтказиш, таҳлил қилиш, фокус-гурӯҳлар ташкил этиш, натижаларни баҳолаш.

Аннотация

В данной статье мониторинг качества дистанционного образования в высших учебных заведениях, компетенции Министерства высшего и среднего специального образования и Государственной инспекции по контролю качества образования по мониторингу образовательного процесса дистанционного образования в высших учебных заведениях учреждений, рассмотрены правовые аспекты проведения и организации анкетирования при мониторинге качества дистанционного образования, вопросы, связанные с фондами.

Ключевые слова: проведение опроса, анализ, организация фокус-групп, оценка результатов.

Annotation

In this article, the monitoring of the quality of distance education in higher education institutions, the competences of the Ministry of Higher and Secondary Special Education and the State Inspectorate for Quality Control of Education in monitoring the educational process of distance education in higher education institutions, the legal aspects of conducting and organizing questionnaires in the monitoring of the quality of distance education issues related to the foundations are considered.

Keywords: conducting a survey, analysis, organization of focus groups, evaluation of results.

Замонавий интернет технологияларининг кириб келиши бир неча асрлар давомида ўзгармай келган ҳолатларни ўзгартириб юборди. Бу одатдаги хат ёзишмалари электрон почта билан, кутубхоналар эса web-сайтлар билан алмашилишида намоён бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 июндаги Ф-60-сон фармойишининг 1в-ИЛОВА-сига мувофиқ, 2022/2023 ўқув йилида давлат олий таълим муассасаларига бакалавриятнинг масофавий таълим шакли бўйича давлат буюртмаси асосида ўқишга қабул қилиш параметрларида Республика бўйича жами 3410 талаба қабул қилиниши белгилаб қўйилди.

Ҳозирда таълим тизимида таълим олишнинг анъанавий шакллари ўрнига масофавий таълим элементлари кириб келди. Замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари воситаларини таълим жараёнига кириб келиши анъанавий ўқитиш усулларида қўшимча равишда янги ўқитиш шакли – масофавий ўқитиш яратилишига омил бўлди.

Масофавий таълимда талаба ва ўқитувчи-профессор масофавий бир-бирдан ажралган ҳолда ўзаро махсус яратилган ўқув курслари, назорат шакллари, электрон алоқа ва Интернетнинг бошқа технологиялари ёрдамида доимий мулоқотда бўладилар [1].

Интернет технологиясини қўллашга асосланган

масофавий таълим шакли жаҳон ахборот таълим тармоғига кириш имконини беради, интеграция ва ўзаро алоқа тамойилига эга бўлган муҳим бир туркум янги функцияларни бажаради. Масофавий ўқитиш барча таълим олиш истаги бўлганларга ўз малакасини узлуксиз ошириш имконини яратади. Бундай ўқитиш жараёнида талаба интерактив режимда мустақил ўқув-услубий материалларни ўзлаштиради, назоратдан ўтади, ўқитувчининг бевосита раҳбарлигида назорат ишларини бажаради ва гуруҳдаги бошқа «вертикал ўқув гуруҳи» талабалари билан мулоқотда бўлади.

Маълум сабабларга кўра, таълим муассасаларининг кундузги бўлимларида таҳсил олиш имконияти бўлмаган, масалан, соғлиги тақоза этмайдиган, мутахассислигини ўзгартириш нияти бўлган ёки ёши катта, малакасини ошириш нияти бўлган кишилар учун масофавий ўқитиш қулай ўқитиш шакли ҳисобланади. Масофавий ўқитишда турли хил ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдаланилади, яъни ҳар бир технология мақсад ва масала моҳиятига боғлиқ. Масалан, анъанавий босма усулига асосланган ўқитиш воситалари (ўқув қўлланма, дарсликлар) талабаларни янги материал билан таништиришга асосланса, интерактив аудио ва видео конференциялар маълум вақт орасида ўзаро мулоқотда бўлишга, электрон по-

чта тўғри ва тескари алоқа ўрнатишга, яъни хабарларни жўнатиш ва қабул қилишга мўлжалланган.

Олдиндан тасмага муҳрланган видеоматериаллар талабаларга материалларни тинглаш ва кўриш имконини берса, факсимал алоқа, хабарлар, топшириқларни тармоқ орқали тезкор алмашиши талабаларга ўзаро тескари алоқа орқали ўқитиш имконини беради. Юқоридагиларга асосланиб, таълим жараёнида айна вақтда қайта-қайта тилга олинаётган айрим терминлар тавсифи ва таърифларни келтириб ўтамиз.

Масофавий ўқитиш – энг яхши анъанавий ва инновацион методлар, ўқитиш воситалари ва формаларини ўз ичига олган сиртки ва кундузги таълим сингари ахборот ва телекоммуникация технологияларига асосланган таълим формасидир.

Масофавий ўқиш – бу янги ахборот технологиялари, телекоммуникация технологиялари ва техник воситаларига асосланган таълим тизимидир [2].

Нима учун масофавий таълим керак бўлиб қолди? – деган савол туғилиши табиий. Бу саволга жавоб тариқасида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

- Таълим олишда янги имкониятлар (таълим олишнинг арзонлиги, вақт ва жойга боғлиқмаслиги ва бошқалар).

- Таълим масканларига талаба қабул қилиш сонининг чекланганлиги.

- Таълим олишни хоҳловчилар сонининг ошиши.

- Сифатли ахборот технологияларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши.

- Халқаро интеграциянинг кучайиши.

Юқорида санаб ўтилган шароит ва имкониятлар масофавий ўқитишга эҳтиёж борлигини кўрсатади. Масофавий ўқитишнинг таълим тизимида бир-бирдан фарқланувчи модел ва шакллари мавжуд бўлиб, улар қуйидаги қўлланиш шартлари билан фарқланади:

- географик шартлар (масалан, мамлакат территорияси, марказдан узоқликда жойлашуви, иқлими);

- мамлакатнинг ахборотлашуви ва компьютерлаштириш умумий даражаси;

- коммуникация ва транспорт воситаларининг ривожланиш даражаси;

- таълим жараёнида ахборот ва коммуникация технологиялари воситаларининг қўлланиш даражаси;

- таълимда қўлланиладиган анъаналари;

- масофавий ўқитиш тизими учун илмий педагог кадрлар мавжудлиги ва уларнинг салоҳияти ва бошқалар.

Умуман олганда, масофавий таълимнинг мақсади-га қуйидагилар киради:

- Мамлакат миқёсидаги барча ҳудудлар ва чет эл-даги барча ўқувчилар,

- талабалар, таълим олишни хоҳловчиларга бирдек таълим олиш имкониятини яратиб бериш.

- Етакчи университетлар, академиялар, институтлар, тайёрлов марказлари, кадрларни қайта тайёрлаш

муассасалари, малака ошириш институтлари ва бошқа таълим муассасаларининг илмий ва таълим бериш потенциалларидан фойдаланиш эвазига таълим беришнинг сифат даражасини ошириш.

- Асосий таълим ва асосий иш фаолияти билан параллел равишда қўшимча таълим олиш имкониятини яратиб бериш.

- Таълим олувчиларни таълим олишга бўлган эҳтиёжини қондириш ва таълим муҳитини кенгайтириш.

- Узлуксиз таълим имкониятларини яратиш.

- Таълим сифатини сақлаган ҳолда янги принципал таълим даражасини таъминлаш.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда таълим тизимини бошқаришда қўлланилиб келинаётган интернет ёки интернет тармоғи орқали электрон шаклдаги таълим турини Elearning (электрон таълим) атамаси билан кириб келди [3].

Электрон таълими – ахборот-коммуникация технологиялари асосидаги таълимнинг турли кўринишларини англатувчи кенг тушунчадир. Elearning ўз ичига электрон ўқув контентларни билим олувчига етказиш усулидан келиб чиққан ҳолда гуруҳларга ажратиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 3 октябрдаги “Олий таълим ташкилотларида масофавий таълим шаклини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 559-сон қарорида [4] масофавий таълим сифати мониторинги таълим ташкилотларидаги масофавий таълим бўйича ўқув жараёни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан мониторинг қилиб борилиши кўрсатилиб ўтилган.

Ўқув жараёнини мониторинг қилишни масофадан туриб амалга ошириш мақсадида олий таълим ташкилотининг масофавий таълимни бошқариш бўйича дастурий таъминот – LMS платформаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим жараёнларини бошқариш ахборот тизимига ҳамда Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси Таълим муассасалари, педагог ходимлар, таълим олувчилар ва бошқа ахборотлар тўғрисида ягона маълумотлар базаси ахборот тизимига интеграция қилиниши мажбурий ҳисобланади.

Қарорга кўра, ўқув жараёнини мониторинги дарс машғулоти ва назорат тадбирларини кузатиш ва таҳлил қилиш, сўровнома ўтказиш, фокус-гурӯҳлар ташкил этиш, интервью олиш, натижаларни баҳолаш ва бошқа усулларда амалга оширилиши мумкин [5].

Масофавий таълим сифати мониторингида сўровнома ўтказиш алоҳида аҳамиятга эга. Сўровномалар ўтказиш ва ташкил этиш билан боғлиқ масалалар бўйича сўровномалар ўтказишга ихтисослашган questionpro.com, methods.sagepub.com, yougov.co.uk ва news.gallup.com интернет сайтлари фаолиятини ўрғаниш фойдали бўлиши мумкин.

Сўровномалар маълум бир масала ёки бир қатор масалалар бўйича жамоатчилик фикрини ўрганиш мақсадида илмий ва холис тарзда ўтказиладиган сўров тури ҳисобланади.

Бунда муайян намунадаги сўровнома жамоатчилик фикри ёки жамиятнинг маълум тоифа вакилларининг фикрларини билиш мақсадида ўтказилади.

Сўровномаларни телефон, почта, онлайн анкеталар, кўчада йўловчиларга саволлар бериш ва гибрид шаклларда ўтказиш мумкин.

Сўровнома респондентга (сўровнома иштирокчиси) тақдим этилган форматда жавоб берадиган бир қатор саволлардан (очик, ёпиқ ва кўп танловли) иборат бўлади. Очик савол респондентдан ўз жавобини шакллантиришини талаб этса, ёпиқ саволларда эса респондент берилган вариантдан бирини танлаши керак.

Респондентнинг очик саволга жавоби кейинчалик бошқа жавобларни умумлаштирган ҳолда сўровнома объектини батафсил таҳлил қилиш имкониятини яратади.

Бугунги кунда, сўровноманинг асосий 9 та тури мавжуд:

Ижтимоий сўровнома – маълум бир намунадаги жамоатчилик фикрини ўрганиш, бунда бир қатор саволлар бериш ва кейин жавобларни умумлаштирган ҳолда, кейинги фаолиятни амалга оширишда фойдаланилади.

Benchmark сўровнома – одатда сайловларда иштирок этмоқчи бўлган номзод сайлов кампанияси бошланишидан олдин ўз номзоди бўйича аҳоли фикрини аниқлаш учун ишлатиладиган қисқа ва оддий сўров тури.

Brushfire сўровнома – бу benchmark ва кузатув сўровлари ўртасида ўтказилган сўров тури. Бу каби сўровномалар сони сайловдаги номзодлар қанчалик рақобатбардошлиги ва сайлов кампаниясига қанча пул сарфлаши кераклиги билан белгиланади. Ушбу сўровномалар одатда эҳтимолий сайловчиларга қаратилган бўлиб, сўров муддати текшириладиган хабарлар сонига боғлиқ.

Кузатув сўровнома – бу ўрганилаётган масаланинг маълум босқичларида ўтказиладиган сўров тури. Ҳафталик кузатув сўровномасида яқин ҳафтадаги маълумотлар ишлатилади ва эски маълумотлар йўқ қилинади.

Кириш сўровнома – бу сайловчилар ўз овозларини беришдан олдин ўтказиладиган сўровнома. Бу сайловчининг кимга овоз беришни режалаштираётгани ва шунга ўхшаш бошқа саволлар бўйича сўровномага ўхшайди.

Чиқиш сўровнома – бу сайловчилар сайлов участкаларини тарк этгандан сўнг дарҳол ўтказилади.

Маслаҳат сўровнома – бу демократия тамойилларини ўзида мужассам этган сўровнинг бир тури. Маслаҳат сўровномаси, келгусида муҳокама қилинадиган шароитда муаммони муҳокама қилиш учун жамиятнинг маълум жамоа вакиллари танланади. Кейин танланган жамоа ўртасида сўровнома ўтказилади ва сўровнома натижалари бўйича ҳолат таҳлил қилинади.

Push сўровнома – бу сиёсий кампания пайтида кўпинча қўлланиладиган интерактив сўров усули бўлиб, унда шахс ёки ташкилот сўров ўтказиш ниқоби остида респондентларнинг нуқтаи назарига таъсир ўтказиш ёки ўзгартиришга ҳаракат қилади.

“Сомон” сўровнома мажбурий бўлмаган натижаларга эга бўлган сўровдир. “Сомон” сўровномаси қатта гуруҳлардаги ҳаракатлар ўртасида мулоқотни таъминлайди.

questionpro.com сайти манбаларида сўровномани тайёрлаш давомида: 1) харажат, 2) мақсадли аудиторияга эришиш, 3) саволлар беришнинг мослашувчанлиги, 4) респондентларнинг иштирок этишга тайёрлиги ва 5) жавобнинг аниқлиги, 6) аниқланган хатоларни тузатиш учун сўров баҳоларини тузатиш каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидлайди.

Сўровнома ўтказишнинг афзалликлари:

улардан фойдаланиш нисбатан осон;

бошқа маълумотларни йиғиш усуллари нисбатан камроқ вақт ичида ишлаб чиқилиши мумкин;

иктисодий жиҳатдан самарали бўлиши мумкин;

сўровномани ишлаб чиқиш учун бир нечта мутахассислар талаб қилинади, бу эса сўров маълумотларининг ишончилигини ошириши мумкин;

агар масофадан туриб олиб борилса, географик боғлиқликни камайтириш мумкин;

уни интернет, электрон почта, телефон ва бошқалар орқали масофадан бошқариш мумкин;

кўп сонли респондентлардан маълумот тўплашда самарали ҳисобланади;

статистик усуллар бир нечта ўзгарувчиларни таҳлил қилишда ҳам ҳақиқийлиги, ишончилиги ва статистик аҳамиятини аниқлаш учун маълумотларни ўрганиш учун қўлланилиши мумкин;

маълумотларнинг кенг доирасини тўплаш мумкин (масалан, муносабат, қадриятлар, эътиқод ва хатти-ҳаракатлар);

Сўровнома ўтказишнинг камчиликлари:

респондентларнинг мотивацияси, ҳалоллиги, хотираси ва сезгирлиги;

тузилган сўровномалар, айниқса ёпиқ саволлар билан, самарали ўзгарувчиларни текширишда паст кучга эга бўлиши мумкин;

саволлар дизайни сўровномага жавоблар танлови ноаниқ маълумотлар тўпламига олиб келиши мумкин, чунки улар баъзида “танловнинг кучлилиги” ҳақидаги шахсий мавҳум тушунчага нисбатан бўлади. Ҳаттоки “ҳа” ёки “йўқ” жавоблари ҳам муаммони, чунки субъектлар, масалан, “фақат бир марта” танлови мавжуд бўлмаса, “йўқ” деб жавоб беришлари мумкин.

Юқоридаги таҳлилларни умумлаштирган ҳолда Олий таълимда масофавий таълим сифатини ошириш, коррупцияга қарши кураш ҳолати ёки ОТМларда ўқи-

тувчи-профессорлар фаолиятини баҳолашда ўтказилган сўровномаларда қўйидагилар тавсия этилади.

Дастлабки хат ёки эслатма: танланган респондентларни яқинлашиб келаётган сўров тўғрисида хабардор қилиш.

Тренинг: респондентларга саволлар бериш, компьютерлар билан ишлаш бўйича пухта ўқитишни ташкил этиш.

Қисқача кириш: сўровнома ташкилотчиси сўров ҳақида асосий маълумотларни бериши.

Сўровнома респондентлар учун қулайлиги: саволлар аниқ, ва жавоб бериш осон бўлиши керак.

Мавзулар респондентларнинг фаолиятига мос келиши, уларнинг келиб чиқиши, саволларни талқин қилишига таъсир қилиши ва респондентлар саволларга ҳаққоний жавоб бериш учун етарли маълумот ёки тажрибага эга бўлишига;

саволларнинг турлари (ёпиқ, кўп танловли, очик) статистик маълумотларни таҳлил қилишнинг мавжуд усуллари ва сўров мақсадларига мос келиши, саволлар ва тайёрланган жавоблар мўлжалланган натижа жиҳатидан холис ва бетараф бўлишига;

саволларнинг тартиби ёки “табiiй” гуруҳланиши

долзарблиги, олдинги саволлар кейинги саволларни ўзгартириши, сўзлар оддий, маъноси аниқ бўлиши, ҳамда ноаниқ сўзлар, ноаниқ гап тузилмалари ва тушунмовчиликка олиб келмаслигига;

ёзиш услуби сўзлашув, ихчам, аниқ ва мақсадли аудиторияга мос бўлишига эътибор қаратиш лозим.

Бундан ташқари, кўпгина респондентлар шахсий саволларга жавоб бермайди. Шунинг учун, ёши, даромади, оилавий ҳаволи билан боғлиқ саволлар одатда сўровнома охирида жойлаштирилиши тавсия этилади. Агар респондент ушбу саволларга жавоб беришдан бош тортган вазиятда ҳам, тадқиқот саволларига аллақачон жавоб берилган бўлади.

Жумладан саволлар мантиқан бир-бирдан, умумийликдан хусусийликка, фактик ва хулқ-атвор саволларидан муносабат ва фикр масалаларига ўтиши керак.

Олий таълим тизимида масофавий таълим сифати мониторингида сўровномаларнинг барча сўровнома турларидан фойдаланиш мумкин, шундай бўлсада, кўпроқ самарадорликка эришиш учун ижтимоий, маслаҳат ва кузатув сўровнома турларидан фойдаланиш тавсия этилади. Чунки ушбу сўровнома турлари орқали реал вазиятни аниқлаш имконияти мавжуд.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. *E-learning: concepts, trends, applications. Corporation Trust Center by Epignosis LLC 2013.*
2. *The pedagogy of the Massive Open Online Course: the UK view. Siân Bayne and Jen Ross, the University of Edinburgh. The Higher Education Academy, 2013.*
3. *Evaluation of Evidence - Based Practices in Online Learning: A MetaAnalysis and Review of Online Learning Studies. U.S. Department of Education Office of Planning, Evaluation, and Policy Development Policy and Program Studies Service, 2010.*
4. *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 03.10.2022 йилдаги “Олий таълим ташкилотларида масофавий таълим шаклини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 559-сон қарори Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.10.2022 й., 09/22/559/0884-сон*
5. *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 03.10.2022 йилдаги “Олий таълим ташкилотларида масофавий таълим шаклини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 559-сон қарорига ИЛОВА Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.10.2022 й., 09/22/559/0884-сон*

ЎЗБЕКИСТОНДА ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМНИНГ ҲУҚУҚИЙ-МЕЪЁРИЙ АСОСЛАРИ

Махсума Ходжиматова,
ЎзДСМИ “Саҳна нутки” кафедраси профессори

Аннотация

Мақолада Ўзбекистонда нисбатан янги тушунча бўлган инклюзив таълимни амалга ошириш борасида бугунги кунда мавжуд бўлган қонунчилик ҳужжатлари, уларда белгиланган вазифалар, инклюзив таълим ва расмий таълим ўртасидаги фарқлар ҳақида сўз юритилган.

Калим сўзлар: таълим, ногиронлик, инклюзив таълим, қонунчилик ҳужжатлари, вазифалар, қарор, низом.

Аннотация

В статье речь идет о реализации инклюзивного образования, которое является относительно новым понятием в Узбекистане, существующих на сегодняшний день нормативно-правовых документах, поставленных в них задачах, отличиях инклюзивного образования от формального образования.

Ключевые слова: образование, инвалидность, инклюзивное образование, нормативно-правовые документы, задачи, постановление, положение.

Annotation

The article deals with the implementation of inclusive education, which is a relatively new concept in Uzbekistan, the current legal documents, the tasks set in them, the differences between inclusive education and formal education.

Keywords: education, disability, inclusive education, legal documents, tasks, resolution, regulation.

Инклюзив таълим тушунчаси жамиятимиз учун нисбатан янги тушунчадир. Мамлакатимизда ушбу тушунча Янги Ўзбекистон ибораси пайдо бўлганидан сўнг қўллана бошланди десак, хато қилмаган бўламиз.

Тегишли халқаро ташкилотларнинг (БМТ – Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти) маълумотларига кўра, жаҳондаги аҳолининг қарийб 15 фоизи (тахминан 1 млрд нафар аҳоли) турли ногиронликларга эга [1, 28].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТнинг 2021 йил 22 февралда бўлиб ўтган Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 46-сессиясидаги нутқида стратегик йўналишлар, жумладан, Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияни ратификация қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Юқорида таъкидланганидек, дунёда қарийб 1 миллиардга яқин ногиронлиги бўлган шахслар борлиги ҳақида ўйлаб, фикр юритсак, бу ниҳоятда ўзбекона ташаббус эканига далолатдир [2, 115].

Ушбу ташаббуснинг давоми сифатида Президентнинг 2021 йил 13 октябрда “Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4860 сон қарори, 2021 йил 12 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг “Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим беришга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 638-сон қарори имзоланди.

Ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда 2020–2025 йилларда халқ таълими тизимида инклюзив таълимни ривожлантириш концепциясига Ўзбекистонда инклюзив таълимни ривожлантириш, алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини такомиллаштириш ҳамда уларга кўрсатиладиган таъ-

лим хизматлари сифатини яхшилаш бўйича қуйидаги асосий устувор вазифалар назарда тутилган [3, 85]:

алоҳида таълимга муҳтож болалар ўқийдиган таълим муассасалари биноларига қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

ушбу таълим муассасаларини зарур адабиётлар, ўқув куроллари, турли касблар бўйича ўқитиш учун моддий-техник база ва жиҳозлар билан таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

инклюзив таълим тизимини ташкил этиш, таълим муассасаларини махсус асбоб-ускуналар билан (юк кўтариш мосламалари, пандуслар, панжара ва бошқалар), шунингдек, тегишли ходимлар билан таъминлаш (махсус ўқитувчилар, болаларни психологик-педагогик назорат қилиш бўйича мутахассислар);

алоҳида таълимга эҳтиёжи бўлган болаларнинг мослашуви ва интеграциялашуви учун мактаб-интернатларни махсус жиҳозлар билан босқичма-босқич таъминлаш ва бошқалар.

Қарорга асосан “Умумий таълим муассасаларида алоҳида таълимга муҳтож болаларни инклюзив ўқитиш тўғрисида”ги Низом тасдиқланди. Низомда қуйидагилар назарда тутилган [4, 56]:

инклюзив таълимнинг мақсад ва вазифалари;

мактабларда инклюзив таълим ва бошланғич тузатиш синфларини ташкил этиш тартиби ва алоҳида таълимга муҳтож болалар учун ўқув жараёни;

болаларни инклюзив таълим ва бошланғич асосий тузатиш синфларига қабул қилиш тартиби;

инклюзив таълим ва бошланғич асосий тузатиш синфларида таълим сифатини назорат қилиш ва бошқариш бўйича чора-тадбирлардан иборатдир.

Бундан ташқари:

жисмоний, ақлий, ҳиссий ёки ақлий нуқсонли болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари; санаторий-курорт типигаги ихтисослаштирилган таълим давлат муассасалари;

жисмоний, ақлий, сезги ёки ақлий нуқсонли болалар, шунингдек, узоқ муддатли даволанишга муҳтож болалар учун яқка тартибда уйда таълим олиш тартиби тўғрисидаги Низом ҳам тасдиқланди.

Шунингдек, қарорда алоҳида таълимга муҳтож болалар учун ихтисослаштирилган таълим давлат муассасаларида касбий тайёргарлик курсларини ташкил этиш чора-тадбирлари белгиланган.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш катта ва кўплаб омилларга боғлиқ соҳа эканлигидан келиб чиққан ҳолда, юқоридагилардан кўриниб турганидек, Ўзбекистонда инклюзив таълим учун барча қонуний асослар мавжуд. Эндиликдаги асосий вазифа буларни ҳаётга тўғри ва ўз вақтида жорий этишдир.

Инклюзив таълим расмий таълим тушунчасидан анча кенгрок. Улар ўртасидаги фарқларга тўхталадиган бўлсак, бу таълимда кўпроқ ўқишда, ўрганишда имконияти чекланган болалар билан ишланади. Инклюзив таълимда ўқитувчининг касбий маҳорати бош омил ҳисобланади. Аввало, ўқитувчи инклюзив тафаккурга эга бўлиши ва таълим сифати масъулиятини ўз зиммасига олиши шарт.

Инклюзив таълим бериш ўқитувчилар иши сифатининг асосий мезонлари – ўқитувчи ўқувчиларнинг турли тоифада эканлигига қарамай, барча болаларнинг ҳуқуқини ҳимоя ва ҳурмат қилиши.

Яна бир сифат – ҳамкорликни йўлга қўйиш. Чунки ўқитувчилар учун ҳамкорлик ва ўзаро фикр алмашиш муҳимдир.

Ўқитувчи ўз фаолиятини тизимли баҳолаб бориши, мунтазам малакасини ошириши, алоҳида таълим эҳтиёжлари бор болаларнинг интизомли ва муассасалараро гуруҳлар билан самарали ишлаши учун лидерлик ҳамда бошқарув малакаларини қўллаш, муаммоларни биргаликда ҳал қилиш, кенг қамровли мактаб ҳамкорлигини йўлга қўйиш каби хислатларга эга бўлиш керак [5, 1].

Инклюзив таълимда махсус таълим эҳтиёжидagi болалар барча болалар билан бирга маълум мақсадда турли қобилиятларга мувофиқ гуруҳлаштирилади.

Махсус таълим ақлий, жисмоний ташқи кўринишга мувофиқ амалга оширилса, инклюзив таълим бола-

нинг қобилияти ва имкониятларига кўра белгиланади.

Махсус таълим ўқитишнинг махсус ва муқобил дастурлари орқали ўқитилса, инклюзив таълим болага йўналтирилган ва мослаштирилган, йўриқномали, барчага мўлжалланган ўқув дастури асосида ўқитилади.

Инклюзив таълимнинг ўзига хос муҳим жиҳати болалар ва ўқитувчи бир бирларидан ўрганишда ҳамда муаммоларни биргаликда ҳал этишдади.

Имконияти чекланган болада ўзига бўлган ишонччи ошириш, кўникма ва қобилиятини ривожлантириш, ёшлигидан ўрганишни рағбатлантиришда оила иштироки ҳам ўта муҳим омилдир.

Инклюзив таълим жараёнида ота-оналар билан ишлаш гам муҳим. Алоҳида эҳтиёжли ота-оналарга уларнинг фарзандлари жамиятнинг бир бўлаги бўлиш ҳуқуқига эга эканини тушунтириш, бу ишонччи уларнинг онгига етказиш керак.

Юқорида келтирилган қарорга асосан, тажриба-синов тариқасида шаҳарларда ва Тошкент шаҳрининг туманларида жойлашган биттадан мактабларда инклюзив таълим жорий қилиш; Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида жойлашган биттадан мактабларда алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун бошланғич таянч синфлар очиш; Қашқадарё, Фарғона ва Хоразм вилоятларида жойлашган биттадан касб-хунар мактабида ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг 9-синф битирувчилари ва алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослашган гуруҳлар ташкил этиш; 2021-2022 ўқув йилида ихтисослаштирилган таълим муассасаларида мажбурий ўрта таълим 11 йиллик (интеллектуал ривожланишида нуқсонли болалар учун (ёрдамчи) мактаблар, мактаб интернатларда 9 йиллик муддатларда амалга ошириш белгиланган. Шунингдек, уларни касбга ўқитиш курслари ташкил этилиб, битирувчиларга сертификат берилиши режалаштирилган.

Демак, мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилишга ҳар томонлама шароит яратилмоқда. Шу жумладан, Ўзбекистон давлат хореография академияси профессор ўқитувчилари томонидан 2021-2023 йилларга мўлжалланган “Хореография санъати орқали имконияти чекланган болаларнинг жамиятдаги фаоллигини оширишга қаратилган мультимедиа маҳсулотини яратиш” мавзуидаги амалий грант лойиҳаси устида кизгин ишлар давом этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. П.Ш.Шомахмудова. “Махсус ва инклюзив таълим” услубий қўлланма. 2011. – 214 б.
2. Pauline Davis, Lani Florani, Judith Aron Rubin. *Teaching Strategies and Approaches for Pupils with Special Educational Needs: A Scoping Study, Child Art Therapy 25th Anniversary Edition Research America-2010.* – 252 p.
3. Ж.А.Рубин. *Болалар арт терапияси.* – 2012. – 251 б.
4. Susan Losel *The Intersection of ARTs education and special education.* – 2012. – 150 p.
5. <https://www.gazeta.uz/uz/2021/10/18/inclusive-edu/>

ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ ГРАФИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Дониёр Тураев,

Термиз давлат педагогика институти ўқитувчиси

Аннотация

Мазкур мақолада технологик таълим йўналиши талабаларининг график компетентлигини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда бўлажак технологик таълим ўқитувчисининг касбий график компетентлигини ривожлантириш асосини интеллектуал салоҳият, иродавий сифатлар, амалий кўникмалар, ҳиссий сифатлари ёритилган.

Калим сўзлар: график саводхонлик, компетентлик, SMART, STEM, технология, касбий фаолият, STEAM, интеграция, ички дифференция, FingerPrint, чизмачилик.

Аннотация

В данной статье описаны особенности развития графической компетентности студентов технологического образования, а также основы развития профессиональной графической компетентности будущего учителя технологического образования, интеллектуальный потенциал, волевые качества, практические навыки, эмоциональные качества.

Ключевые слова: графическая грамотность, компетентность, SMART, STEM, технология, профессиональная деятельность, STEAM, интеграция, внутренняя дифференциация, FingerPrint, рисование.

Annotation

This article describes the features of the development of graphic competence of students of technological education, as well as the foundations for the development of professional graphic competence of a future teacher of technological education, intellectual potential, volitional qualities, practical skills, emotional qualities.

Keywords: graphic literacy, competence, SMART, STEM, technology, professional activity, STEAM, integration, internal differentiation, FingerPrint, drawing.

Бўлажак технологик таълим ўқитувчисининг касбий график компетентлигини ривожлантириш асосини интеллектуал салоҳият, иродавий сифатлар, амалий кўникмалар, ҳиссий сифатлар ҳамда ўзини ўзи бошқара олиш сифатлари ташкил этади. Технологик таълим ўқитувчисининг касбий фаолиятини ўзига хос хусусиятлари ва уларда касбий график компетентликни ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш технологик таълимда муҳим аҳамият касб этади [4]. Уларнинг касбий фаолияти учта таркибий қисм – педагогик, муҳандислик-технологик ва мутахассис таркибий қисмларнинг интегратив бирлигини ифодалайди.

Психологияда бўлажак ўқитувчилар шахс ривожланишида касбий фаолиятнинг ўрни ва ўзига хослиги кўп бора тадқиқ этилган. Қолаверса, касбий фаолият инсоннинг ижтимоий муҳитдаги фаоллигининг ифодаси, атроф-оламни англашнинг ўзига хос жиҳатидир. Бу эса шахснинг фаолиятида муносабатлар тизимининг етарлича динамик характерга эга эканлигини англатади.

Олий таълим муассасаси талабаларини STEAM технологиялари асосида графикавий таълим масалалари бўйича интеграцион ёндашув ва техникани, бадиий дизайни қобилиятларини ривожлантириш, технологияни, чизмачилик ва графикани муваффақиятли ўрганишнинг асосий шартларидан бири бўлган муаммолар биринчи ўринга олиб келмоқда. Халқаро тажрибалар

асосида STEAM ни жорий этилиши бугунги кунда таълим тизимига ёндашувни ўрганиш ва таълимга бўлган муносабатини ўзгартиради. Талабалар амалий кўникмаларга эътибор қаратиш орқали иродани, ижодкорлигини, мослашувчанлигини ривожлантиради ва бошқалар билан ҳамкорлик қилишни ўрганади.

Бугунги барча соҳалардаги ривожланиш даврида ўқув ва касбий фанларни қисқартириш STEM (Science, Technology, Engineering, Mathematics) тушунчасисиз мутахассисларни тайёрлашга янги қараш аниқ технологик, муҳандислик илми ва математикасиз амалга ошириб бўлмайди. Баъзида ушбу йиғиндига мос бўлган “A”, Art – “санъат” (STEAM) компоненти қўшилади. STEAM – таълимни амалиётга тадбиқ қилишда қуйидаги компонентларини ўз ичига олади: фанларро интегратив ёндашув; илмий-техник билимлардан реал ҳаётда фойдаланиш; танқидий фикрлаш; ўз кучига ишончни тарбиялаш; фаол коммуникация ва жамоавий иш; техник фанларга қизиқишни ривожлантириш; лойихаларга креатив ва инновацион ёндашув; техник ижодкорликка мотивацияни ривожлантириш; касбга эрта йўналтириш; таълим олувчиларни технологик инновацияларга тайёрлаш.

STEAM – таълимда интеграциялашган меҳнат фаолиятининг ўзига хос тури бўлиб, мазкур фаолият давомида таълим назарияси ва амалиёти соҳасидаги муайян интеграциялашган вазифалар долзарб бўлади. Амалиёт даражасида интеграциялашган меҳнат фао-

лятини икки тури: шакллантирувчи ва шаклланувчиларга ажратилади. Шакллантирувчи интеграциялашган мехнат фаолияти – бу таълим муассасаларида амалга ошириладиган ҳамда талабаларда интеграллашган фаолиятли сифатларни ривожлантиришга йўналтирилган ҳаракатлар мажмуаси. Шаклланувчи интеграциялашган мехнат фаолияти шакллантирувчи фаолиятнинг натижаси бўлиб бу мустақил таълим жараёнида амалга ошади [4].

Интеграция талаблари асосида таълим жараёнини ташкил этиш таълим мазмуни, шакллари, билим ва кўникмалар синтезини ташкил қилиш жараёни сифатида талқин қилиш баъзи бир муҳим хусусиятларни аниқлашга олиб келади.

1. Хилма-хиллик. Бу хусусият интеграциялашган таълим жорий этилган кўплаб ўқув предметлари, шунингдек, ўқув жараёнини илмий ташкил қилиш ва турли таълим шакллари қўллашни назарда тутди.

2. Ички дифференция. Интеграция бўйсунитиш турига кўра, мустақиллик, ўз концептуал асосларини сақлаб қолади.

3. Умумийлик. Интеграциялашган таълимни умумлаштирилиши фанлар таркибини бирлаштирилиши ва ягона жадвалга интеграциялашган фанлар мавжудлиги билан таъминланади.

4. Кўп функциялилик. Интеграциялашган таълимнинг ушбу хусусияти бир неча функцияларни бажаришни назарда тутди, булар таълимни ташкил этишни оптималлаштириш, графика билимларни ўрганиш долзарблигини таъминлашдир.

Шундай қилиб, ушбу соҳада ишлаётган турли таълим муассасаларининг тажрибаси, адабиётлар таҳлили, олий таълимда интеграциялашган таълимни ташкил этишнинг айрим камчиликлари мавжудлигини кўрсатди, маълум бир графика асосида интеграциялашган таълимни самарали амалга ошириш таъминлаш керак.

SMART технологиясидан фойдаланган ҳолда ўқув машғулотларини ташкил этиш таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Бу ўринда Электрон минбар, яъни ҳар бир аудиторияда бўлиб ўтаётган машғулотни тўғридан-тўғри онлайн тарзда тарқатиш тизимини ташкил этиш таклиф қилинган. Бу олий таълим тизимида технологик таълим йўналишида тахсил олаётган талабаларни олган билимларини мустахкамлашга, ўз устиларида мустақил ишлашларига ушбу онлайн ва офлайн-курсларда ҳамда “Чизмачилик (3D ўлчамли модел)” мобил илова ўзларига керакли бўлган янги билимларни олиш имконига эга бўлади.

Электрон ахборот таълим ресурс базалари ўқув жараёнига мослашувчан ҳарактерга эга. Ўқув материалнинг ҳажми қанча катта бўлса, электрон ахборот таълим ресурс базаларидан фойдаланишда шунчалик сустрлик кузатилади. Бироқ, шунга қарамай, электрон ахборот таълим ресурс базалари таклиф этаёт-

ган материални кўчириш, уни қайта ишлаш, олинган материал базасида янги ўқув материалларини тайёрлаш имкониятларига эга [8]. Электрон ёки масофавий таълимнинг янги босқичида нафақат ахборот технологияларини қўллаш, балки электрон шаклдаги таълим манбалари билан таъминлашни кўзда тутилади. Олий таълим тизимида татбиқ этилган ахборот тизимларидан Электрон минбар тажрибаси ахборот тизимларини ўзаро интеграллаш қилиш натижасида SMART аудитория фаолияти йўлга қўйилди.

SMART аудитория ўзида FingerPrint, SMART Электрон минбар, “Чизмачилик (3D ўлчамли модел)” мобил илова, мультимедия проектори каби замонавий ахборот технологияларини жамлаган тизим.

Шунингдек, талабаларни таълим жараёнига, машғулотларга масъулият билан қарашга ундайди. Электрон минбар дарс материалларини мавзу баёнидан чалғимасдан тушунтиришда янги технология бўлиб, ўқитувчи учун керакли бўлган турли маълумот ва ускуналар билан жиҳозланган [7]. Овоз кучайтириш мосламаси ўқитувчи ва намойиш қилинаётган мультимедия материаллари овозини ўқувчиларга яхши етиб боришини таъминлайди. Дарсни бир вақтда webinar кўринишида олиб боришга мўлжалланган конференц-платформаси дарсда қатнашмаётган талабаларга машғулотни онлайн тарзда кузатиш ва ўзлаштириш имконини беради.

Электрон минбар дастурий платформаси профессор-ўқитувчига ўзининг виртуал кабинетидеги ишини ташкил қилиш, жорий сана учун дарс жадвали, тақвим-мавзули (календарь-тематик) режа, бугунги мавзу ва дарсга оид бошқа маълумотлар билан танишиш, машғулот давомида талабаларга мавзу доирасида янада кўпроқ маълумот беришда қулай восита ҳисобланади. Замонавий ахборот коммуникация технологиялари, хусусан, мобил технологиялар сўнгги вақтларда педагогик инновацияларнинг асосий манбаи ҳисобланади. Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак.

Талабалар учун мустақил билим олиш имкониятларини ошириш, таълимнинг электрон ахборот ресурсларини шакллантириш ва ривожлантириш учун зарур шароитларни яратиш таълим мазмунини такомиллаштиришнинг зарурий шароитларидан бири саналади. Замонавий таълим тизимининг асосини сифатли ва юқори технологияли муҳит ташкил этади [6].

Шу ўринда айтиш жоизки, АКТ соҳаси таълими амалиётида мутахассислик фанларини ўқитишда интерактив ўқув материалларидан фойдаланиш талабаларнинг мустақиллиги, ижодкорлиги, фанга қизиқувчанлиги, янгиликларга интилувчанлигини шакллантиришга ёрдам беради.

Сўнггийиллар давомида AutoCAD, 3DMax, CoralDraw, ArchiCAD, Adobe Captivate, CourseLab, Lectora, Adobe Presenter, iSpring, CourseBuilder, UniMaster, Android Book App Maker каби интерактив ўқув материалларини яратиш имкониятини берувчи педагогик инструментал дастурлар хорижий ва маҳаллий мутахассис, педагоглар томонидан юқори баҳоланмоқда [3, 4].

Фалсафада “шарт-шароит” тушунчаси, предметни атрофидагиларга нисбатан муносабатини ифодалаш деб таърифланади. Бизнинг тадқиқотимизда дидактик тизим ҳақида сўз юритилар экан, “дидактик шарт-шароит” тушунчасидан фойдаланамиз. Дидактик шарт-шароит деганда, ўқув-тарбия жараёнида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий график компетентлигини ривожлантириш, касбий-ижодий фаолият даражасини таъминлашга эришиш тушунилади.

Технологик таълим ўқитувчиси талабаларнинг лойиҳавий фаолиятини ташкил қилиш ва ўқитишга тайёрланиши керак, чунки лойиҳалар методи “Технология” таълим соҳасининг асосларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли, чизмачилик ўқув фани ўқув лойиҳалаш-конструкторлик фаолиятида фойдаланишга қаратилиши керак [4, 6]. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг лойиҳалаш-конструкторлик фаолиятини машинасозлик чизмачилиги фани билан интеграциялаш мақсадида уларда иждоий конструктив-техник, ғояларини жадал ривожлантириш, ўқув лойиҳаларининг график ва матнли таркибий қисмларини ва уларни ҳимоя қилиш учун материалларни тайёрлашда кўникмаларини шакллантириш керак.

Технологик таълим йўналиши талабаларининг график компетентлигини шакллантириш ва ривожлантириш тизимининг модели педагогик жараёни ташкил этишда шахсга йўналтирилган, модулли-компетенциявий, фанлар интеграцияси ва амалий фаолиятли ёндашув асосида кўриб чиқилади.

Талабалар конструктив-техник фаолияти, биринчидан, муаммоли вазифаларни ҳал қилиш жараёнидир. Ўқув конструктив – техник фаолияти қуйидаги вазифаларда кўринади: изланиш марказида конструкция ғояси бўлиб, нисбатан содда ҳисоб-китоблар ва ҳар доим тўлиқ техник ҳужжатларни тўплаш билан қўллаб-қувватланади; оптимал ечимни танлаш кўпинча технологик мақсадларга эмас, балки таълим ва педагогикага бўйсунди, лекин уларни ҳам ҳисобга олади; яхлит конструкциялаш жараёнини бошқариш учун кўпгина вазифалар бир киши томонидан бошидан охиригача ҳал этилади [3].

Муаммоли вазият шахснинг бирор нарсани тушунмаслиги ёки фаолият учун билим ёки ҳаракат усулларидан маҳрум бўлганда пайдо бўлади. Ундан чиқиб кетиш, таълимда ўз қийматига эга. Муаммони ҳал қилиш учун қабул қилинган қарор оғзаки шаклда

муаммоли вазифага айлантиради. Муаммоли таълим кўплаб таълим методларига хос бўлган пассивликдан халос бўлади, чунки муаммоли вазиятлар таълим олувчиларнинг шахсиятини ўз ичига олади.

Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг график компетентлигини ривожлантириш жараёни мақсадни аниқлаш мазмунни такомиллаштириш ва натижани баҳолаш каби босқичлардан иборат. Касбий график компетентликнинг ривожлантиришнинг таркибий тузилмаси мотивацион кадриятий, когнитив, амалий-фаолиятвий ва рефлексив иждоий компонентларидан иборат [1,2].

Шахсий-фаолиятли таълимда талабаларнинг мустақил ва амалий ишлари муҳим ўрин тутади, бунда улар фақатгина билимларни қўллаш билан эмас, балки уларни ўзлаштириш босқичи: ҳис қилиш, тушуниш, шунингдек, муаммоли вазиятлардан ўтадилар. Улар талабаларни мустақил ҳулосалар чиқаришга, таълимнинг турли ташкилий шаклларида ўқитиш учун тадқиқот элементларини жорий этишга имкон бериш воситаси сифатида кенг қўлланилади.

ОТМда технологик таълим йўналишида: умуммуданий, умумкасбий, психологик-педагогик фанлар ва махсус тўғараклар, шу жумладан, техник иждоикорлик тўғараклари, STEAM ва SMART стартап лойиҳалари танловлари, конструкторлик, лойиҳавий, илмий-техникавий жамиятлар, қизиқишлар бўйича клублар, мулкчиликнинг турли шаклларидаги корхоналар, хўжалик шартномалари асосида ОТМларда талабаларнинг тажриба-конструкторлик ишларини бажариши [4]. Шундай қилиб, олий таълим тизимида интеграцион анъаналарнинг муайян аспектлари муаммосини ҳал этишга қаратилган адабиётлар таҳлили асосида шуни таъкидлаш жоизки, биринчидан, педагогик феномен сифатида таълим-тарбия жараёнини интеграциялашнинг аҳамиятини асослаш; иккинчидан, интеграциялашнинг етакчи компонентини ажратиш орқали, фанлар интеграцияси таъминланади; учинчидан, ўқув фанларини рационал ягона ғояга бирлаштириш орқали бирор глобал муаммо даражасидаги материалларни синтез қилиш ёки асосий мазмунни концентрациялаш таъминланади; тўртинчидан, кўп функцияли дидактик ҳодиса сифатида таълимни интеграциялаш орқали уни (дидактик) тизим: жараён, таълим мақсади, таълим воситаси ва натижаси сифатида ифодалаш мумкин.

Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида касбий-график компетентлигини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятларига асосланиб, касбий-график компетентлигини ривожлантиришнинг дидактик шарт-шароитларини назарий жиҳатдан аниқлаш мумкин. Улар қуйидагилардан иборат: таълим жараёнида мақбул эмоционал-психологик ва иждоий муҳит яратиш; график тайёргарлик мазмунини такомил-

лаштириш; график компетентликни ривожлантириш жараёнини лойихалаш; талабларга ўзининг асосий таълим компонентларини эркин танлаш имкониятини тақдим этиш: ўқитишнинг маъноси, суръати, шакл ва методлари; график ва лойихавий-конструкторлик фаолитини интеграциялаш; таълимнинг амалий-фаолиятга йўналтирилган инновацион технологияларни ва интерактив методларни жорий этиш [1, 3, 4]; талабаларни интерактив режимда тақдим этиладиган предмет ҳақидаги маълумотлар билан таъминлайдиган ягона ахборот муҳитини яратиш; “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” ўқув фанини ўрганиш жараёнида махсус ўқув-методик таъминот-

дан фойдаланиладиган яхлит ўқув жараёнини ташкил этишнинг ягона тизимини яратиш.

Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида касбий-график компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари тажриба-синов асосида тасдиқланиши зарур [4]. Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий график компетентлигини ривожлантиришнинг дидактик имкониятлари, ўқув методик таъминоти: таълим мазмуни, таълим жараёнида қўлланиладиган инновацион таълим технологиялар, интерфаол методлар, таълим шакли ҳамда воситаларини қўллаш методикаси ҳақида диссертация ишининг кейинги бобларида сўз юритилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ишмухамедов Р.Ж., Абдуқодиров А.А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. – Т.: Истеъдод, 2008. – 180 б.
2. Кормакова В.Н., Щеглова Т.М. Технологии формирования профессиональной компетентности будущих специалистов дизайн одежды // Научные ведомости БелГУ. – Белгород: 2013. – № 30 (163). – С. 229-235.
3. Муслимов Н.А., Уразова М.Б., Эшпулатов Ш.Н. Бўлажак технологик таълим ўқитувчининг лойихалаш фаолияти // Мет. қўлл. – Т.: ТДПУРизографи, 2014. 6-5-б.
4. Муслимов Ш.Н. Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий график компетентлигини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш: п.ф.б.ф.д. (PhD)... дис. – Т.: 2020. – 152 б.
5. Муҳандислик графикаси // Ш.К.Муродов, Д.Ф.Кучкарова, М.Жўраев, У.Одилбоев. Ўқув қўлл. – Т.: Садо, 2006. – 35-36-б.
6. Насритдинова У.А. Компьютер графикаси фанини ўқитишда уч ўлчамли моделлаштириш воситасидан фойдаланиш методикаси: пед.фанл. бўйича фалс.докт. ... дис. – Т., 2018. – 160 б.
7. Петухова А.В. Инженерно-графическая подготовка студентов в профессионально-ориентированной образовательной среде вуза: дис. ... канд. пед. наук. – Новосибирск: 2009. – 186 с.
8. Хамракулов А., Хайдаров А. «Чизма геометрия» фанини ўқитишда Power Point презентация дастуридан фойдаланиш // Муҳандислик-педагогика таълимида инновацион технологиялар. Халқаро илмий-амалий конф. мат. – Наманган: 2004. – Б. 5-6.

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ТАЛАБАЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Зухра Чориева,

Шахрисабз давлат педагогика институти катта ўқитувчиси

Аннотация

Мақолада олий таълим жараёнида талабаларнинг замонавий ёндашув ва усуллардан фойдаланиш ҳамда кадрлар тайёрлашнинг юқори даражасини таъминлаш воситаси сифатида талабаларнинг касбий компетенцияларини шакллантириш хусусиятлари таҳлил қилинади.

Калим сўзлар: таълим, касб, талаба, изланиш, жараён, сифат, малака, қобилият, хусусият, компетенциялар, шаклланиш, натижа.

Аннотация

В статье анализируются особенности формирования профессиональных компетенций студентов в процессе высшего образования как средства использования студентами современных подходов и методов и обеспечения высокого уровня подготовки кадров.

Ключевые слова: образование, профессия, студент, исследование, процесс, качество, квалификация, способность, характеристика, компетенции, формирование, результат.

Annotation

The article analyzes the features of the formation of professional competencies of students in the process of higher education as a means of using modern approaches and methods of students and ensuring a high level of personnel training.

Key words: education, profession, student, research, process, quality, qualification, ability, feature, competencies, formation, result.

Илм-фан жадал тараққий этаётган, замонавий ахборот-коммуникация тизимлари, воситаларини тез янгиланиб бориши, таълим олувчилар олдига уларни жадал эгаллаш билан бир қаторда мунтазам ва мустақил равишда билим излаш вазифасини қўймоқда. Бу вазифаларни ҳал қилиш учун эса, биринчи навбатда, ўқув жараёнини тубдан ислоҳ қилиш, унга жаҳоннинг ривожланган давлатларида кенг қўлланилаётган замонавий информацион ва педагогик технологияларни изчиллик билан татбиқ этиш зарур. Маълумки, барча даврларда ҳам ўқитиш мазмуни, таълим тизими ижтимоий тараққиёт билан ўзаро мувофиқликда ривожланиб келган. Рўй берган ижтимоий ўзгаришларнинг барчаси муайян даражада таълим мазмунида ўз аксини топади. Буни илм-фан, техника ва технология соҳаларида рўй берган ўзгаришларнинг ўқитиш жараёнига татбиқи мисолида ҳам кўриш мумкин. Бугунги кунда таълим муассасаларида асрлар давомида инсоният томонидан асосланган илмий билимлардан ёш авлодни хабардор этиш мақсадида тизимли, изчил, узлуксиз ва, албатта, мақсадга мувофиқ равишда педагогик фаолият олиб борилади. Жамиятда бозор иқтисодиёти муносабатларининг қарор топиши билан боғлиқ равишда ишлаб чиқариш жараёнида фаолият юритаётган, шунингдек, олий таълим муассасаларида тайёрланаётган кадрларда назарий билимларни амалиётга бевосита, самарали татбиқ эта олиш қобилиятини ривожлантиришга бўлган эҳтиёж шаклланди. Олий таълим муассасаларида бўлажак мутахассисларнинг ўқув-билиш фаоллигига эга бў-

лишлари юқорида қайд этилган эҳтиёжни қондиришнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси тараққиётида халқнинг бой маънавий салоҳияти ва умуминсоний кадриятларига ҳамда ҳозирги замон маданияти, маърифати, илми, техникаси ва технологиясининг сўнгги ютуқларига асосланган мукамал таълим тизимини барпо этиш долзарб аҳамиятга эга. Етарли интеллектуал салоҳиятга эга, илм-фаннинг замонавий ютуқлари асосида мустақил фикр ва мулоҳаза юрита оладиган шахсларни тарбиялаш ҳамда рақобатбардош, юқори малакали кадрларни тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир.

Замонавий жамият тараққиётнинг ахборот моделига ўтиши муносабати билан ўз касбий фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш оладиган мутахассисларга бўлган эҳтиёж кескин ошди. Бу олий таълим олдида талабаларнинг касбий компетенциясини шакллантиришнинг замонавий ёндашув ва усулларидан фойдаланиш зарурати билан боғлиқ янги талабларни қўяди. Ва биринчи навбатда, бу махсус фанларни ўрганиш жараёнида ахборот технологияларидан кенгроқ ва самаралироқ фойдаланишдир. Шу билан бирга, касбий кадрлар тайёрлаш циклида ахборотлаштириш жараёнини илмий-услубий таъминлаш масалалари ҳали ҳам етарлича ишлаб чиқилмаганлигини таъкидлаш лозим. Республикамизда таълим жараёнини такомиллаштириш устувор йўналишлар қаторига профессионал кадрлар-

ни юқори сифатли тайёрлаш муаммосини объектив равишда қўяди. Касбий таълимни ривожлантиришнинг етакчи йўналишларидан бири олий таълим битирувчиларининг рақобатбардошлигини шакллантириш ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, рақобатбардошлик, олий таълим битирувчиларнинг компетенциялари ва компетенцияларини шакллантириш даражаси сифатида ҳал қилувчи аҳамиятга эга [1, 135].

Шахснинг бўлажак мутахассис сифатида малакасини ошириш жараёнининг бошланғич нуқтаси олий касбий таълимнинг давлат таълим стандартлари бўлиб, унда мутахассис тайёрлашнинг якуний мақсади “билим” позициясидан “компетентлик” позициясига ўтказилади. Олий таълимнинг давлат таълим стандартлари ҳар бир мутахассислик бўйича таълим мазмунига қўйиладиган талабларни, асосий касбий таълим дастурини амалга ошириш шартларини ва уни ишлаб чиқиш натижаларини белгилайди. Мутахассисларни тайёрлаш самарадорлиги мезонлари сифатида умумий ва касбий компетенциялар белгиланади. Касбий компетенцияларни ривожлантириш вазифалари сифатида замонавий жамият тобора кўпроқ нарсани амалга ошираётганини кўриш мумкин.

Олий таълим битирувчиларига қўйиладиган талаблар катта ҳажмдаги ахборотни қайта ишлаш технологиялари билан энг чамбарчас боғлиқ бўлиб, интеграциялашган инновацион жараёнлар ёш мутахассисларни тайёрлаш учун янги инновацион шарт-шароитларни – замонавий ахборот технологиялари соҳасида зарур билим, кўникма ва малакаларнинг мавжудлигини белгилаб беради. Кўпгина тадқиқотчилар компетенция таърифини мақсад, контекст, вазият, функцияга қараб юқори натижага эришиш учун асосий билим, кўникма ва кўникмаларни ягона бир бутунликка бирлаштириш қобилиятини ривожлантиришга қаратилган таълим фаолияти натижаси билан тўлиқ боғлашади. И.А.Зимняя компетенция остида, шахсий хусусиятларнинг яхлит хусусиятини таъкидлайди, бу олий таълим битирувчисини маълум соҳаларда (компетенциялар) фаолиятни амалга оширишга тайёрлаш натижасидир. Компетенция когнитив, мотивацион-қийматли ва ҳиссий-иродавий компонентларни ўз ичига олади. Компетенция муайян касбий вазиятларда ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга тайёрликда ифодаланади [2, 9].

А.В.Хуторской компетенцияни “маълум бир доирадаги объектлар ва жараёнларга нисбатан тайинланган ва уларга нисбатан юқори сифатли самарали фаолият учун зарур бўлган ўзаро боғлиқ шахсий фазилатлар (билимлар, кўникмалар, одатлар, фаолият усуллари)” деб таърифлайди.

А.М.Аронов касбий компетенцияни “мутахассиснинг муайян фаолият билан шуғулланишга тайёрлиги” деб таърифлайди. Бир қатор тадқиқотчилар (А.А.Вербицкий, В.В.Сериков, В.Шершнева ва бошқалар) компе-

тенцияни талабага оддийгина ўтказиш мумкин эмас деб ҳисоблайдилар, чунки компетенция қандайдир тайёр шаклда олдиндан мавжуд эмас. Ҳар бир ўқув предмети уни ўзи учун яратиши керак. Компетенция индивидуал ижодкорлик ва узлуксиз ўз-ўзини ривожлантириш маҳсули сифатида яратилиши керак [4, 165].

Баркамол мутахассиснинг малакалидан фарқи шундаки, биринчиси нафақат маълум даражадаги билим, кўникма ва кўникмаларга, балки уларни ишда қўллаш қобилиятига ва тайёрлигига ҳам эга. Компетенция шахснинг ўз касбий фаолиятини сифатли амалга ошириш учун ички мотивацияга эга эканлигини англатади. Баркамол мутахассис ўз касбининг предмети доирасидан ташқарига чиқа олиши, шунингдек, ўз-ўзини ривожлантириш учун ижодий салоҳиятга эга бўлиши керак [5, 95].

Касбий компетенция ахборот, коммуникатив, процессуал характердаги компетенциялар мажмуи сифатида шаклланади. Бизнинг фикримизча, компетенция шахсдан ўз касбий фаолиятини сифатли амалга ошириш учун ички мотивацияни, шунингдек, касбий қадриятларни ва ўз касбига ва унинг фаолияти натижаларига қадрият сифатида муносабатни талаб қилади. Компетентли мутахассис ўз касбининг предметидан ташқарига чиқа олиши керак, шунингдек, ўз-ўзини ривожлантириш учун ижодий салоҳиятга эга бўлиши талаб этилади, фақат шу ҳолатда у рақобатбардош бўлиши мумкин [6, 23].

Олий таълимда талабаларни касбий ривожлантиришга қаратилган бир нечта компетенциялар гуруҳлари мавжуд:

- умумий маданий компетенциялар: талабага ўрганилаётган фанлар воситаларини, ҳар хил турдаги технологияларни, ўқув фанлари ва таълим йўналишларида акс эттирилган касбий фаолиятнинг бошқа соҳаларини эркин ўзлаштириш имконини берувчи билим, кўникма, маданий тажриба элементлари мажмуини ўз ичига олади; талабага ижтимоий ва маданий муҳитда ҳаракат қилиш, унинг унсурлари билан ишлаш имконини берадиган инсониятнинг фундаментал ютуғи ҳисобланган матн, бадиий ва бошқа асарларнинг тушунчалари, қонунлари, тамойиллари, усуллари, назариялари бўйича равон сўзлаша олади;

- талабаларни тайёрлаш йўналишларининг умумий профилига кўра тизимли ва фанлараро характерга эга бўлган умумий касбий компетенциялар касбий махсус фанларни ўзлаштириш жараёнида шаклланади;

- касбга ихтисослаштирилган компетенциялар талабанинг касбий муаммоларни ҳал қилиш учун маълум бир фан соҳаси доирасида шаклланган билим, кўникма ва малакаларни жалб қилиш қобилияти билан боғлиқ; махсус фанлар ва ихтисослик фанларини ўзлаштириш жараёнида шаклланади ва танланган касб бўйича асосий замонавий назарий ва услубий

ёндашувларнинг билим, кўникма ва малакалари мажмуини ўз ичига олади [8, 17].

Касбий компетенцияларни шакллантириш учун таълим жараёнини таълим мазмунини ўзгартириш, фаол технология ва таълим шаклларида фойдаланиш, талабаларнинг мустақил ишларини фаоллаштириш, замонавий билим элементларидан фаол фойдаланиш йўналишида такомиллаштириш зарур [9, 66].

Талабаларнинг касбий компетенциясини шакллантиришнинг қуйидаги босқичлари мавжуд:

- “дастлабки босқич” – мотивацион компонентни шакллантириш;

- “мослашувчанлик босқичи” – касбий компетенциянинг мотивацион компонентини ривожлантириш;

- “когнитив босқич” – билимларни тўплаш, яъни, компетенциянинг когнитив компонентини шакллантириш;

- “рефлексив босқич” – ўз-ўзини тарбиялаш фаолиятига бўлган эҳтиёжни актуаллаштириш ва компетенциянинг когнитив компонентини доимий равишда ривожлантириш;

- “фаолият босқичи” – касбий компетенциянинг фаолият компонентини, талабаларнинг фанларни ўрганишга ижодий муносабатини шакллантириш [10, 67].

Олий таълимни ахборотлаштириш концепциясига кўра, таълимни ахборотлаштиришнинг стратегик мақсади замонавий ахборот технологиялари асосида ўқув, илмий, таълим ва ташкилий-бошқарув фаолиятини амалга ошириш ва қўллаб-қувватлашни таъминлайдиган ягона ахборот муҳитини шакллантиришдан иборат.

Олий таълимдаги ўқув жараёнини ахборотлаштиришнинг қуйидаги йўналишларини ажратиш мумкин:

олий таълим ахборот муҳитини ривожлантириш, шу жумладан, таълим муассасасини бошқариш жараёнини ахборотлаштириш;

ўқув жараёнида, талабаларни турли ўқув фанлари бўйича таълим жараёнида ва олинган билимларни назорат қилишда электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш;

олий таълимнинг илмий тадқиқот фаолиятини

таъминлаш воситаси сифатида ахборот технологияларидан фойдаланиш.

Табий фанлар, иқтисод ва техника фанлари бўйича ўқув натижалари талабаларнинг расмийлаштирилган ёки алгоритмик деб аталадиган фикрлаш қобилиятлари билан бевосита боғлиқдир. Масалан, Республикамизда олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари бўйича таълим стандартида қуйидаги касбий компетенциялар талаб қилинади:

- назарий ва амалий муаммоларни ҳал қилиш учун асосий илмий-назарий билимларни қўллаш қобилияти;

- тизимли ва қиёсий таҳлилга эга бўлиш;

- тадқиқот кўникмаларига эга бўлиш;

- янги ғояларни яратиш қобилияти (ижодкор бўлиш);

- муаммоларни ҳал қилишда фанлараро ёндашувга эга бўлиш;

- компьютер техникасидан фойдаланган ҳолда ахборотни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари, усуллари ва воситаларига эгалик қилиш ва ҳоказо.

Буларнинг барчасини ахборотни қайта ишлашга тизимли ёндашувсиз, хусусан, маълумотларни расмийлаштириш имкониятисиз амалга ошириш қийин. Эътибор беринг, бу фикрлашнинг алгоритмик услуби талабаларнинг маълумотлар таҳлилини умумлаштириш ва уларни расмийлаштириш қобилиятини тавсифлайди. Шубҳасиз, алгоритмик қобилиятлари ривожланган талабаларнинг мавҳум фикрлаш даражаси юқори ва мантиқий фикрлашда яхши кўникмалар мавжуд.

Хулоса қилиб айтганда, инновацияларга асосланган замонавий жамият олий таълим муассасаларидан мулоқот ва ҳамкорлик қилишга кодир, ахборотни технологик жиҳатдан қабул қилиш ва қайта ишлаш, қарорлар қабул қилиш ва ностандарт вазиятларда тезкор ҳаракат қилиш қобилиятига эга бўлган малакали мутахассисларни тайёрлашни талаб қилади. Шу сабабли, таълим жараёнида касбий компетенцияларни шакллантириш муаммоси таълимни ислоҳ қилиш шароитида долзарб бўлиб, уни ҳал қилиш таълим жараёнини такомиллаштириш зарур. Олий таълим тараққиётининг ҳозирги босқичининг муҳим муаммоси – билимларни ўзлаштириш жараёнини бошқаришдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Еришова О.В., Муллина Э.Р. Компетентный подход как условие повышения качества подготовки студентов // Вектор науки Тольяттинского государственного университета. Серия: Педагогика, психология, 2015. – № 1. – С. 134-137.
2. Зимняя И.А. Компетентный подход в образовании (методолого-теоретический аспект) // Проблемы качества образования: Материалы XIV Всероссийского совещания. – Кн. 2. – М.: 2004. – С. 6-12.
3. Хуторской А.В. Ключевые компетенции и образовательные стандарты // Интернет-журнал «Эйдос», 2002. <http://eidos.ru/journal/2002/0423.htm>.
4. Аронов А.М. Психология и педагогика. – Красноярск: СФУ, 2007. – 171 с.
5. Талызина Н.Ф. Теоретические основы разработки модели специалиста. – М.: Знание, 1986. – С. 300.
6. Татур Ю.Г. Компетентность в структуре модели качества подготовки специалиста // Высш. образование сегодня, 2004. – № 3. – С. 20-26.

7. Архангельский С.И. Теоретические основы научной организации учебного процесса. – М.: Знание, 1975. – 250 с.
8. Аванесов, В.И. Основы научной организации педагогического контроля в высшей школе. – М.: Исследовательский центр, 1989. – 192 с.
9. Ершова О.В., Чупрова Л.В. Активизация учебной деятельности студентов в условиях реализации ФГОС // Вектор науки Тольяттинского государственного университета. Серия: Педагогика, психология, 2015. – № 1. – С. 65-68.
10. Чупрова Л.В. К проблеме совершенствования системы подготовки специалистов в высшей школе // Педагогика и современность, 2012. – № 1. – С. 63-67.

ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ МУҲИТИДА БЎЛАЖАК МУТАХАССИСЛАРНИНГ КАСБИЙ МОБИЛЛИГИНИ УМУМРИВОЖЛАНТИРИШ ВА ИХТИСОСЛАШТИРИШ ТАМОЙИЛИ АСОСИДА ШАКЛЛАНТИРИШ

Анвар Турабов,

Жиззах политехника институти

“Профессионал таълим” кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация

Ушбу мақолада касбий мобилликнинг асосий таркибий ва функционал хусусиятлари, касбий мобилликни ривожлантириш жараёни самарадорлигини таъминлайдиган услубий ёндашувлар ва педагогик шартлар аниқланди, шунингдек, инновацион таълим муҳитида бўлажак мутахассисларнинг касбий мобиллигини умумривожлантириш ва ихтисослаштириш тамойили асосида шакллантиришнинг долзарблиги асосланди.

Калит сўзлар: инновация, мобиллик, мослашиш, компетенция, рақобатбардошлик, умумривожлантириш, ихтисослаштириш, касбий тайёргарлик, меҳнат бозори, тараққиёт, муваффақият, мотивация.

Аннотация

В данной статье определены основные структурно-функциональные особенности профессиональной мобильности, методические подходы и педагогические условия, обеспечивающие эффективность процесса развития профессиональной мобильности, а также актуальность формирования профессиональной мобильности будущих специалистов в инновационной образовательной среде на основе принципа общего развития и специализации.

Ключевые слова: мобильность, адаптивность, компетентность, конкурентоспособность, профессиональная подготовка, рынок труда, специализация, развитие, успех, мотивация.

Annotation

The article substantiates the relevance of the development of professional mobility of future specialists, and also identifies the main structural and functional features of professional mobility, methodological approaches and pedagogical conditions that ensure the effectiveness of the process of developing professional mobility.

Keywords: mobility, adaptability, competence, competitiveness, professional training, labor market, specialization, development, success, motivation.

Жамиятимиз тараққиёти учун амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсадларидан бири – республикамиз таълим муассасаларида таълим жараёларини инновацион таълим технологиялари, халқаро таълим тажрибалари асосида ташкил этиш орқали юксак умумий ва касбий маданиятга, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилган.

“Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”да замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш масалалари айна дамда ва келгуси йиллардаги давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътироф этилган ҳамда бу борада босқичма-босқич амалга ошириладиган вазифалар (олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш, олий таълим муассасаларининг акаде-

мик мустақиллигини таъминлаш, хорижий таълим ва илм-фан технологияларини жалб этиш, талаба-ёшлар таълим-тарбияси учун кўшимча шароитлар яратиш ва ҳ.к.) белгилаб берилган. Ушбу концепциянинг, умуман, давлатимизнинг таълим соҳасидаги сиёсатининг мазмунида жамиятга юқори салоҳиятга эга бўлган кадрларни етказиб бериш асосий омил сифатида қаралади [1].

Юқори салоҳиятга эга кадрлар масаласи дунё педагог олимлари тадқиқотларида янгича ёндашувларга асосланган креативлик, компетентлик, мобиллик ва ҳ.к. тушунчалар мазмунида ифодаланиб, унинг моҳияти асосан шахснинг касбий тайёргарлик ҳамда муваффақиятли фаолият кўрсатиш жараёнини назарда тутди ва бу жараён турли йўналишларда ишлаб чиқилиб, илмий асослар келтирилган. Биз тадқиқ этаётган ушбу мавзунинг мазмунида олий таълимда талабаларнинг касбий мобиллигини инновацион ёндашувлар асосида ривожлантириш масаласи ётади.

Ушбу соҳадаги мавжуд тадқиқотларни таҳлил қилиш касбий мобилликнинг қуйидаги етакчи муҳим хусусиятларини аниқлашга имкон беради:

- муайян касбнинг замонавий жамиятдаги ижтимоий мақоми билан боғлиқ хусусиятлар;
- инсоннинг касбий фаолияти табиатининг бирон бир сабаб (касбий фаолият мазмунидаги замонавий

ўзгаришлар, илм-фан, техника-технологияларнинг ривожланиши)га кўра ўзгариши туфайли бир ижтимоий тузилишдан иккинчисига ўтишини белгилайдиган ижтимоий-тузилмавий хусусиятлар;

- касб ёки мутахассисликнинг ўзгаришини тавсифловчи касблараро хусусиятлар;

- шахснинг касбий мобиллиги омили сифатида таълим ҳажми ва таълим сифатини акс эттирувчи хусусиятлар;

- шахснинг умумий маданий ривожланиш даражасининг унинг касбий мобиллигига таъсирини белгилайдиган маданий хусусиятлар.

Уларнинг ҳар бири касбий мобилликнинг ўзига хос жиҳатларини акс эттиради ва умуман олганда, ушбу таркибдаги барча хусусиятлар касбий мобилликни тўлиқ тавсифлайди. Ўз навбатида, касбий мобилликнинг таркибий ва функционал хусусиятлари ушбу ҳодисанинг асосий таркибий қисмларини акс эттиради ва тавсифлайди, бунинг асосида унинг модели ҳар бир шахснинг хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда тузилиши мумкин.

Касбий мобилликнинг асосий таркибий ва функционал хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- касбий маҳорат – бу шахснинг маълум бир “дастлабки” умумий билим ва кўникмалар тўпламига асосланган ҳар қандай касбни ўзлаштиришга масъулият билан ёндашиш қобилияти ва тайёрлиги;

- креативлик – унга қуйидагилар киради: ҳар қандай касбий мажбуриятларни бажаришга ижодий муносабат, касбий фаолият туридаги юзага келадиган ўзгаришларни етарли даражада баҳолаш ва ижодий башорат қилиш қобилияти, шунингдек, умумий таълимнинг маълум билимлар жамланмасига эга бўлиш, улар асосида меҳнатга ижодий муносабат шаклланади;

- психологик барқарорлик – ташқи салбий таъсирларга адекват жавоб бериш, инновацияларни осонлик билан қабул қилиш ва ўзлаштириш, ўз имкониятларига ишонч, жиддий бўлмаган стресс ва ўзига ишончсизлик, касбий фаолият турини тубдан ўзгартириш каби таъсирларга қарши тура олиш қобилияти;

- очиклик – инсоннинг турли хил янги ва ғайриоддий ҳодисаларни танқидий акс эттиришдан кейин уларни ижобий муносабат билан идрок этишга ва ҳолисона баҳолашга тайёрлиги;

- коммуникативлик – касбий мобилликнинг таркибий ва функционал хусусияти сифатида қуйидагиларни ўз ичига олади: а) шахсий коммуникативлик, яъни, самарали маълумот алмашиш қобилияти; б) перцептивлик, яъни, алоҳида шахслар билан алоқа каби, жамоалар билан ҳам самарали алоқаларни ўрнатиш қобилияти; в) интерактивлик, яъни, мулоқот қилиш жараёнида шахсга таъсир кўрсатиш қобилияти.

Касбий таълим жараёнида касбий мобилликни ривожлантириш шахсни фаол ҳаракатчанлигига, ўз-

гарувчан шароитларга мослаша олишга, вазиятларни тезда идрок этишга ва амалий тажрибага тайёр бўлишга йўналтирилган шакллантиришни назарда тутати. ОТМда касбий мобилликни ривожлантириш жараёни шахснинг касбий ривожланиши ва бўлажак мутахассиснинг касбий тайёргарлигининг нисбатан мустақил ва ажралмас таркибий қисмидир [2].

Касбий мобилликнинг тузилиши қуйида келтирилган ўзаро боғлиқ бўлган таркибий қисмлардан иборат:

- мотивацион – бу шахснинг касбга муносабатини, ўзгарувчан фаолиятини, доимий ўзгарувчан касбий макондаги ўзгаришларни белгилайдиган мотивлар, қадриятлар, қизиқишлар, идеаллар тизимини ўз ичига олади;

- когнитив компетентли – бу турли хил касбий билимларни мустақил ўзлаштириш учун зарур бўлган билим ва кўникмалар мажмуаси; минтақада, мамлакатда, дунё меҳнат бозорида ўз ўрнини топиш учун асосий касбий компетенцияларга эга бўлиш;

- рефлексив-баҳоловчи – касбий таълим жараёнида ўз-ўзини рефлексив ривожлантириш қобилиятини, касбий фаолиятни ўзгартириш учун ўз имкониятларини билиш, меҳнат бозоридаги ва касбий фаолият жараёнида юзага келадиган вазиятларни таққослаш қобилиятини ўз ичига олади;

- умумшахсий – шахснинг ҳаёт фаолияти мазмунини ўзгартиришни таъминлайдиган умумий қобилиятлари (интеллектуал, кретив, коммуникатив) ни назарда тутувчи шахсий хусусиятлари, психологик барқарорлик, жисмоний ва руҳий саломатлигини ўз ичига олади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг ижтимоий ва иқтисодий тузилмаларига касбий мобил кадрларни етказиб бериш энг долзарб масаладир. Бунда бир неча эътибор қаратиладиган тадбирларни амалга ошириш муҳимдир:

- узлуксиз таълимнинг бутун фаолиятини ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-маданий омиллар, тарбия, таълим ва илмий фаолият интеграцияси асосида тизимли ташкил этиш;

- инновацияларни ва таълим соҳасидаги халқаро тажрибаларни таълим фаолиятининг асосий тамойили сифатида қабул қилиш;

- меҳнат бозори мувозанатини таъминлаш ва талабаларнинг касбий мобиллигини ривожлантириш мақсадида яхлит ахборот муҳитини ва ҳар бир ҳудуднинг ихтисослаштирилган корхона ва муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш тизимини яратиш.

Касбий таълимнинг замонавий жараёни касбий фаолиятнинг айрим турларини самарали бажаришни таъминлайдиган касбий компетенцияларни ўзлаштиришга қаратилган ва битирувчиларни тайёрлаш сифатининг интегратив характеристикаси сифатида қаралади. Олий таълимнинг давлат таълим стандарти лойиҳаси битирувчининг касбий фаолият тури (касбий-йўналтирилган) бўйича универсал ва касбий

компетенцияларни эгаллашни назарда тутди. Аммо касбий компетенцияларни шакллантиришга қаратилган ўқув жараёнини анъанавий тарзда ташкил этиш битирувчининг касбий мобиллигини ривожлантиришни, шунингдек, мутахассислик доирасидаги асосий касбий фаолиятнинг бир турини ўзлаштириш бўлажак мутахассиснинг замонавий меҳнат бозорига самарали мослашиши ва рақобатбардошлигини тўлиқ таъминлай олмайди. Бўлажак мутахассисларни касбий мобиллигини муваффақиятли ривожлантириш учун тегишли касбий фаолият турларини замонавий шароитда такомиллаштириб бориш ҳамда мутахассиснинг касбий мобиллигини ривожлантириш жараёнининг самарадорлигини таъминлайдиган янгича услубий ёндашувларни ишлаб чиқиш орқали ўзлаштирилган касбий-йўналтирилган фаолият доирасини кенгайтириш зарур [3].

Инновацион таълим муҳитида бўлажак мутахассисларнинг касбий мобиллигини ривожлантириш жараёнининг самарадорлигини таъминлайдиган услубий ёндашувлар сифатида қуйидагиларни танладик:

- касбий мобилликни ривожлантириш жараёнида мутахассисларни турли хил касбий фаолият турлари учун интегратив тайёрлаш тизимининг яхлит таркибий қисми сифатида кўриб чиқишга имкон берадиган комплекс ёндашув;

- бўлажак мутахассиснинг касбий мобиллигини ривожлантиришни шахсий хусусиятларни шакллантириш жараёни ва уларнинг фаолиятда намоён бўлиши сифатида кўриб чиқишга имкон берувчи шахсий фаоллик нуқтаи назаридан ёндашув;

- бўлажак мутахассиснинг қобилиятларини, энг кўзга кўринган компетенцияларини ва уларни меҳнат фаолиятида самарали қўллаш қўламини аниқлашга имкон бердиган компетентли ёндашув.

Юқоридаги фикрлардан шуни англашимиз мумкинки, бўлажак мутахассисларнинг касбий тайёргарлиги жараёнида уларда умумривожлантирувчи компетенцияларни ривожлантириш ҳамда таълимни ихтисослаштириш масаласига эътибор қаратиш зарур.

Касбий мобилликни ривожлантириш жараёни педагогикада аниқланган тамойилларга (яхлитлик, мақсадга мувофиқлик, вариативлик), шунингдек, биз томонимиздан тавсия этилаётган касбий тайёргарликни умумривожлантириш ва ихтисослаштириш бирлиги тамойилига асосланади. Бу тамойил касбий мобилликнинг ривожланишини таъминловчи ихтисослаштирилган ва умумривожлантирувчи тайёргарликнинг тузилиши, мазмуни ва ўзаро боғлиқлигини белгилайди. Бўлажак мутахассисларни касбий тайёрлаш жараёнида аниқланган тамойилларнинг қўлланилиши йўналишларнинг тор доирадаги ихтисослашуви ва жамиятнинг малакали касбий мобил мутахассисларга бўлган эҳтиёжи ўртасидаги қарама-қаршиликларга барҳам беришга имкон беради.

Агар касбий таълимни ихтисослаштириш уни ташкил этишнинг бир усули бўлса, касбий мобилликни ривожлантириш ўқув жараёнининг мазмуни ва ташкил этилишидаги ўзгаришлар туфайли ўқитишнинг универсаллигини таъминлаган ҳолда ихтисослаштиришга шароит яратилади, натижада таълим жараёни сифати ва талабаларнинг касбий маҳоратини ошириш самарали бўлади. Касбий таълимни ихтисослаштириш – мақсадли, табиий ва қайтариб бўлмайдиган педагогик жараён бўлиб, бунинг натижасида бўлажак мутахассислар меҳнат бозорига мослашиш ва рақобатбардошликка тайёрликни таъминлайдиган кенг қўламли умумривожлантирувчи касбий ихтисослаштирилган компетенцияларни ўзлаштирадиган [3].

Биз томонимиздан олиб борилган педагогик тадқиқотлар давомида олинган назарий, шунингдек, эмпирик маълумотлар (синовлар, суҳбатлар, интервьюлар) таҳлили асосида бўлажак мутахассисларнинг умумривожлантириш ва ихтисослаштириш тамойили асосида касбий мобиллигини шакллантириш жараёнининг педагогик шартлари аниқланди:

- талабанинг ҳаётий мақсадлари ва қадриятларини, шунингдек, ижтимоий-маданий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, ўқув жараёнини ташкил этиш;

- таълимнинг халқаро тажрибаларини ҳисобга олиб, ўқув режаларига янги фундаментал фанларни, шунингдек, қўшимча мутахассисликлар бўйича курсларни киритган ҳолда ўқув режаларини ишлаб чиқиш;

- талабаларнинг амалиёт ўташ жараёнини такомиллаштириш, уларга иқтисодиёт, информатика, меҳнат қонунчилиги бўйича тегишли асосий билимларни бериш;

- ОТМда муайян ташкилотларнинг ўзига хос эҳтиёжлари билан боғлиқ илмий тадқиқотларни ташкил этиш ва бу тадқиқотлар натижаларини кейинчалик ишлаб чиқаришга татбиқ этиш;

- талабаларда мобил шахсга хос бўлган сифатларни ривожлантиришга ёрдам берадиган инновацион таълим технологияларини жорий этиш: фаоллик, танлов қилиш қобилияти, доимий такомиллашишга тайёрлик, муваффақият мотивацияси;

- таълим технологияларини ўз-ўзини ўқитиш ва ўз-ўзини тарбиялаш технологияларига қайта йўналтириш;

- талабаларни шахслараро муносабатларнинг турли субъектлари билан ўзаро муносабатларида келажакдаги касбий фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш.

Шундай қилиб, бизнинг тадқиқотларимиз натижалари, бўлажак мутахассисларни касбий тайёрлашнинг замонавий тизими, касбий тайёргарлик натижаларига қўйиладиган юқори даражадаги талаблардан келиб чиқиб, бўлажак мутахассисларда касбий мобилликни шакллантиришга ҳисса қўшиши мумкин бўлган омилларни таҳлилий ёндашувлар асосида таснифлаш муаммосига ойдинлик киритишга имкон

беради. Инновацион таълим муҳитида бўлажак му-
тахассисларда касбий мобилликни шакллантириш-
нинг муҳим омиллари сифатида биз қуйидагиларни
таклиф этамиз:

- инновацион таълим муҳитида талабаларнинг
касбий мобиллигини шакллантириш учун педагогик
вазиятлар моделларини ишлаб чиқиш ва қўллаш-
га концептуал ёндашувларни белгилашда ОТМдаги

ўқув жараёнини замонавий илмий талқинда, халқаро
тажрибалар асосида ташкил этишга эътибор қаратиш.

- субъект-субъект муносабатлари устунлик қи-
ладиган инновацион жараён сифатида интерактив,
масофавий, рефлексив технологиялардан, ОТМдан
ташқари (корхона ташкилот, муассаса ва х.к.) амалиёт
базалари ҳамда тармоқ имкониятларидан юқори да-
ражада фойдаланиш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони.
2. Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Ҳ., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. Инновацион таълим технологиялари. – Т.: “Sano-Standart” нашри-
ёти, 2015. – 145-б.
3. Ишмухамедов Р. Абдукодиров А. Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-укитувчилари
учун амалий тавсиялар). – Т.: Истеъдод, 2008. – 16 б.
4. Е.Ю.Самоделкин. Моделирование педагогических ситуаций формирования профессиональной мобильности студентов в обра-
зовательном процессе вуза. автореф. дис. ... канд. пед. наук / Е.Ю.Самоделкин. – Петрозаводск, 2013. – 15 с.
5. В.А.Мищенко. Региональная модель формирования профессиональной мобильности студентов. автореф. дис. ... д-ра пед. наук
/ В.А.Мищенко. – М., 2012. – 14 с.
6. А.Турабов. Олий таълимда касбий мобил кадрларни тайёрлаш хусусиятлари ва ушбу жараённинг муҳим, аҳамиятли компо-
нентлари. «Қиёсий педагогиканинг долзарб муаммо ва ечимлари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари.
Жиззах Давлат педогогик институти, 2022 йил, 5 Май, – 229-б.

ЎГИЛ БОЛАЛАРНИ МУСТАҚИЛ ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШ: ПЕДАГОГИК ОМИЛЛАР, МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАР, ТАРБИЯЛАШ ВА САМАРАДОРЛИК

Фотима Исламова,

Миллий рассомлик ва дизайн институти, катта ўқитувчи

Аннотация

Мақола оила педагогикасининг долзарб муаммоларидан бири – оилада ўғил болаларни мустақил оилавий ҳаётга тайёрлаш омилларига бағишланган. Мақолада оилавий тарбия талабларини ҳисобга олган ҳолда, оила анъаналар асосида мустақил оилавий ҳаётга тайёрлаш масалалари, таълим муассасаларида ўғил болаларни мустақил оилавий ҳаётга тайёрлашни тўғри ташкил этишига эришиш йўллари аниқ кўрсатилган.

Калит сўзлар: тарбия, таълим, ўғил болалар тарбияси, мустақил оилавий ҳаёт, маънавий-ахлоқий тарбия, оилавий ҳаётга тайёргарлик, оила анъаналари, урф-одатлар, қадриятлар.

Аннотация

Статья посвящена одной из актуальных проблем семейной педагогики – подготовке мальчиков семейного возраста к самостоятельной семейной жизни на основе семейных традиций. В статье наглядно показаны вопросы подготовки к самостоятельной семейной жизни на основе национальных традиций, с учетом требований семейного воспитания, пути достижения правильной организации профессионального обучения для подготовки мальчиков к семейной жизни в семьях.

Ключевые слова: воспитание, образование, воспитание мальчиков, самостоятельная семейная жизнь, духовно-нравственное воспитание, подготовка к семейной жизни, семейные традиции, обычаи, ценности.

Annotation

The article is devoted to one of the urgent problems of family pedagogy - the preparation of boys of family age for family life on the basis of national traditions. The article clearly shows the issues of preparation for family life on the basis of national traditions, taking into account the requirements of family education, ways to achieve the correct organization of vocational training to prepare boys for family life in families.

Keywords: upbringing, education, upbringing of children, independent family life, spiritual and moral education, preparation for family life, family traditions, customs, values.

Ҳар жиҳатдан баркамол бўлган, соғлом авлод-ни шакллантириш масаласи бугунги кунда ёш, мустақил давлатимиз олдида турган энг долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Чунки ҳар қандай мустақил давлатларнинг тараққиёти келажагимиз эгалари бўлган ёшларга уларнинг дунёқарашига, оилавий муҳитнинг соғломлигига, мустақамлигига узвий боғлиқдир. Демак, оила олдида турган масалалар кенг камровли характерга эга бўлиб, давлатнинг аралашуви ва ёрдамини талаб этади. Давлат ва оила бир ёқадан бош чиқариб иш олиб борган тақдирдагина ижобий натижага эришиш мумкин ва бунда ҳам давлат, ҳам оила бир хил манфаатдор бўлади. Бунинг учун биринчи галда оила мустақамлигини таъминловчи чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилиши шарт, ёшларни оилавий ҳаётга тайёргарлик ишини таълим тизими доирасида такомиллаштириш лозим.

Мамлакатимизда “2022-2023 йилларда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш дастури”нинг қабул қилиниши, энг аввало, ёшларимиз онгида юксак инсоний фазилатларни таркиб топтириш, шу билан бирга, уларни билим ва касб-ҳунар эгаллаши, улар учун муносиб иш ва турмуш шароитини яратиш, бўш вақтини мазмунли ташкил этишига қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш бугунги

куннинг муҳим вазифаси қилиб белгиланди [11].

Бугунги кун зиёлилари ёшларни жамиятимизнинг етакчи кучи деб ҳисоблайди. Шу маънода, уларга қилинган ҳар қандай ғамхўрлик, келажакка ташланган назар, уни олдиндан тасаввур этиш йўлидаги интилишдир.

Ушбу дастурда белгиланганидек, унда мужассам бўлган ишларнинг асл маъноси асосан қуйидагиларга қаратилган.

Биринчидан, ёшларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг замонавий билим ва касбга эга бўлишини бугунги ўта мураккаб ва таҳликали замонда мавжуд бўлган ҳар қандай хатарларга, зарарли таъсир ва оқимларга нисбатан огоҳ, сезгир ва хушёр бўлиб яшашини ва жамиятимиз ҳаётида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш;

Иккинчидан, ёш авлодга ўзлгимизни, муқаддас анъаналаримизни англаш туйғуларини, халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган эзгу орзуларини, жамиятимиз олдида бугун қўйилган мақсад ва вазифаларни сингдириш;

Учинчидан, ёшларни байналмилал жаҳон ҳамжамиятида, халқаро майдонда Ўзбекистонга муносиб ҳурмат туғдириш учун интилиш руҳида тарбиялаш;

Тўртинчидан, ёш авлод онгига ватанпарварлик, эл-юртга садоқат, юксак одамийлик ва инсоний фазилатларни таркиб топтириш;

Бешинчидан, мазкур дастурда баркамол авлодни анъаналаримиз ва миллий кадриятларимиз асосида мустақил Ўзбекистонимизнинг муносиб фарзанди қилиб тарбиялаш ҳамда мустақил ҳаётга тайёрлашдан иборат.

Демак, XXI аср ўзбек фарзанди қандай бўлмоғи керак? Ёшларимизни юксак инсоний фазилатлар эгаси қилиб қаерда ва қандай тарбиялаш лозим? Хўш бу муаммоларнинг ечими кимнинг қўлида, деган қатор саволларга шундай жавоб бериш мумкин.

Бундай масъулиятли вазифаларни бажариш таълим муассасалари, маҳалла ва давлат ташкилотлари билан бир қаторда, жамиятнинг ҳар бир оиласи зиммасига юклатилган.

Дарҳақиқат, ёшлар баркамол авлод, шахс, инсон, мутахассис сифатида энди шаклланиб келаётган экан, уларни оилада анъаналарга содиқ қолган ҳолда оилавий ҳаётга тайёрлаш лозим. Чунки ўзбек оилаларида тарбияланаётган ҳар бир йигит ва қизлар нафақат бўлғуси катта ҳаётга тайёргарлик кўрадилар, балки шу ҳақиқий ҳаёт билан яшайдилар [2, 3]. Айни пайтда, жамият ҳаётида муносиб ўрин топишлари лозим.

Ўзбекистонда ёшлар масаласига давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида “Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ” [12, 1].

Болаларни баркамол инсон қилиб етиштиришда таълим муассасасини оила билан мустаҳкам боғлашдан, тарбия соҳасидаги бутун ишларни муваффақиятли амалга ошириб бўлмайди. Шу мақсадда ота-оналар ўртасида таълим-тарбияга оид ташвиқот ишларини кенгайтириш, уларни таълим муассасасининг фаол ёрдамчиларига, талабаларнинг барча ишларида ҳар томонлама фойдали ташкилотчиларига айлантириш зарур. Шундай экан, ёшлар келажагининг фаровонлиги ва бахт-саодати ҳам аслида уларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун биз яратиб бераётган имкониятларга бевосита боғлиқдир. Демак, мақсадимиз ўғил болаларга тарбия бериш билан бир қаторда, уларни мустақил оилавий ҳаётга тайёрлашда уларга зарур шарт шароит яратишдан иборатдир. Юқоридаги мақсадни амалга ошириш учун оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлиги олдида бир қатор вазифалар белгиланди. Хусусан, оилада:

- оилада ўғил болаларни мустақил оила қуришга таёрлашни педагогик зарурият сифатида ўрганиш;

- оилада ўғил болаларни оила қуришга тайёрлашда шарқ мутафаккирларининг маънавий меъросидан фойдаланишга эришиш;

- оилада ўғил болаларни мустақил оила қуришга тайёрлашда миллий урф-одатлар ва кадриятларнинг тутган ўрни ва аҳамиятини аниқлаш;

- оилада ўғил болаларни оила қуришга тайёр-

лашда тарбиянинг самарали усуллари ва воситаларидан фойдаланиш;

- оилада ўғил болаларга ёшлигидан оила хўжалигини, бюджетини яратишда, оиланинг ижтимоий, иқтисодий, психологик ва педагогик муҳитини яратишда асосий таянч эканлигига тайёрлаб бориш;

- оилада турли ёшдаги, турли жинсдаги кишилар тарбияси учун етакчи эканлигини тушинтириб бориш;

- оилада ўғил болаларни оила анъанаси, урф-одатини сақлашда катта аҳамиятли юмушлар ижодкори сифатида фаолият кўрсатишга тайёрлаб бориш;

- ўғил болаларни оила қуришга тайёрлашда бу бо-рада ортирилган тажрибалардан фойдаланиш.

Оила бошқа тарбиявий муассасалардан фарқли равишда одамнинг бутун ҳаёти давомида унинг барча томонларига, қирраларига таъсир кўрсатишга қодирдир ва одатда таъсир кўрсатади [3, 5].

Ўғил болаларни мустақил оилавий ҳаётга тайёрлашда мактаб мукамал ташкилот сифатида барча тарбиявий ишларни мақсадга мувофиқ ташкил этиши лозим. Ўз навбатида ўқитувчилар жамоасини уюштира олган, жамоатчиликни болалар тарбиясига йўналтира олган, уларнинг ота-оналарини яхши билган мактаб маъмуриятигина тарбиявий ютуқларни қўлга кирита олади. Ўқитувчи ота-оналарнинг фаол ёрдамисиз болаларнинг баркамоллигини таъминлай олмайди. Бу ўринда тарбиячининг ўзини тарбиялаш лозимлигини ҳам эсдан чиқармаслик керак. Ўзига нисбатан талабчан муаллим ота-оналар билан ҳамкорликда ўқувчиларда мустақил фикрлаш ва ҳаракат қилиш, янгиликни сезиш, ташаббускорлик ҳамда ижодкорлик қобилиятларини шакллантириш мақсадида уларга қатъий талаблар қўйиш учун маънавий ҳуқуққа эга бўлади. Педагог-олимлар тадқиқотларида исботланганидек, оилавий тарбияга доир ишлар қуйидаги шароитларда бажарилса, унинг самарадорлиги янада ошади:

- Оилавий тарбия самарадорлигини ошириш омилларида бири бола шахсини камолотга етказиш учун уни ҳар томонлама ўрганиш, шунингдек, оилавий тарбия усуллари ва шаклларида ижодий ёндашиш, уни такомиллаштиришдир. Ўқувчиталабаларни ҳар томонлама ўрганиш уларни ўқишга, меҳнатга, ўз-ўзига, ўраб турган муҳитга, инсон камолоти учун зарур бўлган сифатлардан энг муҳимларини ажрата олишга ўргатиш имконини беради.

- Ота-оналар ўртасида тарбияга оид билимларни тарғиб қилиш, айниқса, оилавий тарбияда қийинчиликка учраётган ота-оналарга жамоатчилик ёрдами-ни кучайтириш лозим.

- Оилавий тарбияда ижобий ютуқларни қўлга киритган ота-оналарнинг тажрибаларидан фойдаланиш учун уларни таълим муассасининг кенгайтирилган йиғилишларига, ота-оналар қўмиталарининг мажлисларига таклиф этиш ва ўз тажрибалари билан ўртоқла-

шишни йўлга қўйиш нихоятда муҳимдир. Улардан унумли фойдаланиш учун таълим муассасаларда ташкил этилган ота-оналар куни ишини жонлантириш.

– Ота-оналар қўмиталари раҳбарларининг бевосита бошчилигида радиоалоқаларни ташкил этиш. Бунда “Ота-оналар – илк тарбиячи”, “Ота-оналарнинг бола тарбиясидаги шахсий намуналари ва уларнинг аҳамияти”, “Ёшларни меҳнатга, ҳаётга, турмушга ўргатиш ва тайёрлашда таълим муассасасининг ўрни” бўйича эшиттиришларни тайёрлаб, изчил ўтказиш зарур [3, 7].

Ўғил болаларни анъаналар асосида оилавий ҳаётга тайёрлашнинг қимматлилиги шундаки, улар оилада эгаллаган нарсалари бир умр сақланиб қолади. Шу билан бирга, оилавий ҳаётга тайёргарлик жараёнида уларнинг қобилиятлари ривожланади, ижодий имкониятлари очилади. Шунинг учун ҳам оилада баркамол авлодни ҳар томонлама тарбиялаш ва оилавий ҳаётга тайёрлаш мажбурияти қонуний тарзда белгилаб қўйилган. Шу нуқтаи назардан, оилавий анъана-

лар, расм-русумлар ва одатлар орқали ёшларни тарбиялашда анъаналар, миллий қадриятлар, маънавий мероснинг ҳам катта ўрни бор.

Маълумки, миллий анъаналар билан умуминсоний анъаналарни алоҳида ажратиб бўлмайди. Чунки ҳар қандай миллий анъаналар умуминсоний анъаналар билан узвий боғлиқ ҳолда яшайди. Анъаналар миллийликдан минтақавийликка, минтақавийликдан умуминсониликка қараб ривожланади. Ушбу анъаналарни сақлаш ва ривожлантириш, энг муҳими, оилада ўғил болаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш жараёнида қўллаб бориш бугунги куннинг давлат сиёсати даражасидаги вазифаларидан бири ҳисобланади.

Бугун биз ёшларни, хусусан, йигит ва қизларимизни қандай анъаналар асосида оилавий ҳаётга тайёрлаш мумкинлигига эътиборимизни қаратдик. Қуйидаги жадвалда ёшларни айнан қайси анъаналар асосида оилавий ҳаётга тайёрлаш мумкинлиги ҳақида маълумот келтирилган.



Оила инсон учун муқаддас даргоҳ, инсонларнинг табиий, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва маънавий муносабатлари замирида юзага келган. Оила жамият низомлари асосида яшаса-да, оилавий муносабатлар нисбатан мустақил ҳодисадир. Шу маънода оила жамиятнинг муқаддас ва дахлсиз мустақил мухториятидан иборат салтанатдир. Бу салтанатнинг подшоҳи – ота, вазири – онадир. Шунинг учун халқимиз оила чироғи – аёл, оила устуни – эркак деб айтишади. Ўзбекистоннинг буюк келажаги оиладан бошланади.

Келажаkning буюклигини таъминлаш мезонларидан бири ўзлигини англашини шакллантириш, миллий онг ва миллий ғурур туйғусини таркиб топтириш, жаҳон цивилизациясининг энг ёрқин саҳифаларидан ўрин олган миллий маданиятимизни тиклашда фаоллик, ташаббускорлик, ижодкорлик ва меҳнатсеварлик-

ни қарор топтириш оиланинг кундалик эҳтиёжларидан бирига айланиб қолишни тақозо этади. Модомики, шундай экан, демак, оилавий тарбия асосида эндигина ҳаётга қадам қўйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай тушунчани сингдириш керакки, улар давлатимиз ўртага қўяётган муаммоларни бажариш, аввало, уларнинг куч-қудратларига, билим ва саботларига, ғайрат-шижоатига, фидокорликларига, меҳнатсеварликларига боғлиқ эканлигини тушуниб етсинлар. Чунки мустақиллик биз учун шунчаки бир янги сиёсий вазият, сифат ё унвон эмас, чинакамига ҳар томонлама ҳимояга муҳтож, нафақат кучли шахсларни, балки ҳар бир инсоннинг фидойилиги, фаоллигини талаб қиладиган улкан қалъадир [5, 2].

Хулоса қилиб айтганда, оилада ёш авлодни анъаналар асосида оилавий ҳаётга тайёрлашда юқорида кел-

тирилган инсоний фазилат ва сифатларни ўзида муктаммаштирган баркамол авлод сиймосини яратиш ота-оналар педагогик саводхонлигининг юкори даражада бўлиши, тарбияшунослик бўйича билим ва кўникмаларини талаб қилади. Бунга қандай эришмоқ керак? Бу саволга жавобимиз оддий! Ҳозирда ҳар бир шаҳар ва туманларда ташкил этилаётган ёш ота-оналар мактабларига мунтазам бориб, керакли маълумот ва маслаҳатларни олиш керак. Биз ота-оналарни фарзанд боқувчиси сифатида эмас, балки уларнинг келажақ пойдеворини яратув-

чиси, мустақил ҳаётга тайёрловчи сифатида биламиз. Жамиятимизнинг ҳар бир ўзбек оиласидаги ота-оналари ўз фарзандларини анъаналар асосида оилавий ҳаётга тайёрлашса, қолаверса, тарбияшунослик бўйича бой билим ва кўникмага эга бўлсалар, жиноят, турли оқимларга эргашиш, ватанига, миллатига, халқига беҳурматлик шунча камаяди, ҳалол, меҳнатсевар, ватанпарвар, инсонпарвар, имон-этиқодли комил инсонлар кўпаяди. Мустақил Ўзбекистонимизга ватанининг келажагини буюк қиладиган ана шундай инсонлар керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Исламова Ф.Ш. Миллий анъаналар асосида ўғил болаларни оилага тайёрлашнинг педагогик-психологик усуллари. "Таълим, фан ва инновация". Маънавий-маърифий илмий-услубий журнал. –Тошкент. 2019/3-сон.
2. Рахманова Ф.Ш. Педагогические воззрения восточных мыслителей в деле подготовки мальчиков к семейной жизни на основе национальных традиций. Молодой ученый». – № 4. Учредитель и издатель: ООО «Издательство Пермь. 39) / 2012 г.
3. Otajonova, O.A., Islomova, F.S., Fayazova, F.S., & Nematov, BS (2022). O'smirning gender o'ziga xosligiga ota-ona munosabatlarining ta'siri. Pozitiv maktab psixologiyasi jurnali, 6 (10), 2393-2399.
4. Islamova, F.Sh. (2022). Healthy lifestyle as a factor of family welfare in preparing young people for independent life. Eurasian Journal of Social Sciences, Philosophy and Culture, 2 (5), 41-46 б.
5. Fayazova, F.S., Otajonova, O.A., & Islamova, F.S. (2021). The Role Of Art Therapy In The Formation Of Healthy Living Skills In Adolescents. Nveo-Natural Volatiles & Essential Oils Journal| NVEO, 15291-15295.7.
6. Islamova, F., & Fayozova, F. (2021). Family traditions in vocational guidance, a guarantee of preparing young people for independent living. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 11(10), 34-38.8.
7. Sh, I. F., & Vaniyan, S. B. (2021). The role of parents in forming spiritual education on the basis of creative approaches. current research journal of pedagogics, 2(12), 162-165.24.
8. Islomova, F.Sh. (2022). Yoshlarni mustaqil hayotga tayyorlashda sog'lom turmus tarsi – oila farovonligi omili sifatida. Evrosiyo ijtimoiy fanlar, falsafa va madaniyat jurnali, 2 (5), 41-46.
9. <https://norma.uz>. 2022-2023 йилларда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш дастури.
10. <https://insonhuquqlari.uz>. Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи

НАМУНАЛИ ОИЛА МОДЕЛИНИ ЯРАТИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ

Олимжон Тухтаев,

Самарқанд вилояти педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий маркази ўқитувчиси

Аннотация

Ушбу мақолада намунали оилани яратишнинг ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилган. Оилавий муносабатлар соҳасида амалга оширилган тадқиқот ишлари шарҳланган. Намунали оилани ташкил этишнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари таҳлил қилинган. Мавзу юзасидан амалий тавсиялар келтирилган.

Калим сўзлар: оилавий муносабат, оила модели, намунали оила, ёш оила, замонавий оила, оилавий муҳит.

Аннотация

В данной статье освещаются особенности создания модельной семьи. Дан обзор исследовательской работы, проведенной в области семейных отношений. Анализируются социально-психологические аспекты создания модельной семьи. Есть практические рекомендации по теме.

Ключевые слова: семейные отношения, образцовая семья, молодая семья, современная семья, семейное окружение.

Annotation

This article highlights the specific features of creating a model family. The research work carried out in the field of family relations is reviewed. Socio-psychological aspects of creating a model family were analyzed. There are practical recommendations on the topic.

Keywords: Family relationship, exemplary family, young family, modern family, family environment.

Халқимизнинг миллий анъаналари ва қадриятлари ичида оилавий муносабатларда ўзаро ҳамфикрлик, бир-бирини тўлдириш, ўзаро ҳамкорлик, мақсадлар сари бирга интилиш, бир-бирига ён босиш, фарзандларни бирга тарбия қилиш, оилавий юмушларнинг ўзаро тақсимланиши, эр – оиланинг таянчи бўлиши, она – уй рўзгорининг бошқарувчиси эканлиги, оила молиявий заҳираларининг тўғри тақсимланиши, хонадоннинг ризки учун ўзаро ҳамкорлик ва бирга ҳаракат қилиш, фарзандларга нисбатан меҳр-шафқатли бўлиш, онанинг мавқеини муқаддас деб билиш, отага нисбатан оила бошлиғи сифатидаги чуқур ҳурмат ва эътибор, фарзандларни жамият ҳаётига тайёргарлиги масалаларини боҳамжиҳат хал этиш, фарзандларни оилавий мустақил ҳаётга тайёргарлигини таъминлаш ишларида фаол иштирок этиш, фарзандларни “бошини қовуштириб қўйиш” ота-оналар бурчи ҳисобланади [4, 38].

Оила – жамиятнинг энг кичик бирлиги, кишиларнинг табиий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий ва руҳий-психологик муносабатларига асосланган ижтимоий институтидир. Замонавий оила – ҳаётда соғлом ўзини турмуш тарзи, юксак маданияти, касб даражаси ва ижтимоий фаолияти билан аҳоли ўртасида намуна кўрсатадиган оиладир.

Оилашунос олимлар томонидан ушбу муаммолар муайян даражада ўрганилган ва илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, педагогика фанлари доктори, профессор О.Мусурмонова “Оила маънавияти – миллий ғурур”, “Амир Темур – оила ва соғлом авлод тарбияси ҳақида”, ҳаммуаллифликда тайёрлаган “Маҳаллада қизларни соғлом турмуш тарзи асо-

сида оилага тайёрлаш” каби илмий тадқиқот ишларида оиланинг муқаддаслиги унинг жамият ҳаётидаги ўрни, оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш, қизларни оилага тайёрлаш билан боғлиқ муаммоларни етарлича ўрганган [3, 28].

Педагогика фанлари доктори, профессор М.Махмудова “Халқ педагогикаси мазмуни асосида талаба ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш тизими” мавзусидаги докторлик диссертациясида мамлакатимизни келажакда оилаларда камол топаётган ёшлар тарбиясига боғлиқлигини илмий ва ишончли далиллар асосида ёритиб берган. Педагог олима М.Иномова “Оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда миллий қадриятлардан фойдаланишнинг педагогик асослари” мавзусидаги докторлик диссертациясида оилада болаларни тарбиялашда миллий қадриятлардан фойдаланишни педагогик асосларини етарлича ёритиб берган.

Психология фанлари доктори, профессор Ғ.Шоурмаровнинг илмий мақола, рисола ва услубий ишларида оила инсон маънавиятини шакллантирувчи маскан эканлигини ва ўзбек оиласининг ўзига хос психологик жиҳатларини кўрсатиб берган.

Оила, ўз ижтимоий мазмунига қараб, уч таркибий қисм бирлигидан ташкил топади. Улар: оила асоси сифатида никоҳ, никоҳнинг натижаси сифатида эр ва хотин муносабатлари, ҳамда эр-хотин муносабатларининг оқибати сифатида фарзандлардан ташкил топади [5, 91]. Демак, фаровон оилага эришиш, ёшларни оилавий турмушга тайёрлаш тизими ҳам ана шу уч таркибий қисмлар мажмуидан иборат бўлиб, унинг

мазмуни оила курадиган ёшларга тушунтирилиши билан алоқадордир.

Наъмунали оила моделини яратишда самарали на- тижани таъминловчи омиллар:

Психологик – инсон психологияси бўйича билим- ларга эга бўлиш; психологик турларни ажрата билиш, психологик таъсир ўтказиш омилларини эгаллаш, пси- хологик тазъийқдан ўзини ҳимоя қила олиш, оила пси- хологияси ва оиладаги муносабатлар психологиялари- ни билиш, ота-она ва болалар ўртасидаги психологик вазиятлар, психологик мувозанат сирларини эгаллаш.

Гендер – оилада гендер тенглик, жинслар ўрта- сидаги фарқларни англаш, гендер таълимотидан би- лимларга эга бўлиш, гендер тарбия масалаларини би- лиш, гендер муҳофаза қонунларини англаш.

Хуқуқий – оила аъзоларининг хуқуқ ва мажбурият- ларини тўғри англаш, эр ва хотин хуқуқлари кафолат- ларини билиш, оила хуқуқи бўйича қонунчилик тизи- ми берган имтиёзлардан тўғри фойдалана олиш, оила қуришда томонлар эркинлиги хуқуқини тўғри англаш, шахснинг меҳнат, дам олиш, оналик ва болалик муҳофа- заси, меҳнат муҳофазаси, оила қурилиши тартибига оид қонун ҳужжатларини билиш ва амалда қўллаш олиш;

Тиббий – она ва бола саломатлиги, оила аъзолари саломатлиги бўйича бирламчи билимларга эга бў- лиш, саломатликни сақлаш омилларини билиш, сало- матликни сақлаш ва умрни узайтириш усулларини ва миллий кадриятларни оила ҳаётига сингдира билиш, миллий табобатдан хабардор бўлиш, репродуктив саломатлик мезонларига амал қилиш, саломатликни сақлаш зарур эканлигини англаш, болаларни юқумли касалликлардан асрай олиш, ҳаётга физиологик-ги- гиеник жиҳатдан тайёр бўлиш, тиббиёт масканларига мурожаат қилишни билиш, зарарли одатлар моҳия- тини тўғри англаш.

Ижтимоий – оилани ижтимоий аҳволини яхши ва равон сақлаш, уни яхшилаш омилларини ўрганиш, жамиятда оила мавқеини сақлаш, жамият аъзолари билан бўладиган муносабатларни тўғри олиб бориш, фарзандларни жамоада яшашга ва жамоада яшаш қо- нун-қоидаларига ўргатиш, оилавий ҳаётга эстетик муносабатда бўлишга тайёрлаш, оила иқтисодиёти асосларини ташкил қила билиш, иқтисодиётни тўғри юритишга ўргатиш, оилани ижтимоий муҳофаза қи-

лиш чораларини қўра билиш.

Диний-маърифий – диний анъаналарни хурмат- лаш, динни мажбуран сингдириб бўлмаслиги, диний эътиқод эркинлиги нормаларига риоя қилиш, фар- зандларни тарбиялашда ислом дини кадриятларидан унумли фойдаланиш, Қуръони Карим ва Ҳадиси Ша- рифдаги оила муқаддаслигига қаратилган оят, сура ва ҳадисларни билиш ва кейинги авлодлар онгига сингди- риш, диний ақидапарастлик ва экстремизм, терроризм ғояларидан фарзандларни асраш, дин инсон руҳияти- нинг ажралмас бир бўлаги эканлиги, дин яхшилик ва эзгулик асоси эканлигига чуқур хурмат билан қараш, оилада мулоқат маданияти, оила маърифати, билим ва китобга муҳаббат, оилада шахс эркинлиги.

Мафкуравий – ҳозирги замонавий тараққиёт ва гло- бализм таъсири остида кириб келаётган барча ёт ғоя- лардан, жумладан диний ақидапарастлик, радикализм, экстремизм, терроризмдан ўзини асрай билиш, дин ва диний ақидапарастлик моҳиятини ажрата билиш, “оммавий маданият” мазмуни ва унинг ким томондан амалга оширилишини англаш ва тушуниш, ёт ғояларга қарши курашиш амалиётини билиш, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат тамойилларига риоя этиш.

Оила анъанлари – оила анъанларига хурмат, ои- лада байрамларни нишонлаш тартиби, оилада янги анъаналарни яратиш, Ўзбекистоннинг турли зиёрат- гоҳларига сафар қилиш, ота-оналарни дам олдириш- га юбориш, ҳаж сафарларини таъминлаш.

Хулоса шуки, юртимизда оилани мустаҳкамлаш борасидаги давлат сиёсатининг афзаллиги шундаки, давлат оиланинг ўзига хос суверен тузилма сифати- да кадрлайди, унинг ички ишларига аралашмайди, лекин у ёки бу сабабларга қўра, оилада баъзи қий- инчиликлар пайдо бўлган бўлса, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари қўмиталари, унда фаолият юритаётган жамоатчилик комиссияларига мурожаат қилиш орқали фуқаролар ўз манфаатларини ҳимоя қилишлари мумкин [5, 19]. Мамлакатимизда изчил- лик билан олиб борилаётган оила сиёсатининг том маъноси “Соғлом оила – соғлом жамият” концептуал ғоясинининг истиқболдаги ривожланиши ва тараққи- ётининг устувор йўналишлари жамият тараққиёти- нинг кафолатлари тўғрисидаги эзгу ғояларимизга ҳамоҳангдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325 сонли Фармони. Қонун ҳужжатлари миллий базаси, 03.02.2018.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкам- лаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-3808-сон қарори.
3. Д.Ташмухамедова, Д.Каримова, Б.Мавлянов. Ўзбекистонда замонавий оила. – Т., 2018. – 78 б.
4. Ф.А.Акрамова, Р.М.Абдуллаева. Оилавий ҳаётга оид психологик тавсиялар. – Т.: “Шамс АСА”, 2002. – 63 б.
5. Б.Убайдуллаева. Ўзбекларда ўғил бола тарбияси, анъаналар ва замонавий жараёнлар. – Т.: “Фан”, 2010. – 185 б.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ОМИЛЛАР

Шерзод Расулов,

Олий таълимни ривожлантириш ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази,
ОТМларда академик автономиясини кенгайтириш, ўзини ўзи молиялаштириш
меъёрий асосларини ишлаб чиқиш бўлими бошлиғи;

Муталиб Қосимов,

бўлим етакчи мутахассиси

Аннотация

Мақолада ОТМларнинг замонавий мавқеи, уларнинг хўжалик юритувчи субъект сифатида юзага чиқаётганлиги, Ўзбекистонда ОТМларни молиявий автономиясини кенгайтириш борасида олиб борилаётган ишлар, бу борадаги хорижий тажриба ҳақида сўз юритилган ҳамда Ўзбекистонда мазкур жараённи оптималлаштириш бўйича таклифлар келтирилган.

Калит сўзлар: молиявий воситалар, субъект, қарор, тўловлар, стипендия, грантлар, рақобатбардошлик, рейтинг, академик ҳамжамиятлар, ижтимоийлашиш, тадбиркорлик.

Аннотация

В статье речь идет о современном положении вузов, их становлении как хозяйствующего субъекта, проводимой в Узбекистане работе по расширению финансовой самостоятельности вузов, зарубежном опыте в этом отношении, а также предлагается оптимизировать этот процесс в Узбекистане.

Ключевые слова: финансовые инструменты, организация, решение, выплаты, стипендии, гранты, конкурентоспособность, рейтинг, академические сообщества, социализация, предпринимательство.

Annotation

The article deals with the current state of universities, their formation as an economic entity, the work carried out in Uzbekistan to expand the financial independence of universities, foreign experience in this regard, and it is also proposed to optimize this process in Uzbekistan.

Keywords: financial instruments, organization, decision, payments, scholarships, grants, competitiveness, rating, academic communities, socialization, entrepreneurship.

Замонавий шароитларда ОТМлар фақатгина таълим тузилмаси эмас, балки ўзининг молиявий ва инновацион сиёсатини шакллантирувчи, турли манбалардан молиявий воситаларни жамловчи ҳамда бу маблағларни ОТМни ривожлантириш ва ўзининг рақобатли мавқеини мустаҳкамлаш учун инвестиция қиладиган хўжалик юритувчи субъект сифатида юзага чиқмоқда.

Ўзбекистондаги ОТМларни жаҳон стандартларига мослаштириш мақсадида 2020 йил 1 январдан бошлаб юртимиздаги 10 та олий таълим муассасаси – Тошкент давлат иқтисодиёт, Тошкент давлат юридик, Урганч давлат ва Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетлари, Самарқанд давлат чет тиллар, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис, Тошкент молия, Тошкент давлат шарқшунослик, Тошкент фармацевтика ва Тошкент темир йўл муҳандислари институтлари тажриба-синов тариқасида ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказилган эди.

ОТМларнинг босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтиши, иқтисодий барқарорликни таъминлаш орқали академик мустақилликка эришиши, пировардида малакали кадрлар тайёрлаш ва кенг илмий тадқиқот фаолиятини йўлга қўйиш та-

жрибаси ривожланган давлатларда анъанага айланган.

Ўзини ўзи молиялаштиришга ўтадиган ОТМларга таълим бозоридаги талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда, муассасанинг илмий-педагогик салоҳияти, унинг моддий-техник базаси имкониятларини инобатга олиб янги бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини очиш, талабаларни тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш параметрлари ва тўлов-контракт асосида ўқитиш қийматини белгилаш ҳуқуқи берилди.

Мустақил молиялаштириш тизимига ўтадиган олий таълим муассасаларида давлат гранти ва табақалаштирилган тўлов-контракт асосида кадрлар тайёрлаш давом этади. Бу эса қабул квоталарини нафақат сақлаб қолиш, балки уларни ошириш имконини беради.

Маълум бўлишича, ўзини ўзи молиялаштириш тизимининг жорий этилиши олий таълимнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ва бюджет маблағларининг ажратилишини камайтирмайди. Ҳукумат иқтисодиёт тармоқлари учун зарур бўлган малакали мутахассисларни тайёрлашда инвестор бўлиб қолади.

2020 йилда республикадаги ОТМларни молиялаштиришга 7 триллион сўмдан ортиқ (2019 йилга

нисбатан 50, 5 фоиз кўп) маблағ ажратилиши режалаштирилган эди.

Ҳозирда ОТМлар ўз маблағларини кўп ҳолларда олдиндан белгилаб берилган тартибда сарфлашга мажбур, яъни ажратилган маблағ ҳажмига мувофиқ, 46,8 фоизи ойлик маош учун, 33,1 фоизи стипендияларга, 11,5 фоизи бюджет учун ажратмалар ва 8,6 фоизи бошқа харажатлар учун сарфланади. Янги молиялаштириш тизимига ўтадиган ОТМлар эса юқоридаги мақсадлар учун қанча маблағ сарфлашни мустақил ўзи белгилайди.

Бунда, ОТМ юқори малакали мутахассисларни жалб этиш ва уларга кўпроқ ҳақ тўлаш, кўрсатиладиган таълим хизматлари сифатини ошириш мақсадида ходимларга устамалар ва моддий рағбатлантиришнинг бошқа турларини белгилаш, иқтидорли, шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларидан бўлган талабаларни моддий рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаши мумкин.

Қолаверса, ўқитишнинг инновацион шакл ва услубларини жорий этиш ҳамда ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш, дастурий таъминотлар, замонавий ахборот-коммуникация воситалари, ўқув ва илмий лабораториялар ҳамда сарфланадиган лаборатория материалларини, китоблар, журналлар, ўқув адабиётларини харид қилиш ва чоп этириш учун маблағларни мустақил сарфлай олади.

Ушбу имкониятлар олий таълим тизими ходимлари нуфузини оширишга, меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш орқали ОТМларга ёш иқтидорли ва истиқболли мутахассисларни жалб этиш, соҳада соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга хизмат қилади [5].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрда қабул қилинган ПҚ–61-сон “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳам жаҳонда ривожланиб бораётган тенденцияга Ўзбекистон ОТМларини интеграция қилишга йўналтирилгандир.

Президентнинг ушбу қарори билан молиявий мустақиллик берилаётган давлат ОТМ рўйхати (35 та) тасдиқланди. Эндиликда Молиявий мустақил давлат ОТМлари 2022 йил 1 январдан бошлаб қуйидагилар:

- контракт қийматини, тўлаш муддатларини белгилаш ва узайтириш;
 - маҳаллий ва хорижий профессор-ўқитувчи ва мутахассисларни шартнома асосида жалб қилиш;
 - ўз ҳисобидан талабалар учун стипендия ва грантлар ажратиш;
 - хорижий ўқув ва илмий адабиётлар, дарсликлар, ўқув қўлланмаларни тўғридан-тўғри харид қилиш;
 - бўш турган бино ва иншоотларда пуллик хизматлар кўрсатиш тартибини белгилаш.
- Автотранспорт воситаларининг йўл босиш йил-

лик лимити ва уларга хизмат кўрсатиш талабларини белгилаш бўйича мустақил қарор қабул қилади:

Шунингдек, ушбу қарорга кўра, ички аудит ва молиявий назорат хизматлари учун давлат ОТМ харажатларини онлайн мониторинг қилиш имконияти яратилади.

Бундан ташқари, 2023 йил 1 январдан бошлаб Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига Республика олий таълим кенгаши ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда мазкур рўйхатга кўшимча давлат олий таълим муассасаларини киритиш ҳуқуқи берилган [4].

Мутахассисларнинг фикрига кўра, таълим дастурлари учун давлат аккредитациясига эга бўлган ОТМлар орасида танлов асосида жойлаштириладиган давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларни тақсимлаш (ассигнация), олий ва олий таълимдан кейинги маълумот олиш истагида бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг маблағлари, таълим хизматлари учун давлат ҳамда тижорат ташкилотларининг грантлари, илмий тадқиқотларни ўтказиш ва ҳ.к. ОТМларнинг рақобатлашув объектларидир [1, 177-184].

Рақобатбардош устунликни шакллантириш ОТМлардан ўқув инфратузилмасинни, илмий-педагогик ходимларни, тадқиқотлар ва тадқиқотчилик базасини, миллий ва халқаро таълим ва илмий дастурларда иштирок этиш, таълим дастурларини илгари суриш ва ҳ.к.ни ривожлантириш каттагина молиявий маблағларни ажратишни талаб қилади. Таълим маконини халқаролаштириш ва глобаллаштириш сингари омиллар эса ОТМлар ўртасидаги рақобатли курашни фақат кучайтириши мумкин [2, 127-138].

Шунга боғлиқ ҳолда, миллий ва жаҳондаги академик ҳамжамиятлар вакилларини экспертлик сўровидан ўтказиш асосида дунёдаги энг нуфузли университетларни аниқлаш мақсадида миллий ва глобал университет рейтингларида молиявий кўрсаткичлардан фойдаланишни ўрганиш муайян даражада қизиқиш уйғотмоқда. Рейтинглارнинг ўзи бир томондан, миллий ёки глобал таълим макони доираларида у ёки бу университетнинг рақобатли мақомини ўрганиш мезони бўлса, бошқа томондан рақобатли курашнинг ўзига хос кўрсаткичи ҳамдир [2, 127-138].

Ўзбекистондаги давлат ОТМлар ҳозирги кунга қадар 35 ОТМ молиявий мустақиллик йўлига ўтгани учун ҳозирги вақтда уларда мавжуд маблағларни тўғри тақсимлаш борасида саволлар туғилиши мумкин.

Дастлаб шундай муаммоларга кўпроқ дуч келаётган Россия Федерациясининг миллий университетлари рейтингини методологиясидаги молиявий кўрсаткичларини кўздан кечирамиз. Россиядаги Интерфакс Ахборот агентлиги томонидан юритиладиган университетларнинг миллий рейтингини (УМР) энг оммалашган рейтинг бўлгани учун шунинг тажрибасига мурожаат қиламиз. УМР методологияси ва уни шакллантириш тартиботига ҳар йили аниқлик киритиб борилади. Ма-

салан, ушбу рейтингнинг 2016 йилдаги кўринишида бир қатор молиявий кўрсаткичларни: “Таълим” блоки бўйича – жорий йилда университет таълим хизматларининг қиймати; “Тадқиқотлар” блоки бўйича – жорий йилда илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига ОТМ ажратган маблағлар; “Ижтимоийлашув” блоки бўйича – ОТМ профессор-ўқитувчиларининг шу ОТМ жойлашган ҳудуддаги бошқа ОТМларга нисбатан маошининг ўртача даражаси; “Тадбиркорлик” блоки бўйича – жорий йил учун ОТМнинг умумий бюджетидан маблағ сарф қилмаган ҳолда, илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларининг ҳажмини баҳолаш ва ҳисобга олиш кўзда тутилган эди. Кўриб турганимиздек, УМР методикаси камчиликлардан ҳоли эмас, яъни мустақил ОТМларнинг молиявий барқарорлиги тўғрисида тўлиқ даражадаги фикрга келишга имкон бермайди.

Россиядаги ОТМлар рейтинги билан шуғилланувчи яна бир нуфузли ташкилот RAEX (“Эксперт РА”) ҳисобланади. Ушбу рейтингнинг мақсади – ОТМнинг битирувчиларга билимлар кўникмалар ва малакаларни қўлга киритиш ҳамда уларни қўллаш олиш учун яратган шароитларидан келиб чиққан ҳолда ОТМларнинг салоҳиятини баҳолашдан иборатдир. RAEX (“Эксперт РА”) ОТМлар рейтингининг методикаси таҳлили ушбу ташкилот ОТМлар фаолиятининг молиявий жиҳатларини умуман эътиборга олмаслиги борасида хулоса чиқаришга имкон беради.

Давлат тассаруфидаги ОТМлар фаолияти самарадорлигини мониторинг қилиш билан фақат ахборот ва рейтинг ташкилотлари эмас, балки ижроия ҳокимиятлари ҳам шуғулланади. Масалан, Россияда 2001 йилдан 2006 йилга қадар РФ таълим бўйича федерал агентлиги РФ Таълим ва фан вазирлигининг ҳар йиллик буйруқлари асосида статистик маълумотларни тўплаш ва ишлов бериш асосида ОТМлар бўйича ўз рейтингини тузиб келган бўлса, 2007 йилдан бошлаб бу таълим муассасалари фаолиятини мониторинг қилиш билан алмаштирилди. Ушбу мониторинг барча ОТМларни 2 туркумга: самарали ва самарасиз ОТМларга ажратади, аммо бу ҳам университетлар бўйича мустақил рейтинг бўла олмайди. Шу тарзда мазкур мониторинг бир илмий-педагогик ходимга, бир илмий педагогик ишга бюджетдан ташқари барча маблағлардан ажратиладиган даромадлар қийматини баҳолашни назарда тутаяди.

Глобал (жаҳон) университет рейтинглари фаолиятидаги молиявий кўрсаткичларга келадиган бўлсак, бугунги кунда бундай рейтинглардан муносиб жой эгаллаш Ўзбекистондаги барча ОТМларнинг олдига қўйилган вазифадир. Уларнинг бундай рейтингларда иштирок этиши халқаро таълим маконида рақобатли мусобақалашувнинг зарурий шартидир. АҚШ, Европа ва айрим ривожланаётган мамлакатларда бундай

рейтинглар университетлар рақобатбардошлигининг глобал мақсадлари тусига кира бошлади. Ҳозирча бутун жаҳонда QS World University Rankings энг нуфузли халқаро рейтинг тизими ҳисобланади. Мазкур тизим ОТМларни қуйидаги олти мезон бўйича баҳолашни назарда тутаяди:

- 1) академик репутация (Academic Reputation) умумий баҳодан – 40% ажратилади;
- 2) иш берувчиларнинг университет битирувчиларига муносабати (Employer Reputation) умумий баҳодан – 10% ;
- 3) Университет ходимларининг нашр қилиниш даражаси (Citations per Faculty) – 20%;
- 4) талабалар ва ўқитувчилар сони нисбати (Faculty Student Ratio) – 20%;
- 5) хорожий талабалар сони (Proportion of International Students) – 5%;
- 6) хорижий ўқитувчилар сони (Proportion of International Faculty) – 5% қилиб белгиланган.

ОТМларнинг молиявий барқарорлиги (мустақиллиги) эса қуйидаги 5 кўрсаткич бўйича баҳоланиши лозим:

- 1) ОТМ бюджетининг ўқитувчиларга муносабати (Institutional income / Academic staff);
- 2) ОТМ бюджетининг талабаларга муносабати (Institutional Income / Students – total);
- 3) нашрларнинг тадқиқотчилик бюджетига муносабати (Papers – total / Million research income);
- 4) тадқиқотлардан келадиган даромад / академик ва тадқиқотчи ходимларга бюджетининг муносабати (Research income / Academic and research staff);
- 5) тадқиқотчилик бюджетининг умумий бюджетга муносабати (Research income / Institutional income).

Ўзбекистондаги ОТМлар ушбу мезонлар ва баҳолаш учун мос келадиган фаолиятни амалга оширган тақдирда бизнинг университетларимиз ҳам халқаро рейтингларда муносиб ўрин эгаллаши мумкин

Айрим мутахассисларнинг фикрига кўра, “ОТМ молиявий барқарорлиги жорий мажбуриятлар бўйича қарздорликнинг ёпилиш муддати, бозор муносабатларидаги ўзгаришларга тезкор жавоб топиш ва янги дастурларни молиялаштириш салоҳияти билан белгиланади” [3].

Аммо таълим соҳасига нисбатан молиявий барқарорликни назарий-услубий мулоҳазадан ўтказиш алоҳида мустақил тадқиқотлар олиб боришни талаб қилмоқда.

Юқорида келтирилган материаллардан кўриниб турганидек, ривожланган хорижий мамлакатларда ОТМлар фаолиятини, шу жумладан, ўз мамлакатидagi ва хориждаги ОТМларнинг молиявий мустақиллигини ўрганадиган бир қатор рейтинглар шакллантирилган. Айнан шулар мамлакатдаги уларнинг муайян мамлакатдаги ва жаҳондаги ОТМлар орасида нуфузи қандай эканлигини белгилаб беради ва бу билан ОТМ жойлашган ҳудудда ва хорижда рақобатбардошликка имкон яратади.

Хорижий мамлакатларда ОТМлар фаолиятини ўрганиш билан фақат ахборот ва рейтинг ташкилотлари эмас, балки ижроия ҳокимиятлари ҳам шуғулланади. Ўзбекистонда бугунги кунда турли (давлат тасарруфидаги ва хусусий) ОТМлар сони ортиб бораётган ва 35 та молиявий мустақилликка эришган ОТМлар рўйхатини кенгайтириш борасида ОЎМТВга ҳуқуқ бериб қўйилган ҳолатда ОТМлар рейтинги билан фақат бир ташкилот – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси” шуғулланмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ушбу ташкилот фаолияти мамлакатимиз фуқароларига маълум эмас, улардан тушаётган саволлар, таклифлар, эътирозлар олий таълим тизимида ошкоралик, очиқлик тўла таъминламаганидан далолат беради.

Ушбу мулозалардан келиб чиққан ҳолда:

молиявий-иқтисодий фаолиятни жорий мониторин-

гини олиб боришни ҳамда унинг даврийлигини ОТМларнинг ўзи ОЎМТВ билан келишган ҳолда белгилаши;

ОЎМТВ ёки ОТРИТТЭМ таркибида молиявий мустақилликка эришган ва хусусий ОТМлар рейтинги (мониторинги) билан шуғулланадиган гуруҳ (бўлим) ташкил этиш;

молиявий барқарорликни назарий-услубий мулоҳазадан ўтказиш бўйича алоҳида мустақил тадқиқотлар олиб боришни йўлга қўйиш учун грантлар эълон қилиш;

Молиявий мустақилликка эришганидан сўнг нисбатан қисқа вақт оралиғида халқаро рейтингларда муносиб ўрин эгаллаган ОТМларни ва бу борада жонбозлик кўрсатган ҳамда ўз асарлари, тадқиқотлари, жаҳон илмий ҳамжамиятнинг эътирофига сазовор бўлган профессор ўқитувчиларни ОЎМТВ томонидан давлат мукофотларига тақдим этиш таклифлари киритилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Зубарев А. Е., Логинова В. А., Мурашова Е. В. Финансово-экономическая устойчивость как условие повышения конкурентоспособности вуза // Вестник ТОГУ. – 2013. – № 3 (30). – С. 177-184.
2. Stukalova I., Shishkin A., Stukalova A. Internationalization of Higher Education: a Case of Russian Universities // Economics and Sociology. – 2015. – Vol. 8. – N 1. – P. 127-138.
3. Belyakov S. A., Belyakov N. S., Klyachko T. L. Analiz i otsenka ekonomicheskoy ustoychivosti vuzov [Analysis and Assessment of Economic Stability of Higher Education Institutions]. Moscow, MAKS Press, 2008. (Management, Finance, Education series). (In Russ.).
4. <https://lex.uz/docs/5793251>
5. <https://tma.uz/2020/01/18/uzini-uzi-moliyalashtiradigan-otm-junalishlar-mutahassislar-tulov-kontrakt-ijmatini-belgilash-u-u-iga-ega-buladi>

ОНА ТИЛИ ВА ЎҚИШ САВОДХОНЛИГИ ФАНИНИ ЎҚИТИШ УЗВИЙЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

Жамшид Худойкулов,

Самарқанд вилояти педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий маркази
педагогика, психология ва таълим технологиялари кафедраси ўқитувчиси

Аннотация

Ушбу мақолада бошланғич таълимдаги янги миллий ўқув дастури асосида оптималлаштирилган она тили ва ўқиш саводхонлиги фанининг ўқувчилар интеллектуал салоҳиятини оширишдаги ўрни ҳамда ушбу фанни ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришни ишлаб чиқиш ҳақида маълумот берилган.

Калим сўзлар: дарслик, интеграция, компетенция, узвийлик, саводхонлик.

Аннотация

В данной статье представлена информация о роли оптимизированного предмета «Родной язык и читательская грамотность» в повышении интеллектуального потенциала учащихся на основе новой государственной учебной программы в начальных классах, а также о разработке механизмов совершенствования освоения данного предмета.

Ключевые слова: учебник, интеграция, компетентность, связность, грамотность.

Annotation

This article provides information on the role of the optimized mother tongue and reading literacy subject in increasing the intellectual potential of students based on the new national curriculum in primary education, as well as the development of improvement mechanisms for the development of this subject.

Key words: textbook, integration, competence, coherence, literacy.

Бошланғич таълим тизимида она тили ва ўқиш саводхонлиги фанини ўқитиш жараёнида лингвистик билимлар, имловий саводхонлик, бадий асар мутолааси билан ўзаро узвийлигига эришиш, бунда ўқувчилар ёши билан боғлиқ ўзгаришларни ҳисобга олиш, ўқиш ва ёзиш саводхонлигини бошланғич таълимнинг турли босқичларида ўқитишни мувофиқлаштириш, ўқувчи ижодий қобилиятини ривожлантириш каби педагогик парадигмаларнинг умумлашган тамойиллари мажмуини ўзида ифода этади. Шу туфайли бошланғич таълимда мазкур вазифаларни ҳал этиш, ўз навбатида, ўқитувчиларга методик ёрдам бериш уйғунлиги ва узвийлигини таъминлаш, бу йўналишлардаги тадқиқотларда илғор жаҳон тажрибасини самарали қўллаш эҳтиёжи мавжуддир.

Жаҳон илм-фан тараққиётида ва бошланғич таълим тизимида олиб борилаётган салмоқли тадқиқотлар ҳамда юз бераётган жиддий янгиланишларнинг пировард мақсади янги технологиялар ва замонавий ахборот воситаларидан фойдаланиш орқали ўқувчиларда тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни шакллантириш стратегияларини жорий этиш эканлиги хусусидаги фикрлар анчадан бери баён этиб келинмоқда. Зеро, ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, баркамол шахсни тарбиялашда бошланғич таълим тизимида янги ёндашиш, хусусан, она тили ва ўқиш саводхонлигининг узвийлигини таъминлаш алоҳида ўрин тутаяди. Шу сабабли бошланғич таълим ўқитувчисига методик ёрдам ҳамда она тили ва ўқиш саводхонлигини узвийлаштириб ўқитишда республика тизими-

даги мавжуд муаммолар нуктаи назаридан атрофлича ёритиш, бу хусусда янги ёндашувлар асосида тадқиқотлар олиб бориш заруратини ҳамда мавзунинг долзарблигини белгилаб беради [1, 56].

Умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш механизмининг такомиллаштириш, ўқитувчига давомий методик ёрдам борасидаги узвийлик, уни амалга оширишнинг инфратузилмасини ишлаб чиқиш давр талабига айланди. Бугунги кунда дунё миқёсида, жумладан, республикамизда ҳам ўқувчи шахсини ақлий-интеллектуал жиҳатдан ривожлантиришнинг инсонпарварликка асосланган кўп параметрли концепциялари илгари сурилмоқда. Бу борадаги педагогик-психологик тадқиқотларда аксарият ёндашувлар шахсни ўз-ўзини ривожлантиришга, яъни шахсга йўналтирилган таълим муаммосига қаратилганлигидир. Бинобарин, бошланғич таълим тизимидаги интеграциялашув, узвийлик ва узлуксизлик муаммосини жаҳон педагогикасининг энг сўнгги замонавий технологияларидан фойдаланган ҳолда тадқиқ этиш, бошланғич синфларда она тили ва ўқиш дарсларини сифат жиҳатдан юқори даражага кўтариш ҳамда амалий фаолиятда ўқитувчининг методикасини бойитиш заруратини юзага келтиради.

Мамлакатимизда ўқувчиларнинг илмий ва бадий тафаккурини ривожлантириш, уларнинг мустақил ва ижодий фикрлаш қобилиятини ўстиришда бошланғич таълим фанларининг интеграциясини, узвийлигини таъминлаш борасида кўплаб тадқиқотлар юзага келди. Бироқ миллий педагогика олдида она

тили ва ўқиш саводхонлиги фанига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар ва тажрибаларни жорий этиш, узлуксиз таълим тизимида ушбу фанларни ўқитишнинг ва бу жараёнда ўқитувчига методик ёрдам бериш узвийлигини таъминлаш масалалари алоҳида ўрганилмаган.

Илмий адабиётларнинг таҳлили узвийлик муаммоси кўп қиррали эканлиги билан ажралиб туришини кўрсатди. Жумладан, рус олими Г.П.Зинченко яқин ўтмишгача таълимнинг узвийлиги муаммоси тушунча шаклида эмас, балки ғоя сифатида тушуниланлигини, В.В.Арнаутов ва Н.К.Сергеев узлуксиз таълимнинг субъекти таълим тизими эмас, балки шахсдир деб кўрсатишади. Муаммонинг бошланғич таълимга оид айрим жиҳатлари А.Зуннунов, Р.Сафарова, О.Розиқов, С.Матчанов, Б.Адилов, А.Бекмурадов, У.Мусаев, Ф.Эгамбердиевалар томонидан қисман тадқиқ қилинган бўлса-да, муаммо ўзининг тўла ечимини топмаган.

Педагогикада таълимнинг узвийлиги ғояси узок асрларга бориб тақалади. Жумладан, Афлотун, Сукрот, Конфуций, Арасту, Сенека, Беруний, Фарбий ва бошқа мутафаккирлар томонидан таълимнинг узлуксизлигига алоҳида эътибор қаратилган бўлса, Ян Амос Коменский унинг махсус тизимини яратишга муваффақ бўлди. У биринчи марта таълимда кетма-кетлик, тизимлиликка асос солди. Кейинчалик И.П.Павлов инсон олий нерв фаолиятининг муҳим хусусияти бўлган тизимлиликнинг узвийлик билан алоқадорлигини табиий-илмий нуқтаи назардан исботлади [2, 40].

Юқоридаги илмий манбалар таҳлили бошланғич таълимда она тили ва ўқиш саводхонлиги фанини ўқитиш узвийлигини таъминлашнинг методик тизимини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сонли “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сонли “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади [3, 9].

Тадқиқотимизда олдимизга қўйган мақсади бошланғич таълимда она тили ва ўқиш саводхонлиги фанини ўқитиш узвийлигини таъминлашнинг илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат бўлиб, қуйидагиларни вазифа сифатида белгилаб олдик:

- бошланғич таълимда ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга доир она тили ва ўқиш фанига оид илмий, имловий саводхонлик, адабий билим, кўникма ва малакаларни узвийлик асосида шакллантириш;

- синфлар кесимида она тили ва ўқиш саводхонлиги фанидан ўрганилиши кўзда тутилган тушунчаларнинг ўқувчиларда шахслик сифатларини тарбиялаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

- она тили ва ўқиш саводхонлиги фанига компетенциявий ёндашув орқали ўқувчиларнинг нутқий компетенцияларини такомиллаштириш.

Ушбу мақолада мавзунини таснифлаш, тавсифлаш, қиёслаш, кузатиш, сўровнома, суҳбат, қиёсий таҳлил, тест, илғор методик тажрибаларни умумлаштириш методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотимизда қўйидаги янгиликларни ўрганишга ҳаракат қилганмиз. Яъни бошланғич таълимда она тили ва ўқиш саводхонлиги фанини ўқитиш жараёнида илмий-имловий саводхонликнинг бадиий асар мутолааси билан ўзаро узвийлигига эришиш;

бадиий-эстетик тафаккурини ўстириш методлари ва бошланғич таълим ўқитувчиларига методик ёрдам бериш тизими орқали такомиллаштирилади;

ахборотлар ҳажмининг тўхтовсиз ўсиб бориши шароитида ўқувчиларда шакллантириладиган она тили ва ўқиш саводхонлигига доир компетенцияларнинг узвийлиги аниқланади [4, 56];

Тадқиқот ишимиздаги натижаларининг илмий аҳамияти ҳозирги глобаллашув шароитида бошланғич таълим тизимида она тили ва ўқиш саводхонлиги фанини ўқитишнинг методик тизими орқали ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, нутқий-лингвистик, бадиий-эстетик тафаккурини шакллантиришнинг узвийликни таъминлашга оид назарий-методик қарашлар асосида такомиллаштирилгани, уларни амалиётда қўллаш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ҳам шундан иборатки, диссертация материаллари ва натижаларидан бошланғич таълим она тили ва ўқиш саводхонлиги фани дарсликларининг янги авлодини тайёрлашда, олий ўқув юрларининг тегишли бакалаврият ва магистратура босқичлари, малака ошириш курслари учун илмий-методик адабиётлар яратишда, шунингдек, она тили ўқитиш методикаси, ифодали ўқиш фанлари амалиётида назарий манба, ўқитувчилар учун услубий кўрсатма ва қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бошланғич таълимда она тили ва ўқиш саводхонлиги фанини ўқитиш орқали бошланғич синф ўқувчиларида ушбу фанга компетенциявий ёндашув орқали уларнинг нутқий компетенцияларга эга бўлиши, фанда кўзда тутилган тушунчаларнинг ўқувчиларда шахслик сифатларини тарбиялаш, бошланғич синф ўқувчиларининг интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришда имловий саводхонлигини ошириш, адабий билим, кўникма ва малакаларини узвийлик асосида шакллантиришга эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Авлиякулов Н.Х. Замонавий ўқитиш технологиялари. –Т., 2001. – 158 б.
2. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. Ўқув қўлланма. – Қарши, 2000. – 80 б.
3. Рахимқулова М. ва бошқалар. Она тили ва ўқиш саводхонлиги дарсларини самарали ташкил этиш. Услубий қўлланма. –Т.: “Қамар медиа”, 2022. – 88 б.
4. Қосимов А.Х., Холиқова Ф. Педагогик маҳорат ва педагогик технологиялар. – Т.: ТАТУ, 2004. – 110 б.

ТАЛАБАЛАРНИ ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ АСОСИДА МУҲАНДИСЛИК КАСБИЙ ФАОЛИЯТИГА ТАЙЁРЛАШНИНГ БАЪЗИ ЖИҲАТЛАРИ

Рустам Худайкулов,

Термиз муҳандислик-технология институти ўқитувчиси

Аннотация

Мақолада олий таълим муассасаси талабаларини инновацион ёндашув асосида муҳандислик касбий фаолиятига тайёрлаш босқичлари ҳамда уларни ишлаб чиқариш билан узвий боғлаш орқали таълим бериш муаммоси кўриб чиқилган.

Калим сўзлар: талаба, дуал, тизим, муҳандис, инновация, касб, ишлаб чиқариш, амалиёт, рақобатбардош, корхона, лойиҳа.

Аннотация

В статье рассматриваются этапы подготовки студентов высших учебных заведений к инженерной профессиональной деятельности на основе инновационного подхода, а также проблема их образования путем неразрывной связи с их развитием.

Ключевые слова: студент, дуал, система, инженер, инновации, профессия, развитие, практика, Конкурентоспособность, Предприятие, проект.

Annotation: The article discusses the stages of preparing students of higher educational institutions for engineering professional activities on the basis of an innovative approach, as well as the problem of their education by inextricably linking them with their development.

Keywords: student, Dual, system, engineer, innovation, profession, development, practice, Competitive, Enterprise, Project.

Бугунги кунда олий таълимнинг ривожланиш белгиларидан бири интеграцион таълим тизимларини яратиш, яъни олий таълим муассасалари ёки уларни алоҳида таркибий қисмларининг ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотлари, ишлаб чиқаришга мўлжалланмаган корхоналарнинг мажмуини шакллантиришдир, хусусан, ишлаб чиқарувчи мажмуа (корхона) олий ўқув юрти. Ривожланган мамлакатларда, айниқса, Европада энг кўп тарқалган касб-хунар таълимининг дуал тизимида ўқитиш кенг қўлланилади. Дуал тизимининг моҳияти шундан иборатки, ўқув жараёнида талабанинг бўлажак касбий фаолиятига боғлаб ўқитиш, яъни ишлаб чиқариш корхонаси билан олий таълим муассасаси ҳамкорликда ўқитиш назарда тутилади.

Кўпгина тадқиқотчилар олдиндан бериладиган яъни илгарилаб борувчи таълимга ўтиш зарурат эканлигини таъкидлайдилар, улар олдиндан бериладиган таълимни “касбий таълимнинг инсонда мавжуд бўлган қобилиятларни фаоллаштиришга, инсонпарварлик нуктаи назаридан фикрлаш, ва хулқ-атвор шаклланишига, амалиётда намоён бўладиган инновацион янгиловчи интеллект вужудга келишига йўналтирилган маданий мерос ва билимларни етказишда мазмун, жараён ва натижанинг ўзаро алоқаларида намоён бўладиган тизим яратувчи, муҳим аҳамият касб этадиган хусусияти сифатида талқин этадилар.

Инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари доирасида интеллектуал мулкни капиталлаштиришни алоҳида кўрсатиб ўтиш ўринли бўлади. “Илмий таълим муассасалар (олий таълим муассасалари) моддий ишлаб чиқариш соҳасида яратилган даромад-

ларни истеъмол қилмайдилар, аксинча уни кўпайтириб борадилар. Гап шундаки, улар янги билимлар яратиш, бу билимларни мутахассисларга берадилар ва бунинг натижасида илмий-педагогик ходимлар инсон интеллектуал қийматини ошириб боради, юқори малака талаб этадиган меҳнат бозорида унинг қийматини оширади, бу эса пировард натижада жамият даромадларининг ошишига олиб келади” [1, 247]. Ушбу шарт-шароитларда замонавий олий таълим муассасалари интеллектуал фаолият доирасидаги етакчи олий таълим муассасаларига айланади ва бу фаолият натижасида илмий инновацион фаолият самараси шаклидаги юқори қийматли инсон капиталининг вужудга келишини таъмин этувчи капиталлаштирилган янги билимлар, янги номоддий қийматлар яратилади. Интеллектуал меҳнатни капиталлаштириш тизимида мустаҳкам ресурс имкониятларига: ишчи ходимлар салоҳиятига, моддий техник базага ва ҳудудий муҳитга, хўжалик юритувчи субъектларга, шаклланаётган инновациялар бозорига таъмир этувчи муайян воситаларга эга бўлган йирик олий таълим муассасаси етакчи ўринни эгаллаган бўлиши лозим. Жаҳон миқёсида бундай лойиҳалар амалга оширилган учта манзил мавжуд: Америкадаги Silicon Valley, Россиядаги Сколково ва Ҳиндистондаги Бенгалор шаҳридаги инновацион мегатузилма. Айнан улар жаҳоннинг техник ва технологик инновацион ҳамда интеллектуал марказлари ҳисобланади.

Фикримизча, таълимнинг янги парадигмаларини излашда инновацион жараёнлар таълим тизимини ривожлантирувчи ягона омил вазифасини бажаради. Қайд этилганлар асосида, мамлакатимиздаги муҳан-

дислик таълимнинг таҳлили куйидаги хулосаларни чиқариш имкониятини яратади: Республикамиз муҳандислик таълими фундаментал хусусиятга эга, муҳандислик таълимига бўлган талаб нафақат камаймаган, балки мунтазам равишда ортиб ҳам бормоқда ва муҳандислик таълимнинг сифат ва самарадорлигини ошириш учун унга инновацион хусусият касб этиш муҳим аҳамиятга эга бўлган заруратдир.

Дастлаб, муҳандислик фаолиятида инновацион муҳандислик касбий фаолият мазмунини таҳлил қилишдан аввал “техник фаолият” тушунчасининг моҳиятини аниқлаб олишимиз лозим.

Техника сўзи юнонча “*techne*” (санъат, маҳорат, малака) сўздан олинган бўлиб, фаолият эса “субъект сифатидаги инсонларнинг муайян натижага эришиш учун объектга мақсадли таъсир кўрсатиши ва шу йўл билан ўз эҳтиёжларини қондиришга атроф муҳит билан фаол алоқалар орқали интилиш”ни англатади [2, 218]. Демак, техник фаолият деганда инсон жисмоний ва аклий меҳнати кўламини ошириш ва уни осонлаштириш мақсадида, унинг тўла ёки қисман меҳнат ва физиологик функцияларини алмаштириш учун табиат қонунларидан фойдаланган ҳолда механик тизимларни эксплуатация қилиш, уларга техник хизмат кўрсатиш, бу тизимларни яратиш, анализ, синтез қилиш мақсадларига йўналтирилган жараёни англаш лозим. Ҳар қандай бошқа фаолиятлар сингари техник фаолият ҳам ўзининг куйидаги асосий элементларига эга: мотивлар, мақсадлар, воситалар ва уларнинг автоматлаштирилган компонентлари-операциялар.

Техник фаолият масалалари билан кўплаб

тадқиқотчилар: Н.Д.Левитов, Б.М.Ребус, М.Г.Давлетшин ва бошқалар шуғулланганлар. Улар ўтказган тадқиқотларнинг натижалари инновацион методик тизимни такомиллаштириш муҳандислик фаолиятидаги ролини ҳисобга олган ҳолда умумлаштирилган [9].

Бундан келиб чиқадики, техник фаолиятни тадқиқ этишнинг асосий натижалари инновацион муҳандислик касбий фаолиятига ҳам тўғридан-тўғри тааллуқлидир.

Техник фаолият тушунчаси намунасида инновацион муҳандислик касбий фаолияти тушунчасининг мазмун-моҳиятини таҳлил қиламиз ва унинг элементлари орасидаги алоқаларни аниқлаймиз. Инновациялар тушунчаси фанга И.Шумпетер томонидан ўтган асрнинг 30-йилларида киритилган [3, 66]. Шунингдек, инновацион (инглизча “*Innovate*” – янгиликлар, ўзгаришларни амалга ошириш) янгиликларни, ўзгаришларни, технологияларни, илмий-техник ва конструкторлик лойиҳаларини ва шу кабиларни жорий этиш билан боғлиқ [4, 75].

“Олий мактабда таълим технологиялари” номли рисолада инновация атамасини таълимга нисбатан қўллаган ҳолда, куйидаги таърифи келтирилган:

“Инновация (янгилик жорий этиш)-педагогик, илмий-техник муваффақиятларни (натижаларни, ютуқларни) яратиш, ўзлаштириш ва амалиётга жорий этиш жараёнидир”. Шунингдек, “касбий таълимнинг олий даражаси-ижодий маҳоратга таяниб муаммолар ечимига инновацион ёндашувларсиз эришиб бўлмаслиги” қайд этилган [5, 37]. Инновацион таълимнинг бош мақсади – мамлакат ижодий потенциалини асраган ҳолда уни ривожлантиришдан иборатдир.



1-расм. Инновацион таълимнинг принциплари схемаси

Инновацион фаолият-тўпланган билим, технология ҳамда жиҳозларни тижоратлаштиришга йўналтирилган илмий, технологик, ташкилий, молиявий ва тижорий тадбирлар мажмуасидир.

Таълим соҳасида ўқув тарбия жараёнининг янги мазмун, методлар, ташкилий шакллар кўринишидаги инновацион фаолиятнинг якуний натижаларини ёки амалий фаолиятда қўлланиладиган таълимнинг техник воситаларини такомиллаштириш ёхуд таълим соҳасидаги ижтимоий хизматларга янгича ёндашувларни, уларни такомиллаштиришни инновация деб аташ мумкин. Инновациянинг асосий белгилари – бу махсус ташкил этилган инновацион фаолият натижасида таълим муассасаси ёки саноат корхонаси иш жараёнида вужудга келган ижобий самарали ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришлардир. Бундай шарт-шароитларда таълим муассасаларида таълимнинг ижтимоий хизматлар, услубиётлар, технологиялар, техник воситалар каби соҳаларига инновацион ёндашувнинг жорий этилиши муҳим аҳамият касб этади. Одатда инновациялар анъанавий муаммони янги усул қўллаш билан ҳал қилиш, маълумот ва далилларнинг узок вақт давомида жамланиши ва уларни идрок этиш натижасида новаторлик хусусиятларига эга бўлган янги сифат вужудга келган вазиятларда намоён бўлади. Замонавий технологияларнинг аксарияти тарихий тажриба билан изчил алоқада бўлади.

Бу эса инновацион жараён-мотивацияланган, муайян бир мақсадга йўналтирилган ва идрок этилган замонавий долзарб ва мавжуд шарт-шароитларга мослаштирилган, маълум бир мезонларга мос келадиган ғоялар (назариялар, методикалар, технологиялар ва бошқалар)ни яратиш, ўзлаштириш, улардан фойдаланиш ва уларни тарғиб этиш жараёни эканлигини қайд этиш имконини беради. Инновацион таъ-

лим жараёнларининг негизида педагогиканинг икки ўта муҳим аҳамият касб этадиган муаммолари ётади: педагогик тажрибани ўрганиш ва уни психологик-педагогик илм-фан ютуқларининг амалиётга жорий этилиши даражасига кўтариш [4, 79].

Инновацияларга педагог ва психологлар учун яратилган тезаурусда (тушунчалар, атамалар, изоҳлар луғати) ҳам ўзига хос тасниф берилган: Инновациялар-таълим жараёни тараққиётининг муҳим элементи. Таълим соҳасидаги турли хилдаги ташаббус ва янгиликларни жорий этиш анъаналарининг жамланиши ва шаклий ўзгаришида намоён бўлади. Уларнинг жамланмаси таълим соҳасида у ёки бу даражадаги глобал ўзгаришларга, унинг мазмуни ва сифатининг трансформациясига олиб келади. Инновациялар долзарб, муҳим, аҳамиятли ва тизимли равишда ўз-ўзидан шаклланиб борадиган, янгидан вужудга келадиган маълумотлар бўлиб, улар турли хилдаги ташаббус ва янгиликлар негизида юзага келади ҳамда инновацион таълим эволюциясининг истиқболга айланади, таълим соҳасининг янада ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Инновацияларнинг қўлланиш соҳалари ва уларнинг турлари бўйича умумий классификацияни А.Д. Гохшанд таклиф этган. Инновацион муҳандислик фаолият принципиал жиҳатдан янги ёки янги истеъмол хусусиятига эга бўлган маълумотлар (товарлар, ишлар, хизматлар) яратиш ва уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш; маҳсулотларни ишлаб чиқариш, оммалаштириш ва фойдаланиш учун янги усулларни (технологияларни) ишлаб чиқиш ёки мавжудларини модернизация қилиш сифатида тавсифланади. А.Д.Гохшанд инновацион муҳандислик касбий фаолиятини фан ва техника ютуқларини хўжалик (фуқаролик-хуқуқий) истеъмолга киритиш тарзида ифодалайди [8, 57].


Инновацион муҳандислик фаолиятининг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборатдир

касбий фаолиятнинг ижодий қирраларини ривожлантириш (касбий муаммоларнинг ижодий ва ностандарт ечимларини топа олиш; катта ҳажмдаги ахборотлар орасидан кераклиларини тезда аниқлаш);

муҳандислик функциялари ва фаолият турларининг интеграциясини (маҳсулот ва технологияларни лойиҳалаштириш ва уларни ишлаб чиқаришни ташкил этишда кашфиётчилик ва конструкторлик функцияларини самарали уйғунлаштириш, мустақил равишда қарорлар қабул қила олиш, бозор эҳтиёжларини билишга йўналтирилганлик) таъминлаш;

касблараро самарали мулоқотни (касбий муаммоларни ҳал этишда бошқа касб вакиллари билан бир жамоада самарали иш олиб боришга таяёрлик) йўлга қўйиш

2-расм. Инновацион муҳандислик фаолиятининг асосий хусусиятлари схемаси



3-расм. Инновацион муҳандислик касбий фаолиятига оид вазифалар схемаси

Инновацион муҳандислик касбий фаолиятига оид ишлар таркибига, аввало, инновацион типдаги қуйидаги вазифалар киради:

чиқариш, ишлар, хизматларни амалга ошириш ва истеъмол бозорида уларни реализация қилиш [7, 9].

Ўқув – илмий – инновацион мажмуанинг бош мақсадини амалга ошириш учун таълим, илмий ва инновацион касбий фаолиятларни такомиллаштириш муаммоларини мажмуавий тарзда ҳал этиш лозим.

Таълим фаолиятини такомиллаштиришга оид масалаларни ажратиб кўрсатамиз:

1. Мамлакатимизда бўлажак муҳандисларни инновацион касбий фаолиятига тайёр рақобатбардош мутахассис бўлиб етишишларида иш берувчиларнинг парадигмаларига етарлича эътибор берилмаган;

2. Бўлажак муҳандисларни инновацион касбий фаолиятни юқори даражада олиб боришлари учун умумкасбий фанлар потенциалидан етарлича фойдаланилмаган;

3. Талабаларни муҳандислик касбий фаолиятига тайёрлашда муҳандислик услубиятлари ва таълим

методларини интеграциялаш асосида ўқитиш методикаси тўлиқ ишлаб чиқилмаган;

4. Ишлаб чиқариш корхоналарининг илмий-техник салоҳиятидан фойдаланиб ўқитишнинг ахборий-дидактик таъминотини ишлаб чиқишга етарлича аҳамият берилмаган.

Қайд этилган ҳар бир бандларни барча таълим муассасалари ўз фаолиятлари учун белгилаб олишлари ва улардан бевосита амалиётларида фойдаланишлари мумкин.

Хулоса қилиб айтганимизда, юқоридаги масалаларнинг ечимини топиш учун ўқув – илмий – инновацион мажмуаларда бошқалар билан бир қаторда узлуксиз кўп босқичли таълим тизими фаолияти ривожлантирилиб борилиши зарур. У касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасаси, олий таълим муассасасидан кейинги таълимни, яъни эгалланадиган квалификация сифатига қараб амалга ошириладиган, ҳар хил даражадаги, турли хил муддатларда амалга ошириладиган таълимни қамраб олади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Набойченко С.С. История высшей школы. / Свердловский области. – Екатеринбург: АБМ, 2013, – 880 с.
2. Shoobidov Sh.A. Mashina detallari: Texnika oily o'quv yurtlari uchun darslik. –Т.: "O'zbekiston ensiklopediyasi", 2014. – 444 б.
3. Shadiev R.D. The characteristics of the category concept and their comprehension-components of any understanding. //Science and world. International scientific journal. №7(47).2017, Vol.II. P-66-68. (Impact factor-0,325).
4. Фёдоров И.В. Формирование инновационной культуры студентов технических университетов // Инженерная педагогика. – 2008. – № 9. – С. 72 – 88
5. E.P.Grocheva, N.I.Naumkin, G.I.Shabanov, N.N.Shekshaeva, V.F.Kupryashkin, E.N.Panyushkina Practical training in innovative engineering activity // European Journal of natural history. – 2015. – № 4. – P. 37-40.
6. www.phet.colorado.edu
7. Агранович Б. Л. Инновационное инженерное образование: содержание и технологии. [Текст] //Инновационный университет и инновационное образование: модели, опыт, перспективы. Международный симпозиум. – М., 2003. – С. 9-10.
8. Гохитанд А.Д. Инновационная деятельность как особый вид: экономической деятельности: [Текст] / Патенты- лицензия. 2007. – №1. – С. 56-62.
9. Курилева Н. Л. Развитие технических способностей учащихся при обучении физике в основной школе //М.: МПГУ. – 2007.

КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИДА ШАХСНИНГ ЎЗ-ЎЗИНИ РИВОЖЛАНТИРИШИГА ТАЪСИР КЎРСАТУВЧИ ФУНКЦИОНАЛ ВА СУБЪЕКТЛИ-МАҚСАДЛИ ЁНДАШУВЛАР

Шокиржон Холматов,

ЎзДЖТУ немис тили амалий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация

Ушбу мақолада биз талабаларнинг мустақил таълим олишида шахснинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи функционал ва субъектли-мақсадли ёндашувларни кўриб чиқамиз. Бунда биз кредит-модуль тизимидаги олий таълим муассасалари ўқув жараёнига ҳам тўхталиб ўтамиз.

Калим сўзлар: кредит-модуль тизими, мустақил таълим олиши, функционал ёндашув, субъектли-мақсадли ёндашув, тизимлаштирувчи ёндашув

Аннотация

В данной статье мы рассматриваем функциональный и субъектно-объектный подходы, влияющие на развитие личности в самостоятельном обучении студентов. При этом остановимся на учебном процессе высших учебных заведений по кредитно-модульной системе.

Ключевые слова: Кредитно-модульная система, самостоятельное обучение, функциональный подход, субъективно-целевой подход, систематизирующий подход

Annotation

In this article, we will consider the functional and subject-object approaches that affect the development of personality in the independent learning of students. At the same time, we will focus on the educational process of higher educational institutions according to the credit-modular system.

Keywords: Credit-modular system, self-study, functional approach, subjective-target approach, systematizing approach.

Кредит-модуль тизимида ОТМ талабаси ўзини ўзи ривожлантириши тўғрисида сўз юритганда, фалсафий-педагогик ва психологик тасаввурдаги ўз-ўзини ривожлантириш муаммоларига мавжуд бўлган ёндашувларни ўз-ўзини ривожлантириш ва билиш фаолиятининг ўзаро боғлиқлигига эътибор қаратган ҳолда, шу аснода талаба шахсининг ўз-ўзини ривожлантириш омилларини ажратиб кўрсатишга интиланган тарзда кўриб чиқиш зарурдир.

Талабаларнинг ўқув фаолияти жараёнида ўз-ўзини ривожлантириш ва ўзини намоён этишга онгли интилишини юзага келтирувчи омилларни аниқлаш учун психологик тадқиқотлардаги шахснинг ўз-ўзини ривожлантиришига асосий ёндашувларни таҳлил қилиб кўрамиз.

Масалан Н.Р. Битянова ўз-ўзини ривожлантириш муаммолари тадқиқотида биз учун фарқсиз бўлмаган ҳамда нафақат ўз-ўзини ривожлантириш суръати ва йўналишига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлашга, балки мазкур феноменнинг асосий мазмундор хусусиятларини кўришга имкон берувчи уч асосий ёндашувни ажратиб кўрсатади:

- инсонни унинг ҳаёт фаолияти барча соҳаларида функционал мавжудот сифатида тасаввур қилувчи, функционал ёндашув;

- шахснинг қадриятли-мазмунли жиҳатларига эътибор қаратувчи субъектли-мақсадли ёндашув;

- олдинги икки йўналишни ҳар қандай ҳодисанинг тизимли боғланиши тпмойили асосида бирлаштирувчи ва шу тарзда ўрганилаётган ҳодисани яхлит кўришни таъминловчи тизимлаштирувчи ёндашув.

Мазкур ёндашув ҳар қандай ҳодисанинг тизимли боғланиши устуворлигини таъминлайди [3, 4].

Функционал ёндашув ғоялари ўз-ўзини ривожлантириш манбаи сифатидаги функционал тенденциялар тўғрисидаги тасаввурлар билан боғлиқ (Ш.А.Абдуллаева, У.И.Иноят, Ш.Э.Курбанов, Х.Ф.Рашидов ва бошқалар).

Илмий адабиётда яширин масаласи бўйича ягона нуқтаи назар шаклланмаган. Яширин (потенциал) куйидагича тушунилади:

- сифат жиҳатидан янги унсурларнинг миқдорий жамланиши (Р.Ш.Ахлидинов, У.И.Иноят, Ш.Э.Курбанов, Х.Ф.Рашидов);

- шахснинг захираси ва манбалари (Н.Шодиев);

- мазкур шахс учун хос бўлган хатти-ҳаракатларнинг тугалланмаган, қайд этилган, озми-кўпми ўзгарувчан кўриниши бўлиб, булар ўзининг ноаниқлигидан яна турлича имкониятларни яшириб туради (Н.Шодиев, Э.А.Сейтхалилов, Г.Баходирова).

В.И.Андрянова яширин масаласининг икки турини ажратиб кўрсатади: ривожланиш шароити сифатида – ҳодисанинг имконияти, “куртаги”, ривожланишнинг кутилаётган тенденциялари, психик тузилмаларнинг шаклланиши ҳамда натижа сифатида – муайян шароитларда намоён бўлмайдиган ва амал қилмайдиган хусусият ва сифат, яъни ҳозирги вақтда мазмунли аҳамият касб этмайди, бироқ шахснинг захираларини шакллантиради. Булардан асосийси – биринчи соҳадан, иккинчи соҳа ривожланишнинг ворислигини таъминлайди, янги тузилмалар шаклланишининг шартларидан бири сифатида намоён бўлади.

Ш.А.Абдуллаеванинг таърифига кўра, яширин хусусиятлар “инсоннинг ички фаоллик манбаидир”.

Ўз-ўзини ривожлантириш муаммоси билан шуғулланган В.Э. Чудновский “субъектли фаоллик негизи” тушунчасини киритади. Унинг таърифига кўра, негиз – бу “ички фаоллик ўчоғидир”. У ўз ичига ҳам онг ва ўз-ўзини англаш кўринишларини ва шунингдек, истеъдодлар ва эҳтиёжлардан келиб чиқадиган ва субъектнинг ўз имкониятларини амалга оширишга йўналтирилган англанмаган интилишларни ўз ичига олиш мумкин [8, 192].

Р.Ш.Ахлидинов ҳам шунга ўхшаш қарашларга эга. Унинг фикрича субъективлик қўлга киритиладиган, бироқ талабаларнинг имкониятларида жамланадиган инсон ҳаёт фаолиятининг шаклланган табиати туфайли мавжуд бўладиган хусусиятдир.

Шундай қилиб, яширин – шахснинг ички захираси ўз-ўзини ривожлантириш ички шароитлари мазмунининг асосий манбаидир. Шахснинг яширин имкониятларига таянган ҳолда, ўқув фаолиятида изчил ортиб боровчи мураккаблашувчи вазифалар тизими орқали шахснинг ўз-ўзини ҳаракатлантиришини фаоллаштириш муҳимдир. Шу аснода ҳар бир навбатдаги вазифа ўзини кўриб чиқиш учун янги босқичдаги билимлар ва кўникмаларнинг янада мураккаблашувини тақозо этади, ҳар бир ўзлаштирилган кўникма етишмаганроқдек туюлади. Бунинг натижасида бунга ўхшаш вазият ўз-ўзини ривожлантириш вазифаларини ҳал қилиш учун яширин имкониятларни долзарблаштириш зауруратини келтириб чиқаради.

Ф.Р.Юзликмаев назариясига кўра, шахснинг ўз-ўзини ривожлантиришининг ҳаракатлантирувчи кучларидан бири муносабатлардир. Шахснинг атрофдаги олам билан алоқалари шахс тузилмаси ва ички оламини белгилайди. Шу аснода шаклланган барқарор, шахсий хусусиятлар ўз-ўзини ривожлантиришнинг ўз муҳитини яратган ҳолда, ижтимоий муносабатлар фаоллиги, ҳажми ва меъёрини йўлга солади. Бунинг оқибатида шахснинг ўзи ва ижтимоий борлиқнинг бир-биридан келиб чиқиши юз беради.

Ф.Р.Юзликмаев шахснинг муносабатлар тизимида ўрганган ҳолда, марказий шахсий тузилма сифатида воқеликка субъектив – баҳоловчи муносабатларнинг шахсий яхлит тизимини илгари суради, булар “борлиқнинг турли жиҳатлари билан боғлиқ ҳолдаги инсоннинг танлов фаоллиги салоҳияти” сифатида қаралади [10, 99].

Ушбу концепциянинг муҳим жиҳати муносабатларга уларнинг мазмуни ва келиб чиқиши нуқтаи назардан қарашдир. Шахс муносабатларига мазмунни объектив воқелик касб этади, бироқ идрок этилаётган воқеликни шахс томонидан мазмунли мушоҳада қилиниши бу муносабатларни субъектга айлантиради. “Муносабатлар суръати” шахснинг объектив фаолияти суръати билан чамбарчас боғлиқ: биринчидан, шароитлар ўзгариши билан ҳаракатларнинг функционал

тузилмаси ўзгаради; иккинчидан, шароитлар ўзгариши билан инсон учун ушбу ҳаракатларнинг маъноси ва демак, унинг муносабати ўзгаради.

Э.А.Сейтхалиловнинг тадқиқотлари воқеликнинг шахс ўз-ўзини ривожлантиришига таъсири “омили” билан тўлдиради. У шахсда бир вақтнинг ўзида ички эҳтиёжлар ҳамда тегишли муҳит мавжуд бўлганда, келгусидаги хатти-ҳаракатларни белгилашда сезиларли таъсир кўрсатувчи ҳозирлик, фаолликка интилиш пайдо бўлади деб кўрсатади. Воқеликка онгсиз муносабат билан биргаликда инсон унга нисбатан онгли муносабати билан хусусиятланади, бу муҳитга имкониятларнинг яхлит тизими сифатида қарашга имкон беради. Яъни инсон фаоллигига кутилаётган ва эҳтимолли ходисалар таъсир кўрсатади. Бу унинг фаол хатти-ҳаракатини психологик йўлга солиш тизимини мураккаблаштириб юборади. Бундан ташқари воқеликка онгли муносабат, муҳитнинг ўзининг мазмуни билан боғлиқ, бу муҳит муносабатларнинг ижтимоий тизими билан тўлдирилади. Инсон ўз хатти-ҳаракатида уларга мўлжал олади. Бу ҳам уни йўлга солувчи омиллар тизимида қиради [6, 170].

Б.Г.Ананьев ишларида ўз-ўзини ривожлантириш субъекти сифатидаги инсон фақат ижтимоий алоқалар ва муносабатлар тизимида ўрганилиши тўғрисидаги фикр қизиқиш уйғотади. Олим шахснинг ҳаракатчан ўз-ўзини ривожлантирувчи функционал тузилма сифатида ўрганилган. Унинг фикрига кўра, инсон феъл-атвори, мойилликлари шахсий хусусиятлар ўзаро ҳаракатининг бирлашган самарасидир. Шахсий хусусиятлар мавқе асосида яратиладиган кадриятлар ва ижтимоий хатти-ҳаракатларини ўз ичига олади. Жамиятдаги мақом – мавқе шахснинг ўз-ўзини ривожлантириш йўналишини белгилайди.

Шахснинг ўз-ўзини ривожлантириши Б.Г.Ананьевнинг фикрига кўра, ижтимоий тажриба маҳсулини ўзлаштириш, муайян ёндашувлар, роллар ва функцияларни ўрганиш йўли билан юз беради. “Интилишлар ва кадриятларнинг барча соҳалари айнан мана шу шахснинг ижтимоий тикланиши билан аниқланади” [1, 54]. Ўз-ўзини ривожлантириш жараёни бир функциядан бошқасига, мажбуриятларнинг бир босқичидан бошқасига ўтиш имконини беради.

Кўриниб турганидек, талабаларнинг ўз-ўзини ривожлантириши доимо таълим муҳити билан ўзаро ҳаракатда кечади. Бу ерда у фаол ҳаракат қилади ҳамда ўз-ўзини намоён этади ва шу ернинг ўзида ўз-ўзини ривожлантириш учун материал сифатидаги энг аҳамиятли нарсаларни танлаб олади.

Таълим муҳити фаолият майдони сифатида намоён бўлган ҳолда, шахснинг ўз-ўзини ўзгартириш имкониятлари белгиланиши мумкин бўлган ўзини ривожлантириш майдони бўлиб хизмат қилади. Бинобарин, бир томондан, муҳит шахс ўзининг мавжуд кучларини

ишга соладиган “майдон” бўлса, бошқа томондан, “онгга, ҳиссиётга, иродага” таъсир ўтказди, бу шахснинг ўз-ўзини ривожлантириш учун аҳамиятлидир.

Муҳит, шунингдек, мулоқот майдони ҳамдир. Биз мулоқотни ҳам шахсни ўз-ўзини ривожлантириш омиллари жумласига киритамиз. Айнан мулоқотда “ўз-ўзига муносабат ҳамда ўзни ўзгартириш”нинг шаклланиши юз беради [4, 246].

Шахслараро ўзаро ҳаракат сифатидаги мулоқотни ўрганишда ривожланишнинг ички унсурларига; шахс фаоллиги ва имкониятларининг ўзига урғу берилди. Ушбу ўзаро ҳаракат жараёнида мулоқот қилаётган шахсларнинг ички олами ютуғи сифатидаги ғоялар, мулоҳазалар ва бошқа жиҳатлар билан алмашуви юз беради. Ўз билимларидан бошқаларни ошно қилган ҳолда, инсон ўз тасавурларини ислоҳ қилади, қўлга киритилган ахборотни таҳлил қилади, ахборот аҳамиятли бўлганда ўзининг субъектли тажрибасини бойитади.

Инсон ва атроф-олам ўртасидаги ўзаро коммуникацион алоқа – бу “инсон ва оламнинг ўзаро шаклланиш суръати”дир (А. Маслоу). Бу ўзаро ҳаракат ўз қадриятларини, эътиқодларини қайта фикрлашга сабаблантувчи ички зиддиятлар мавжудлигида юз беради. Бу эса ўз-ўзини ривожлантириш жараёнини тезлаштириши, секинлаштириши ёки ўзгартириши мумкин.

Биобарин, биз шахснинг мулоқоти ва ўз-ўзини ривожлантиришининг ўзаро алоқасини кузатишимиз ҳамда талабалар ва педагоглар ўртасидаги мулоқотдан шахснинг ўз-ўзини ривожлантиришини фаоллаштирувчи восита сифатида фойдаланиш муқимлиги тўғрисида сўз юритишимиз мумкин. Бундай мулоқот ўқитувчининг талабалар билан ўзаро ҳаракат жараёнидаги маҳоратида, талабаларга ўзининг шахсий таъсири оқибатларини баҳолашда, йўналтирилган таъсир ўтказиш маҳоратида, мулоқотнинг тушуниш, эътироф этиш, бошқанинг фикрини қабул қилиш сингари усулларида ўз ифодасини топади. Мунозара шаклида амалга ошириладиган талаба ва ўқитувчининг ўзаро ҳаракатини талабани ўз-ўзини такомиллаштириш, ўз-ўзини ривожлантириш йўлига чиқишини кўзда тутади.

Тадқиқотларнинг субъектли-мақсадли йўналишларида олимлар шахсий аҳамиятлар ва мазмунлар, ўз-ўзини долзарблаштириш эҳтиёжлари ва манфаатларини белгилайдилар.

Талабаларнинг ўқув-ўрганиш фаолияти жиҳатидан шахсга оид мазмунларни биз талабанинг онгининг ўзига хос ривожланишига таянган ҳолда қарор қабул қилиш салоҳияти, ўқув фаолиятининг мазмунига нисбатан мақсадга эришиш ва шахсий муносабатга ҳозирлиги сифатида қараймиз. Қабул қилинган шах-

сий мазмун ўқув фаолияти меъёрларини белгилайди ҳамда талаба томонидан шахсий аҳамиятга эга бўлган мустақил қарор қабул қилишни белгилайди.

Талабанинг ўқув фаолиятида шахсий мазмунларнинг вужудга келишидаги ҳаракатларни амалга оширишда сабаблар ёрдамлашади. Сабабларнинг ўзгариши шахснинг турли ҳодисаларга ҳозирлигини ўзгартиради. Шахс томонидан ўз захираларини ҳисобга олиш уни мақсадлар, қадриятлар, сабаблар устуворлигини бир тизимга солишга мажбур этади ва демак, ҳодисалар инсоннинг шахсий қадриятларига мос равишда танлаб олинади ва тартибга солинади.

Шахснинг ўз-ўзини ривожлантириш механизмлари тадқиқотчилар томонидан мазмун шаклланиши самараларида: фаолият йўналишининг вужудга келиши ва таъминланиши (сабаб); ҳиссий туслар ва психик қиёфанинг ўзгариши (шахсга оид мазмун); фаолиятнинг кечишига издан чиқарувчи таъсирларнинг барқарорлашуви (мазмун белгилаш); зарурий жиҳатларни моделлаштириш (шахсий қадриятлар) очиқ берилди (Д.А. Леонтьев ва бошқалар) [6, 112].

Эришиш натижаси даражаси белгиланган мақсадни хусусиятларини кўрсатади, уни танлаш эса сабаблар тўла шаклланишида юз беради. Шунга боғлиқ ҳолда, инсон сафарбарлигининг, унинг саъй-ҳаракатларини турли босқичлари кузатилади. Шу боис сабабнинг турлича роли тўғрисида сўз юритиш мумкин. Сабаб ва имкониятларни ўзи баҳолаш ўртасидаги алоқа мана шундан келиб чиқади. Сабабда ўтмиш тажрибасидан фойдаланиш асосидаги келажакни онгли акс эттириш юз беради. Шундай қилиб, сабаб “энг яқин ривожланиш соҳаси”ни белгилашга ёрдам беради. Мақсаднинг шаклланиши инсонга аниқ мақсадга эришишга интилиш вужудга келишига олиб келади. Шу аснода, ирода кучини қўллаган ҳолда, исталган натижага эришиш мумкин. Шахс негизининг маркази – ягона мақсадли тузилма сифатида тадқиқотчилар (А.Г. Асмолов ва бошқалар) шахсий мазмунлар тизимини ёки уларнинг онгда акс этишини, масалан, сабаблар ва мақсадлар муносабатини эътироф этадилар [2, 528].

Биобарин, мазмун тузилмалари орқали ўз-ўзини англаш ўзгаради, у ўз-ўзини ривожлантиришга имкон туғдиради. Ўқув фаолияти муайян тарзда ташкил этилганда, талабанинг онги бир неча ёд олинган билимлар аҳамиятлари билан иш кўради. Унинг мазмун-манбаларини қидириш, сабаб-оқибат алоқаларини белгилаш билан машғул бўлади, бу талабага “репродуктив-акс эттирувчи” амал қилиш “ёндашувидан” онгли фаолиятга ўтишга ҳамда ўз мажбуриятларини ўз-ўзини ривожлантирувчи субъект нуқтаи назаридан амалга оширишга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ананьев Б.Г. *Психология и проблемы человекознания: Избранные психологические труды. 3-е изд., МПСИ. 2009 – 432 с.*
2. Асмолов А.Г. *Психология личности. Культурно-историческое понимание развития человека. Академия. 2010. – 528 с.*
3. Битянова Н.Р. *Проблема саморазвития личности в психологии: аналитический обзор. – М.: МПСИ: Флинта, 1998. – 48 с.*
4. Куликова. Л.Н. *Проблемы саморазвития личности / Издание 2-е, исправленное и дополненное. – Благовещенск, 2001. – 342 с.*
5. Леонтьев Д.А. *Психология смысла. 4-е изд., испр. и доп. – М., 2019. – 487 с.*
6. Сейтхалилов Э.А., Тожиев М. *Педагогическая технология: опыт практического применения и системно-содержательного анализа. /Учебное пособие. Т.: “Tafakkur-Bo'stoni”, 2012.-258 с.*
7. Усмонов Б., Хабибуллаев Р. *Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиши. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2020 й.*
8. Чудновский В. Э. *«Становление личности и проблема смысла жизни». МОДЭК. 2006. - 768 с.*
9. Юзликаев Ф.Р. *Интенсификация процесса дидактической подготовки будущего учителя в педагогическом институте. -Ташкент: Фан, 1995. -202 с.*
10. Юзликаев Ф.Р. *Теория и практика интенсификации дидактической подготовки будущего учителя в системе высшего педагогического образования (на материале педагогических дисциплин): Дис. докт. пед. наук. – Ташкент, 2005. – 303 с.*
11. Ўринов В. *Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида ECTS кредит-модуль тизими: Асосий тушунчалар ва қоидалар. Қўлланма. 2020 й.*

ЭВРИСТИК МЕТОД ЁРДАМИДА БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Ғайрат Қодиров,

ЎзПФИТИ мустақил тадқиқотчиси, доцент

Аннотация

Ушбу мақолада бўлажак ўқитувчиларда касбий компетенцияларини ривожлантиришида эвристик топшириқлардан фойдаланишнинг педагогик имкониятлари ҳақида маълумот берилган. Эвристик топшириқларнинг педагогик хусусиятлари, эвристик топшириқларда кенг қўлланиладиган дидактик воситалар, эвристик топшириқларга йўналтирилган педагогик вазиятлар тавсифланган.

Таянч сўзлар: бўлажак ўқитувчи, касбий компетенциялар, касбий билимлар, эвристик ёндашув, эвристик топшириқлар, эвристик-дидактик воситалар, ҳамкорлик ва мулоқот.

Аннотация

В данной статье представлена информация о педагогических возможностях использования эвристических заданий в развитии профессиональных компетенций у будущих педагогов. Описаны педагогические особенности эвристических заданий, дидактические средства, широко применяемые в эвристических заданиях, педагогические ситуации, ориентированные на эвристические задания.

Ключевые слова: будущий учитель, профессиональные компетенции, профессиональные знания, эвристический подход, эвристические задания, эвристические дидактические инструменты, сотрудничество и общение.

Annotation

This article presents information about the pedagogical possibilities of using heuristic tasks in the development of professional competence of future teachers. The pedagogical features of heuristic tasks, didactic tools widely used in heuristic tasks, pedagogical situations focused on heuristic tasks are described.

Keywords: future teacher, professional competencies, professional knowledge, heuristic approach, heuristic tasks, heuristic didactic tools, cooperation and communication.

Бўлажак ўқитувчиларда касбий фаоллик кўрса-тиш компетенциясини шакллантириш учун эвристик вазиятлар яратиш, эвристик топшириқларни тизим-ли тарзда моделлаштириш ва тақдим этиш, бўлажак ўқитувчиларнинг эвристик кўникмаларини фаол-лаштириш талаб қилинмоқда. Профессор-ўқитувчи-лар талабаларда эвристик топшириқларни бажариш фаоллигини шакллантириш учун ўқув модули тар-кибига эвристик топшириқларни кўпроқ киритиш улардан тадрижий асосида мунтазам фойдаланиш имкониятларини кенгайтириб боришлари муҳим аҳамиятга эга. Бу жараёнда профессор-ўқитувчилар билан талабалар биргаликда изланишга асосланган ўқув вазиятларда ҳаракат қилишлари, ишчан му-лоқотга киришишлари талаб этилади. Мазкур жара-ёнда талабаларнинг касбий билимларни мустақил излаб топиш асосида эвристик топшириқларни бажаришлари муҳим педагогик аҳамиятга эга. Эвристик топшириқлардан фойдаланиш бўлажак педагогларни тайёрлаш жараёнида, айниқса, муҳим аҳамият касб этади. Эвристик топшириқлар бўлажак ўқитувчилар-нинг эгаллаган касбий билимларини фаоллаштири-шларида муҳим аҳамият касб этади.

Эвристик топшириқларни бажартиришдан кўз-ланган асосий мақсад талабаларнинг ижодий им-кониятларини намоён қилишлари учун мотивация

беришдан иборат. Шу билан бир қаторда, эвристик топшириқлар ёрдамида бўлажак ўқитувчиларда ис-тиқболдаги касбий фаолиятлари учун зарур бўлган билимлар ҳамда ижодий фаолият тажрибаси ва ком-петенциялар шакллантирилади. Ишимизда эвристик ҳамда муаммоли топшириқларнинг дидактик хусуси-ятлари ва имкониятларини батафсилроқ очишга ҳара-кат қиламиз.

Эвристик методнинг педагогик аҳамияти талаба-нинг касбий мойиллиги қизиқишлари ва иқтидорини рўёбга чиқаришдан иборат. Эвристик технологиялар талабанинг мантикий фикрлаш жараёни, ижодий им-кониятларини фаоллаштиришга йўналтирилганлиги билан характерли. Эвристик топшириқлар ва тех-нологиялар ўзининг махсулдорлиги билан ажралиб туради. Эвристик топшириқлар ёрдамида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий ижтимоий тажрибани ўз-лаштириш имкониятлари кенгайтирилади. Эвристик топши-риқларни қўллаган ҳолда ташкил этилган педагогик жараёнларда бўлажак ўқитувчилар касбий билимлар-ни мустақил ва қўллаш имкониятига эга бўладилар. Эвристик топшириқларни бажариш жараёнида бўла-жак ўқитувчилар касбий муаммоларни ечиш усул-ларини мустақил излаб топадилар ва уларни янги вазиятларда қўллашга ҳаракат қиладилар. Эвристик топшириқларнинг махсулдорлиги бўлажак ўқитув-

чиларнинг педагогик муаммоларни кўра олиши, уларнинг мазмун-моҳиятини англаш, ечимларнинг ностандарт усулларини қўллаш, ижодий лаёқатларини намоён қилиш компетенциясини эгаллайдилар. Бундай ёндашув натижасида бўлажак ўқитувчилар ўқувчиларнинг хатти-ҳаракатлари, лаёқатларини муносиб баҳолаш кўникмасига эга бўладилар.

Эвристик топшириқлар қуйидаги педагогик хусусиятларга эга:

1. Ўқув-билув ҳаракатларини кенгайтириш, унга ижодий характер бағишлаш. Эвристик топшириқлар бўлажак ўқитувчиларда педагогик фаолиятнинг бир неча усулларини шакллантириш имконини беради.

2. Эвристик топшириқларнинг очик характерга эга эканлиги ва жавобларнинг кўп вариантлилигини таъминлаш имкониятини бериши.

3. Бўлажак ўқитувчиларнинг кўп вариантли жавоблардан мақбул жавобни танлаш имкониятига эга бўлишлари таъминланади.

4. Эвристик топшириқларнинг муаммоли вазиятларни яратиш эга эканлиги ва бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик муаммоларга ечим излашга йўналтирилган фаолиятини жадаллаштириши педагогик муаммоларининг ечишнинг алтернатив усулларини излашга бўлажак ўқитувчиларга ундаши.

5. Эвристик топшириқларнинг фаразларни илгари суриш имкониятини тақдим этиши.

6. Эвристик топшириқларнинг талабалар билан профессор-ўқитувчилар орасида ўзаро ҳамкорлик ва мулоқот муҳитини вужудга келтириши.

7. Эвристик топшириқларнинг бўлажак ўқитувчиларга мустақил билим олиш имкониятини ярата олиши.

8. Эвристик топшириқларнинг профессор-ўқитувчиларга талабалар билимини турли усулларда назорат қилишлари учун қулай шароит яратиши.

9. Эвристик топшириқларнинг бўлажак ўқитувчиларда рефлексив фаолиятни ривожлантиришга кўмаклашиши кабилар.

Эвристик топшириқлар бир қатор дидактик воситаларни мужассамлаштиришни талаб қилади. Улар:

1. Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий билимлари билан амалий тажрибаларни уйғунлаштириш имконини берадиган эвристик топшириқлар.

2. Ғояларни генерациялашга йўналтирилган дидактик вазиятларда қўлланиладиган топшириқлар. Бундай топшириқларни бажариш жараёнида талабалардан ҳамкорликда ишлаш талаб қилинади. Мазкур жараёнда бўлажак ўқитувчиларда мулоқот, биргалликда фаолият кўрстиш, бир бирларини қўллаб-қувватлар кўникмалари ривожланади. Натижада бўлажак ўқитувчиларда интуиция ва мантиқий фикрлаш фаолияти вужудга келади.

3. Эвристик топшириқлардан саралаган ҳолда фойдаланиш вазиятлари. Бундай топшириқлар бўлажак ўқитувчиларда касбий тафаккурни ривожлантириб, янги ғояларни илгари суришга ундайди.

Эвристик топшириқларни турли мавзуларда ташкил этиладиган педагогик жараёнларда қўллаш мумкин. Педагогика туркум фанларни ўқитиш жараёнида талабалар эвристик топшириқлар сифатида муаллифлик дастурларини яратишлари дарсларни лойиҳалаштиришлари мумкин. Эвристик топшириқларнинг характерли хусусияти шундаки, у бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий фаоллик кўрсатиш, мустақиллик изланиш имкониятларини кенгайтиради. Эвристик топшириқлар бўлажак ўқитувчиларда касбий билимларни мустақил қўллаш кўникмасини ривожлантиради.

Бир қатор рус олимлари эвристик топшириқларнинг педагогик имкониятларини очиб беришга ҳаракат қилганлар (К.П.Федоров, Г.В.Абрамян) [120]. Эвристик топшириқларнинг қуйида кўрсатиб ўтилган имкониятлардан профессор-ўқитувчилар самарали фойдаланишлари талаб қилинади. Улар сирасига:

- бўлажак ўқитувчиларнинг эгаллаган касбий билимларини фаоллаштирувчи топшириқлар.

- бўлажак ўқитувчиларни касбий билимларни мустақил излаб топиб ижодий қўллашга ундовчи топшириқлар. Бундай топшириқлар бўлажак ўқитувчиларда касбий ижодкорлик, зукколик ва мантиқий фикрлаш фаоллигини вужудга келтиради. Мазкур топшириқлар ёрдамида бўлажак ўқитувчилар эгаллаган касбий билимларини амалий фаолиятларида ижодий қўллаш имкониятига эга бўладилар.

- педагогик таълим жараёнини ўқув амалиёти билан боғловчи маҳсулдор иммитацион ўйинлардан фойдаланиш. Бундай ўйинлар ёрдамида бўлажак ўқитувчиларда педагогик амалиёт ҳақидаги аниқ тасаввурлар ҳосил қилинади улар дарс лойиҳаларини шакллантириб уни ҳимоя қилишга муваффақ бўладилар. Иммитацион ўйинлар ўз мазмун моҳиятига кўра бўлажак ўқитувчиларда ўқувчилар, улар билан амалга ошириладиган дарс жараёнлари, ҳамкорликдаги педагогик вазиятлар, ўзаро мулоқот ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

- бўлажак ўқитувчиларни ижодий эвристик фаолиятга тайёрлашга йўналтирилган чора-тадбирлар; бундай машғулотлар жараёнида талабаларда педагогик ижодкорликка оид дастлабки кўникмалар шакллантирилади. Улар ўқув вазиятларни ташкил этиш, ўқув топшириқларни танлаш, машғулотларни моделлаштириш каби кўникмаларни эгаллашга муваффақ бўладилар. Мазкур топшириқлар ўрганилаётган педагогик билимлар билан боғлаш ёки мазкур билимлар контекстида ташкил этиш натижасида кутилган самарадорликка эришиш мумкин [1, 20].

Эвристик топшириқлар ёрдамида олий педагогик

таълим жараёнида талабаларнинг ижодкорлик, мустақиллик кўникмалари ривожлантирилади. Бўлажак ўқитувчиларнинг билиш мустақиллиги, касбий билимларни эгаллаш фаоллигини таъминлашда эвристик топшириқлар катта аҳамиятга эга. Ушбу топшириқлар бўлажак ўқитувчиларни изланиш, фаол ҳаракат қилиш кўникмасини намоён этишга ундайди. Чунки мустақиллик ва мустақил билим олиш бўлажак ўқитувчининг муҳим сифатларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бўлажак ўқитувчиларда мустақилликни таркиб топтириш зарурияти мавжуд. Бунинг натижасида бўлажак ўқитувчиларга қўйилган мақсад сари интилиш, ўзларининг касбий ютуқларини кўпайтиришга ҳаракат қилиш имкониятига эга бўладилар. Бўлажак ўқитувчиларда ўз-ўзини баҳолаш кўникмасини шакллантириш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий мустақиллигини таъминлаш орқали истиқболда педагогик фаолият самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам бўлажак ўқитувчиларда касбий маҳорат – акмени шакллантиришга хизмат қиладиган эвристик топшириқларни тизимли тарзда фойдаланиш учун қулай педагогик шарт-шароитлар яратилиши алоҳида аҳамиятга эга.

Эвристик топшириқлар ўзида муаммоли ҳамда ривожлантирувчи характердаги топшириқларни ҳам мужассамлаштиради. Маълумки, муаммоли топшириқлар бўлажак ўқитувчиларни касбий ҳамда интеллектуал жиҳатдан ривожлантиришга хизмат қилади. Муаммоли топшириқлар ёрдамида машғулотлар жараёнида муаммоли вазиятлар ташкил этилади. Муаммоли топшириқларнинг бажариш давомида талабалар ўзлаштирган касбий билимларини қайта эслаш, қўллаш ва фаоллаштириш имкониятига эга бўладилар. Масалан, “Лойиҳа таълим технологияларидан қандай ўқув вазиятларда фойдаланасиз?”, “Мазкур ўқув вазиятларни қай тарзда ташкил этасиз?” каби. Профессор-ўқитувчилар талабалар олдида эвристик топшириқлар қўйиб, уларни касбий билимларни мустақил излаб, қўллашга ундайдилар. Бундай саволларга талабалар ижодий изланиш натижасида мақбул жавобларни топадилар. Бунинг натижасида уларнинг ўзлаштирган касбий билимлари фаоллашади.

Эвристик топшириқлар – педагогик билимларни ижодий ўзлаштиришнинг муҳим воситаси бўлиб, унда номаълум бўлган билимларни излаб топишга талабаларни ундайдиган шартлар ўз ифодасини топади. Бундай саволларга жавоб топиш мақсадида бўлажак ўқитувчилар ижодий фикрлашга ҳаракат қиладилар. Улар педагогик билимларда ифодаланган аниқ далиларни рефлексиялаш, улар орасидаги алоқадорликни аниқлаш

ва педагогик жараёнида оптималлаштиришга хизмат қиладиган жиҳатларини кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Эвристик топшириқларга берилган жавобларни талабалар илмий баён қилиш кўникмасига эга бўладилар. Натижада, талабаларда педагогик нутқ ва педагогик билимларни баён қилиши услуби шаклланади.

Эвристик топшириқлар бўлажак ўқитувчиларни эътиборини педагогик билимларни мустақил излаб топишга қаратади. Натижада бўлажак ўқитувчилар кафоланган натижага эришиш имкониятига эга. Эвристик топшириқлар педагогик мулоқот матнларини яратиш, дидатик вазиятларни ташкил этиш, инновацион методларни мустақил излаб топиб қўллаш педагогик амалиёт давомида ўзининг касбий ижодий лаёқатларини намоён қилишлари учун талабаларга қулай имкониятларни тақдим этади.

Эвристик топшириқлар бўлажак ўқитувчиларда мустақил фаолият кўрсатиш тажрибасини шакллантиради. Шу билан бир қаторда, эвристик топшириқларни бажариш жараёнида талабалар ўз билимларини назорат қилиш, касбий билимларидаги бўшлиқларни аниқлаш имкониятига ҳам эга бўладилар. Эвристик вазиятлар профессор-ўқитувчилар томонидан махсус ташкил этилиб, мазкур вазиятларда талабалар эвристик топшириқлар устида ишлайдилар.

Эвристик топшириқлар ёрдамида ташкил этиладиган қуйидаги эвристик вазиятлардан бўлажак ўқитувчиларда касбий компетенцияларни шакллантириш мақсадида фойдаланиш мумкин:

1. Бўлажак ўқитувчиларда эвристик топшириқлар устида ишлаш кўникмасини шакллантиришга йўналтирилган вазиятлар;
 2. Бўлажак ўқитувчиларни педагогик билимларни эгаллашнинг янги вазиятларига олиб кириш имкониятини берадиган эвристик вазиятлар;
 3. Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогика оид назарий билимларини бойитиш ва амалий фаолиятларини кенгайтиришга йўналтирилган эвристик вазиятлар;
 4. Педагогик муаммоларнинг амалий жиҳатини кўра олишга йўналтирилган эвристик вазиятлар кабилар.
- Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бугунги кунда эвристик топшириқларни ечиш учун бўлажак ўқитувчиларда педагогикага оид назарий билимлар ва амалий фаолият тажрибаси етарлича уйғунлашмаганлиги яққол намоён бўлмоқда. Буни, айниқса, битирувчи курс талабалари фаолиятида яққол кўриш мумкин. Бу эса бўлажак ўқитувчиларда назарий билимлар ва амалий ижодий фаолият тажрибасини тизимли тарзда уйғунлаштириш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизimini 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февралдаги “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4623-сон қарори.
4. Бугорская Н.В. Эвристические возможности интегративного подхода к разработке проблемы понимания // Интеграция содержания образования в педагогическом вузе. – Бийск, 1994. – С.108-114.
5. Буш Г.Я. Основы эвристики для изобретателей. Чч. I-II. – Рига: «Знание», 1997. – 95 с.
6. Воронин В.Н. Интеграция эвристического и технологического подходов в проектировании дидактических комплексов в вузе: Автореф. ... дис. докт. пед. наук. – Казань, 1999. – 38 с.
7. Гаипов Д.Ж. Эвристика метод ёрдамида бошлангич синф ўқувчиларининг ўқув фаоллигини таъминлаш механизмлари. П.ф.ф.д (PhD) диссертация. – Нукус, 2021. – Б 121.
8. Сафарова Р.Г. Янги педагогик тафаккурнинг намоён бўлиши. Жиззах давлат педагогика университетида ўтказилган “Педагогик инновациялар ва уларнинг амалий тадбиқлари: муаммо ва ечимлар” номли Республика илмий-амалий конференцияси 1-тўплам, – Б 24-28. Жиззах – 2022 йил 5 октябр.

O'RTA MAKTAB O'QUVCHILARINI KASBGA YO'NALTIRISHDA OILA VA XALQ PEDAGOGIKASINING AHAMIYATI

Sevinch Sattarova,

A.Qodiriy nomidagi JDPU o'qituvchisi

Annotatsiya

Ushbu maqolada o'rta maktab o'quvchilarini kasbga yo'naltirishda oila, xalq pedagogikasining ahamiyati yoritilgan. Shu bilan birga, o'sib kelayotgan yosh avlod uchun mamlakatimizda yaratilayotgan imkoniyatlar va ulardan oqilona foydalanish chora-tadbirlari to'g'risida keltirilgan.

Kalit so'zlar: kasb, mehnat, kasbga yo'naltirish, oila, xalq pedagogikasi, pedagogik – psixologik markaz, diagnostika, politexnik, elektrotexnika, diafilm, kinofilm.

Аннотация

В данной статье выделено значение семейной и народной педагогики в направлении старшеклассников к профессии, вместе с тем представлены возможности, созданные в нашей стране для подрастающего молодого поколения и меры по их рациональному использованию.

Ключевые слова: профессия, труд, профориентация, семья, народная педагогика, педагогико-психологический центр, диагностика, политехника, электротехника, диафильм, кинофильм.

Annotation

This article highlights the importance of family and folk pedagogy in the direction of high school students to the profession, at the same time presents the opportunities created in our country for the younger generation and measures for their rational use.

Keywords: profession, labor, career guidance, family, folk pedagogy, pedagogical and psychological center, diagnostics, polytechnics, electrical engineering, filmstrip, film.

Har qanday kasbda eng muhimi - uning mehnat mazmuniga ega bo'lishidir. Shu boisdan mehnatsevarlikni, yaxshi urf-odatlarini tarbiyalash va ularni mehnat jo'shqinligiga ko'chirish bolalarni kasb tanlashga tayyorlashning bosh negizidir. Oilada bolani mehnatsevarlik ruhida tarbiyalash odatda maktabgacha bo'lgan yoshdan boshlanadi. Ana shu paytdan e'tiboran bolalarni bo'lg'usi kasbni tanlashga tayyorlash amalga oshirilishi lozim. Bunda bolalarning qiziqishlari, mayllari, qobiliyatlari va imkoniyatlarini muntazam ravishda o'rganish zarur. Kasb tanlashda xato qilmaslik uchun bolalarga, avvalo, maktab va oila yordam berishi kerak [3].

Har bir shaxs har tomonlama kamol topishi lozim, buning uchun maktablarda barcha imkoniyatlar mavjud. Bolalar yaxshi, aqliy, jismoniy, axloqiy mehnat va estetik tarbiyani va shu bilan birga, politexnik ma'lumotni o'z ichiga olib, shu asosda o'zlarini kasbiy faoliyatga tayyorlashlari mumkin: Kim bo'lsam ekan? Qanday odam bo'lishi kerak muammosi bilan birgalikda hal qilinishi kerak. Maktab o'quvchilarining kasbga yo'naltirishga oid ishlarini ta'lim yo'llari orqali muttasil va izchillik bilan olib borish kerak.

Umumiy o'rta ta'lim davlat standartlariga asosan maktabda kasbga yo'naltirish bo'yicha mashg'ulotlar 8-9 sinflarda amalga oshiriladi. O'rta maxsus 8-sinfda kasblar haqida, kasb tanlashda tibbiy nomuvofiqliklar, kasbga yaroqlilik va hokazolar tushunchalari berib boriladi.

Maktabda o'quvchilarni kasb-hunarga yo'naltirish kasb-hunar ta'limidagi tayyorlov yo'nalishlari kasblar va ixtisosliklar tasniflagichi asosida axborot berish davom ettirish bilan bir qatorda o'quvchilarga kasb egallash yo'li-

lari kasb tanlashda tibbiy nomuvofiqliklar kasbga yaroqlilik va hokazolar tushunchalari berib boriladi. Shu bilan birga, takrorlash zarurki, o'qituvchilar O'zbekiston Respublikasida yuz berayotgan ijtimoiy-iqtisodiy o'zgarishlar, o'quvchi yoshlarni va aholini kasb-hunarga yo'naltirish tizimini takomillashtirish – ish o'rinlarini bo'shab qolish jarayonlari jadallashadigan va ishchilarning malakalariga qo'yiladigan sifat talablari oshib borayotgan bozor iqtisodiyoti sharoitida yanada muhim ahamiyat kasb etadi. Iqtisodiyot sohalaridagi kasb-hunarga bo'lgan mavjud ehtiyojlarni hisobga olgan holda mehnat resurslarini oqilona taqsimlaydi hamda insonlarning ish qidirish, ta'lim va kasbiy faoliyat turini tanlashlaridagi zo'riqish holatlarini oldini olishga yordam beradi. Bu borada asosiy yo'nalish qilib, O'zbekiston Respublikasi Ta'lim to'g'risidagi Qonuni, xalqaro mehnat tashkilotining Nizomlari, konventsiyalari va takliflar, bir qator boshqa hujjatlar, shuningdek, rivojlangan mamlakatlarning bu sohadagi ishlarining amaliy tajribalari asos qilib olindi.

Kasb-hunarga yo'naltirish ishlari O'zbekiston Respublikasi xalq ta'limi vazirining o'quvchilarni kasb-hunarga yo'naltirish va psixologik pedagogik tashxis markazi tomonidan bosqichma-bosqich amalga oshiriladi. O'zbekiston Respublikasi hukumati tomonidan rasmiy jihatdan qabul qilingan qarorlardan birida o'quvchilarni kasb-hunarga yo'naltirish yuzasidan umumiy qoidalarda quyidagilar ta'kidlangan:

1. O'quvchilarni kasb-hunarga yo'naltirish va pedagogik-psixologik markazi O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1998-yil 13-maydagi 203-sonli

– O'zbekiston Respublikasi umumiy o'rta ta'limni tashkil etish to'g'risidagi qaroriga asosan tashkil etilgan.

2. O'quvchilarni kasb-hunarga yo'naltirish va psixologik-pedagogik tashxis markazi har bir tuman, shahar xalq ta'limi bo'limlari tuzilmasida, o'z hududlari doirasida bolalar rivojlanishiga psixologik-pedagogik jihatdan tashxis qo'yish, ularning qobiliyati va moyilligini aniqlash, bolani 6 yoshdan boshlab maktabga qabul qilishga tavsiyanomalar berishdan iborat..

O'quvchilarning layoqat yo'nalishlari va qobiliyatlari darajasini tashxis etish ishlarini maktablarda muntazam ravishda olib borilishini; har bir o'quvchi haqida uning qiziqishlari, intilish va layoqatlari, erishgan yutuq va kamchiliklari, aqliy va umumiy rivojlanishi haqidagi ko'p yillik psixologik va pedagogik tashxis ma'lumotlari bankining tashkil etilishi, tartibga keltirilishi lozimdir.

Yangi tashxis metodikalarining yaratilishida, sinab ko'rilishida tajriba maydonchasi vazifasini o'taydi, metodik va ommabop qo'llanmalar yaratishda ishtirok etadi. Markaz ta'lim muassasalarining tibbiy-sanitariya holatini nazorat etadi. Markaz o'z hududi doirasidagi yashovchi bolalar orasidan jismonan zaif va aqliy rivojlanishida nuqsoni bo'lganlarni nazoratga oladi, ular haqida alohida ma'lumotlar bankini yaratadi, maktab jamoasi, ota-onalar bilan hamkorlikda ularga oilada, shuningdek, tegishli maxsus ta'lim muassasalarida bilim olishlari uchun tavsiya beradi, ularga metodik, psixologik va tibbiy yordam berishni tashkil qiladi.

Chunonchi, o'quvchilar uchun ishlab chiqilgan (transport) konstruktori bolalarni 18 xil turli transport mashinalari va kasblar bilan tanishtirish imkonini beradi.

Texnik konstruktor bilan ishlash chog'ida bajariladigan topshiriqlar o'quvchilarni mashinasozlik elektrotexnika asoslari bilan tanishtiradi, ularda texnik tafakkurni rivojlantiradi, unchalik murakkab bo'lmagan texnik qurilmalarni bilib olish imkonini beradi. Bolalar mashinasozlikka oid keng tarqalgan va zarur kasblar, ana shu kasblarning mehnat mazmuni bilan tanishtiradilar.

O'simliklarni o'stirish va hayvonlarni hayoti bilan tanishtirish bo'limlari bolalarni qishloq xo'jalik asoslari bilan tanishtirishni ko'zda tutadi. O'quvchilar xonaki o'simliklarni parvarish qiladilar, piyoz, xonaki o'simliklar etishtirish yuzasidan tajriba o'tkazadilar. Ular maktab o'quv-tajriba uchastkasida ishlab, erda mehnat qiladilar; tuproqni yumshatadilar, o'simliklarning o'sishini kuzatadilar, o'z mehnatining natijalarini ko'radilar, odamlar mehnatini qadrlashni, erni e'zozlashni o'rganadilar.

O'quvchilar chorvachilik kasblari bilan ham tanishadilar, hayvonlarni to'g'ri parvarish qilishni o'rganadilar. O'qituvchining o'quvchilarda erga omilkorlik bilan qarash hissini shakllantirishi muhimdir. Shu boisdan ishni shunday rejalashtirish kerakki, bolalar chorva mollarni parvarish qiladigan, hosilni yig'ishtirib oladigan, mehnat natijalarini hisob-kitob qiladigan bo'lsinlar.

Bunday hollarda bolalarning ishga qiziqishi kuchayadi va kasbga yo'naltirish ishi alohida mazmun kasb etadi. Yuqori sinflarda o'quvchilar kasblar bilan professiogrammalar yordamida tanishadilar. Kichik yoshdagi o'quvchilar uchun esa hikoya qilib berish, suhbatlar o'tkazish, kasb namoyandalari bilan uchrashish, diafilmlar, kinofilmlar ko'rish, albomlarni ko'zdan kechirish, sayohatlar o'tkazish ko'proq maqbuldir.

Bu sohada olib borilayotgan barcha ish shakllaridan suhbat o'tkazish hammadan ko'p foydalanilmoqda. Suhbat bolalarning faol ishtirokida o'tishi muhimdir. Shu maqsadda o'qituvchi kasblar to'g'risida, ayniqsa ota-onalari, qarindoshlari yoki tanish-bilishlari mazkur kasblari haqida ma'lumotlar to'plash yuzasidan o'quvchilarga topshiriqlar berishi mumkin, suhbatlar hikoya qilib berish, fotosuratlarini namoyish qilish, ta'limning texnik vositalarini qo'llanish bilan to'ldirishi mumkin. Informatika va hisoblash texnikasi imkoniyatidan foydalanish, ayniqsa, muhimdir [7, 68].

Darsning amaliy qismi mazkur kasbdagi odamlarning mehnati bilan bog'lansa, ayni muddao bo'lar edi. Masalan, tolali materiallar bilan ishlash bo'limini o'rgana turib, o'quvchilar bichiqchi kasbi bilan tanishadilar; turli choklash ishlarini bajarib, tugmalar qadab, kiyimlarni mayda tuzatish ishlarini ado etib, olgan ma'lumotlarini mustahkamlaydilar.

O'quvchilarni dasturda ko'zda tutilgan kasblar bilan tanishtirishdan tashqari, kasbini targ'ib qilish, ya'ni bolalarni ushbu hudud uchun zarur bo'lgan kasblar bilan tanishtirish, ularda yana shu kasblarga nisbatan hurmat-ehtiroمنى tarbiyalash, shu kasblarning jozibali jihatlarini ochib berish lozim.

Bu borada darslardan tashqari o'quv dasturida ko'zda tutilgan korxonalar qilinadigan ekskursiyalar katta rol o'ynashi mumkin. Kasbga yo'naltirish ishiga kompleks yondashish o'quvchilarni har tomonlama o'rganishni ham ko'zda tutadi. Bu tadbir o'quvchilar buyon ishlashning to'g'ri shakllari va metodlarini qidirib topishga yordam beradi. O'rganishni metodlar bilan o'tkazish, eng muhimi – bu ishni muntazam ravishda va sobitqadamlik bilan amalga oshirish kerak. Kuzatish – o'quvchilarni o'rganishning keng ommalashgan metodidir. Bu metod muayyan maqsadni ko'zlaydi, ish reja asosida olib boriladi, kuzatishning yakunlovchi natijalari qayd qilinadi. Mehnat ta'limi darslari kuzatish o'tkazish uchun keng imkoniyatlar yaratib beradi.

Diagnostik suhbatlar o'tkazish ham qo'llaniladi. Bunday suhbatlar yakka tartibda yoki jamoa tarzida o'tkazilishi mumkin. Quyi sinflarda o'tkaziladigan mehnat darslarida o'quvchilar faoliyati natijalarini tahlil qilish uchun yaxshi imkoniyatlar mavjud [5, 201]. Chunki mehnatning turli obyektlarini tayyorlash chog'ida har bir bolaning shaxsiy xususiyatlari g'oyat ravshan namoyon bo'ladi: bir xil bola texnik konstruktorni yaxshi biladi, ikkinchi xil bola tikishda

mahorat ko'rsatadi, uchinchi xil bola esa maktab uchastkasida o'z qobiliyatlarini namoyon etadi va h.k.

O'quvchilarning hujjatlarini va amaliy ish-harakatlarini tahlil qilish ham bola shaxsini o'rganishda o'qituvchiga yordam berishi mumkin.

O'quvchilarning shaxsini o'rganish ularni tarbiyalash bilan chambarchas bog'liqdir. O'qituvchi o'quvchining alohida xususiyatlarini payqab, unda mavjud iste'dod nishonlarini rivojlantirish metodlarini topa olishi, uning xulq-atvoridagi salbiy jihatlarni bartaraf etishi mumkin va h.k. Ba'zi bolalarda kasbga moyillik yaxshi namoyon bo'ladi, ko'pchilik bolalarda bu narsa birdaniga aniqlanmaydi.

O'qituvchining boladagi iste'dod nishonlarini aniq-

lashi, ularni qobiliyatini rivojlantirish va shakllantirishda ko'maklashishi muhimdir. Yuqorida ta'kidlab o'tilganidek, kasbga yo'naltirish ishi – o'quv jarayonining uzviy tarkibiy qismidir [8, 75]. Quyi sinflardan boshlanadigan bu ish jamiyat uchun zarur, har bir kishining xususiyatlariga mos kasblarga barqaror qiziqishni tarbiyalashga yordam beradi.

Mehnatga qiziqishning mavjudligi va mehnat qilishga shaylik – shaxs etukligining eng muhim ko'rsatkichlaridan biridir. Sinfdan va maktabdan tashqari ish o'quvchilarni kasb-korni ongli ravishda tanlashga, ularni ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirishga, moddiy ishlab chiqarish, fan, texnika borasida va shu kabi sohalarda ularda ishga qiziqishni shakllantirishga ko'p jihatdan yordam beradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. *Mehnat Kodeksi. O'zbekiston Respublikasining Qonun hujjatlari to'plami.* – T.: 2005 y., 37-38 - son.
2. *Mirziyoyev Sh.M. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta'minlash – yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi.* – T.: O'zbekiston, 2017. – 48-b.
3. *Mirziyoyev Sh.M. Erkin va farovon, demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz.* – T.: O'zbekiston, 2016. – 56-b.
4. *O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha xarakatlar strategiyasi to'g'risida".*
5. *Begimqulov U.Sh. Pedagogik ta'lim jarayonlarini axborotlashtirishni tashkil etish va boshqarish nazariyasi va amaliyoti. Ped. fan. dokt. ... diss.* – T.: 2007. – 305 b.
6. *Джурраев Р.Х., Тайлаков Н.И. Создание электронных учебников: теория и практика.* – T.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – 192 б.
7. *Закирова Ф.М. и др. Информатика и ИТ. Мет. пос., – T.: Алоқачи, 2007. – 198 б.*
8. *Захарова И.Г. Информационные технологии в образовании: Учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений.* – М.: Издательский центр "Академия", 2003. – 192 б.

“NEYTRONLAR FIZIKASI” FANINI O‘QITISHDA INTERFAOL USULLARDAN FOYDALANISH

Erkin Bozorov,

O‘zRFA Yadro fizikasi instituti “Yadro tibbiyoti” laboratoriyasi
bosh ilmiy xodimi, professor;

Asliddin Jo‘lilyev,

O‘zRFA Yadro fizikasi institute stajyor-tadqiqotchisi

Annotatsiya

Ta'lim sifatini oshirishda zamonaviy pedagogik texnologiyalarning o'zni muhim ahamiyatga ega. Pedagogik texnologiya – bu ta'lim oluvchi shaxsga yo'naltirilgan, demokratik hamda takrorlanuvchan o'qish natijalarini kafolatlaydigan ta'lim jarayonlarini loyihalash, amalga oshirish va baholashning tizimli metodi. Uning an'anaviy usullardan farqi, u talabalarning o'zlariga berilgan bilimni yodlab aytib berishga emas, balki ta'lim-tarbiya jarayonining yakunida konkret bir harakatlarni bajarishga yo'naltirilganligidadir. Maqolada Neytronlar fizikasi fanini o'qitishda ta'lim berishning interfaol usullarining qo'llanilishiga doir masalalar tahlil qilinadi. Dars mashg'ulotlarida talabalarning interfaol o'quv faoliyati haqida umumiy ma'lumot berilgan.

Kalit so'zlar: fizika, zarrachalar, proton, neytron, davlat ta'lim standarti, kasbiy vakolat, fundamental fanlar metodologiyasi, seminar.

Аннотация

Важна роль современных педагогических технологий в повышении качества образования. Педагогическая технология — это систематический метод разработки, реализации и оценки образовательных процессов, который гарантирует ориентированность на студента, демократичность и воспроизводимость результатов обучения. Его отличие от традиционных методов заключается в том, что он направлен не на запоминание учащимися данных им знаний, а в конце учебного процесса ориентируется на выполнение конкретных действий. Вопросы, связанные с применением методов анализируются. Общие сведения об интерактивной учебной деятельности учащихся даются на уроках.

Ключевые слова: физика, частицы, протон, нейтрон, государственный образовательный стандарт, профессиональный авторитет, методология фундаментальных наук, семинар.

Annotation

The role of modern pedagogical technologies in improving the quality of education is important. Pedagogical technology is a systematic method of designing, implementing, and evaluating educational processes that guarantee student-centered, democratic, and repeatable learning outcomes. Its difference from traditional methods lies in the fact that it is not aimed at students memorizing the knowledge given to them, but at the end of the educational process, they are directed to perform concrete actions [1]. issues related to the application of methods are analyzed. General information about the interactive learning activities of students is given in the lessons.

Key words: physics, particles, proton, neutron, state educational standard, professional authority, methodology of fundamental sciences, seminar.

Shuni aytish mumkinki, bugungi kunda oliy o'quv yurtlarida axborot maydoni samaradorlikni oshirish va sharoitlarni ta'minlash uchun mo'ljallangan, uning barcha tuzilmalarining o'zaro ta'sirini va o'quv jarayoni sifatini oshirishga xizmat qiladi. Ammo faqatgina talabalarning multimediyaga o'quv vositalarini joriy etish, materialni o'zlashtirish bilan-gina, ularning mustaqilligini faollashtirish mumkin emas, balki bo'lajak mutaxassisning ko'p qirrali mahoratlarini aniq tarzda to'g'ri shakllantirishdan iborat [2].

Neytronlar fizikasi fanini o'qitishning interfaol usullaridan foydalanish yuqori malakali mutaxassislarni yetishtirishga juda katta yordam berishi mumkin.

Dars mobaynida interfaol usullaridan foydalanilsa, talabalarda bilim, ko'nikma va malaka faoliyatini shakllantiradi, talabalarning faolligini ta'minlaydi, ya'ni o'quv jarayoniga qatnashish faollashadi, talabalarga hurmatni

namoyish etadi, do'stona munosabatlarni yaratadi [3].

Neytronlar fizikasi fanini o'qitishning samarali usullari:

1. (Ma'ruza-provokatsiya). Rejalashtirilgan xatolar bilan ma'ruza.

Fan o'qituvchisi ma'ruza mavzusini ma'ruza qilganidan so'ng unda nima qilinishini xabar qiladi, har xil turdagi ma'lum miqdordagi xatolar ya'ni, ular informatsion, uslubiy, xulq-atvorli va boshqalar. Ma'ruza oxirida talabalar xatolarini nomlashlari kerak. Ushbu ma'ruza tomonidan ishlab chiqilgan talabalarning kasbiy vaziyatlarni tezkor tahlil qilish, so'zlashish ko'nikmalarini rivojlantirish, to'g'ri yoki noto'g'ri ma'lumotlarni ajratish uchun mutaxassislarning roli bilan ma'ruzada rejalashtirilgan xatolar nafaqat funktsiyani rag'batlantirish, balki boshqarish kerak. Oldindan talabalarning mavzuga tayyorgarlik darajasini baholash mumkin va u, o'z navbatida, materi-

alda ularning yo'nalish darajasi tekshiriladi. Xatoliklar sistemasi yordamida o'qituvchi kamchiliklar, muhokama qilish paytida ularni tahlil qilgan holda talabalar bilan o'quv materialining tuzilishi va uni o'zlashtirishning qiyinchiliklari haqida tasavvurga ega bo'ladi.


Misol uchun "Neytron fizikasiga kirish" mavzusini talabalarga quyidagicha yetkazadi va tushuntiradi: "Neytron" – elementar zarracha va uning holatdagi massasi $m_n=1.008665$ m.a.b va spini $s_n = \hbar/2$. "Proton" – elementar zarracha va uning tinchlikdagi massasi $m_p=1.007247$ m.a.b va spini $s_p = \hbar/2$. Neytron va protonlar atom yadrosini tashkil qiladigan zarralar xisoblanib umumiy nomi "Nuklonlar" deb ataladi [4,5].

1-jadval


neytron		proton	
massa	spin	massa	spin
$m_n=1.007247$ m.a.b	$s_n = \hbar/2$	$m_p=1.008665$ m.a.b	$s_p = \hbar/2$

Ushbu 1-jadvalda neytron va proton massalari o'rinlari almashtirilgan holda rejalashtirilgan xatolik sifatida berildi.


2. Ma'ruza-vizualizatsiyasi. Ma'ruzaning ushbu turi talabalar ko'z oldida namoyon ettirish prinsipidan yangicha foydalanish natijasi hisoblandi. O'qituvchi tomonidan ma'ruza materiallarini ko'rgazmali slaydlar va multimedia yordamida tayyorlanadi. Bular esa talabalarni mavzuni chuqurroq tushunishlariga va tasavvur etishlariga juda kata yordam beradi. Misol uchun, Neytral geliy atomi diagrammasi. Uning protonlari va neytronlari yadroda, elektronlari esa yadro atrofidagi "orbitalda" joylashgan (1-rasm). Litiy atomi planetar model yordamida ko'rsatilgan. Elektronlar yadro atrofida halqa shaklidagi orbitalarda joylashgan (2-rasm). Zanjirli bo'linish reaksiyasi (3-rasm).



1-rasm. Geliy atomi



2-rasm. Litiy atomi



3-rasm. Zanjirli bo'linish reaksiyasi

3. Ma'ruza davomida talabalar bilan suhbat jarayoni. Guruhdagi faol talabalarga nisbatan nofaol talabalar ni ta'limga faol jalb qilishning keng tarqalgan shaklidir. Ushbu shakldagi ma'ruzada o'qituvchining tinglovchilar bilan aloqasi to'g'ridan-to'g'ri qabul qilinadi. Tinglovchilarning ma'ruza-suhbatdagi ishtiroki turli xil usullar bilan, axborot va muammoli xarakterga ega bo'lishi, savol-javoblar, talabalarning ma'lumotlarni idrok etishga tayyorlik darajasini bilish orqali ta'minlanishi mumkin. Masalan, ma'ruza paytida "neytron va atom yadrolarining xususiyatlari" mavzusiga o'qituvchi tomonidan talabalar-ga quyidagi savollar bilan murojat qilish mumkin:

- Atom yadrosi qanday zarralardan tashkil topgan?
- Izotoplar, izobarlar va izotonlar farqini tushuntirib bering?
- Yadroning bog'lanish energiyasi formulasini yozib bering?
- Yadro radiusi nechga teng?

Yuqoridagi kabi savollar butun guruh talabalariga beriladi va faol bo'lgan talabalar joylaridan turib javob berishlari mumkin. O'qituvchi savollarni bir nechta talabalarga yoki talabaning aynan o'ziga berishi mumkin. Savollarni iloji boricha ma'ruzaga tayyorlanish jarayonida shakllantirish tavsiya etiladi, shu asnoda vaqt tejiladi va aniq javoblar beriladi.

Bilimlardan professional foydalanish – bu fan tilini erkin egallashi, ravonlik, tariflar, tushunchalar bilan aniq amallar o'tkazishdan iborat.

Neytronlar fizikasi kursini o'rganishda yuqoridagi usuldan foydalanish talabalarning o'rganilayotgan fizik hodisani chuqurroq anglash uchun motivatsiyasini, ularning bilim faolligini yanada oshiradi, mavzu bo'yicha qo'shimcha ma'lumotlar olish, o'qishni ijodiy jarayonga aylantirgan holda izlanishlarni rag'batlantiradi.

Ta'lim standartiga muvofiq ma'ruzalarni o'zlashtirgan bitiruvchi yoki mutaxassis tegishli vakolatlar, kasbiy mahoratga ega bo'lishi kerak. Talabalarning amaliy faoliyatini aktualashtirish – ta'lim muassasalari o'quv strukturalari uchun murakkab vazifa hisoblanadi. Bu murakkab vazifani hal qilish uchun va talabalarning xususiy individual ishlashlari uchun moddiy-texnik baza, yetarli miqdordagi texnik vositalar va adabiyotlar zarurdir. Bundan

tashqari, ta'lim muassasalari o'quv tuzilmalarining auditoriya fondi muassasaga amaliy o'quv faoliyatini tashkil etishlari uchun ruxsat berilishi lozim.

Oliy ta'lim muassasalarida davlat tomonidan belgilanadigan shartlar davlat ta'lim standarti, uni tashkil etishga yangi kontseptual yondashuvlar zarur. Fundamental fanlarning ilmiy tadqiqot uslubiyati potentsialidan foydalanish imkonini beruvchi kontseptual yondashuv talabalarning amaliy o'quv faoliyatini tashkil etishning, jumladan, neytron fizikasi asoslari fanini o'rganish asosi sifatida taklif etiladi [6].

Taklif etilgan konsepsiyaning sinovi (approbatsiyasi) M.Ulug'bek nomidagi O'zMU Fizika fakultetida Yadro fizikasi yo'nalishidagi talabalar sinovdan o'tmoqdalar. Talabalar uslubiy ko'rsatmalardan va kafedra o'qituvchilari tomonidan tayyorlangan materiallardan foydalanadilar.

Taqdim etilgan kontseptual yondashuvning istiqbolligi va potentsiali shundanamoyon bo'ladiki, "talaba-o'qituvchi" ilmiy tadqiqot munosabati talabalarning keyingi ilmiy ishiga muvofiqiyatli bo'lishiga yordam beradi.

Yuqorida ta'kidlab o'tilgan interfaol o'qitish usullari, mutaxassislarining ta'lim dasturida belgilangan kasblarini yaxshi o'zlashtirishlariga imkon beradi. Interfaol o'qitish usullari orqali dars mashg'ulotlarini olib borish o'zaro fikr almashinuvi bilan bog'liq bilimni rivojlantiradi, jamoat ishlarini faollashtiradi va bu bo'lajak mutaxassislarining kasbga oid qiziqishlarini shakllantirishda zaruriy tashkil etuvchi bo'lib hisoblanadi. Ushbu o'qitish uslublarining qo'llanilishi interfaol format talablarni ko'zda tutilgan fanlar bo'yicha tayyorlash davrida muddati uzaytirilgan bir qator tadqiqot loyihalarida talabalarning uzviy bog'langan va mustaqil o'quv faolligini birlashtirish imkonini beradi. Interfaol shaklini va usullarini ta'lim jarayoniga tatbiq etish asnosida, o'qitish va o'qish motivatsiyasi ko'tariladi, shaxsga yo'naltirilgan o'qitish modeli amalga oshiriladi.

Ushbu maqolada № AM-PZ-2019062031 "Yadro energetikasi", "Yadro tibbiyoti va texnologiyalari", "Radiatsion tibbiyot va texnologiyalar" fanlari bo'yicha bakalavr va magistr uchun multimedia darsliklarini yaratish nomli innovatsion loyiha doirasida yozib tayyorlangan materiallarning pedagogik tahlili asosida yozilgan bo'lib, darsliklar mualliflariga minnatdorlik bildiramiz.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Azixo'jayeva N.N. *Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat*. – T.: O'zbekiston yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2006.
2. N.X. Avliyoqulov, N.N. Musayeva. *Pedagogik texnologiya*. – T., 2012.
3. Беспалько В.П. *Педагогика и прогрессивные технологии обучения*. – М.: ИРПО, 1995.
4. Стогов Ю.В. *Основы нейтронной физики: Учебное пособие*. – М.: МИФИ, 2008. – 2-4-стр.
5. Министерство образования и науки Российской Федерации Санкт-Петербургский Государственный политехнический университет Кафедра экспериментальной ядерной физики В.В. Федоров. *Нейтронная физика 2004*, – 334 с.
6. M. F. Akhmadjonov. (2022). *APPLICATION OF INTERACTIVE METHODS IN THE TEACHING OF «MEDICAL ELECTRONICS» SUBJECTS IN HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS. CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PEDAGOGICS*, 3(08), 5–10. <https://doi.org/10.37547/pedagogics-crjp-03-08-02>

CLUSTERIZATION OF EDUCATIONAL SYSTEM: THE PRINCIPLE OF CONTINUITY IN EDUCATION AS A PEDAGOGICAL ISSUE

Kushieva Nodira Khabibjonovna
UzSWLI Dsc Doctorate

Annotation. *The article studies the present stage of development of pedagogical scientific discussion, its conceptual apparatus and its constantly developing, during which there is a refinement, rethinking and expansion of new categories of the main categories of pedagogy. Such a change in the pedagogical concepts of the foundation as a generalization of the material of modern science also bears fruit in fact scientific thinking, caused by significant changes in the socio-cultural orientations of society. However, an important point in the development of pedagogical categories is the consideration, study and application of the material that caused this evolution of concepts in the history of domestic and foreign pedagogy, psychology and methodology.*

Key words: *pedagogy, development of pedagogical categories, clusterization, continued education.*

Annotatsiya. *Maqolada pedagogik ilmiy munozara rivojlanishining hozirgi bosqichi, uning kontseptual ahamiyati va uning doimiy rivojlanib borishi o'rganiladi, shuningdek pedagogikaning asosiy toifalarini takomillashtirish, qayta ko'rib chiqish va kengaytirish amalga oshiriladi. Jamiyatning ijtimoiy-madaniy yo'nalishlaridagi sezilarli o'zgarishlar tufayli zamonaviy fan materialini umumlashtirish sifatida poydevorning pedagogik tushunchalarining bunday o'zgarishi haqiqatda ilmiy tafakkur uchun ham o'z samarasini beradi. Biroq, pedagogik kategoriyalarni ishlab chiqishda muhim nuqta - bu mahalliy va xorijiy pedagogika, psixologiya va metodologiya tarixidagi tushunchalarning evolyutsiyasiga sabab bo'lgan materialni ko'rib chiqish, o'rganish va qo'llash muhimdir.*

Kalit so'zlar: *pedagogika, pedagogik kategoriyalarni rivojlantirish, klasterlashtirish, uzluksiz ta'lim*

Аннотация. *В статье исследуется современный этап развития педагогической научной дискуссии, ее понятийный аппарат и постоянно развивающаяся, в ходе которой происходит уточнение, переосмысление и расширение новых категорий основных категорий педагогики. Такая смена педагогических концепций основания как обобщение материала современной науки приносит свои плоды и в собственно научном мышлении, вызванном существенными изменениями в социокультурных ориентациях общества. Однако важным моментом в разработке педагогических категорий является рассмотрение, изучение и применение того материала, который обусловил эту эволюцию понятий в истории отечественной и зарубежной педагогики, психологии и методики.*

One of the most rapidly developing categories of pedagogy can be considered the category of «continuity». This pedagogical category is currently undergoing significant changes associated with the ongoing reform of the education system.

Ключевые слова: *педагогика, развитие педагогических категорий, кластеризация, непрерывное образование.*

Introduction. The methodological and theoretical level of local and foreign pedagogical science is largely determined by how thoroughly, deeply and objectively the concepts of teaching major local and foreign scientists, their worldview foundations and, accordingly, content are analyzed within its framework.

In order to understand the essence and specificity of the continuity of the learning process in the system of lifelong education in modern conditions, it is necessary to consider the main methodological and theoretical provisions related to the concepts of "continuity", to study domestic and foreign heritage, to give a critical analysis of what has been considered and to creatively use everything valuable in the study.

Research methodology. The problem of continuity in education arose in connection with the need to transfer to subsequent generations the social experience accumulated by previous generations of mankind. People of each subsequent generation are included in life, in the world of objects and relationships, signs and symbols, using the valuable experience of their predecessors.

Thus, succession in most cases is understood as the

process of transferring something from the previous stage of development to the next. However, continuity does not come down to a simple repetition of certain properties and tendencies of the old, but involves their transfer from the past to the present in a modified, transformed form. Under the conditions of the new, the old invariably undergoes some changes, the depth of which depends on the specific conditions for the emergence of the new. Continuity acts not as a random process, but as a necessary, natural phenomenon that ensures the progressive nature of development [7; p.23].

Being at the same time a philosophical category, the concept of continuity is of a general scientific nature and acts as one of the sides of the law of negation of negation. Dialectical negation acts as the result of all previous development, the "removal" of the previous stage of development with the retention of everything valuable and positive that was created at the previous stages of development [7; p. 13].

The concept of "continuity in learning" is connected with the philosophical concept of continuity. Its meaning in the Pedagogical Encyclopedia is specified as follows: "Continuity in education consists in establishing the necessary connection between parts of educational material

at different stages of its study" [7; p.365].

The psychological and pedagogical basis for understanding the problem of continuity in education is the teaching of IP Pavlov on higher nervous activity. The scientist proved that the basis of human mental development is an endless series of interrelated and interdependent reflexes, temporary connections of the first and second signal systems. In the process of development, the previously acquired connection is not only not lost, but, entering the system of new connections, it is strengthened, generalized and creates conditions for continuity in the development and deepening of knowledge.

Based on the teachings of I. P. Pavlov about a dynamic stereotype (system of connections), B. GRAM. Ananiev reveals the mechanism of priority in learning. And in his work, the author says that continuity in learning cannot be interpreted only as a certain subsequent presentation of knowledge in programs and textbooks and I transfer knowledge to students in the classroom. B.G. Ananiev connects predominance with the need for the gradual formation of a future integral and active figure, and considers the formation of common actions to be a condition for the implementation of predominance. Thus, he clearly defines the multifunctionality of the predominant development of students' knowledge in the learning process. Some knowledge is a support, "reinforcement" for Drubix, requiring a deeper analysis and broader generalization, while others, more complex and later formed knowledge, constitute the conditions for the "practice" of the previously established ones. B. GRAM. Ananiev noted that he excels in learning at every lesson when the new is connected with the previously studied; when moving from lesson to lesson, i.e. in the system of lessons; during the transition from one year of study to another, from one training station to a shift station with him, etc., showing its universal pedagogical character [4; p.31].

B.G. Ananiev singled out three aspects of continuity that ensure the successful progress of the student through the stages of education:

1. A certain sequence of presentation of knowledge in programs, textbooks, methodological manuals that are given to the teacher;

2. The work of the teacher in the lesson, which determines the learning process;

3. The system of work of teachers of higher and secondary schools, which ensures the development of the fundamental component of education.

Consequently, the problem of continuity appears as a problem of a holistic educational process. B.G. Ananiev characterizes continuity as a connection between the development of the student, his knowledge and personality traits in unity. At the same time, the didactic aspect of continuity is analyzed only as a relatively independent side of a holistic process.

Particular interest for the study of the problem of succession are the works of L. S. Vygotsky. He believed that "every new stage in the development of communication is based on a generalization of the previous stages. A new stage of generalization arises only on the basis of the previous one. He experimentally established that the previous mental activity does not disappear "in vain", but is included, as it were, in the work of the child's mental activity [5; 323-421]. Of particular interest for the study of the problem of continuity are the works of L. S. Vygotsky. He believed that "every new stage in the development of communication is based on a generalization of the previous stages. A new stage of generalization arises only on the basis of the previous one. He experimentally established that the previous mental activity does not disappear "in vain", but is included, as it were, in the work of the child's mental activity [5; 323-421].

Since the continuity of the assimilation of knowledge is carried out on the basis of a transition from a less complex level of associations to a more complex one, then the generalization of these associative connections by including them in higher-order connections is a necessary psychological condition for continuity.

An analysis of the works of outstanding teachers shows that the problem of continuity in education occupies an important place in the system of their pedagogical views. So, Ya. A. Comenius considers continuity as a principle of learning, based on the age characteristics of human development, his cognitive activity. Ya. A. Comenius presents the learning process as a single path of cognition, the gradual development of diverse knowledge, which should have begun with the basics of general education, but in such a way that "the previous always opens the way for the next and illuminates the path for it" [8; p.257]. Thus, Ya. A. Comenius thought to create a solid foundation for the continuity of education. This approach corresponded to the understanding of learning as a single path of cognition, the gradual development of diverse knowledge from a single common root, where each new knowledge was considered as an organic build-up to the fund of knowledge already in the mind.

Another well-known teacher J. G. Pestapozzi derived continuity in learning from the inner nature of man. The learning process according to I. G. Pestalozzi, "the movement of knowledge from vague unsystematized ideas to certain perceptions, ideas, clear concepts", i.e. he associated continuity with such concepts as "continuity" and "graduality"[9; 193-329].

In Russian pedagogical thought, the problem of continuity in education was also widely considered. For example, K. D. Ushinsky considered continuity in teaching to be one of the most important principles, which manifests itself in the connections of the learned and studied material. K. D. Ushinsky represented the assimilation of know-

ledge as a process of establishing links between old and newly acquired knowledge, regardless of the subject and when they were acquired.

In the works of Sh. I. Ganelina, A. A. Lyublinskaya, I. E. Gnatenko and others we find a more complete and refined definition of continuity. They define continuity as a reliance on the past, the further development of existing knowledge, skills, in which students create a variety of connections, old and new knowledge interact, as a result of which they form a system of strong and deep knowledge, while the necessary condition is consistency and the connection of all stages of educational work, which contribute to improving the quality of children's education, the strength and awareness of their knowledge.

According to M.I. Makhmutov, the place of any didactic principle in the structure of the learning process is between the goal and the means to achieve it. The principles interpret the goal, specify it and make it more accessible for connection with the content, methods, forms of education.

Since the principle of continuity is a category of didactics, it must meet certain criteria: 1. The criterion of instrumentality, which consists not only in the transition to a continuous study of the subject in an upward spiral in conjunction with other disciplines, but also in a radical restructuring of the very nature of education. From the development and memorization of the material, the learning process turns into the acquisition of knowledge in order to deeply understand the scientific essence of the ongoing processes. General theoretical, general technical and humanitarian disciplines become consciously necessary, interesting, because without them it is impossible to understand the issues of the specialty. 2. The criterion of universality consists in covering all cycles and stages of education, in combining all its components into a single system, as well as in regulating relationships with systems external to education. 3. The criterion of independence, characterized by the peculiarities of its functions and requirements for the organization of the learning process. The functions of this criterion can be divided into methodological, related to the theory of organization of the learning process, and regulatory, reflecting the issues of the practice of its implementation.

It is customary for scientists to refer to regulatory functions as follows: a structurally meaningful function that reflects the direction of changes in the structure of the content of education in order to ensure conditions for achieving the integrity of the results of its development; subordinate function associated with the hierarchical subordination of the components of the pedagogical system, changing the nature of the relationship between them; a coordinating function, expressed in the interaction of the activities of teachers of various disciplines, stages, levels of education.

It follows from the foregoing that the principle of con-

tinuity in education appears in two aspects - methodological and general didactic. Let us consider the essence of the methodological aspect of the principle of continuity.

Many researchers rightly believe that continuity is inherent in any cognitive process, including its form, which is implemented in school and university education. So, V.P. Zhukovsky notes that since continuity is the essence of development, it is important to reveal its manifestation in relation to all components that form the educational process. He rightly considers continuity as a principle designed to ensure the progressive, spiral development of educational knowledge [6; p.30].

S. M. Godnik, from our point of view, correctly emphasizes the universal significance of this principle for achieving the laws of the educational process, for resolving its contradictions, and implementing its logic [10; p.52]. Indeed, the principle of continuity is most often interpreted in philosophical literature as one of the sides of the law of negation of negation, which reveals the general direction of development. The process of development is an endless chain of dialectical negations of the old by the new. The emerging and affirming new retains in its content the positive elements, aspects and properties of the old. In the process of development, at its higher levels, there occurs, as it were, a return to the old, a repetition of certain aspects and features of the process, aspects and features that took place at the lower levels. The process of development as a whole appears in the form of a progressive, progressive transition from the old to the new, from the less perfect to the more perfect. Thus, the development of something through negation, which means the growth and strengthening of the rudiments of the new, the adaptation to the needs of the new of the positive elements of the old, the withering away, the disappearance of everything that becomes a brake, hinders development, and forms, on the whole, a progressive process as the main trend in the development of nature, society and thought. However, continuity as a methodological principle reflects not only one of the sides of the law of negation of negation. It also has manifestations of the law of transition of quantitative changes into qualitative ones.

Depending on the types of development, two forms of continuity can be distinguished: at one level and at different levels. Continuity at one level is associated with quantitative changes. Continuity at various levels is characteristic of qualitative changes. Within each level, successive links (both vertical and horizontal) can be traced. Successive horizontal links can be traced in the dynamics of the educational process: we mean the continuity of the school and kindergarten, individual levels of the school, university and secondary general education, secondary special school. Vertically, successive links can be traced between individual academic subjects, types of educational and extracurricular work [10;p.52-53]. As noted by

S. M. Godnik, the features of continuity are its diversity, multidimensionality and multifactoriality. The author, from our point of view, correctly highlights the universal significance of this principle for resolving the contradictions of the educational process, for observing its logic.

Conclusion. Development proceeds through the gradual accumulation of quantitative changes and their transition at a certain stage into fundamental qualitative changes. If quantitative changes occur through gradual accumulation, then the transition to a new qualitative state is carried out in the form of a jump. The specificity of the nature of qualitative changes in a process or phenomenon determines the manifestation of the main forms of continuity: the new continues the old through the transition of quantita-

tive changes into qualitative ones; the gradual approval of the new in the form of a multi-stage leap, including a number of intermediate qualitative leaps; each of the leaps is prepared by the previous development and creates the conditions for a new subsequent leap; the gradualness and form of the transition from the old quality to the new presupposes rapid quantitative growth, high rates, and acceleration. An important role in understanding the essence of continuity is played by the dialectical law of unity and struggle of opposites. This law explains the source of movement and development of objects, processes, phenomena. The mechanism for implementing continuity in learning is explained by the action of this particular law in resolving contradictions in educational cognition.

REFERENCES:

1. Measures for further development of the higher education system were completed. Uzbekistan Republican Presidential Decision PQ-2909. April 20, 2017.
2. On measures to further improve the quality of teaching foreign languages in educational institutions. Resolution No. 610 of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan. July 11, 2017
3. Common European Framework of Reference for Languages: learning, teaching, assessment. - Cambridge University Press, 2001. - 261 p.
4. Ananiev B.G. On continuity in education / B.G. Ananiev // Pedagogy: Min. sample
5. Vygotsky L.S. Pedagogical psychology / Ed. V.V.Davydova-M.: Pedagogy-press.
6. Dolzhikova R.A. Continuity of education of children in preschool educational institution and elementary school: Abstract of the thesis. Ph.D. ped. Sciences: 13.00.01. / KGU. – Kurgan
7. The process of succession of higher and secondary schools / S.M. Yearbook. - Voronezh: VSU Publishing House
8. Comenius Y.A. Selected pedagogical works. M.: Pedagogy.
9. V.M.Klarin, A.N.Dzhurinsky - M.: Pedagogy.
10. Godnik S.M. The process of succession of higher and secondary schools / S.M. Yearbook. - Voronezh: VSU Publishing House.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА КРЕДИТ-МОДУЛЬ ЖАРАЁНИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

Гулноз Мардиева,
Педагогика фанлари номзоди, доцент

Аннотация

Ушбу илмий мақолада Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимининг кредит-модуль тизимига ўтиш жараёнлари, фаолият давомида юзага келган муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар ҳамда таълим сифатига таъсир этувчи факторлар таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: олий таълим, кредит-модуль, бакалаврият, магистратура, академик таълим, ахборот тизими, педагог, талаба.

Аннотация

В данной научной статье анализируются процессы перехода системы высшего образования Республики Узбекистан на кредитно-модульную систему, проблемы, возникшие в ходе деятельности и рекомендации по их устранению, а также факторы, влияющие на качество образования.

Ключевые слова: высшее образование, кредитно-модульный, бакалавриат, магистратура, академическое образование, информационная система, преподаватель, студент.

Annotation

This scientific article analyzes the processes of transition of the higher education system of the Republic of Uzbekistan to a credit-modular system, the problems that have arisen in the course of activities and recommendations for their elimination, as well as factors affecting the quality of education.

Keywords: higher education, credit-modular, bachelor's degree, master's degree, academic education, information system, teacher, student.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги “Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 824-сонли қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ, ўқув жараёнига кредит-модуль тизими жорий этилган бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг маляка талаблари, ўқув режаси ва фан дастурлари такомиллаштирилди, ўқув жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этишнинг ташкилий масалаларига тааллуқли ҳужжатлар намуналарини ишлаб чиқилди ва “Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этиш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланди.

Ушбу ҳужжатга кўра, олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этиш тартиби, таълим дастури тузилмасига қўйиладиган талаблар, ўқув жараёнини режалаштириш, мониторинг олиб бориш ва таълим сифатини таъминлаш бўйича кўрсатмалар, академик мобиллик ва кредитларни тан олиш тартиблари, баҳолаш, баҳоларни конвертация қилиш бўйича йўриқнома, кредит-модуль тизимида рўйхатга олиш хизматини ташкил этиш, талабаларни ўқишдан четлаштириш, қайта тиклаш, курсдан курсга ўтказиш механизмлари ҳамда олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига кредит-модуль тизимини босқичма-босқич жорий этиш схемаси амалга киритилди [1].

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўтган ўқув йили ва жорий ўқув йилидаги кредит-модуль тизимида амалга оширилаётган ишлар сарҳисоб қилинганда, ютуқлар билан бир қаторда, камчиликлар ҳам борлиги кўриниб қолмоқда [2]. Тизимда олиб борилаётган ислохотлар билан бирга, камчиликлар ҳам сақланиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2022 йил 15 августдаги “Кредит-модуль тизими бўйича семинар-тренинг ўтказиш тўғрисида”ги 268-сон буйруғи ва бир қатор топшириқлар асосида Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларида жойлашган олий таълим муассасаларида кредит-модуль тизимини жорий этилганлик ҳолати ўрганилган.

Ўрганиш давомида Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларида кадр тайёрланаётган 31 та олий таълим муассасаларида кредит-модуль тизими бўйича камчиликлар аниқланиб уларни бартараф этиш юзасидан семинар-тренинглар ўтказилган.

Кредит-модуль тизимини амалга жорий этилиши орқали олий таълим муассасаларида эришилаётган ижобий кўрсаткичлар:

- талабаларнинг аудитория соатларидан кўра кўпроқ мустақил билим олиши учун кенг имконият яратилганлиги;

- ОТМларда кредит-модуль ва НЕМИС ахборот тизимининг қўлланилиши натижасида барча жараён-

ларнинг очиклиги ва шаффофлиги таъминланмоқда;

- ОТМ педагог-ходимлари ва талабалар ҳақидаги маълумотларнинг марказлашган базасини ташкил қилиниши тегишли тартибда ҳисоботларни олиш ва улардан фойдаланиш имконини беради. Масалан: талабаларнинг демографик маълумотлари, яшаш тарзи, турар жойи, ижтимоий аҳволи, шахсий ютуқлари ҳақидаги маълумотларнинг барчаси платформага киритилади. Бу илмий, маънавий ва маърифат, ўқув бўлимларининг маълумотларни ўз вақтида ортикча вақт сарфламасдан олиш имконини беради;

- дарс жадвалларининг NEMIS ахборот тизимида яратилиши талаба ва ўқитувчилар учун ҳам қулайликлар келтириб чиқаради.

NEMIS ахборот тизимида ўқув жараёни ҳужжатларини рақамлаштириш орқали қуйидаги ҳужжатлар учун маблағлар ва вақт тежалди:

Талабалар учун бир ўқув йилида камида 3500-4000 дона рейтинг дафтларчалари, 1100 дан ортик гуруҳлар учун ҳар бир ўқув йилида 2 та, жами 2200 дона гуруҳ журнали, рейтинг қайдномалари ҳар семестрда 5 блок (25 кадоқ) қоғоз ва бошқалар;

- талабалар ўқиши тўғрисидаги ҳужжатларни онлайн тарзда мустақил олади;

- битирувчи курс талабалари учун айланма варақанинг ортикча вақт сарфламасдан юритилиши;

- битирувчи талабаларнинг дипломи ва иловаларнинг онлайн шаклланиши каби ишларни амалга оширишда кўплаб қулайликлар беради.

Олий таълим муассасаларида кредит-модуль тизими татбиқ этишда учраган қийинчилик ва муаммолар;

- профессор-ўқитувчиларнинг ўқув юкламалари ҳажми юқорилигича қолмоқда;

- амалдаги талабаларнинг билимини баҳолаш мезони ва стипендия тўлаш низоми кредит-модуль тизимида мос келмаслиги;

- кредит-модуль тизими бўйича ягона меъёрий ҳужжатнинг мавжуд эмаслиги;

- ОТМларга ўқув режаларни мустақил ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ваколати берилиши оқибатида талабаларнинг ўқишини кўчириш жараёнида фанлар фарқининг кўп чиқиши;

- профессор-ўқитувчиларнинг кредит-модуль тизимида фаолият юритиш бўйича касбий маҳорати етишмаслиги.

Аниқланган муаммоларни бартараф этиш, шунингдек, олий таълим ташкилотларида таълим жараёнини янада такомиллаштириш бўйича тизимда қуйидаги фаолиятга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

биринчидан, олий таълим ташкилотларида таълим жараёнини кредит-модуль тизими асосида ташкил этиш, таълим сифатини ошириш учун:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 824-сон қарори билан

тасдиқланган “Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этиш тартиби тўғрисида” низомга;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 9 августдаги 19-2018-сон буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисида” низомга (Адлия вазирлигининг 3069-рўйхати);

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 10 сентябрдаги 20-2018-сон буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув юкламаси ҳамда ўқув-услубий, илмий тадқиқот ва “устоз-шогирд” ишларини белгилаш қоидалари”га (Адлия вазирлигининг 3076-рўйхати) ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш зарур.

иккинчидан, талабаларнинг академик мобиллигини таъминлаш мақсадида таълим соҳалари бўйича ўқув режаларни ОТМлар биргаликда келишган ҳолда ишлаб чиқиши лозим.

учинчидан, профессор-ўқитувчиларнинг кредит-модуль тизимида фаолият юритиш бўйича касбий маҳоратини ошириш мақсадида Республика Олий таълим муассасалари ҳамда хорижий давлатларнинг етакчи ОТМлари билан ўзаро тажриба алмашиш ишларини кенг йўлга қўйиш.

Кредит-модуль тизимида ўтишда бир қатор муаммоли жиҳатларга эътиборимизни қаратишимиз ва бу тизимнинг афзаллик жиҳатларига урғу бериш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, талабанинг умумий юкламаси аудитория ва мустақил таълим юкламаларидан иборат. Амалдаги таълим тизимида аудитория юкламаларига катта эътибор қаратиб келинмоқда, лекин мустақил иш турлари ҳали оммалашмаган. Кредит тизимида, энг аввало, талабанинг мустақил ишига жиддий эътибор қаратилади.

Кредит бу баҳо эмас, балки иш ҳажми ҳисобланади. Масалан, талаба 5 кредитлик фанни ўзлаштирган бўлса, у 5 кредит ҳажмидаги ишни бажарган ҳисобланади, яъни у ушбу фаннинг маърузаларида, амалий ва лаборатория машғулотларида қатнашган, мустақил иш топшириқларини бажарган ҳисобланади. Демак, бу фанни ўзлаштирган талаба уни қандай баҳога ўзлаштирганидан қатъи назар, у 5 кредитни қўлга киритади.

Кредит-модуль тизимининг мазмун-моҳиятини очиб беришда уни фақат “кредит” ва “модуль” атамалари орқали изоҳлаш етарли бўлмайди. Бу атамалар уни ихчам номлаш учун қўлланилган, холос. Биз кредит-модуль тизимининг моҳиятини бошқача усулда очиб бермоқчимиз. Яъни биз китобнинг яратилишига асос бўлган тамойиллар, кредит-модуль тизимининг

амалдаги таълим тизимидан фарқ қилувчи жиҳатлари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Кредит-модуль тизимининг асосий тамойиллари ва элементлари қисман Ўзбекистон олий таълим тизими татбиқ қилинган. Шундай экан, кредит-модуль тизимининг фақат биз учун янги бўлган ва амалдаги таълим тизимида мавжуд бўлмаган қуйидаги жиҳатларига эътибор қаратишимиз лозим:

- кредит талабанинг иш юкмасини характерловчи бирликларига тўғри келадиган рақамли қиймат бўлиб, академик таълимнинг тўлиқ бир йилини тугатиш учун ҳар бир курсда талаб қилинадиган ишларнинг умумий ҳажмига нисбатан талаб қилинадиган иш ҳажмини акс эттиради, яъни маърузалар, амалий мақолалар, семинарлар, мустақил ишлар (лаборатория, кутубхона ёки уйда), шунингдек, имтиҳонлар ёки билимларни назорат қилишнинг бошқа шакллари қамраб олиши;

- кредитлар талаба юкмасининг мутлақ қийматларига кўра нисбий бўлиб, курснинг йиллик юки (меҳнат интенсивлиги) ОТМ миқёсида ёки факультет миқёсида кредитлар миқдори қанча эканлигидан келиб чиқиши лозим.

ECTS тизимининг қонунчилик асоси 3 та асосий сифат ҳужжатларидан иборат:

- ахборот пакети;
- таълим олиш учун шартнома (университет ва талаба ўртасида);
- билимларни баҳолашни рўйхатдан ўтказиш; университетнинг ўзи томонидан талабалар ва бошқа университет билан ҳамкорлик тўғрисида икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар тузиш учун асос яратиш мақсадида белгиланади.

Ахборот пакети – кредит-модуль тизими фаолият кўрсатадиган университет ахборот пакетини тайёрлайди, ҳар йили янгиланади. Унда ушбу университетда мавжуд бўлган барча курсларнинг тавсифлари, университет ҳақида умумий маълумотлар, унинг жойлашган жойи, талабалар турар жойи, рўйхатдан ўтиш учун зарур бўлган маъмурий тартиб-таомиллар ва академик тақвим мавжуд. Шунингдек, маълумот тўпламига қабул қилиш тартиби, курсларнинг турлари, ўқиш усуллари ва технологиялари, кредитлар миқдори ва уларнинг тузилиши, ўқиш курсларини ўтадиган факультетлар ва кафедраларнинг номлари киритилади.

Имтиҳонларни ўтказиш ва битиргандан сўнг билим, даражаларни баҳолаш шартлари ҳам пакетга киритилади. Пакет икки тилда – расмий ва бошқа алоқа тилларда тайёрланиши мумкин. Бундай ҳолда, талаба белгиланган шаклдаги аризани тўлдиради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрьдаги 824-сонли қарори / <https://lex.uz/uz/docs/5193564>.
2. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 15 августдаги “Кредит-модуль бўйича семинар-тренинг ўтказиш тўғрисида”ги 268-сонли буйруғи.
3. Ўринов В. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси олий таълим ташиқлотларида ECTS кредит-модуль тизими: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т., 2020. – 99 б.
4. Махманов У. Кредит-модуль тизимида талабаларнинг мустақил ишларини ташиқил этиши ва назорат қилиш технологияси / <https://ppmedu.jspi.uz › article › download>
5. Усмонов Б.Ш., Хабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташиқил қилиш. –Т., 2020. – 120 б.
6. Акбарова С. Таълимнинг кредит-модуль тизимида талабаларнинг мустақил ишлашининг аҳамияти / <https://inlibrary.uz/index.php/zidmrt/article/view/5239>
6. Мустафақулов Ш., Султанов М. Кредит-модуль тизимида ўтиш нима учун керак? Мақсад, моҳият ва афзаллик / Халқ сўзи, 2020 йил 5 август.
7. Мухаммаджонова М. Кредит-модуль тизими ва унинг Ўзбекистон таълим тизимида жорий этилишининг айрим жиҳатлари / Journal of Advanced Research and Stability IN/2022. -357-361 б.
8. Колдаев В. Д. Кредитно-модульная система организации учебного процесса при моделировании индивидуальных образовательных траекторий / <https://cyberleninka.ru/article/n/kreditno-modulnaya-sistema-organizatsii-uchebnogo-protssessa-pri-modelirovanii-individualnyh-obrazovatelnyh-traektoriy->

РАЗВИТИЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ БУДУЩИХ ЛОГОПЕДОВ НА ОСНОВЕ ДЕОНТОЛОГИЧЕСКОГО ПОДХОДА

Барно Хуснидинова,

Преподаватель кафедры Логопедия
ТГПУ имени Низами г. Ташкент

Аннотация

В статье осуществляется обзор степени изученности проблемы исследования, обосновывается актуальность изучения технологии развития профессиональной компетентности будущих логопедов на основе деонтологического подхода. А также в статье приведена модель развития профессиональной компетентности будущих логопедов на основе деонтологического подхода.

Ключевые слова: исследования, актуальность, компетентность, логопед, деонтологический подход.

Annotatsiya

Maqolada tadqiqot muammosini bilish darajasi haqida umumiy ma'lumot berilgan, deontologik yondashuv asosida bo'lajak nutq terapevtlarining kasbiy malakasini rivojlantirish texnologiyasini o'rganishning dolzarbligi asoslanadi. Shuningdek, maqolada deontologik yondashuvga asoslangan bo'lajak logopedlarning kasbiy kompetensiyasini rivojlantirish modeli keltirilgan.

Kalit so'zlar: tadqiqot, dolzarblilik, kompetensiya, logoped, deontologik yondashuv.

Annotation

The article reviews the degree of study of the research problem, substantiates the relevance of studying the technology of developing the professional competence of future speech therapists on the basis of a deontological approach. The article also provides a model for the development of the professional competence of future speech therapists based on the deontological approach.

Keywords: research, relevance, competence, speech therapist, deontological approach.

В настоящее время преобразования, происходящие в социально-экономической жизни нашей страны привели к необходимости модернизации системы педагогического образования. Выпускники вузов зачастую не готовы к самостоятельной профессиональной деятельности в соответствии со своей квалификацией (В.И. Байденко, И.А. Дмитриева, В.С. Ушин, В.В. Пижугийда, О.И. Ребрин, С.Е. Шишов и др.). Поэтому основными стратегическими направлениями усовершенствования педагогического образования является повышение качества подготовки специалистов, в том числе и специалистов в области логопедии.

Специфика коррекционно-педагогической деятельности учителя-логопеда, связанная с выявлением речевых нарушений у детей, делает востребованным в современном обществе специалиста-практика, компетентного, свободно владеющего своей профессией и ориентирующегося в смежных областях деятельности, готового к исследовательской работе, обладающего коммуникативной культурой, умеющего принимать своевременные диагностические коррекционные решения и самостоятельно решать профессиональные задачи.

Проблема профессиональной подготовки педагогических кадров актуальна и находится в центре внимания ученых – философов, педагогов, психологов, социологов, историков и др. Исследования по данной проблеме ведутся в различных направлениях. Изучается сущность профессионально-педагогической ком-

петентности (Г. Вайлер, Е.А. Климов, Н.В. Кузьмина, Я., А.К. Маркова, Н.С. Розов, В. Чипанах и др.) и компетенций ее составляющих: рефлексивной (В.К. Елисеев, Л.А. Кунаковская, Н.М. Пинегина), коммуникативной (Л.В. Львов, . Пильщикова), формирование и развитие которых происходит в определенной среде (А.А. гач, В.И. Иванова, Е.В. Селезнёва, С.В. Сидорчик, Н.В. Соловьёва и др.) и специально организованных педагогических условиях (А.А. Вербицкий, В.В. Горшкова, Ц. Йотов, М.И. Лисина, В.Я. Ляудис и др.). Исследуются средства формирования отдельных компонентов профессионально-педагогической компетентности (Г.Я. Буш, А.А. Вербицкий, Ц. Ио-Н.В. Кулюткин, А.М. Матюшкин, М.Ю. Посталюк, Д. Шейлз, и др.).

Исследование Р.М. Султановой (2005) посвящено формированию профессиональной компетентности будущих учителей-логопедов в педагогической практике повышенного уровня, Н.Г. Петелина (2006) рассматривает вопросы психологических условий повышения лично-профессиональной компетентности учителя-логопеда в системе повышения квалификации. Вопросам формирования профессиональной компетентности будущих учителей-логопедов посвящено диссертационное исследование Е.Н. Жука-тинской (2008). В диссертации Л.В. Волковой (2009) рассматриваются вопросы формирования коммуникативной культуры будущих учителей-логопедов в педагогическом вузе.

Опираясь на проведенный анализ научной литературы по данной проблеме, мы признаем в целом достаточную ценность результатов исследования вышеуказанных авторов в педагогической сфере, но необходимо отметить целый ряд вопросов, которые на сегодняшний день остаются недостаточно разработанными в аспекте формирования профессионально-педагогической компетентности будущих учителей-логопедов. В их числе: недостаточная разработанность понятия «профессиональная компетентность будущего учителя-логопеда на основе деонтологического подхода»; отсутствие критериев оценки уровней ее сформированности на различных этапах овладения профессией будущего учителя-логопеда [1, 2].

Аналитический обзор литературы позволил выделить философские, социальные и психолого-педагогические исследования, в которых рассматриваются проблемы профессионального поведения специалистов:

– раскрываются теоретические основы деонтологии как науки о должном профессиональном поведении (И. Бентам, А. А. Грандо, Дж. Милль и др.);
– рассматриваются общие основы педагогической деонтологии (М. П. Васильева, Г. А. Караханова, К. М. Кертаяева, Е. В. Коробова, К. М. Левитан и др.);

– освещаются вопросы профессиональной подготовки педагогов (В. И. Загвязинский, Э. Ф. Зеер, В. В. Сериков, В. А. Сластенин и др.), в том числе педагогов-дефектологов (Л. С. Бейлисон, Е. В. Колтакова, М. И. Никитина, М. Н. Перова, И. М. Яковлева и др.);

– обосновывается необходимость деонтологической подготовки будущих выпускников как средства овладения нормами профессионального поведения, формирования профессиональной культуры и развития механизмов самореализации (Е. К. Веселова, Г. А. Караханова, G.L.L. Lau, J. K. Lee, К. М. Левитан, Г. П. Медведева, E. R. Micewski, O. Persons, N. Y. M. Siu и др.). [2, 56с]

Однако анализ теоретических исследований показал, что вопросы деонтологической подготовки педагогов-дефектологов исследованы недостаточно. Целенаправленно рассматриваются лишь отдельные аспекты формирования деонтологической направленности личности учителей-логопедов (Ю. Ф. Гаркуша, М. Е. Орешкина).

Таким образом, роль деонтологической подготовки в формировании профессиональной компетентности и повышении качества профессиональной готовности учителей недооценивается. Остаются малоизученными вопросы определения методологических оснований и организационно-методического обеспечения деонтологической подготовки, не раскрыты понятия «деонтологическая подготовка» и «деонтологическая компетентность» педагогов-дефектологов, не разработана модель целостной системы деонтологической подготовки бакалавров и магистров по направлению «Специальное образование» [2, 35].

В результате изучения теоретической литературы по проблеме исследования было определено содержательно-смысловое наполнение концепции. Она отражена в модели системы деонтологической подготовки, разработанной на базе методологии исследования. Модель системы деонтологической подготовки, в свою очередь, опирается на модель становления и взаимодействия деонтологически ориентированных компонентов профессионализма педагога как целостной саморазвивающейся системы. В соответствии с данной моделью деонтологическая компетентность педагога рассматривается как часть непрерывного процесса профессионализации и определяется как необходимый метакомпонент становления профессионализма.

Основу данной модели составляет триада, включающая системы формирования личностно-профессиональных качеств, профессиональных компетенций и взаимообусловленную систему их взаимодействия, обеспечивающую профессиональную и деонтологическую компетентность, профессиональную и деонтологическую культуру, эффективность коррекционно-педагогического взаимодействия в процессе профессиональной деятельности на основе норм профессионального поведения. Предложенная модель опирается на положение о том, что личностно-профессиональные качества формируются и проявляют себя во взаимообусловленном процессе взаимодействия открытых систем ценностей и отношений.

Разработанная нами структурно-функциональная модель системы деонтологической подготовки включает следующие уровни:

Системный уровень — систему деонтологической подготовки будущих логопедов в многоуровневом педагогическом образовании в целом.

Целевой уровень, то есть образовательную цель деонтологической подготовки логопедов, направленную на формирование деонтологической компетентности и обусловленную социальным заказом, сформированным на основе потребностей личности будущего учителя, человека с нарушениями в развитии, общества, государства и образования.

Управленческий уровень, подразумевающий ценностно-смысловое, структурно-организационное и процессуально-деятельностное проектирование процесса деонтологической подготовки.

Организационный уровень, который несет наибольшую смысловую нагрузку в организации педагогической практики и включает: систему профессиональных ценностей, определяющую направленность образовательного процесса на формирование у субъектов образования ценностных профессиональных ориентаций и мировоззренческих смысловых установок, отвечающих требованиям гуманизации социокультурной среды и образования лиц с нарушениями в развитии;

интегративную образовательную среду, объединяющую в целостное единство направления профессионального образования на основе выделения деонтологического метакомпонента педагогической деятельности, нормативно-правовых и нормативно-личностных составляющих деонтологической готовности;

инновационность образовательного процесса, обеспечивающую целенаправленность содержательного и технологического обновления специального образования на основе создания единой информационной

среды, способствующей профессиональному развитию и самореализации будущего выпускника.

Квалитативный уровень, предполагающий создание единой системы управления качеством специального образования в контексте международной системы менеджмента качества образования, направленной на обеспечение соответствия качества образовательных услуг социальному заказу и эффективное реагирование на изменения запросов потребителей образовательных услуг.

ИСПОЛЬЗОВАННЫЕ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Орешкина М.Е. Формирование профессионально значимых качеств у студентов логопедического отделения // Реализация программы модернизации непрерывного педагогического образования при подготовке специалистов дефектологического профиля для дошкольных учреждений России (опыт, проблемы, перспективы развития): Материалы Всероссийского совещания. – М., 2004. – С. 207-209.

2. Филатова, И.А. Деонтология в специальной педагогике: теоретикометодологические основания исследования деонтологической подготовки педагогических кадров: монография / И.А. Филатова; Урал. гос. пед. ун-т. – Екатеринбург, 2011. – 177 с.

OILADAGI BEMOR FARZAND UCHUN TIBBIY-PEDAGOGIK VA PSIXOLOGIK MASLAHATLAR, YONDASHUVLAR

Malika Po'latxo'jayeva,

Toshkent davlat pedagogika universiteti katta o'qituvchisi

Annotatsiya

Mazkur maqolada oiladagi bemor-nogiron farzandi bo'lgan ota-onalarning, bola atrofidagi yaqinlari va u bilan muloqat qirishuvchi mutaxassislarning o'zaro aloqalari munosabatlarining o'ziga xos muammo va yutuqlari haqida fikr mulohazalar yuritilgan. Shuningdek, bemor-nogiron bolaning ijtimoiy moslashuvi haqida muallifning umumiy xulosalari keltirilgan.

Kalit so'zlar: kasallikning etiologiyasi, kasallikning patogenezi, kasallikning klinik shakllari, neyropsixologik kasalliklari reabilitatsiya, kasalliklarning rivojlanish mexanizmlari, abilitatsiya, fizioterapiya, nevrologik va ruhiy kasalliklar, davolovchi jismoniy mashqlar.

Аннотация

В данной статье анализируются сущность и значение между педагогом-дефектологом и врачом в процессе их совместной работы устанавливаются определенные взаимоотношения. Они основываются на общих позициях при обследовании, лечении и медико-педагогической коррекции тех или иных отклонений в развитии. Важно, чтобы врач и спец. педагог понимали друг друга и действовали вполне согласованно.

Ключевые слова: клинические формы заболевания, течение заболевания, нейропсихология, этиология, патогенез, лфк, физиотерапия, реабилитация, психо-неврологические симптомы, абилитация, механизм развития болезни.

Annotation

This article contains feedback on the specific problems and achievements of parents, who are the patient's patients with disabilities and the relationship with the child's dialogue and communication relations with him. The patient also brings the general conclusions of the author about the social adaptation of the child.

Keywords: etiology, pathogenesis, lfk, physiotherapy, rehabilitation, abilities, mechanism is explanation, social adaptation, social mobility, social norms, adaptation functions, adaptation structure, classification of social adaptation.

Oiladagi bemor bola ota-onadan va boshqa yaqin qarindoshlardan katta e'tibor talab qiladi. Ota-onalar o'z farzandlarining kasalligi tufayli chuqur jarohat olishadi. Shuning uchun ko'pincha ular faol ijtimoiy faoliyatdan chetlashtiriladi. Ularning butun ichki hayoti endi bemor bolaga qaratilgan. Kasalliklarning rivojlanish mexanizmlari haqidagi noto'g'ri tushunchalar, qarashlar ota-onalarda bolaning bemor va nogiron bo'lib tug'ilganligi uchun aybdorlik hissini uyg'otishi mumkin.

Ba'zida er-xotinlar bir-birlarini kasal bolaning tug'ilishi yoki unda kasallikning rivojlanishi uchun ayiblashni boshlaydilar, nazoratsizlik, befarqlik uchun bir-birlarini qoralaydilar.

Ayniqsa, bolaning jiddiy nuqsonlar bilan tug'ilgani, oilada qiyin vaziyat yuzaga keltiradi [1].

Onaning psixologiyasi sezilarli darajada o'zgarishi mumkin. Natijada, ba'zida oilada qiyin, keskin munosabatlar paydo bo'ladi. shuning uchun bunday vaziyatda bemorning ota-onasi va qarindoshlari bilan muloqot qilishda ular katta xushmuomalalik va sabr-toqatni namoyon etishlari kerak.

Oiladagi holatda bemor bolaning ota-onasi va yaqinlarining tushkunlik g'azabidan, haqoratga guvoh bo'lishga to'g'ri keladi.

Nogiron farzand ota-ona ruhiyatini tushunish, ularning muammolarini o'rganish, ularning kechinmalariga hamdard bo'lish kerak. Biroq bu ularning yo'l-yo'riqlariga ergashish, hamma narsada ular bilan kelishishni anglatmaydi.

Bemor bolaning ota-ona va qarindoshlari bilan suhbatda har doim bir amalga rioya qilish talab etiladi, ya'ni nima aytishni, kimga aytishni va sizni qanday tushunishni unutmang.

Shu sababli oilada ruhiy holatni yaxshilash maqsadida bolaning nuqson darajasini inobatga olib, uni maxsus muassasa ta'limiga o'tkazish masalasi maslahati berilishi lozim. Bunday sharoit, balki, atrofdegilar uchun insoniy mafkuraga to'g'ri kelmas, lekin bu sharoit ota-onalarni doimiy ruhiy jarohatlardan xalos qilishni anglatadi. Oilaviy hayot normal holatga qaytishini, ota-onaning odatiy ijtimoiy faoliyatiga va oiladagi sog'lom farzandlariga tegishli e'tiborda bo'lishlarini anglatadi [1, 2, 3].

Oiladagi bemor yoki nogiron farzand, aslida ko'p e'tibor, sevgi, mehrga berilgan. Ko'pincha, ota-onasi uni haddan tashqari himoya qiladi, unga kasal ekanligini singdiradi, uning o'yin-kulgiga, bolalar bilan muloqot qilishga yo'l qo'ymaydi.

Bu, albatta, bolaning ruhiy holati va xarakterining salbiy rivojlanishiga ta'sir qiladi. Bunday bolalar ko'pincha xudbin bo'lib o'sadilar. Ularning ko'pchiligi psixopatologik xarakter xususiyatlarini rivojlantiradi va mustahkamlaydi. Bu "haddan tashqari himoyalani"ning o'ziga xos sindromlarini yaratadi. Bunday hollarda defektolog-o'qituvchi ota-onalarga ularning yondashish tartibi, tarbiyasi, xatti-harakatlarining noto'g'riligini tushuntirishi kerak [5, 6].

Bemor va nogiron farzandning ota-onasi muammosi juda murakkab. Buning uchun oilaning madaniy, ma'naviy, moddiy ahvolini hisobga olgan holda va albatta,

psixolog, nevropatolog va o'qituvchi bilan hamkorlikda hal qilinishi kerak.

Tibbiy – pedagogik xodim – bemor. Davolash – profilaktika va ixtisoslashtirilgan muassasalarida faoliyat ko'rsatuvchi pedagog-defektologlarning bolalarga yaqindan yondashuvi bolaning shu muassasaga ko'nikishida va sharoitni o'zlashtirishi uchun zarur, ularning ota-onalari va yaqinlari bilan aloqasi yo'qligi sharoitida bolalarning ruhiy tushkunlik holatini oldini olish uchun alohida g'amxo'rlik ko'rsatishlari juda muhimdir [2].

Nevrologik va ruhiy kasalliklari bo'lgan bolalarni ota-onalardan (maxsus muassasada, davolash muassasasida) ajralgan sharoitda bo'lishlarini va bu ularga keskin salbiy ta'sir etishi, bu esa ularni yig'loqi, injiq, agressiv, ko'pincha ovqat eyishni rad etish kabi holatlarini keltirib chiqaradi.

Bunday holatda tibbiy xodim, defektolog-pedagog bolaga nisbatan sezgir, ehtiyotkor, mehribon bo'lishni talab etadi. Qo'pollik, hayqiriq, jazoga yo'l qo'yib bo'lmaydi. Tibbiy xodimlar va o'qituvchilar bolalar uchun mehribon ona vazfasida bo'lishi kerak. Bu qiyin va ayni paytda, olijanob vazifadir. Bola uchun unga nisbatan mehrlil munosabatni his qilish juda muhim: bu holda u o'qituvchi, shifokor, hamshira, enagaga moyil bo'ladi. Kasal bola bilan to'g'ri yo'lga qo'yilgan aloqa u bilan olib boriladigan tibbiy-pedagogik ish samaradorligini sezilarli darajada oshiradi.

Maxsus muassasalarda olib boriladigan tibbiy-pedagogik tadbirlar bolalarning yoshini hisobga olgan holda rejalashtiriladi. O'spirin yoshdagi neyropsixologik buzilishlariga ega bo'lgan bolalar bilan olib boriladigan ishlar ancha murakkab bo'lib, ulardagi qo'polliklik, agressivlik, tajang, qo'rs xarakter o'zgarishlari tibbiy-pedagogik va psixologik yondashuvlarni va har turdagi aloqalarni murakkablashtiradi [6]. Lekin bu bolalar bilan aloqa o'rnatish kerak. Buning uchun barcha xodimlar ularga nisbatan sezgir, xushmuomalalik va e'tiborli bo'lishingiz kerak. Qo'pollik qilinishi mumkin emas. Maxsus muassasaning tibbiy xodimlari, defektolog va pedagoglar va boshqa xodimlari katta vazminlik va ma'naviy saxiylik ko'rsatishlari kerak.

Tibbiy xodim va defektolog pedagog munosabatlari. Tibbiy deontologiyaning muhim sharti shifokorlar, defektolog-o'qituvchi va boshqa xodimlar o'rtasidagi to'g'ri munosabatlardir. Shifokorning shaxsiyati, u hayotda qanday bo'lishi kerakligi haqida qadimgi falsafiy hind tibbiyotining Ayurveda asarida juda chuqur falsafiy ma'noga ega bo'lgan gaplar aytilgan: "... hayotda va xatti-harakatlarinigizda kamtar bo'ling, o'z bilimingizni yuqori baholamang, ko'z-ko'z qilmang va boshqalar sizdan kam bilishini ta'kidlamang; nutqingiz to'g'ri, halol va vazmin bo'lsin" [3].

Defektolog-pedagog va shifokor o'rtasida ma'lum munosabatlar, ularning birgalikdagi faoliyati jarayonida o'rnatiladi. Bemorni tekshirish jarayonida shifokor tashxis qo'yadi, patologik jarayonning mohiyatini aniqlaydi va nuqsonni tuzatish yo'llarini belgilaydi. Keyin u tegishli davolanishni

buyuradi. Tibbiy xodim va defektolog-pedagog patologik jarayonning mohiyatini u yoki bu nuqsonni tuzatish imkoniyatini tushuntiradi, keyin ular birgalikda ushbu nuqsonni pedagogik korreksion ish rejasini ishlab chiqadilar.

Defektolog-pedagogning ishi bolaning nevrologik va psixologik xususiyatlarini hisobga olgan holda nevropatolog yoki psixiatr tavsiyalariga asoslanishi kerak. Fikr almashish jarayonida shifokor va o'qituvchi-defektolog pedagogik mashg'ulotlar va davolash tadbirlarining umumiy dasturini ishlab chiqadilar. Bolani birgalikda tekshirish vaqtida uning potensial imkoniyatlari aniqlanadi. Shifokor va o'qituvchi-defektolog pedagogik va terapevtik ta'sirlarning yakuniy natijasini taxmin qiladilar, birgalikda davolash rejasini va mashg'ulotlarning o'zlashtirish darajalarini aniqlaydilar. Bolalar rivojlanishidagi nuqsonlarning tashxislanishida, davolash ishlarida va olib boriladigan chora-tadbirlarda umumiy fikrlar hamjihatligi, yondashuvlar tibbiy xodim va pedagog munosabati va faoliyatini jipslashuviga, bu esa bemor-nogiron bolaning salomatligiga, ta'lim tarbiyasi va ijtimoiy yondashuviga ijobiy ta'sir etadi. Bunday holda ular bemorga ko'proq foyda keltiradi.

Defektolog-pedagog shifokorga bolaning ta'lim va tarbiya davrida aniqlagan patologik xususiyatlari haqida xabar berishi kerak. Natijada, shifokor o'z vaqtida tegishli tibbiy choralarni ko'rib chiqadi.

Shifokor va o'qituvchi-defektolog vaqti-vaqti bilan tibbiy va pedagogik ta'sirlarning natijalarini muhokama qilishlari u yoki bu amalga oshirilgan faoliyatni o'zgartirishlari, davolash va pedagogik yondashuvlarning yangi usullarini joriy etishlari kerak. Defektolog-pedagog bemorning salomatligi darajasi va xatti-harakatlaridagi barcha o'zgarishlar haqida darhol shifokorni xabardor qilishi kerak.

Shifokor, o'qituvchi-defektolog va hamshiralar. Shifokor, o'qituvchi-defektolog va hamshiralar o'rtasida to'g'ri munosabatlarni o'rnatish bemor bola foydasi uchun xizmat qilishi kerak va muhimdir. Shifokor va o'qituvchi-defektolog bemorni ko'radi va ish vaqtida u bilan shug'ullanadi. Qolgan vaqtlarda bemor o'rta va kichik tibbiyot xodimlarining qaramog'ida bo'lib, ular kasallarni parvarish qilish va kuzatish, davolash choralari va bemorlarning bo'sh vaqtini tashkil etish uchun javobgardir. Hamshiralar va kichik tibbiyot xodimlarining bemorlarga nisbatan sezgir, e'tiborli, g'amxo'r munosabatda bo'lishini ta'minlash kerak. Bemor bola bilan munosabat o'rnatishda qo'pollik yoki baqir-chaqir qilib bo'lmaydi. Ushbu talabning buzilishi og'ir nevrozlarning rivojlanishiga, aqliy moslashuvga olib kelishi mumkin.

Shifokor, defektolog, o'rta va kichik tibbiyot xodimlari bilan birgalikda terapevtik, hissiy jihatdan ijobiy muhit yaratishi kerak. Bu terapevtik va pedagogik ta'sirlarni mustahkamlash uchun juda muhimdir. Bolalar, ayniqsa, maktabgacha yoshdagi bolalar bilan, xodimlar hissiy jihatdan ijobiy ohangda mulqot qilishlari kerak. Shifokor, defektolog o'rta va kichik tibbiyot xodimlarini doimiy

ravishda ushbu malakaga o'rgatishlari shart. Hamshiralar va enagalar doimo bolalar bilan muloqot qilishlari, ular bilan gaplashishlari kerak. Bu nafaqat katta insoniy, balki terapevtik ahamiyatga ega, chunki bolalar ko'pincha onalari va boshqa yaqin qarindoshlari bilan aloqa yetishmasligidan aziyat chekishadi. Aloqa yetishmovchiligi bolaning rivojlanishiga salbiy ta'sir qiladi. Shu sababli tibbiy-pedagogik ishning bir qismi hamshiralar xodimlariga topshirilishi kerak, bu jarayon, masalan, guruhli fizioterapiya mashqlarida yoki fizioterapiya muolajalarida bola bilan muloqotlarning turli ko'rinishlari rivojlanadi bolaning o'ziga va atrofdagilarga bo'lgan ishonchi va yondashuvi ijobiy ta'sir etadi. Biz so'z boyligini to'ldirish va to'g'ri talaffuzni o'rganish haqida g'amxo'rlik qilishimiz kerak. Vrach va o'qituvchi-defektolog bu borada o'rta va kichik kadrlarni doimiy ravishda tayyorlashi kerak [4, 5, 6, 7].

Hamshiralar va enagalar so'zlashuv nutqida "moron", "oligofrenik", "spastik", "organik", "epileptik" kabi jarangli so'zlarni ishlatmasliklarini ta'minlash kerak. Bu bemorda og'ir ruhiy holatlarga olib kelishi mumkin. Bundan tashqari, bola ko'rsatilgan davolanishning samaradorligiga ishonchini yo'qotishi mumkin.

Shifokorlar va ta'lim defektologlari o'rta va kichik xodimlarga nutq madaniyatini o'rgatishlari kerak. Shuningdek, hamshiralar, agar ular prognostik jihatdan noqulay bo'lsa, bemorlarga yoki ularning qarindoshlariga tashxislarni yetkazmasliklarini ta'minlash kerak. Shifokor va o'qituvchi-defektolog bemorlarda tuzalib ketishiga ishonch hosil qilishlari va opa-singil yoki enaga ularning birgalikdagi ishlariga dissonans olib kelmasligiga ishonch hosil qilishlari kerak. Kichik va hamshiralar bemorning ota-onasiga yoki qarindoshlariga keraksiz narsalarni aytmasligi yoki shifokor va o'qituvchi-defektologning harakatlarini shubha bilan muhokama qilmasligi kerak. Shifokor, o'qituvchi-defektolog, hamshira va kichik tibbiyot xodimlarining aniq, kelishilgan harakatlariga erishish kerak.

Shifokor va o'qituvchi-defektologning bemorning ota-onasi va qarindoshlari. Shifokor va o'qituvchi-defektologning bemorning ota-onasi va qarindoshlari bilan munosabatlari muammosi ancha murakkab. Ko'pincha bemorning ota-onasi va qarindoshlari shifokor va o'qituvchiga asossiz katta umid bog'laydilar va "zamonaviy tibbiyot hamma narsani qila oladi" deb o'ylashadi. Ba'zida bolaning kasalligidan jabrlangan ota-onalar maxsus muassasalarda o'tkaziladigan tibbiy va tarbiyaviy tadbirlarning samaradorligiga ishonmaydilar va shifokor va defektolog-pedagog bilan ziddiyatga kirishadilar. Ba'zi hollarda bemorning ota-onasi yoki qarindoshlari shifokor va o'qituvchiga barcha parvarish, davolanish va bemorlarni keyingi faoliyatini ishonib topshiradilar.

Shifokor va o'qituvchi-defektolog bemorning ota-onasiga yoki boshqa qarindoshlariga uyda ma'lum terapevtik va pedagogik tadbirlarni ham amalga oshirishi mumkinligini tushuntirishlari kerak. Uyda sharoitida massaj, jismoniy

mashqlar terapiyasi, maxsus nutq terapiyasi va boshqa faoliyat turlarini o'tkazishingiz mumkin. Ota-onalar yoki qarindoshlar tegishli davolash va korreksion choralarini ko'rish uchun o'qitilishi kerakligini ogohlantirish kerak. Ota-onalar bolaning neyropsixologik kasalliklarini bartaraf etishni uyda davom ettirish kerakligiga ishonirish kerak [5, 6].

Kasalxona, sanatoriy yoki maxsus muassasada ota-onalar uchun o'quv kurslari tashkil etish maqsadga muvofiqdir, bu yerda shifokor va o'qituvchi-defektolog ota-onalarga tibbiy-pedagogik korreksion usullarini o'rgatishi mumkin.

Shifokor -defektolog-pedagog-bemor-bemorning ijtimoiy muhit. Ijtimoiy va mehnat rehabilitatsiyasi va qayta moslashuv katta ahamiyatga ega. Bunda shifokor va o'qituvchi-defektolog muhim rol o'ynashi kerak. Harakat, aqliy va nutq nuqsonlari bo'lgan ko'plab bemorlar oila davrasida, maktabda, internatda yaxshi moslashishi mumkin. Ko'pchilik ijtimoiy foydali mehnat bilan shug'ullanishga qodir.

Shuni esda tutish kerakki, shifokorlar, o'qituvchilar-defektologlar va barcha xodimlar faoliyatining yakuniy maqsadi bemorning ijtimoiy moslashuvidir. Bemor o'zini jamiyatga kerakli shaxs sifatida his qilishi kerak. Bola o'zining ortiqcha odam emasligiga va boshqalar bilan birga jamiyatga barcha mumkin bo'lgan foyda keltirishi mumkinligiga ishonirish kerak.

Shifokor va o'qituvchi-defektolog ijtimoiy ta'minot muassasalari, bemor yashaydigan hudud jamoatchiligi, bemorlarni ish bilan ta'minlashi mumkin bo'lgan korxonalar ma'muriyati bilan yaqin aloqada bo'lishi kerak. Harakat faoliyatlari va nutqida yengil nuqsonlari bo'lgan ko'plab bemorlar o'z qobiliyatidan kelib chiqqan holda mehnat qilishi mumkin.

Bemorning ijtimoiy moslashuvi, abilitatsiyasi va rehabilitatsiyasi bir necha jihatlariga ega.

Birinchiidan, bemorning nuqsonini tuzatishni shunday holatga keltirish kerakki, uning vosita, aqliy yoki nutq qobiliyati unga oilada, ta'limda va boshqa muhitda mustaqil ravishda xizmat qilish imkonini beradi.

Ikkinchiidan, bemorda o'z kuchiga, mehnat qila olishiga, jamiyatga foydali inson bo'la olishiga ishonch hosil qilishi kerak.

Uchinchiidan, bemorni u yoki bu mumkin bo'lgan ishni bajarishga, uni kasbiy yo'naltirishga, ushbu kasbni egalashga yordam berishga majbur qilish kerak.

Bemorlarning kasbiy yo'nalishi, albatta, shifokor va o'qituvchi-defektologning juda muhim vazifasi bo'lib, u bemorning jismoniy, aqliy va nutq imkoniyatlarini aniqlashi kerak, keyin esa qaysi turdagi ishlarni bajarish uchun eng mos kelishini hal qiladi. Bemorning o'zi istaklari va intilishlarini hisobga olish kerak.

To'rtinchiidan, bemorni bevosita ish bilan ta'minlash kerak. Bu masalani ijtimoiy ta'minot hamda viloyat jamoatchiligi, korxonalar bilan birgalikda hal etish maqsadga muvofiqdir.

Bemorni uyda, ta'limda yoki boshqa jamoada nazoratsiz qoldira olmaysiz. Vaqti-vaqti bilan bemor bilan uchrashish, uning ehtiyojlarini, tashvishlarini bilish, maslahat va ish bilan har tomonlama yordam berish kerak. Shu-

ningdek, davolanish jarayonida (kasalxonada yoki uyda) olingan ijobiy natijalarni mustahkamlash, nuqsonlarni tuzatish va shu uchun bemorni vaqti-vaqti bilan tibbiy muassasaga joylashtirish kerak [1, 2, 3, 5, 7, 8].

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Ляпидевский С.С. Невропатология. Естественно-научные основы специальной педагогики: Учеб. для студ. высш. учеб. заведений / Под ред. В.И. Селиверстова – М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2000. – 384 с.
2. Бадалян Л.О. Неврология Естественно -научные основы специальной педагогики: Учеб. для студ. высш. учеб. Заведений Изд-М ЕД-информ Россия Год издания: 2021.
3. Кошелева Л.Н. Социально-педагогическая адаптация детей с ограниченными возможностями. Дисс. ... канд. пед. наук. – Сургут, 1998.
4. В. А. Клименко, А. С. Сивоплуас-Романова, Я. В. Карпушенко, О. С. Лупалцова Уход за больными (в педиатрии): учеб. пособие / В. А. Клименко, Г. С. Сивоплуас-Романова, Я.В. Карпушенко, О. С. Лупалцова. – Х.: ХНМУ, 2017.
5. Уход за больным ребенком: учебно-методическое пособие для студентов педиатрического факультета / Н.С. Парамонова [и др.]; под ред. Н.С. Парамоновой. – Гродно: ГрГМУ, 2010.
6. Учебно-методическое пособие по дисциплине «Формирование здорового образа жизни у детей» для обучающихся по специальности Педиатрия / Файзуллина Р.А, Самороднова Е.А. и др. // под общ. ред. профессора Р.А Файзуллиной. – Казань: КГМУ, 2019.
7. Мудрик А.В Социальная педагогика: Учеб. для студ. пед. вузов. Под ред. В.А.Сластенина. – 3-е изд., испр. и доп. – М.: Издательский центр «Академия», 2000. – 200 с.

ZAMONAVIY AXBOROT-METODIK TA'MINOTNI YARATISH VA RIVOJLANTIRISH TAMOYILLARI

Sayfulla Dottoyev,

Toshkent davlat pedagogika universiteti,
Informatika va uni o'qitish metodikasi kafedrasida dotsenti v.b.

Annotatsiya

Maqolada talabalarning ta'lim olish sifatini yaxshilash, portal texnologiyalariga asoslangan axborot-metodik ta'minotni yaratish va rivojlantirish tamoyillari masalalari yoritilgan.

Kalit so'zlar: axborot-metodik ta'minot, portal texnologiyalari, elektron hujjat almashuv tizimi, moliya-kadr tizimi, to'lov-kontrakt hisobini yuritish tizimi.

Аннотация

Данная статья рассматривает вопросы улучшения качества обучения студентов, принципы разработки и развитие информационно-методические обеспечение на основе порталные технологии.

Ключевые слова: информационно-методические обеспечение, порталные технологии, электронная система обмена документами, кадровой системы, система платежей по контрактам.

Annotation

This article examines the issues of improving the quality of students' education, the principles of developing and developing information and methodical support based on portal technologies.

Key words: information and methodological support, portal technologies, electronic document exchange system, personnel system, contract payment system.

Jahonda elektron resurslarni shakllantirish va takomillashtirish ta'lim sifatini oshirishning muhim omillari sifatida ta'lim jarayoniga tatbiq etilmoqda. AQShning Stanford University, Massachusetts Institute of Technology, Koreyaning Seoul Cyber University, Angliyaning National Advice on pedagogical technology kabi bir necha nufuzli oliy ta'lim muassasalari tomonidan raqamli megaportalarni yaratish muammolarining nazariy va amaliy yechimlari taklif etilmoqda. Bu kabi portallarning yaratilishi VR, AR, 3D learning, e-learning platforms, simulatsion kabi zamonaviy paradigmalarni joriy etish imkoniyatlarini kengaytirishga xizmat qilmoqda.

Jahonda yosh avlodni intellektual rivojlanishini ta'minlashga qaratilgan elektron o'quv-metodik resurslarni shakllantirish, ta'lim sifatini oshiruvchi mexanizmlarni yaratish, ta'lim sohasiga zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish bo'yicha ilmiy tadqiqotlar olib borilmoqda. Bugungi kunda mustaqil ta'lim olish imkonini beruvchi matnli kontent, audio, videomateriallar, ta'lim beruvchi funksiyalarini to'liq takrorlay oluvchi sun'iy intellekt elementlarini qo'llash, ta'lim oluvchilarning istalgan joydan masofaviy ta'lim resurslaridan foydalana olish imkoniyatlarini kengaytirish bo'yicha ilmiy tadqiqotlarga alohida e'tibor berilmoqda.

Mamlakatimizda so'nggi yillarda ta'lim tizimiga raqamli texnologiyalarni joriy etish bo'yicha meyoriy hujjatlar ishlab chiqilmoqda. Amalga oshirilayotgan ishlar portal texnologiyalariga asoslangan axborot-metodik ta'minotni yaratish va rivojlantirishning konseptual tamoyillarini aniqlashtirish, fanlar bo'yicha integrallashgan o'quv-ilmiy resurslarni yaratishga qo'yiladigan talablarni takomillashtirish,

fanlarning o'quv-metodik resurslarini optimal taqdim etish imkoniyatini yaratuvchi portal tarkibiy tuzilmasini hamda uning dasturiy platformasini ishlab chiqish, portal texnologiyalariga asoslangan axborot-metodik ta'minotdan ta'lim jarayonida foydalanish metodikasini takomillashtirish, sohada keng qamrovli islohotlarni amalga oshirish, fanlar bo'yicha yaratilayotgan axborot ta'lim resurslari hamda metodik ta'minotni yagona tizimga soluvchi, portal texnologiyalariga asoslangan axborot-metodik tizimni ishlab chiqish imkoniyatlarini kengaytiradi.

Ta'lim jarayonining rivojlanishiga sabab bo'layotgan asosiy jihatlardan biri – bu ta'lim jarayonlarini axborotlashtirish hisoblanadi. Axborot kommunikatsiya texnologiyalari ta'lim jarayonining barcha ishtirokchilariga yangi imkoniyatlarni taqdim etmoqda. Bu, albatta, ta'lim muassasasining imkoniyat darajasidan kelib chiqqan holda, ta'lim jarayonlarining axborot va metodik ta'minotini amalga oshirish bilan bog'liq.

Ta'lim jarayonlarining axborot-metodik ta'minoti deganda, o'z navbatida, meyoriy-huquqiy, axborot-statistik, o'quv-tashkiliy kabi materiallarni qamrab olgan axborot ta'minoti, shuningdek, ilmiy-pedagogik, o'quv-metodik kabi ma'lumotlarni qamrab oluvchi o'quv-metodik ta'minoti tushuniladi. Ta'lim jarayonining barcha subyektlari talabalar, professor-o'qituvchilar, ishchi-xodim va rahbar kadrlari uchun yagona axborot muhitini yaratish, ta'lim jarayonlarining axborot-metodik ta'minotini yaratish hisoblanadi.

Ta'lim jarayonlarining axborot ta'minoti oliy ta'lim muassasasini yagona axborot muhitini bosqichma-bosqich shakllantirishga yo'naltirilib, ta'lim va tarbiyaviy, ilmiy, boshqaruv va boshqa jarayonlarda axborot almashish intensivligini oshirish, avtomatlashtirish imkonini beradi.

Ta'lim jarayonlarining axborot-metodik ta'minoti: axborotni tezkor almashish va masofadan turib boshqarish; elektron hujjat almashinuvi va hujjatlarni saqlash; tashqi foydalanuvchilar va hamkor tashkilotlar uchun OTM axborot resurslarini taqdim etish; OTMning barcha o'qituvchilari, xodimlari va talabalar uchun Internet resurslaridan foydalanish imkoniyatini yaratish; masofadan turib o'quv-metodik resurslarni yagona muhitda kiritish, saqlash, qayta ishlash va uzatish imkoniyatining mavjudligi; turli elektron ta'lim resurslari (elektron materiallar, taqdimotlar, audio va videodarslar)dan masofadan foydalanish; masofaviy ta'lim tizimini yo'lga qo'yish; turli sohadagi talabalarni tayyorgarlik va o'zlashtirish darajasini nazorat qilish; turli statistik so'rovlarga aniq, tez va sifatli javob olish kabi imkoniyatlarni beradi [2, 38].

Ma'lumki, fan va texnika jadal sur'atlar bilan rivojlanayotgan bugungi kunda ko'plab ilmiy bilimlar, tushuncha, tasavvurlar va axborotlar hajmi keskin ortib bormoqda. Bu, bir tomondan, fan va texnikaning yangi bo'limlari va sohalarining shakllanishini ta'minlayotgan bo'lsa, ikkinchi tomondan, fanlar orasida chegaralarni buzib, integratsiya jarayonini jadallashtirishni talab etadi. Ta'lim yo'nalishlari "boshidan kechirayotgan" bunday differentsiyalashish va integratsiya jarayonlarining o'qitishda o'z aksini yetarli darajada topa olmayotgani ham bugungi oliy ta'lim tizimida ma'lum muammolarni keltirib chiqarmoqda. Xususan, ta'lim mazmuni va to'plangan boy ilmiy axborotlarning unda aks etishi orasida uzilish vujudga kelmoqda. Bunday muammolarni bartaraf etishda ta'lim jarayoniga zamonaviy axborot texnologiyalarini, xususan, portal texnologiyalariga asoslangan axborot-metodik ta'minotni joriy etish va uni yaratish tamoyillarini ishlab chiqish maqsadga muvofiqdir. Izlanishlar natijasida, portal texnologiyalariga asoslangan zamonaviy axborot-metodik ta'minotni yaratish va rivojlantirishning mavjud konseptual tamoyillari aniqlandi hamda qo'shimcha tamoyillar bilan takomillashtirildi (1-rasm).



1-rasm. Portal texnologiyalariga asoslangan zamonaviy axborot-metodik ta'minotni yaratish va rivojlantirish tamoyillari

Portal texnologiyalariga asoslangan axborot-metodik ta'minotni rivojlantirishning tahliliy, axborot, tashkiliy-uslubiy, maslahat, ta'lim tizimini axborotlashtirish, ta'lim tizimini rivojlantirish uchun ilmiy yordam ko'rsatish kabi faoliyat turlari ishlab chiqilgan [4, 1].

O'quv-metodik ta'minot zamonaviy axborot texnologiyalari muhitida o'qitishning didaktik, dasturiy va texnik interfaol majmuasidan tashkil topadi. O'quv-metodik ta'minot an'anaviy majmualardan farqliroq, o'qitishning kompyuter va an'anaviy texnologiyalari birligi sifatida namoyon bo'ladi.

Portal texnologiyalariga asoslangan axborot-metodik ta'minot asosida o'quv jarayonini tashkil etish [5, 2]:

- hujjatlarni markazlashgan holda saqlash;
- hujjatlar bilan ishlashda nazoratni ta'minlash;
- xodimlar ish unumdorligini oshirish;
- boshqaruv qarorlarini qabul qilishda zarur ma'lumotlarni olish tezkorligi;
- ta'lim muassasasida faoliyat yuritayotgan professor-o'qituvchilar, rahbar va ishchi xodimlar haqidagi ma'lumotlarni yagona tizimda markazlashgan holda saqlash;
- turli statistik ma'lumotlar olishda samarali izlash usullarini qo'llash mumkinligi;
- ta'lim muassasasining axborot xavfsizligini ta'minlash, ya'ni tizimda ishlash mobayinda qayd qilinmagan foydalanuvchiga hech qanday qism tizimdan foydalanishga imkon berilmasligi;
- hujjatlar ustida umumiy ish qilish imkoniyati paydo bo'ladi;
- an'anaviy hamda masofaviy ta'lim axborot-metodik ta'minotining samarali integratsiyasini ta'minlashi;
- ta'limning interaktiv xususiyati asosida talabalarining fikrlash qobiliyatlarini rivojlantirishi va o'quv materiallarini o'zlashtirilishining samaradorligini oshirishi;
- real holatlarda namoyish qilinishi qiyin, yoxud murakkab bo'lgan jarayonlarni modellashtirish va kuza-tish imkoniyatini berishi;
- o'quv materiallarining o'zlashtirilishi nafaqat darajasiga ko'ra, balki talabalar erishgan mantiq va qabul qilishlari darajasiga ko'ra ham samarali bo'lishini ta'minlashi;
- multimedia texnologiyalarini qo'llanilishi talabalarda o'qishga qiziqishni orttirishi;
- talabalarga mustaqil izlanish yo'li bilan materiallarni topish, o'rganish hamda muammoli masalalarni hal etish orqali ularda ma'lum tadqiqot ishlarini amalga oshirish ko'nikmalarini shakllantirishi;
- talabalarining kurs, malakaviy bitiruv ishlarini bajarishda, magistrlik dissertatsiyalarini tayyorlashda o'quv materiallari bilan mustaqil tanishish, tanlab olish, axborot hamda ma'lumotlarni tahlil eta olish kabi malakalarni shakllanishi uchun sharoit yaratishi kabi didaktik vazifalarni amalga oshiradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 5-oktabrdagi "Raqamli O'zbekiston – 2030" strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Farmoni.
2. F.Zakirova, U.Muxamedxanov, SH.Sharipov, R.G.Isyanov, F.Esonboboyev, S.Dottoyev. Elektron o'quv-metodik majmualar va ta'lim resurslarini yaratish metodikasi. Metodik qo'llanma. – T.: OO'MTV, 2010. – 57 b.
3. Гурье Л.И. Проектирование педагогических систем: Учеб. пособие; Казан. гос. технол. ун-т. – Казань, 2004. – 212с.4-бем.
4. Makhbuba F. Problems of organization of continuous professional development of secondary school teachers. IJIE [Internet]. 2022Jun.20 [cited 2022Nov.18];5(6):432-4.
5. Dottoyev Sayfulla. (2021). Information and methodological support - as a means of intensifying the educational process. Euro-Asia Conferences, 159–161. Retrieved from <https://papers.euroasiaconference.com/index.php/eac/article/view/567>